



**A'ZAM O'KTAM IJODI BADIYYATI**  
**XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA**  
2020-yil, 26 – oktabr, *Andijon*

---

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО АЗАМА УКТАМА**  
**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН-КОНФЕРЕНЦИЯ**  
26 октября 2020 года, Андижан

---

**A'ZAM UKTAM'S LITERARY SKILLS**  
**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE**  
October 26, 2020 year, *Andijan*

---



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI  
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI**

**ROSSIYA FEDERASIYASI FAN VA OLIV TA'LIM VAZIRLIGI  
MOSKVA DAVLAT LINGVISTIKA UNIVERSITETI**

**A'ZAM O'KTAM IJODI BADIYATI**  
**XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA**  
**(Anjuman shoir A'zam O'ktam tavalludining 60 yilligiga bag'ishlanadi)**  
**M A T Y E R I A L L A R I**

**ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО АЗАМА УКТАМА**  
**М А Т Е Р И А Л Ы**

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ ОНЛАЙН-КОНФЕРЕНЦИИ**  
**Конференция посвящена 60-летию поэта Азама Уктама**

**A'ZAM UKTAM'S LITERARY SKILLS**  
**M A T E R I A L S**

**OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE**  
**The conference is dedicated to the 60th anniversary of the poet A'zam Uktam**

**Андижон – 2020**

**УДК 8085**  
**ББК 83.3 (ЎЗБ)**  
**A 91**

O'zbekiston Respublikasi Ma'naviyat va ma'rifat markazi, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi hamda Moskva davlat Lingvistika universiteti bilan hamkorlikda o'tkazilgan "A'zam O'ktam ijodi badiiyati" mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy onlayn konferensiya materiallaridan iborat. To'plamda A'zam O'ktam ijodi badiiyati, shoir asarlarining til xususiyatlarini ilmiy-nazariy jihatdan o'rganishga e'tibor qaratilgan.

"A'zam O'ktam badiiy mahorati" mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy onlayn anjumani materiallari / Andijon, 2020. – 672b

**Mas'ul muharrirlar:**

**Bahodir RAHMONOV**  
**filologiya fanlari nomzodi, dotsent.**  
**Hulkar HAMROYEVA**  
**filologiya fanlari nomzodi,**  
**O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi a'zosi**

**To'plovchi va nashrga tayyorlovchi:**

**Zilolaxon ESHANOVA**  
**filologiya fanlari bo'yicha falsafa (Phd) doktori**

**TASHKILY QO'MITA:**

M.Mirzo – rais, Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi rahbari, senator  
A.Yuldashev – hamrais, Andijon davlat universiteti rektori, b.f.d., prof.  
R.Sayfullayeva – a'zo, O'zMU professori, f.f.d.  
B.Qorayeva – a'zo, p.f.n., Moskva davlat Lingvistika universiteti dotsenti (Rossiya)  
B.Rasulov – a'zo, ADU ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektori  
Q.Qahramonov – a'zo, TDPU professori, f.f.d.  
D.Quronov - a'zo, ADU professori, f.f.d.  
S.Mirzayeva – a'zo, ADU professori f.f.d.  
N.Sharipova – a'zo, OAK raisining davlat tili bo'yicha maslahatchisi  
Yo.Saidov – a'zo, BuxDU professori, f.f.d.  
S.G'aniyev – a'zo, Chimkent shahridagi 53-maktab o'qituvchisi (Qozog'iston)  
A.Ulug'ov – a'zo, A.Navoiy nomidagi TDO'TAU dotsenti, f.f.n.  
Z.Mansur – a'zo, O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Namangan viloyati bo'limi rahbari  
B.Karimov – a'zo, A.Navoiy nomidagi TDO'TAU professori, f.f.d.  
U.Jo'raqulov – a'zo, A.Navoiy nomidagi TDO'TAU professori, f.f.d.  
M.Qurbonova – a'zo, Neyde universiteti professori, f.f.d. (Turkiya)  
M.Yuldashev – a'zo, O'zR madaniyat vazirligining davlat tili bo'yicha maslahatchisi, f.f.d.  
S.Mo'minov – a'zo, FarDU professori, f.f.d.  
Z.Mamajonov – a'zo, ADU kafedra mudiri, f.f. bo'yicha falsafa doktori  
S.Umirova – a'zo, SamDU dotsenti, f.f. bo'yicha falsafa doktori  
F.Hamroyev – a'zo, SamDU o'qituvchisi  
Z.Norqo'ziyeva – a'zo, O'zDMS instituti o'qituvchisi  
T.Butunbayeva – a'zo, SamDU tadqiqotchisi  
U.Rahmonov – a'zo, ADU doktoranti

**Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.**

**“АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ БАДИИЯТИ” МАВЗУСИДА  
ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОНЛАЙН  
АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!**

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Халқаро илмий-амалий анжуман қатнашчилари!

Сизларни Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида “Аъзам Ўктам ижоди бадиияти” мавзусида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилаётган Халқаро илмий-амалий онлайн анжуманнинг очилиши билан чин қалбдан табриклайман ҳамда анжуман ишига муваффақият тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони жамият тараққиётида улкан ҳодиса бўлиши билан бир қаторда ижод аҳли, соҳага оид олий ўқув юртлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу нуқтаи назардан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида ўтказилаётган мазкур Халқаро анжуман муҳим аҳамият касб этади. Унда таниқли шоир ва моҳир таржимон Аъзам Ўктам ижоди мисолида адабиётимизнинг кечаги тарихи ҳамда истиқболига оид долзарб мавзулар кўтарилаётганлиги диққатга сазовор эканлигини, янги истеъдодларни кашф қилишини алоҳида таъкидламоқчиман. Зеро, Аъзам Ўктам XX аср ўзбек шеъриятининг ёрқин сиймоларидан бири, ўзининг 42 йиллик қисқа ҳаёти давомида дунё юзини кўрган “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърий тўпламлари, “Хабар” қиссаси билан адабиётимиз тарихида ёруғ из қолдирди. У Қуръони карим, “Мухтасар”, “Камол эт касбким...”, “Бобурнома”, “Шажарайи тарокима”, “Саботул-ожизин”, “Тўрт улус тарихи” каби ўлмас асарларга муҳаррирлик

қилди, жаҳон адабиётининг етук намояндалари Андерсен, Р.Тагор, Б.Дадье, Н.Рубцов, В.Висоцкий асарларини маҳорат билан ўзбек тилига ўгирди.

Ўйлайманки, Туркия, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон тилшунос-адабиётшунос, файласуф олимлари, ёш тадқиқотчилар, талабалар иштирок этаётган бу Халқаро анжуман бизларни янада яқинлаштиради, дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди ҳамда маданий – илмий - ижодий ҳамкорлигимиз ривожда янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги тамаддуни тарихидаги бутунлай янги овози сифатида муаззам саҳифа очади.

Хурмат билан,

**Сирожиддин САЙИД,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси,**  
**Ўзбекистон халқ шоири**



**“АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ БАДИИЯТИ” МАВЗУСИДА  
ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ОНЛАЙН АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!**

Ассалому алайкум, кадрли устозлар, азиз дўстлар, адабиёт мухлислари!

Сизларни таниқли шоир ва моҳир таржимон Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида Москва давлат Лингвистика университети, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилаётган “Аъзам Ўктам ижоди бадиияти” Халқаро илмий-амалий онлайн анжуманнинг очилиши билан табриклайман ҳамда анжуман ишига муваффақият тилайман!

Аъзам Ўктам - ўтган асрнинг 80 - йилларида, истиқлол арафасида адабиётимизга кириб келган уйғоқ, ватанпараст, миллатсевар адиблар авлодига мансуб. У нафақат бутун вужуди истиқлол ва эрк , озод сўз соғинчи ила ёнган, балки мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин, миллий – маънавий юксалишни орзу қилган ижодкор, шунинг баробарида иймон шоири ҳамдир. Унинг муқаддас китоблар нуридан баҳра олиш жараёнида шуълаланган сатрларидан ҳидоят нафаси келиб туради. У қалби зилол, ўйи мунаввар, сўзи пок шоир эди.Сўзни чин ихлос билан севар ва улуғларди.

“Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърый тўпламлари, “Бола дунёни тебратар” “Хабар” қиссалари унинг бадиий тафаккурдаги миллийликни, миллий ўзлик туйғусини нақадар улуғлаганлигининг исботидир.Уларда миллий-маданий тарихнинг ўқ илдизлари,инсон руҳиятидаги шиддатли, суронли, изтиробли, завқли туғёнлар қаламга олинган. Қуръони карим, “Мухтасар”, “Камол эт касбким...”, “Бобурнома”,

“Ҳикматлар”, ”Шажарайи тарокима”, “Саботул-ожизин”, “Тўрт улус тарихи”, “Баҳорни соғиндим” каби бебаҳо асарларга муҳаррирлик қилар экан, шоир олис мозий қатламларидаги маънавий баркамол меросдан бугуннинг ёшлари баҳраманд бўлишини истади.

Аъзам Ўктам ижодида шахс ва қалб озодлиги, миллат ва юртсеварлик, садоқат ва диёнат, диний-илоҳий мушоҳада, миллат характери, тафаккур тарзи каби ҳеч қачон эскирмас ғоя, тамойил ва мавзулар юксак маҳорат билан талқин қилинди. Шоир қўллаган шеърий санъатлар, бадиий тасвир воситалари, тил унсурлари алоҳида тадқиқот мавзуси бўлиши аниқ.

Россия, Туркия, Қозоғистон, Озарбайжон давлатларининг адабиётшунос, тилшунос, сиёсатшунос, файласуф олимлари ва ёш тадқиқотчилари иштирок этаётган мазкур Халқаро анжуманда XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири – таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктам ижодининг янги қирралари ҳамда илм оламига қадам қўяётган янги истеъдодлар кашф қилинишига ишонаман.

Ҳурмат билан,

**Минҳожиддин МИРЗО,  
Республика Маънавият ва маърифат  
маркази раҳбари, сенатор**

**“АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ БАДИИЯТИ” МАВЗУСИГА  
БАҒИШЛАНГАН ОНЛАЙН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ - АМАЛИЙ  
АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА !**

Ассалому алайкум ҳурматли анжуман қатнашчилари !

Шоир Аъзам Ўктам ижодига, хотирасига ҳурмат кўрсатганларингиз учун ўзимни миннатдорлигимни билдираман. Мамнуният билан алоҳида таъкидлашни истардимки, Аъзам Ўктам ижоди, унинг маънавий мероси Самарқанд давлат университети олимлари томонидан ҳам мунтазам тадқиқ этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, марҳум Нуриддин Шукуров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, профессор Муслиҳиддин Муҳиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, профессор Ҳотам Умурувларнинг Аъзам Ўктам ижодига бағишланган мақола ва тадқиқотлари алоҳида эътирофга лойиқ. Энг муҳими бу ишлар бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда. СамДУ филология факультети олимлари томонидан Аъзам Ўктам ижоди бўйича курс ишлари, битирув малакавий ҳамда магистрлик ишлари, номзодлик диссертациялари ёзилмоқда, шоир ижодининг ўзига хос томонлари ўрганилмоқда.

Келгусида Аъзам Ўктам хотирасига бағишланган илмий-амалий анжуманга Самарқанд давлат университети мезбонлик қилади. Аъзам Ўктам нафақат шоир балки, таржимон, муҳаррир, ёшларнинг жонкуяр устози, ислом маданияти, маърифати тарғиботчиси сифатида ҳам улкан эътироф ва эъзозга лойиқдир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида “Аъзам Ўктам ижоди бадиияти” мавзусида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази



билан ҳамкорликда ўтказилаётган Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман ишига муваффақият тилайман!

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,  
Самарқанд давлат университети ректори,  
техника фанлари доктори, профессор,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

**“АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ БАДИИЯТИ” МАВЗУСИГА  
БАҒИШЛАНГАН ОНЛАЙН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ - АМАЛИЙ  
АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА !**

Ассалому алайкум ҳурматли анжуман қатнашчилари !

Аъзам Ўктам ҳаёти ва ижоди бевосита Самарқанд ва Каттақўрғон адабий муҳити билан чамбарчас боғлиқ эди. У Каттақўрғонлик ижодкорларни ғоятда кадрлар уларнинг ижод намуналарини чоп эттириш, биринчи китобларини тайёрлаш борасида жуда кўп хайрли ишларни амалга оширган эди. Бугунги кунда халқимизнинг севимли шоираси, Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати, ўнлаб китоблар муаллифи Гулжамол Асқарованинг биринчи китобини ҳам раҳматли Аъзам Ўктам тайёрлаб, чоп эттирган эди. Каттақўрғонлик таниқли шоирлар Маъруф Жалил, Шамси Одил ва бошқа бир қатор ижодкорлар билан ҳам яқин алоқада бўлганлигини яхши биламан.

Аъзам Ўктам навқирон ёшда ҳаётдан кетган бўлса ҳам ҳаммани ҳавасини келтирадиган қисқа ва мазмунли умр кечирди. Ўзидан бой маънавий мерос қолдирди. Унинг “Кузда кулган чечаклар” номли илк китобидан бошлаб, барча асарларини севиб, ўқиганман. “Кузатиш” “Тараддуд “, ”Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби асарларида шоир ижодининг юксак қирралари яққол кўзга ташланади. Шоир ижодининг ўзига хос томонлари шундаки, у ҳақиқий миллатпарвар ва ватанпарвар эди. Аъзам Ўктам муҳаррир сифатида ҳам ўнлаб китобларни қайтадан дунё юзини кўришида, халқимиз мулкига айланишида холис хизмат қилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳали мустақиллик эълон қилинмаган бир даврда Чўлпоннинг

“ Баҳорни соғиндим” номли китобини нашр этилиши маданий ҳаётимизда улкан воқеа бўлган эди.

Аъзам Ўктамнинг маънавий жасорати Қуръони карим маъноларининг ўзбекча таржимасини илк бор нашр этилишида “Мухтасар”, “Бобурнома”, “Тўрт улус тарихи”, “Саботул-ојизин”... каби китобларни чоп этилишида яққол кўзга ташланади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлати университети ректорига, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййидга, Сенатор Минҳожиддин Мирзога ушбу халқаро анжуманни ташкил этганлари учун мамлакатимиз фахрийлари номидан миннатдорлик билдираман. Анжуман ишига мувоффақиятлар тилайман.

**Ҳасан НОРМУРОДОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони**

**“АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ БАДИИЯТИ” МАВЗУСИДА  
ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОНЛАЙН  
АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!**

Ассалому алайкум, азиз дўстлар, мухтарам устозлар!

Сизларни Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида “Аъзам Ўктам ижоди бадиияти” мавзусида ўтказилаётган Халқаро илмий-назарий онлайн анжуманнинг очилиши билан қутлайман ҳамда илмий анжуман ишига улкан ютуқлар тилайман!

Анжуманнинг Москва давлат Лингвистика университети, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилаётгани, унда мамлакатимиз илм аҳли билан бир қаторда Қозоғистон, Туркия, Россия, Тожикистон, Озарбайжон республикаларидан олимлар, тадқиқотчилар ва талабаларнинг иштирок этаётганлиги конференциянинг нуфузи баланд эканлигини билдиради.

Аъзам Ўктам ижодидаги руҳоният, миллий ўзликни англаш ва ифтихор қадрияти элим, юртим деб ёниб яшаш ҳамда масъулият туйғулари билан уйғунлашиб кетган. Унинг “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърий тўпламлари, “Хабар”, “Бола дунёни тебратар” каби қиссалари, публицистик мақолалари фалсафий теран, кишини ҳайратга соладиган даражада гўзал. У шогирдпарвар устоз, бадий-эстетик қарашлари баланд, миллатпарвар, беназир шоир сифатида ном қозонди. Мустабид тузум даврида муқаддас Қуръони карим, “Бобурнома”, “Шажарайи тарокима”, “Саботул-ожизин”, “Баҳорни соғиндим” каби бебаҳо китобларни нашрга тайёрлаш ва уларга муҳаррирлик қилиш мислсиз маънавий жасорат эди.

Аъзамжоннинг азиз хотираси, амалга оширган эзгу ишлари, ўлмас ва ўктам асарлари ҳамиша биз билан, жамиятимиз тараққиётига хизмат

қилмоқда, унинг иккинчи умри давом этмоқда. Унинг навқирон қалбида сўзга муҳаббат ва садоқат кучли эди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан 6-7 ноябрь кунлари Фарғона вилоятида ўтказиладиган анъанавий адабиёт кунлари доирасида Эркин Воҳидов номли ижод мактабида, Қўқон шаҳрида ва шоир туғилиб ўсган Бувайда туманида Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланади. Халқаро илмий-анжуман иштирокчиларини, шоир ижодининг тадқиқотчилари ва ихлосмандларини адабиёт кунларига таклиф қиламиз.

Самимий хурмат билан,

**Энахон СИДДИҚОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Фарғона вилоят бўлими раҳбари,  
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор**

**Андижон давлат университети ректори А.С. ЮЛДАШЕВнинг  
Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига  
ТАБРИК СЎЗИ**

Хурматли Халқаро конференция иштирокчилари!

Бугун мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу ислохотларнинг туб замирида ёш авлоднинг билимли, маънавиятли ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш мақсади ётади. Ҳозирги глобаллашув жараёнлари янада шиддат кечаётган даврда адабиёт хануз ёшлар маънавиятини шакллантирувчи кўрғонлардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор”, – деган сўзлари замирида том маънода кишилик жамиятида адабиёт ва санъатнинг беқиёс ўрни, аҳамияти борлиги ифодаланган. Адабиёт ва санъатни ривожлантириш бўйича Президентнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 18 апрелдаги ПҚ-2894-сонли “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижроси муваффақиятли таъминланмоқда.

Бугун Андижон давлат университетида ўзбек адабиётида муносиб ўринга эга бўлган Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллигига бағишланган



халқаро илмий-амалий онлайн конференция ўтказилмоқда. Унда хорижий давлатлар етакчи олий таълим муассасалари олимлари, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази вакиллари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари бўлган ёзувчи ва шоирларнинг иштирок этиши унинг алоҳида аҳамиятга эга эканлигидан далолат бермоқда. Аъзам Ўктам ўзининг ватанпарварлик, диний-маърифий ҳамда чуқур ижтимоий-фалсафий шеърлари билан китобхонлар қалбидан муносиб жой олган шоирдир. Унинг ижоди истиқлол даври шеърятининг янги тамойиллар асосида шаклланишига замин яратган, десак хато бўлмайди. Аъзам Ўктам ижоди ёшларимизни юксак маънавиятли, билимли ва ватанпарвар инсонлар сифатида шакллантиришга хизмат қилади. Конференция натижалари адабиётшунослик ва тилшунослик илми ривожига ҳам муносиб ҳисса бўлиб кўшилади деган умиддаман.

Барча иштирокчиларни Халқаро илмий-амалий онлайн анжуманнинг бошланиши билан самимий қутлайман ва конференция ишида муваффақият тилайман.

## АЪЗАМ ЎКТАМНИ ХОТИРЛАБ...

Шайх МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ ҳазратлари

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*

*Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.*

*Пайгамбаримизга мукамал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин.*

*Бундан бир неча йиллар аввал Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари марҳум шоир Аъзам Ўктамнинг «Тараддуд» номли шеърий тўпламидаги баъзи шеърлари ҳақида ўз фикрларини билдирган эдилар. Қуйида эътиборингизга мазкур мақола матнини ва унга кейинроқ ёзилган иловани тақдим этамиз.*

Инсон табиатида қизиқ бир ҳолат бор. Баъзи бир фикрларни узоқ муддат инсон ўзида тўплаб, ўйлаб, пишитиб юради. Лекин нимагадир ўша фикрларни юзага чиқариб айтиш, кўпчилик билан баҳам кўриш ўрнига кўйилмай келади. Баъзи бир ҳодисалар туртки бўлган пайтда ана шу тўпланиб турган фикрларни, йиғилиб қолган ўй ва мулоҳазаларни кўпчиликка айтиш, ёру биродар, маҳбуб инсонлар билан ўртоқлашиш истаги туғилиб қолади.

Камина ходимингизни ҳам кўпдан буён шеър ва шоирлар, умуман шеърхонлик тўғрисида баъзи бир фикрлар ўйлантириб келади. Нимагадир ана шу фикрларни юзага чиқариш, кўпчилик билан баҳам кўриш анчадан бери орқага суриб келинар эди. Ана шу тўпланиб қолган фикрларни юзага чиқариш рағбати мухтарам шоиримиз Аъзам Ўктамнинг «Тараддуд» деб номланган китобини ўқигандан кейин қатъийлашди. Бу китоб ва ундаги шеърлар тўғрисидаги камтарона мулоҳазаларни айтишдан олдин миллий шеърятимиз ва шоирлар тарихига қисқача бир назар ташлаб ўтишни мувофиқ кўрдик.

Ҳаммага маълумки, бизнинг юртимиз Мовароуннахр - Туркистон бутун дунё шеърлятида ўзига хос ўрин тутган буюк шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халқлари шеърят хазинасига ўзининг олтин саҳифаларини, олтин байтларини бошини баланд кўтарган ҳолда тақдим этган бир юртдир. Албатта ана шу мақтовга сазовор шеърят, шеърый асарлар, шоирлар, уларнинг фаоляти, савияси, ҳамма-ҳаммаси шу диёрнинг қадимдан муқаддас дини бўлиб келадиган Исломи дини билан ҳамбарчас боғлиқ эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Улуғ шоирларимизнинг пур ҳикмат байтлари, Қуръони Карим оятлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, мусулмон уламолардан чиққан ҳикматларга йўғрилган эканлиги ҳам ҳаммамизга очиқ ойдин равшан. Ўйлаб қарайдиган бўлсак, шеърят мулкининг султони Алишер Навоидан бошлаб мавлоно Лутфий ёки бошқа улуғ шоирларимизнинг номларини айтиб ўтишнинг ўзи ҳам жуда кўп вақт олади. Уларнинг ҳаммалари диний илмлардан етарли маълумотга эга бўлган ва кўплари тасаввуф тариқатларидан бирини маҳкам тутган, ҳатто баъзилари тариқатларга шайх бўлган улуғ инсонлар эдилар. Шунингдек шоирларимиз, ўтган буюк заковат эгаси бўлган момоларимиз ҳам ана шундоқ диний маълумотдан, Иломий маърифатдан ва шарият таълимотларидан ниҳоятда ажойиб бир услуб билан фойдаланиб шеър ёзганларидан, уларнинг шеърлари пурҳикмат ва доимо ичида собит бир ўринни тутиб келадиган даражада теран чиққан.

Мазкур шоирларимизнинг шеърлари йиллар ўтиб, асрлар ўтиб тилма-тил кишиларнинг, халқимизнинг қалбида, ёдида китобларида келиши ҳам асосан ана шу боисдан, шариятга боғлиқ эканлигидан, ҳикматга бой эканлигидан ва халқчил эканлигидандир. Яна бир ҳақиқатким, шундай инсонпарвар, маърифатпарвар ва олий инсоний қадриятларни мадҳ этган ва ўз ўринларини ажойиб бир шаклда тутган шоирларимиз билан бирга, манфаат шоирлари, баъзи шахсларнинг маддоҳлари ҳам бўлган. Лекин ўша шоирлар ҳам, уларнинг шеърлари ҳам тезда унутилган. Чунки улар халқ учун

эмас, ҳақ учун эмас, ҳақиқат учун эмас, бошқа нарса учун шеър айтган эдилар.

Юртимизда шараф билан ўтган шоирларнинг ҳикмат тўла шеърлари доимо қадрланиб келган. Улар ўз ўз шеърларининг ҳикматга бой бўлишига Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Инна минаш шеъри лаҳикматан», ҳадисини шиор қилиб олганлар. Яъни, албатта, шеърда ҳикмат бордир деган маънодаги ҳадисларини. Лекин вақт ўтиши билан, халқ диндан, Исломдан узоклашиши, бидъат-хурофот ботқоғига ботиши оқибатида аста-секин шеърят савияси ҳам пасайиб, айниқса диний илмлар, шариат ва Қуръон таълимотларига яқинлашишлари озайиб, қисқариб, сусайиб борган. Ниҳоят коммунистик даврга келганда кўпчилик шоирлар, ёзувчилар тузум мафкурасига эргашган ҳолда унинг югурдақларига, хормас, чарчамас маддоҳларига айландилар. Уларнинг ўша пайтдаги ҳолатлари Қуръони Каримнинг “Шуаро” сурасида келтирилган ва шоирларни васф қилган оятларга ғоят тўғри келадиган бўлди. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло “Шуаро” сурасида шундоқ деган эди: «Ва шоирларга гумроҳларгина эргашур. Уларни ҳар водийда дайди- ишларини ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишларини кўрмадингми?»

Ҳақиқатдан, коммунистик партиянинг содиқ хизматкорлари бўлган шоирлар ҳар хил водийларда, компартия кўрсатган водийларда дайдийдиган ва ўзлари айтган, яъни қилмайдиган гапларини айтадиган ҳолга ўтдилар. Бу ҳақиқатни 1985 йилда бошланган, қайта қуриш, ошкоралик ва демократия пайтида ҳаммалари бир оғиздан, мухтарам шоирларимизнинг ўзлари ҳам тан олдилар. Улардан кўзга кўринган бирларини айтишича, у киши улуғ ёшдаги шоирлардан бирини зиёратига бориб, “фалончи ака бу қандоқ бўлди? Шунча ёзганларимизни бир ғалвирга солиб кўрсам, ғалвирда турдигани йуқ-ку”, дебди. Шунда улуғ ёшдаги шоир, “ҳа, сен ҳали ёшсан, бундан буюққа ҳам ишни тўғирлаб юборишинг мумкин. Лекин биз қариб қолдик. Биз нима қиламиз?! Мен шахсий кутубхонамда юраётганимда ўзимнинг китобларим тўғрисида келганда кўзимни юмиб ўтаман”, деган эканлар. Бу аччиқ ҳақиқат

эди. Лекин уларга ташаккурлар бўлсинким, шу аччиқ ҳақиқатни тан олишлари, бир-бирларига айтишларига қудратлари етди. Ана шу вақтдан бошлаб шоирларимизда ўтган бесамар даврларнинг ўрнига ҳам яхшироқ бир шеърлар ёзиш, Ҳаққа, халққа, ҳақиқатга хизмат қилиш, ҳикматли нарсаларни тақдим қилиш истаги туғилди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Кўплари Исломий мавзуларда ҳам баъзи бир шеърлар айтиб, қалам тебратишга уриниб кўрдилар. Бу уринишларнинг кўплари маълум бир ҳадиси шарифларни, оятларнинг маъносини шеърий йўл билан вазнга солиш, баъзи бир Исломий ҳикматларни ва фикр-мулоҳазаларни шеърга солиш каби ишлар билан бўлди. Албатта, вақт ўтган пайтдан қалам соҳиблари бўлмиш мухтарам шоирларимиз дину диёнатимиздан узоқлашган, Қуръону ҳадисдан мутлақо йироқда бўлганликлари туфайли кўпгина хатоларга ҳам йўл кўйдилар. Ёзган нарсалари саёз, баъзи бир енгилроқ нарсалар чиққан десак ҳам хато қилмаган бўламиз. Албатта, буларни ичида яхши, салмоқли, ҳаммининг таҳсинига сазовор бўлган шеърлар ҳам бор эди. Лекин булар оз эди. Ўтган баъзи бир суҳбатларимизда ана шу шеърларда содир бўлган баъзи бир хатолар, янглишишлар тўғрисида суҳбатлар ҳам қилган эдик.

Мана энди Аъзам Ўктам жанобларининг «Тараддуд» китобларини ўқиганда камина ходимингизда мутлоқ бошқа бир фикр пайдо бўлди. Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган шеърият мана шу даражага чиқса эди деган хоҳиш, истакни айнан «Тараддуд» китобида кўрдим. Аввало тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўктамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иқтидори бор шоир, ҳам ватандошни танимаслик албатта биз учун обрў ҳам бўлмас.

Менга бу китоб кимдир тарафидан ҳадя тариқасида бир неча китоблар орасида юборилибди. Баъзи бир китобларни олиб биринчи саҳифасини ўқигандан сўнг, иккинчисини очишга инсон ўйланиб қолади. Лекин «Тараддуд» китобининг биринчи саҳифасидаги шеърни ўқиб бўлган инсон эса сергакланиши, тезроқ иккинчи саҳифани очишга уриниши, менимча, турган бир гапдир. Шунинг учун «Тараддуд» китобидаги шеърлар тўғрисида

айтиладиган камтарона мулоҳазалар шоир шахсини мутлақо танимаган инсоннинг мулоҳазалари бўлади. Албатта, камина ходимингизда шоирлик йўқ. Адабий танқидчилик малакаси йўқ. Шеърларга баҳо бериш даъвоси ҳам йўқ. Лекин келгуси гаплар оддий бир шеърхоннинг фикр-мулоҳазалари ва сизлар билан ўртоқлашиш учун айтиладиган фикрлар бўлади десам хато қилмаган бўламан.

«Тараддуд» китобидаги шеърлар диний мавзудаги бошқа шеърлардан фарқли ўлароқ баъзи бир оятларнинг, ҳадисларнинг ёки Исломиё хикматларнинг таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг ҳаёт жараёнида қоришиб кетган фикрлари, ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулоҳазалари ва халқи учун, дини учун қуюниши, иймон-эътиқоди учун ёниб яшаши акс эттирилганлиги билан ажралиб туради. Ана шу нарсаларни «Тараддуд» китобини саҳифалаб шеърларни ўқиганимизда яққол кўрамиз. Бу шеърларда мусулмон инсон, динини худди чўғни тутгандек тутиб, диндан ажраб қолган бир жамиятда яшаб келган инсоннинг фикрлари, унинг қийналишлари, ўртанишлари ва халқи учун қуюниши ўз ифодасини топгандир. Яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, «Тараддуд» шеърый тўплами жиддий қуюниб ёзилган шеърлар тўплами десак хато қилмаймиз.

Бу ерда енгил-елпи, куйдим ёндим шеърлар йўқ десак хато қилмаган бўламиз. Аввал айтиб ўтганимиздек, биринчи шеър ҳақиқатдан диққат эътиборни тортадиган бир шеър эди. У шеър «Ўтинч» деб номланади:

*Сўзим, жон бахш сўзим, ёрдин*

*Менга ширин ҳикоят қил.*

*Кўзим, йиғла, бу ёрсизлик,*

*Бу ҳижрондин шикоят қил.*

*Қўлим, ёнгил қулоқларни,*

*Эшитма ҳеч маломатни.*

*Юрак, очгил у дафтарни,*

*Яна бошдин ривоят қил.*

*Оёғим, юр кетайлик бу*



*Зулмкорларнинг ёнидин.  
Етиб боргач синиб битгил,  
Бугун аммо ҳимоят қил.  
Кўнгил, сендин ризодирман,  
Биру Бор ул, десанг басдир.  
Сенга измимни берганман,  
Жўшиб, майли, жиноят қил.  
Тилим, қўрқинчларим сендан,  
Хатарли сенга эрк бермоқ.  
Ўтинчим: Ўзидин доим  
Сен умиди ҳидоят қил.*

1991 милодий санада ёзилган бу шеърда шоир ўзининг барча аъзоларига хитоб қилиб, улардан тўғри йўлда бўлишини талаб қилади. Кўнгилдан Аллоҳ таолони Биру бор дейишлигини сўраб, ўтинчи фақат ҳидоят умиди: Аллоҳнинг йўлига ҳидоят, шариатнинг йўлига ҳидоят эканлигини қаттиқ таъкидлайди. Албатта, бундоқ маънолар уларни тушуниб етган инсонларни ҳаяжонга солиши, уларни ажойиб бир жўшқин ҳолатга келтириши турган бир гапдир.

\* \* \* \* \*

Ҳаммамизга маълумки, коммунистик мафкура шоирлари ўша тузумга тобе ва хизматкор бўлган тоифалар қатори ер юзидаги Аллоҳнинг яратган нарсаларини, табиатнинг усталиги, табиатнинг моҳирлиги каби иборалар билан сифатлашар эди. Табиат офатлари, баъзи бир бўладиган ҳодисаларни эса табиат инжиқликлари деб таърифлашар ва ўзларича табиатни жиловлашга, ўз иродалари олдида уни тиз чўктиришни даъво қилишарди. Уларнинг айтадиган шеърларида ҳам, ёзадиган асарларида ҳам мана шу нарсани яққол кўриш, билиш, сезиш мумкин эди.

Аммо Аъзам Ўктамнинг шеърларида Исломий фалсафа худди шу мавзуга келганда яна барқ уради. Атрофимизни ўраб турган барча махлуқотлар, нарсалар буюк яратувчи Холиқ - Аллоҳ таолонинг

махлуқотлари ва ўша Зотнинг Биру Борлигига, Холиқу Мудаббирлигига далиллар эканлигини олға суради. Шоир ўша нарсаларнинг ҳаммаси ҳам Аллоҳга ибодат қилишини ажойиб бир услублар билан тасвирлайди. Албатта, бу Исломий фалсафа. Қуръон оятларининг маъноси. Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассалом ҳадисларининг маъноси. Буни ўзбек шоирларидан бири бўлмиш Аъзам Ўктам байтга солган. Мана шу шеърлардан бири «Тараддуд» китобида келган «Мўъжиза» шеъридир. Бу шеърда шоир осмонда пайдо бўлган камалакни, унинг ажойиботларини кўриб Аллоҳнинг қудратига тан берганини ва инсон мен буюкман деб ғурурга кетмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлайди.

*Етти қават осмон остида турдим,  
Жигарим деб етти ога - инини.  
Роса етти кунлик йўл юриб кўрдим,  
Соҳир камалакнинг етти рангини.  
Қўлим ҳайрат ила ёқамни тутди,  
Эслаб саждага бош қўйган бобомни.  
Айт, эй кўнгил:  
Ким бунинг тагига етди?  
Ташла  
«Мен – буюкман!» - деган даъвонгни.*

Мана бу ҳақиқий инсоннинг - Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг қудратига тан берган инсоннинг эътирофи ва ажойиб бир усулда қилган иқрори. «Ибодат» деб номланган шеърда эса қуйидагилар айтилади:

*Тоғлар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,  
Такбир айтган чоғи гулдираб само.  
У янглиг муножат қила олур ким,  
Ёмғир - бу - тичирлаб қилинган дуо.  
Ел йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,  
Майсалар қалтираб қилурлар сажда.  
Дуолар ижобат бўлган саналар,*

*Кун нурлари бутун келтирар мужда.*

Мана бу шеърда бутун мавжудот, еру осмондаги нарсалар Аллоҳга сажда қилиши, Аллоҳни улуғлаши, Аллоҳ субҳанаху ва таолонинг бир махлуқотлари бўлганлигини ажойиб бир услуб билан тавсиф қилинади. Шу фалсафа, мана шундай руҳда айтилган шеърлар албатта Исломиё руҳга тўғри келади. Мусулмонлик ақийдасига тўғри келади. Ва албатта ўқувчиларда ажойиб бир ҳис қолдиради. Ўзининг бандалик масъулиятини сезишга ва табиатга Аллоҳнинг улуғ қудратини намуналари сифатида ҳурмат билан қарашга, эҳтиром билан қарашга, уни тиз чўктириш, жиловлаш эмас, балки улардан унумли, яхши йўлда фойдаланишга ўтишга даъват бўлади. Бу айниқса ҳозирги кунимизда керакли бир фикр бўлиб, бундоқ маънони ҳар бир тоифа, ҳар бир инсон яхши ўзлаштириб олиши керак бўлган замонда яшаб турибмиз. Бу шеърлар кимнидир ўзига қаратиш учун айтилган эмас. Ёки кескин гапларни гапириб ўзини кўрсатиш учун эмас. Балки бутун вужудга сингган, юракнинг тўридан самимият билан чиққан бир ҳазин оҳангдир. Аъзам Ўктамнинг шеърларини ўқир эканмиз Исломиё ибодатларга, намоз, рўза каби Аллоҳнинг бандаларига, мўмин-мусулмонларга амр этган фарз ибодатларига алоҳида эътибор, уларни бажаришга мўмин-мусулмон инсон қанчалик тайёр туриши ва ундан роҳатланиши лозим эканлигига ишоралар, ажойиб бир туртки бўлган сатрлар, мисралар келади. Бу албатта жуда яхши бир ҳолат. Шеърят услуби билан инсонларни эзгуликка даъват қилиш, ўзининг бандалик бурчини англашга даъват қилиш услуби ҳисобланади. Бу нарсани шоир жуда усталик билан ифода этган. Ва у Аъзам Ўктам ижодини кучли қилиб турибди.

«Неъмат» шеърини оладиган бўлсак. Гап Рамазони шариф ҳақида кетади. Рўза тутиш ҳақида кетади. Рамазон рўзаси ҳақидаги шеърга «Неъмат» деб ном қўйиш шоирнинг ғоят усталигини, ҳассос эканлигининг ифодасидир. Чунки Аллоҳ бандаларига буюрган ибодат ҳақиқатдан неъматдир.

*Рамазон – машаққат, синовлар оёи,*

*Ўттиз қоронғу кун, ўттиз ёруғ тун  
Тонглар насиб этди тоза ҳавою  
Булбулнинг овозин саҳарлик учун.  
Аччиқ сўз чиқмайдур - ёпиқдир оғзим,  
Бировга қадалиб тикилмоқ тамом.  
Кўнгил тўқ, руҳ енгил.  
Хушбахтман ўзим -  
Гул исин ифторлик учун берди шом.*

Қаранг-а, саҳардан шомгача бўлиб ўтадиган нарсаларни, саҳарнинг тоза хавосини, саҳарликка турган инсонни кушларнинг, булбулларнинг овозини эшитишини ва шомда келгандаги гулнинг исини ҳаммасини Рамазонга боғлаб Аллоҳнинг бир неъматини эканлигини, Рамазонда ўзига хос алоҳида бир фусункорлик кашф этилишини шоир усталик билан баён этган. Бошқа бир шеър «Қутлов» деб аталади. Бу шеър жуда қисқа бўлса ҳам намозни улуғ бир ибодат эканлигини таърифлайди.

*Не бўлғай яшашни  
сал осон қилсанг,  
Қил сизмаган кўнглинг  
шуълага тўлсин.  
Ҳар намоз орасин  
Рамазон билсанг,  
Бир кунда беш ҳайит  
Муборак бўлсин!*

Демак, бир кунда беш марта намоз ўқилади. Беш намоз ўртасида бешта ора вақт бор. Ҳар бири Рамазон. Ҳар намоз вақти келганда ўша Рамазон тугаб ҳайит бўлган бўлади. Бу маъно ҳам жуда зўр бир усталик билан баён этилган. Нақадар кучли ва мантиқли ўхшатиш! Намознинг орасидаги вақт ва намознинг ҳайитга тенглаштирилиши ҳаётни осонлаштириш учун керак бўладиган кучли бир омил эканлигини баён қилиш маъносида айтилгандир. Албатта бу шоирнинг улкан муваффақияти. Биз бу муваффақият билан у

кишини муборакбод этамиз ва ўйлаймизки, бу услуб, бундай нарсалар яна давом этиб бораверади. Маълумки, етмиш йил ва ундан кўпроқ худосизлик тузуми даврида яшаган халқимиз дину диёнатдан, одоб ахлоқдан, шариатдан жуда ҳам узоқлашиб кетган эди. Аммо кўпчилик оғзида мусулмонман, Ислом менинг диним деса ҳам, ҳақиқатда Исломдан, иймондан нихоятда узоқ бир ҳолатда эди. Шу билан бирга қайта қуриш йиллари пайтида қайта-қайта такрорланганидек халқнинг Исломдан, иймондан узоқлашиши унинг ўзлигини унутиш, хусусиятларини йўқотиш, бошқаларга, аниқроғи, мустамлакачиларга эргашиб, уларга таклид қилиш ҳолига олиб келиб қўйган эди. Бу нарса ҳаётнинг барча соҳаларида яққол кўзга ташланар эди. Лекин баъзи бир ҳолатларда вақтинчаликка бўлса ҳам элу юрт, кўпчилик ўзлигини ёдга олар, ўз дину диёнатини, урф - одатини ва ўз хусусиятини озгина муддатга бўлса ҳам ўзида намоиш қилишга ўтар эди. Мен шу ҳолатни муҳтарам шоиримиз Аъзам Ўктам ўз шеърларида ажойиб бир нигоҳ ила илғайди ва теран фалсафа билан изҳор этган. Шу билан бирга у киши ўзликни йўқотишлик ҳолатини қаттиқ танқид қилган. Аммо буни қуру сўкишлар ё оғир таъна дашномлар билан эмас, нозик ўхшатиш, тагдор киноя билан ифодалайди. Шоирнинг ҳаёти, фикри, фалсафаси, дину диёнатини, эътиқоду шариатини ва ўз хусусиятини йўқотган халқ ана шу нарсаларни ўлим вақтида ўзининг яқин кишилари, таниш-билишлари вафот этган пайтида ёдга олиши, асл ҳолига қайтишга ҳаракат қилиши ғалати бир ҳолат эканлигини жуда усталик билан баён этади. Бу ҳолатни биз «Изоҳ шарт эмас» номли шеърда кўрамыз.

*Бугун замгин ташлашар назар,  
Ҳол сўрашар астагина ё -  
Дўппи ёхуд чопон кийсанг гар,  
Жиддий, хомуш юрсанг мабодо.  
Буни ҳатто ўрис ҳам билар,  
Кўниккан бу эл аҳволига -  
Кимдир бўлар, нимадир бўлар*

*Ўзбек қайтса асл ҳолига!*

Биров асл ҳолига қайтса, жиддий юрса, ўзининг асл миллий кийимларини кийса, ҳатто ғайридин ўрислар ҳам: “ҳа, бунинг бошига мусийбат тушибди, бунинг бирон кишиси ўлган шекилли ёки бунга бошқа бир мусибат етганга ўхшайди”, дейди. Унинг кўринишидан, ўша шахсни асл ҳолига қайтишига ҳаракат қилишидан унга мусийбат етганини англаб олишини ана шу ҳолатда васф этмоқда. Шоир халқнинг, кишиларнинг ўзининг асл ҳолига қайтиши жуда зўр нарса эканлиги, жуда улуғ бир нарса эканлигини таъкидлаш мақсадидами? Агар шу халқ ўзига қайтадиган бўлса, агар ўлим халқни ўз хусусиятини эгаллашга даъват қиладиган бўлса, туртки бўладиган бўлса, майли, ўлим ҳам бўлаверсин дейди. Буни биз «Соғинч» шеърдан биламиз. Ўша шеърда қуйидаги мисралар бор:

*Жанозага борсам, негадир  
Кўзим қувнаб бўлурман беҳол.  
Фақат шундоқ ўхшайди ахир  
Эр эркакка, аёлга аёл.  
Бир дард ўртаб юборди дилни,  
Ёзарканман титратиб қўлим:  
Ўз аслига қайтарса элни,  
Ўлим бўлсин ҳар куни, ўлим.*

Ҳақиқатдан ўйлаб кўрадиган бўлсак, ўлим пайтида кишилар ўз ҳолига қайтишга одатланиб қолишган. Бошқа вақтда ўз ҳолини, ўз динини, ўз хусусиятини, ўз урф - одатини, шариятини, иймон-эътиқодини мутлақо ёдга ҳам олмайди. Кўнглига нима тушса шуни қилади. Бошқа халқларнинг урф-одатига, уларнинг қилиқларига тақлид қилиб, ўшаларга ўхшашга қўлидан келганича уринади. Эркаклар ҳам ўз хусусияти, ўз миллати, ўз динига хос нарсаларни қилишга ҳеч қизиқмайдилар. Балки бошқаларникига ҳаракат қиладилар. Ана шу ҳолат, ўлим пайтида ўз аслига қайтишдир. Эркаклар ҳам жиддийлашиб аввалги байтларда айтилганидек, ўзларининг миллий кийимини кийишиб, одоб-ахлоқли, бир-бирларига меҳрибон бўлишиб ҳатто



аввал баъзи бир келишмовчиликлар бўлиб урушиб, гаплашмай юрса ҳам, ўлим сабабидан гаплашиб, ниҳоятда яхши бир ҳолатларга ўтадилар. Аёллар бошқа вақтда қандоқ юрган бўлса ҳам, ўлим сабабидан яхши, эҳтишомли кийимларини кийиб, бошларига рўмол ўраб, ўзларини жуда бир андиша билан тутиб қоладилар. Ҳатто ўлим бўлган хонадонга келганларида эркакларнинг турганини кўриб, тўхтаб бир четга чиқиб қоладилар. Эркаклар эса, қочиб туринглар, аёллар ўтиб олсин деб ўзларини четга олишади. Бу ишларнинг ҳаммаси ўлим маросимида яққол кўзга кўринади. Ҳақиқатдан, ўлим катта даҳшат. Ким бўлишидан қатъий назар биров ўлгандан кейин, тирик қолганлар ана шу ўлимдан сесканадилар. Ўзларининг бошида ҳам бир кун шу иш бўлишини яққол сезадилар. Бу эса уларнинг қалбларининг нурафшон бир нуқталарини очиб Аллоҳни эслашга, ўлимни эслашга, Қиёматни эслашга ва бошқа масъулиятларни эслаб ўзини яхши тутишга олиб келади. Жамиятимизда ана шу ҳолат фақат ўлимда бўлганлиги учун шоир муболағага бориб «агар халқ ўз ҳолига қайтадиган бўлса ўлим тез-тез бўлиб турсин» деган маънони айтишгача бориб етади. Лекин бу маънони у жонидан тўйганидан айтгаётни йўқ, балки уни буни айтишга жамиятдаги ноқулай ҳолатлар мажбур қилганлигини айтиб, кейинги сатрларда Аллоҳ таолодан кечирим сўрайди. Бу гапни айтишга уни нима мажбур қилганини баён қилади. Демак бу ерда шоир ўз халқи билан ҳамдард бўлиб яшаётганлиги, ўз жамиятидаги камчиликлардан ниҳоятда куйинаётганлиги ва уларни тўғри йўлга тушиши, ҳақиқий бир ҳолда бўлиши халқнинг ўз аслини билган ҳолда, ўзлигини билган ҳолда, ўз дини диёнатига, эътиқоду шариатига амал қилган ҳолда яшашини орзу қилиши шуни чин дилдан тилашини рамзи деб биламиз. Бу ўша пайтлардаги ўзини билган ҳар бир мусулмон инсоннинг орзуси эди.

Шоиримиз Аъзам Ўктам ҳам ана шу кишилардан бири эканлигини мана шу баётлардан, шеърлардан билиб оламиз. Юқорида жамиятни ва унинг аъзоларини ўз аслига қайтиши, ўзини ўзи билиши, ўзлигини йўқотмаслигини маҳкам тутиши борасида ҳатто ўлимда шу нарса

тез-тез такрорланиш оқибатида агар ҳар инсонни ўз аслига қайтарадиган бўлса ўлим бўлса бўлсин ҳар куни деган маънодаги байтларни айтиб ундан кейин Аллоҳ таолодан кечирим сўраган шоиримиз деб айтган эдик. Ана шу кечирим сўрашини ортида нима учун бунчалик шиддатли ҳукм чиқариб ана шундоқ кўпчиликка маъқул бўлмайдиган ўлимга ҳам рози бўлаётганлигини баённи ўша вақтларда, ҳозирда ҳам жамиятимизда содир бўлган бир муносабатга боғлайди. У ҳам бўлса аёл қизларимизни эҳтишомли, шаръий ҳолатда кийиниб ўзларини ораста тутишлари тўғрисидаги муносабат. Албатта аввалда аёл қизларимизда шарму ҳаё кўтарилиб, бошқа оврупа халқларнинг аёл қизларига ўхшаб кийимлари ниҳоятда уятли равишда бўлиб, шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар кўча куйларда авж олган эди. Бу албатта мўмин мусулмон инсонларни қалбига худди ханжардек санчилар эди. Лекин қайта қуриш, ошкоралик, халқларни ўзлигини таниш жараёнида бўлиб ўтган воқеалардан сўнг эл юртлар ўз динига қайтиш воқеалари даврида бизнинг аёл қизларимизнинг кўплари ҳам ўзларини, ўзликларини билдилар. Кийимларини Исломиё қилиб кийинишга, ўзимизнинг покиза момоларимиз кийингандай эҳтишомли кийим бўлишига, ўзларини латофатини сақлайдиган бир ҳолатга ўтишга, ор-номусни сақлайдиган бир ҳолатга ўтишга ҳаракат қилдилар. Аёл-қизларимизни яхши бир ҳолатдаги кийимларни кийишга ўтишлари, албатта қалбида заррача бўлса ҳам иймони бор кишиларни ниҳоятда қувонтирди. Мана шу ҳолатни шоир Аъзам Ўктам ўзининг шеърда ажойиб бир ҳолат билан акс эттирган. Аввал айтганимиздек элни ўзига, аслига қайтарадиган нарса ўлим бўлса бўлаверсин деганидан кейин кечирим сўраб қуйидагиларни айтади:

*Кечир, Тангрим, қил умрин узун,*

*Бежиз эмас лек шикоятим:*

*Шундай зўр халқ ҳаттоки бугун*

*Англамаюр ҳижоб оятин.*

*Айтай қўлим кўксимга қўйиб -*

*Кексалар не қилмиш ҳикматлик.*

*Қайга кирса, чиқса-да доим  
«Пўшт!» дер эди бобом раҳматлик.  
Ўв, қандайин замон ўзи бу,  
Чирт юммасанг бўлмагай кўзни.  
Кўплар бундан чекмайди қайғу,  
Фақат ҳаммол айтар бу сўзни.  
Ҳай, оналар, бунча «ботир»сиз -  
Тирик ота қолмаганми ё?  
Қизлар, қаён кетаётирсиз -  
Ахир кўча уй эмас асло.*

Мана бу ва ундан кейинги келадиган байтларда шоир ҳижоб оятини тушунмаётганлардан ниҳоятда ранжийди. Шу билан бирга ота-боболаримиз бу оятни, шариатимизнинг бу ҳукмини қандай ажойиб ва гўзал бир суръатда татбиқ этганларини англашга, тушунтиришга ҳаракат қилади. Шеърнинг давомида мана шундай бир эҳтишомга, аёлларнинг кийимига ўзларини шараф билан тутишига муносиб воқеалардан мисоллар ҳам келтиради. Бу мисолларнинг ичида Қўқон хони Умархон билан Нодирабегим орасида бўлган суҳбат ва муносабатни ва бошқа ҳолларни ҳам гапирди. Шу билан бирга жамиятда баъзи аёл қизларнинг кийинишлари ўзини билган мўмин мусулмон кишиларни ҳижолат қилишини айтиб ўтади. Мана шу нарса ҳам шоирни ўз жамиятида бўлиб ўтаётган ҳодисалар, ишларга бефарқ эмаслигини кўрсатиб туради. «Тараддуд» китобида бунга ўхшаш ажойиб руҳда ёзилган бир қанча шеърлар бор. Унда миллий руҳ, ўзбекчилик, баъзи бир бошқа муаммолар ҳам ниҳоятда жиддийлик билан, усталик билан кўтарилган. Бу китобни ўқиган ҳар бир китобхон, шеър шайдоси жиддий мулоҳазаларга келиши ва ажойиб бир маънавий озуқа олиши турган гап. Биз муҳтарам шоиримиз Аъзам Ўктамни бу савиядаги ажойиб шеърларни ёзганлари билан муборақбод этамиз. У кишига соғлик, саломатлик, бахт, саодат тилаб қоламиз. Келажакда бундан ҳам яхши шеърларни ёзиб халқимизга тақдим этишини, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлишини

тарафдори бўлиб дуолар қилиб қоламиз. Аллоҳ таолодан умид қилиб сўраймизки, юртимизда шу кишига ўхшаган ажойиб бир пурмаъно шеърларни ёзадиган шоирларнинг сонини, сифатини ва ижодларининг баракасини берсин. Доимо Аллоҳ субҳанаху ва таоло соғлик-саломатлик, тинчлик, барқарорлик, бахтлиқ, саодатликни насиб этсин. Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

### **Аъзам Ўктам (илова)**

Ҳижратдан дастлаб қайтганимда, йўл ўтиши муносабати ила бузилиб кетган Уста Олим кўчасидаги 28-рақамли хонадонимизга баъзи кўнгил яқинлар зиёратга келишди. Кўпчилик, ҳол аҳвол сўрашиб, юз кўришиш насиб қилганига шукр айтишиб, бирор пиёла чойдан кейин қайтишга изн сўрашар эди. Бир куни уч киши ҳаммадан холи қолишди—да бирлари: «Ҳазрат! Бу киши Аъзам Ўктам бўладилар», деди пастроқда одоб билан чўккалаб ўтирган шеригини кўрсатиб. «Ҳа. Аъзамжон сизмисиз! Тинч – омонмисиз?», дедим хурсанд бўлиб. Орамизда юқоридаги мақола ҳақида суҳбат бошланди. Гап давомида Аъзамжон кулимсираб: «Ўзи сизни излаб кетаётувдик, Аллоҳ етказиб, ўзингиз келиб қолдингиз. Ўша мақолангиз билан яқиндан танишмоқчи эдик», деди. «Радиосуҳбатни эшитдингизми, ўзи?» дедим. «Охирини. Лекин ҳаммасини эшитиш насиб қилмади. Бир куни хизмат хонамда ишлаб ўтирсам, катта шоирларимиздан бирлари кириб қолдилар. Одатда йўлда салом берсак, алик олармиканлар деб мулоҳаза қилиб юрадиган одамимизни қандай шамол учирди экан деб ҳайрон қолдим. У киши бўлса: «Аъзам! Эшитяпсанми? Муфтий ҳазрат сенинг шеърларинг ҳақида ўз фикрларини билдирыптилар, деб ёдлаб олган гапларидан намуналар айтиб бердилар. Мен ҳаяжонланиб кетдим. Кечкурун радиони кўйиб кутдим. Эшитсам, мақолангиз охирлаб қолган экан. Ўшандан бери...» деди кулимсираб Аъзамжон. Мен мақоланинг тасмага ёзилгани ва у хориждаги уйимизда мавжудлигини айтиб, бир нусха кўчириб беришга ваъда қилдим. Кейинчалик, Тошкентда муқим турадиган бўлганимда, турли муносабатларда Аъзамжон билан учрашиб юрдик. Яқиндан танишдик. У

кишини яқиндан таниш жараёнида ўзим мақтаган шеърлари юзаки эмас чин дилдан чиқариб ёзилганига ишончим ортиб бораверди. Аъзамжоннинг эътиқоди, ибодати ва хусни хулқи унинг зийнати бўлиб кўринарди кўзимга. Чилонзор тарафдаги танишлардан бирининг хонадоида уюштирилган суҳбатда Аъзамжон ҳам бор экан. Кўзимга анча синикқан бўлиб кўринди. «Ҳа, Аъзамжон, қандайсиз? Бир оз сустроқ кўринасиз? Соғлик тузукми, ўзи?» дедим. «Алҳамдулиллаҳ, тузук» деди у одатдагидек, паст овозда. «Ҳазрат, Аъзамжон бемор бўлиб, бир оз касалхонада ётиб ҳам чиқдилар. Юраклари безовта қилди», дейишди суҳбатдошлар. «Ҳозир ҳамманинг ҳам юраги безовта қилади. Фақат Аъзамжонники бир оз ошириб юборган бўлса керак. Аллоҳ шифо берсин, ўтиб кетар», дедим тасалли бериш мақсадида. Кейин Аъзамжонни кўргани борган шоирлардан бирининг латифаомуз гапларини айтиб кулишди ҳам. Шундан кейин Аъзамжон билан кўришганда ҳам, у киши ҳақида бошқалар билан сўзлашганда ҳам соғликлари ҳақида алоҳида тўхталадиган бўлиб қолдик.

Аср пайтлари эди. Уйда зиёратчиларни қабул қилаётган эдим. Худойига таклиф қилгани одамлар келганини айтиб қолишди. Суриштирсам, Аъзамжоннинг худойисига, дейишди. «Қайси, Аъзамжоннинг?!» дедим. «Аъзам Ўктамнинг. Оила аъзолари алоҳида ўтинч билан илтимос қилишди», дедилар. «Нима?! Аъзамжон дунёдан ўтдимми?! Қачон?! Нима учун менга хабар берилмади?!» дедим дарду алам билан ва истиржоъ айтдим. «Билмасак, шошилиб қолган бўлсалар керак», дейишди. Хайри эҳсон маросимида Аъзамжоннинг яқинларига таъзия билдириб, марсия сўзлари ва дуо фотиҳалар қилдик. Кейин, одатдагидек, марҳумни мадҳи турли савия ва мақомларда бўлиб ўтди. Ана ўша жараён асносида, Аъзам Ўктамнинг асарлари қайта чоп қилинаётгани ва унинг муқаддимасига менинг мазкур муносабатим ҳам қўйилиши режа қилинаётгани айтилиб, ундан нусха сўралди. Мен уни Аъзамжоннинг ўзига берганимни айтдим. Уни топа олишмаётгани айтилди. Мен бошқа нусха ҳозир йўқлигини эслатиб, узр айтдим. Сафарларимнинг бирида мазкур мақоланинг тасмадаги битигининг

яна бир нусхасини олиб келдим. У қоғозга туширилди. Турли сабабларга кўра нашр этилмай турди. Энди, Аллоҳ таолонинг ёрдами билан бу нарсани эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Буни мухлис мусулмон, ҳақиқий инсон, ақийдаси соф шоиримиз Аъзамжон Ўктамга бўлган ҳурматимиз рамзи сифатида қабул этгайсиз. Аллоҳ таоло у кишининг жойларини жаннатда қилган бўлсин! Аъзамжоннинг ўзлари «Тараддуд» китобидаги «Ишқ ҳаққи» деб номланган шеърларида айтганидек:

*Ажаб, дил шод бўлар тинглаб*

*Қиёматдан хабарларни.*

*Тобора шавқим ортгайдир*

*Сезиб келгич хатарларни.*

*На роҳат, на азоб боис*

*Сен айтган йўлга кирмишман.*

*Шу ишқ ҳаққи хатарсиз қил*

*Ўзинг сори сафарларни.*

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шоиримизнинг ушбу шеърларидаги дуоларини қабул айлаган бўлсин ва Ўзига муҳаббат билан ўтган бандаси Аъзамжоннинг Ўзи сори бўлган сафарини беҳатар қилиб, жаннати Фирдавсдан жой олишларини насиб этсин. Омийн!

---

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**  
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

### **АЪЗАМ ЎКТАМНИ ХОТИРЛАБ...**

Аъзамжонда устозлар салоҳияти ва тажрибасини идрок этиш, чуқур таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқаришга интилиш кучли эди. У кўп китоб ўқирди, мутолаани яхши кўрарди. Баъзан баҳслашиб ҳам қолардик. Тарихимизда биринчи марта Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилинди.



Аъзамжон бу улуғ ишнинг ташаббускорлари сафида бўлди, оиласи билан нусха кўчиришди, табаррук китобимиз унинг муҳаррирлиги остида чоп этилди. У “Бобурнома”, “Мухтасар”, “Тўрт улус тарихи”, “Саботул- ожизин” каби ноёб китобларга муҳаррирлик қилди. Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” тўплами узоқ йиллик айрилиқдан сўнг Аъзамжоннинг саъй ҳаракатлари билан чоп этилди. Собиқ “Юлдузча” нашриётининг номини Чўлпон деб ўзгартирилиши ҳам Аъзам Ўктамнинг ташаббуси эди. Ўша йиллари биз бу ҳақда кўп фикрлашгандик.

Насрдаги изланишлари ҳам назмидек равон ва таъсирчан. Энг муҳими, у биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеъриятига диний –маърифий оҳангларни олиб кирди. Унинг “Тараддуд”, “Икки дунё саодати” китоблари Қуръони Каримдан чуқур билимга эга бўлганлигининг исботидир. Анчадан бери ўйлаб юрибман, у ҳақда бир нарса ёзиш ниятим бор. Юрагида, сўзида олов бор, адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам бир хил диёнатли, иймонли эди.

У Абдулла Қаҳҳорнинг катта мухлиси эди. Энди уйланган йиллари бир муддат рафиқаси Хулкар билан устознинг хонадонида яшашди, Абдулла Қаҳҳорнинг 5 жилдлик асарларини нашрга тайёрлашда Кибриё опага кўмаклашишди. Опанинг ҳам уларга меҳри баланд эди, янглишмасам тўнғич фарзанди Тўмариснинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам шу хонадондан олинганди. Жуда кўнгли тоза, илмга чанқоқ, дангал, ўктам шоир эди Аъзамжон.

Вафотидан сал олдин, январнинг бошлари эди, бизникига келди. Нимагадир, жуда тушкун кайфиятда эди. Нашриётдаги ишлари ҳақида суҳбатлашдик. У Чўлпоннинг жуда кўп шеърларини ёддан биларди. Чиройли таҳлил қиларди.

---

**ЭРКИН ВОҲИДОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон халқ шоири**

Худди кечагидек эсимда, Аъзамжоннинг шеърларини “Ёшлик” журналига Анвар Обиджон олиб келганди. Фавқулудда теран, ниҳоятда дадил, самимий, қуйма мисраларни ўқиётиб, унинг муаллифи талаба эканлигига ишонгим келмаган. Улар ҳаваскор талабанинг машқларига умуман ўхшамасди. Тенгдошларидан фарқли мукамаллик, тил ва сўзга, адабиётга масъулият, миллат тақдирига дахлдорлик яққол сезилиб турарди. Шеърларида ёлқин, исён, ўктамлик бор эди. Фарғона ўрикзорларини эслатувчи ажиб софлик, тиниқлик уфуриб турарди. Одатий образлардан холи мисралар, оҳори тўкилмаган ташбеҳлар, тиниқ туйғулар, дадил фикрлар, замон ва абадият қонунлари уйғунлашган тўфондек таассурот қолдирарди. Шунинг учун ҳам Аъзамжон талабалик пайтидаёқ танилди, Озод акадек устозларнинг эътиборига тушди. Ўшанда “Ёшлик” журналида босилган туркуми шеърятнинг йиллик муҳокамасида жуда катта баҳо олганди.

Эркпарварлик, миллатпарварлик, миллий ғурур Аъзамжоннинг муҳаррирлик фаолиятида, унинг миллий адабиёт манфаатини ҳамма нарсдан устун қўйганлигида жуда яққол кўринади. У мустабид тузум даврида Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” китобига, “Бобурнома”га, “Саботул-ожизин”га ном қозониш учун эмас, балки тарихга муҳаббати, миллий адабиётнинг тараққиёти, ёш авлод келажаги учун жонкуярлиги, эътиқоди бутунлиги туфайли муҳаррирлик қилган. Бу китоблар ўз вақтида қизгин шов-шувга сабаб бўлганди. Айниқса “Баҳорни соғиндим”, айниқса “Саботул-ожизин”. Салкам ярим асрлик сукунатнинг истибдодини енгиб, миллатнинг тафаккури ва миллий ғурурини уйғотиб, зеҳнини чархлайдиган бу китобларни нашр этиш ҳақиқий жасорат, эди.

Бир куни Абдулла Қаҳҳорнинг хонадониди, Кибриё опанинг дастурхонлари атрофида, Озод ака, Одил акаларнинг даврасида Аъзамжоннинг бу китобларга нафақат муҳаррирлик қилгани, уларни ўзи нашрга тайёрлагани, оиласи билан нусха кўчиришганини эшитиб, бу ёшгина йигитнинг қатъиятидан, журъатидан, жонкуярлигидан ҳайратланганман. Унда билиш, изланиш истаги, эҳтиёжи жуда баланд эди. Албатта, ёшликка хос тезоблик, жўшқинлик ҳам сезилиб турарди. Унинг талабаликда ёзган шеърлари, ҳатто муҳаббат ҳақидаги шеърларида ҳам тафаккур, заковат устунлик қилади. Аъзамжоннинг ўсмирлик, талабалик йилларида ёзган шеърлари ҳам завқдан кўра, инсон умрининг ибтидоси ва интиҳоси ҳақида ўйлашга ундаши билан ажралиб туради.

Янглишмасам, тўқсонинчи йил эди шекилли, бир гуруҳ ижодкорлар Фарғонага, Аъзамжон туғилиб-ўсган Бувайда туманига борганмиз. Паҳлавонкелбат отаси, яқинлари билан танишганман. Унинг сўзга усталиги, самимияти, ички қочиримлари, дадил-дадил мулоҳазалари ўзига ярашиб турар, ҳар қандай даврани ўзига тортарди. Аъзамжоннинг одам ва абадиёт ҳақидаги фалсафий фикрлари, исломий илми, иймон-эътиқоди алоҳида мавзу. Шеърларидаги миллий ўзлик туйғуси, миллий мушоҳада тарзи навқирон авлоднинг онгу шуурини уйғотиши аниқ эди.

.... У фарғоналикларнинг оддий сўз ва ибораларини ёрқин образ даражасига кўтарди. Юртдошларининг қалбини жароҳатлаган воқеа-ҳодисалар унинг ҳам шоир юрагини яралаган эди. Ўшанда “Ёшлик” журналида босилган туркуми шеърининг йиллик муҳокамасида жуда катта баҳо олганди.

Яна бир воқеани эсламасам бўлмайди. – 2000 йилнинг охири эди. “Озодлик” радиосида шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратларининг суҳбатларини эшитганман. Ҳазрат Аъзамжоннинг шеърлари ҳақида гапирганлар. Исломий руҳни халқимизга сингдириш, давримизга яқинлаштириш билан ақл бовар қилмайдиган даражада жўмардлик қилганди. Бу суҳбат икки-уч кун давом этди. Суриштирсам, Аъзамжон “Шарқ” нашриётида ишлаётган экан. Атайин

кутлаш учун борганман. Ёзувчи Эркин Малик иккаласи ишлаб ўтиришган экан. Шоир укамни бағримга босиб, “Аъзамжон, сиз ҳаммамиздан машхур бўлиб кетдингиз, уч кундан бери Шайх хазратлари сиз ҳақингизда гапиряптилар”, дедим. Кўзимга ёш келди. Ўшанда Аъзамжон “ялт” этиб караган. Бироз ҳорғин кўзларида ўт чакнагандай бўлганди. У менинг кўз ўнгимда шундай қолди...

---

**Сайди УМИРОВ,  
Республикада хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийси**

### **“ЖИЛМАЙИБ ЁТАЙИН ФАРҒОНАГА КЕЛИБ...”**

Яқинда кутубхонадаги китобларни қайта тартиблай туриб, Аъзам Ўктамнинг асарларига кўзим тушди. Беихтиёр Аъзамжонни эсладим. Тўртинчи октябрь уни таваллуд топган куни эди. Ҳаёт бўлганида бу йил эллик ёшга тўларди. Бу истеъдодли шоир, ҳақгўй ижодкор, эътиқодли инсон қирқ икки ёшида бандаликни адо этди, шеър муаққиллари, ёзган, муҳаррирлик қилган китоблари, ширин суҳбатлари, жигарбандлари, азиз фарзандлари, ҳамкору ҳамдаст ёри, дўст-биродарлари, устозу шогирдларини ташлаб дорулбақога кетди. Орзу-армонлари, беғубор туйғулари, дилидаги режаларини ўзи билан олиб кетди.

Аъзамжоннинг “Кузатиш”, “Кузда кулган чечаклар”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” китобларини яна бир бор варақладим, “Эрта сўнга юлдузлар” тўпламида босилган шеърларини, у ҳақдаги хотира, марсияларни қайта ўқидим, дорилфунунда таҳсил олган кезларини, қурган суҳбат-гурунглари мизни эсладим.

Аъзам Ўктам ҳақиқий фарғоналикларга хос хуштавозе, ширинсухан, дилбар йигит эди. Турфа фазилатлари ичида учтасини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Биринчидан, илмга чанқоқ, ҳам дунёвий, ҳам илоҳим билимлари тўқис, дунёқараши кенг инсон эди. Шеърятга ишқи, адабиётга шайдолиги баробарида тарихий, диний кадриятларга, азалий удумларимизга кизиқиши, муҳаббати кучли эди. “Чўлпон” нашретида ишлаган йилларида мафкуравий тазйиқ кучли даврда босилмаган кўп илмий, бадий, диний, публицистик китобларга муҳаррирлик қилгани — бунинг далили. Илмли ва фидойи муҳаррир сифатида самимий дасхат ёзиб бергани — муқаддас китоб “Қуръони карим”ни ҳар гал қўлга олганимда Аъзамжоннинг нурли сиймоси кўз ўнгимда жонланади.

Иккинчидан, Аъзамжон ҳожатбарор, савобталаб, беминнат яхшилик учун туғилган инсонлардан эди. Ўзидан кўра ўзгаларни кўп ўйлар, ёш ижодкорларнинг машқларини кўриш, маслаҳат беришдан тортиб илк тўпламларини нашр этишгача бош қўшар, буғдой сўзини, беғараз кўмагини ҳеч кимдан аямас эди. Бир ижодкор ҳамкасбининг Олий Мажлис депутатлигига сайланишига астойдил бош қўшгани, ишончли вакил бўлганидан хабардормиз. Ҳамюртлари “Ўзингизни сайлаб қўяқолайлик, яхши биламиз, ҳурмат қиламиз”, — дейишганда. “Ҳамкасбимни сайлаганингиз мени сайлаганингиз”, — дея лутф қилган эди. Камроқ нусхада нашр этилган “Санъатнинг сеҳрли калити” китобчамдан анчасини водий дўконларининг биридан топиб келтириб бериб каминани кўп хурсанд қилган эди.

Учинчи фазилати — Аъзамжон камсуқум, кичикфеъл, қаноатли, айни чоғда ғурурли, ўз қадр-қимматини билгучи, элини, тилини, юртини чин дилдан севгувчи инсон эди. Камтарона, етиб-етмай ҳаёт кечирса, ўзи айтмоқчи, гоҳ боши деворга, гоҳ девор бошига урилса ҳам буни сездирмас, ҳеч қачон зорланмас эди.

*“Катта кетма!”*

*Дейишиди менга*

*“Паст кетма!” — дедим*

*Ўзимга ўзим.*

Шеърлари таҳлилга кам тортилгани, тўпламларига оз тақриз чиққани сабабларидан бири ҳам ортиқча камтарлиги, ўзини кўп ўйламаслигидан бўлса, эҳтимол. “Самарқанддаги бир адабий анжуманда профессор Нуриддин Шукуров ижодим ҳақида кўп илиқ гаплар айтибди, бир-икки шеъримни чиройли таҳлил қилиб берибди, — деб қолди бир суҳбатимизда Аъзам Ўктам. — У киши мени, мен у кишини танимасам. Кўп хурсанд бўлдим, бир кўрганда ё атайин бориб раҳмат айтиб келишим керак”.

Бу гап профессор Ғайбулла ас-Саломга қаттиқ таъсир қилди. “Бу — биз, пойтахтлик адабиётшунос, мунаққидларга нозик шаъма, — деди олим. — Шеърлари, китобларини яна бир назардан ўтказайлик, бир мақола ёзмасак бўлмайди”. Мақола тарихи чўзилди, бир қисми ёзилди ҳам. Кўп ўтмай устоз вафот этди, икки йил ўтиб шоир оламдан ўтди. Яхши одам ҳақида яхши гапингни кўзи тиригида айтиб қол экан. Кўпимиз ғафлат бандаларимиз, ўзимиздан ортмаймиз.

Шеърятда Аъзам Ўктамнинг ўзига хос овози, бетакрор услуби бор эди.

*Ой чўчиб тисланар ортга ногаҳон,  
Теран бош чайқади, гижирлар оғир,  
Кули титкиланган ўчоқдир осмон  
Япроқлар шивирлар,  
Титрашар дир-дир...*

“Уйқум қочган кечада” шеърининг қолган сатрлари ҳам ана шундай жозибадор тимсол, ташбеҳларга бой, бу — катта маҳорат белгиси.

“Йил йиқилар йилнинг устига, хотиралар типирчилар хит, (“Йўл”), “Ўқталган мушт каби турар минорлар, Мақбаралар куббаси дубулға худди” — бу, гарчи босқинлар, таловлар ўтган бўлса-да, қул бўлмаганимиз далолати (“Далил”).

Энди сени ҳукумат одами, болам,  
Қўлингга бир қоғоз берди ўқитиб.

Унутма — сен кимсан, ким ота-онанг

Юрма қоғоз билан элни қўрқитиб.

(“Онам фотиҳаси”)

Юрт эрка ўғлининг эркаланиб битган байтларидан:

*Водий гулин тақай минорларингга,*

*Юрак расмин чизай дудоққинангга,*

*Қувончдан кулсам ҳам, гамга тўлсам ҳам*

*Ватаним деб борай қучоққинангга*

*Истагим — пичирлаб айтсам энг сўнгги,*

*Энг сўнгги сўзим ҳам қулоққинангга...*

Аъзам Ўктам севимли шоири Муҳаммад Юсуф вафот этганда кўп куюнган, “Шоир мен ўламан, кетаман деган кайфиятда змаслиги, башорат қилмаслиги керак экан” — деган экан. Водариғ, ўзи ҳам Муҳаммад Юсуф шеърларини ўқиётиб жон таслим қилибди. Ўз тақдирини ўзи олдиндан билгандай ёзади Аъзамжон:

*Жонимга тегмоқда барчаси бир-бир*

*Жон эса ҳалқумга келар охири.*

*Битта мен бўлмасам не бўпти ахир —*

*Ўзбекнинг камайиб қолмас шоири.*

*На Тошкент, на Қўқон билади мени,*

*Ахир ўз-ўзимни алдаб нетаман?*

*Шу оппоқ қоғоздан яширай нени —*

*Бир ўлиб кўрмадим, холос. Кетаман!*

Ушбу таъсирли шеърнинг айрим мисраларига кўшилмасак, шоир руҳи кечирсин бизни. Аъзам Ўктамни Тошкенту Қўқонда, Фарғонаю Бувайдада, бутун республикада адабиёт ихлосмандлари яхши билишади, китобларини ўқиб, турфа фазилатларини эслаб туришади.

Аъзам Ўктам қизи Тўмарисни кўзгинамнинг оқи, ўғли Темурни кўзимнинг қораси, қанотларим дея эркалар, шеърлар бағишлар эди.

Иншооллох, фарзандлари улғайишмоқда, ўқишмоқда, камол топишмоқда. Оналари Хулкархон билан дадажони хотирасини ёд, руҳини шод этиб туришибди. Чорак аср муқаддам журналистика факультетида Аъзамжонга сабоқ берганимни эслайман. Сўнгги йиллар мобайнида унинг кизи Тўмарис ҳам халқаро журналистика факультетида айнан менинг гуруҳимда сабоқ олганидан бахтиёрман. Бугун Тўмарис дадасининг ижоди бўйича диссертация ёзмоқчи. Темур Аъзам долзарб мавзудаги мақолалари билан тилга тушган иқтидорли ёш журналистлардан.

Аллоҳ бу дунёни жуда эрта тарк этган ўктам шоир Аъзамжоннинг невараларига-да бир харф ўргатадиган кунларга етказсин.

---

**Рауф ПАРФИ,**  
**Ўзбекистон халқ шоири**

### **“МЕН БАҲОРМАН, МУЗЛАГАН ОТАШ...”**

Ўзбек шеърияти боғидан Аъзам Ўктам дарахтини туйқус илғай оласиз. Бу дарахтнинг салқинларида, шамолларида неча бор йўқлик ва борлик ҳақида ўйлаганмиз. Унинг кўзлари ўткир, кулоклари зийрак, юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди.

Дунёнинг аламли ғовурлари, аччиқ ғулувлари уни тез улғайтириб қўйган эди. Шоирни ичкин англаш, тушуниш ҳамиша оғир кечади. Сатрларнинг ортида, сатрларнинг сатҳида, унинг теран тубларида нелар борлигини барча ҳам идрок этолмайди. Лекин биламизки, шеърият ёвузликка судраётган нафсга қарши курашади. Кичикни улуғлайди, катта кетгани ерга имлайди. Барибир ҳақиқатни айтади, айтаверади. Шеърият шунинг учун ҳам абадийдир.

Шоир чексизликдан чекка томон симдор тортиб, уларни бирлаштира олади. Чексизликнинг чеки борлигига сизни ишонтира олади.



Шоир ҳар жойда, ҳар вақтда, вақтдан ташқарида ҳам мавжуд, номавжуд. Билим йўлининг ич-ичидан, Аллоҳ висолига етказувчи йўлдан кетяпган дарвеш, вақт ҳукмфармосидан, кишанларидан мутлақ озод бир зотдир. Ўзбек шеърияти боғида Аъзам Ўктам дарахтини тез илғаб оласиз. Бу дарахт кўп замонлар ажойибу ғаройиб меваларини армуғон қилажак. Бу дарахт боғни сарғайтириб қўймайди, доим қайта туғилиб, қайта ўлиб, қайта тирилиб, шовуллаб тураверади.

Зангори Оғочман. Ҳозир осаман.

Қайта тириламан тўлиб сеҳрга.

Меҳражоннинг қанотини ёзаман,

Дунёларни тўлдираман меҳрга.

Мен қишман, бошимда азалий оқтош,

қонли булутларга бурканиб қотган.

Мен баҳорман, музлаган оташ —

Зулматнинг жизғанак тонглари отган.

Адабий Коинот бирла қоламан,

Ўлсам чирқирайди овозим танда.

Энг янгроқ юлдузни узиб оламан,

Эзилган, хўрланган баргман тубанда.

Ёлғиз ўзим халқман, ўзим оломон,

Мен шоирман ахир, шоҳман, эй банда.

---

**ТОҲИР МАЛИК,**  
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

Аъзамжоннинг ҳам диний, ҳам адабий тил илми кучли эди. Унинг меҳнаткашлигига ҳамманинг ҳаваси келарди. Шеъридек баланд, сўзидек тўғри, ниҳоятда ҳалол эди. Юракни ёндирадиган исёнкор шеърлар ёзадиган

шоирнинг болажонлигини айтмайсизми. Ё қизи Тўмарис, ёки ўғли Темурхонни доим ёнида олибюрарди. Рамазонда уйга ифторликка айтганимда ҳам, Тўмарисни олиб келганди. Унинг сўзга, одам ва оламга мухаббатига ажиб ҳарорат бор эди. Яратган уни нодир зехн, фавқулодда тиниқ самимият, ноёб истеъдод билан мукофотлаган эди.

Чўлпон нашриётида бирга ишлаган йилларимиз эсимда, ҳар бир муҳаррир белгиланган ҳажмдаги қўлёзмани таҳрир қилиши шарт эди. Улгурмаганлар 13-маош, мукофот пули деган нарсалардан қуруқ қоларди. Аъзамжон ҳар доим режани ортиғи билан бажарар, кимнинг босма табоғи кам бўлса, ўзи таҳрир қилган қўлёзмаларни улашиб юрарди. Шу даражада қўли, кўнгли очиқ, ҳақиқий муслим эди. Тўғри бироз чўрткесарлиги, кескинлиги ҳам бор эди, лекин ўзига ярашарди. “Шайтанат” китобим жуда шов-шув бўлиб юрган кунлари учрашиб қолдик.

— Иккинчисини ёзясизми? – деди у дабдурустдан.

“Китобимни ўқибди-да”, деган ўй келди. Ҳали жавоб беришга улгурмасимдан, худди хаёлимга келган ўйни сезгандек:

— Мен эмас, келинингиз Ҳулқар бош кўтармай ўқиди. У илтимос қилди, Тоҳир акадан сўраб кўринг, иккинчисини ёзяптиларми, деб. Ҳа, айтгандай, у сизнинг ҳамма китобларингизни қолдирмай ўқиб бораркан. Айниқса, “Фалак” асарингизни яхши кўради.

Мен нимадир дейишга улгурмасимдан:

— Қайнатам адабиёт муаллими, Мирзакалон Исмоилийнинг “Одамийлик қиссаси”ни юқори синфларга дарс қилиб ўтаркан. Устоз сизнинг тоғангиз эканлигини айтгандим, сизга салом деб юборди, - деди Аъзамжон мени ҳайрон қолдирганидан мамнун бўлиб.

У сўзга уста, ҳозиржавоб эди. Бир куни, “шеърларингизда фожиона оҳанг кучли, одам хавотирга тушади”, дедим. Унинг илкис қарайдиган одати бор эди. Шундай ўткир нигоҳ ташлади. Кейин ерга қараб, “Мусулмон одам хотиржамликдан кўра, ибодатим, эзгулигим чала қолмадим, деб ҳар лаҳзасини хавотирда ўтказгани маъқул”, — деди, ўйчан.

Унинг асарларидан мустаҳкам эътиқоди, маҳзун ва мағрур, мардона сиймоси балқиб туради. Унинг шеърлятида ислом нурлари билан ёғдуланган, кутилмаган ташбеҳларга бой миллий ифода усули бор. Ислом университетида дарс ўтаётиб ҳам, Аъзам Ўктам ҳақида кўп гапираман. Талабалар билан муҳтарам алломамиз, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Аъзам Ўктамни хотирлаб” мақоласи ҳақида тез-тез фикрлашамиз. Аслида Шайх ҳазратларининг мазкур мақолаларини мукаммал бир тадқиқот дейиш мумкин. Ҳазрат Аъзамжоннинг “Тараддуд” китоби ҳақида, “кўпдан бери ўйлаб, излаб юрганим шеърлятга дуч келдим”, дейдилар. Бу жудаям юксак баҳо.

Унинг Қуръони карим, “Мухтасар”, “Сабот-ул ожизин” каби китобларга муҳаррирлиги жараёнига ўзимиз гувоҳ бўлганмиз, ҳар бир сўз, ҳар бир жумла устида қандай изланганини, ишлаганини кўрганмиз. Айнан бугун мамлакатимизга Аъзам Ўктамдек ҳам диний, ҳам адабий илмлари мукаммал муҳаррирлар жудаям зарур.

Шоир туғилиб ўсган Фарғона вилоятидаги Бувайда туманида Аъзам Ўктам номида кутубхона ва музей очилаётганини Анвар Обиджондан эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Миллат ёшлари юрт фидойиларини билишлари, улардан ибрат олишлари шарт. Яна Шайх ҳазратларининг фикрларига қайтамиз, “шунчалик шеър битишга иқтидори бор замондош-ватандош шоирни билмаслик албатта биз учун уятдир ҳам”. Бугунги ёш авлодга Аъзам Ўктамдек ўктам, ҳам шеърляти, ҳам шахсияти ибрат ижодкорларни яқиндан таништириш ҳаммамизнинг вазифамиз. У жуда кўп китоб ўқирди, тинимсиз изланарди, Ислом шариати таълимотини теран англарди. Унинг фақат курашчан шеърляти эмас, балки таржимонлик маҳорати, насри, публицистикаси ҳам алоҳида ўрганилиши керак. Агар Оллоҳ насиб айласа, Аъзам Ўктам номидаги кутубхонага 200 та китоб ҳадя қилиш ниятим бор. Шоир укамнинг охирати обод бўлсин.

Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ТУН БУРГУТЛАРИ

Чўянтан Арслон кушчининг обжувози Қапчуғайқирни оралаб оқувчи Шоҳимардонсой ёқасидаги сўлим жойда бўлгани боис бу ерда шоли янчувчилардан кўра олтиариқлик сайлчилар кўпроқ учрарди. Келган одам борки, чолнинг ов бургутини томоша қилиб тўймас, кекса овчи эса “қирувчи куш” нинг сон-саноксиз “ҳаво жанг” ларини оғиз тўлдириб баён қилишдан толиқмас эди.

Арслон кушчининг бир ҳикояси эсимда қоziқланиб қолган. Эмишки, ҳар 20-30 йилда қайсидир бургут кўкиш тухум туғар, бундай тухум тукқан бургутнинг инини бошқа қавмдошлари жуфт-жуфт бўлишиб, тун-кун кўриқлашар, бу пойлоқчилик полопон тўлиқ вояга етгунга қадар давом этар экан. Кўкиш тухумдан чиққан минг-минглаб бургутлар ичра бир яралиб қолувчи бу суюндик кушни тун бургути деб аташар экан. Кўзи бойўғлиникидан-да ўткирроқ бўлган тун бургутининг нодирлиги шунда эканки, у кундузлари ухлаб, тун бўйи тоғма-тоғ учиб юрар, ғафлатда ётган бургутларни заҳарлаш ва полопонини ўлжа қилиш ниятида қоялардаги инлар сари писмайиб ўрмалаётган илонларни бирма-бир овлаб кун кечираркан.

Шоир ҳам тун бургутига менгзайди. Ғафлатдан имкон қадар йироқроқ бўлишга интилади, она масканидаги ҳар бир қондошини ҳар қандай хавф-хатардан сергакроқ кўришлик ташвиши билан яшайди. Ўз қавмининг тинчи ва фароғатининг йўлида жон куйдиришни бошқалар сезадими, йўқми, ундан миннатдор бўладиларми, бўлмадиларми буларни хатто ҳаёлига ҳам келтирмайди. Зеро, бу заҳматли турмуш унинг оддий ҳаёт тарзига айланган...

Йўловчи машинанинг орқа ўриндиғида тун мудроғи элитгудек бўлиб, Қамчиқ довони оша борарканман, бошимда шу ўйлар айқаш-уйқаш кезиб юрарди. Эртанги кун жуда оғир кечади. Ўжар ва довюррак йигит, тўкиб эмас тўкиб ёзишга одатланган яратилма шоир Аъзам Ўктамнинг кўмилаётганини тобора тупроқ остида қолиб бораётганини чидам билан кутиб туриш керак бўлади. Шоирнинг жасади ҳозир Тошкентда, Бувайдада эса унга аллақачон қабр қазилмоқда.

Қулоғим остида шоирнинг овози узук-юлуқ тарзда, гоҳ ҳазинланиб, гоҳ гулдиракланиб таралаётгандек. Жуда таниш шеърӣй парчалар:

... Ақлим энди етяпти оз-моз;  
астойдил қасд қилса бас одам,  
айланади кундага қоғоз,  
болта бўлар бемалол қалам.

... Тураверар кериб кўкрагин,  
Аъзам Ўктам ўлар эгилса.

Чип-е, бўлсанг кимнинг кўпшаги,  
Пишт-е, кимнинг мушиги бўлсанг!

...Қишлоғим-а, бўл бегона  
Сен мотам, нолаларга.  
Кўчанг тўлсин, онаси –  
Уйғотган болаларга.

Онамнинг бисоти фақат оқ йўлдир,  
Сени тортиб турсин тупроқ она тил.  
Қайда юрма, қанча умр кўрма, барибир,  
Тобутда бўлса ҳам юртингга интил.

Қизиқ! Сўзи бор ўзи йўқ... бу қанақаси бор йўғи 41 ёшда. Келди-ю кетди.... Шавкат Раҳмончи? Муҳаммад Юсуф, Равшан Файз, Ҳамза Имомберди, Тилак Жўра, Чори Авазлар-чи? Намунча “шошқалоқ” бўлмаса бу йигитлар?! Миллий шеъримиз йигирманчи аср охирида ўшал коматдор қаламкашлар билан нечоғли бойигани барча учун ойдек тип-тиниқ, бироқ йигирма биринчи аср бошларида адабиётимиз қанчалар кашшоқлашганини тўлиқ тасаввур қилишга ожизмиз. Булар шунчаки жудолик эмас, булар жуда катта йўқотишдир.

Ҳаммаси ҳам таъби назокатли, сатри гўзал, табиатан ҳақиқий халқ шоирлари эдилар. Одатда шеърят кишига икки йўналишда таъсир ўтказди. Яъни Қалбга ва Фикрга. Алломафеъл Фикр шоирларида фалсафий мушоҳада, мантиқий тафтиш, башоратнамо кўрагонлик устун туради. Қалб шоирлари кўпроқ тошқин ҳис-ҳаяжонни илоҳий ....сезги”га чулғаб ижод қилишади. Бир биридан чиройли сўзлар, нафисдан нафис ташбеҳлар билан шеърхонни афсунлаб олишади. Лекин Қалб шоирларида таъсирчанлик кучли. Биринчиси ўқувчининг қалбида аввало фикр уйғотса, иккинчиси кўнгилни қўзғотади. Буниси теранликка етаклайди, униси – гўзалликка. Бири воқеаларни теран идроклаб ёзишга уринади, бири ёниқиб муносабат билдиришга ошиқади. Навоий, Данте, Гёте, Пушкин қабилдагилар нисбатан олганда, фикр шоирлари, Машраб, Гейне, Бёрис, Есенинлар асосан Қалб шоирлари эдилар. Не синоатки, Қалб шоирларининг аксарияти узоқ умр кўришмаган.

Аммо бу юзаки бир кузатув маҳсули, холос. Аслида Яратувчининг айтгани бўлади. Бинобарин, умр дегани – Қумҳаёт, унинг Қумҳаётдан фарқи шуки, Қумҳаётнинг ичидаги умр заррачалари қачон тугаб битишини Тангридан ўзга ҳеч бир зот айтиб беролмайди, билолмайди.

Кетди Шавкат, кетди Аъзам, Муҳаммад,

Устозларда чала қолди “ўғитлар”.

Шошилдилар, кутишмади сал навбат,

Ўз навбатин билмаган ўт йигитлар.

Қумсоатда аниқ-тиниқ муддат бор,

Ўлчовлидир олқиш, йиғи, сукутлар.

Умр эса Қумҳаётдир сеҳрдор,

Фурсат қанча? Ҳеч ким билмас, йигитлар.

Туғиларда танлов учун имкон йўқ,

Тақдир экан, сизлар – тунги бургутлар.

Кўраверинг элу юртни очин-тўқ,

Бошинг тошдан бўлгур шоир йигитлар!

Тун ҳам ўтди. Уйқудан сўнг ўзимни анча тетик сездим, гўё ўлимнинг шафқатсиз қонунига кўникиш ҳосил қилгандек эдим. Фотиҳага оксоқоллардан ўспиринларгача, туман раҳбарларидан фариштафеъл далачиларгача ёпирилиб келишди. Бундан ҳам гавжумроқ жанозаларни кўп кўрган эсам-да, бу ердаги бир ҳолат мени жуда лол қолдирди, таъсирлангандан таъсирланб кетдим. Одатда, фотиҳачиларнинг аксарияти мусулмончилик юзасидан расмий равишда келиб кетишади, ўзларини вазмин ва сокин тутишади. Ушбу таъзияга келган ҳар бир ёшу қарининг кўзида ёш кўрдим. Баъзилар марҳумнинг яқин жигарбандлари қаторида туриб, эзилиб-эзилиб йиғлашарди. Хонободликлар ўз қишлоғининг биттаю битта шоирини, Бувайда аҳли тумандошларининг бор дарду қувончларини доимо юрак-юракдан англаб, ҳар тўқисда уларга елкадош бўлишга интиладиган жонкуяр фарзандини дафн этишаётганини чуқур ҳис этиб туришарди. Буни кўриб кўнглимнинг аллақасери ёришиб кетгандек бўлди. Кўз ўнгимда Аъзамжоннинг ички қувончини ифодаловчи чарақлаётган кўзлар жонланди. Бу янглиғ чехрани илк маротаба саксонинчи йилларнинг бошида, Эркин Воҳидов унинг шеърларини ёқтириб қолгани ва учрашиб, бир суҳбатлашиш нияти борлигини эшитган чоғида кўрган эдим...

Шоир кетди, сўзлари қолди. Ўзи азалдан шунақа – шоирнинг ҳаётда бор-йўқлигидан қатъи назар, сўзлари минглаб, ўн минглаб дилларга гоҳ далда, гоҳ туғён, гоҳ чароғонлик олиб келаверган. Сўз сеҳридан қувват олган кўнгиллар эса ўз юртини янада нурафшон қилишда, ўз халқини янада ардоқлашда кишиларга янги куч ва сабот бағишлайди. Шоирликнинг

Ўхшашсиз саодати, шеърятнинг ҳадсиз муътабарлиги айнан мана шунда бўлса, ажаб эмас.

## ЯШАРИБ БОРАЁТГАН ШОИР

Чамаси, 1982 йил эди. Чилонзордаги ижара хонада турардим. Бир куни омонат уйимга журналистика факультетининг икки талабаси кириб келди. Ўзларини таништиришди, бирининг исми Аъзамжон, иккинчисиники Абдумалик экан. Чой-пой ичган бўлдик. Орада Аъзамжон шеърларини, Абдумалик ҳажвий ҳикояларини кўрсатиб, мендан фикр олмоқчи эканликларини айтишди.

— Янаги якшанбада хабарлашайлик, унгача ўқиб чиқарман, дедим ва икковига галма-гал синчков назар солдим. Иккита катта истеъдод эгасининг бир эшикдан кириб келиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса.

Бу гапимни эшитиб, Абдумалик уялинқираб ерга қаради. Аъзамжон эса “Кўрмаяпсизми”, — дегандек менга кўзларини чарақлатиб боқди. Ўзини катта олганича бор экан, кетишгач, шеърларини ўқиб кўриб, шундай хулосага келдим. Мағзи тўқ фикрлар, ўзига хос ташбеҳлар, кўркам ифодалар. Энг муҳими сатрларда тортимли бир жозиба ялинланиб турибди. Майда-чуйда камчиликлар - ўткинчи.

Шу асно, Аъзамжон уйимизга тез-тез бош суқиб турадиган бўлди. Бир гал келганида, туркум шеърларини кўрсатиб, яхшироқларини янги ташкил этилган «Ёшлик» журнаliga танлаб беришимни сўради. Кўриб чиқаман, деб олиб қолдим. Илгари шеърларининг баъзи жойларини қўлимдан келганича таҳрир қилиб кўрсатардим, бу сафар бошқача йўл танлаб, нурсизроқ ёки ғализроқ туюлган сўзларнинг остига қалам билан чизиб чиқдим.

— Буларга қандай изоҳ беришни билолмадим, дедим унга, - ўзингиз яхшилаб кўриб, лозим топсангиз, қайтадан ишлов берарсиз.

Шу кетганича, икки ойлар дараги бўлмади. “Янгича услубим кўнглига оғир ботдимикин”, деб ўйладим. Сўнг билсам, бу даврда шеърларини



пишитиш билан овора экан. Бунга киришидан олдин, Университетдаги устози Озод Шарафиддиновнинг хузурига бориб, менинг чизма чизиқларимни кўрсатган экан, у киши: “Анвар акангиз нима демоқчи бўлганини яхши тушунмадим, лекин ҳамма чизганлари тўғри”, дебди.

Яна келди. Пардозланган шеърлардан бир нечасини “Ёшлик” журнаliga атаб бирга танладик. Бўлимдагилар тавсия этган шеърларни ўқиб чиққач, бош муҳаррир Эркин Воҳидов Аъзамжонни чақиртириб, уни роса мактабди. Ўша кундан эътиборан у мустақил шоирга айланган бўлса ажабмас. Мен ҳам энди унинг ўртахол йўриқчисига эмас, ўқувчисига, оддий ихлосмандига айланиб бўлгандим.

Аъзам Ўктам ижодининг салоҳияти, югуроқ кўзларга тезда чалинавермайдиган ички кудрати ўхшаши йўқ нафосати ҳақида таниқли адабиётшунослар, қаламкаш дўстлари бир-бирдан мазмундормундор, кўтаринки мақолалар ёзишган. Улардан ўтказиб айтишим қийин. Ишончим комилки, мутахассислар бу иқтидорли адиб меросига ҳали қайта-қайта мурожаат қилишади. Унинг янгидан-янги қирраларини кашф этишади. Шоир ижодининг ўрганилмаган, ўрганилишга жуда-жуда арзийдиган жиҳатлари кўп.

Шоир билан нашриётда анча вақт бирга ишладик, шахс сифатида ҳам яқиндан биламан. Қатъиятли, довюрак, дангал йигит эди. Ўзига яраша аразчи бўлса-да, юрагида узоқ кин сақламасди. Салгина илиқ муомалада дарров эриб кетар-ди. Фарзандлари Тўмарис ва Темурни ҳаддан зиёд яхши кўрарди, тушлик чоғида уларнинг қилиқларини гапириб чарчамасди. Ишхонада бировга оғири тушмасди, нонини ҳалоллаб ер эди. Энг нозик китобларга муҳаррирлик қилишни раҳбарият фақат унга ишонарди. Таҳрирда тенгсиз эди, у масъул бўлган китобда бирорта имло хато ўтиб кетган бўлса бировнинг нодир буюмини синдириб қўйгандек мулзамланиб қоларди.

Юртининг мислсиз ошиғи, халқининг чинакам жонкуяри эди. Шўро диктатураси даврида собиқ марказнинг мамлакатига нисбатан тутган сиёсати, сўз эркинлигининг йўқлиги мунтазам равишда ҳамиятига тегиб

келар, буни унинг шеърларидан, суҳбатларидаги сўзларидан пайқаб олиш мушкул эмасди. Дили билан тили бир, иймони бут шоир эди. Республикамиз мустақиллигини нақадар тўлқинланиб қарши олган, «Ҳамма нарсамиз энди ростдан ҳам ўзимизникими?» дея касбдошларига мағрур боққани ҳозиргидек эсимизда. Афсуски, ўлкамизнинг гўвраниб қад ростлаган бугунги кунларини кўриш унга насиб этмади.

Шундай деймизу, кўнглимизга дарҳол таскин қуйилиб кела бошлайди: йўқ, Аъзам Уктам ҳануз орамизда, бундан кейин ҳам бизга сирдош ва ардоқли китоблари тимсолида диёримизнинг ҳар бир хонадонига, жумладан, ўзи учун беҳад суюкли бўлган Бувайдага ҳам такрор-такрор ташриф буюраверади. Шоир ўзининг «Ишонч» шеърида бунга қатъий иймон келтириб ўтганди:

*Осмон беҳад яқин, ер эса юмшоқ,  
Ёшлиқ қайтиб кетмас, у мангу қолар.  
Бузчиман – боғлайман ҳар кун бир белбоғ,  
Сафарим қаримас, яшариб турар.*

Ҳа, шунақа – зўр шеър қаримайди, яхши китобга ўлим йўқ!

---

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**  
**филология фанлари доктори,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**

### **ЎЗИ ҲАМ, СЎЗИ ҲАМ ЎКТАМ ЭДИ**

Шўролар салтанатининг тагига сув кетган кезлар. Хорижликларнинг келиш-кетиши жонланган. Шундай кунларнинг бирида Ливия ҳукуматининг мартабали аъзоларидан бири билан Ҳастимомдаги диний идорада матбуот

анжумани чакирилди. Бир гуруҳ ижодкорлар қатори бордик. Сафимизда Аъзам Ўктам ҳам бор эди. “Сафимизда” деганим бежиз эмас.

Бир гуруҳ қалам аҳли вақти-вақти билан дийдорлашиб турардик. Тохир Малик, Эмин Усмон жўрабоши. Ижод кишиларининг гурунги, дийдорлашуви баҳс-мунозарадан ҳоли бўлмаслиги табиий. Мен ўзимни камтарин-камсуқум деб юрсам, бу борада мендан ҳам “зўри” бор – кейинроқ разм солсам, Аъзам мендан-да оғир табиатли, ҳар гап-ҳар баҳс юзасидан ирғиб чиқавермас, гапиришдан кўра тинглашни афзал биладиганлар хилидан экан. Лабининг бир чеккасида кулимсираб, бош тебратиб, жимгина ўтириши кўз ўнгимдан кетмайди. Лекин маъюслик аралаш ўйчан нигоҳларидан ичи тўла гаплиги сезилиб турарди. Кулса, чехраси ёришиб кетар, кулгисига кўшилиб серхаёл дунёсидан “бу” дунёга чиққандек бўларди.

Хуллас, Ҳастимомдаги учрашув чоғидаги савол-жавоблар асносида меҳмон ўзбек ижодкорларини юртига таклиф қилди. Очиғини айтсам, бир лутф қилди-қўйди-да, деб ўйладик. Буни қарангки, орадан икки кун ўтар-ўтмас диний идорадан қўнғироқ бўлиб қолди: ливиялик мартабали меҳмон етти нафар қаламкашларимизни юртига чорлаб, расман хат жўнатибди! Зудлик билан сафар тадорикини кўришимиз керак экан. Рўйхатдагилар орасида Аъзамнинг ҳам исм-шарифи битилганди.

У кезлар хорижга чиқиш бирмунча мураккаб эмасми, бундай марҳаматдан юраккинамитиз ёрилгудай бўлиб, ҳаракатга тушдик. Бунинг учун, биринчи навбатда виза олишимиз керак. Бундай расмиятчиликни адо этиш учун эса Москвага бориш, Саудия Арабистонининг Иттифоқдаги элчихонасига мурожаат қилишга тўғри келарди. Гуруҳимиз улуғларининг маслаҳатлари билан Москвага бориш-келиш вазифаси каминага топширилди. Ўша заҳоти сафар рўйхатидагиларнинг ҳаммалари фуқаролик ҳамда хорижга чиқиш паспортларини тахт қилиб, қўлимга тутқазиди.

– Меники ёнимда эмас, эртага олиб келаман, – деди бамайлихотир, Аъзам.

Эртаси йиғилишдик. Ҳамманинг кўзи Аъзамда.

- Паспорт қурмағур топилмаяпти, – деди у заррача ҳаяжонланмай.
- Бу қанақаси?! – деди серэхтирос Эминжон ака. – Паспорт деган

матох тайинли жойда сақланмайдими?!

Тоҳир ака бўлса керак, одатича юмшоққина киноя қилди:

–Топилмасдан илгари бормиди? Паспорт олганмисиз, ўзи?

– Эртага...

Ўртоқлар Аъзамнинг бемалолхўжалигидан тутақиб, уни гапиришга кўйишмади:

– Эртага эмас, ҳозироқ бориб, изланг, топинг, келтиринг!

Яна бир кун ўтди. Учрашдик, Аъзам худди ҳеч қандай ўнғайсизлик юз бермагандек, елка қисиб турибди. “Топилмаяпти” деди у.

– Уй-жойнинг, оила аъзоларининг ҳужжатлари жам қилиниб, ҳамиша тайинли бир жойда сақланиши керак-да, оғайни, – дедим норозиланаётганимни сездирмасликка уриниб ва Американи янгитдан кашф этаётган одамдек билағонлик қилиб.

– Тўғри, шундай деб эшитганман...

Ушбу жавобда Аъзам Ўктамнинг бутун феъли, табиати, одоби-орияти, қолаверса, ўша кунлардаги кайфияти мужассам эди. Товушини кўтармади, ранжиганини сездирмади, ҳатто олис араб давлатига бориш бахтидан бенасиб қолиши эҳтимолидан афсусланмади ҳам. Ҳаммамиз жон-жон деб турган сафардан муҳимроқ дарди, ташвиши бордек, лекин уни ошкор қилгиси келмаётгандек туюлди.

– Самолёт чиптаси ҳал бўлаверсин, насиб қилса, бериб юбораман, – деди-кўйди.

Аъзам ёшига хос бўлмаган даражада оғир-вазмин, сермулоҳаза, фикрчан йигит эди. Нигоҳи, сезгиси, туйғулари ниҳоятда нозик ва ана шу нозикликни ўхшатиб ифодаловчи ташбеҳу тимсолларга бой қалби, сўзи, ўзи ўктам шоир эди.

Йиллар ўтди, “Қирқинчи баҳор” деб номланган қалдирғочнинг патидек юпқа китобчасини ҳадя қилди. Ўша юпқа китобчадан ўрин олган шеърларни

Ўқиган одам муаллифнинг ким, қандай одам, қандай шоир эканлигини, тафаккур тарзини, эътиқодини мақсад-маслақларини ҳеч иккиланмай аниқлаштириб олади. Аъзам қалами пухта, дунёқараши шаклланган шоир ўлароқ олам ва одам ҳақида, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, муносабатлар мураккаблиги, қисмат сингари мангу саволларга жавоб излайди. Оила, фарзандлар, оталик бурчи, келажак савдолари, фарз ва суннат амалларига доир қарашларини ғоятда назорат билан мисрама-мисра шеърларига сингдиради. Кўнгилни пошшо, ўзини эса шу пошшога мирзо деб билади. Шеърларида негандир тушкун кайфият сезилади. “Ҳаётдек мўъжиза, ҳикматдир ўлим”, “Яшашдан бездим” деган иқроқлари юракка оғир ботса, “Мардлик фарздир, танглик – суннат” сингари неқбинлиги ўқувчини мамнун қилади.

2002 йилнинг 29 январи. Сешанба. Миллий университетимизда шоир Турсун Алининг янги китоби тақдироти ташкил этилди. Сўнг бир пиёла чой. Давра тўқис – устоз Абдулла Орипов, адибларнинг чинакам ғамхўри Нуриддин Зайниев ва ҳоказолар ҳозир у нозир. Димоғ чоғ. Айни шодумонлик онлари тўсатдан кўнғироқ чалинди, олдим.

– Хабарингиз бўлдим, Аъзамжон ўтиб қолди.

Қайси Аъзамжон эканлигини сўрашга тил бориб улгурмай, сим қоққан дўстимиз совуқ хабарига аниқлик киритди:

– Аъзам Ўктам...

Ногаҳон хабар кўнгилни вайрон қилиб юборди. Нима учун шундай танти, мард йигит, қалби ўктам шоир айни қирчиллама ёшида кетди? Нега?! Нима сабабдан орада хабарлашмай кўйдик, меҳр-оқибатни унутдик?!

Бу ёғи одатдаги беҳуда армону афеуслар... Танқис дастурхон ҳам, ширин суҳбат ҳам юракка сиғмади. Астагина даврани тарк этиб, таҳририятга жўнадим. Эртага чоп этиш учун тайёрланган газета саҳифаларини ҳам наридан-бери ўқиб-ўқимамай имзо чекдим. Ва чақирволиб, 30 январь кунги “Хуррият” менинг бош муҳаррирлигимда сўнгги марта чиққанини ётиғи билан тушунтириб, айтишди.

...Ҳар сафар “Қирқинчи баҳор”ни варақлаганда, Аъзамнинг “Ҳали ер остига эмасмиз лойиқ” деган мисраси эътиборимни тортади, шу-ундай иқрорларини жўмардлик қилиб ёзган шоир дўстимиз бу ёруғ дунёни, ўша беғубор, ҳур ниятли сафимизни жимгина тарк этиб кетгани изтироблари ёдда қолди...

---

**Собиржон ОТАБОЕВ,**

**Фарғона вилояти**

**Бувайда тумани ҳокимлиги**

### **АЪЗАМ ВА ЎКТАМ ШОИР**

*“...мақолани ёзиб, оққа кўчиргунимча бир соат вақтим кетди. Бунинг ўрнига “Ихлос”ни беш юз марта ўқисам бўлмасмиди? Бироқ “Бобурнома”ни кимлардир ўқимагандир, ўқиган бўлса ҳам унутгандир, деган хаёлга бордим...”*

*Аъзам Ўктам*

Аъзам Ўктам йигирманчи аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган ва забардаст шоири эди. Биз бувайдаликлар учун эса алоҳида фахрланадиган жиҳати бор. У ҳам бўлса, унинг ватандошимиз бўлганлиги, катта ва алангали ИЖОД, айнан, Бувайдада чўғ олиб, дунёни ҳайратга соладиган даражада оловланганлигида дейишга тўла ҳақлиман. Аъзам Ўктам 1960 йилда Фарғона вилояти Бувайда тумани Хонобод қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топди. Падари бузруквори Ўктам ота Худойбердиев деҳқончиликда ном қозонган, меҳнаткаш, хокисор инсон эди. Волидаи муҳтарамаси Зулайҳо она эса умр йўлдошига муносиб покиза, содда, камсуқум ва мушфиқа аёл бўлишган.

Англашиладики, ҳалол ризқ, меҳнат билан топилган нонни еб катта бўлган, ҳар қандай нобакорлик, тамагирликдан йироқ, айна пайтда бировга муҳтожлиги ва тобелиги ҳам бўлмаган муҳитда камол топган Аъзам шоирнинг ижодидаги кескирлик, тўғрилик, шиддат ва жасорат ҳамда бадиий маҳорат тасодиф эмас, унинг характериға мос табиийликдир.

Мен Аъзамжонни болалигидан биламан. У мени устоз деб атарди. Кошкиди... Мен ижодда унинг шогирдлигига арзисам, ўзимни бахтиёр ҳис қилардим. Аммо иккимиз ўртамизда ҳамфикрлик(адабиёт соҳасида), бир-биримизни тушуниш ва яна қандайдир кишибилмас яқинлик бор эди. Эҳтимол, бунга ҳар иккимиз ягона устоз - шоири даврон Қодир Дехқон шогидлари бўлганлигимиз ҳам сабабдир. У Тошкентда яшаб ижод қиларди. Мен эса туман миқёсида турли лавозимларда, ҳар ҳолда, одам танийдиган эътиборли жойларда ишлардим. Аъзамжон Тошкентдан келди дегунча, мени излаб топар ва қайтиб кетгунга қадар бирга бўлардик. У келибоқ менга қаердандир телефон қиларди (У пайтлар уяли телефонлар унчалик оммалашмаган).

- Ака, мен келдим, эртага “ишга чиқаман”, дарвоқе, қаерда ишляпман? - дерди у. Бу дегани ҳозир қаерда ишляпсиз, идорангиз қаерда, дегани бўларди.

Бир сафар у ўзи билан 6 ёшли қизчаси (Тўмарис)ни етаклаб келди. У янги китоб устида ишлаётгани, у ҳам бўлса, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларини оддий халққа тушунарли содда ва шеърий талқинлари эканлигини айтди.

- Ёзилган ҳар бир Ҳадис шарҳини мана шу 6 ёшли қизчамга ўқиб бераман, агарда “дада, манави жойи нима дегани” деб қолса, ҳа, ҳали соддалашмапти, дейман-да қайта ишлайман, деди у, - мақсадим Ҳадис сўзлари ва мазмунини ҳамма тушунсин. Китоб ҳақида шу ва бошқа мавзуларда суҳбатлашдик, фикр алмашдик.

Кўп ўтмай у китоб “Икки дунё саодати” номи билан босилиб чиқди. Китоб мухлислар томонидан катта шов-шув билан кутиб олинди. Ана

шундай қимматли асарнинг дунёга келиш жараёнида ҳиссам борлиги менинг катта қувончим.

Баъзан, ижодкорларга баҳо беришда адабиёт майдонида “гуруллаб” кириб келди, деган маҳобатли иборалар қўлланади. Агар Аъзам Ўктам ижодига шундай баҳо берилса, бу унчали муболаға эмас. Ҳали у Аъзам Ўктам эмас, оддийгина Аъзамжон Худойбердиевлик давридаёқ, ўзининг шеър ва мақолалари билан кўпчиликни ҳайратга солган эди.

Фахрий журналист ва ёзувчи Эркин Хўжаев хотирлайди:

- Туман газетасида адабий ходим эдим. Устоз журналист Маҳкам Назаров билан бир хонада ўтириб ишлардик. Ёшгина бир йигит уялибгина хонамизга кириб келди. “9-мактабнинг сакизинчи синф ўқувчисиман, мақола олиб келувдим”, деди овози сал қалтираб. Мақолани олиб қолдим. Йигитча чиқиб кетди. Қоғозни очиб аввалига хафсаласизлик билан ўқий бошладим, бирданига жиддийлашдим, охиригача қаттиқ ҳаяжонга тушдим. “А. Худойбердиев” деб имзо чеккан бу йигитча ўзининг вафот этган ўқитувчиси ҳақида шундай таъсирли сўзлар билан мақола битган эдики, бу оддий ўсмир боланинг дил кечинмаларидан анча юқори эди.

Мақолани устозга узатдим ва “ўқиб кўринг-а”, дедим. Маҳкам ака ҳам уни берилиб ўқиди. Чекаётган сигаретини узун симирди ва узоқ пуфлаб, “мана шу боладан бир нима чиқади”, деди. Қисқа умри давомида ўзининг бетакрор ижоди билан барчани лол қолдириб кетган Аъзам Ўктамнинг адабиётга кириб келиши ана шундай бошланган эди.

Аъзамжоннинг шоирлик иқтидори, унинг бадиий маҳорати, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳақида фикр билдиришдан ожизман. Лекин унинг эътиқоди, ҳалоллиги, тўғрилиги, жасурлиги, қайтмаслиги ва бошқа инсонийлик фазилатлари ҳақида уни яхши билган киши сифатида бемалол гувоҳлик бера оламан.

У ичи тўла дард, алам билан яшаган бўлса-да, зоҳиран хушчақчақ, ҳазилкаш инсон эди. Ҳар қандай вазиятга енгил кулгу ва ҳажв билан ўз таъсирини ўтказа оларди. У Янгиқўрғонда бўлган даврида бизнинг ҳазил-



хузулларимизни эшитиб, қизиқ-қизиқ гапларни Тошкентга олиб кетар, ва айна пайтда пойтахтдаги катта доиралардан ва таниқли ижодкорлар ҳаётидан олинган ичак узди хангомаларни бизга олиб келиб кулдирадди.

Аъзамжонда бошқаларга ўхшамаган ва сўз билан ифодалаб ҳам бўлмайдиган, юрак тубидан отилиб чиқадиган қандайдир ғайриоддий, самимий кулги бор эди. Кейин билсам, у айтилган воқеанинг ўзига эмас, ундан келиб чиқадиган “коса остидаги ним коса” га кулар экан. Ҳаётда учрайдиган айрим ноҳақликлар, маҳаллий раҳбарларнинг ношудлиги, сохта ва чаласавод диндорларнинг кирдикорлари, “самозванец” шоирлар ва бошқалар унинг “кулгу”сига сабаб бўларди.

У фавқулодда талант ва истеъдод соҳиби эди. Афсуски, у ҳаётдан эрта кетди. Эҳтимол, бунда ҳам бир ҳислат бордир. Айтишадик, “худо яхши кўрган бандасини ўзига эрта чақиради”. Қайси бир файласуф ёзган экан, “талантлар қишлоқда туғилади ва шаҳарда ўладилар”. Мана шундай қисматга дохил бўлган улуғ инсонлардан бири бизнинг кадрдонимиз аъзам ва ўктам шоир Аъзамжон Худойбердиев эди. Бутун Ўзбекистоннинг суюкли фарзанди бўлган Аъзам Ўктамни бувайдалиқлар, айниқса, ҳурмат ва ифтихор билан тилга оладилар.

---

**Нурали ҚОБУЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**ИЖОДКОР ВА ИНСОН СИФАТИДА ШАКЛЛАНГАН ШАХСИЯТ  
ЁХУД ТУЛПОР ҚАДРИ ЕЛГАНДА**

**СИНАЛМАГАН ФАРИШТАДАН СИНАЛГАН ШАЙТОН АФЗАЛ**  
Қалбга яқин, яхши кўрган инсонлар ҳақида хотира битмак, мен учун

ғолий азобдир. Боиси, кемтик айрилик ва хузун аламини қоғозга туширар экан яна бир бор ўша изтироблар чекади.

Улусимизнинг шарафли шахсият ва шоири, тўғри ва ҳалол инсон, бошига қилич келса-да оқни оқ, қорани қора дегувчи Аъзамжон кардошим ва жигарим ана шундай бир кишилик эди.

Одатда биз шоирларга баҳо бериб, уларнинг ҳаётини ҳамда ижодий қиёфасини кўз олдимизга келтирар эканмиз, табиийки муқаддас китобимиз Қуръони Каримдаги шуаро яна шоирлар сурасидаги яшайдир-ки назардан қочира олмаймиз.

Собиқ совет салтанатининг чиранишлари замонида Михаил Горбачёв эълон этган қайта қуриш ва ошқоралик эпкинидан ифода этган ҳолда Чўлпон нашриётида Қуръони Карим таржимасига киришилди. Уни бир миллион нусхада чоп этмоқ имкони савобига дохил бўлар эканмиз, китобнинг муҳаррирлигига тайин этганимиз Аъзамжон билан худди шу- Шуаро сураси устидаги мулоқотларимиз кечагидек хотирамда.

Хузунли яна бир ҳолатки, ушбу битикни битмак ташвишида юрар эканман, тилга олганим таржимани аламга оширган биродаримиз, зукко олим Аловуддин Мансур қадрдонимизнинг Тошкентда раҳмати Раҳмонга қовушганлигини жўшиб бир қайғуимиз минг бўлди. Жойлари жаннатда, охиратлари обод бўлсин!

Оллоҳ раҳматига олган бўлсин. Аловуддин Мансурни бизнинг Қуръони Карим таржимаси нашрига киришганимиздан хабардор бўлмиш ҳофизимиз Шерали Жўраев Қирғизистон Қорасувидан олдимга олиб келган ва Аловуддин ака билан таржима шартномасини тузган эдик.

Мен сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми? Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга тушиб, эшитиб олганларини уларга ташларлар. Уларнинг (жинларнинг) кўплари ёлғончилардир. Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг сўз водийларидан ҳар водийда дайдишларини яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё

нарсаларни кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа қоришларини ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?!

Муҳтарам олимимиз Аловуддин Мансурнинг Аъзамжон билан биргаликда кўриб чиққанимиз ушбу изоҳлари ҳам Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда маддоҳизм байроғини баланд кўтарувчи, икмак дея ватан-у миллат, ҳақ-у ҳақиқат, адл-у адолатни унутиб, кузги кузгун кун ташловчи сўзда битикчиларга ибратли бир сабоқдир.

Бироқ мен байроқ билан пайтавани адаштирувчи сўзда ёзарларнинг инсофга келиб, кўзлари очилажакларига ишонмайман. Улар шундай келиб, шундай кетадилар. Юқорида қайд этилган оятлар ҳеч бир замонда тангридан кўрқиб, бандасидан уялмайдиган тепадаги ҳокимият ўзгариши билан мунофиқлик туғини янгилаб маддоҳлик созини созлаб, икмак-у суяк илинжида мавзира қахрамонлар ясайдиган тўғрилиг-у эзгулик ҳақида кечаю кундуз лоф уриб, Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда олдига каттароқ луқма ташланса, ҳар қандай номаъқулнинг нонини еб, хоиндан қахрамон, авлиёдан халқ душмани яшашга ҳозир сўзда қаламкашларга тегишлидир.

Бундай қаламкашлилик улуғ касбни нопок тирикчилик манбаига айлантирган кимсаларга мана шу номаъқулнинг нонини егин десангиз, каттароғи йўқми дея жавоб берадилар. Бироқ ғоят оз бўлса-да, бизда ҳам адл-у адолатдан, иймон-у эътиқоддан ижодкорлар борки бундай бутун шахсият ва ижодкорларсиз ижод ижод бўлмайди. Аъзам Ўктам ана шундай шахслар ва ёзарлар рўйхатида қайд этилажак ижодкор, шахсият, ватандош ва миллатдош эди.

Кейинги ўн йилликлар даъвомида биз яшайдиган жўғрофияда сохта саводсизларча ватанпарварлик ва халқпарварлик популизми миллий бир хасталикка айлангандай бўлиб қолди. Шунини унутмаслик шартки, ҳақ-у ҳақиқатсиз давлат, миллат ва яшамакликнинг олий манфаатлари ва дарди биринчи ўринда турар экан. Олий адолатсиз ҳар қандай юрт севарлик ва улуспарварлик бир чақадир.

Шунинг учун ҳам буюк Ибн Сино бежизга худо- олий адолатдир демаган. Ибн Сино ҳам тенгсиз бир шоир бўлган. Шоирлар ҳақидаги юқоридаги оятлар билан боғлиқ ҳадислар ҳам мавжуд. Ақли ва қалби салим шахсиятлар ҳеч қачон шайтон васвасига учмайдилар.

Саҳобалардан саналмиш бир шоир Муҳаммад Алайҳиссалом ҳузурларига келиб, Оллоҳ таоло шоирлари ҳақида айтган сўзларидан сўнг бизларнинг ҳолимиз не кечади деганларида ул Зот шундай жавоб берган эканлар: “Мўмин киши ҳам тиғи билан ҳам тили билан (яъни калами) билан Оллоҳ йўлида жиҳод қилур. Яратган эгамнинг номига қасамки сизлар айтадиган ўқнинг тиғи ўткирроқдир”.

Бироқ хом сут эмган инсон бандаси жоҳил-у саволсиз, оми-ю чала саводлигидан келиб чиқиб, қаршисидаги Хизир сифат бир шахсиятнинг кимлигини англаб етмаслиги ҳеч гап эмас. Сабаби инсоният ўзлигини таниганидан бери синалмаган фариштадан, синалган шайтон афзал нақлига амал қилиб келган. У феъл атворидаги бу қусурдан воз кеча олмайди.

Фаришта билан шайтонни ажрата билмоқ учун эса ҳазрат Навоий ёки Бобур каби фано босқичига кўтарила билиш керакдир балки. Масалага яна бир бошқа томонда қарайдиган бўлсангиз, шайтон домланинг ўзлари ҳам фаришталар сирасига кирадилар...Зотан эл тили билан айтганда, ҳориб келиб минган сузиб, хориш эшак от бўлур...

Аъзамжон билан қардошлигимиз унинг талабалик йилларидан бошланган. Ота-оналарини зиёрат этиб, ошлоқларидан нон-у туз тотганман. Отилиб чиқаётган ёш шоирларни мавжуд тузум ва ғоя тазйиқидаги матбуот нашрлари ҳар доим ҳам олқишлар билан қарши олмас эди у замонларда. Бундай ёшлар беихтиёр мен ишлаётган “Совет Ўзбекистони санъати” журналига оқиб келишар, принцип учун биз уларнинг энг сара шеърларини эълон этардик.

Шу аснода Аъзамжоннинг ҳам бир қанча битикларини чоп этдик.Бир куни у ёнимга ғоят тушкун ҳолатда кириб келди.

— Мана бу шеърларимни “Ёшлик” дан қайтариб беришди, -деди у бир даста битикларини узатиб - сиз ўқиб кўринг?

Мен шеърларни ўқиб кўрдим-у ўша пайтда энди ташкил этилган “Ёшлик” журналининг бош муҳаррири Эркин Воҳидовга кўнғирок қилдим. Ғоят мутавозе Эркин ака билан хол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтдим. Аъзамжоннинг шеърларинин ўқир эканман бир қоғозга Эркин акага ёзажагим бир мактубни қоралай бошлагандим.

— Эркин ака! Мен сизга бир шоир укамиз Аъзамжон ижоди ҳақида “Очиқ хат” ёзмоқдаман. Агар “Ёшлик” журналида шундай шеърлар чоп этилмайдиган бўлса, бу журналнинг вазифаси нимадан иборат ва кимга кераги бор деган ҳақли савол ўртага ташланади. Сиз поэзия бўлимини ишониб топшириб кўйганингиз кишилар кимки ўзларидан яхши шеър ёзса, қайтаришар экан. Уларга маъқул келиши учун улардан паст ёзмоқни ҳамма ҳам эплай олмаслиги мумкин. Мен сизга очиқ хатнинг мазмунини сўйламоқдаман. Мактубни шеърларга кўшиб Аъзамжондан бериб юбораман.

Эркин ака Аъзамжонни кутажакларини айтдилар. Бир муддат ўтиб ўзлари кўнғироқ қилдилар.

— Мен ходимларимиз хатоси учун сиздан ва Аъзамжондан узр сўрайман. Мана, ҳозир ўзим қўл кўйиб, номерга тушириб юбордим!

Бу улуғ йўл бошида турган Аъзамжонга улуғ бир устоз берган оқ йўл, дуойи фотиҳа эди аслида. Сўнгра яна бир даста шеърларига мен оқ йўл ёзиб, “Қишлоқ ҳақиқати” газетасига бердик. Унда шундай жумлалар бор эди: Мен Аъзамжоннинг ижодига бугун кечкурун қуёш ботиб, эрта тонгда муқаррар чиқишига ишонганим каби ишонаман.

Бу ишонч, бу меҳр-у муҳаббатга мудом содиқман. Аъзамжоннинг ота юрти, она ватани Бувайдадамиз... Мустақиллигини эълон этган парламентга миллат вакили этиб сайланганман, ишончли вакилларим Аъзамжон, Йўлдош Сулаймон ва Муҳаммад Юсуфларнинг ёнимда турганлари ҳам алоҳида бир тарихдир.

Бувайдадаги фаолиятимизни эса “Правда” номидаги колхозни “Ҳақиқат” дея ўзгартиришдан бошлаб, Бувайданинг азалий орзуси табиий газ олиб боришни ташкил этиб, беш минг кишилик Жоме масжиди пойдеворига ғишт қўйиш бўлган. Бу ишларнинг барчасига қаҳрамонлик даъвосида эмас, миллий бурч, ватаний вазифа, улус қонини янгилаштириш саодатига сазовор бўлмоқ учун қўл урганмиз.

Зотан, қалбида ватаний ахлоқ машҳарий виждон шаклланган ҳар бир ватандошимиз учун бу каби саховатни юмушларни амалга ошириш фарздир. Бизда яхши шоирлар кўп. Бироқ бу яхши шоирлар орасида яхши инсонлар бармоқ билан санарли даражада. умуман яхши инсонлар оламда озчиликни ташкил этади. Бу халқимиз инсон соз, жаҳонда оз дейди.

Бироқ адабиёт атрофида ўралашиб юрган анча мунча номи улус супраси қуруқларнинг ватан ва улус адабиётига умуман алоқаси йўқлигини айтмасам ҳам бўлмас. Яхши шоир дегандан кўра яхши инсон демокнинг муҳимлигини эса ҳамма ҳам ангалаб етавермайди. энг зўр деган битикчининг ҳам жаҳон нуқсонун қусурлардан меъеридан ортиқ бўлса, охир оқибатда бунинг нуқси ижодига уради ва сўнгида у ўлчовидан чиқиб қолади. Китобхон унинг яхши битигини ҳам ўқимай кўяди. Боиси фақат яхши инсондангина яхши ижодкор чиқади.

Ваҳоланки, миллат-шахс сифатида шаклланган бутун шахсиятлардан ташкил топади. Олими, раҳбари, зиёли-ю ойдини бутун бўлмаган усуллар эса ярим-ёртилигича ўтиб кетаверадилар. Аслида ўлганлар асиллар етишиб чиқаверади. Аслида бўлмаганни не қадар этикетларни ёпиштирманг асло чиқмас.

Бизда зиёлиман деган, жумладан ижодкорлик даъвосида бўлган кишилар орасида сўз ила ифодалаб бўлмас даражада саводсизлик ва чаласаводлик мавжуд. Бу ғоят ачинарли аҳволдир. Маънавият, маърифат адабиёту санъатга дахлдор бўлмаган соҳа ходимлари ва мутахассисларни кўя туринг, бизда филология фанлари доктори ёки номзоди дипломини

кўтариб юрган “Олим” ўз эмак эшиги бўлмиш касби бойича ўқиши керак бўлган китобни ўқимайди.

Россияда эса Кочегар яъни гули ҳам бадий китоб ўқийди. Халқнинг пичоққа илинадиган ёзувчи ва ларини билади. Фожиамиз шундан иборатки, фикримиздан кўра тилимиз узун. Умрида кўлига китоб олмаган киши ҳам соатлаб нутқ айтиши, панд-у насихат қилиши мумкин. Зотан содда гапиради, доно тинглайди деганларидек, фикрлаш салоҳиятига соҳиб бўлмаганларнинг тили бир қарич бўлади.

Тулпор қадри илганда, қадах қадри тўлганда, инсон қадри ўлганда билинар деганларидек, биз ҳар доимгидек бутун шахсиятларимизни ўз вақтида қадрига етмай, улар ўлгандан сўнг ноғора чаламиз, кўкларга кўтармоқчи бўламиз.

Ваҳоланки, шаклланган халқ ва ҳукмдорлар тирик шахсиятларига эга чиқа олиши керак. Ўтганлар муҳтож бўлмасалар-да ҳар замон-у маконда уларга эга чиқишга кеч қолинмайди.

Битигимни ҳақиқий шоир қардошим баҳонасида шоирларга бағишланган бешлик билан битирмоқни мақсадга мунофиқ деб билдим.

*Уфқни кўролмаслар,*

*Ўрмондаги шоирлар.*

*Ярим душман, ярим дўст,*

*Дўрмондаги шоирлар.*

*Ҳаволарда учарлар,*

*Тумандаги шоирлар.*

*Чақа кетидан қувмас,*

*Виждондаги шоирлар.*

*Тўрт тараф гул-у гулзор,*

*Чамандаги шоирлар.*

*Ҳамду сано дўндирар,*

*Дўкондаги шоирлар.*

*Қулоч отарни билмас,  
Уммондаги шоиралар.  
Алайҳилаъна каби,  
Гумондаги шоирлар.  
Парча экмак деб ранги,  
Самодаги шоирлар.  
Шухрат қулидир яхши,  
Ёмондаги шоирлар.  
Даҳоми ё нортентак,  
Замондаги шоирлар.  
Одам каби одамдир,  
Заминдаги шоирлар.  
Шайтонга ҳам дарс берар,  
Қуръондаги шоирлар.  
Ҳақ сўзга ҳайкал кўяр,  
Имондаги шоирлар.  
Куни учун кул ташлар,  
Омондаги шоирлар.  
Мунофиқлик қилмас у,  
Томондаги шоирлар.*

---

**Фармон ТОШЕВ,  
Олий Мажлис сенати аъзоси,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

### **КЎНГИЛНИНГ ШОИРИ**

Дунёда нимаики эзгу иш қилинган бўлса, ҳаммаси кўнгилдан бошланган. Ислом дини кўнгил поклигига чорловчи дин. Ижодкорларни



инсон руҳиятини муҳандислари дейишади. Бу бежиз эмас. Мавлоно Алишер Навоий ўз ижоди билан бадиий ижодда дунё андазасини ярата олди. Негаки бу буюк зот пири комил, беназир эътиқодли, пок қалбли инсон эди. Қуръони Каримни ёд билиш баробарида Худо берган иқтидори орқали бу улуғ китоб ғояларини байтларга сола билди. Ана шу орқали ренессанс даврида жамиятга таъсир ўтказа олди.

Инсонни ўз қалбини поклашга, эзгуликка, дунёга бўлган қарашини ўзгартиришга чорлаш ҳамма даврда ҳам савобли, аммо машаққатли иш саналган. Санокли ижодкорларгина бу ишга кўл урган. Аъзам Ўктам ижодида ана шу жасоратни кўриш мумкин. Минг афсуски, у ана шу жасоратни улуғлайдиган даврда яшаб ўтмади. Гарчи ижодий давраларда бу ҳолат эътироф этилсада, баралла айтишга кўпчилик тортинарди. Лекин энг муҳими, у ёзиб қолдирди, ёзишга жазм этди, бунга маҳорат, илм топа билди. Бу ижодга бугунги кунда эътибор қилишаётгани ҳам яхши гап.

Профессор Баҳодир Каримдан ўтказиб бир нарса дейиш қийин. Негаки у Аъзам Ўктам ижодини пухта ўрганган, ижоди моҳиятини таҳлил қилган. Мен Аъзам билан бир-икки марта учрашганман. Лекин шу қисқа мулоқотларда ҳам ундаги юксак маданиятни, самимиятни сезганман.

Бинобарин, «Икки дунё саодати» асари шиор ижодидаги тасодифий ҳолат эмас. У аввал бошданок «Мен осмондан ерга тушиб қолганман» деб ёзади ва «Шеърсиз - бедард кунлар бунчалар бисёр»лигидан, «Урушга ўтин бўладиган болалар» тақдиридан изтироб чекади. Уни дунёвий муаммолар қийнайди. Чунки:

*Шоирмас сўзни минг куйга солган,*

*Шеърни деб минг кўйга тушганлар шоир...*

У инсоннинг эркин кўнгли учун дуолар қилади:

*Ҳақиқатни излаб борганда магрур,*

*Журъатлар сўнмасин остоналарда...*

Бундай мисраларни унинг ҳар битта шеъридан топиш мумкин: «Жангда халол бўлган аскарлар, жангда кўпроқ ҳалок бўлишар», «Лекин ўйлаб кўрсам йиғининг, «Тили» бирдир ҳамма миллатда», «Йиғламаслик учун кулдик биз, биз йиғладик кулмаслик учун». Шоирнинг даъвати ҳам дунёвий: «Чунки бизлар яшаётимиз фақат бекор ўлмаслик учун!».

Ҳамма шоир кўнгил куйчиси. Лекин кўнгилда ҳам кўнгил бор. Аввало жасорат ҳамма кўнгилда ҳам бўлавермайди. Бу жасоратни қоғозга тушириш унданда ноёб фазилат. Масалан, «Тундан оқ чиқмас эсанг, тонглар кечирмайдур сени». «Банди бўлиб турсин менинг кўлимда, гулларнинг юзини тирнаган шамол», «Юраги хаста бу дунёнинг, хира тортган кўзларини сийпалаб қўяй», «Мен куллуқ» сўзини ёмон кўраман, Худди «куллик» каби уйғотар нафрат».

Назаримда, шоирнинг «Ишлаётган одам» сарлавҳали шеърини ҳозир ҳамма ёд олиши керак. Бугунги сиёсат истаги билан ёзилган бу шеър 1987 йилдаёқ жамият олдига кўп савол қўйган. Яъни ишлаётган одам нимадан уйғонади – булбул навосиданми ёки соат овозиданми? У ҳамдардини кутадими ёки автобус ва ойлик маош кунини? Дардчил онасига хат битадими ёки кечикканига “тушунтириш хати” ёзадими? Кимдан кўрқади у – босқинчиданми, душманиданми ёки бошлиғиданми? Нимани кутади у – қоғозга ёлғон маълумот ёзувчи тўраларга барҳам берилишиними ёки иш вақтининг тугашиними? “Унда ахир қачон ишлар, қачон ишлар Ишлаётган одам?!”.

Дунёвий илм дунёни яхлитликда ўрганиш дегани, яъни барчага - етти қитъага, эркагу аёлга, катгаю кичикка, ҳамма миллатга тегишли масала хусусида фикр юритиш. Ислом дини – дунёвий дин. У инсон эркини, фароғатини, комиллигини энг аввало кўнгил поклигида, маънавий етукликда кўради. Бу комилликка эътиқод, илм ва шавқ билан эришиш мумкин. Бизнинг авлод Алишер Навоий асарларидан ана шундай сабоқ олганмиз.

Аъзам Ўктам бу ҳақиқатни бошқалардан бошқачароқ англаган. Аниқроғи, маънавий комилликка интилиш заруратини тушуниб етган.

Қалбан тушуниб етган. «Икки дунё саодати» ана шу асосда маҳорат билан яратилган. Назаримда, бу асарни шарҳлашдан кўра ўқимок ва уқмок завқли. Чунки муаллиф ҳадислар моҳиятини очишга сўзларни ниҳоятда усталик билан топган. Нафақат ёшлар, болалар, ҳатто катта ёшдагилар учун ҳам тушунарли тилда ёзилган. Яхшилик ва ёмонликнинг мазмуни, оқибати чиройли ташбеҳларда кўрсатилган. Бу шеърларни ўқиш, ёд олиш ва даврада айтиш ҳар бир инсон вужудига эзгулик туйғуларини, шуурига эса Қуръони Каримнинг дунёвий ғояларини сингдиради, кишида яхшиликка иштиёқ, ёмонликка эса нафрат уйғотади. Аслида шоир маҳоратининг кучи, мезони ҳам ана шу вазифани қай даражада уддалай олишидадир.

Насрдаги бу хил анъанани назмда ҳам бинойидек бажарган шоир Аъзам Ўктамнинг жойи жаннатдан бўлсин.

Мен Аъзам Ўктам ижоди билан унинг аёли, фидойи радиожурналист, фан номзоди Хулкар Ҳамроева орқали яқиндан хабардор бўлдим. Барча шеърларини иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Тўғриси, шундай беназир иқтидор соҳиби орамиздан эрта кетганига ачиндим. Кейинчалик ўғли Темур ва қизи Тўмарисда ҳам ота қонидан ўтган ген борлигини кўриб қувондим. Улар падари бузруквори ижодини асраш, тарғиб этиш баробарида ўзлари ҳам бинойидек нарсалар ёзишяпти.

Аъзамжоннинг ўлмаслиги ҳам шу.

---

**Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,**  
**ёзувчи**

### **ЕЛКАМИЗДАГИ ҚАРЗ**

Кечагина: “Аъзам, соғлиқ қандай? «Ҳидоят»га аталган мақола тайёр бўп қолдимми?” деб сўраганимда: “Аллоҳга шукр, соғлиғим яхши. Мақола ҳам

тайёр. Битта эмас, беш-олтита. Қаторлаштири-иб босаверасиз”, деган эди одатдагидек хушчақчақ.

Бугун эса...Бугун Аъзам ҳақидаги ҳар бир сўзимизни “Раҳматли...” ифодаси билан бошляпмиз.

Раҳматли Аъзам Ўктам эндигина қирқ икки ёшга яқинлашган эди. “Қирқинчи баҳор” деб номланган жажжи шеърий тўпламини ўқувчиларга яқинда тақдим қилган эди. Аллоҳнинг иродаси экан, қирқ иккинчи баҳорини кўролмай кетди. “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун”.

Вафотидан икки кунгина бурун – якшанба куни оиласи билан бизникига меҳмон бўлиб келган эди. Абдумурод Тилавни ҳам чақирдим. Ўша оқшом роса чиройли суҳбат бўлди. Ўн йил, йигирма йил илгариги гаплар ҳам қолмади. Кўп ишларни, кўп одамларни эслашдик.

Таниганлар яхши билишади: Аъзам сўз устаси эди, ҳар қандай воқеани ҳам ниҳоятда қизиқарли қилиб ҳикоя қила оларди. Суҳбатидан маъно ҳам оласиз, завқ ҳам. Шунинг учунмикан, кўпроқ уни гапиртиргимиз келди. Ажабтовур хотираларидан биз – Абдумурод, ўғилларим ва мен мириқиб ўтирдик.

Аъзам Ўктам муболағасиз катта шоир эди, мўмин шоир эди. Шу қисқагина умрида ижоди билан ҳам, фаолияти билан ҳам динимизга улкан хизматлар қилиб кетди. Биргина Қуръони каримнинг Алоуддин Мансур амалга оширган ўзбекча маъно таржималарини нашрга тайёрлашдаги саъй-ҳаракатларини эслашнинг ўзи етарли. Таржима “Шарқ юлдузи” журналида кетма-кет босиларкан, уни қўлёзмадан оққа кўчиришдек “қора” ишни асосан Аъзам оиласи билан биргаликда адо этган эди. Кейинроқ “Чўлпон” нашриётида алоҳида китоб ҳолида тайёрланган нашрига муҳаррирлик қилди.

“Икки дунё саодати” китоби (1998) тўласича Имом Бухорий тўплаган ҳадислардан айримларига шеърий битикларини тўплади, “Қирқинчи баҳор”ни (1999) эса “Азон” шеъри билан қаршилади...

Ўша куни бизникида негадир раҳматли Чори Авазни кўп эсладик. Чори Аваз анча-мунча диний саводи чиққан, имонли, зўр шоир эди. Аъзамнинг

калин дўстларидан. “Чўлпон”да бирга ишлаган, бирга-бирга Анвар домладан илм олишган, Зоҳиджон қори акадан қироатни ўрганишган.

Раҳматли Чорининг қулоғи сал оғир эди. Аъзам бир воқеани гапириб берди. Қуръондан сабоқ олаётганларида “таббат” сўзидаги охирги “т” товушини Чори ҳеч тажвидга туширолмабди. Зоҳиджон қори ака куйиб-пишиб тушунтира бошлабдилар: “Хов Чори, менга каранг, шоир одамсиз, ўхшатишни яхши кўрасиз. Саҳрода кетаётган туянинг оёғи қумга ҳар урилганида қанақа товуш чиқаради? Бу “т”ни ҳам ўшанақа қилиб (яъни, бир оз сирғалтириб) талаффуз қилинг!” дебдилар.

– Қарасам, қори ака роса жиғибийрон бўляптилар, – дейди Аъзам. – “Эй қори ака, Чорининг қулоғини биласиз, туя бўқирса эшитмайди-ю, туёғининг шип-шип товушини эшитадими?!” дедим.

Бу беғараз ҳазилдан уларнинг бир-бирларига нақадар яқин бўлганлари кўриниб туради.

– Анвар (Обиджон) акам Чорининг вафотига ёзган сўзида икки қатор шеър бор эди, – деди Аъзам ва ёддан ўқиди: – “Кўзи жуда ўткир эди, Саждада нақ Каъбани кўрарди. Қулоғи сал оғир эди, Ўлимининг шарпасини сезмай қолди...”

Ушбу байт, дарҳақиқат, раҳматли Чори Авазнинг имонига, ибодатига ва тақдирига жуда чиройли тавсиф беради. Ҳаққиға хайрли дуолар қилдик. Яна аллапайтгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, ниҳоят хайрлашдик. Икки кундан кейин эса...

Бизнинг қулоқларимиз очиқ эди, аммо Аъзам Ўктам биродаримизга яқинлашиб қолган ўлим шарпасини ҳеч қайсимиз сезмай қолибмиз. На биз – ёр-дўстлари, на оиласи – ота онасию хотин, бола-чақалари ва на ўзи... Зотан, ўлим кўзга кўринмайди, қулоққа эшитилмайди, лекин Буюк ва Қудратли Яратувчининг ҳикматига кўра, у ҳамиша ёнимизда юради, ҳаётимизга ҳамиша йўлдошдир. Муҳими ва буюрилгани – биз бандалар ҳар кун-ҳар он унга йўлиқишимизга ҳамиша тайёр бўлишимиз лозим. Бир куни муддати етиб, ёнимиздан қаршимизга чиққанида, худди раҳматли дўстимиз Аъзам

Ўктам каби, хотиржам таҳорат олишимиз, хотиржам ибодатни адо этишимиз ва бу умрлик йўлдошимизни хотиржам кутиб олишимиз керак.

---

**Икромиддин ОСТОНАҚУЛОВ,**  
**Тарих фанлари доктори,**  
**“Турон” ФА академиги**

### **АЪЗАМ ЎКТАМ ҲАҚИДА ТҶРТ ХОТИРА**

Мен истеъдодли шоир Аъзам Ўктамни ҳали Аъзамжон Худойбердиев эканлигидан бери билар эдим. Бувайда тумани газетасида у ўз шеърлари остига расмий фамилиясини кўярди. “Совет Ўзбекистони санъати” журналида туркум шеърлари босилганда ҳам тахаллуссиз эди. У университетни битириб, шеърларини матбуотда эълон қилар экан, отаси Ўктамжон ака номини ўз исми билан бирга қўшиб ўзига хос тахаллус ясади ва тез орада адабий давраларда “Аъзам Ўктам” бўлиб танилди. Шоирни ўқувчилик йилларидан бери билган тумандош сифатида айрим хотираларимни баён этмоқчиман.

#### **Фарғона. Илк учрашув**

Мен Бувайда тумани Оққўрғон қишлоғида, Аъзамжон шу тумандаги Хонобод қишлоғида туғилган. Оққўрғон билан Хонобод ораси ўн чақирим, холос. Биринчи марта Аъзамжон билан Бувайдада эмас, Фарғона шаҳрида кўришганман. Фарғона давлат педагогика институтида ўқиб юрганымда тўрт-бешта шеърим вилоят газетасида эълон қилинди. Бунда катта шоир ва забардаст журналист Йўлдош Сулаймоннинг ҳиссаси бор эди. 1978 йил бўлса керак, вилоят марказида ёшлар ташкилотининг қандайдир

анжумани бўлиб ўтди. Йиғилиш бўлиб ўтган бинодан ташқарига чиқсам, чамамда 18 ёшлардаги бир йигит ийманибгина менга яқинлашиб:

- Сиз Икромиддин акаси-а, мен Бувайданинг Хонобод кишлоғидан Аъзамжон бўламан, мактабни битириб, Тошкентга журналистикага ўқишга кира олмадим, ҳозир туман газетасида корректор бўлиб ишляпман. Шеърларингизни ўқидим. Шоир Қодир Дехқон сизни мактади, Икромиддин билан танишинг, машқларингизни унга кўрсатинг, деган эди, суҳбатлашгани вақтингиз бўладими?" деди.

Ўшанда Аъзамжоннинг лунжига яра чиқиб, бошини "Иван Василевич"га ўхшаб оқ қийик билан боғлаб олган, бола пақир яраси бор жойни қўли билан тўсиб, ҳижолатли бир ҳолда кулимсираб турар эди. Шунда мен:

- Ҳижолат бўлманг, "Иван Василевич", ўспиринлик охирида барча ўғил болаларга шунақа яра бир чиқиб олади, совуқ сувдан, чанг-ғубордан эҳтиёт қилинг, қўлингиз билан эзманг, яхши бўлиб кетасиз, - дедим.

Қисқаси, Аъзамжон менга ажиб хуснихат билан битилган бир даста шеърини машқларини бериб кетди. Уларни Йўлдош Сулаймонга кўрсатишимни илтимос қилди. Шеърларда ёш қаламкашнинг истеъдоди мавзу танлашида, мисраларни бир бири билан мантиқий боғлай олишида, қофия талабларини билишида сезилиб турарди. Мен Аъзамжоннинг ҳеч бўлмаганда иккита шеъри Йўлдош акамга манзур бўлади, деган ишончда машқларни вилоят газетаси таҳририятига олиб бордим. Йўлдош ака сўзсиз бир ҳолатда, жиддийлик билан машқларни ўқиб чиқди. Кейин менга уларни қайтариб берди. Буларнинг ичида унга маъқул шеърнинг йўқлигини, аммо қўли келиб қолганлиги, янги ёзганларини яна юбораверишини, иложи бўлса, шеърларини ўз олиб келиб кўрсатиши кераклигини тайинлаб, жавоб ёзиб юборишимни айтди.

Мен жавоб хатини битдим. Ҳар бир шеърга алоҳида муносабатимни билдирдим. Ўзимни худди Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуровдек тутиб, унинг машқларига жуда бешафқатлик билан баҳо бериб, уларда оригинал

фикр ва ғоя йўқлигини, тақлид излари борлигини мисоллар билан тушинтиришга ҳаракат қилдим. Хатни почта орқали Янгиқўрғонга – “Олға” газетаси таҳририятига юбордим.

Шу бўйича Аъзамжон менга шеърларини бошқа юбормади. Йўлдош акамнинг ҳузурига ҳам келмади. Аксинча, қайдасан, Тошкент?! деб пойтахтга кетди. Кейинчалик биз Аъзамжон талаба бўлиб юрган пайтда ўша воқеаларни эслатганимда, жавобдан роса хафа бўлганини, ҳатто йиғлаганлигини кулиб айтиб берган эди.

Тан олишим керак, ўша “тақриз”ни мен бунчалик баланддан келиб ёзмаслигим, бошловчи ижодкорни дилини оғритмаслигим лозим эди. Бирок ўйлайманки, Аъзамжон бу хатдан анча нарсаларни мушоҳада қилган, ўз устида ишлашга ҳаракат қилган. Зеро у агар менинг хатимдан ранжиб бошқа шеър ёзмасдан қўйганда бошқа гап эди. Аксинча - менинг бу танқидим сабаб у қаламни янада қаттиқроқ ушлаган, сўз санъати билан одамлар қалбини забт этиш устида жиддий изланган. Бугун ўша қўлёзмалар ва уларни мен “пўстагини қоққан” мақола-тақриз ҳам йўқ. Улар сақланиб қолганида борми, мен бу икки қўлёзмани аллақанча долларга сотиб олиб, оққа кўчириб, албатта матбуотда эълон қилган бўлар эдим.

### **“Москва” машинкаси**

Аъзамжон туман газетасида қалами қайралиб, жиддий тайёргарлик қилиб, Тошкент давлат университети журналистика факультетига ўқишга кирди. Пойтахт адабий муҳити қозонида қайнаб, янги устозлар, дўстлар орттирди. Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Тохир Малик, Эркин Маликов, Анвар Обиджон, Ҳалима Худойбердиева, Нурали Қобул каби улуғ инсонлар билан ҳамсуҳбат, ҳамкор бўлди. Муҳаммад Юсуф, Эшқобул Шукур, Чори Аваз, Равшан Файз, Азиз Саид каби шоирлар билан бирга янги ўзбек адабиёти даргоҳидан ўрин ола бошлади. Бир пайтлар у менга ҳавас қилган бўлса, энди мен (қишлоқ муаллими бўлиб, чўлларда пахтакорларга



мададкор бўлиб) унга ҳавас қила бошладим. Ўзимча “Қишлоқ муаллими” деган дoston ёзиб,

Ху теракзор бир гўша,  
Тут, пахтазор атрофи,  
Менинг қишлоғим ўша,  
Емиш, ошлиғи вофур.  
Шу қишлоқда менинг бир  
Домла дўстим яшайди.  
Шаҳар унга зор эмас,  
Унга қишлоқ ёқмайди.

деб муҳитдан афсус чекиб яшайман. Гоҳ пахта якка зироатчилиги туфайли эзилиб яшаётган халқимизга ачиниб, “Сувчи айтган ҳикматлар” деган шеър битиб, ўзимни овутишга, алашим иситмасини совутишга интиламан.

Ёзги таътилда Аъзамжон туман газетасига амалиётга келди. Мен эса унинг бундан бир неча йил аввал ишлаган ўрнида корректор эдим. Унга бир куни Чўлпоннинг “Кўнгил” шеърини ёддан ўқиб бердим. Бу шеърни Муҳаммаджон Мадғозиев бировга кўрсатмаслик шарти билан берган “Тонг сирлари” (1925 йили Самарқандда босилиб чиққан) китобидан ўқиб, ёдлаган эдим. Аъзамжон шеърни ҳаяжон билан тинглади. Бунақа шоирни эшитмаганлигини айтди. Мен шеърни айтиб турдим, у қоғозга кўчириб ёзиб олди. Ажабки, Аъзамжон орадан бир неча йил ўтиб, 1992 йили Чўлпоннинг “Баҳорни соғиниб” номли китобига муҳаррирлик қилди, кейин эса “Чўлпон” деган публицистик шеърини ёзди.

Ўша суҳбатларда Аъзамжон Тошкентда шеърларини машинкада босиш анча машаққатли эканлигини айтиб қолди. Шунда ўзимда “Москва” русумли машинкам борлигини айтиб, эҳтиётлаб ишлатиш шарти билан фойдаланишга бериб туришим мумкинлигини айтдим. Шоир севиниб кетди. “Машинкани бераман, фақат бир шарти бор – биринчи китобингиз чиққач, қайтиб берасиз”, дедим. Шу-шу машинка Тошкентда “яшади”, Аъзамжонга роса

хизмат қилди. 1990-1992 йиллари мен Тошкентда аспирантурада ўқир эдим. Аъзамжоннинг биринчи китоби босилиб чиққач, энди машинкани қайтариш фурсати етганлигини эслатдим. Аъзамжон машинка қишлоқда “инвалид” ҳолатда ётганлигини, ўрнига бошқа машинка олиб беражагини айтди. Мен майли битта машинка сиздан айлансин, воз кечдим, дедим уни ҳижолатдан қутқариш учун. Чунки шоирнинг биринчи китобига кирган шеърлари менинг машинкамда терилиб, газета-журналлар ва нашриётларга етиб борганлигининг ўзи менга етарли эди.

### **“Фарҳанги забони тожики”**

Талабалик йилларида Аъзамжон Абдулла Қаҳҳорнинг турмуш ўртоғи адабиётшунос олима, таржимон Кибриё Қаҳҳорова билан ижодий мулоқотлар олиб борган. Кибриё опа билан суҳбатлашиш, мушоира қилиш учун эса, фақат ўзбекча шеърларни ёддан билишнинг ўзи кифоя қилмас эди. Шунинг учун Аъзамжон форс-тожик тилини қандай қилиб ўрганиш лозимлиги ҳақида мендан маслаҳат сўради. Мен унга форс тилини ўрганиш учун “Фарҳанги забони тожики” луғатини (Бу ноёб луғат 1969 йили Москвада икки жилд қилиб нашр этилган, ҳозир уни эски китоблар дўконидан 2 млн. сўмга сотиб олиш мумкин.) ўқиб-ўрганиш лозимлиги таъкидлаб, бу китоб менинг шахсий кутубхонамда борлигини “гуллаб” кўйдим. Хуллас, илм олишга ижтиёқи баланд шоирга “кўзимнинг оқ-қораси”, “жондан азиз”, неча йиллик қадрдон китобимни бердим. Шоир ундан кўп нарсаларни ўрганди, луғат бойлиги ошди, Навоий асарларини маъноларини ўзлаштиришда фойдаланди, қолаверса духтари тожик шоира қизлар билан билан мушоираларда булбули гўё бўлиб ғазалхонлик қилди.

Афсус ва надоматлар бўлсинким, бу китоб ҳам машинка сингари “марҳум” бўлди. “Китобингиз - Самарқандда, сизга эса Конибодомга бориб, бошқа нусхасини олиб келиб бераман”, деди Аъзамжон қатъият билан. Шундай қилиб, Аъзамжон менга “Фарҳанги забони тожики”нинг Конибодом нусхасини келтириб берган эди.

## “Кузатиш” шеърининг ёзилиш тарихи

1985 йили, ёз фасли эди. Тошлоқ туманидаги Ҳамрак қишлоғига, менинг қайнсинглим Одинахоннинг никоҳ тўйига Аъзамжонни таклиф этдим. Бунда бир неча мақсадни кўзлаган эдик. Аввало биргаликда шерик бўлиб борамиз. Иккинчидан, никоҳ тўйини қутлаш учун Фарғонадан қайнотамнинг кадрдон дўсти, бизнинг устозимиз филология фанлари номзоди Муҳаммадjon Мадғозиев (2020 йил, 15 октябрь куни вафот этди, Худо раҳмат қилсин) келади, Аъзамжонни домла билан таништираман.

Турмуш ўртоғим Лутфияхон қизларимни олиб мендан олдин ота уйига кетгани учун, тўй куни биз Аъзамжон билан Тошлоққа бордик. Муҳаммадjon домла билан яхши суҳбат бўлди, Аъзамжон кўпгина шеърларини домлага ўқиб берди. Шу кундан бошлаб икки адабиёт дарвшинининг дўстлиги бошланган эди. Никоҳ тўйига куёвнавкарлар келиб кетгач, келинни янги уйига кузатиш ташвишлари бошланди. Ниҳоят, Одинахонни паранжига ўрашиб, дадамиз Турсунбой ота олдига келтиришди. Йиғи- сиғи, дуолар бўлди. Дадамнинг хайрлашув сўзлари, панд-насихатлари ҳаммамизга таъсир қилди. Қайноғаларим, божам билан бирга бизлар ҳам кўз ёши тўкиб, синглимизни янги божамиз Фахриддинниқига кузатиб қўйдик. Аъзамжон ҳам ғалати бир сокинлик ичида қолди. “Отаюпатар” тугагандан сўнг дам олишга ётдик.

Тонг пайтида Аъзамжон ўрнидан туриб, нималарнидир ёзди. Мен албатта бир шеър ёзди-ёв, деб ўйладим. Аммо нима ёзганлигини сўрамадим. Эрталибки нонуштадан сўнг Аъзамжон костюми чўнтагидан бир варақ чиқариб, менга янги ёзган шеърини ўқиб бермоқчилигини айтди. Мен эшитаман, дедим. Бу “Кузатиш” шеъри бўлиб, қизини турмушга узатаётган дадам Турсунбой ота тилидан айтилган дуо-монолог эди.

Бугун сени олиб кетаётганлар  
асрасинлар менгаб гул билан, қизим.

Ҳеч ким ёр севмасин ёруғ дунёда  
қалбида ўт эмас, кул билан, қизим.

Мен- тоғ. Сен кетяпсан – чўкарман бугун,  
мен – боғ. Сен – мевамни тўкяпман бугун.  
Сен ҳам тоғ бўлгину бир кун чўк, қизим,  
сен ҳам боғ бўлгину меванг тўк, қизим.

Энди ризо кетгин мендан, онангдан,  
Бўл бахти ва умри жовидон, қизим.  
Бош эгиб кирганинг шу остонадан  
Бош эгиб қайтмагин ҳеч қачон, қизим.

Тошлоқ туманидаги Ҳамрак қишлоғида ёзилган Аъзамжоннинг ушбу дуо-шеъри бугун қизларини турмушга узатаётган ҳар отанинг эзгуликка ва илҳақликка қоришган насиҳати бўлиб яшаб келмоқда.

---

**Асқар МАҲКАМ**

### **ШОИРЛАР НЕГА ЎЛЯПТИ?**

Аъзам Мадаминбекнинг сўнги кўрбошиларига ўхшарди. Шеър унинг учун бир баҳона эди, холос. Ўзини “шоир” санаб, фақат ном қозониш учун Тошкент кўчаларига “занона” кийиниб чиқишга ҳам рози бўладиган лўттибоз “қалам золлар”дан жирканарди. Аҳли адаб уни танимас, у эса буни тан олмас эди (тўғрироғи ошкора тан олмасди). Ботинан ҳамма нарсага ҳаққоний баҳо бера оларди. Жумладан қорни қаппайиб ёки эти устухонига

ёпишиб қолган аҳли адабнинг ўзига паст назар билан қараётганини ҳис этарди ва буларнинг ҳаммасини “ён дафтари”га дафн этиб кўярди.

-Ҳожи ака, -дерди истехзо билан жилмайиб, - “Авесто”ни нега таржима қиляпсиз?..

Давомини айтмасди. Ўзим билардим.

Аъзам мард йигит эди.

Шавкат Раҳмонни, Рауф Парпини, Шерали Жўраевни тан оларди. Яна бир кишини хурмат қиларди. “Кетишидан бир кун аввал оқшом чоғи бизникига келди, ҳеч нарса ҳақида жиддий гап бўлгани йўқ, шунчаки, сигарет чекишиб ўтирдик. У одати бўйича сигарет кулини кулдон четига тез-тез қоқиб кўярди... Қизиқ эсда қоладиган бир оғиз сўз айтмаган эди. Ё одам буюк айрилиқ арафасида камгап бўлиб қолармикин?...” дерди ажабланиб.

Хотираси тошдек қаттиқ эди.

Бу инсон Қуръони каримнинг насрий таржимасига кўл урган, пайғамбар(с.а.в.)нинг ҳадисларини гўзал шеърӣй шаклда кўргиси келарди.

Мағзи бутун, холис, аччиқ ва ҳалол шеърлар ёзарди, Ҳали яна қанча-қанча ёзиши мумкин эди.

Турмуш уни еди. Номардлик, такаббурлик юрагини тилка-пора қилди.

Қаламига ишонарди... Ва фақат ўзига ишонарди.

Боқий унинг учун ёлғизлик, муросасизлик, телбалик ва доҳийликнинг рамзи эди.

Дўрмонни муқаддас зиёратгоҳ деб билмаса-да, Абдулла Қаҳҳорнинг руҳи хурмати ўша тилсиз ва сеҳрли чинорлар соясида яшагиси келарди. Амал-тақал қилиб Дўрмон сояпарварларидан базўр ўз номига хатлар олган ва жону-жаҳонини бағишлашга чоғланиб, меҳр билан обод қилишга киришган боғчаси ҳам маҳшар майдонидек қолиб кетди.

Аъзам ўзига ишонарди.

Шеърининг, ўзининг қадрини биларди. Гапирмасди. Жимжит келди. Жимжит кетди. Ҳозир ҳам ҳаммаёқ жимжит.

Аъзам деган инсон бор эди,

Аъзам деган инсон энди йўқ.

Бировнинг эсига ҳам келмайди.

Фақат баъзан Боқий тобора камайиб бораётган ҳалол шоирлардан яна кимнинг юраги ёрилди экан, деган хавотир билан Дўрмон боғларидан чиқиб келади.

Мана буни фожеа деймиз – туркий халқлар тарихида ўзига хос рекорд ўрнатилди, ҳаатто, қатағон даврида ҳам ҳеч кимнинг юраги ёрилиб ўлмас эди.

Тилак Жўра,

Равшан Файз,

Назар Шукур,

Чори Аваз,

Ҳамза Имомбердиев,

Шавкат Раҳмон,

Муҳаммад Юсуф,

Аъзам Ўктам,

Тоғай Мурод.

Таниқли ёзувчи Баҳодир Мурод Алининг Ибн Сино маслаҳатлари асосида тайёрланган гиёҳий дори-дармонлари ҳам Аъзамга мадад бермади. Демак, дард фақат тиббий эмасди.

Ўзбек шоирлари навқирон ёшларида бирин-кетин ўляпти. Буни ҳамма билади. Ўлимнинг ҳақлигига иймон келтирган ҳолда Худодан сўрамоқчиман:

Худоё, нега ўзбекнинг шоирлари ўляпти?

Октябрь, 2003 йил, “МУНОСАБАТ - ТВ”

**Ҳаким САТТОРИЙ**

**Республика Маънавият ва Маърифат**

**маркази бўлим бошлиғи**

## **АЪЗАМЖОН**

Аъзамжон Худойбердиевнинг умри 60 га тўлганини ўқиб қолиб, шошилишч бир ҳис кечди: нимададир кечиккандек бўлдим. Ҳа-я, унинг туғилган кунини пахтазорда нишонлагандик. Шунгаям 40 йил бўлибди. Демак, ўшанда у 20 да экан-да. Йиллар суронини қарангки, энди бўй кўрсатаётган ўсмир билан сочларига оқ оралаб қолган “йигит” (замондошларимиз ўзларини олтмишда ҳам қирчиллама навқирон деб ҳисоблашяпти!)нинг сурати тасаввурда асло фарқланмайди. Хотира бир жойда тўхтаб қолгандек гўё. Ҳолбуки, орада нима гаплар ўтмаганди, ўтмади?!

Айни куз эди. Она замин ҳосил билан тўлишган. Талабалар Сирдарё далаларида пахта ҳашарида. Кунлар таассуротларга бой, гаштли ўтади. Биринчи босқич талабалари, айниқса, шаштли. Нуфузли ўқув юртига қабул қилинганлариданми ёки катта курслар олдида “Биз ҳам бормиз!” дегандек ғўдайишми, қадамлар шаштли, оқшомги шеърхонликлар авжида. Аммо пахта териш дегани асло фароғат эмас. Унда ҳам кўринмас мусобақа бор: ихтиёрий равишда биров бировдан ортда қолишни хоҳламайди. Фурсат топилганда эса адабиёт ҳақида суҳбатлар, мушоира, янги машқларнинг муҳокамаси. Бу дамларнинг лаззатини топиб бўладими? Дала шийпонида икки қаватли қилиб қурилган нарада Аъзамжон билан ёнма-ён жой олганмиз, оға-ини сингари “Бир ёстикқа бош қўйиб...” дегандек, пахтазорнинг эзувчи захматидан кейин донг қотиб ухлаймиз. Суякларда ҳарорат совимай, кундузги меҳнатнинг чарчоғи чиқмай, тонг отади. Ғира-ширада магнитофондан “Наргиз, Наргиз, қалбим ардоғи...” деб бошланувчи қўшиқ

янграйди ва ҳамма совуқ сув сепилгандек сачраб ўрнидан туради. Бошланади...

Аъзамжон билан иноқлашиб кетганимизга анча бўлган эди. Факультетга илк қадам қўйилган сурурли лаҳзаларда ҳали бир-бирини яхши билмайдиган гуруҳдошларнинг танишиши жуда ҳаяжонли кечади. Ҳар хил: бўй-баста дароз йигитлар, ҳарбий хизматни тугатган аскарлар, шу йил мактабни битирган, сочига попук тақилган қизчалар йиғилганди гуруҳда. Баногоҳ у билан нигоҳларимиз тўқнашди ва ўша лаҳзадан яқинлашиб кетдик, чамаси. Дарс бошланганда ёнма-ён жойлашдик. Аъзамжон ўзи ҳақида гапирмас, шунинг учун бир оз кечикиб ўқишга қабул қилингани сабабини билмайман. Унинг ташқи кўринишиёқ кишини бепарво қолдирмасди: тийнатида бир улуғворлик яширинган, фақат у буюклик лаҳзаларини кутиб яшаётгандек эди (чунки журналистика факультети “буюклар устахонаси” эди-да). Жуда камсуқум, камтарлиги бу сирлиликни яна оширар, курсдошлар унга чуқур самимият, ботиний меҳр билан муомала қилишарди.

“Пахта”га алоҳида тайёргарлик кўрганмиз. Кирза этик, пахталик бушлатлар сотиб олинган. Лекин ўша йил ҳосил яхши бўлиб, бир ойга қолмай қайтдик. Таассуротлар эса йилга татиди. Ростини, факультетда иқтидорли йигит-қизлар йиғилганди (анъана шундай!). Гарчи толиқиб даладан қайтилса-да, тунда гулхан ёқиб, шеърхонлик қилишга ҳамма тайёр эди. Туғилган кунлар ҳам шу давраларда нишонланарди. Аъзамжоннинг туғилган куни эди чоғи, кўтарма ариқдан бир дароз йигит сакраб ўтиб, давраимизга қўшилди. “Оғайним Чори”, деди Аъзамжон. У филфакдан экан. Меҳмон “Сирдарёнинг сулув қизи Гулнора” деган шеър ўқигани эсимизда қолган. Бу кейинчалик гўзал шоир бўлиб танилган Чори Аваз эди.

Эгатлар оралаб тентирашлардан толиққанда бир зум тин олинади ва бошланади... Бир гал машқларимдан ўқидим: “...совчиларнинг келиб-кетувчи йўли уни бошқа уйга олиб кетади”. “Такрорланг”, деди Аъзамжон. “Совчиларнинг...”. “Ҳа, мен “сочларингнинг...” деб эшитибман. Гўзал ташбех



бўлган экан”. Туғилган кунида эса “пахтакорона” зиёфат ҳозирладик, энг ичида яйрадик. Шунда деди: “Кўзларингиз биринчи марта кулди”.

Пахтадан қайтилгач, бир-бирини анча яхши таниб олган курсдошларнинг истеъдоди синови бошланди гўё. Шунда кимнинг кимлиги яна ҳам очиқ билинди. Сергей Есениннинг туғилган кунига гуруҳ адабий кеча тайёрлади. Газета чиқарганимиз эсимда. Албатта, мушоира, мунозара. Уларда Аъзамжон жуда фаол бўлди. Нафис шеъриятга севгисини сир тутиб ўлтирмади. Ҳали у пайтда ҳаммаси номаълум эди. Ҳамма умид билан тақдир эҳсонини кутарди. Бир куни Аъзамжон “Қисса ёздим” деб, бир даста қоғозни олиб келди. Унинг хати жуда чиройли, майиздек терилган сатрларни кўриб, “Ҳали иккинчи “Жамила” ёзилган бўлса-я” деб ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилдик. У табелчи ҳақида экан. Менимча, бу асар унинг ғаладонида қолиб кетди. Ижод табиати шундай.

Ўзингга яқин олган одамингнинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи ёдингда муҳрланиб қолар экан. Аъзамжон билан бўлган бир майда гап ҳеч хотирамдан кўтарилмайди. Мен гуруҳ сардори, имтиҳон кетаяпти. Коридорда ҳамма навбатда турибди, бир стул ўтиб-қайтишга халақит бераяпти. Мен Аъзамжонга “Стулни четга олиб қўйинг”, дедим. Билмадим, навбатини кутиб таянч бўлиб турган эканми, кутилмаганда “Олиб қўймайман. Нега менга иш буюрасиз?” деб ўдағайлаб қолди. Анча вақтгача унута олмай юрдим. Ўзимга яқин олиб қолган эканман-да.

Таҳсил йиллари мароқли, сермазмун ўтди. Аъзамжон адабий жараёнга фаол аралашиб кетди. Айниқса, “Совет Ўзбекистони санъати” журнали, ёзувчи Нурали Қобул билан ижодий ҳамкорлиги муттасил, самарали бўлди. У Анвар Обиджон, Миразиз Аъзам, Озод Шарафиддинов, Қодир Дехқонов сингари турли даражадаги ижодкорлар даврасида бўлиб туришини мамнуният билан таъкидлар, бу ҳол бизнинг ҳавасимизни келтирарди.

Умуман, Аъзамжон катта сафарга, юқори даражаларга шайланган карвондек, тўлишиб борарди. Унинг 1990 йилда нашр этилган биринчи тўплами - “Кузда кулган чечаклар” ўзбек шеъриятида янги овоз пайдо

бўлганини тасдиқлаганди. Тўпламдаги шеърларда катта поэзияга хос барча унсурлар мавжуд. Жанрлар (айниқса, ғазалдаги изланишлар муваффақиятли), мавзулар рангба-ранг. Ҳар бир сўз дид билан танланган. Сатрларда майин самимият, қисиниб-қимтиниб турган, бироқ ботинида уммон гувлаётган йигитнинг қалб туғёнлари уфуриб турибди: “Эртак айтсанг ўғлингга ухлатмаслик учун айт!”, “Номимиз юракларга қон сачратиб ўйлик”, “Мен фақат сўрайман чироғинг, эркам, тун ўтиб, кундузи ёқмаслигингни”, “Водий гулин такай минорларингга, юрак расмин чизай дудокқинангга”... “Машк майдонида...” туркумида биз учун азоб бўлган “военка” деган дарснинг иссиқ-совуғини шундай ифодалаганки, ўша нохуш дамлардан нафосат топа олган қалбнинг шоирлигига тасанно айтасиз. “Онам фотиҳаси” шеъри эса бадиий-эстетик жиҳатдан ёш шоирнинг низомномаси бўлса, маҳорат жиҳатидан гўзал шеърият намунасидир. “Бу ёруғ юздан...” деб бошланувчи шеър эса халқи, миллатини пурвиқор кўришни ҳоҳлаган ватанпарвар шоирнинг дил изҳоридир. Ушоққина тўпламда жиддий тафаккурга озуқа берадиган асарлар талай. Умуман, Аъзам Ўктам тимсолида теран илдизларга эга шеъриятимиз янги бир истеъдодга доя бўлишга ҳозирланаётганди. Бунни, ботинида кучли қудрат пинҳон эканини ўзи ҳам сезмасди, чамаси, билъакс, жуда хокисор, тортинчоқ эди, бошқаларга халақит беришдан чўчигандек, ўзини тийиб юрарди (балки кўркув салтанатининг оддий манзарасидир). Афсуски, унинг чинакам камоли бу майдонда бўй кўрсата олмади. Бу бир синоатки, ҳар қадамда пойафзал артадиган латгадек оёғингга илашаверадиган, ҳар бир тирқишдан тумшуғини кўрсатиб турадиган, аслида айтадиган гапи ҳам йўқ, шахсияти хира кимсалар яйраб-яшнаб юрганда миллатнинг бир умиди бўлган шоирнинг карами кенг дунёга сиғмаганлиги тирикликнинг ҳам “феъли тор”лигига ўхшайди.

Бир истисно ҳолат бор. Аъзам Ўктам биринчи тўпламидаёқ “Қайта туғилмасман, ўлмай деб минг бор – биргина бошимга олдим миннатдор. Битта истараси иссиқ ўлимни...”, деб ёзади. “Тараддуд” тўплами (1993)даги шеърларида эса “Ҳеч кимни севмасман, ўлган хайратим, Худо раҳмат

қилсин, ёшлигим, омин”, “Мен умид қилганлар беҳад ёш ҳали, Бирма-бир ўляпти мени суйганлар”, “Бир дард ўртаб юборди дилни, ёзарканман титради кўлим. Ўз аслига қайтарса элни, ўлим бўлсин ҳар куни, ўлим”, “Видолашгим келар шу тилда” сингари сатрларга дуч келамиз. Албатта, навқирон йигитнинг бундай тушкун кайфияти кишини хайрон қолдиради. Бу ҳолга олиб келган сабаблар борми ёки шоирларга хос одатдаги “эркалик”миди? Одатда, “Ёш кетаман, қари ўламан, деб кўрқитади” дейишади. Халқнинг эрка фарзандлари – шоирлар жиндай кайфияти бузилса, “кўрқитаверади”. Баъзан айтилган сўз отилган ўқдек таъсир қилади. Бир мунаққид тушкун кайфиятдаги шеърларни ўқиб, шоирларга “Нега ўзингизга ўлимни чорляяпсиз?” деб қаттиқ танбех берган экан...

Аъзамжон “Чўлпон” нашриётида ишлаб турганида Қурони карим олдин “Шарқ юлдузи” журналида босилди, кейин алоҳида китоб ҳолида 1992 йилда чоп этилди. 500 000 нусхада босилган Алоуддин Мансур таржимаси ва шарҳидан иборат ушбу дурдонада нашриёт муҳаррири сифатида Аъзам Ўктамнинг номи дарж этилганки, бу шарафли рутбадир. У мазкур улуғвор юмушга фаол иштирок этди ва шу аснода диндорлар билан яқинлашди. Фитратида ҳалоллик, поклик сингиган, аммо теварагидаги ҳаётда мунофиқлик ва алдовларга кўплаб гувоҳ бўлган ижодкор ҳаёт ҳикматини диний ақидаларда, деб билди, чамаси, бу таълимотни ўрганишга чуқур киришди. Табиий, қалбларнинг шифоси бўлган уҳравий илм унга қаттиқ берилганларни чирмаб олади. Ўша йилларда фаол ҳаракатда бўлган радикал кайфиятдаги диндорлар Аъзам Ўктамнинг ўзинигина эмас, оилавий ҳаётини ҳам таъсирларига олмоқчи бўлганлар. Турмуш ўртоғини ҳижобга киришга мажбур қилганлар. Шу ўринда оилада парокандалик бошланган ва оқибати оғир асорат билан тугаган.

Ҳаммаси йиғилиб юракка юк бўлди ва айни камолга тўлган ёшида Аъзамжон шеърларида кўп эслаган охират кунига етишди. Албатта, бу аламли кўргулик эди. Ортда қолганлари аччиқ айрилиқдан жизғанак бўлишди. Айниқса, дадажонини жондан яхши кўрган эркатой қизалоқнинг

алами кечмас ва унутилмас бўлди. Унинг бу кўргуликка кўникиши қийин бўлди...Фалак чархи эса маромида айланар, унинг ғуссалар, ситамлар юкидан ғижирлаган сасида ҳаёт кўшиғи бор эди. Кун ботиб, тонг отар, айланаётган илиқ нафас ҳаракатга, яшашга чорларди. Шу зайл кўз ёшлар томган тупроқдан чечаклар унди. Албатта, ҳар бир инсон учун ортида номини кўтариб юрадиган зурриёд қолдиришидан ортиқ бахт топилмайди. Ҳамма меҳмон дунёда эса тирикликнинг боқий қонунларига бўйсунмасликнинг чораси йўқ. Тумор (Тўмарис) бугун баркамол инсон мақомига эришди. Энди Она! Ҳаёт мазмунини теран англайди. Изтироблар ўрнини таскин ва ифтихор эгаллаган. У бугун чинакамига халқига, ватанига эзгулик соғинган, шу йўлда фидойи хизмат қилишга азм этган ижодкор инсоннинг фарзанди эканлигидан тўла ҳуқуқ билан фахрланади.

Хотиралар дилга юпанч, ҳаёт эса яшашни талаб этади. Зеро, тирикликнинг шарти ҳам, ҳикмати ҳам шунда. Унинг бардавомлиги эса изинг кўмилмаса, сени кимдир эсласа. 60 йилликни мухлислар билар экан, чиқишлар бўлди, Аъзам Ўктамнинг шеърлари, унга бағишланган фахриялар эълон қилинди. Умидли шоирлардан бири гапини “Энди навбат Аъзам Ўктамга” деб тугатибди. Демак, шоир - сафларда. Унинг ижоди адабиёт гулшанида бўй кўрсатиб турибди. Фақат истак шуки, Аъзамжоннинг тонг шабнамидек тароватли битиклари жамланиб, “Куллиёт”и эълон қилинса, шахси ва ижоди юзасидан тасаввурлар, таассуротлар яхлитлашган, мукаммал ҳолга келган бўларди.

Аъзамжон Худойбердиевнинг умри 60 га тўлганини ўқиб қолиб, шошилишч бир ҳис кечди: нимададир кечиккандек бўлдим. Ҳа-я, унинг туғилган кунини пахтазорда нишонлагандик. Шунгаям 40 йил бўлибди. Демак, ўшанда у 20 да экан-да. Йиллар суронини қарангки, энди бўй кўрсатаётган ўсмир билан сочларига оқ оралаб қолган “йигит” (замондошларимиз ўзларини олтмишда ҳам қирчиллама навқирон деб ҳисоблашяпти!)нинг сурати тасаввурда асло фарқланмайди. Хотира бир

жойда тўхтаб қолгандек гўё. Ҳолбуки, орада нима гаплар ўтмагани,  
ўтмади?!

Айни куз эди. Она замин ҳосил билан тўлишган. Талабалар Сирдарё далаларида пахта хашарида. Кунлар таассуротларга бой, гаштли ўтади. Биринчи босқич талабалари, айниқса, шаштли. Нуфузли ўқув юртига қабул қилинганлариданми ёки катта курслар олдида “Биз ҳам бормиз!” дегандек гўдайишими, қадамлар шаштли, окшомги шеърхонликлар авжида. Аммо пахта териш дегани асло фароғат эмас. Унда ҳам кўринмас мусобақа бор: ихтиёрий равишда биров бировдан ортда қолишни хоҳламайди. Фурсат топилганда эса адабиёт ҳақида суҳбатлар, мушоира, янги машқларнинг муҳокамаси. Бу дамларнинг лаззатини топиб бўладими? Дала шийпонида икки қаватли қилиб қурилган нарада Аъзамжон билан ёнма-ён жой олганмиз, оға-ини сингари “Бир ёстикқа бош кўйиб...” дегандек, пахтазорнинг эзувчи заҳматидан кейин донг қотиб ухлаймиз. Суякларда ҳарорат совимай, кундузги меҳнатнинг чарчоғи чиқмай, тонг отади. Гира-ширада магнитофондан “Наргиз, Наргиз, қалбим ардоғи...” деб бошланувчи кўшиқ янграйди ва ҳамма совуқ сув сепилгандек сачраб ўрнидан туради. Бошланади...

Аъзамжон билан иноқлашиб кетганимизга анча бўлган эди. Факультетга илк қадам қўйилган сурурли лаҳзаларда ҳали бир-бирини яхши билмайдиган гуруҳдошларнинг танишиши жуда ҳаяжонли кечади. Ҳар хил: бўй-баста дароз йигитлар, ҳарбий хизматни тугатган аскарлар, шу йил мактабни битирган, сочига попук тақилган қизчалар йиғилганди гуруҳда. Баногоҳ у билан нигоҳларимиз тўқнашди ва ўша лаҳзадан яқинлашиб кетдик, чамаси. Дарс бошланганда ёнма-ён жойлашдик. Аъзамжон ўзи ҳақида гапирмас, шунинг учун бир оз кечикиб ўқишга қабул қилингани сабабини билмайман. Унинг ташқи кўринишиёқ кишини бепарво қолдирмасди: тийнатида бир улуғворлик яширинган, фақат у буюклик лаҳзаларини кутиб яшаётгандек эди (чунки журналистика факультети “буюклар устахонаси” эди-да). Жуда камсуқум, камтарлиги бу сирлиликни яна оширар, курсдошлар унга чуқур самимият, ботиний меҳр билан муомала қилишарди.

“Пахта”га алоҳида тайёргарлик кўрганмиз. Кирза этик, пахталик бушлатлар сотиб олинган. Лекин ўша йил ҳосил яхши бўлиб, бир ойга қолмай қайтдик. Таассуротлар эса йилга татиди. Рост, факультетда иқтидорли йигит-қизлар йиғилганди (анъана шундай!). Гарчи толиқиб даладан қайтилса-да, тунда гулхан ёқиб, шеърхонлик қилишга ҳамма тайёр эди. Туғилган кунлар ҳам шу давраларда нишонланарди. Аъзамжоннинг туғилган куни эди чоғи, кўтарма ариқдан бир дароз йигит сакраб ўтиб, даврамизга қўшилди. “Оғайним Чори”, деди Аъзамжон. У филфакдан экан. Меҳмон “Сирдарёнинг сулув қизи Гулнора” деган шеър ўқигани эсимизда қолган. Бу кейинчалик гўзал шоир бўлиб танилган Чори Аваз эди.

Эгатлар оралаб тентирашлардан толиққанда бир зум тин олинади ва бошланади... Бир гал машқларимдан ўқидим: “...совчиларнинг келиб-кетувчи йўли уни бошқа уйга олиб кетади”. “Такрорланг”, деди Аъзамжон. “Совчиларнинг...”. “Ҳа, мен “сочларингнинг...” деб эшитибман. Гўзал ташбех бўлган экан”. Туғилган кунда эса “пахтакорона” зиёфат ҳозирладик, энг ичида яйрадик. Шунда деди: “Кўзларингиз биринчи марта кулди”.

Пахтадан қайтилгач, бир-бирини анча яхши таниб олган курсдошларнинг истеъдоди синови бошланди гўё. Шунда кимнинг кимлиги яна ҳам очиқ билинди. Сергей Есениннинг туғилган кунига гуруҳ адабий кеча тайёрлади. Газета чиқарганимиз эсимда. Албатта, мушоира, мунозара. Уларда Аъзамжон жуда фаол бўлди. Нафис шеърятга севгисини сир тутиб ўлтирмади. Ҳали у пайтда ҳаммаси номаълум эди. Ҳамма умид билан тақдир эҳсонини кутарди. Бир куни Аъзамжон “Қисса ёздим” деб, бир даста қоғозни олиб келди. Унинг хати жуда чиройли, майиздек терилган сатрларни кўриб, “Ҳали иккинчи “Жамила” ёзилган бўлса-я” деб ҳам ҳавас, ҳам ҳасад қилдик. У табелчи ҳақида экан. Менимча, бу асар унинг ғаладонида қолиб кетди. Ижод табиати шундай.

Ўзингга яқин олган одамнингнинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи ёдингда муҳрланиб қолар экан. Аъзамжон билан бўлган бир майда гап ҳеч хотирамдан кўтарилмайди. Мен гуруҳ сардори, имтиҳон кетаяпти.

Коридорда ҳамма навбатда турибди, бир стул ўтиб-қайтишга халақит бераяпти. Мен Аъзамжонга “Стулни четга олиб қўйинг”, дедим. Билмадим, навбатини кутиб тажанг бўлиб турган эканми, кутилмаганда “Олиб қўймайман. Нега менга иш буюрасиз?” деб ўдағайлаб қолди. Анча вақтгача унута олмай юрдим. Ўзимга яқин олиб қолган эканман-да.

Таҳсил йиллари мароқли, сермазмун ўтди. Аъзамжон адабий жараёнга фаол аралашиб кетди. Айниқса, “Совет Ўзбекистони санъати” журнали, ёзувчи Нурали Қобул билан ижодий ҳамкорлиги муттасил, самарали бўлди. У Анвар Обиджон, Миразиз Аъзам, Озод Шарафиддинов, Қодир Дехқонов сингари турли даражадаги ижодкорлар даврасида бўлиб туришини мамнуният билан таъкидлар, бу ҳол бизнинг ҳавасимизни келтирарди.

Умуман, Аъзамжон катта сафарга, юқори даражаларга шайланган карвондек, тўлишиб борарди. Унинг 1990 йилда нашр этилган биринчи тўплами - “Кузда кулган чечаклар” ўзбек шеърлятида янги овоз пайдо бўлганини тасдиқлаганди. Тўпламдаги шеърларда катта поэзияга хос барча унсурлар мавжуд. Жанрлар (айниқса, ғазалдаги изланишлар муваффақиятли), мавзулар рангба-ранг. Ҳар бир сўз дид билан танланган. Сатрларда майин самимият, қисиниб-қимтиниб турган, бироқ ботинида уммон гувлаётган йигитнинг қалб туғёнлари уфуриб турибди: “Эртак айтсанг ўғлингга ухлатмаслик учун айт!”, “Номимиз юракларга қон сачратиб ўяйлик”, “Мен фақат сўрайман чироғинг, эркам, тун ўтиб, кундузи ёқмаслигингни”, “Водий гулин тақай минорларингга, юрак расмин чизай дудокқинангга”... “Машқ майдонида...” туркумида биз учун азоб бўлган “военка” деган дарсинг иссиқ-совуғини шундай ифодалаганки, ўша нохуш дамлардан нафосат топа олган қалбнинг шоирлигига тасанно айтасиз. “Онам фотиҳаси” шеъри эса бадиий-эстетик жиҳатдан ёш шоирнинг низомномаси бўлса, маҳорат жиҳатидан гўзал шеърят намунасидир. “Бу ёруғ юздан...” деб бошланувчи шеър эса халқи, миллатини пурвиқор кўришни хоҳлаган ватанпарвар шоирнинг дил изҳоридир. Ушоққина тўпламда жиддий тафаккурга озуқа берадиган асарлар талай. Умуман, Аъзам Ўктам тимсолида теран илдизларга



эга шеърятимиз янги бир истеъдодга доя бўлишга ҳозирланаётганиди. Буни, ботинида кучли қудрат пинҳон эканини ўзи ҳам сезмасди, чамаси, билъакс, жуда хокисор, тортинчоқ эди, бошқаларга халақит беришдан чўчигандек, ўзини тийиб юрарди (балки кўрқув салтанатининг оддий манзарасидир). Афсуски, унинг чинакам камоли бу майдонда бўй кўрсата олмади. Бу бир синоатки, ҳар кадамда пойафзал артадиган латтадек оёғингга илашаверадиған, ҳар бир тирқишдан тумшуғини кўрсатиб турадиған, аслида айтадиған гапи ҳам йўқ, шахсияти хира кимсалар яйраб-яшнаб юрганда миллатнинг бир умиди бўлган шоирнинг карами кенг дунёга сиғмаганлиги тирикликнинг ҳам “феъли тор”лигига ўхшайди.

Бир истисно ҳолат бор. Аъзам Ўктам биринчи тўпламидаёқ “Қайта туғилмасман, ўлмай деб минг бор – биргина бошимга олдим миннатдор. Битта истараси иссиқ ўлимни...”, деб ёзади. “Тараддуд” тўплами (1993)даги шеърларида эса “Ҳеч кимни севмасман, ўлган ҳайратим, Худо раҳмат қилсин, ёшлигим, омин”, “Мен умид қилганлар беҳад ёш ҳали, Бирма-бир ўляпти мени суйганлар”, “Бир дард ўртаб юборди дилни, ёзарканман титради кўлим. Ўз аслига қайтарса элни, ўлим бўлсин ҳар куни, ўлим”, “Видолашгим келар шу тилда” сингари сатрларга дуч келамиз. Албатта, навқирон йигитнинг бундай тушкун кайфияти кишини ҳайрон қолдиради. Бу ҳолга олиб келган сабаблар борми ёки шоирларга хос одатдаги “эркалик”миди? Одатда, “Ёш кетаман, қари ўламан, деб кўрқитади” дейишади. Халқнинг эрка фарзандлари – шоирлар жиндай кайфияти бузилса, “кўрқитаверади”. Баъзан айтилган сўз отилган ўқдек таъсир қилади. Бир мунаққид тушкун кайфиятдаги шеърларни ўқиб, шоирларга “Нега ўзингизга ўлимни чорляяпсиз?” деб қаттиқ танбех берган экан...

Аъзамжон “Чўлпон” нашриётида ишлаб турганида Қурони карим олдин “Шарқ юлдузи” журналида босилди, кейин алоҳида китоб ҳолида 1992 йилда чоп этилди. 500 000 нусхада босилган Алоуддин Мансур таржимаси ва шарҳидан иборат ушбу дурдонада нашриёт муҳаррири сифатида Аъзам Ўктамнинг номи дарж этилганки, бу шарафли рутбадир. У мазкур улуғвор



юмушга фаол иштирок этди ва шу аснода диндорлар билан яқинлашди. Фитратида ҳалоллик, поклик синггиган, аммо теварагидаги ҳаётда мунофиқлик ва алдовларга кўплаб гувоҳ бўлган ижодкор ҳаёт ҳикматини диний ақидаларда, деб билди, чамаси, бу таълимотни ўрганишга чуқур киришди.

Ҳаммаси йиғилиб юракка юк бўлди ва айни камолга тўлган ёшида Аъзамжон шеърларида кўп эслаган охират кунига етишди. Албатта, бу аламли кўргулик эди. Ортда қолганлари аччиқ айрилиқдан жизганак бўлишди. Айниқса, дадажонини жондан яхши кўрган эркатой қизалоқнинг алами кечмас ва унутилмас бўлди. Унинг бу кўргуликка кўникиши қийин бўлди...Фалак чархи эса маромида айланар, унинг ғуссалар, ситамлар юкидан ёғирлаган сасида ҳаёт кўшиғи бор эди. Кун ботиб, тонг отар, айланаётган илиқ нафас ҳаракатга, яшашга чорларди. Шу зайл кўз ёшлар томган тупроқдан чечаклар унди. Албатта, ҳар бир инсон учун ортида номини кўтариб юрадиган зурриёд қолдиришидан ортиқ бахт топилмайди. Ҳамма меҳмон дунёда эса тирикликнинг боқий қонунларига бўйсунмасликнинг чораси йўқ. Тумор (Тўмарис) бугун баркамол инсон мақомига эришди. Энди Она! Ҳаёт мазмунини теран англайди. Изтироблар ўрнини таскин ва ифтихор эгаллаган. У бугун чинакамига халқига, ватанига эзгулик соғинган, шу йўлда фидойи хизмат қилишга азм этган ижодкор инсоннинг фарзанди эканлигидан тўла ҳуқуқ билан фахрланади.

Хотиралар дилга юпанч, ҳаёт эса яшашни талаб этади. Зеро, тирикликнинг шарти ҳам, ҳикмати ҳам шунда. Унинг бардавомлиги эса изинг кўмилмаса, сени кимдир эсласа. 60 йилликни мухлислар билар экан, чиқишлар бўлди, Аъзам Ўктамнинг шеърлари, унга бағишланган фахриялар эълон қилинди. Умидли шоирлардан бири гапини “Энди навбат Аъзам Ўктамга” деб тугатибди. Демак, шоир - сафларда. Унинг ижоди адабиёт гулшанида бўй кўрсатиб турибди. Фақат истак шуки, Аъзамжоннинг тонг шабнамидек тароватли битиклари жамланиб, “Куллиёт”и эълон қилинса,

шаҳси ва ижоди юзасидан тасаввурлар, таассуротлар яхлитлашган, мукаммал ҳолга келган бўларди.

**Рауф СУБҲОН**

### **ҚАДРДОНЛАР ҚАДРИ...**

1986 йил. Ҳозирги “Чўлпон” нашрети ташкил этилган пайтлар. Мен Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан шу нашрётга муҳаррир сифатида ишга ўтказилдим. Ҳозирги “Туркистон” газетасидан эса энди университетни тугатган Аъзам Ўктам деган шоир йигит ишга олинди. Биз кўпчилик бўлиб иш бошлаганмиз. Ҳамкасбларимиз ичида Тоҳир Малик, Анвар Обиджон, Турсун Али, Аҳмад Тошхўжаев, Турсунбой Адашбоев, Ҳамза Имонбердиев, Чори Аваз, Тўлқин Алимов, Абдурахмон Акбар каби кўплаб истеъдодли ижодкорлар бор эди. Шоир Аъзам Ўктам билан шу нашриётда танишдим. Унда яшашга иштиёқ, ҳаётга муҳаббат кучли эди. Озгина ноҳақликка чидай олмас, қалби тўла куч билан миллат равнақи, Ватан ободлиги йўлида ижод қиларди.

Бир шеърида:

*“Кул бўлган эмасмиз ҳеч, биродарлар,  
Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди.  
Ўқталган мушт каби турар минорлар,  
Мақбара қуббаси дубулга худди.*

*Ва буткул саводсиз эмасдик ҳечам,  
Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир.  
Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам,  
Китоблар шаклида қурилган ахир”*

— дейди шоир.

Аъзамжон ҳақиқий адабиётни яхши кўрарди. Каттани ҳурмат, кичикни иззат қилишни ўз ўрнига кўярди. Устоз ижодкорлар билан суҳбатлашиб чарчамас эди. Бир куни “Мен Шукур Холмирзаев билан суҳбатлашдим”, — деб қолди. “У киши нима деди?” – сўрадим мен. “Қаерликсан?” – деди. “Бувайдалиқман”, десам, “Шу кесиб-кесиб гапиришингга нега сурхондарёлик эмассан?” дедилар”.

Аъзам Ўктам ҳеч қачон гапини олдирган эмас. Чунки у Шукур Холмирзаев, Рауф Парфи каби устозларнинг адабиёт ҳақидаги фикрларини уққан ижодкорлардан эди. Суҳбатдошининг руҳига кира оларди, агар руҳида тиниқлик бўлмаса, ёлғон қалқиб турса, у ким бўлишидан қатъи назар, гапига яраша жавоб қайтарарди.

У боболари кўрмаган Истиқлолни кўрди. Кўнглида хотиржамлик туйди. Қатор-қатор китоблари чоп этилди. Илк бор нашрга тайёрланган Қуръони Каримнинг Аловутдин Мансур томонида нашриётга тавсия этилган изоҳли таржимасига муҳаррирлик қилди ва эътиқод илмини чуқур ўрганди. Аъзам Ўктам қайсидир маънода нафсини енгган инсон эди. У ҳар қандай дўстини чўнтагида бир чақаси бўлмай туриб ҳам меҳмон қила олар, ўзини комил инсон каби тутарди. Етишмовчиликдан нолиб борган одам унинг олдида хотиржам бўлиб қолар эди. Бу, албатта, илмнинг кучида бўлса керак.

Юраги безовталигидан озгина хавотирда бўлган шоир умрининг охирларида “Маънавият” нашриётида бош муҳаррир лавозимида ишлади. Бир куни зиёрат қилгани борсам, “Қаттиқ нон тановул қиляпман”, деб мен билан ошхўрликка рози бўлмади. Лекин катта кўчагача кузатиб кўйди. У мендан бир-икки ёш кичкина бўлгани учун “Рауф ака”, деб хайрлашди (кўпинча ота-онасининг олдида: “Бизнинг акахонимиз, дўстимиз”, деб мурожаат қиларди).

Аъзам Ўктам адабиётимиз ривожи, ҳалоллик, эътиқод учун курашган ижодкор сифатида кўпчиликнинг қалбидан ўрин олган (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!).

Қайтиш...

*Аъзам Ўктам хотирасига*

“Том камади,  
Ғам қонади,  
Нелар бўлди  
Онгламадик!..”

Умр чопди,  
Оти қочди,  
Ер фолбини  
Силкир қамчи.

Умр япроқ  
Каби томчи,  
Сабр тупроқ  
Лаъли ғунча.

Меҳр ботди,  
Сабрим, ҳақсан,  
Аъзам ўтди,  
Раҳмат топсин.

Қош лабида  
Сўзи байти...  
Тушимдами  
Келиб айтди:

“Том қамади,  
Ғам қонади  
Айтдимку-я  
Онгламади!..”

Ким берувди  
Бошга ёстиқ —  
Ёстиқдошим,  
Умринг таскин...

Темур менинг  
Бошимдадир,  
Низомиддин,  
Ўғлим, сабр...

Бахтинг берсин,  
Тўмарисим,  
Сен мен туйган  
Гуллар иси...

“Том қамади,  
Ғам қонади  
Айтдимку-я  
Онгламади!..”

Тариқатинг  
Ўзинг билан,  
Илму амал  
Сўзинг билан.

Сўзи қилич,  
Қалби қуёш,  
Ўзи билгич  
Кетдингми ёш?!

“Қиёматли  
дўстим”, дединг,  
Улуғ шоир —  
Муслим эдинг.

Еллар елди,  
Эландилар.  
Ўзига гул  
Тилайдилар

Гултувақлар  
Жойли бўлди.  
Бу сабоқлар  
Мойли бўлди.

Тиланганга  
Арзим бордир,  
Ёруғликдан  
Қарзим бордир.

Бир калим  
Айтар диллик,  
Умр экан  
Қайтагулик.

“Том камади,  
Ғам қонади  
Айтдимку-я  
Онгламади!..”

---

**Беғам ҚОРАЕВА,  
Москва давлат лингвистика университети  
доценти, педагогика фанлари номзоди**

### **АЪЗАМ ЎКТАМ БИЗ БИЛАН...**

Шеърни тушуниш, англаш, уни юракдан ҳис қилишнинг ўзи ҳам бир бахт, Яратганга шукроналар айтишимиз керак, бу инъом учун. Адабиётга, шеърятга чанқоқ бўлган ёшлик йилларимизда туғёнларга тўла бўлган бу шеърятни мен ўзимга кашф этдим.

Бу янги олам ўзбек шеърят мухлислари таниша бошлаган Аъзам Худойбердиев шеъряти эди. Шоир тез орада Аъзам Ўктам бўлиб халқимизга танилди, шеърят кечаларида, шеър базмларида унинг шеърларини кўпчилик ёд айтадиган бўлди.

Бу шеърят менга жуда яқин эди, руҳиятга таъсир этадиган шеърлар эди, бу шеърларни ўқиганим сари ўтли мисралар хотирамга муҳрланиб бораётган эди... Шу тариқа дўстларим, яқинларим даврасида Аъзам Аканинг бир қанча шеърларини айтадиган бўлдим. “Онамга”, “Қўқон шамоли”, “Соҳиба портретига”, “Чироқ”... Шоирнинг шу каби кўплаб шеърлари қалбимга энг яқин шеърлар, уларни ёд айтиш менга ўзгача бир илҳом беради.

Оналар мавзусида шеър битмаган шоирлар бўлмаса керак. Аъзам Ўктамнинг оналар мавзусидаги шеърлари эса алоҳида бир туркумни ташкил қилади. Шоир ижодидан илк ёд олган шеърим “Онамга” деб номланади:

***Тунда девордаги суратга боқиб,  
Бирдан чинқиради уйқучан кўзим.  
Бир аёл ўтирар, сочлари оппоқ,  
Менинг йўлларимга тикканча кўзин...***

Шоирнинг лирик қаҳрамони шунчалар қалбимга яқинки, мен ҳам ўз онамни кўргандек бўламан, бир мен эмас, кўпчилик шу ҳолатга тушса керак деб, ўйлайман.

***Камқувват ва хаста юраги билан,  
бир дунё юмушга яраган онам.  
Бир-бирига боғлиқ алам ташвишни,  
киприклари билан тараган онам...***

Оналарнинг дардини, ҳолатини ҳис этиш, уларни севиш, авайлаш ҳам ҳаммага берилмаган, сўзи ва тили бир бўлганлар, юрагида меҳр бўлганларгина буни юрак-юракдан ҳис этиб, онасини ардоқлай олади..

***Мен аста йиглайман кифтларим титраб,  
Қариб қоляпсанку, онажонгинам!  
Кўйгил, кўрқитмагил, бунча чўкяпсан,  
Менга раҳминг келсин, она, жонгинам..***

Мен ҳозир шоирнинг сўз кўллаш санъати ҳақида гапирмаяпман, у ўзидан ўтказиб, ўқувчисига етказаетган дардни кўпроқ сезяпман, уни Сиз билан ўртоқлашгим келяпти... Оҳ, бу дард, у жуда оғир... кўпчилигимизнинг бошимиздан ўтган, оналаримиз ёди ҳурмати бу шеър бир умрга хотирамга нақшланиб қолди...

Оналар ҳақида шундай шеърлар борки, улар шоирнинг фақат ўз лирик қаҳрамони тилидан айтилади, Аъзам Ўктамнинг бу шеъридаги дард эса кўпчиликка малҳамдек туюлади менга...Оналаримиз биз билан бир умр бирга бўла олмаслигини тан олгимиз келмайди, шу пайтларда эса яна шоирнинг



мисралари ёрдамга келади, улар ўзгача бир ишонч, кўтаринкилик бахш этади:

*Ахир бу дунёда юргилигим йўқ,  
Сен соғу, саломат қувнаб юрмасанг.  
Йўлнинг поёнига ета билмасман,  
Сен мени кузатиб, кутиб турмасанг.*

Буюк адибимиз Абдулла Қодирий “Муҳаббат жуда камдан кам инсонларгагина бериладиган дуру, бебаҳо гавҳардир” деб айтганлар. Худоим ўз севган бандаларининг кўнглигагина бу туйғуни солар экан. Шу маънода бизнинг шоиримиз ҳам бу бахтдан бебаҳра қолмаганлар. Агар инсоннинг қалбида ҳақиқий муҳаббат бўлмаса, у қалбинини ларзага келтиргувчи мукамал шеърларни ёза олмайди. Аъзам Ўктам ижодида эса бу рукндаги шеърлар талайгина, қай бирин айтишни билмайман, “Севгилим..”ними, “Соғиниш”ними, “Жўнатилмайдиган хат” ними ёки “Истагим”ни... улар оҳанрабодек тортади ўзига мени...

*Севгилим,  
ҳали ҳеч ким тингламаган,  
англамаган ўйларимни сенга бемоқчиман.  
О, менинг тилим узун холос, қўлларим қисқа,  
Дўстим, менга қўлингни бер, қўлларингни бер...*

Бундай ўтли мисраларни айтаётган лирик қаҳрамон қанчалар бахтиёр, буюк ишларни қилишга қодир, у дунёни ёвузликдан халос қилмоқчи, буюк келажакни кўраётир, шундай муҳаббатга, ишончга лойиқ бўлган мададкор маъшуқачи? У ҳам бахтиёрми, дегинг келади....

*...Дўстим, менга қўлингни бер, қўлларингни бер,  
Кўзлари хира тортган дунёнинг кўзларин аста сийпалаб қўяй...  
Кўзлари нурафшон бўлсину, биз уни етаклаб кетайлик,  
Нурли манзилга!  
Дўстим, менга қўлингни бер қўлларингни бер...*

Муҳаббат ато этган куч билан, келажакка ишонч билан айтилган мисралар.... кеча, бугун ва эрта учун ҳам қадри йўқолмайдиган мисралар...

Сиз ҳаёт фалсафасини англамоқчимисиз ёки Ватан туйғусини ҳис қилмоқчимисиз? Унда Сиз Аъзам Ўктамнинг “Қўқон шамоли”, “Тувакдаги гул” “Нега”, “Далил” каби шеърларига мурожаат этинг...

Жумладан, “Қўқон шамоли”да Ватан туйғуси билан йўғрилган фалсафона фикрларни илғайман...

***Бу табиат қарғиши эмас,  
шамол бунга келган атайлаб,  
Айтган: нимжон бўлар болалар,  
Ўстирсангиз, ортиқ авайлаб....***

Зукко шоиримизнинг халқона оҳангларда, тагдор маъноларни ифодалаб айтган, мисралари янада таъсирли...

***...Балки буни билмайди кўплар,  
У тинмайди тўрт фаслда ҳам.  
Бунда яшар кимки дўпписин  
Тута билса бошида маҳкам!***

Шоирнинг “Чорбоғ” шеъри гўзал ташбеҳлару, чиройли ўхшатишлар, жонлантиришларга тўла. Уни бир ўқишингиздаёқ, қайси бир мисралар сизни маҳлиё қилади-қўяди...

***Покланмоққа сув элтар ариқ,  
Қалдирғочлар туширар такбир.  
Саждадан бош кўтармас полиз,  
Тандир – ювош дуогўй кампир.  
Тераклар саф тортган йигитлар,  
Маккажўхорилар бир майдон аёл –  
Йўргакланган бола қучоқлаб,  
Шукр намозига сафланган.***

Гўзал диёримизнинг бетакрор табиати, бағри кенг, доно, меҳнаткаш халқимизнинг сиймосини кўраман бу мисраларда...

“Чироқ” шеърини ўқиётганимда эса кўз олдимда буюк адибларимиз, Абдулла Қаҳҳор, Кибриё опалар, Ойбек домлаларни соғиниш ҳисси билан йўғрилган онажон Ўзбекистон тимсоли кўз олдимга келади:

*...Сенинг чироқларинг порлагай мангу,  
эй, суюк Ватаним — зиёга коним.  
Дунёни кўзимга қиларсан ёруз,  
менинг чироқ тутган Ўзбекистоним!*

Бугун Аъзам Ўктам шеърляти, у яратган чироқнинг нурлари эса бизнинг дилларимизни ёритиб турибди. Ҳурматли ва садоқатли Ҳулқархоним, шоирнинг ўзлари айтгандек, “*Кўзгинамнинг оқи – Тўмарис, Темур – кўзимнинг қораси*” деб айтган суюкли фарзандлари Тўмарисхон ва Темурбеклар шоирнинг ҳаётини, ижодини, яхшиликларини давом эттираётганликлари ҳаммамизни шод этади.

Ҳаётдан эрта кетган жигарларимиз, яқинларимиз, дўстларимизнинг нуруний ёшга етганликларини ҳеч қачон кўз олдимизга келтира олмаймиз. Улар бизнинг қалбимизда ҳамиша ана шундай ёш, кўркам, шижоатли, кадамидан ўт чақнаган йигитлар бўлиб қоладилар..Улар ҳамиша биз билан бўладилар...

---

**Шойим БЎТАЕВ,**  
**адиб**

## **ТАНҲО**

### **1**

Шоирнинг шоирлигини нимадан билса бўлади?

Биров айтадики, ҳозиржавоблигидан; бошқаси эса, чиққан китобларидан; яна бошқа бирови эса ожизона илжайиб, халқ шоири, деган унвонидан, дейди.

Шукур Холмирзаев, буларнинг бари чепуха, дейди. “Чепуха!”

Аъзам Ўктам кулади: “Нега, Шукур ака?”

Шукур Холмирзаев лабига қистираётган сигаретнинг фильтрини олифтагарчиликдан нафратини намойиш этаётгандек тиши билан узиб, “чепуха!” сўзини айтаётган каби чап томонига ўгирилиб тупуриб ташлайди. “Мен билмадим оғажон, била олмадим, ана-а, Абдуллажонни шоир деса бўлади!”

Аъзам Ўктам қовоғини уяди. Ҳамроҳларига қарайди. Унинг атрофини турфа тенг-тўш, катта-кичиклар қуршаб юришади — Буддани хали Будда бўлмасидан бурун ҳаётга ўргатаётган каби: туғилиш ва ўлим, фано ва бақо илмига. У уларнинг барчаси эътиқодида собит эканига ўзидан ҳам кўпроқ ишонади ва сезилар-сезилмас бош ирғаб қўйганча, нигоҳи билан, кетдик, ишорасини қилади. Улар ўзга булоқларнинг кўзи аллақачон беркилиб қолганига кулли ишонч билан эргашишади — Мусонинг таёғи тушмаса сув чиқиши даргумонлиги илмини ўрганишга иштиёқмандлардек одим отишади. Шукур Холмирзаев уларнинг ортидан илоҳий ҳодисаларни кузатишга кўникиб қолган яратувчи-битикчи нигоҳи билан бирпас қараб туради, сўнгра заминга қайтиб жайдари сигарет дудини мусибат каби ютаркан, ҳавога тутун аралаш аралаш мубҳам фикрларни пудайди: “Шоирларни тушуна олмайман, оғажон. Толстой улар гапни нега тескари қилиб ёзишларига ҳайрон қолган. Қофия учунми? Аммо қофиябозларни ҳақиқий шоирларнинг ўзлари ҳам ёмон кўришади”.

Кейин у ўз гапи исботи учун машҳур шоирлар ҳаёти билан боғлиқ хангомаларни эслай бошлайди: “Бир куни Ҳабибий билан Гафур Гулом...”

## 2

Шоирнинг шоирлигини нимадан билса бўлади?

Биров айтадики, жунунидан; бошқаси эса, ҳар қандай ҳодиса(айниқса, сиёсий!)ни бувиси урчуғида йигирилган қўй юнгидан пастак том бошида гилам тўқиётган ғайратчан тоғ қизи каби шитоб қофиялай олиш иқтидоридан; яна бошқа бирови эса ожизона илжайиб, ҳукуматга муносабатидан, дейди.

Азбаройи ҳамиша жиддийлигидан илк танишган кишида ҳаттоки ғўдайгандек таассурот уйғотадиган Аъзам Ўктамга нашриётдаги бошқонларимиз Тоҳир Малик ва унга Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, ҳамишаги ёнқозик Турсунбой Адашбоев фалон-пистон “Оқсарой” шеърингизда нима демокчи бўлгансиз, дея ҳукуматга муносабат борасида фикр қўзғамоқчи бўлишади. Шоир бу ҳазилни ўта жиддийлик билан қабул қилади, икковга нашриёт бошқонлари эмас, ўзга идораларнинг одамларига карагандек гумонсираб сарософ солади: “Била туриб, сўрайсизлар-а?!”.

### **3**

Катта бошлиғидан тортиб пайкалда пишиб етилган ҳосилни бегона ўтлардан тозалаётган каби ўз ишига берилган заҳматкаш мусаҳҳиҳигача ўша маҳалларда ижодкорлардан иборат бўлган нашриётларда қайнаган ижод-ижодкорлик муҳити, китоб миллат келажаги эканига теран ишонч-ла бу юмушга вужуди билан берилиб ўзини бахшида қилишишга бел боғлашлар, кейин-кейин юрт мустақил бўлгач, ўз ечимини топган каби бадар кетди. Ажабо?! Шулар эмасмиди “келдингми мен кутган...” дея қувончдан довул кўтарганлар?!

Ҳаётини воқелик давомида эса кимнингдир кимидир бўлган нотанишлар ҳеч иккиланмай бу соҳаларнинг тешик-туйнукларига бош суқиб, қаерда нима яширинганига ўзига хос замонавий нигоҳ билан қизиққан ҳолда пучмоқлардан нималарнидир тортиб чиқара бошлашди: “э-ҳа, ҳамма гап бу ёқда экан-ку, шунақа жойларни буткул ихтиёрларига бериб қўйган эканмиз-да уларнинг норозилик уфуриб турадиган сатрлари остига ёғ қўйиб; қара-а, қўлимизга умримизда бирор марта китоб ушламаган электрчи бўлсак ҳам билиб олдик бу ёқда нима гап борлигини, биз беҳуда камсамолдан чиққан патриот бўлмаганмиз”, дея енг шимарганлар “мана қара-а, фалон китобдан фалон фойда кўрасан, пистонидан зарарга ўтирасан — яхшиси халқ таълими билан соққавозлик йўналишида келишиб дарсликларга ўзимизни урайлик” қизгин шиорининг ола байроқлари остида салб юришларини бошлаб

юборишди. “- Хусниддин, опанга ўзинг айт, наириётларинг кутубхонасида нечта китоб бор эди?

- Ўттиз мингта, - Хусниддин ишхонасига тааллуқли сирни фош этиши қалай бўларкин, дегандек иккиланиб жавоб қайтарди.

- Энди тушунтир опанга, янги бошлиқ келгач уни нима қилди?

Хусниддин, тешик-тирқишдан биров қулоқ солиб турмаганмикан, бурчак-панада биров ўтирмаганмикан, дегандек теваарак-атрофга хавотир аралаш назар ташлаб қўйди.

- Қўйинг ойи, бошқа гаплардан гаплашиб ўтиринглар, - деди сўнгра, бунақа нарсаларни эслатиб нима қиласиз, дегандек.

- Буларга кабел завўддан бир иқтисодчи директор бўлиб келган, - Хусниддиннинг гапига парво қилмай, қулоғи ёнидан ўтказиб юборган Наимахон кимнидир масхара қилмоқчи бўлаётгандек кинояли тарзда илжайиб қўйди. – Шу чоққача бировдан ош-нон сўрамай беминнат хизмат қилиб турган кутубхонадаги ўша ўттиз минг китобнинг ярмидан кўпини макултурга топширтириб юборибди, бўйнинг тагингда қолгур.

Азиза хонимнинг кўз ўнгидан калта қўлчаси билан бадий китоблар терилган полкаларни Суннатовичга кўрсатаётган янги бошлиқнинг гайратчан ҳолати ўтиб, қулоғи остида унинг “манави полкалардаги китобларни акт қилиб, макалатурага топшириши керак”, деган сўзлари жаранглаб кетгандай бўлди-ю, беихтиёр яна бугунги ўша ҳолати – тирсаклари столга суялган қўллари ҳовучига бир бурдагина бўлиб қолган буришиқ юзини ботириб-чўктириб, кул орасидан мўралаб сўниб бораётган митти чўғ каби кўзларини бир нуқтага қадаганча ўтирган парижон ҳолатига қайтадан тушишига бир баҳя қолди.

- Қўйсангиз-чи, ойи, - норози тарзда тўнғиллади Хусниддин. – Нима қиласиз ўзингизга тааллуқли бўлмаган ишларга аралашиб.

- Манга тааллуқли бўлмаса, сан аралаш! - таҳдид қилди Наимахон.

- Ойи-и! – кейинги бўғинга маъноли урғу бериб, талаффузини чўзди кичкина Азиза.

- Ўзларинг китоб чиқарасизлар-ку? – Азиза хоним ўртадаги ноқулай вазиятни юмшатиш асносида ўзига ҳам далда бергиси келётгандек Хусниддинга қаради. – Унинг ҳар бир саҳифасига қанча меҳнатларинг, кўз нурларинг кетади-я. Нега бунақа қилади?

- Ким билади дейсиз? - кифт қисди Хусниддин. – Кекса бир муҳарриримиз ўша макулатурага топширадиган китобларни ўзим сотиб оламан деб жанжал қилганди, пули кўпайиб кетибди деб унинг фамилиясини премиядан ўчиртириб, виговор ҳам беришди.

- Одам-подам эмаскан-ку?! – деб юборди ҳализамон ойисига муроса йўлини тутишни ишора қилиб турган кичкина Азиза.

- Товба?! – Наимахон сўз тополмаётгандек юзи бўғриқиб кетди – ўшанда, кундалик ҳаёт чархпалаги тақдиру қазовнинг ҳукми ҳиккаси-ла тескари айлана олиши мумкинлигини исботлагани каби яна илгариги ҳолатига қайтишига ҳам бир баҳя қолгандек кўринди. Чамаси, буни унинг ўзи ҳам пайқаб, базўр ўзини босганича, лом-мим демай ўглининг юзига тикилиб турди. Онасининг бундай қарашидан ноқулайлик сезаётган Хусниддин мухбирнинг қалтис саволига жавоб тополмаётган мансабдор каби довдираб қолган эди.

– Ҳозир асосий фойда босмахондан келади, - деди у ўзини оқлаётгандек. – Авваллари наشريёт, ижод устун турган. Шунинг учун раҳбарлик лавозимларида ижодкорлар ўтиришган, энди пул қилишнинг йўлини биладиган одамлар қўйиляпти.

- Ўлси-ин пул қилишнинг йўлини билмай! - Онаси оғзидан отилган маломат тошлари кўнглига бориб теккач, Хусниддин ўзини оқлайман деб, чув туширганини сезиб қолди ва дили хуфтонлашиб, энди индамасликка қарор қилди. Имкони топилса бебилиски таиқари чиқиб кетишни мўлжаллаб, қовоғидан қор ёққанча дами ичига тушиб кетгандек ўтираверди”.

#### 4

“Била туриб, сўрайсизлар-а?!”.



Бир-бирларига гумонсираб караб туришган шоир-ёзувчилар орасидан кутқучи Иблисни тутиб олмоқчи бўлгандек, Турсунбой ака айтади: “Энди биздан ҳам сўраб туришганидан сўнг сўраймиз-да, сўрамасдан иложимиз қанча?!”

Шоир уларга синчков тикилади. Улар қиёфасида “қилт” этган ўзгариш пайқамагач, Сўз учун тақдирга тан бераётгандек оғир хўрсинади. “Ҳа-а, бир бошга бир ўлим!”.

Ушбу калта суҳбат келажак хавфидан дараклаганча ортда қолгач, бағритошлик фазилат эмаслигини намойиш этаётгандек, Аъзам Ўктамни тушликка таклиф этишади. Чори Аваз, Рауф Субҳон билан биргаликда хонадан чиқишаётганида, қаёқдандир Аъзам Ўктамнинг мазҳабшунос кундашундалари ҳам пайдо бўлишади: “ҳа-а, бир бошга бир ўлим!” шиорининг ҳаммуаллифлари сингари улар бир хил феъл-атвор ва кибру ҳаводаги икки-уч нафар ёхуд ўзи ҳам икки-уч нафар бўлиб кўрина олиш иқтидорига эга биттаси. Бу гал ошхонага етгач, бир хил феъл-атвор ва кибру ҳаводаги икки-уч нафар ёхуд биттаси ҳам икки-уч нафар бўлиб кўринадиган мазҳабшуносларнинг ўша биттаси қозонбошига бориб, шу қозондаги паловга солинган гўштлар қўлда суйилганми-йўқлиги ёхуд бисмиллоси айтилганми-айтилмаганлиги борасида ошпаздан сўраб-суриштира кетади — ўзи битта бўлсаям, кўпчилик бўлиб шовқин-сурон солаётгандек туюлади. Бошқонлар ёши улуғлиги боисми, бошқа сабабга кўрами энсаси қотаётганини сездирмасликка уринишади. Аъзам Ўктам беихтиёр сафдан ажраб қозонбошига ёвуқлашишга журъат этади ва ошпазни қисти бастига олаётган ўша биттасини ошпазнинг кўзига қўшалок қилиб кўрсатишга ҳисса қўшга ҳолда соддадиллик билан адоқсиз беҳуда ва бемаъни саволлар чангалзорига ўзи билмаган ҳолда бош суқади. Чамаси, бу қўшалоклик соддадиллиги ва ишонувчанлигига қўшилиб кейинчалик унга анча қимматга тушади.

## 5

Шоирнинг шоирлигини нимадан билса бўлади?



Биров айтадики, кўп китоб ўқишидан; бошқаси эса, маҳмадана кайвонилик билан дастурхончи каби кўзга ташланиб юришидан; яна бошқа бирови эса ожизона илжайиб, халқ дардига малҳам бўлишидан, дейди.

Бундай тахминлар беҳуда айтилмаслиги исботи ўлароқ шу заҳотиёк унинг қаршисида “халқ дарди”га малҳам бўлмоқ иштиёқидаги азаматлар бўй тиклаб, қадим ва безавол халқ ўзига муносиб яшамоғи, зулму ситамлар исканжасидан халос бўлмоғи, ер ости-ю ер усти бойликлари нари турсин, “ойни олиб бераман” қўшиғи ҳам уники эканлиги борасида теша тегмаган ташбеҳларни мангу гулхан ёқмоқчи бўлган гулханий тимсолида қизғинлик билан қалай кетишади. Вирди забон қилишади. Соқолини тутамлаб, ўйга чўмган Ҳофиз Шерозий эса уларнинг юзига тутилган найза ўтмас-қилич чопмас қалин пардани патқаламнинг қилдек учи билан моҳирона юлқиб ташлаш сир-асрорлари машқини асрлар қаърида туриб бажараётганига мангулик сарҳадлари дахл этолмай қолади.

***Воизон к-ин чилва дар меҳробу минбар мекунад,***

***Чун ба хилват мераванд, в-он кори дигар мекунад.***

Минбару меҳробда жилва қилаётган воизлар хилватга ўтгач, ўз айтганларига тескари бошқа ишлар билан машғул бўлишади. Оловли туйғуларни кўксига қамаб шарафли йўлга отланган шоир охир-оқибат дарди бировлар томонидан дўмбира қилинган боёқиш халқ яна дардманд бўлиб қолавериши деворига бошини ургунга қадар буни фаҳмлаб олишга ожизлигидан изтироб чекади. Ўзгаларнинг кучидан фойдаланиб узоқ яшамок муттаҳамларнинг ҳаёт тарзи экани кейинчалик у битажак китоблар саҳифаларида ечинган санам янглиғ ўзини намоён этади. Ҳозирча эса яқиндагина ёзиб тугатган “Динозавр” романи кўлёмасини кўлтиқлаб ўтиб кетаётган Шукур Холмирзаевнинг йўл-йўлакай ўзига-ўзи гапираётгандек гаплари кулоққа чалинади: “оғажон, мен бу асаримда динозаврлар йўқолиб кетишини юксак туйғулар тез барҳам топишига қиёслаб ёздим; оғажон, динозаврлар, момонтлар йўқ бўлиб кетишди, аммо қурту кумурсқалар

яшамокда, йўлбарс ўлжасини ҳам ана шу қуртлар еб битиражак ва зеро заминнинг...”.

Ёзувчи тез ўтиб кетади ва унинг гапи давоми қисқа масофада куяларга ем бўлади.

## 6

Шоирнинг шоирлигини нимадан билса бўлади?

Узундан узун дoston ёхуд йўғон-йўғон китоблариданми? Кўксига ўқўтмас қалқон ўрнида тақилган нишонларданми? Шу қалқон туфайли ўқ ўтмаслигига ишонган куйи тош ортидаги аламзада мерганга мангу истибдод учун бел боғлаган мустабид ўрнида кўксини тутиб бера олиш фидокорлигиданми? Аслида жавоблари мавжуду ўзи хали уруғидан ниш отишга ботинолмаган бундай саволлар экинзори ҳамиша пайҳон қилиб ташланганини ҳам унутмаслик лозим. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Фикр агар Фарбдан эрур...” деб бошланажак сатри давомининг тескарси ўлароқ, ул ёқдан Шарль Бодлер деган шоирнинг бир сатри борасида “Инсоният ҳаёти Бодлернинг бир сатрига арзимади”, деган хабарга йўғрилган ташбеҳ, ташбеҳга йўғрилган хабар жаранглайди. Ҳофиз Шерозий эса шу онда Бодлерга тутинган ота ўрнида дуо ўқиб, ўшал Шероз жононининг қора холига Самарқанду Бухорони бахш этиб юборганини суюнчи ўрнида соҳибқиронга йўллайди. Қазову қадарнинг ҳукму ҳиккаси-ла эрта-индин Ўтрорда бошини шамоллатиб бир зумда беҳудуд салтанатини кўлдан чиқариб юборгудек бўлса, шоирнинг беқиёс сатрларига камтарин тухфаси туфайли соҳибқирон абадиятга — бу тарихда қолишдан ўзга ҳодиса эканлигини ҳис этган ҳолда — бурканади.

Шоирларни хаёлпараст дейишади. Аслида бу ҳаёт иллюзия экани инобатга олинадиган бўлса, шоирлар мангулик томон олиб борадиган йўлни лаҳзалар кифти узра барпо эта олиш иқтидорига эга ажойиб хаёлпарастлардир.

Эндиликда қандайдир тарзда ён томонлардан, биринчи қаватдаги дераза ўринларидан, орқа томондан, қулай кўринган барча

тешик-туйнуклардан катта-кичик эшиклар очиб ташланган, ўзи ўша-ўша бўлсаям, замонга ва вазиятга кўра тешик-туйнуклари, эшиклари кўпайгандан кўпайиб, қанчалик очик-ойдин кўринса-да, пинҳоний жихатлари шу қадар ошиб борган Навоий кўчасидаги бинонинг тўртинчи қаватидаги хонасида илоҳий битиклар битилган қоғозчаларни унутмаслик учун столи ёнидаги деворга ёпиштириб ўтирган ҳолатида у кўз ўнгимда жонланади. Унинг қиёфаси хаёлпарастликнинг мангу тимсоли сифатида барҳаётлиги билан аҳамият касб этади.

У ҳаётнинг ўткинчи оқимидан нималарнидир эсида тутиб қолмоққа уринган каби чап томонидаги деразадан ташқарига ўйчан боқиб туради. Арғувоний дарахтлар шохини тарк этаётган япроқларнинг чирпирак айланиб тушиши кузнинг дилгир ҳавоси нафасини дераза ойнаси орқали олиб қираётгандек бўлади. Сиз Қуёш расмини томоша қилаётиб ҳам исиниб олганмидингиз? Ёхуд қорга бурканган тоғлар манзарасидан чопонингизга бурканасизми?

У қандайдир туйғулар оғушида ўрнидан туриб, йўлакка чиқади. “Перекур!”. Хонадаги тўрт нафар нашриёт ходими учун ягона телефон четдаги стол устида сапчиётгандек жиринглайди. Бориб гўшакни кўтараман. Нариги томондан таниш овоз эшитилади.

— Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотух, мен Мирза Кенжабек бўламан, Аъзам Ўктам бормилар?

— Вааллайкум ассалом, Мирза ака. Аъзам Ўктам ташқари чиқувдилар, нима деб қўяйин?

— Кеча Аъзамжоннинг столи ёнидаги деворга ёпиштирилган қоғозларнинг бирида ҳазрат Алишер Навоийнинг бир рубойларини ўқиган эдим, шунинг учинчи сатрини айтиб юборсангиз, агар малол олмасангиз...

Аъзам Ўктамнинг деворига умаронинг зулми, уламонинг тамаси, раиятнинг риёкорлиги борасида битилган ҳикматлар, шеърий сатрларга кўзгуга қарагандек қарайман.

— Қандай бошланишини айтинг, Мирза ака.

— То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас, — дейди Мирза ака инсон ҳаёти ушалмас орзулари ҳақида сўз очаётгандек. — То нафсу ҳаво касри барафтод ўлмас...

— То зулму ситам жонига бедод ўлмас, — дейман энди Аъзам Ўктам бу сатрларни қайта-қайта ўқиб қоғозга ёзаётганини ҳаёлимдан кечириб, давомини айтаётганимда ичим узилиб тушаётгандек бўлганича. — Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Шу асно туйқусдан қаёқдандир “Ҳеч қачон!” деган маҳаллий хитоб битилган матони қўлтиғига қистириб яшираётган қиёфасиз оломоннинг “Эл шод, мамлакат обод!” шодон қийқириқлари остида Навоийга сира ҳожатманд эмасликлари намойишига чиқишгани мусиқа садолари қулоғимга чалина бошлайди.

— Катта раҳмат, — гўшакнинг нарёғида халқ дардида дармон излаш аъмолини қидираётган шоир овози мени ўзимга келтиради. — Аъзамжонга саломимизни етказасиз.

— Албатта.

Гўшакни қўйганим заҳотиёк, остонада Аъзам Ўктамнинг кўркам гавдаси тикланади. Қандайдир савқи табиий ҳис-ла, кўз қири билан мен томонга назар ташалайди. Мирза Кенжабекнинг саломини етказаман. Инсон ўзи ёқтирган киши номини эшитганда қандай ҳолатга тушади? Унинг заҳматкаш чехрасида қувонч ифодалари югуради.

— Саломат бўлсинлар Мирза акамиз, — дейди-ю, ўз девори томон юра бошлайди.

Калта суҳбатимиз адоғида яна ҳар ким ўз иш-юмушига машғул бўлади. Шифтга яқин марказий ўринни ишғол этган замонавий сурат муваққат осилган деворнинг қарама-қарши томонида буюк мутафаккирлар мангу елка қисиб туришгандек туюлишади. Улар орасида Ҳофиз Шерозий эса ўз қаҳрамони умри узоқлигидан ҳайратланган каби замонавий суратга қалин қошлари остидан тирик нигоҳини қадаб туради. Ёвузлик ва Эзгулик

тарозининг икки палласи каби — бири кўтарилса иккинчиси пасайиши ходисаси тун ва кун янглиғ асрларни қаритади.

7

Кейинроқ Аъзам Ўктамнинг иш-юмуши ниҳоятда кўпайиб кетди. Энди у тушликка чиқишга ҳам вақтини қизғанар, уйдан олиб келган бир ховуч майизу ёнғоқ билан кифояланар, сўфийлар каби одамови ва камгап бўлиб қолганди. Ҳали мактаб ёшига етмаган ўғли Темурбек, қизи Тўмарисни ҳам энди ортидан эргаштириб келавермас, фикри зикрини кейинчалик Тошкент шаҳрининг имом хатиби бўлган Анвар Турсунов пешма-пеш олиб келадиган мактаб ўқувчиларининг ўн икки варақли оддий дафтаридаги ёзувлар эгаллаган эди. Чиройли хуснихатда, кирилл алифбосида битилган бу дафтарлар Ўшда истиқомат қиладиган Алоуддин Мансур деган зотга тегишли бўлиб, унинг номи у маҳлларда ҳозиргидаги каби Шайх Алоуддин Мансур ҳазратлари сифатида элу юрт орасида машҳур эмасди. Бу дафтарларда Алоуддин Мансур Қуръони Каримни пешма-пеш таржима қилиб (шундай деб аташ жоиз бўлса!) Анвар Турсунов орқали нашриётимизга юбортирар, Аъзам Ўктам бу илк таржиманинг муҳаррири сифатида уларни қабул қилиб олгач, машинкалатар, устидан қайта-қайта ўқир, ҳарфий хато у ёқда турсин, ҳар бир тиниш белгиси ҳам ўз ўрнида бўлишига тиришар эди.

Кўп ўтмай муқаддас Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги илк нашри Аъзам Ўктам муҳаррирлигида катта нусхада бизнинг Чўлпон номидаги нашриётимизда чоп этилди.

8

Мен уни дарахт сояси остида ўйчан ҳолда турганини кўрдим.

Ёнига бордим. Саломлашиб, кўришдик. Негадир чуқур хўрсинди. Кўзларида аввалги чўғ йўқ эди. Маънос боқар эди. Юзма-юз танҳо турган каби.

Хайрлашдим. Узун бино остидаги йўлак адоғидан бурилаётганимда мавҳум илинж оғушида ортга ўгирилдим. Дарахт остида ўзини топган Будда

Ўтди негадир хаёлимдан. У каби чуқур хўрсиндим. Бурилганим заҳотиёк бошқа оламга ўтгандек ортимдаги ва қаршимдаги манзаралар илкис ўзгача тус олди. У мени кўздан йўқотиб, ногаҳон жарга қулагандек бўлиб туюлганимдан сесканиб тушганини олисдан ҳис этдим.

---

**Александр ШИРИНЯНЦ,  
профессор МГУ им.Ломоносова,  
доктор философских наук**

### **АЗАМ ОКТАМ БЫЛ НАСТОЯЩИМ УЗБЕКСКИМ ПОЭТОМ**

Я познакомился со знаменитым узбекским поэтом Азамом Октамом в конце 1980-х годов. Младший брат его жены Фарход изучал философию в МГУ. Он служил в армии, у него были светлые глаза, он свободно говорил по-русски и по-немецки. Я был молодым преподавателем, хотел, чтобы лекции были интересными. Фарход был пылким молодым человеком, он много читал, знал историю мировой философии, литературы и культуры, мы часто спорили во время урока. Он быстро стал известен на факультете. Мы быстро подружались с Фарходом, потому что он был старше и опытнее своих однокурсников.

Весной 1989 года Фарход пригласил меня в Самарканд. В главном дворе Каттакургана, под древним ореховым деревом, я, брат Фархода Хамза, Азам ака, разговаривали до утра. Хозяева дома, родители Фархода, Хамидулла ака, Сайёра опа были очень гостеприемные, чисты и благородны, как ангелы. До сих пор не забыл вкус и запах запеченного в тандире патира и ширчой мятной глазурью ...

Азам ака хорошо знал русский язык, это правда, он делал ошибки в произношении, но говорил очень уверенно, без малейших колебаний. Ему никогда не приходило в голову, что он может говорить неправильно. Я был полностью удивлен, когда впервые услышал мысли Азама ака и Фархода о восточной философии. Азам ака постоянно читал газели Навои, а когда он не мог найти русского слова, Фарход переводил. В машине Хамидуллы ака «Москвич» мы ходили на базар в Пайшанбе. Мы много смеялись над шутками Азама ака. Я не понимал аскию, я смотрел в рот Фархода, чтобы он мог быстрее переводить ... Прохожие смотрели на нас в изумлении ...

В 1991-92 годах я посетил дом Азама ака в махалле Ибн Сино на окраине Ташкента. Если я не ошибаюсь, Хулкар, сестра Фархода, тогда преподавала в ТашГУ, очень хорошо готовила, особенно плов. В те годы Азам ака работал в издательстве и преподавал ислам ученикам дома. Мы ходили в дом поэта Анвара Обиджона с детьми, Азама ака и Хулкар, Фарход и я. Азам-ака познакомил меня с Анваром-ака как философом-поэтом узбекских детей. Анвар Обиджон был учителем Азама ака и известным детским поэтом. Он подарил моим дочерям свои книги с автографом. Дети Азама-ака Томарис и Темур без остановки выучили наизусть сотни стихов Анвара-ака. Азам ака и Хулкар сопровождали их. Итак, для них поэзия и чтение - семейные ценности. По возвращении Азам ака, рассказал о философии стихов Анвар Абиджана. Я считал, что детские стихи должны быть веселыми и плавными. Что в этом не может быть философии, ведь философия - это наука, Азам ака стал очень горячим.

Однажды мой студент, турк по происхождению, Ахмед, приехал с нами в Ташкент. Мы снова поехали в Самарканд и Каттакурган. В частности, слушая слова Азам ака, Ахмед был очарован, и они оба вместе молились. Ахмед восхищался исламскими знаниями Азам ака, и потом он вспоминал эти разговоры на долгие годы.

В 1991 году Азам ака приехал в Москву с семьей. Мы встречались несколько раз за десять дней, а в общежитии Фархода ели плов, сомсу и

мошкичири, приготовленные Хулкар ом. Мы вместе ходили по книжным магазинам. Еще помню, как опоздал на занятия, когда мы пошли в книжный магазин на Арбате, ждали их. Во время поездки в Москву я обнаружил другую сторону Азам ака. Он прекрасно знал русскую литературу. Когда мы были в Третьяковской галерее и Пушкинском музее, я влюбился в его беседы. Тогда в письме Бабуршаха к русскому царю говорилось, что он подготовил свою «Бобурному» к изданию и что Хулкар ее напечатала. Фарход запомнил газели Бабура и объяснил их нам. Азам ака читал переводы произведений русских поэтов, таких как Николай Рубцов и Владимир Высоцкий. Он прекрасно прочел стихотворение и на русском языке. Читать узбекскую поэзию было особым искусством. Он читал его с такой радостью, вдохновением и смелостью, что даже если я не понимал его слов, я мог слышать их, не дыша. Его голос был очень сильным, величавым, как и его стихи.

Те годы с книгами везде были дефицит. Иногда Фарход часами стоял в очереди в магазине, чтобы купить книгу для Азама ака. Он очень жаждал знаний, помимо литературы и поэзии, он серьезно интересовался историей, философией, политикой и мировыми религиями. Мне рассказал, как Лев Толстой интересовался исламом и написал письмо ташкентскому кори. , Я впервые услышал суть произведения «Исповедь» от Азама ака. Он всегда поражал меня своим знанием русской литературы, мы с Азам ака и Фарходом пошли в журнал «Огонек» и познакомились с журналистом Александром Минкиным. Еще он показал мне статью Минкина «Хлопкораб», опубликованную в «Огоньке», и сказал, что узбекский народ стал не только рабами хлопка, но и национальной трагедией нации. Он был настоящим самоотверженным, мятежным поэтом своего народа, своей родины. Он верил, что дух нации будет пробужден словом истины. Тогда он рассказывал , что он назвал своих детей Томарис и Тимура мечтая о свободе нации. В его сердце был огонь нации, огонь литературы. Мечтал перевести произведения Бунина и Блока на узбекский язык.



Если не ошибаюсь, это был 1990 год, однажды Фарход сказал, что Азаму-аке скоро исполнится 30, и хочет подарить ему диктофон. В то время профессиональные диктофоны в самой Москве было сложно найти. Тогда я сказал, что у меня есть студент из Японии, и я могу спросить его. Фарход был счастлив. В это время из Токио прибыл диктофон. Фарход взял книги и подарки своим племянникам, и поехал в Ташкент и поздравить Азама ака. Он тогда работал в университете и долго сожалел, что не мог приехать в Самарканд и не видел своих родителей.

Азам ака подарил книги «Наблюдение», «Смеющиеся осенние цветы», «Тараддуд». Его каллиграфия была так же прекрасна, как его стихи и сердце. Одна из привычек этого поэта, чья внешность была простой, чьи стихи были бунтарскими, и чей голос был громким, поразил меня. Рядом со своими детьми он станет совершенно другим человеком, несущим на себе всю их радость, мужественность и смятение. На мой взгляд, дети немного боялись матери. Азам ака не таял, отвечал на все вопросы малышей, он их очень любил. Если честно, в детстве я был ближе к маме, боялся отца. Я был в совершенно другой ситуации в семье Азама ака и Хулкара. Когда я поделился своими мыслями с Фарходом, он сказал: «Дисциплина в нашей семье была очень строгой, требования Хулкара привлекли моего отца». Азам ака с Томарис и Темуром вместе вдохновенно рассказывали о мультфильмах, которые они видели, о стихах, которые они заучивали наизусть, о сказках, которые они создавали для них, как будто читая стихотворение.

Коллекционировали детские книги московского издательства «Детская литература». Фарход также достал из чемодана книгу. Азам ака и Хулкар, духи Фархода, мировоззрение, любовь к книгам были очень близки друг другу.

После учебы Фарход работал в МГУ. Он хотел остаться в университете и учиться, но в те годы время было беспокойное, и по настоянию родителей он вернулся в Самарканд. Я был очень рад услышать, что он женат и у него

есть дети. Я слишком поздно узнал, что Азам ака и Фарход, умерли преждевременно. Мне было очень жаль, они были такими молодыми. Да благословит их Аллах.

Я знал, что Хулкар работает в Ташкентском государственном университете, но когда я искал её через своих узбекских коллег, она ушла из университета. Я часто вспоминаю Азама ака. Он был националистическим, патриотичным, открытым узбекским поэтом. Он был сознательным, верным.

---

**Мукаррамой АСҚАРОВА,**

**Халқ таълими аълочиси**

### **ШОИР АЪЗАМЖОН**

Хазиний юртида, хазинийсифат –  
Бир шоир туғилди мажнуни мутлақ,  
Довюррак ва мағрур, шеъри – Ҳақиқат,  
Сиғингани бўлди – Бир Жаноби Ҳақ ...  
Халқига рост сўзлаб, йиғлади дили,  
Шеърни деб, ўзини тиғлади дили.  
Афсус, у ёш кетди Муқимийдан ҳам –  
Ёрилди, кўксига сиғмади дили ...  
Яхшиям, ортида қолди авлоди,  
Тўмарис ва Темур қалбида ёди...

Ўзининг латиф ва ўктам шеърлари, таржималари, долзарб мавзулар кўтарилган мақолалари билан кўплаб адабиёт мухлислари кўнглидан жой

олган забардаст шоир, укамдек кадрдон бўлган Аъзамжон ҳақида анча йиллардан бери бир ёднома ёзаман, деган истагим бор эди. Асарлари ёвқур руҳиятидек ўктам шоир Аъзам Ўктам ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ халқ, миллат мустақиллигини орзу қилиб шеърлар ёзган эди. У сўзи ва ўзи бир ижодкор эди, минг афсуски, Усмон Носир каби қисқа умр кўрди, аммо у каби адабиётда, шеъриятда ўз сўзини айтиб кетди. У ўзининг республика матбуотида босилган илк шеърий туркумлари билан замонамиз алломалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, бетакрор шоиримиз Эркин Воҳидовларнинг эътиборига тушган XX аср ўзбек шеъриятининг порлоқ юлдузларидан бири эди. Таассуфлар бўлсинки, жуда бевақт сўнди. Эндигина 41 ёшга тўлган, ижодий куч қувватга тўла вақтида, 2002 йилнинг 29 январ куни бу дунёни тарк этди. Вақт оқар сувдан ҳам шошилиб, орқа олдига қарамай оқавераркан, кўз очиб юмгунча 15 йил ҳам ўтиб кетибди. Шоирнинг оила аъзолари, фарзандлари, мухлислари қалбида оғир из қолдирган йиллар... Хаёлимда беихтиёр Аъзамжонни менга танитган ёшлик даврим намоён бўлади. Аъзамжонни дастлаб ёш шоир эмас, балки Бувайда туман газетасида тез-тез мақолалари босилиб турадиган мактаб ўқувчиси Аъзам Худойбердиев сифатида таниганман. Адабиёт муаллимимиз “шу боланинг мақолалари шеърга ўхшайди - да”, деб кўярдилар. У туманнинг машҳур ўқувчиларидан эди. Ўрта мактабни 1978 йилда битириб, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига имтиҳон топширди. Ижодий синовдан юқори баҳо олган, чунки у ҳам мазмунли, ҳам ҳаттотлардек ниҳоятда чиройли ёзарди. Лекин, биринчи йил омади келмади, ва бир йил туман газетасида мухбир бўлиб ишлади. Кейинчалик, ўқишга кириши ҳақида гаплашганимизда, “ўзим ҳам жуда содда, гўл бўлган эканманда, кундузги бўлимда имтиҳонлардан тўплаган баллим кечки ёки сиртқи бўлимга ўқишга кириш учун бемалол етаркан, ўзим билмабман, йўл - йўриқ кўрсатадиган одам бўлмабди”, деганди кулиб. Ва доимо туман газетасида ишлаган йилларини, Қодир Дехқон, Шарофиддин Йўлдошев, Қизлархон опа,

Собиржон Отабоев каби устозларини меҳр билан эсларди. Унинг энг машҳур шеърларидан бири, устози Қодир Деҳқонга бағишланган “Мактуб” талабалигининг илк йилларида ёзилган эди:

Асир этган дилимни азал,  
Соҳир уфқ соғинтирдией.  
Қишлоқликлар куйлаган гўзал,  
Қадим кўшиқ соғинтирди ей.  
Кенг далалар фарзанди бўлсанг,  
Тор хонада ётиш ҳам қийин.  
Муҳаббатнинг дилбанди бўлсанг,  
Гуноҳларга ботиш ҳам қийин...  
Қора қишда музларни ёриб,  
Ялангоёқ сув тутган бола.  
Тун. Ухламай хилватга бориб,  
То тонггача қиз кутган бола.

Ўша ўтюррак ва соддадил бола энди талаба эди. Сиртдан қараганда барча қийинчиликлар ортда қолган, у ўзи орзу қилган университетга ўқишга кирган, ёшликнинг энг олий мақсадига эришганди. Лекин, ички кечинмалари оқ қоғозга тўкилганида, уларни ўқиб, англаган юракнинг бор овози билан ҳайқиргиси келади:

Тунлар чарчаб, донг қотиб ухлаб,  
Бу кун тонгни кўролмай яшар.  
Бетон девор, совуқ ел увлаб,  
Жунжиктирар, ёнолмай яшар.  
Не зотларга дучор бўлдик биз,  
Ҳайрат ичра боқаркан беун,  
Йиғламаслик учун кулдик, биз,  
Биз йиғладик кулмаслик учун.

Болаларча самимиятни, беғуборликни қаранг! 18 ёшли йигит ишонувчан қалб билан хаёл ва хаёт зиддиятлари, орзу ва қисмат синовларининг моҳияти ўртасидаги муштарак нуқтани изляпти:

Пок даврага қора от солиб,  
Бостиришган чоғларни кўрдим.  
“гулим, гулим” дея дод солиб,  
Вайсаётган зоғларни кўрдим.  
Лек оламда мен бору, сиз бор,  
Далалар бор поклик маскани.  
Мард дўстларим, бир маъсум киз бор,  
Юрак бордир исён ватани.  
Сўзсиз, иқбол кулгайдир бир кун,  
Биз тўғрига қараб кетяпмиз.  
Чунки, бизлар яшаётирмиз,  
Фақат бекор ўлмаслик учун!

“Мактуб” 1980 йилда “Бувайда кўзгуси” газетасида босилган ва газета кўлма - кўл бўлиб кетганди. Мактабларда, маҳалла гузарларида, чойхоналарда уни ўқиган қишлоқдошларимиз бу шеърдан қанчалик завқланганлари кечагидек эсимда. Ўша йили менимча Бувайда туманидаги барча мактабларнинг “Сўнгги кўнғироғ”ида Аъзамжоннинг “Мактуб”и ёд ўқилганди... Кейинчалик адабиёт оламида Аъзам Ўктам сифатида танилган истеъдодли шоир ўшанда “Мактуб”нинг муаллифи, журналистика факультетининг 1 – курс талабаси Аъзамжон Худойбердиев бўлиб бизнинг шеърпараст кўнглимизга мумтоз куй мисол кириб келганди.

1983 йилда “Ўзбекистон санъати” журналида босилган шеърий туркуми ижобий маънодаги шов - шувга айланиб, кўпчиликнинг тилига тушганида ёш шоир 3- курсда ўқирди. Ўша туркумдан халқона оҳангда ёзилган “Кўшиқ” шеъри ҳам ўрин олган бўлиб, у чинакамига ҳам бизнинг ёшлигимизнинг кўшиғи эди. Биз синфдошлар ёки курсдошлар бир - биримиз

билан кўришганда беихтиёр ёш шоирнинг кўнгилга муҳрланган сатрларини ўқирдик:

Фарғонадан келаман, келасанми ёро, келасанми, ёр,

Сенга ошиқ бўлганлигим биласанми ёро, биласанми ёр?

Аъзамжоннинг 1984 йилда “Ёшлик” журналида босилган шеърлари ҳам яхшигина шуҳрат қозонганди. Элимиз ардоғидаги улуғ шоир Эркин Воҳидов ўша йиллари журналнинг бош муҳаррири эдилар. Ҳали талаба Аъзамжоннинг шеърлари Эркин Воҳидовдек талабчан устознинг эътиборига тушганидан хурсанд бўлганмиз. Мен у пайтларда Қўқон шаҳридаги ўрта мактабда адабиётдан дарс берардим. Бувайдалиқ, қўқонлик адабиёт муаллимлари учрашиб қолганимизда албатта Аъзамжоннинг шеърлари ҳақида гап кетарди. Кейинчалиқ, у университетни битириб, “Туркистон” газетасида ишлаётганда биз оилавий яқинроқ танишдик. Аъзамжон ўзининг биринчи шеърини тўпламларини чиройли дастхат билан бизга тақдим этганди. Уларни ҳар сафар қўлга олганимда кўз ўнгимда эндигина турмуш қурган ижодкор ёш оила - баланд бўйли, салобатли Аъзамжон ва нозиккина Ҳулкар пайдо бўлади... Тўнғич фарзандлари туғилганда устози Рауф Парфининг маслаҳати билан қизалоғига Тўмарис деб исм қўйган Аъзамжоннинг қувончи осмонларга туташган, шодумон кунларига гувоҳ бўлганмиз. Тўмарис қуйиб қўйгандай Аъзамжоннинг ўзи эди. “Менинг автопортретим”, деб ҳазиллашарди шоир...

1987 йил, кузнинг охирлари эди шекилли, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ёш шоирларнинг шеърини кечаси ўтказилганди. Асқад Мухтор, Озод Шарафиддинов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби устоз адиблар иштирок этишганди. Шеър ўқишга талабгорлар кўп бўлганлиги учун, ҳар бир ёш қаламкаш биттадан шеър ўқийди, деб келишилди. Кечанинг охирида минбарга Аъзамжон чиқди. Қизи Тўмарисга бағишланган “Юпанч” шеърини ўқиди. Ўшанда шеърнинг ўртарағида унинг салобатли овозига бироз титроқ киргандай туюлганди:

Сендан жуда хижолатдаман,

Уятлиман сенинг олдингда:  
Ижара уйда туғиласан, болам.  
Миннатдорман Дуся холамдан,  
Бир ойлик ижара ҳақидан кечиб,  
Чақалокқа кийим ол, деди.  
Улар яшар қўшни хонада.  
Қўрқар эдим гоҳо ўзимча,  
Туғилсангу, йиғлаб безовта қилсанг,  
Чиқ, дермикан уйдан, деб.  
Лекин ўйлаб қарасам, йиғининг  
“тили” бирдир ҳамма миллатда.  
Аччиғи келмайди демак, холанинг,  
Тушунуксиз сўзларни тинглаб:  
Билиб қўй ҳозирдан, болам,  
Меҳрибон одам кўп бизнинг Ватанда!  
Ўз ўзимнинг уйим бўлар эҳтимол,  
Эпчилроқ бўларсан мендан,  
Бўларсан журъатлироқ.  
Айира оларсан ўз ҳаққингни сен,  
Кечирарсан отангни ҳам бемалол.  
Ҳар нарсани тушунадиган,  
Кенг феъллироқ бўлсанг керак,  
Ижара уйда туғилган болам...

Гулдурос қарсақлардан уюшманинг биноси зириллаб кетгандай бўлди. Шеър ҳам мазмунан, ҳам поэтик жиҳатдан теранлиги, таъсирчанлиги, унда кўтарилган мавзу залга йиғилган барча ёш ижодкорларнинг умумий дарди бўлганлиги учун ҳам қарсақ тўхтамасди. Эркин Воҳидовнинг ишоралари билан Аъзамжон иккинчи шеърини ўқий бошлади. “Иқрор”нинг таъсири ҳам “Юпанч” никидан кам бўлмади. Бунинг устига Аъзамжон шеърни жуда таъсирли ўқирди. “Иқрор” шеъри шоирнинг турмуш ўртоғи Хулкарга

бағишланганди. Бу шеърни бизга аввалроқ ҳам ўқиб берганди. Лекин уюшмадаги тадбирда Аъзамжоннинг салобатли овозида қандайдир хазинлик бор эди. Ўша шеърят кечасида қаердан гул пайдо бўлганлигини ҳалигача тушунмайман. Чунки, шеър ўқувчилар ҳам, тингловчилар ҳам асосан юпунгина ёшлар эди. Кимдир Аъзамжонга гулдаста берди. Аъзамжон жойига ўтираётиб, гулни Ҳулкарга узатди... Мен Аъзамжоннинг барча шеърлари каторида “Иқро”ни ҳам яхши кўраман. Уни ҳар сафар ичимда ёддан ўқиганимда қулоғимда Аъзамжоннинг ўктам овози жаранглагандай бўлади:

Куй бўл қўшиғимга момогулдирак,  
Бунча гурсиллама, оғир бўл юрак.  
Қийналдим, сиримни очишим керак,  
Бир бахтсиз аёлни севаман...  
Ҳар кун насибаси ҳақорат, қарғиш,  
Баҳори бир лаҳза, узун умри қиш.  
Бир истаги қолиш, минг аҳди кетиш,  
Бир бахтсиз аёлни севаман...  
Алдамчилик, ёлғон мендан наридир,  
У менинг жонимдир, малак, паридир,  
Биров деб яшнади, мен деб қарийдир  
Бир бахтсиз аёлни севаман...  
Ўтда куйди, сувда чўкди йил, куни,  
Менга насиб этди ойдин бир туни.  
Энди ўлгим келар жим қучиб уни,  
Бир бахтсиз аёлни севаман...

Шоирнинг “Кузатиш” шеърӣ тўплами 1990-йилда ҳозирги “Янги аср авлоди ” нашриётида чоп этилган. Мўъжазгина китобчани варақлар эканман, юракка яқин лирик шеърлар каторида фалсафӣ публицистик руҳдаги “Саломнома”, “Тонгдаги ўйлар”, “Қишлоқ чевари”, “Чўлпон”, “Қишлоққа хат”, “Халқимиз душманларига”, “Қишлоқ четидаги ўйлар”, “Бу ер ўзимники...”,”Жаллод ҳукмин ўқиди охир...”, ”Ватанимнинг азизлигини...”



каби шеърлар кўпроқ эътиборимни тортади. Улар сабаб, ўзбек халқининг собиқ Шўро давридаги оғир ҳаёти, чумолидек тинимсиз меҳнат қилса - да, ҳеч қачон бири икки бўлмаган меҳнаткаш элнинг бизнинг болалик, ўсмирлик қувончларимиз билан қоришиб кетган аянчли қисмати кўз олдимда кино тасмасидек бир-бир ўта бошлайди. "Саломнома" шеърида шоир шундай дейди:

Хотирамни ёритган,  
Қалбдан ғамни аритган,  
Ўчкор ғурур яратган  
Кунларга салом ўлсун.

Минг йиллар экин эккан,  
Ҳосили ёвга теккан,  
Экини ҳам мушт туккан –  
Қулларга салом ўлсун.

Онасидан туғилганидан бери меҳнатдан бошқа нарсани билмаган, лекин бу уқубатли меҳнатнинг роҳатини бошқалар кўриб, унинг ҳосили "хирмонда ҳозир" бўлганларга кетаётганлигидан деҳқон алам билан ўртанади. Лекин у вужуди ва руҳиятини ўртаётган изтиробларни тилга чиқариш имкониятидан маҳрум эди. Шу ўринда юрагида "ўчкор ғурури" бор шоирнинг чиройли ташбеҳ топганига тан бериш керак. У ғўзанинг кўсагини шахд билан тугилган, ўзбек халқининг ёвларига ўқталган муштга ўхшатади. Лекин шоирнинг юрагида эртанги ёруғ кунга ишонч бор. У мустаҳкам ишонч билан оппоқ тонгни чорлаётган тунларни қутлайди:

Кундуз ўрнига қолган,  
Дилга аламлар солган,  
Тонгни чорлаб дуд чалган,  
Тунларга салом ўлсун.

Юртдошларининг мустабид тузумдан азият чекаётганлигини ҳис қилган Аъзам Ўктам “Ватанимнинг азизлигини...” деб бошланувчи шеърида хайиқмасдан, бор овози билан мустақиллик эл орзуси эканлигини тараннум этди:

Ватанимнинг азизлигини,  
Душманимнинг борлигин билдим.  
Эркисиз умр эсизлигини,  
Дунё менга торлигин билдим.

Унинг “Синглимга” сарлавҳали шеъри ҳам ўз даврида анчагина машҳур бўлганди. Шеърда синглиси узатилаётган аканинг ички изтироблари ва ўкинчи шу қадар ишонарли ва самимий тасвирланганки, уни ўқиган одамнинг кўзларига беихтиёр ёш келади:

Бир нима ўт каби куйдирди ичим,  
Маҳкам лаб тишлашга етди да кучим,  
Тўйинг бўлган куни йиғлаганим чин,  
Ўзингга эҳтиёт бўлгин, Мунаввар.

Синглисининг бахтли бўлишини Яратгандан сўраётган аканинг қалбини бир армон ўртайди. Собиқ тузум даврида янги келинчакларга ҳам шафқат йўқ, улар ҳам ҳали чимилдиғи йиғилмай туриб, тонг саҳардан далага отланишарди. Энг оғир кечадиган бошқоронғилик ҳам пахта даласида ўтарди. Бу адолатсизликлардан дили ўртанган шоир алам билан шундай дейди:

Меҳмон қилолмабман шаҳарда сени,  
Даланг кутиб турар саҳардан сени,  
Мен қандоқ асрайин заҳардан сени,  
Кўзингга эҳтиёт бўлгин, Мунаввар.

Собиқ шўро тузуми даврида пахта етиштириш учун ер камаяди, деб одамларга ўз юртида ўз оиласи учун уй қуришга ер берилмас эди ... Бу каби фожиалар Аъзам Ўктам шеъриятида ўзининг ҳаққоний аксини топган. У воқеликка реал муносабатда бўлади, машаққатли меҳнатининг эвазига фақат ситам кўраётган халқнинг оғриқ нуқталарини “Халқимизнинг душманларига” шеърида бевосита нишонга олади. Бу шеърни хушовоз ҳофизимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулхай Каримов танбур чертиб, дард билан куйлаганлиги, юртдошларимиз уни шоир ва ҳофизга ҳамдард бўлиб, кўзида ёш билан тинглаганлиги ҳамон эсимда.

Собиқ Шўро даврида ўз она тилини камситиб, рус тилида сўзлашишни одат қилган қўштирноқ орасидаги “ўзбек”ларни шоир аямайди, уни мудом миллий тилни ривожлантириш, асраш муаммолари кизиқтирарди. Қуйидаги ўтли сатрлар ёзилиб, эл орасида машҳур бўлганида ҳали ўзбек тилига давлат тили мақоми берилмаган эди:

Энди минбарларга талпинма, тамом,  
Миллий масалани қўзғатма сира,  
Ўлса ўлиб кетар ўзбеки калом,  
“Улуғлар” кўнглини қилмагин хира!

Албатта, юқоридаги сатрлар биринчи навбатда элининг фожиали қисматидан қайғураётган шоирнинг ўзига аёвсиз ва аччиқ кинояси эди. Чунки ўша йилларда ўзбек тилининг тақдири ниҳоятда аянчли бўлиб, бу ҳолат Аъзам Ўктам каби виждонли ижодкорларни қайғуга солмаслиги мумкин эмасди:

Яссавий, Хазиний қўлёмасин от,  
Тез эсдан чиқаргин Фитрат Чўлпон...ни.  
Нимасин англардинг?  
Яхшиси – йўқот,  
Сақлашдан не наф бор уйда “Қуръон”ни  
Ҳали иймонсизлар сафи зич, қалин,

Пасткаш, майдакашнинг  
Қилмиши - йирик.  
“Ўлди”, - деяпсанми,  
Қахҳор Сталин?  
Икки бор кўмилган  
Бўлса ҳам тирик!

Дарҳақиқат, “салласини олиб кел”, - деса калласини кесиб келадиган нодонлар ҳамма замонларда бор бўлса да, мустақилликкача уларнинг уруғи кўпайиб кетганди. Аъзам Ўктам шеърларида касби разолат бўлган миллатфурушлар ўзларининг ҳақиқий башарасини кўрган бўлсалар ажаб эмас.

Аъзамжоннинг “Юрт кезганда” сарлавҳали яна бир машҳур шеъри бор. Уни ўқир экансиз, шоир юрак қонини сиёҳ қилиб ёзганлигига сиз ҳам ишонасиз. У қалби уйғоқ ижодкор, жуда шижоатли инсон эди, шоирнинг журъати ва ўзлиги унинг сўзида намоён бўлади, деб ҳисобларди. Шунданми, мустақилликкача ёзилган ҳар бир шеърида катта исён бор эди. “Юрт кезганда” шеъри ҳам шоирнинг шундай мукамал асарларидан бири:

Кўрганим ёдимда ва лекин бугун,  
Ишонгим келмайди ҳатто ўзимнинг.  
Даштларим топталди, қуритилди кўл,  
Ранги ўчиб кетди дала тузимнинг.  
Энди шовулламас бунда буғдойзор,  
Шолилар солланиб эгмас бошини.  
Фақат хаёлимда туришади зор,  
Бош чайқар, отишар таъна тошини.

Топталган даштлар, қуритилган кўллар, ранги ўчиб кетган дала тузга боқиб, шоирнинг юраги оғрийди. Сиз, азиз ўқувчи, далаларга сочилган турли захарли кимёвий дорилар адо қилган буғдойзорларнинг бош чайқаб, таъна тошларини отишларини тасаввур қиляпсизми? Ҳатто сабр қаноатда ибрат азим тоғларнинг ҳам қовоғидан қор ёғарди:

Қўй, сигир боқолмас энди болалар,  
Аёвсиз қирилди ўрикзор, боғлар.  
Атрофга қарайман, кўзларим толар,  
“Келма” деб узоқдан хўмраяр тоғлар.  
Аза тутиб даштим, болалигимга,  
Армонда кетарман энди бир умр.  
Элим бир сўз айтмас, боқмас кўзимга,  
У пахта териши керакдир ахир.

Мустақилликдан олдин бутун ўзбек халқи пахтанинг қулига айланганлиги ҳам ҳақиқат. Ердан кўзини узмай, худди манқуртдек, чарчаганини ҳам билмай, пахта тераётган муштипар халқнинг дардини ўтюррак шоир айтмаса, ким айтади?:

Юрт кезсам, ҳар сафар ғам тушар дилга,  
Сўзимдан пахтазор қилгандек аччиқ.  
Ўзалар хўрпайиб қарайди менга,  
Кўсаклар мушт каби тугилган қаттиқ!

Аъзамжоннинг биринчи китоблари дунё юзини кўрганида ўзи ҳам ўттиз ёшга кириб қолганди. Китоблари нашриётларда йиллаб навбат кутиб ётган даврларда бироз ўкинган пайтлари ҳам бўлган. Дарҳақиқат, Шўро даврида фақат ҳукуматнинг чизиғидан чиқмасдан, “мафкурага мос” қилиб ёзилган китобларгина босмаҳона юзини кўрар эди. Эсимда, 1995 йилда Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети қошидаги академик лицей ўқувчилари билан учрашувга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик ҳамда таниқли шоир Аъзам Ўктамни таклиф этдик. Академик лицейда ўтган асрнинг 90-йилларида асосан ўғил болалар ўқир, бир синфда 33-35та ўқувчи бўлса, шундан 1-2та қиз бола ўқирди. Шунданми, ўқувчилар ўт-олов-шўх ўсмирлар эди. Университетнинг каттагина мажлислар залига 300 ўқувчи йиғилди. Аксарияти ўғил болалар. Шундай катта “синф”да икки ижодкор ва икки-учта адабиёт ўқитувчиси. Мен хавотирдаман – 300 ўқувчи ижодкорлар олдида бизни уялтирмасмикин? Ижодкорларнинг лицей ўқувчилари билан

мулоқоти 3 соат чамаси давом этди. 300 ўқувчидан бирортаси на ортиқча бир сўз айтди, на тўполон қилди... Гўё уларни Тоҳир Маликнинг салмоқли сўзлари-ю, Аъзам Ўктамнинг сеҳрли шеърлари ўзига маҳкам боғлаб олган эди... Аъзамжон қизи Тўмарисни ҳам бирга олиб келганди, қизалоқнинг исми ўқувчиларимизни қизиқтириб, унга ҳам саволлар беришди. Аъзамжон руҳан мағрур ва ўктамлиги билан бирга, айна дамда ниҳоятда камтар ва хокисор, болалар билан уларнинг тилида сўзлаша оладиган шоир, биронта саволни эътиборсиз қолдирмайдиган ижодкор эди. У гапга усталлиги, самимияти билан ҳар қандай давранинг жонига айланар, унинг қочиримли сўзларини, ўткир ҳазилларини атрофдагилар анча пайтгача унутолмай юришарди. Мен пенсияга чиққунимга қадар академик лицейдаги ҳамкасбларим ва ўқувчиларим Аъзам Ўктам билан яна бир учрашиш ва дилдан суҳбатлашиш ниятида эканликларини тез тез айтиб туришар ва шоирни лицейга таклиф қилишимни сўрашарди. Минг афсуски, бундай қувончли лаҳзалар бошқа насиб қилмади...

Ҳозир Аъзамжон билан боғлиқ яна бир воқеа эсимга тушди. Бир куни ўқувчиларни “тест” синовига тайёрлаш чоғида 4 мисра шеърнинг муаллифини эслолмай қолдим: Мирзо Кенжабекнинг услубига ўхшатдим. Яна иккиландим, Аъзамжон ўшанда “Шарқ” нашриётида хизмат қилар эдилар. Қўнғироқ қилиб, ҳузурига бордим ва 4 мисрани кўрсатдим. Аъзамжон дарҳол Мирзо Кенжабекка сим қоқиб, шеърини парчани ўқиб бердилар, гўшакнинг у томонида Мирзо ака қувноқ овозда шеърнинг давомини ўқидилар. Икки забардаст шоир бироз сўз ўйини қилган бўлишди. Энди бу воқеалар армонли хотира бўлиб қолди... Аъзам Ўктам ҳеч оғринмасдан ҳаммага бирдек яхшилик қила оладиган мард инсон эди.

Ёшимиз улғайгани сари худди ой ва кунлар ҳар доимгидан тез ўтаётгандай туюларкан. Агар ҳаёт бўлганида, 50 ёшга тўларди. “Бола дунёни тебратар”, “Кузатиш”, “Кузда кулган чечаклар”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор”, “Осмон яқин”, “Саҳар вақти юрак

йиғлар...” каби китоблар муаллифи Аъзам Ўктам 1960 йил 4 октябрда туғилган эди...

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йил –  
Учинчи октябр – қоронғи тунда,  
Милтиқни ўқталиб бир неча қотил –  
Қодирий, Чўлпонни отганди шунда...  
Ўзбек шоирини отиб-йўқотсак,  
Албатта ўзбекнинг сўзи йўқолар,  
Мунаввар Қорини, Фитратни бирма-бир отсак –  
Ўйлашди, ўзбекдан оломон қолар ...  
Қотиллар умидин пучга чиқариб –  
Шоирлар туғилди – юртига ҳамдам.  
Учинчида қотил Чўлпонни отса –  
Тўртинчида – туғилди шоир Аъзам.

Ҳа, 1938-йил, 3-октябрдан 4-октябрга ўтар кечаси қотиллар Абдулла Қодирийни Чўлпонни ва яна қанча шоиру олимларни Юнусободдаги ҳозирги Шаҳидлар хотираси хиёбони ўрнида отиб ташлаганлари тарихдан маълум. Улар мустабид тузумнинг қурбони бўлишди, лекин ортларида қолган ёруғ излардан янги номлар, ўзбекнинг дардини ҳис қиладиган ёвқур шоирлари пайдо бўлди.

Аъзамжон билан бир тумандан бўлсак - да, таниш эмасдик. Унинг 1983 йилда “Ўзбекистон санъати”, 1984 йилда “Ёшлик” журналларида босилган шеърларини ўқиб жуда таъсирланганман. 1986 йилда эндигина оила қурган Аъзамжон ва Хулкар билан танишганмиз. Оилавий борди келдилар бошланган. Турмуш ўртоғим, физика - математика фанлари номзоди, доцент Носиржон Асқаров, фарзандларим Мукамбархон, Ахроржон, Нигорахон ва Аҳаджонлар ҳам Аъзамжоннинг ижодига қизиқишарди. Шоир ўзининг ҳар бир янги китобини чиройли дастхати билан тақдим этар ва нозик дид билан дастхатда оила аъзоларининг ҳаммасининг номини албатта тилга олардики, бу эътибордан фарзандларим қаторида менинг ҳам бошим осмонга

етарди. У шеърий тўпламлар уйимиздаги ва қалбимиздаги китоб жавонимизнинг энг бебаҳо бойликларидир. Фақат шоир вафотидан кейин дунё юзини кўрган “Осмон яқин” ва “Сахар вақти юрак йиғлар” китобларини унинг фарзандлари қўлидан олаётиб менинг ҳам юрагим йиғлагани рост.

Шоир инсон сифатида ҳам ниҳоятда кўнгли очик, самимий ва меҳрибон эди. Ота- онаси, оиласи, жигарлари ва фарзандлари учун жонини аямас, улар учун ҳар қандай машаққатни енгишга тайёр турарди. Аъзамжоннинг яна бир олий фазилатини айтмасам бўлмайди: У ижодкор сифатида ҳам ниҳоятда бағрикенг эди. “Йилт” этган ҳар бир ёш ижодкорга эътибор бергиси келарди. Фарғонанинг Боғдод туманида ўрта мактабда ўқитувчилик қилиб юрган Саид Анварнинг биринчи қиссасини ўзи Тошкентга олиб келиб, таҳрир қилиб, Хулқарга нусха кўчиртириб, ўзи ишлаётган Чўлпон нашриётида чоп эттирганлигини яхши эслайман. Бевақт вафот этган устози Қодир Деҳқоннинг “Бир япроқ” шеърий тўпламининг нашр этилишига ҳам ўзи бош бўлганди. Аъзам Ўктамнинг қисқа ҳаётида бу каби олижаноб амаллари жуда кўп эди. Уларни санаб адоғига етиш қийин. Ўғил - қизига қўйган исмларидан ҳам фахрланар, ҳар сафар оилавий учрашганимизда янги шеърлари қаторида уларга бағишланганларини ҳам албатта ўқиб берарди. У ғоятда болажон эди, қачон қараманг Тўмарис ёки Темурни эргаштириб юрарди. Тўмариснинг беш ёшда биринчи синфга боргани, Темурнинг уч ёшида Муҳаммад Бобур рубоийларини ёд билишини, опа - уканинг Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг шеърлари билан тили чиққанию, устоз шоирнинг “Жуда қизиқ воқеа” шеърий тўпламини бошдан - оёқ ёд олишганини ғурурланиб сўзларди. Агар ҳозир ҳаёт бўлганида, фарзандлари Тўмарис Аъзам ва Темур Аъзамнинг камолга етиб, таниқли журналист бўлганлигини кўриб, шоирга кўриш насиб этмаган бири биридан ширин набиралари Сарварбек, Жавоҳир ва Муҳаммад Содикнинг болалик қувончларига қўшилиб, боши осмонга етарди.

Рафиқаси Хулқар забардаст шоирнинг фақат турмуш ўртоғи эмас, балки унинг биринчи китобларини қўл машинкасида чиқиллатиб, оқ қоғозга



туширган маслакдоши, ҳақиқий дўсти эди. Уларнинг ижодкор оиласига кўпчиликнинг ҳаваси келарди. Аъзамжон таниқли рус шоири Николай Рубцовнинг китобини ўзбек тилига ўгиришни бошлаганида Ҳулкар сўзма сўз таржима қилиб чиққанди. Ёки Аъзамжон муҳаррирлигида мустақилликдан олдин, ҳали номи “Юлдузча” бўлган, ҳозирги Чўлпон нашриётида Бобур Мирзонинг “Бобурнома” асари чоп этилганда ҳам шоирнинг турмуш ўртоғи нусха кўчирганди. Мен ўшанда уларнинг қанчалик шижоат билан ишлаганини эслайман. Чунки, у пайтларда замонавий компьютерлар ёки ҳозирги қулай нусха кўчирадиган техника йўқ, ҳаммаси оғир ва машаққатли кўл меҳнати билан амалга ошириларди. У пайтлар Тўмарис ва Темур ҳали гўдак эди, Ҳулкар бола парваришидан, саноксиз меҳмонларни кутиб, кузатишдан ортиб шоирга маслакдош бўла оларди. Яна ёруғ хотираларимдан бири, улар иккаласи ҳам ёддан жуда кўп шеър ўқишарди. Аъзамжон Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Анвар Обиджонларнинг китобларини ёддан биларди. Аъзамжон шеър ўқишни бошласа, Ҳулкар давом эттирарди. Улар нафақат эру хотин, балки ҳавас қилса арзигулик ижодий ҳамкорлар эди. Биз жуда кўп таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар билан, ёш ижодкорлар билан уларнинг ижара уйида танишганмиз. Аъзамжон севимли устозлари Озод Шарафиддинов, Кибриё Қаҳҳорова, Ғайбулла Саломов, Сайди Умиров, Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Эркин Малик, Турсунбой Адашбоев, Ирисали Тошалиев, Нурали Қобул, Анвар қори Турсунов, Қодир Деҳқон, Неъматжон Умаровларга қай даражада садоқатли бўлса, тенгдошлари Чори Аваз, Равшан Файз, Рауф Субҳон, Абдумалик Исомиддин, Ҳайдар Акбар, Тўлқин Эшбеклар билан шунчалик самимий, дўстона муносабатда эди. Аъзам Ўктам “Чўлпон” нашриётида ишлаган кезларида Кўқон Давлат педагогика институтини битириб мактабда дарс бериб юрган Шуҳрат Неъматнинг, Саид Анварнинг биринчи китобларини чиқарган, Саиджоннинг пойтахтга келишига сабабчи бўлганди. Ўшанда Кибриёхонимдан илтимос қилиб, Саид Анварни “Абдулла Қаҳҳор уй музейи”га ишга жойлаштирганди.” Саидни вақтинчалик

бўлса ҳам бошпаналик қилиб қўйдим”, деб ҳазиллашганлари ёдимда. Аъзамжонга шогирд бўлган бундай умидли ёш ижодкорлар қаторида Собир Ўнар, Минҳожиддин Мирзо, Шодикул Ҳамро, Қўчқор Норқобил, Исажон Султон, Иқбол Мирзо, Мирзо Карим, Шухрат Иброҳим, Анвар Эмин, Рашид Зоҳид, Баходир Карим, Акрам Дехқон, Баҳром Обиджон, Улуғбек Султон, Эркин Йўлдош, Олимжон Ҳайит каби биз таниганимизда жуда ёш бўлган, йиллар ўтиб элнинг севимли шоири, олими ва ёзувчисига айланган машҳур ижодкорларни тилга олиш мумкин...

Минг асуски, шоир бор - йўғи 41 ёшида вафот этди. XX аср ўзбек шеърлятида ёркин из қолдирган забардаст шоир, публицист, моҳир таржимон ва нуқтадон муҳаррир Аъзам Ўктамнинг охирати обод бўлсин.

---

**Оллоёр БЕГАЛИЕВ**

### **АЪЗАМ ЎКТАМ: “БИР ЙЎЛ КЎРИНУР...”**

*Бир йўл кўринур – ул жуда тордир,*

*Унда ўзинг-ла олимоқ бордир...*

**Аъзам Ўктам**

Аъзам Ўктамнинг ўзидан олдин шеърляри билан танишганман. 1984 йили “Ёшлик” журналида унинг бир саҳифа, яъни тўрт-бешта шеърляри дўппи кийиб тушган сурати билан бирга чоп қилинганди. Ўша пайтларда у ҳали Аъзам Ўктам эмас, оддийгина Аъзам Худойбердиев эди. Сурат ва шеърляридан бўлак унинг қаерданлиги, қачон туғилгану қаерда ишлаши ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмаган, умуман, ўша пайтдаги (ҳозир ҳам) қоидаларга кўра йўл тугилган, шоир ҳақида унинг шеърляри маълумот бериши керакдек. Бошидаги марғилон дўппидан унинг водийлигини билиш

мумкин эди. Ёши ҳам йигирма-ўттизлар орасида. Шеърлари ҳам шу ёшдагиларга мос мурасасиз, жангари. Шеър техникасини яхши ўрганган. Сўзни ўйнатишга уста. Анча тажрибали. Касби ҳам шунга яқин, ё адабиёт ўқитувчиси, ё журналист бўлиши керак.

“Ёшлик” журналини 1981 йилда “Шарқ юлдузи”дан фарқли ўлароқ, асосан ёш ижодкорларнинг асарларини чоп қилиш ниятида ташкил қилиш мўлжалланган бўлиб, 1982 йилнинг январ ойидан бошлаб мунтазаам ҳар ойда чиқарилиши режалаштирилганди. Унинг биринчи бош муҳаррири этиб шоир Эркин Воҳидов тайинланган. Шоир Сулаймон Раҳмон маъсул котиб сифатида янги журналга илк авторларни танлашда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлими маслаҳатчиси, шоир Мирпўлат Мирзо тавсия қилган ёш шоирларнинг шеърларини саралаб оларди.

Журнал чоп қилина бошлаши билан каттаю кичик адабиёт мухлислари орасида шу қадар машҳур бўлиб кетдики, унда ўз машқларини чиқариш учун келаётганлар ва мактубларини жўнатаётганларнинг сони бору саноғи йўқ эди. Эндиликда камдан-кам ёш шоирларнинг бир саҳифалик шеърлари эълон қилинар, кўпинча бир саҳифага тўрт-бештача шоирнинг биттадан шеърлари жойлаштириларди. “Адабиёт трамвайи”га (М. Зошченко) ўхшаган “Ёшлик” журналида “ур-йиқит” авжга чиққанди. Ана шундай тиқилинч-тиғизлик (“Час пик”) ҳукм сурган бир пайтда Аъзамнинг бир саҳифа шеърлари чоп қилинганди. Ўша йили яна бир анъанага асос солиниб, журналда йил давомида эълон қилинган асарларга жанрлари бўйича “Йил мукофоти” бериш эълон қилинди. Менинг назаримда, Аъзамнинг шеърлари шеърят бўйича “Йил мукофоти”га муносиб топилиши керакдек эди-ю, аммо мукофотни бошқа бир шоирага беришди (Ўша шоиранинг кимлигини ҳеч эслаб олмадим, эслаб қолган тақдиримдаям кимлигини айтиб ётмасдим. Мукофотланган шоира ижодини ўша дамдаёқ бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра тўхтатган бўлса керакки, кейинчалик шеърлари билан матбуотда қатнашмай қўйди).

\* \* \*

Ўша пайтларда шеър у ҳажвиялар ёзишдан ташқари адабий-танқидий мақолалар ҳам ёзиб турганлигим учун, устоз мунаққид, “Ўзбекистон Адабиёти ва Санъати” журналининг ўша пайтдаги Бош муҳаррири ўринбосари Иброҳим Ғафуров менга “Ёшлик” журналининг 1984 йилги сонларида эълон қилинган ёш ижодкорларнинг машқлари таҳлилига доир мақола ёзишни тавсия қилди. Бу мақолани ёзаётиб, жумладан, Аъзамнинг шеърлари хусусида батафсил тўхталиб, бундай хулоса билан яқунлагандим: “Аъзам Худойбердиевнинг шеърларидан шеърятимизга янги бир забардаст шоир кириб келаётганлигини ҳис қилдим. Журналдаги “Йил мукофоти”га асосий даъвогарлардан бўлса-да, унга бошқа бир шоира муносиб топилди. Ҳечқиси йўқ, ҳали ҳаммаси олдинда!” (“Ўз. АС”. 1985 йил, феврал).

Бу мақолам эълон қилинган пайтида Аъзам ТошДУ журналистика факултетининг битирувчиси сифатида амалиётни ўзи туғилиб ўсган Фарғона вилоятининг Бувайда туман газетасида ўтаётган экан. Ҳамкасблари унга мақолани кўрсатишиб, “Энди бемалол Тошканга бориб ишласанг ҳам бўлади, сени қўллайдирганлар бор экан!” дея суюнчи олишган, Аъзам чойхонада ош қилган, мақоладаги ўша абзацни кесиб олишиб, косага солганча, худди орденни ювгандек “ювишган” экан (Буларни менга кейинчалик Аъзам айтиб берганди).

\* \* \*

*...Бениҳоят узундир умр,*

*Биттагина оқ кўйлагим бор.*

Ушбу сатрларни ёзган пайти Аъзам 24 ёшлардаги йигит эди (1984). Бу ёшда умр ғоятда узун, имкониятлар чексиздек туюлади. Шу ўринда Озарбайжон шоирларидан бирининг “Йигитлик ва кексалик” деган тўртлигини эсламасдан ўтолмайман.

*Йигитликда қўллар узун, тиллар қисқа,*

*Кексаликда тиллар узун, қўллар қисқа.*

*Йигитликда йиллар узун, кунлар қисқа,*

*Кексаликда кунлар узун, йиллар қисқа...*

Аъзамни шу шеъри эълон қилингандан кейин шеъриятимизда “биттагина оқ кўйлаги бор” шоир пайдо бўлди. Аъзамни шу сатр билан танитадиган, эслайдиган бўлишди: “Анови шоир бор-ку, биттагина оқ кўйлаги бор...” Гардеробида беш-олтитадан оқ кўйлаги борлар ҳам “биттагина оқ кўйлаги бор” шоирга ҳавас қиладиган бўлишди. Аъзамнинг; “Бениҳоят узундир умр” сатри билан қарама-қарши келган “биттагина оқ кўйлак”нинг моҳиятини тушунтириб ўтмасак, бу мақтовларимизнинг мағзи пуч бўлиб қолади. Умрни, ҳаётни аслида беш кунлик, уч кунлик, ҳатто бир лаҳзалик тарзида баҳолаш кўп учрайди.

*Умрни ўрислар лаҳзалик билар,  
Тожиклар уч кун деб донолик қилар,  
Ажабки ўзбеклар беш кунни тилар,  
Бу умр барибир боқиймас, Тумор...*

*(“Қизимга хасрат” шеърдан)*

Ана шу “беш кунлик умр”га “биттагина оқ кўйлак”ка эга ҳолда қаралса ва “юрар йўллар”нинг “қалин тиканзор”лиги назарда тутилса, “бениҳоят узундир умр” деган иқрор ўзини оқлайди. Шоир назарда тутаётган “оқ кўйлак” инсон шаънини англатади. Унга доғ туширмай яшашни мақсад қилганлар учун умр йўли ғоят хатарли ва узоқ.

*...Сотиш, сотилишдан осони йўқдир,  
Доғули бу юртга бекор келибман.*

*(“Афсус” шеърдан)*

Шу ўринда яна бир шоирнинг 1964 йилда, йигирма тўрт ёшида ёзган сатрларини эслаб ўтишга ижозат бергайсиз:

*...Ниманидир ахтараман нондан ҳам азиз.  
Ниманидир ахтараман шеърдан улугроқ...*

Орадаги йигирма йиллик вақтни ҳисобга олмаса, устоз шоир Абдулла Ориповнинг “Ўйларим” шеърдан олинган ушбу сатрлар долзарблиги сақланиб турганлиги ва тоабад сақланиб қолажанинг гувоҳи бўламиз. Абдулла ака ахтарган ўша нимадир аслида ИЙМОН эканлиги, уни ахтариш,

уни топиш, унга эга бўлиш баробарида унинг хизматида яшаш бани башарнинг энг мукаддас бурчларидан бири бўлиб қолаверажак.

Шоирларнинг ҳаммаси ҳам айна йигирма, ўттиз ёшларида ана шундай инсонпарвар, юртпарвар, иймонпарвар бўлаверишмайди. Бундай шоирлар ёшига ярашмаган тарзда нуроний, ўзига ва ўзгалар олдида залворли саволларни кўя биладилар. Шу ёшдаги Михаил Лермонтовнинг “Ўйларим” шеъридаги ушбу сатрлар сўзимизнинг исботи бўла олади:

*Замондош наслимга қарайман замгин,*

*Унинг келажаги нурсиз, шарафсиз...*

Умрни нурлантирувчи, унга маъно ва шараф бахш этувчи иймонга интилиш нафас олишдек ҳаётий заруратдир. Иймонга танаффус эълон қилиб бўлмайди. Иймонли инсон ухлаб ётганида ҳам иймонлидир. Иймонсизлик ила ҳаёт кечириб, қариганда иймонли бўлиб қолиш мумкин эмас.

*Ёш аҳмоқ йиллар ўтиб,*

*Дўнар қари аҳмоққа,*

дея ёзганди шоир Роберт Рождественский.

Инсонийлик шаънини, яънийким, Аъзам айтмоқчи “биттагина оқ кўйлаги”ни кадрламаган, “ўпса нетар, ювса кетар” тарзида ҳаёт кечириб, бунақа “оқ кўйлақлар”нинг нечтасини булғаб ўтадиганлар бориб-бориб маънан яланғочлашиб қоладилар. Алал-оқибат, тавба-тазарру фурсати етганида, ижодий фаолияти мишмишлар тарқатишу ижодкор биродарларни бир-бирига гижгижлашдан, хусуматлардан ортмаганлар ўзларини оқлаш учун, “Тушимга Алишер Навоий кирди ва: “Сенинг Ёзувчилар Уюшмасига нисбатан қилган гуноҳларингни Аллоҳ кечирди” каби куракда турмайдиган янги мишмишларни ўз “тазаррунома”ларида баён қилганча, ўзига хос пиар ташкил қилмоқда. Ҳа, ўғри қариса...

Бундай ижодкор “ока”ларга латиш шоири Имант Зиедонисдан орттириб жавоб бера олмаймиз:

*Шахсий манфаат учун бошга киймайлик*

*Боболар қабридаги гулчамбарни биз...*

\* \* \*

Аъзам билан юзма-юз танишишим орадан тўрт йил ўтиб, 1988 йили мен “Гулхан” журналининг “Адабиёт бўлими мудирини” сифатида иш бошлаганимда юз берди. Ўшанда Аъзам “Чўлпон” нашриётида мухаррир бўлиб ишлаётганди. Иккала тахририят ҳам пештоқида катта соати бор 16 каватлик бинонинг 11 каватида жойлашган, деярли ҳар куни кўришиб турардик. Тушлик пайтлари фойедаги стол теннисида иккала тахририят куч синашардик. Ўша йили тақдир Аъзам баҳона яна бир ажойиб шоир – Иқбол Мирзо билан танишишни тухфа қилди.

1988 йилининг сентябр ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмон Ижод уйида Ёш ижодкорларнинг Бешинчи семинар-кенгаши ўтказилди. Бундан олдингилари – 1984 йилда ёш шоир сифатида, 1986 йилда эса шеърият бўйича эксперт сифатида қатнашганим учун, бу гал ҳам шоир Мирпўлат Мирзо йигирматача семинар қатнашчиси бўлган ёш шоирларнинг таёрлаб келган тўпламларини кўлимга тутқазиб, эртанги йиғилишга улар асосида таҳлилий маъруза тайёрлаб келишимни тавсия қилди. Уларнинг орасида Иқбол Мирзо тахаллусли шоирнинг шеърлари менга ғоят манзур бўлиб, қиладиган маърузамда унинг шеърларига кўпроқ тўхталдим.

Эртаси куни Дўрмонга етиб келганимда Аъзам олдимга ёшгина бир йигитни бошлаб келиб, уни таништирди – Иқбол! Шу ёзда ҳарбий хизматдан қайтган Иқбол Аъзамни эскидан ўзига устоз деб билганидан уни қора тортиб, Тошкентга ишга жойлашиш ва адабиёт қозонида қайнаб-пишиш учун келган экан. Ўша семинар-кенгашда ёш шоирлардан Иқбол Мирзо ва Зебо Мирзоларнинг юлдузи порлади ва ҳамон нур сочиб келмоқда.

\* \* \*

Аъзамнинг талабалик йилларида Сергей Есенинга бағишланган кўрғазмали деворий варақа фониде тушган суврати бор. Кўлидаги китоб ҳам Есениннинг тўплами бўлса керак. “Шоирлар қишлоқда туғилиб, Парижда ўладилар” деган гап ҳамма юртлар ва замонларга бирдай тааллуқли. Есенин шеъриятга оддий қишлоқи чолу кампирлар, омочга кўшиладиган отлар,



кучукваччаларидан айрилган кўйи ойга қараб улиганча, кўзларидан юлдуздек ёш тўккан қанчиғу пичан уюмлари таратган бўйларни олиб кирган шоир. Аъзамнинг шеърларида ҳам кампирлар, чоллар, “отаси қамалган болалар”, тумсо еру далалар акс этган. Унинг “Якшанба” шеъри Есениннинг “Қаровсиз Русь” шеърига ҳамоҳанг. Есенин бу шеърида Ленин бошчилигидаги болшовойлар давлат тўнтаришини амалга оширганидан сўнг шаҳарларда Оливер Твист сингари етим ва қаровсиз болалар кўпайиб кетганлиги, уларнинг орасида қанчадан-қанча иқтидор соҳиблари бўлиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш мавжуд ҳукуматнинг энг долзарб вазифаларидан бирилиги, уларнинг келажаги давлат ва халқнинг келажаги эканлигини таъкидлайди.

Аъзамнинг “Якшанба” шеъри ҳам саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида авж олган “Ўзбеклар иши” туфайли оталари қамалиб кетган болаларга ачиниш туйғуси билан йўғрилган:

*Қарашга ҳолим йўқ кўзларига тик,  
Улар ҳам бошларин қуйи соларлар.  
Кўзларда ғазабми, уятми, ҳадик,  
Жим юрар отаси бадном болалар...*

\* \* \*

Аъзам каби саксонинчи йилларда шеъриятга кириб келган ёш ўзбек шоирларининг лирикасида ҳозиргидек “ўлдим-куйдим”лар деярли учрамасди. Ўнтача шеърдан биттаси севги ҳақида бўлмаса, турган-битгани гражданлик лирикаси бўлиб, ижтимоий мавзуларда бўларди. “Аввал – Ватан, кейин – жон!” деганларидек, аввал Ватан ташвиши, севги эса кейинроқ қабилида ижод қилинарди. Ахир, ташқарида қандайдир ўзгаришлар, норозиликлар ҳаракати бораётганди. Шўролар салтанати ич-ичдан таназзулга юз тутган, иқтисодий ва сиёсий бўҳрон бир пайтлар куч-қувватга тўлган мамлакат ҳаётини издан чиқара бошлаганди.

Саксонинчи йиллар ўзбек шеърияти – Ўзбекистон мустақиллиги тамал тошининг асосий ғиштларидан бўлиб қолди. Шавкат Раҳмон, Усмон Азим,



Хуршид Даврон, Йўлдош Эшбек, Муҳаммад Юсуф каби забардаст шоирлар ёнига Аъзам Ўктам, Халима Аҳмедова, Эшқобил Шукур, Абдували Қутбиддин, Чори Аваз, Равшан Файз, Иқбол Мирзо каби ёш шоирлар келиб кўшилишди.

\* \* \*

...Тўксонинчи йиллар боши турли адабий йиғинларга жуда бой эди. Ёзувчилар уюшмасида ўтказиладиган мушоиралар мажлисларга, мажлислар эса мушоираларга айланиб кетарди. Уюшмага янги аъзо бўлган ва шунинг илинжида юрган ёш ижодкорлар кўпинча залнинг орқа қаторларини эгаллаб олардик. Мабода мажлис ёки мушоира ҳайъатидагилар ёхуд минбардаги нотик ҳақиқатга тўғри келмайдиган гапларни тилга олса, кун тартибидаги масала қолиб, бошқа силлиқроқ мавзуларга “ўтлаб кетадиган” бўлса, ўз-ўзидан залнинг орқа тарафида норози тўнғиллашлар, маърузани бўлиб ташловчи қарсақлар пайдо бўларди. Бу ишларнинг бошида албатта Аъзам турарди.

Ўша йилларда турли ажрашишлар ва қайта кўшилишлар урфга кирганди. Икки Германия, икки Вьетнам кўшилган, Чехословакия икки давлатга бўлинган, Москвадаги Бадий театр (МХАТ) труппаси бўлиниб кетган, ўзимиздаги Ҳамза театридан бир гуруҳ актёрлар бошқа театрга бош олиб кетишган ва ҳокозолар юз берганди. Ўзимизнинг Ёзувчилар Уюшмасида ҳам ана шундай қисқа муддатли бўлиниш юзага келиб, бўлиниш тарафдорлари Адиблар Иттифоқини ташкил қилиш учун “Навоий 30”даги мажлислар залига йиғилишди. Янгиланиш ва мустақиллик тарафдорлари бўлган бу ёзувчилар янги уюшма Низомини яратишга доир масалаларни муҳокама қилаётганда орқа қаторни банд қилган ёшлар қандайдир қоғоздаги ёзув остига имзо чекиш учун бир-бирларига ошира бошлашди. Менга етиб келганида, уни ўқиб кўрсам, катта ёзувчилардан мустабид тузум даврида олган унвон ва мукофотлардан воз кечилишини ёш ижодкорлар авлоди талаб қилмоқда экан. Бу талабноманинг ижодкори ким экан, дея қаторимизда ўтирганларга разм солсам, кутганимдай Аъзам: “Имзо чекинг!” дегандек имо

қилаяпти. Бу талабномадан бир нарса чиқишига ишонмасам-да, элдан чиқмаслик учун имзо чекканча бошқаларга узатдим.

Ўзини ёш иждокор, деб санайдиганларнинг аксарияти имзо чекиб бўлгач, талабнома хайъатга узатилди. Бу талабномага хайъатдагилар норозилик билдиришди. Бунга қарши ёш иждокорлар мажлисни ташлаб чиқишди. Коридор норози ёшларнинг ғала ғовури билан тўлди. Ичкаридан чиққан кимдир биздек бебошларни йўлга солиш, муросаи мадора қилиш учун элчилик қилиб, охири яна ичкарига қайтиб кирдик. Ана шунақа кунлар эди...

\* \* \*

Аъзам билан Чори бир жойда ишлабгина қолмай, кўп нарсаларда бир хил дунёқарашга эга, икковлари ҳам шоир Рауф Парфининг ашаддий шогирдлари бўлиб, деярли ҳар куни устозларини йўқлаб туришарди. Иккаласи ҳам ўта муросасиз, ҳақиқатни очиқ-ошкор юзингга айтиб кўяверишарди.

*“Ҳақ сўзни битмоққа сарфланган сиёҳ*

*Жангда томган қондек қадрли бўлар!”*

*(Аъзам Ўктам)*

Ўша, саксонинчи йилларнинг охирларида намоз ўқиш тугул, рўза тутишларни ҳам махфий бажаришганларидан, Аъзам билан Чори намоз ўқиш учун тинчгина, холи хона излаб топгунларича ёз кунлари ўн олти қаватли ишхонамиз пештоқидаги катта соат остида жойлашган балконнинг( ўн бешинчи қаватда) пана жойларидан фойдаланиб юришган. Аксар хоналарда беш-олтитадан, бунинг устига, турли миллат, ғайридин ҳамкасблар ишлашгани учун (раҳбарларнинг хонаси бундан мустасно, албатта), охири менинг олдимга келишди. Менинг хонам коридорнинг энг охирида жойлашган бўлиб, бир ўзим ишлардим. “Хонангизни савоб йўлида ярим соатларга ижарага бериб турсангиз, – деди Аъзам вазиятни тушунтириб. — Агар истагингиз бўлса, бизга кўшилинг!” Мен хонам калитини Аъзамга бериб, ўзим тушлик қилиб келиш учун кўчага чиқиб кетдим. Шу-шу, тушлик ва аср пайтлари хонани Аъзам, Чори ва Рауфларга қолдириб, ўзим ё тушлик

қилгани ё чекиб келиш учун чиқиб кетадиган бўлдим. Орадан бирор йиллар ўтиб, юртимиз истиқлолга эришди ва Аъзамларнинг яширинча намоз ўқишлари ҳам ниҳоясига етиб, ишхонанинг ўзида намозхонларга алоҳида хона ажратилди.

\* \* \*

Инсон умри саволлардан иборат. Мевали дарат баҳорда қийғос гулга киргандек, инсон ҳам умрнинг турли фаслларида саволлардан иборат гулларга бурканади. Болалиқдаги бу саволларнинг аксарияти бошқаларга берилса, бора-бора фақат ўзига аталган саволларга жавоб излаш тафаккур бандаларининг машғулотиغا айланиб қолади. Саволсиз одамлар эса мевасиз дарахтдек, ўтинликка ярайдилар, холос...

Аъзамнинг кўплаб шеърлари бирор саволга ёки саволлар қарвонига асосланган ҳолда ёзилади ёки савол бериш билан тугайди:

*...Ўзингни ким дея билдинг дунёга?*

*...Қайси йўлга кирибман,*

*Қай сори кетти пирим?*

*...Барин жавобин сўраганигда,*

*Юзингга қандоқ қарайман?*

*... “Бидеҳ қон” — “Қон бер”дан*

*Қолганми деҳқон?*

*...Бир кун келса (Чиндан-да келар),*

*Қандоқ жавоб бераман ул он:*

*Қаламларга тил битса агар,*

*Битса агар қозғозларга жон?*

*...Гирдобига тортар ўжар саволлар.*

*...Ким эрдик, ким бўлдик, ким бўлурмиз биз?*

*...Ким диндан ваъз ўқир майхонага келиб?*

*Ё ...Йилдан йилга етаклаб ўтган*

*Орзуларим ушалмади-ку?!*

\* \* \*

Рауф Парфи шогирдлари орасида Чори Аваз, Аъзам Ўктам ва Илҳом Аҳроф ҳам руҳан, ҳам ижодлари билан устозларига яқин кела олган шоирлардир.

\* \* \*

Аъзам Ўктамнинг шеърларидан жой олган кўплаб сатрлар “қанотли сўз”ларга айланиб кетган. Мана улардан айримлари:

*...Шоирмас сўзни минг кўйларга солган,  
Шеърни деб минг кўйга кирганлар шоир!  
...Таниб, жилмайганинг никоҳдан ортиқ!  
...Ҳаммасидан ёв қочгани зўр:  
Болалайди ботирлар.  
...Маккажўхоризор — бир майдон аёл:  
Йўргакланган бола кучоқлаб  
Шукр намозига сафланган.  
...У ўзини баланд олмади  
Сен ўзингни паст тутдинг, холос.  
...Қулоғимга етди ёмон гап  
Тешиб ўтгач онам кўксини.  
...Эртак айтсанг ўглиннга,  
Ухлатмаслик учун айт.  
...Муҳаббатни эрмак деб ўйлар  
Муҳаббатданг тугилмаганлар.  
...Тингладим: алқар балиқ ҳам  
Тама билмас кимсани .  
...Йиғлаб жанозамга келсанг- ўлардим.  
...Берганиммас, тотган туз ёдимдадир.  
...Тўйгунимча ейман пушаймон,  
Орқасидан чекаман афсус.*

\* \* \*

Аъзам билан яна 1997 йилда бир йилга яқин Дўрмондаги Ижод уйида кўшничиликда яшадик. Мен “Ўзтелерадиокомпания”га мухаррирликка ишга киргандим ва яшаш жойим бўлмагани учун Уюшма аъзоларига бериладиган бир ойлик пансиондан фойдаланиб, уч қаватли корпусдаги хонада яшай бошладим. Аъзам ҳам шу ердаги хоналардан бирида мендек вақтинча яшаб турган экан. Уни кўрмаганимга тўрт-беш йиллар бўлиб қолганди (1992 йилда мен Бекободдаги “Ўзметкомбинат”га таржимон бўлиб ишга кетгандим). Бу орада иккаламиз ҳам дўстларимиздан ажралгандик. Чори Аваз 1992 йил кузида, Равшан Файз эса 1995 йилнинг август охирида вафот этишганди.

Аъзам жуда вазминлашган, илгаргидек яйраб кулмас, ўзим йўқлаб бормасам хонасидан чиқавермасди. Оилавий муаммолари бор бўлса керак деб ўйлардим ва сўраб-суриштиравермасдим. Бу орада пансион муддати тугаб, яна бошпана излашга тушдик. Аъзам андижонлик шоир Тўлан Низом ижарага олган икки қаватли чорбоғда яшай бошлади. Муҳаммад Юсуф ўзининг чорбоғидан менга жой берди. Кеч тушган маҳаллари уйкуга ётишдан олдин боғни айланиб келиш учун кўчага чиқардим ва Аъзамни чорбоғига овоз бериб, уни кўчага чақириб олардим. Иккаламиз пою-пиёда тунги сайрга чиқиб, сал тепароқдаги Шавкат Раҳмоннинг чорбоғига етгач, у ерда яшаётган ёзувчи Набижон Боқийни чақириб олардик.

Кейин учовлашиб асосий корпус ҳовлисига бориб, ташқарида бирор таниш киши ўтирган бўлса, ярим соатча суҳбатлашиб ортга қайтардик. Ўша пайтларда корпусда дам олаётган шоир Сайёр, хоразмлик шоир Матназар Абдулҳаким ёки ёзувчи Шукур Холмирзаев учраб қоларди. Шукур акага юришдан кўра ўтириб гаплашиш маъқул келар ва бунини шундай изоҳларди: “Бир узоқ умр кўрган одам шундай деган экан: “Ўтиришга имкон борида тикка турмадим, ётишга имкон борида ўтирмадим!..”

Матназар аканинг гапи эса: “Юринглар, сизлар билан боғни айланиб қайтай!” Тўртовлашганча узум ишқомлари остидаги қоронғу йўлакда бир тоғдан, бир боғдан гаплашганча кетар эканмиз, ҳар кеча ётишдан олдин енгилгина боғ айлана югуришу жисмоний машқлар билан шуғулладиган

ёзувчи Примқул ака Қодиров ёнимиздан чоғиб ўтиб кетар, буни биров билса, биров пайқамай ҳам қолардик.

Дарвоқе, ўша кунларда Шукур ака Аъзамжоннинг йўлини тўсиб: “Ука, ҳар томонлама тўқис йигитсиз, аммо битта камчилигингиз бор”, дейди. “Қанақа камчилик экан, тузатамиз, Шукур ака?” деб сўрайди Аъзам кулимсираб. “Сурхондарёдан эмассиз-да, Аъзамжон!” дейди Шукур ака. Аъзамжон хандон отиб юборади. Шу куни улар ўртасида бўлиб ўтган ажабтовур суҳбат бутун Дўрмон боғига тарқалади.

\* \* \*

Ана шундай тунги кезишларимиздан бирида, тепамиздаги осмонда юлдузлар оралаб кўз илғамас тезликда сузиб ўтаётган думли юлдуз – комета суҳбатимиз мавзуси бўлиб қолди. Матназар ака думли юлдузга таъриф бериб, у ҳар ўттиз беш йилда бир марта мана шундай тунги осмонда бир ярим-икки ой мобайнида кўриниб, Ер сайёрамиз ёнидан нисбатан абадий йўлида давом этиб ўтишини айтди: “Ўртача саксон йил яшайдиган одам уни умрида икк маротиба кўриши мумкин. Мен буни болалик пайтларим кўргандим. Энди мана иккинчи маротиба кўряпман. Учинчи маротиба кўриш насиб қиладими-йўқми, худо билади...”

*Уچار юлдуз келар қайтиб,  
Қайтармикан ўчган юлдуз.  
Фонийликнинг диёридан  
Боқийликка кўчган юлдуз.*

**Саид АНВАР,  
ҳажвчи-ёзувчи**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ – МЕНИ ЁЗУВЧИЛАР САФИГА ҚЎШГАН АҚАМ**

Аъзам ака билан бизни 80-йилларда жўшқин шоир – Шухрат Неъмат таништирганди. Шухрат билан курсдош, яна отақадрон эдик. Бир куни Хонобод қишлоғига Шухратни йўқлаб борсам, у мени қувониб қаршилади:

– Э, жуда вақтида келдинг. Юр, сени Тошкентдан келган катта шоир билан таништираман!

Ичкари хонада қорачадан келган, барваста йигит менга жиддий қараб, кўл узатди:

– Келинг.

Шухрат бизни таништирди:

– Аъзам Ўктам. Ҳамқишлоғимиз. Аммо ҳозирги пойтахтдаги ёш шоирларнинг энг зўри!

Аъзам ака мийиғида кулди:

– Шухрат, жа-а оширворасан-да!

Аъзам ака журналистика факультетида ўқиркан, шеърлари яқинда китоб бўлиб чиқаркан.

Гурунг бошланди. Аъзам ака шиддатли, Шухрат камтарона шеърлар ўқиди, мен бир-иккита “ҳажвча”ларимдан айтдим.

– Сизлар нега Тошкентга кетмайсизлар? – Аъзам ака кўққис сўраб қолди.

Шухрат билан бир-биримизга анграйиб қарадик. Тошкентга бориб ижод қилиш ҳаёлимизга ҳам келмаганди, тасаввур ҳам қилолмасдик.

– Тошкентга бормасаларинг бу ерда йўқ бўлиб кетасизлар! Жуда нари борса маҳаллий классикка айланасизлар! Ўртамиёна шоир, ё каламкаш бўласизлар! Пойтахт адабий муҳитини кўришларинг, катта қозонда қайнашларинг керак!

Аъзам аканинг даъвати шу билан тўхтаб қолмади.

Шухратнинг отаси Неъматжон Умаров адабиёт ихлосманди, билимдони, отам Анвар Муқимовнинг қадрдони эди. Дилбар шоир Қодир Дехқон билан учовлари учрашиб қолса, адабиёт ҳақида пешинда бошланган суҳбат тунгача давом этарди. Шухрат билан уларнинг хизматида бўлардик. “Адабиётчисизлар, келинлар сизлар ҳам”, деган даъватларга қўлимиз кўксимизда, гурунларига четроқда тортинибгина кулоқ тутардик. Тошкентлик шоир бориб қолса, груннга пойтахт ҳавоси кирарди. Ана шундай суҳбатларнинг бирида Аъзам ака мавзуни яна бизни Тошкентга олиб кетиш масаласига бурди:

– Ўзларинг тушунган ижодкорсизлар-ку! Обкетай буларни пойтахтга!

– Аъзамжон тўғри айтяпти, икковини жўнатайлик Тошкентга! – деди Қодиржон ака оталаримизга бир-бир боқиб.

– Шухратжон тўнғичим, мактабда энди иш бошлади, янги уйланди, сал ўзини тутиб олсин-чи! —деди Неъматжон домла ўйчан.

– Ўйлаб кўрамиз, ўйлаб кўрамиз! – дадам гапни қисқа қилди.

Кейинги гал Аъзам ака Рауф Парфи билан уйимизга келишди.

– Анвар ака, Саиджонга совчи бўлиб келдик! – Рауф ака лутф қилди. –

Шу ўғлингизни беринг бизга, Тошкентга олиб кетайлик!

Дадам кулди.

– Эътиборларинг учун раҳмат, – деди кейин. – Яхшиси мана шу ўнг кўлимни кесиб беринглар денглар, кесиб берайин.

“Совчилар” бир-бирига ҳайрон боқишди.

– Саид ўнг кўлим бўлиб қолган, – дадам тушунтирди. – Ҳайдовчимам, машинискамам, рўзғорнинг каму кўстига қараётган ҳам шу!



– Содиқ бор, Карим бор, Самину Ўрмон деган ўғилларингиз ҳам бор ундай ишларга! – Аъзам ака оғринди.

– Қаерда яшайди, қаерда ишлайди? – дадам ўнг қўлининг ташвишида эди.

Рауф ака жилмайиб ўрнидан турди. Икки қўлини кўксига қўйиб деди:

– Ўнг қўлингиз ишончли қўлларда бўлади!

Аъзам ака хо-холади. Дадам мийиғида кулиб, уларга қўшилди:

– Оббо! Қулчиликка белни маҳкам боғлаб келган, жуда ёпишқоқ совчилар экансизлар, кўндирдиларинг!

Маза қилиб кулишдик.

Аъзам ака мени тўғри Абдулла Қаҳҳорнинг уйига олиб бориб, Кибриё Қаҳҳоровага топширди:

– Қаҳҳор домланинг шогирди Анвар Муқимовнинг ўғли Саид хизматингизга келди.

– Ҳайдовчилик гувоҳномаси борми, ишқилиб? – Кибриё опа сал жилмайиб сўради.

– Бор. Отасига беш йилдан буён ҳайдовчилик қилади, “опити” ҳам бор!  
– Аъзам ака мамнун жавоб қилди.

Акам Кибриё опа билан илгарироқ ишни пишитиб қўйган экан, шу кундан эътиборан Абдулла Қаҳҳор уй-музейига қоровул бўлиб тайинландим.

– Бу ёғи зўр бўлади, – Аъзам ака менга кўз қисиб, далда берган бўлди.  
— Янги “ГАЗ – 24-10” гаражда турибди. Опани ҳар замонда бозор-ўчарга олиб борасиз, бошқа пайтда ижодингизни қилаверасиз. Ётар жойингиз тайёр, еди-ичдингиз опа билан, бунақа жойни қаердан топасиз!

Уч-тўрт кунда Аъзам ака мени йўқлаб келади, ё мен бораман, ё телефонлашамиз. Сўроғлари битта:

– Қалай, ижодлар бўляптими?

Ҳар замонда дўқ ҳам уришади:

– Майда-чуйда ҳажвиялар билан ўралашмай, каттароқ нарса ёзинг энди.

Музей энди ташкил қилинаётганди. Абдулла Қаҳҳорнинг иш столида ўтириб, қоғоз қоралайман. Устознинг руҳи қўлладими ”Ҳамма биладиган эртаклар” номдаги қораламаларим сал пичоққа илинадиган кўринди. Қиссанинг бир-икки бобини қўлтиққа уриб, Аъзам аканинг уйига чопдим.

– Бўлар экан-ку! – Аъзам аканинг кўзлари яшнаб кетди. – Сизам ўқиб кўринг! – қўлёмани турмуш ўртоғи Хулкарга узатди.

– Яхши! – деди Хулкар қўлёмма билан танишиб.

– Яхши эмас зўр! – Аъзам ака унинг гапини тузатди. – Давомини ёзинг! Зўр нарса чиқади.

Бир ойлар ўтиб, қисса битди.

– Пахта далаларида юравериб, пахтакор бўлиб кетган экансиз-ку! – Акам кулиб туриб, жиддийлашди. – Пахтазорларда жавлон ураётган “оқ олтин” усталари – мактаб ўқувчилари, боғча болаларини зўр тасвирлабсиз. Кулиб туриб, йиғладим! Ҳақиқий адабиёт мана шу!

Энди уни чиқариш муаммоси. Қиссанинг мавзуси қалтис – бугунги сиёсат билан ўйнашибсиз. Бирорта каттароқ ёзувчини ўртага солмасак, ҳеч ким босмайди.

Уй музейида Анвар қори Турсунов катта илмий ходим бўлиб мен билан ишларди. Шу кишининг маслаҳатини оладиган бўлдик.

– Яхши нарса бўлибди! Бор экансиз-ку, тақсир! – деди Анвар ака кувониб.— Устоз Миразиз Аъзамга берай, ўқиб кўрсин.

Миразиз ака қиссани “Ёшлик” журнаliga элтиб берибди. Анвар аканинг:

– Чиқади, тақсир, чиқади! Сабр, қилинг, тақсир, сабр қилинг! – деган далдалари билан орадан уч ой ўтиб қисса анчайин қайчиланиб журналда чоп этилди.

– Қисқартиришганига хафа бўлманг, босилиб чиққанига хурсанд бўлинг! – Аъзам ака елкамга қоқди. – Бунақа асарни эълон қилгани унча-мунча редакторнинг юраги бетламайди. Китобда қисқатиришларсиз кетади!

Акам “Юлдузча” (ҳозирги Чўлпон) нашриётида муҳаррир эди, унга мўлтиллаб қарадим.

– Мен қиссани рухсатингизсиз нашриёт режасига киритиб қўйгандим!

– ака хазил аралаш гапида давом этди. – Рухсат берсангиз уни нашр қилсак!

– Бор бўлинг, ака!

– Фақат яна битта қисса қўшиш керак, шунда тузуккина китоб бўлади!

– акам кулиб туриб яна битта қисса ёзишни елкамга юклади.

“Ораликдаги одамлар” қиссаси ёзилди, “Гулхан” журналининг тўрт-бешта сониди кетма-кет босмадан чиқди. Шу орада нашриёт ҳам қараб турмади, икки қиссани китоб холида нашр этди. Мендан бахтли одам йўқ.

Нашриётдаги навбатдаги учрашувимизда Аъзам ака навбатдаги топшириқни берди:

– Энди Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишингиз қолди.

– Нима қилишим керак?

– Учта ёзувчидан тавсиянома олишингиз лозим, – Аъзам ака бироз ўйлаб туриб йўл бошлади: – Юринг!

“Муштум” таҳририятига кириб, Набижон Боқий билан учрашдик. Неъмат Аминов, Анвар Обиджон ва Нурали Қобулдан тавсиянома олишга келишишганди, чўчиб тушдим: учови ҳам машҳур ёзувчилар, мени улар танимаса...

– Неъмат Аминовдан тавсиянома мен олиб бераман, – деди Набижон ака.

– Ҳар ким ўзининг бошлиғидан олишми? – Аъзам ака кулди. – Нурали акадан тавсияномани мен ёздираман... Анвар ака қоляпти... Ҳа, бўпти, у киши билан ҳам ўзим гаплашаман.

Шу билан Ёзувчилар уюшмасига ҳам аъзо бўлдим.

– Энди бу ёғига менинг ёрдамим керак бўлмаса керак? – деди Аъзам ака ҳам киноя, ҳам меҳр билан...

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

## ЭЛНИНГ КЎНГЛИН КЎТАРАР ШОИР

Минг тўққиз юз саксонинчи йилнинг биринчи августи. ТошДУ (ҳозирги Миллий университет) нинг журналистика факултетига ўқишга кириш учун имтиҳон топширар эдик. Соат ўн бирлардан ўтган, иншомни қоралаб ҳам бўлмагандимки, пешонаси дўнг, кўзлари катта-катта бир йигит ўрнидан шахд туриб, шитоб билан кузатувчилар ўтирган столга яқинлашди ва ёзиб бўлган иншосини биринчи топшириб, ташқарига чиқиб кетди. Кўпчилик қатори мен ҳам унга ҳавас ва ҳайрат билан қарадим. Дадил ҳаракати, ўктам қиёфаси эсимда қолди.

Омадим чопмай, қишлоққа қайтганимдан кейин ҳам Тошкент эсимга тушса, иншосини биринчи бўлиб топширган тенгдошимнинг ҳолати ҳам хотирамда жонланар, «У ўқишга қаттиқ тайёрланган экан, иқтидори ҳам шунга ярашадир. Ўзига ишончи шундоқ чехрасида балқиб турарди. Албатта, ўқишга кирган бўлиши керак. Ё шошқалоқлик қилиб ёхуд адолацизликка учраб, у ҳам синовлардан ўтолмай қолдими? Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас», дея ўйланиб қолардим...

Бугун талабаликнинг баракали, серзавқ ва орзуларга лиммо-лим дамлари Сирдарё далаларида кечган кузлар — пахта мавсумисиз кемтиқдай туюлади. Аммо ўшанда...

Минг тўққиз юз саксон иккинчи йилнинг октябри. Таҳсил бир ойга етар-етмас бизни ҳам пахта теримига ҳайдашди. Қишлоқ боласи эмасманми, ўқувчиликда зада қилган мавсум талабаликнинг олтин онларига ҳам чанг солган ялмоғиздай кўриниб хунобим ошган. Ниҳоят, теримнинг биринчи оғир кунини “қуёш орқалаб” кетгач, шом қоралаганида судралгандай бўлиб “барак” деб аталувчи ётоғимизга етдик. Кечкиликдан кейин аксариятимиз, айниқса, биз биринчи курслар “Кунлик чарчоқдан кейин ҳали замон

тарракдек қотиб қолсак керак”, деган хаёлда уйқуга ҳозирланардик. Баракда биздан ташқари иккинчи ва бешинчи курс талабалари ҳам жойлашганини эшитган эсак-да, университет ётоқхонасидан жой тегмай, шаҳарнинг ҳар турли ижара уйларида базўр жойлашган мен сингарилар юқори босқичдагиларни деярли танимасди. Бирдан тевараги бўз билан ўралган қибла томондаги жойнинг “девори” туширилиб — худди театр сахнасида парда четга сурилади-ку — дабдуруст бир йигит шеър ўқиб кетди. Бу ҳолатни кўрмаганлар оғзи очилиб, анграйиб қолди. У шеър кетидан шеър ўқир, ўқиган сари мардона овозида ҳеч кимникига ўхшамайдиган бир шиддат, тўғридан тўғри қалбга кириб борадиган ёруғ нимадир теваракда лол айланарди. Мен уни дарров танидим, у бултур синов хонасидан биринчи бўлиб чиқиб кетган ўша дўнг пешонали, кўзлари катта-катта йигит эди. У шеър ўқиркан, яқинда экранларга чиққан “Оловли йўллар” кўп қисмли бадиий филми бош қахрамонини ҳаётда учратгандек бўлдим. “Ҳамзанинг худди ўзи-я”. Мен бунақа жўшқин қалбли одамлар ҳаётда учрамаса керак, кинода бўртирилган деб ўйлаган, мана энди бундай кишилар ён-атрофда ҳам бўлишини биринчи кўриб туришим эди. Шунда бир ой давомида университет сабоқлари беролмаган илҳом-ижод муҳитини ҳеч кимдан сўралмай ўқилган шеър олиб келди. Ҳамма ўзича нимадир ёзсам-у, кейин мана шу шийпонда ўз тенгдошларимга ўқиб берсам деб қолган, теримдаги ҳорғинлик ҳам аллақайга ғойиб бўлганди. Ва шундан бошлаб талабаликдаги пахтага олиб чиқишлар сабоқлардан қолиш эмас, балки ёшлигимизнинг ажиб кунларида тақдирнинг бизга ҳадя этган ижод боғи, шеърият анжумани бўлди. Тўлқинланиб, орзиқиб шеър эшитгимиз, шеър ўқигимиз келса, алоҳида тадорик ё таклиф керак эмас: гоҳ баракнинг ўзида “сахна очилиб”, гоҳ шийпон ёнида гулханни ўт олдириб, ўз-ўзидан шеърхонлик бошланарди. Бу шеърхонликларни эса кўпинча биринчи бўлиб “бизнинг Ҳамзамиз” — Аъзамжон Худойбердиев бошлаб берар ва бошқарар эди.

*Ўйимга тўр солманг — хурлар ичра хур,*

*Гулюз севгилимни ўйлаётганда.*

***Кетинг, ҳалал берманг, ўзбек булбули***

***Шерали Жўраев куйлаётганда.***

Аммо Аъзам Ўктамнинг қисмати ҳақиқийси яширилиб, тўқиб бичилган сохтаси ошириб-тоширилган Ҳамза ҳаёти ва ижодига сира ҳам ўхшамади...

Шоир қалбни ёруғликка тўлдириши керак. Шоир кўнгилнинг кўрғони — дилни осмонўпар этиши жоиз. Халқнинг, элнинг кўнглини кўтаришга келади шоирлар! Буни эпложмаган шоир ҳам шоирми? Ҳеч қачон! Шоирнинг шеърини ўқиб, тинглаб, эл, инсон тушқунликдан қутулсин, дили хасталар соғайсин. Тирилган кўнглида яхшиликка журъат, ёмонликка жиллақурса нафрат уйғонсин, нафрат улғайсин. Ойдин армондан йиғлаб, қурум босган, ғашлик ҳукмрон аллақарлари тиниқлашсин.

Аъзам Ўктам биз пахта далаларида, гулхан теварагида эшитиб куч олган, шеърлари Ўзбек отанинг қалбидан отилган булоқдай беғубор ва танти эди. Бир жигардай, бир элдошдай уни севиш, чўпон ва деҳқоннинг соддадай кўринган, аммо маъноси теран тўпори феъли каби ундан завқланиб кетардик.

***Фарзонадан келаман***

***Келасанми ёр-о, келасанми ёр.***

***Сенга ошиқлигимни***

***Биласанми ёр-о, биласанми ёр.***

***Бир бошга бир ўлимни***

***Бўйинга олдик-а, бўйинга олдик.***

***Ким бевафо бўлса, уни***

***Худога солдик-а, Худога солдик.***

Шу саккиз қаторнинг ўзида тўртта жуда катта мезонлар — унинг ҳаётий эътиқоди — ВАТАН, ЁР, ЎЛИМ — ҳаммасини бирлаштирувчи: Яратганга борувчи самимий изҳор ярқираб кўринади. Мўмин-мусулмон ўзбекнинг бундан залворли ҳикмати бўлиши мумкинми?! Юрт мустамлака, эл қул ҳолида эса-да, бу ҳикмат Аъзам Ўктамнинг қон-қонига сингиган, оила муҳити шу мезон асосида шаклланигандан хабар беради. Ҳар бир сатридан алмисоқдаги иймон нури уфуради. Уни йигирма икки ёшли йигитчанинг

кулоғига бир хур шивирлаган бўлса ишонаверинг.

Аъзамнинг армонли, булбул чаҳ-чаҳидай ғами кўтаринки, тонготарда мўйсафиднинг ҳикматидай зиё улашадиган талай шеърлари борки, уларни ўқиган ўқувчи шоир яшаган даврнигина эмас, Қиёмат қадар давом этар инсоният ҳаётининг маъсум, ёниқ, масъул чоғларини хотирлайди.

***Умр ўтди балки бекор,  
Ҳали қандоқ кунлар бор,  
Болалигим — безубор  
Оламга дуо денглар.***

***Отдим ошиқни тикка,  
Тушар чикка ё пукка,  
Етказмоқчиман кўкка —  
Ноламга дуо денглар.***

Манманлик, худбинлик билан нимага эришиб бўларди? Неки нек ният бўлса, Яратгандан астойдил сўраб, жон-жаҳди билан интилиш эвазига рўёбга чиқади. Интилиш сабабчи, Ўзи қабул қилиб, ижобат этади. Аммо ўша йилларда бунинг учун фитрий фаросатгина ёрдамга келиши мумкин эди. Ана шундай туғма фаросат билан йўлга чиққан, тилга тушган шоир Аъзам Ўктамнинг келажаги нима бўлди?

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охири, тўқсонинчи йиллар бошида ёзганларини эълон қила бошлаган авлод баъзан нолиб қолишади: Иқтисодий қийинчиликлар, бозор иқтисоди ижодимизга кучли зарба берди. Фақат ёзиш эмас, уни китоб қилиб чиқариш, бунинг учун пул топиш ташвиши ҳам ўзимизнинг чекимизга тушди. Ёзайликми ёки уни чиқариш учун пул топайликми? Балки... Лекин айни шу саксонинчи йилларнинг иккинчи ярми ва тўқсонинчи йилларнинг бошида юртимиз, халқимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида шундай кескин ижобий ўзгаришлар юз бердики... асрлар давомида халқимиз орзу қилган армон билан боболаримиз кута-кута ўтган миллий қадриятларимизнинг тикланишига, эътиқод эркинлигига етдик.

Майли, ёзганларимиз китоб ҳолида чиқишини бироз куцак-кутармиз, аммо асло нолишга ҳаққимиз йўқ.

***На Тошкент, на Қўқон билади мени,***

***Ахир ўз-ўзимни алдаб нетаман?***

деб очиғини ёзган Аъзам Ўктамнинг ўша йилларда қоралаган энг сара шеърлари кескир, аччиқ ҳақиқатларнинг хушбуй гулдастасидир. Кимдир “Шеърнинг энг гўзал чиққани — ширин ёлғони”, деган экан. Лекин ҳеч бир ташбеҳ, муболаға, чиройли ёлғон аччиқ ҳақиқатнинг, теран ҳикматнинг ўрнини боса олмайди.

Шоир камолга етганда, ижодкор сифатида улғайганда у фақат ҳақиқатни айтишга қасд қилгани, бу борада борган сари ҳеч ҳам тап-тортмагани, довюраклик билан элнинг, юртнинг руҳий ҳаётидан ровийлик қилганини ҳис қиласан.

***Ўгайга ўхшайман она Ватанда.***

***Тун. Бўрон. Таҳлика...***

***Яшашдан бездим.***

***Бор овозда куйлаш тақиқланганда***

***Овозим очилиб кетганин сездим.***

«Балоғат»

Ҳали-ҳамон миллий-диний қадриятларимизга нописанд, юриш-туриш, кийинишимизда шу нарсани кўрса “қишлоқи” деб куладиган ҳамроҳларимиз бор. Бу миллатни севган кишига жуда ҳам алам қилади. Масалан, дўппи ва тўн яқин-яқин йилларгача ўлим хабари, азадорлик белгиси бўлиб қолаёзган эди. Айримлар ҳали-ҳамон шу ғафлатда.

***Кимдир ўлар, нимадир бўлар,***

***Ўзбек қайтса асл ҳолига.***

Шоир аччиқ киноя қилар экан, кинояси пичинг доирасини ёриб чиқади. Агар миллатимиз асл ҳолига қайца, ёвлари маҳв этилади, яхшилик юз очади, деганни маъно таг остига бериб, жасур орзу қилади. Руҳи синдирилган элни асл ҳолига қайтариш учун мозийдан далиллар изланади. Шоир уни



истаганидан топади:

*Кул бўлган эмасмиз, ҳеч биродарлар,  
Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди.  
Ўқталган мушт каби турар минорлар,  
Мақбара куббаси дубулга худди.*

У ҳақиқатни санъаткорона айтишда мустамлака зулми бошидан кечган, озодликка умрини тиккан Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Аскар Қосимларнинг толиби бўлгани жуда сезилади. Аммо толиблигича қолиб кетмасдан миллий қарашларимиз хазинасини бойитди. Бу йўлдаги унинг энг муваффақиятли изланишлари, кескин, янгроқ, топилма, кашфиёт сатрларининг умри узок: миллат, юрт ҳақидаги кўркмас гирялар каби қайғумизни эслаш, руҳиятимизни кўтариш учун уларга мурожаат қилаверамиз.

Аъзам Ўктамнинг йигирмага ҳам кирмаган шоирлиги, қирқ бирнинг устида хазон бўлган гул умрига мураккаб ва ўзгараётган даврнинг тўлақонли ва зерикарсиз бир талай манзаралари кўчганки, йиллар ўтган сари уларнинг кадри ошади. Унинг шундай кўламдор ва ёрқин шеърларидан бири «Якшанба» рус шоири Сергей Есениннинг 20-йилларда инқилоб боис она Ватани бошига солинган кулфатлар — янги давр изтироблари ҳақидаги шеърлари, дostonларини эслатади. Аммо Есенинда янги фитна ва ёлғон замониға мослаша олмаслик қайғуси устиворлик қилса, Аъзам Ўктамнинг «Якшанба»сида миллатимиз бошиға солинган сўнги қатағон — ўтган аср саксонинчи йиллари ўртасида «Ўзбек иши» дея жар солинган мусибат, адолацизлик ва хўрлашлар, озодлик эҳтиёжи бор овозда куйланганки, мен шеъриятимизда ушбу қатағон бир нафасда, дostonдай қамров билан фош этилган бошқа шеърни билмайман. Ўзлигини унутаёзган, ажнабийпараст бўлиб бораётган анча-мунча ёшларимиз бу асар билан танишишса кўп фойдали бўлади. “Якшанба” мактаб дарслигига киритишга арзийди.

Шоирни бир-бирининг узвий ва мантиқий давоми бўлган «Бир кун» ва «Бир тун» шеърларида ҳам шахс-шоир тўлақонли намоён бўлади. Қолаверса,

у лойқалар тиниб, қарашлар шаклланган замоннинг шахс-шоири эмас, айна эски замон билан янгиси аёвсиз курашга кирган, ким ҳақу нима тўғрилиги борасида адоқсиз баҳслар кечаётган бир даврдаги шахс-шоирнинг муножотидир. Ҳайратланарлиси, у янги бир даврга кирган ўзбек зиёлиларининг ички олами, жавобгарлиги-ю ҳақдорлигини ўз-ўзини фош этиш билан аёвсиз тафтиш этадики, шеър чакмоғининг ёруғида даҳрий бир тузумдан чиққан эзгин ва умидвор, йўлсиз ва ҳайрон авлоднинг руҳияти порлаб жилоланади. Уч йил ўтиб 1993 йили ёзилган «Бир тун»да наинки ижодкорнинг, оддий инсоннинг-да ҳақиқий ҳаёти — иймонга келиш, ҳидоятни топиш саодати, охир оқибат Яратганга юзланиш ҳодисаси борки, етмиш йил нари берисидаги шоирларимиз сўзида бу маърифат шуъласи ғойиб бўлган эди...

*Кўп нодон эканман: ахир сен бор-ку,*

*Бўлмасми ўзингга ҳасратим айтсам.*

*Ғамхўрим бир ўзинг — Парвардигор-ку,*

*Ҳар не бўлай энди, Ҳақ йўлдан қайтсам.*

“Бир тун” 1993

Аъзам Ўктам мардона, шиддат билан яшаётганини билардик, аммо шитоб билан ўтиб кетганини билмай қолибмиз. 2002 йили феввали бошида эрталаб бекатда автобус кутиб турсам, жўрамиз Юсуф Абдуллоҳ етиб келиб, мусибатдан эзилиб дедик... Мана тўрт ярим йил ўтибди ҳамки, бу шум хабардан карахтман. Наҳотки «Қирқинчи баҳор»ини кечагина тақдим этган (китобининг номи) Аъзам шоир қирқ иккинчи баҳорга етолмаган бўлса? Начора. Шукрки, мен бошқа нарсани айтмоқчиман. Бул тонг Аъзам Ўктам шеърларини кўлимга олиб, мириқиб ўқир эканман, у билан учрашдим, суҳбатлашдим. Шоирни шундан қўймасин!

Рашид ЗОҲИД

## АЪЗАМ ЎКТАМ ШОИР ЭДИ...

Аъзам Ўктам билан, адашмасам, 1982 йилнинг кузида танишганмиз. Ўшанда мен ТошДУнинг 1-курс талабаси, Аъзам ака мендан икки курс юқорида ўқирди. Негадир у даврларни эсласам, шеърият билан боғлиқ сувратлар хотирда жонланаверади. Келинг, биров “сайр қилайлик”, кейин асосий мавзуга қайтамиз.

Ҳақиқатан ҳам у замонлар “шеърият замони”, назм гўё қувончу изтиробларнинг мавжудлик шакли эди, мушоиралар кўп бўларди. Ўқишга қабул қилинган янги талабаларни факультет ҳаёти билан таништирув йиғини шеърият кечасига айланиб кетганини ҳозиргидек эслайман. Айниқса, ўша “мушоира”да Абдували Қутбиддиннинг ўзига чорловчи ғайри табиий оҳанг билан бўзлаб шеър ўқишини, бу экстаз ҳолатини қандай унутиш мумкин:

*Фаромуш боғларда солланиб маҳзун,  
Заррин сарполарда, давлати фузун,  
Қалбимга атайди нон ҳамда тузин,  
Ё жоним муҳаббат,  
Сим-сим-эй, сим-сим,  
Мабодо алдасам, қўлларим синсин...  
Сўнгги дам ўзим-ла ўчакишсам, ҳай,  
Соҳир кўзларингдан талаб этсам май,  
Э, воҳ, кекирдагим кесиб этсам най,  
Пуфласам-куй ёнса,  
Сим-сим-эй, сим-сим.  
Мабодо алдасам юрагим тинсин.*

Абдували акадан сўнг анча сокин, лекин ичкин ва дардли Азиз Саид шеър ўқиган эди:

*Машираб қадамларидан  
тўкилади юлдузлар,  
Хуржуннинг тешигидан  
мўралайди оппоқ тонг...*

Кейин кимлар шеър ўқигани хотиримга келмаяпти... лекин ўша кечада курсдошим Салим Ашурнинг ўқиган мана бу сатрлари ҳамон ёдимда:

*Менга салом беринг  
Менга калом беринг  
Мен уни емайман,  
Йўқ, еёлмайман  
Қайтариб бераман ўзингизга...*

Мазкур шеърларнинг поэтик хусусияти, бадий савия масаласи алоҳида мавзу, бу ҳақда гапирмоқчи эмасман. Ўшанда мени, балки кўпчиликни ўзига тортган жиҳат – шоирларнинг товушга ортган “юк”лари! Гўё шеър ўқилмаяпти, балки илҳом сувратида қаердандир гулдираб тушаётгандек, ҳавога нимадир потраб сачраётгандек... Нима бўлгандаям, бу ҳолда мен самимиятни кўрдим, вассалом!

Аъзам Ўктам ҳам Абдували Қутбиддин, Азиз Саидлар билан тенгкур эди, гарчи Университетга улардан икки йил кейин кирган бўлса ҳам. Сабаби, ҳарбий хизмат, иш ва яна бошқа омиллар бўлиши мумкин, гап бу ҳақда эмас. Гап шундаки, Аъзам ака бундай гулдурак давраларда кўринмас эди. Аъзам Ўктамнинг шеър ўқиганини биринчи марта пахта йиғим-теримига чиққанимизда, гулхан атрофида уюштириладиган мушоиралардан бирида кўрганман:

*Кўрдим – оғир ҳансираб,  
ботаётган қуёшни.  
Зулмат кундасига жим,  
ётаётган қуёшни.  
Уф тортди тоғ ҳам оғир,*

*булоқ ниқиллаб йиғлар.*

*Хира ойга кунимиз,*

*қолгани алам қилар...*

Эркакларга хос йўғон овози дастлаб сал қўполроқ туюлса-да, Аъзам аканинг дилкаш, болаларча беғубор, ич-ичдан бир беозор инсон эканини илк марта, шеър ўқишиданок сезганман. Кейинчалик торроқ доирадаги адабий суҳбатлар, чойхона гурунглари, турли учрашув, сафарларда бирга бўлиб, яқиндан танишиб, шоир хақида менда пайдо бўлган илк интуиция тўла тасдиғини топди.

Ҳа, Аъзам ака болаларча содда ва беозор инсон эди! Миллий тарихимизга муносабат кескин ўзгараётган, мустақилликнинг дастлабки йилларида бўлган бир воқеани эсга олай. Ўша пайтда Аъзам Ўктам “Чўлпон” нашриётида муҳаррир вазифасида ишларди, мен эса Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёмалар институтида илмий ходим бўлиб, Сўфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин” китоби бўйича тадқиқот олиб борардим. Бир куни Аъзам ака нашриёт Сўфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин” китобини чоп қилишни мўлжаллаётганини ва бу ишни тезда амалга ошириш кераклигини айтиб қолди. Мен икки юз бетлик қўлёмани уч кун ичида эски ўзбек ёзувидан жорий алифбога ўгиришим керак эди. Бу ишнинг имконсизлигини айтсам ҳам, бир ҳафта ичида тайёрлаб беришимни илтимос қилишди, мен рози бўлдим. “Саботул ожизин” асари 1991 йил “Чўлпон” нашриётида 300 минг нусхада чоп қилинди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбек халқининг маърифий китобларга бўлган талаби жуда катта эди. Бу улкан эҳтиёжни ўз вақтида англаган ва ҳомийлар нашриётга ўз ихтиёри билан келиб турган бир пайтда уддабурон нашриёт директорларининг бундай фурсатни қўлдан бой бермасликларини тушуниш мумкин. Аъзам Ўктам бошидан охиригача бош-қош бўлган бу китоб нашриётга ва нашриёт раҳбариятига жуда катта даромад

келтиргани сир эмас. Лекин Аъзам ака бу китоб чиқишидан олдин ҳам, кейин ҳам ижара уйда турарди...

1994 йили яна Аъзам аканинг таклифи билан ҳанафия мазҳабининг мўътабар манбаларидан бири “Мухтасарул виқоя” китобини адабиётшунос, матншунос олим Ақром Дехқон билан биргаликда нашрга тайёрладик. Бу китоб ҳам шу йили “Чўлпон” нашриётида 300 минг нусхада чоп этилди. Китоб ўқувчилар кўлида кўлма-кўл бўлиб кетди, қайта-қайта нашр қилинди. “Мухтасарул виқоя” китобини нашр қилиш ташаббуси ҳам, ўгирилган матнни босмага тайёрлашдек энг машаққатли ишларни бажариш ҳам Аъзам Ўктамга тегишли бўлиб, у киши одатдагидек, бу дунёдан шу улуш билан кифояланди. Нашриёт эса бу китобдан улкан фойда кўрди, лекин Аъзам ака яна ижара уйда яшашда давом этди...

Шу ўринда Аъзам Ўктамнинг қизи Тўмарисга ёзган сатрлари эсимга тушди:

*Сендан жуда хижолатдаман,  
уятлиман сенинг олдингда:  
Ижара уйда тугиласан, болам...  
Билиб қўй ҳозирдан, болам,  
Меҳрибон одам кўп бизнинг Ватанда!  
Ўз-ўзимнинг уйим бўлар, эҳтимол,  
Эпчилроқ бўларсан мендан,  
Бўларсан журъатлироқ.  
Айира оларсан ўз ҳаққингни сен...*

Шеърларни таҳлил қилиб, бирор назарий фикрларни илгари сурмоқчи эмасман. Балки бугундан анча узоқ ўша давр муҳити, бу муҳит ўз ичига олган турли-туман ҳолатлар Оллоҳ раҳматига олсин, Аъзам Ўктам билан боғлиқ воқеалар орқали хотиримда жонланяпти, холос. Мақсад ҳам асли шу – дўстимизни эслаш, унинг ибратларга тўла қисқа ҳаётининг мағзини чақиш!

Шундай экан, Аъзам аканинг соддалигини “моддий манфаатни кўзлаш ва уни кўлга киритишда тажрибасизлик”, “тирикчилик ишларида укувсизлик” деган ташхис билан изоҳласак, адашган бўламиз. Фақат моддий манфаатга асосланган ҳақни танийдиган, унинг заррачасини ҳам назардан қочирмайдиган, ҳар мисқолини заргарлар тарозисида торта олиш илмини мукаммал эгаллаган “олғир”лардан фарқли равишда, Аъзам Ўктам ўз кадр-қийматини билар, ҳаққини танир эди. У бу ҳудудни жуда қаттиқ, ўта сергаклик билан ҳимоя қиларди. Бу чегарага сал тажовуз қилган кишининг аҳволига “вой” эди, ўша пайтдаги вазоҳатни айтмай қўя қолай, борган сари қалтислашиб бораётган вазият кўрқинчли тус олар, шижоат ва довюраклик қирғоқларига сиғмай кетарди (*кўча тилида бунни “духи баланд” дейишади*), ўзим бунинг гувоҳи бўлганман.

Ҳа, Аъзам Ўктам гўё “молимни ол, жонимни ол, лекин бу ҳудудга дахл қила кўрма” дейдиган даражада Оллоҳ таоло инсонга ато этган кадрни ўз мақомида баланд тутар, уни топтатиб қўймасди. Шундай, бу масалада на дунёвий ишлардаги уддабуронлик, на энг аниқ ўлчайдиган заргарлик тарозиси ҳам иш бермай қолади. Аъзам аканинг соддалиги, беозорлигини мана шу мезон билан ўлчасак, менимча, тўғри бўлади.

Яна бир воқеа. Кўп йиллар олдин Аъзам Ўктам шеърляти Оллоҳ раҳматига олсин, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг назарига тушганди. Ҳазрат радио эшиттиришлардан бирида Аъзам Ўктам шеърларидан таъсирланганини айтиб, ҳатто баъзи шеърларни шарҳлаб ҳам бергандилар. Кейинроқ Шайх ҳазратларининг ташаббуси билан бўлса керак, Аъзам Ўктам бошлиқ бир неча қаламкашларга Ҳаж ибодатини адо қилиш учун Саудия Арабистонидан таклиф хати келди. Рўйхатдагилар Ҳаж ибодатини адо қилиб келишди, Аъзам Ўктамдан бошқа. Сабаби, Аъзам ака ҳужжатларини тақдим қилишга кечикди. Аксига олиб, ўша пайтда

соддалигиданми ё беозорлигиданми, билмадим, паспорти билан ҳам кандайдир муаммо чиқиб қолди, муддатига улгурмади. Балки сал уддабуронлик билан паспортини қўлга киритишга тезроқ ҳаракат қилса, улгурармиди, дейман-у, аммо тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди... насиба шу экан, на илож?!

Талабалик йилларидаёқ профессионал шоирлар Эркин Воҳид, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмонларни устоз тутиб, уларнинг сирдош ва оилавий дўстига айланиб қолгани учун ҳам Аъзам Ўктам шеърлятида деярли дилетантлик босқичини кузатмайсиз. Гўё у бирданига ўз ишининг устасига айланиб қолгандек. Албатта, бу фикрни чанг босган хотирамдаги айрим сувратлар билан исботлаб бўлмаслигини биламан. Лекин Аъзам Ўктам шеърляти билан таниш ўқувчи бу чанг босган сувратларга шоир шеърларидаги манзаралар орқали назар ташласа, ичкарига янада чуқурроқ кириши, моҳиятни тиниқ ва ёрқинроқ тасаввур қилиши мумкин.

Дўстимиз Аъзам Ўктамга Оллоҳнинг раҳматини тилаб, сўзимни шундай ниҳояламоқчиман: *Аъзам Ўктам шоир эди, сўзлар водийида адашмаган, ҳақни гапирган. Қувноқ эди, дунёни тепкилаб, устидан кулган. Ҳаётда кўп нарса кўрди, камроқ яшади. Саховати туганмас бой эди, фақирлик богида гуллар ундирган.*

*Аъзам Ўктам мард эди, дўстини сотмаган, хиёнат ботқоғига ботмаган. Мусулмон эди, нигоҳлари ўтқир, сўзлари кесқир, ёвга терс қарамаган. Фақат кетар чоғи сукунатнинг кўзига тик боқиб: “Соғиндим...” деди, овози паст эди, йўқ, баланд эди.*

*Бир куни Аъзам Ўктам, шундоқ ёнгинамиздан, дунёни кўкраги-ла суриб нари, оғир-оғир қадамлар ташлаб, ўтди-кетди Охират сари...*



Акрам ДЕҲҚОНОВ

### “ТИРИЛМОҚДА ҚАЛБИМДА ҒАМЛАР...”

Аъзам Ўктам... Аъзам ака. Менинг ота кадрдоним. Дадамнинг жигарбанд шогирди ва дўсти. Дилбар шоир ва ўктам йигит.

Ўттиз-ўттиз беш йил нарёғдаги ўтмишни варақлаганимда айрим азиз ва мунгли хотиралар тиклана бошлади.

1984 йилнинг кузи. Биз Тошкент Давлат университети талабалари Сирдарё вилоятига пахта теримига сафарбар қилиндик. Мен Зиёратўша йили филология факультетига ўқишга кирган эдим. Биз – биринчи курс талабалари бешинчи курс талабалари билан битта бинога жойлашдик. Чори акалар (Чори Аваз) бешинчи курс эди. Аъзам ака тез-тез Чори акани кўргани келиб турарди. Ўша пайтда ўн етти ёшли боламан. Аъзам ака билан Чори аканинг самимий дўстлигини кўриб ҳайрон қолганман. Чори акадаги дарвештабиатлик, Аъзам акадаги дадиллик ва шахдамлик ажойиб тарзда бир-бирини тўлдириб, уйғунлик пайдо қилган эди. Менинг тасаввуримда икковлари бир-бирларининг қалбидагини қарашларидан сезарди. Ўшандан бери қачон Аъзам акани ўйласам, Чори Аваз ҳам хаёлимга келаверади.

Ҳозир ўйлаб қарасам, Аъзам ака кўпроқ зиёрат қиладиган одамлар – Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Анвар Обиджон, Рауф Субҳон, дадам Қодиржон Деҳқоновлар... Булар Аъзам аканинг дилтортар дўстлари, устозлари. Бу инсонларга қараб Аъзам Ўктамнинг нақадар нозик табиатли, ҳассос қалбли инсон бўлганини англаш мумкин.

Шавкат Раҳмон хасталаниб ётганда Аъзам Ака шифохонада кўп қараган. Шавкат Раҳмоннинг олдида ўзини унинг укасидай тутарди. Шавкат ака вафот этгандан кейин Аъзам ака баъзи нарсаларни айтиб берган: “Бир куни Шавкат аканинг олдида борсам, қўлида битта катта қип-қизил олмани ушлаб томоша қилиб ётибди. Кириб саломлашганимдан кейин менга қараб:

“Аъзам, манави олманинг чиройлилигини қара. Чиройлилигидан егани кўрқасан-а”, деган. “Шавкат аканинг ҳаётининг охирги кунлари. Бир куни шифохонада у кишининг олдида ўтирган эдим. Шавкат ака кичрайиб, ёш боладай бўлиб қолган. Ҳамшира кириб чойшабни алмаштирмоқчи бўлди. Мен Шавкат акани авайлаб кўтариб турдим. Шавкат ака кўлимда туриб, худди соғайиб кетиши менга боғлиқ бўлиб қолгандай ялинган овозда: “Аъзам, яхши бўлиб кетсам керак-а, яхши бўлиб кетаманми?” деди. Бўғзимга бир нарса тикилгандай бўлди. Ўзимни зўрға ушлаб: “Ҳа, Шавкат ака, яхши бўлиб кетасиз, яхши бўлиб кетасиз”, дедим”.

Рауф Парфи билан муносабатлари ҳам ажойиб эди. Аъзам аканинг Рауф Парфи билан бўлган суҳбатларига икки-уч марта бориб қолганман. Шу учрашувларнинг ўзидаёқ бу икки инсоннинг муносабатлари нақадар самимий, нақадар беғараз ва яқин эканлигига амин бўлганман. Назаримда, Рауф Парфи билан Аъзам аканинг табиатида нимадир, қандайдир бир умумийлик бордек эди...

Анвар Обиджон билан муносабатлари эса алоҳида бир мавзу. Анвар ака билан Аъзам ака анча вақт нашриётда бирга ишлашган, бир-бирларини жуда яқиндан билишади. Аъзам Ўктамнинг “Осмон яқин...” китобига ёзган сўзбошисида Анвар Обиджон Аъзам акани қисқа, лўнда ва мукамал қилиб таърифлаган: “...нонини ҳалоллаб ер эди...”

Менинг дадам, шоир Қодир Деҳқонов билан ҳам ниҳоятда қалин эди. Дадам уни ўқувчилик йилларидан яхши билар эди. Кейинчалик Аъзам ака Тошкентга кетгандан кейин ҳам бу яқинлик кучайса кучайдики, камайгани йўқ. Аъзам ака уйига – Фарғонага келса, албатта дадамни кўргани келарди. Аъзам ака дадамнинг вафотидан сал олдинроқ – 1989 йилнинг январида бўлса керак – уйимизга дадамни кўргани келган экан. Икковлари ярим кечагача гаплашиб ўтиришган. Дадам худди охирги марта кўришиб турганларини сезгандай ҳеч Аъзам акани кўйиб юборгиси келмасмиш. Охири Аъзам ака кетадиган бўлганда дадам уни дала йўлидан тизза бўйи қор кечиб ярим йўлгача кузатиб келибди.

Дадамнинг ажойиб бир жозибали суҳбати бор эди. Тошкентга келса, Аъзам акаларникига албатта тушар эди. Бир сафар Аъзам акаларнинг Кадишевадаги ижара уйига келишган. Хулкар опа ва Аъзам ака уйда бўлишган. Ёзнинг куни. Ҳовлида стол-стулда ўтиришган. Столда совуқ чой ва уч-тўрт бўлак қотган нон бўлган. Аъзам ака билан Хулкар опа дадамнинг суҳбатига маҳлиё бўлиб, гаплашиб, чой қуйиш ҳам хаёлларига келмаган. Анча гаплашиб ўтиришгандан кейин дадам пиёладаги совуқ чойга ҳалиги қотган нонни ботириб, иштаҳа билан ея бошлабди ва Хулкар опамга қараб: “Хулкаррой, бу, Самарқандда юмшоқ нонниям чойга ботириб ейишади-а?” деган экан. Хулкар опалар бу воқеани ҳалигача завқ билан гапириб юришади.

Фарғонада, Дехқонобод қишлоғида Мирзаакбар ака деган Аъзам Ўктамнинг дўсти ва мухлиси бор. Аъзам аканинг жуда кўп шеърларини ёддан билади. Менга тез-тез телефон қилиб, Аъзам аканинг шеърларидан ўқиб беради. Бу одамнинг Аъзам Ўктам шеърлятига бўлган муҳаббати, ихлосини кўриб ўз аҳволимдан уялиб кетаман баъзан.

Аъзам ака чакмоқдек яшаб ўтди. Бизнинг тасаввуримизда ҳамон қирқ яшарли ўктам ва шахдам йигит бўлиб турибди.

2005 йилда Ўш шаҳрида Шавкат Раҳмоннинг 55 йиллигига бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистондан ҳам жуда катта делегация Ўшга борди. Ўша анжуман ниҳоясида Шайх Алоуддин Мансур сўзга чиқиб шундай деган эди: “Баъзан эл севган, ихлос қўйган шоирлар, адибларни Аллоҳ таоло ўша севги, ўша ихлос энг чўққисига чиққан пайтда олади. Ва улар халқнинг онгида, тасаввурида ўшандай севиқли, азиз, навқирон ва ёруғ ҳолатда қолади. Шавкат Раҳмон бизнинг тасаввуримизда ўшандай сеvimли ва навқирон ҳолатда қолган...”

Шайх Алоуддин Мансурнинг бу таърифи Аъзам акага ҳам тегишли. Аъзам ака ҳам халқнинг тасаввурида, қалбида ўшандай севиқли, суюмли ва навқирон ҳолатда қолган.

**Тўлқин ЭШБЕК,  
ЎзМУ Журналистика факультети  
Журналистика кафедраси мудири**

## **СЎНМАС МЕҲР САРЧАШМАСИ**

Тенгқурнинг таъсири ўзгача бўлар экан. Гоҳо ота-она тарбияси, устозлар сабоғи тарозининг бир палласини эгалласа, тенгдош ўртоғинг кулоғингга қуйганлари иккинчи паллани босиб кетаркан. Шунинг учун ҳам зийрак ота-оналар фарзандининг феъли чатоқ болаларга қўшилиб қолишидан хавотирга тушаркан. Яхшига эргашдинг – етдинг муродга, ёмонга эргашдинг – қолдинг уятга, мақоли ҳам шу аснода пайдо бўлган эҳтимол. Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман, деган мақол моҳиятида тенгқурнинг таъсири эътироф этилганини англаш мумкин. Демак, ўқишда бўладими, кўча-кўйдаими, яхши дўстлар орттириш ҳам бир саодат! Ўтган асрнинг саксонинчи йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетига ўқишга кириш орзусида юрган кезларимда ётоқхонада бир ғалати кишига дуч келгандим. Қоши мудом чимирилиб туришидан феъли чатоқроқлиги кўриниб турган киши газета-журналларда чикқан мақолаларимни варақлаб чикди-да, ҳафсаламни пир қилди:

– Эсиз истеъдод...– деди негадир пичингли оҳангда бош чайқаб.– Бу факультетга сиздақалар эмас, таниш-билишчилик қиладиганлар кириб, ҳамма ўринларни эгаллаб олишади. “Таниш-билиш бор жойда – эшагинг қолмас лойда” деган гап бор-ку. Ҳм-м. Ўқишга киришни истасангиз отни қамчиланг, керак бўлса, ёрдам бераман.

– Ҳақиқат йўқми?!– Ўзга савол топа олмасдан калавланиб қолдим, шу тобда дилимда пайдо бўлган гап тилимга отилиб чикди.– Таниш-билишчилик қилиб ўқишга кириш мумкиндир, бироқ, улар журналист бўла олишмайди-

ку?..

– Менга қолса, сиздек ёзиш қўлидан келадиганлар таниш-билишчилик қилиб бўлса-да ўқишга киришлар, ҳақиқий журналист бўлиб етишинлар!– У гўё куюнчақлик билан гапирарди. – Ана, ҳақиқат истаганлардан биттаси – Аъзам деган ёш шоир уч йилдан бери ўқишга кира олмаяпти...

Кейинчалик билсам, ўзини ҳожатбарор қилиб кўрсатган кимса ўқишга кириш орзусида келган абитуриентларни “тузоққа илинтириш” учун изғиб юрадиганлардан экан. Бошқаларга ҳам “таниш-билишчилик қилмасангиз ўқишга киролмайсиз” деб қармоқ ташлаганини эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Бир ёмонликнинг бир яхшилиги, деганларидек, ҳалиги гапдан қанчалик ранжиган бўлсам, ўша киши шоир деб атаган Аъзам Худойберидев билан танишганимдан шунчалик суюндим. Орзулар оғушида юрган бола учун шоир билан танишиш қувончли ҳодиса эди-да. Ёшини суриштирсам, акамдан бир ёш (каминадан уч ёш) катта, хатти-ҳаракатлари, чўрткесарлиги ҳам акамга ўхшар экан. Хуллас, ўша суҳбат асносида биз ака-ука тутиндик.

Бизга тузоқ ташлаган кимсанинг гапини “шамол учирди...” Не бахтки, ўша йили талабалик бахтига мушарраф бўлдик! Талабалар шаҳарчасидаги 3-ётоқхонада Аъзам ака билан қўшни хоналарга жойлашдик. Шу-шу, ўқишда ҳам, дарсдан кейин ҳам кўпинча бирга юрадиган сирдош дўст бўлиб кетдик.

Аъзам аканинг даврасида суҳбат адабиётдан бўларди. Аудиториядаги ҳангомалар камлик қилгандек талабалар турар жойида ҳам Абдулла Қаҳҳор ҳақида дилтортар суҳбатларни мароқ билан тинглардик. Буюк адиб қандай яшаган, ҳақиқат учун қанчалик курашган, оиласида Кибриё опа билан қандоқ муносабатда бўлган ва ниҳоят, қай тарзда қалам тебратган, ҳикояларида қайси образ орқали нималар деган ва ҳоказо. Ҳатто, машғулотларда (фалсафа дарсида бўлса ҳам) сўзга чиқса, албатта Абдулла Қаҳҳорнинг ўша мавзуга оид бирор фикрини қистириб ўтарди. Қалами ўткир, сўзи кескир устоз адиб ўз даврида замондош қаламкашларни аямаганини, қайси нўноқроқ ёзувчини қандай танқид қилганини Аъзам ака ўз кўзи билан кўргандек сўзлаб берарди.

Биз ҳам давримизнинг қайси ёзувчи-шоири зўр-у, қай бирлари ғўррок эканлиги ҳақида “курсимизнинг Абдулла Қаҳҳори”дан сўрайдиган бўлдик. У шеъриятда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Анвар Обиджон, насрда Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Тоғай Мурод ижодини соддагина тилда таҳлил қилиб берарди. Керак бўлса, сумкасидан китобларини чиқариб, баъзи саҳифаларини ўқиб, сатрлар замиридаги фалсафий фикрларни тушунтирарди.

Китоблари чиққан бўлса-да шеърларини деярли ҳеч ким эсламайдиган баъзи шоирлар ҳақида Аъзам аканинг танқидий гапларини эшитиш мароқли эди. Ўзимиз таниган-билган баъзи шоирлар ҳақида “Фалончининг ижодига қандай қарайсиз?” деган саволимизга жавобни бопларди. Танқидий фикрини образли қилиб тушунтирарди: “Шеърлари худди ўзига ўхшайди; истараси иссиқ, ясама тиржайиб гапиришни қойиллатади, бироқ, уни ҳеч ким яхши гап билан эсламайди. Мана, ўзингиз ҳам унинг қайси шеърини ёддан айтоласиз? Бирор даврада унинг шеърини ўқишаётганини эшитганмисиз? Йўқ! Демак, шеъри шоирдан аввалроқ ўлгани шу...”

“Ҳай-ҳай, беаёв танқид қилишда Абдулла Қаҳҳордан ўтиб кетдингиз-ку”, дердик ҳазиллашиб. “Мен уларнинг ортидан оғзиботирлик қилаётганим йўқ,— дерди Аъзам ака кескин бош чайқаб.— Тунов куни Ёзувчилар уюшмасида юзига шартта-шартта айтганман...” Тенгқурнинг таъсирини қарангки, биз Аъзам Ўктам мақтаган ёзувчи-шоирларни суюб, танқид қиладиганларига озми-кўпми салбий нигоҳ билан қарайдиган бўлиб қолгандик.

Талабалик йилларидаги энг ҳаяжонли дамлар Сирдарё пахта далаларида кечган. Кун бўйи пахта териб толиққан ҳашарчиларнинг чарчоғи адабий гурунгларида чиқиб кетарди. Кечки овқатдан сўнг ҳамма гулхан атрофига ошиқарди. Бепаён далани қоплаган тун зулмати ичра биз ёққан олов шуъласи ажиб манзара кашф этарди. Худди эртақлардагидек гулхан атрофида гавжум бўлган азамат йигитлар-у чевар қизларнинг гулгун чехраларидан гўё нур тараларди. Ўйин-кулги роса авжига чиқар, Қадамбой

Бакиев хоразмча ва Шухрат Умиров дилкаш қўшиқлар куйлаганларида рақсга тушмаган талаба қолмасди ҳисоби. Биздан бир-икки курс катта-кичиклигидан қатъи назар пахта даласида, баракда тенгқурдек бўлиб кетишган Отабек Мусаев, Бекқул Эгамқул, Абдунаби Ҳайдаров, Аҳроп Аҳмедов, Гаффор Расул, Рўзибой Қўлдош, Ҳайдар Акбар, Собир Ўнар, Шодиқул Ҳамро, Ғулом Ибодов, Умида Усмонова, Обида ва Сурайё Қосимоваларнинг дилтортар хангомалари, Абдували Қутбиддин, Салим Ашур, Минҳожиддин Мирзо, Вафо Файзулло, Муҳаммад Исмоил, Абдумажид Азим, Валияхон Саидова, Махбуба Хайнова, Зарбуви Алқарова, раҳматли Ақром Эрдон, Улаш Нурмон, Ҳошимжон Мирзааҳмедовларнинг шеърлари сокин далани тутиб кетар, ҳашарчи-талабаларга олам-олам завқ улашарди. Гал Аъзам Ўктамга етганида мухлислари чапак чалар, баъзи шеърларига жўр бўлишарди:

*Фарзонадан келаман,*

*келасанми ёр-о, келасанми ёр?*

*Сенга ошиқ бўлганлигим*

*биласанми ёр-о, биласанми ёр?*

*Одамлар бор дунёда*

*зоятда маккор-ей, доғули, айёр –*

*Соянгни ҳам чоҳ кавлаб,*

*кўймоққа тайёр-ей, кўймоққа тайёр.*

*Бир бошга бир ўлимни*

*бўйинга олдик-о, бўйинга олдик,*

*Ким бевафо бўлса,*

*уни худога солдик-о, худога солдик...*

Шеър шу ерга етганида жўр бўлаётганларнинг дами ичига тушиб кетар, ҳамма ҳадик ичра домла томон кўз қирини ташларди. Негаки, бу даврда худо сўзини минбаъд шеърга солиш, унга илтижо қилиш, сано айтиш мумкин эмасди. Мумкин бўлгани: “худо йўқ, унга ишонганлар эскилик сарқитидан кутула олмабди...” қабалида сафсата сотиш эди...

Фикрлари асов отдек жиловланмаган бунақа ёшларни кўравериб “кўзи пишиган” домламиз эшитмаганга олар, сўнг ухлайдиган пайт бўлмадимикин, дегандек соатига қарарди. Давра ўртасида ёш шоир аъзамона оҳангида давом этарди:

*Сувнинг тиниги туриб,  
ичди лойини-ё, ичди лойини.  
Эсон бўлсак кўрармиз  
унинг ҳолини-ё, унинг ҳолини.  
Ўтмишининг кўзига қум  
сочмак хатодир-ей, сочмак хатодир.  
Таскиним шул – якканинг  
ёри худодир-ей, ёри худодир!*

Шу он кимдир бир челак сув кўтариб келганча гулханга урарди. “Пашш” этган товуш чиқиб, ҳаммаёқ зулматга айланарди. Ачимсиқ тутун иси димоққа урилганча барак томон одимлардик. Ёғдудан асар ҳам қолмаган бўлса-да, зулмат ичра оташнафас шоирнинг оҳанграбодек товуши қандайдир маънавий нурга айланарди:

*Таскиним шул – якканинг  
ёри худодир-ей, ёри худодир!*

Ким нени изласа топгай бегумон, деганларидек, юртимиз истиқлоли шарофати ила қадр топган диний қадриятларимиз шоир Аъзам Ўктам ижодий фаолиятида ёрқин саҳифаларга айланди. У 1992 йилда Чўлпон нашриётида Қуръони каримнинг она тилимизга қилинган таржимаси салмоқли китоб ҳолида чоп этилишида муҳаррирлик қилди.

Талабалик йиллари ортда қолди. Истеъдодли ижодкорлар журналистика факультетининг нонини оқлаб таҳририятларга, нашриётларга, телевидение ва радиога ҳамда бошқа турли ижодий ташкилотларга жойлашдилар. (“Таниш-билишчилик” қилиб диплом олганлар қайларгадир тўзиб кетдилар...) Собиқ ҳамкурслар онда-сонда дийдор кўришадиган бўлдик. Ҳар гал даврамизга файз киритиб шоир Аъзам Ўктам янги шеърий



тўпламларини кўтариб келарди! “Кузатиш”, “Кузда кулган чечаклар”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати” тўпламлари қўлма-қўл бўлиб кетганди. Соғинчли суҳбатлар албатта шеърхонликка уланарди. Бундай даврада ўзга мавзуга (қандайдир ғийбат-ғурбатларга) ҳечам ўрин қолмасди.

Бир куни ногаҳон “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида учрашиб қолдик. Беғубор ёшлигимиз – талабалик йилларимиз ўтган масканни айланар эканмиз, истиқлол шарофати билан ақл бовар қилмас бахтга мушарраф бўлаётганимиз ҳақида ҳаяжон билан сўзлашдик.

— Талабалик йилларимизда “бир кун ўзбек тили давлат тили бўлади” дейишса ишонармидик? — Аъзам ака бош чайқаб гапирди. — Бу гапни айтган одам миллатчи, бузғунчи сифатида жазога тортиларди-я...

— Муқаддас динимиз шу қадар кадр топишини хаёлимизга ҳам келтира олмасдик,— дедим ҳаяжонимни яшира олмай.— Пахтага ҳашарга борганимиз ёдингиздами? Ўшанда бир шеърингизда худо сўзи янграгани учун гулханга сув сепиб ўчиришганди-я... Яратганга беадад шукр, бугун Оллоҳ ҳаммамизга ёр-у мададкор!

— БМТга мустақил давлат сифатида аъзо бўлиб, жаҳон харитасидан ўрин эгаллаганимизнинг қиёси йўқ, — деди суҳбатдошим. — Дунё билан бўйлашиш бахтига ҳам мушарраф бўлмоқдамиз.

— Ўзбекистон байроғи дунё узра ҳилпираб, мадҳиямиз жаранглаётгани ҳам ғурур бахш этади,— дедим ифтихор туйғусидан жўш уриб. — Ўзимизнинг бежирим енгил автомобиллар ҳар бир хонадонга кириб бораётгани-чи!

— Эсингиздами, худди мана шу ерда иккимиз Соҳибқирон Амир Темурга маҳобатли ҳайкаллар ўрнатилишини пичирлаб орзу қилгандик, — деди Аъзам ака ва ғалати кулимсираб ҳазиломуз оҳангда сўзини давом эттирди. — Ўшанда сиз бу гапни кимгадир айтиб қўймасмикинсиз... деб хавотирга тушгандим...

— Мен эса сиздан шубҳалангандим, — дедим қадрдонимнинг ҳазилига ҳазил билан. — Очиғи, шундай орзулар билан яшаганимиз ҳақида устозимиз

Пиримқул Қодировга айтгандим. Улуғ адиб бетакроп асарларида яратаётган Амир Темур сиймоси улуғвор ҳайкаллардан кам эмас!

Собиқ ҳамкурс, содиқ дўстлар бу гаплардан хузур қилиб кулишдик. Аъзам ака сумкасидан янги китобини чиқариб, қуйидагича дастхат ёзиб берди:

“Энг яқиним, дўстим Тўлқин Эшбекка сўнмас меҳр ила... Имзо. 19. 05. 2001”.

Чиройли гуллар расми билан безатилган китоб муқовасидаги “Қирқинчи баҳор” деган номга кўзим тушиши ҳамано нечундир бир сескандим. Иримчи эмасман-у... айрим иримлар замирида қандайдир маънони англаганда ҳайрон-у лол қоламан. Баъзи нуронийларнинг “қирққа кирганда ёшингизни айтманг, чунки, “қирқ” сўзининг маъноси қайғулироқ, фаришта омин деб юбормасин”, деганлари қулоғимга чалинган.

Не ҳолки, кўп ўтмасдан Аъзам Ўктамнинг умр ипи қирқилгани ҳақидаги совуқ хабардан юрак ларзага келди...

Ҳар гал шу мўъжазгина тўпламни варақлаганда ғалати ҳолга тушаман. Айрим мунгли сатрлар замирида қандайдир синоат борга ўхшайди. Наҳот, шоир ўзи ҳам сезган бўлса... Ўша сатрлардан таъсирланиб, “Қирчиллама” ёш мўъжизаси” сарлавҳали мақола ёздим. (“Моҳият” газетасининг 2003 йил 15 август сонисида ёритилган). Унга Аъзам Ўктамнинг ўша тўпламидаги қуйидаги сатрларини иқтибос қилиб олдим:

***Валлоҳ, етди менинг ҳам галим,***

***Шарт гувраниб ўрнимдан турдим:***

***Кетмай туриб қарғалар ҳали,***

***Қалдирғочлар келганин кўрдим!***

Бир пайтлар раҳматли ҳамкурсимиз айтган гапларнинг исботини ҳаётда кўриб турибмиз; шоирдан кейин яшаган шеър – ҳақиқий адабиёт бўлар экан! Адабиёт соҳасида катта устозлардан кўпроқ сабоқ берган дўстимизнинг 2011 йилда “Абу матбуот-консалт” нашриёти томонидан чоп этилган “Осмон яқин” китобини қайта-қайта варақлар эканман, ундан ўрин олган ҳар бир

шеър янгидан барг ёзаётган ниҳолдек бўй кўрсатаверади. Айтайлик, “Менинг эртагим” сарлавҳали шеърда эртак айтаётган отанинг болага ҳақиқий панд-насихатлари ўз ифодасини топган:

*Сал-пал унутганигда  
ўйинлар, эрмакларни,  
ўғлим, айтиб бераман  
ажойиб эртакларни.  
Кимдир тинглаб биларсан  
Темур, Навоий, Бобур,  
Жалолиддин, Муқанна,  
Қодирий Усмон Носир.  
Боламассан, мудрасанг  
бу жуда узун эртак.  
Тингла агар бўлайин  
десанг ҳақиқий эркак.*

Аслида, эртак болаларни маънан улғайтириш учун айтилиши лозим. Баъзи оналар гўдагини ухлатиш учун эртак айтиши бор гап. Ушбу шеърдаги аъзамона руҳ сўнгги сатрда ўз аксини топади. Яъни, шоирнинг “ухлатмаслик учун айт!” деган даъватида ота-оналарга келажагимиз бўлган болаларни уйғоқликка чорлаши даъват этилгандек:

Боқ халқинг ўтмишига эртангни ўйлаган пайт: Эртак айтсанг ўғлингга, ухлатмаслик учун айт!

Талабалик даврида Аъзам Ўктам шеър учун мавзуни сунъий равишда топмасди. “Ҳаётни кузатсангиз, мавзулар ўзи туғилиб келаверади” дерди. Ҳатто, ҳафтада бир кун бўладиган “Ҳарбий таълим” машғулотида ҳам зўр мавзу топгани ёдимда. Ўшанда эгнимизда ҳарбийча кўйлак билан ўзимизни “курсант”дек ҳис этардик. “Ҳарбий таълим” кафедраси офицерлари орасида ўта талабчанлари ҳам, “таниш-билишчилик”ни қойиллатадиганлари ҳам бор эди. Ҳақиқий ҳарбий, сўзида собит полковник Л.Ф.Сергеевдан талабалар қанчалик хайиқса, ҳалигидақа ҳамкасблари ҳам чўчиб туришларини аён ҳис

этардик. Аъзам Ўктам ўша полковникка атаб ёзган “Машқ майдонидаги ўйлар” сарлавҳали шеърдаги воқеликларнинг биз ҳам шоҳиди бўлганмиз, фақат, ўша ҳодисаларни шоир қанчалик теран нигоҳ ва ўзгача руҳ ила кузатгани ҳайратга солди:

“Ҳамма жангга!” Аслаҳахона талотумга тўлди сахарда. Жўнаб кетдик машқ майдонига, ёвларимиз қолди шаҳарда.

*Хижил бўла бошлайди кўнглим,*

*алланечук галат туйғудан:*

*Не учундир эриш туюлар,*

*ёвни босиб олмоқ уйқуда.*

Шу аснода шоир жамиятдаги айрим иллатларга қарши исёнини ҳам маҳорат ила баён этади:

*Асл ёвим ёнимда менинг,*

*йўлларимни доим тўсар у.*

*Отасининг каттадир қорни,*

*соясиди яйраб ўсар бу.*

*Рост айтасиз, аммо сўзингиз,*

*Магзин шундай чақишим тайин –*

*Ёғийни қийратиб ўлдириш, жангда осон, машқда қийин!*

Салмоқли шеърнинг хотима қисмида мураббий-полковник тилидан баён этилган сўзлар яна маънан курашга даъват этади:

То ўлгунчашу сўзларингиз, хаёлимдан кетмайди нари:

— Энди сизлар Буюк Ватаннинг  
энг ишонган офицерлари. Отангизнинг сафига кириб, марди майдон  
бўлингиз сизлар. Хурсанд бўлсин сочини ўриб,  
сизни кутиб ўтирган қизлар.

*Омон бўлинг – мард бўлинг фақат,*

*бу ҳаётда сира адашманг.*

*Ёвларингиз тугамай туриб,*

*Истеъфога чиқишга шошманг!*

Тўпладан ўрин олган “Хосият момо армони”, “Қишлоғим таърифи”, “Сахро изтироби”, “Тувакдаги гул”, “Пишиқчилик”, “Ҳолат”, “Юксакликда”, “Чироқ”, “Журъат” каби шеърларида ҳам шоир қисқа умри давомида англаб етган ажиб фалсафасини бадиий лавҳаларда юксак маҳорат ила тасвирлайди. Бу шеърларнинг аксариятида замон билан ҳамнафас бўлган шоир ўқувчини ўз даврида жўш урган туйғуларига ошно этади. Шеъри ўлмаган шоир қанчалик бахтли бўлса, чироғини ёқувчи ўғил-қизи руҳини шод эта олса, демак, у шунчалик барҳаётдир. Аъзам Ўктамнинг қизи Тўмарис ва ўғли Темурбекка журналистика факультетида сабоқ берган онларим раҳматли ҳамкурсим билан ҳаяжонга тўла талабалар аудиториясида яна дейдорлашгандек ҳис этардим ўзимни. Ота изидан борган фарзандлари бугун “Миллий тикланиш” ҳамда “Ўзбекистон овози”дек республикамизнинг етакчи газеталарида фаолият кўрсатишгани дилга таскин беради.

Аъзам ака фарзандларига ота сифатида қанчалик намуна кўрсатган бўлса оила бекаси Хулкар Ҳамроева ҳам Ўзбекистон телерадиокомпаниясида фаол меҳнат қилиш билан бирга “Озод Шарафиддинов публицистикасининг тили ва услуби” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлагани ғоят гўзал ибратдир.

Бир пайтлар Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулла Қодирий “Отам ҳақида” деб ёзган китоби буюк адиб ҳаёти ва ижодини ўрганишда қимматли манба бўлган эди. Ана шундай эзгу анъанани давом эттиришган Хулкар Ҳамроева ва Тўмарис “Осмон яқин...” шеърий тўпламини нашрга тайёрлаб, бугунги шеърият мухлисларини шоир Аъзам Ўктам ижодига ошно этгани жуда хайрли иш бўлганини алоҳида эҳтиром ила таъкидласак арзийди. Китоб аввалида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон “Яшариб бораётган шоир” сарлавҳали мақоласида Аъзам Ўктам ижодининг салоҳияти, югуроқ кўзларга тезда чалинавермайдиган ички қудрати, ўхшаши йўқ нафосати ҳақида сўз юритар экан, “Республикамиз мустақиллигини нақадар тўлқинланиб қарши олган “Ҳамма нарса энди ростдан ўзимизникими?” деб касбдошларига мағрур боққани ҳозиргидек эсимизда” дея хотирлайди. Бу фикрлар юқорида

баён этилган бир суҳбатда Аъзам Ўктамнинг юртимиз истиқлолидан қалби канчалик ғурурга тўлгани ҳақидаги сўзимизни яна бир бора тасдиқлагандек...

Айни пайтда Тўмарис Аъзамнинг ўз отаси ижодини илмий тадқиқ этиб докторлик диссертацияси устида ишлаётгани ҳақидаги хушхабар ҳам дилда умид уйғотади. Ўлмас шеърлари янглиғ шоирнинг руҳан тириклиги, умрибоқийлиги ҳам ана шундадир.

---

**Баҳодир ҚОБУЛ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмасининг аъзоси**

### **“ЙЎЛ АНИҚ, ҚАЙТИШ ЙЎҚ”**

Аъзам Ўктамнинг шеърларини ҳаммаям ўқий олмайди. Масалан мен. Кўп шеърларини ёд билсам-да китобни қайта кўлимга олиб ўқишга юрагим дов бермайди. “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор”. Чунки бу китобларга Бек аканинг кўллари теккан, имзолари нафас олиб, тилаклари кўз тикиб турибди. Ундан ҳам оғир юк бўладигани – ёшимиз ҳам қирқдан ўтган, онам раҳматли Зебинисо Мусулмонқули қизи – Бийнисо “Балажон, китоб ўқиб беринг” деганларида Бек аканинг шеърларини, ҳадисларга йўғрилган шеърларини ўқиб берар, онам “Ҳа, яхши одам ёзган экан” дердилар, мен бу шеърларни Аъзам ака ёзганларини, қайси куни олдиларига совға-салом билан келиб кетган, гапларидан кўпини кўчириб олган ака эканлигини эслатардим.

Аъзам Ўктам шеърларини ўқир эканман атрофимни раҳматли онамнинг бегидир меҳри, кўз ёши иси, пайпаслаган тафти; Бек аканинг соддадан содда, оқибатга тўла қарашлари, акалик ичачирлиги, “укалар акалардан албатта зўр бўлиши керак” дегандек ёвқур тикилишлари кин солиб тургандек

бўлаверади. У меҳрларнинг юкини кўтаришдан кўрққанимдан, чидаш беролмаслигимдан ўқий олмайман. Аъзам аканинг шеъридаги нафас, рух ва жон менга яқиндан яқин. У нафас тозалиги, у руҳнинг ҳайбати, у жоннинг жовдирашига билмадим ким дош бера оларкан?!. Унинг учун одам биринчи навбатда руҳан тоза бўлмоғи шарт... Инсонга Сўз берилди... деган сўзни илғаган бўлиши шарт... Сўзнинг кадру қийматини тусмоллаган бўлиши шарт... Сўзнинг тиғ эканлигини, ҳар бир кирар чиқар нафаснинг тиғ эканлигидан туюнган бўлиши шарт... Сўз сотиладиган нарса эмаслигини, сотилгани сўз эмаслигига иқроф берган бўлиши шарт...

Аъзам Ўктам билан отамаконим, аждодларимиз минг-минг йиллардан бери яшаб келаётган Ўснат ота қишлоғида танишганмиз. Ака уйимизга меҳмонга келган эдилар. Мен Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетида ўқир ҳамда вилоят “Зарафшон” (“Ленин йўли”) газетасида ишлардим. Аъзам ака менинг туғишган акам Нурали Қобул билан бирга ишлар, меҳмонга кўплаб ижодкорлар келишган, отам Холбўта Мулла Қобул Мулла Иброҳим ўғлининг қувончи дунёга сиғмасди. Эшик ости кўноққа талабгорга тўла. Қишлоқда ўзи шунақа. Кимнинг уйига бирданига тўйга ё бир неча кунга кўп меҳмон келса кўноққа, бир кун-икки кунга битта-иккитадан меҳмонни уйига олиб кетишга навбат олинади. Ундаям ҳамма эмас. Энг ишонимли, обрўли одамларгина оғиз солишади. Гапи қочган, уришиб, жанжаллашиб қолган қариндошлар кўноқ баҳонаси ярашадилар. Меҳмонларни кўноққа олиб кетарманлар ғовимиз олдида тизилишган, отамнинг оғзига қарашарди.

Отаҳовлининг ўртасида кичикроқ ариқ ўтган, ариқ катта ёнғоқнинг тагига яқинлашганда иккига бўлинган. Бир қисми яна қишлоқ ариғи – Туркариққа қайта қўшилиб тушиб кетар жойида, менинг жойимда бир ака чўнқайганча энкайиб атрофга сув сочарди. Болалигимда бу жойда фақат мен сувни худди шундай ўйнардим. Кўриб ичим жимиллаб кетди. Бориб салом бердим. Алиқдан кейин, ўнг қўлларининг кафтларига сув олиб, оғизларини чўччайтириб ичганларидан кейин юзимга қараб турдилар-да “Абулғозий

Баходурхон. Самарқанд” дедилар ўнг қўлларини баланд кўратиб Самарқанд томонни кўрсатганча. Мен Аъзам Ўктам шеърларини газета-журналлардан билсам-да, ўзларини танимасдим. Бир муддатлик суҳбатдан кейин ўзим ҳам энди айтмоқчи бўлиб тургандим, мендан қишлоқни айлантириб келишимни сўрадилар. Биз отамдан рухсат олдик-да, Жаркўча бўйлаб минг-минг йиллик сирларни, оғир кунларда бошпана бўлган Амир Темур изларини, Бобур Мирзо нафасларини яшириб ётган, 1916 йилгача кўрғон номига муносиб бўлган ва мардикорликка қарши исёнга бошчилик қилганлиги учун Русия тўпининг қаҳрига учраган ва ер билан теп-текис қилинган Ўснат ота кўрғони – эл орасида Кўрғонтепа деган номигина ва улуғвор гўрдай хайбат солиб ётган отамаконни айландик. Отамиз қандай қилиб таништирган бўлсалар жойлар билан шундай таништиришга ҳаракат қиламан. Кун чиқардаги Дунётепанинг деви, Ёмонжарнинг қилиқлари, Жаркўчанинг ёмон одамга кўришиб эсини жойига киритиб қўядиган меши, Бўриўйнар кирининг бўрилари қандай ўйинга тушиши, Темур бобонинг аскарлари ёйдан ўк отишни машқ қилган Ўқотар сайхонини ёшлигимизда меҳмон болаларга кўрсатганимиздек кўрсатиб чиқдим. Бу сафар фақат бир ўзим. Одатда бундай ҳолларда бир тўда чувиллашган қишлоқ болалари бўлади, бирининг гапини бири тўғирлаган, тўлдирган. Сайримиз ўртасида энг табаррук маскан, Алишер Навоий бободан ҳам 500 йил аввал ўтган ўқимишли оталаримиздан бири, ислом дунёсида илми ортидан “дунё илмининг устунни” номини олган Ўснат ота зиёратидан кейин, бизки саводсиз, Аъзам ака Кўрғонтепа устида, текис ялангликнинг ўртасида намоз ўқиганлари... (Ўшандан кейин ва ҳозиргача Кўрғонтепага чиқдим деганда етиб келадиган шамол менга ҳар доим Аъзам Ўктамни эслатади. Хотирада тиклайди. Қиёмда туришлари... саждага боришлари...) Биз қишлоқни айланиб келмасимиздан, биздан олдин Аъзам Ўктамнинг доврўғи қишлоқни эгаллаб бўлганди. Кўрғонтепада намоз ўқиган шоир деб. Отам эса алоҳида ҳурмат кўрсатганлар. Бу гаплар саксонинчи йилларнинг охирининг гапи. Кейинчалик билсам мени сиртдан, орқаваротдан Кибриё Қаҳҳорова таништирганлар, “Менинг бир болам бор,



Ўзбек тилиниям, тожик тилиниям яхши билади...Ўзиям Баходур, номи ҳам Баходур” деб. Кибриё опа, Зулфия опалар қишлоғимизнинг ҳар йил ёздаги меҳмонларига айланишган, қишлоқдошлар интизорлик билан кутишарди.

Уй тўла меҳмон, кўча битта одам. Туманнинг катта-кичиги меҳмонлардан хабар олгани келган, меҳмонлар кўнглини олишга қаратилган. Юртимиз одамларининг қалби қанчалик кенглигини кўриб қувонмай бўладими? Биз сал каттароқ, шаҳарнинг нуқси уриб қолган мезбонлар меҳмонларга чой-нони, чойнак-пиёласига қараётган ва бизга иш қолдирамётган ўспиринларнинг югуриб елишидан бир четта турганча завқ оламиз. Завқимизга Аъзам аканинг мен ҳам чой ташийман, мен ҳам дастурхонни қоқиб келаман деганча югуриклаб кетганлари, ўспирин болалар каби қувонганлари, уларга кўшилиб ўтин ташиганлари, мен обораман деб болта талашганларини эслар эканман “Буюклар болаликни тарк этмаганликлари учун буюқдирлар” дегим келади, кулгимни кўнгилдошлар, ичимдаги жўраларим билан баҳам кўраман. Яхши кўрган одамнинг хаёлингнинг бир чеккасидан қараб турса қандай яхши.

Тўқсонинчи йилларнинг боши. Кун кўчани тозисига, хун жухудни қозисига қолган кунларда бензин дегани отликқа йўқ. Икки дона буханкани навбатда туриб оласиз, ўшандаям учтага рухсат йўқ, яна қайта навбатга туришингиз лозим. Ва магазинларда дому кавартираларнинг рақами ёзилиб, туз, нон, ун, шакар, ўсимлик ёғи, совун рўйхат билан берилаётган, етишмовчилик вақтида ҳам Аъзам акада оқибат танқислиги йўқ эди. Дўсти Чори Авазнинг руҳини шод этиш учун унинг фарзандларини йўқлашга вақт топарди. Эринмаган ўзбек йўлмошинда Тошкентдан Қаршига борарди. Ёнида янга Хулқар опа. Унда мен Самарқанд вилоят ҳокимиятида ишлардим. Бир марта мен ҳам шерик бўлганман. Аравакашлик қилганман.

Кейинчалик, Тошкентга кўчиб келганимдан кейин устозлик мақомида эдилар. Биринчи баҳсимиз Явдат Илёсовнинг “Суғдиёна” асари устида бўлган. Уям Чилонзордаги маҳалла ариқларидан бирининг бўйида, иккимиз

арикнинг икки лабида ўтириб сув ўйнаганча ғужуллашганмиз. Кейингиларининг адоғига етиб бўлмайди. Ҳар бир сўз тугул ҳар бир ҳарф, товуш устида бўғишгандек баҳслашардик. Элни борлигича севиш, тупрокни ардоқлаш, муштипар онага муҳаббат, ёвқур отанинг изини босиш, ота тил миллат қиличу қалқони эканлиги, дўстга садоқат барча-барчаси Худони таниш йўлидаги йўлаклар, зиналар эканлигини илғашда Аъзам Ўктам шеърятининг ўзига хос ўрни бор. Ёшларимиз, айниқса, ижодга хавасда укаларимиз, сингилларимиз мумтоз адабиётимизнинг бугунги кўриниши, замонавий ўзбек шеъряти нима эканлигини, шеърят бошқа нарса, хайбаракаллачилик ўзга, сатрсувашлик бўлак нимарса эканлигини англаш ва айрит қилиш учун, Ҳазрат Навоийни, Ҳазрат Бобур ва бошқа улуғларимиз тилини, дилини, руҳини тушуниш учун ҳам улар хазинасига калит вазифасини бажарувчи Аъзам Ўктам ижодини ўрганишлари фойдадан холи эмас. Аъзам Ўктам шеъряти ўз вақтида қоп-қоронғу тундаги йўл кўрсатувчи чакнаган, чарқираган юлдуз бўлган ва бу мавқедан, мартабадан ҳеч ким ҳеч бир замон олиб тушолмайди. Янаям Яратган ҳамма нарсани кўргувчи ва билгувчидир. Қўлингиздан келса Аъзам Ўктамнинг беш қаторини ёдланг, бешига бешни ташланг:

*Йўл аниқ, қайтиш йўқ,*

*Мен кетдим энди.*

*Кечган нарсам – жонни ўйламам ҳечам.*

*Битта майдон керак – курашгим келди:*

*Тўшакда ётгулик қилмасин ўлсам!*

---

**Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,**  
**филология фанлари номзоди, доцент**  
**МАЪРИФАТГА ОШНО КЎНГИЛ**

Шоир зоти замон ташвишларидан узоқда яшолмайди. Баъзан куйдим-ёндим, ишқ боис адо бўлдим, деб ўртанганлари ҳам, чинакам шоир бўлса,

кўпнинг дардини айтишга йўл топади. Шеърларидан ишқ нафаси уфурган Бобур ҳам, ҳар сўзидан оташ чиққан Машраб ҳам бу даҳри дуннинг кажрафторлигидан шикоят қилиб ўтди. XX аср бошларида миллат дарди билан яшаш, унинг орзу-армонларини куйлаш Чўлпону Фитрат каби шоирларнинг чекига тушди. Қисмат ҳар кимнинг бошига бир синовни бергандек бу дунёда. Бу синовлар, айниқса, шоирларнинг бошига бошқача келади. Шоирлар гарчи дунёни ўзгартиролмаса ҳам, ана шу орзу билан яшайверади. Шу боис уларнинг ҳаёт йўли мураккаб. Атрофидагиларнинг маърифатли бўлишини, дунёни гўзал ва мукаммал кўришни истайди улар. Бу синовларни шоир Аъзам Ўктам ўз шеърларида балога мензаб, шундай “Тилак” ёзганди:

*Шеър – бало, ишқ – бало, сўз – бало*

*Фақат бало кўриб яшайлик.*

*Шеър – армон, ишқ – армон, сўз – армон,*

*Дунёдан армонсиз кетмайлик.*

*Саодат, садоқат – гулхандир,*

*Биз мангу ёнайлик гулханда.*

*Уй — Ватан, куй — Ватан, ўй — Ватан,*

*Орзуга етайлик Ватанда...*

XX аср бошларида шоир ва ёзувчилар зиммасига шеър ёзиш, ижод қилишдан бўлак яна кўп вазифалар юкланиб қолган эди. Уларнинг энг катта иши – миллатни уйғотиш, унинг онгу тафаккурини янгилаш йўлида тинимсиз меҳнат қилиш эди. Уйғонишни фақат шеър ва бошқа насрий асарлар ёзиш йўли билан амалга ошириб бўлмасди. Шу боис улар ижод билан бирга китоблар чоп этиш, мақолалар ёзиш, аниқроқ айтадиган бўлсак, миллат руҳини уйғотиш учун халқнинг ичига кириб боришга ҳаракат қилган эдилар.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб мана шу вазият такрор юзага келгандек эди. Айниқса, ёш шоирлар янгича фикр-қарашлари билан адабиётга, айниқса, шеърятга мутлақо янгича руҳ олиб кирди. Улар ҳам

жаҳон шеърляти тажрибалари, ҳам мумтоз шеърлятимиз анъаналарини ўрганишга ва улардан ижодий фойдаланишга жиддий киришдилар. Кимлардир бу вазифани фақат ўз ижоди орқали амалга оширган бўлса, иккинчи гуруҳ ижодкорлар шеърлари билан бирга халқимиз ҳали яхши таниш бўлмаган, аммо ўқиши, англаши зарур бўлган китобларни элга етказишга ҳаракат қилар эдилар. Аъзам Ўктам ана шундай ижодкорлардан бўлди.

Аъзам Ўктам ижодининг, Анвар Обиджон таъбири билан айтганда, югуроқ кўзларга тезда чалинавермайдиган ички қудрати, ўхшаши йўқ нафосати бор. Чиндан, Аъзам Ўктам шеърларидаги ички қудрат, бир томондан, бу инсон баҳраманд бўлган манбаларга дахлдор. Шоирнинг мумтоз меросимизга меҳри ўзгача эди. Мамлакатимизда илк бор Қуръони карим ўзбекчага таржима қилинганда, уни чоп этишда ташаббускорларидан бири сифатида ҳаракат қилган ва жонбозлик кўрсатган инсон ҳам Аъзам Ўктам эди. Бу муқаддас китоб унинг муҳаррирлиги остида чоп этилди. Ўша йиллари халқимиз излаб ҳар доим ҳам тополмаган, кўп йиллардан буён муштоқлик билан кутган китоблар – “Бобурнома”, “Мухтасар”, “Тўрт улус тарихи”, “Сабот ул-ојизин” китобларига муҳаррирлик қилди. Шоир дастлаб “Юлдузча” номи билан аталган нашриётда бу ишларни амалга оширган бўлса, ушбу нашриёт номини “Чўлпон” деб ўзгартиришга муваффақ бўлди. Номнинг бундай ўзгартирилишида рамзий маънолар бор эди. “Юлдузча” катта юлдуз – Чўлпонга айланди, бошқа тарафдан, Чўлпон – буюк жадид шоиримиз, ёзувчимизнинг исми ҳамдир. Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” тўплами ўз мухлисларига узоқ йиллик айрилиқдан сўнг шу нашриёт ва айнан Аъзам Ўктамнинг жонфидолиги боис етиб борганди. Аъзам Ўктамнинг бу соҳадаги ишларини санаб, узоқ давом эттириш мумкин. Аммо биз учун муҳими – шоир бу манбаларни ўзгаларга етказиш билан бирга ўзи ҳам улардан баҳраманд бўлганида. Баъзан юраги, туйғулари ана шу манбалар билан бевосита боғлиқлигини, баъзан эса шоирнинг улардан

таъсирланганлигини, баъзан тарихни янги ташбеҳларга кўчириб олиб ўтганини кузатамиз шоир шеърларида:

*Ўлар чоғ пайғамбар алайҳиссалом,  
Жаброилга савол бердилар: “Айтинг,  
Ерга тушмогингиз бўлдимиз тамом  
Ё мендан кейин ҳам келурсиз қайтиб?”  
Жаброил: “Ўн марта тушарим бор, - дер -  
Ҳар гал бир нарсанинг кетари тайин.  
Баракасиз бўлар илк бор келсам Ер,  
Одамлардан меҳр йўқолар кейин.  
Бойлардан саховат, фақирдан сабр,  
Аёллардан ҳаё, олимдан тақво...  
Кўтарилиб борар шу хил бирма–бир,  
Қуръон, сўнг иймондан бўлурлар жудо”.*

Ушбу шеърда шоир пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт йўли, у зотнинг ҳадислари ва албатта, Қуръони каримдаги маънолардан фойдаланган. Аммо шеър фақат ўша манбалардаги ғояларни тарғиб қилиш учун ёзилмаган. Балки у замон ва замон кишилари табиатини тасвирлашда кўл келган. Дунё ва унинг дунёбанди кишларидан шикоятни Аъзам Ўктам китобхонга шу тарзда тақдим этади. Бу бир томондан насиҳат адабиётига ҳам ўхшаб кетар, аммо унда шоир юрагининг изтироблари мужассам. У дунёнинг бундай аҳволга тушиб қолишидан ташвишда, одамларни огоҳликка шу йўл билан чақиради.

Бу каби юракдан шеърга кўчган насиҳатлар шоирнинг қизи Тўмарисга, ўғли Темурга бағишланган мурожаат шеърларида яна ҳам очиқ кўринади. Фарзандларга мурожаат келажак авлодларга мурожаат эди, аслида:

*Пайғамбар айтмаган қизига бежиз:  
"Сенга асқотмайман қиёмат куни".  
То тирик эканман, тегмайди шамол,*

*Ким сенга қасд этса, ишон: у ўлди,  
Қарши чиқсин бутун дунё, бемалол,  
Худони душманним демасанг бўлди.  
Ҳаётдек мўъжиза, неъматдир ўлим,  
Шарпасин туйгандек ҳис этдим ўзим.  
Отамга қилганим қилмасин ўғлим,  
Онамга қилганим қайтарма, қизим.*

Бу шеърлар Аъзам Ўктамнинг насихатчи эмас, балки шоирлигини намоён қилади. Шоир шеъриятида Навоий, Бобур, Машраб каби зотларнинг номлари ёки амалга оширган ишлари ҳақидаги фикрлар баёндан йироқ бир тарзда, юракдаги изтироблар билан омухта бўлиб қоғозга тўкилиши янгича шоирнинг ўзигагина хос услубини шакллантирди. Аъзам Ўктам битган ушбу мисраларга эътибор қаратайлик:

*Кўк—дастурхон, оймомо—нон, муқаддас. Теграсида сочилмишдир ушоқлар. Топтай, олмас изгиса ҳам басма-бас, турли номлар олиб учган учоқлар. Еб қўёлмас шарт синдириб ҳеч инсон, ҳеч қандай куч теролмас бу ушоқни. Тупуролмас—муқаддас бу дастурхон, эзгилолмас ҳеч кимсанинг оёғи.*

Мисралар деб атаганимиз, аслида, жуда гўзал шеър ва У “Алишер Навоий” деб номланади. Бундай шеърни ёзиш учун Навоийнинг оламида бемалол яшаш керак. Аъзам Ўктамнинг “Андижон” шеърида эса ушбу бандга дуч келамиз:

*...Мен ҳам бир куйган ёр бўлиб кетарман,  
Энди шўрлик кўнгил бир умр тўлмас.  
Воҳ, энди англадим—нечун бу юртдан  
«Анда жон қолди» деб кетмаса бўлмас!...*

Навоий файзини, Бобур армонини у зотларнинг исмини тилга олмай туриб ҳам, дилтортар оҳанг ва мазмунларда шеърхонга етказиш учун

истеъдод билан бирга катта маърифат, ирфон керакдир. Аъзам Ўктам ана шундай маърифат ва ирфоннинг соҳиби эди. Энг эътиборлиси, бу маърифат ва ирфоннинг инсон руҳияти эврилишларига уйғунлашиб шеърга кўчиши шеърнинг жозибасини кучайтиради:

*Тоглар сомеъ бўлиб ўлтиришар жсим,  
Такбир айтган чоғи гулдираб само.  
У янглиз муножот қила олур ким,  
Ёмғир — бу — пичирлаб килинган дуо  
Ел йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,  
Майсалар қалтираб қилурлар сажда.  
Дуолар ижобат бўлган саналар,  
Кун нурлари бундан келтирар мужда.*

Шоир Рауф Парфи таъкидлаганидек, Аъзам Ўктам юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди. Дунёнинг аламли говурлари, аччиқ гулувлари уни тез улгайтириб қўйганэди. Аъзам Ўктам шеърлари мазмунан ранг-баранг. Лекин уларнинг барчаси замирида катта маърифат ётади. Бу маърифат шеърхонни катта манбалар сари етаклайди. Барча улкан ижодкорлар каби дунёни янада гўзал, инсонни мукаммал кўришни истаган шоир ўз шеърларида инсоннинг тасаввур ойналари муқаддас манбалар туфайли ёришишига қаттиқ ишонади:

*Рухимда чақинлар, довул, қалдироқ,  
ер–осмон, сув–олов қоришиб кетар.  
Бир ҳадис тушарак ёдимга ногоҳ  
тасаввур ойнаси ёришиб кетар:...*

Аъзам Ўктам ўзидан гўзал шеърлар қолдирди. Бу шеърлар бугун юраги тоза, имони бутун тадқиқотчиларни кутмоқда.

**Исажон СУЛТОН,  
ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими**

### **ДИЁНАТЛИ ШОИР, ЎКТАМ АДИБ**

Аъзам Ўктам номини илк бор 1988 йилда, ТошДУ журналистика факультетида ўқиб юрган кезларимиз эшитганмиз. Курсдош қизларимиз Меҳрибон, Мастура ва Азиза ўша кезлар “Ёш ленинчи” деб аталган ёшлар газетасига тажриба орттиришга юборилган эдилар. Улар газетадаги қайнок ҳаёт, янгиликлар, шунингдек, жамиятда тобора қувватланиб бораётган эрк истаги ҳақида тўлиб-тошиб сўзлаб беришарди. Таҳририят ўзаги эса, устоз журналист Жаббор Раззоқов қаноти остидаги ўт-олов ёшлар эди.

Ўша йилларда адиб ва шоирлар, журналистлар билан талаба ёшлар орасида фавкулдда дўстона муҳит юзага келди. Авваллари университет ректорати шоир-ёзувчилар билан университет маданият саройидагина учрашувлар ўтказган бўлса, 90-йилларга келиб адиблар билан учрашувлар тўғридан-тўғри талабалар ётоқхоналарига кўчди. Ўша кезлар Муҳаммад Юсуф, Карим Баҳриев, Равшан Файз, Чори Аваз каби шоирлар билан мулоқотлар бўлиб ўтган эди. Шундай учрашувлардан бирида, ўзидан аввал номи етиб келган Аъзам Ўктам ҳақида хабар тарқалди.

У пайтда Аъзам аканинг шоирлигини билмасдик. “Ёш ленинчи” газетасида ишлаётган журналист деб ўйлардик. Кечга яқин ётоқхона зали талабаларга тўлиб кетди. Баланд бўйли, кўзлари катта-катта бир йигит, ёнида кенг пешанали, чувак юзли яна бири... Қизик, уларнинг кўзлари, нигоҳлари ўхшаш эди. Кейин билсак, у Чори Аваз экан. Аъзам аканинг шиддати, шеър маънолари барчани маҳлиё қилиб қўйди. Шоирлар бир неча марта кетишга чоғланишса-да, талабалар яна ва яна шеър ўқишларини сўрашарди. Айни ўша



куни талабалар ардоқлайдиган шоирлар қаторига Аъзам Ўктам номи ҳам кўшилди.

“Чўлпон” нашриёти очилгач, Аъзам ака у ерга катта муҳаррир бўлиб ишга ўтди. Ҳар учрашиб қолганимизда бизларга нашриётга бориб туришимизни қайта-қайта тайинларди. Бизлар тортинчоқ эдик. Унга ўсмирона мағрурликни ҳам кўшинг. Шундай бўлса-да, гоҳ-гоҳ йўл тушганида кириб турадиган бўлдик. Аъзам ака бир одатини сира тарк қилмасди: хузурига ким келишидан қатъий назар, албатта чой дамлаб тутарди. Сухбати қизиқарли, ўткир ҳазилларга бой бўларди. Хонасидан меҳмон сира аримасди, хусусан, уч айрилмас дўст – Аъзам Ўктам, Чори Аваз ва Рауф Субҳон доим бирга эдилар.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Аъзам ака бизни – Минҳожиддин Мирзо, Шухрат, Расулжон деган дўстларимизни ва мени “штаб” деган жойдаги ҳовлисига таклиф қилди. У ҳовли ҳалигача эсимда. Кичкина, одмигина, лекин ҳозир ҳаёлимда жуда чиройли бўлиб гавдаланади. Уч-тўрт киши бўлиб бордик. Ўзи рўзғор юпун бўлса, ҳеч ким ошиб-тошиб кетган эмас, ўйламай-нетмай бораверган эканмиз. Лекин, Ҳулкар опа ҳар борганимизда олдимизга тўкин дастурхон ёярди, топган-тутганини илинарди.

Бу анъана кейинроқ Аъзам ака Жарариққа, ундан Юнусободга кўчиб ўтганида ҳам давом этди. Аъзам аканинг хонадони шаҳардаги ижодкор дўст-биродарлар, республиканинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар билан доимо гавжум бўларди.

Бундай бағрикенглик бизнинг ҳам қўлимиздан келармикин деб ўйлаб қоламан. Ёшларга эътиборини айтсангиз. Ёзган машқларимизни кўтариб газета-журнал таҳририятларида сарғайиб юрган кезларимизда, Аъзам ака мен ва Луқмон Бўрихон ҳикояларини бир китобча қилиб чиқарган, бизларга қанот бахш этган эди.

Аъзам ака шеърни қутлуғ деб биларди. Умуман, Аъзам Ўктам ижоди уч даврга бўлиб ўрганилса тўғри бўлар эди деб ўйлайман. Биринчиси давр – унинг тиниқ ҳиссиётларга ва ўхшатишларга бой ёшлик даври, иккинчиси –

эрк ва озодлик истаги рўй-рост намоён бўлган асарлари, учинчиси – умр мазмуни ва эътиқодини тараннум этган шеърлари. Шу уч даврда шоир дунёкараши, ўй-тушунчалари қай тарз кенгайиб, юксаклаша боргани яққол кўринади. Мисол учун, аввалбошда ёш йигитча хайратларидан таркиб топган шеърларида шиддатли исёнкорлик юз кўрсатганига гувоҳ бўласиз:

*Йўл аниқ, қайтиш йўқ.*

*Мен кетдим энди.*

*Кечган нарсам — жонни ўйламам ҳечам.*

*Битта майдон керак — курашгим келди:*

*Тўшакда ётгулик қилмасин ўлим!*

“Далил” шеърида эса:

*Кул бўлган эмасмиз ҳеч, биродарлар,*

*Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди:*

*Ўқталган мушт каби турар минорлар,*

*Мақбара куббаси дубулга худди.*

Аъзам ака насрда ҳам ижод қилди, бир қанча ҳикоялар билан бирга, “Хабар” деб номланган қисса ёзди. Ўзи одатдагидай ҳазиллашиб “Носирликка даъво қилмасам ҳам, шеърга сиғмай қолган гаплар қисса бўлиб кетди” деган эди. Асар “Шарқ юлдузи”да босилиб чиқди, уни адабий жамоатчилик илиқ қарши олди. Адабиётшунос Баҳодир Каримовнинг қисса ҳақидаги мулоҳазалари эълон қилинди.

Аъзам ака “Қуръони карим”нинг ўзбек тилидаги маънолари таржимасида айниқса жонбозлик кўрсатгани, нашрига муҳаррирлик қилгани барчага маълум. Айнан шу таржима туфайли “Шарқ юлдузи” ўша кезлар икки юз мингдан ошиқ нусхада чоп этила бошлади.

Яна бир хотира “Чўчқа гўшти ва саломатлик” мақоласи билан боғлиқ. 1992 йилда Аъзам ака шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфда немис олими Хайзи Хизиш Ровфикнинг шундай мақоласи борлигини айтиб қолди.

“Шарқ юлдузи”га кириб, бош муҳаррир ўринбосари, ёзувчи Омон Мухторга шу ҳақда айтган эдим, Омон ака ҳам қизиқиб қолди. Икковлон Ўткир Ҳошимов ёнига кирдик, Ўткир ака мақолани олиб келишни менга топширди. Шайхнинг телефонини Аъзам акадан олиб кўнғироқ қилсам, келаверинг деган қисқа жавоб бўлди. Аъзам ака у кишига айтиб қўйган экан, Хаси Имомга кириб боришим билан мени ичкарига таклиф қилишди. Шифти паст, аммо кенг бир хонага кирдик. Шайх тўрда, хонтахта ёнида ўтирган экан. Салобати босганидан, нималарни сўраганим, у нималар деб жавоб қилгани эсимда йўқ, аммо мақоланинг ўзбекча матнини олиб ташқарига чиққаним ҳамано бир четга ўтиб, охиригача ўқиганим эсимда. Аъзам ака туфайли у мақола “Шарқ юлдузи”да босилиб чиқди. Мана, ўша мақоланинг сўзбошиси:

“Кейинги пайтда сеvimли ойномамиз “Шарқ юлдузи” халқимизга ҳақиқатни етказишда ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унинг саҳифаларида авваллари ман қилинган, лекин бир куни халқ барибир билиши зарур бўлган нарсалар ҳақидаги кўплаб мақолалар эълон қилинаёптики, бу барчанинг таҳсинига сазовор ишдир. Айниқса, Қуръони карим маъносини ҳозирги замон ўзбек тилида нашр этилиши улкан ҳодиса эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Қувончлиси шуки, ойнома ҳайъати қийинчиликларга ўзининг янада кўпроқ уриб, ҳақ гапни халққа етказишда мардоновор қадам босмоқда. Жумладан, менга мурожаат этиб, ҳозирча айтилмай келинаётган ҳақиқатлардан бири - чўчқа гўштининг ҳаромлиги ҳақидаги илмий мақолани таржима қилиб беришимни сўрашди. Шахсий мулоқатлар чоғида, Ливия жамоҳириясидаги “Исломга даъват” куллияси мажалласининг 6-сонидан нашр этилган “Чўчқа гўшти ва саломатлик” сарлавҳали мақола ҳақида бир неча бор гапириб ўтганимда ва кишиларнинг бу ҳақидаги саволларга жавоб берганимда, “Шарқ юлдузи” билан алоқадор баъзи биродарларимиз ҳам бунинг гувоҳи бўлган эдилар. Натижада ойнома ходимларини бир неча бор илтимосларидан сўнг, бу ишга қўл урдик. Мазкур мақола матннинг бевосита

таржимасидан аввалги кичик муқаддимада, бу масалага ислом нуқтаи назарини баён этишни лозим кўрдик.

Маълумки, Ислom – Аллоҳнинг сўнги, мукамал ва инсонга икки дунё саодатининг кафили бўлган диндир. Ислomни инсонга берган буйруқлари, қайтариқлари аввало унга бу дунё саодатини ва қолаверса, у дунё бахтини беради. Қил деб буюрилган нарсалар яхши, қилма деб буюрилган нарсалар ёмон. Шунингдек, ҳалол-фойдали дегани, ҳаром-зарарли деганидир. Ароқ, зино чўчка гўшти ҳаром деб эълон қилинганми, демак, улар инсон учун зарарлидир. Аллоҳ таъало Қуръони каримнинг бир неча оятларида пайғамбаримиз ўз ҳадисларида чўчканинг ҳаром эканини таъкидлаб ўтганлар. Аввалда мусулмонлар бу фармонларни сўзсиз бажарганлар. “Аллоҳ буюрганми, демак бажариш керак” деган ақида уларнинг шиори бўлган. “Нима учун?”, “Қилса нима бўлибди?” каби саволлар берилмаган. Кейинроқ иймон заифлашиб, бошқа халқлар билан аралашиб, улардан таъсирланиш натижасида мазкур саволлар туғилганида, уларга жавоб беришга тўғри келиб қолди. Худонинг ҳикматини қарангки, бу саволга жавоб бизнинг динимизга мансуб бўлмаганлардан ҳам чиқди. Ислomдан ҳеч хабари йўқ олимлар, жумладан мақола муаллифи, немис олими доктор Хайзи Хизиш Ровфик жаноблари ҳам, ўзларининг илмий текширишларидан сўнг, динлари ва урф-одатларига қарши чиқиб, Ислom бундан 1400 йил аввал айтган ҳақиқатни тасдиқладилар. Ушбу ҳол ҳам Ислom - илоҳий дин, Қуръон - илоҳий китоб эканлигини ёрқин далилидир. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф”.

Кўришиб турганидек, ушбу сўзбошида Аъзам аканинг хизмати икки ҳисса эътироф этилмоқда. Биринчиси – Қуръони карим ўзбекча тафсирининг журналда чоп этилиши бўлса, иккинчиси – мазкур мақола ҳақида сўз бормоқда. Ўша кезлар Аъзам ака Анвар қори Турсунов билан таржима босилаётган ҳар бир сон устида қаттиқ ишлаганлари барчага маълум. “Қуръони карим” ўзбекча маънолари китобида ҳозир ҳам Аъзам аканинг номи турибди.

1995 йилда мен “Шарқ юлдузи”дан кетдим. Ижара муаммоси туфайли, полиграфия билим юртининг ётоқхонасида яшай бошладим. У бир кишилик, жуда кичкина хонача эди. У ерда Аъзам ака кўп бор меҳмон бўлган. Ярим тунгача суҳбатлашардик, шоирнинг келишини эшитган дўсту биродарлар ўша хонага тўпланишарди. Турли мавзуларда суҳбат бўлар, гурунг ярим тунгача чўзиларди.

Ижодининг энг қувватланган палласида унинг қаламидан эътиқод ва имон изтиробларига бағишланган бир талай шеърлар яралди. Уларнинг барчасида имон ва эътиқод мавзуси баралла янгради:

***Кечир, Тангрим, қил умрим узун,***

***Бежиз эмас лек шикоятим:***

***Шундай зўр халқ ҳаттоки бугун***

***Англамаюр ҳижоб оятин.***

Бу шеърларда исён ва ватанпарварлик мавзулари диёнат тушунчалари билан бирлашиб кетган:

***Юксакларга чўзибман қўлни,***

***Омон етай унга ишқилиб.***

***Танладим сал оғирроқ йўлни,***

***Сал энгилроқ жон берайин деб.***

Ватанпарварлик, миллат тақдири ҳақида қайғуриш ҳам Аъзам акага хос эди. Бир куни мени нашриётга чақириб, ҳажми етти юз бетлар чамаси қалин бир китобни қўлимга тутқазди. У – туркиялик профессор Али Бодомчининг “1917-1939 Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Босмачилар” деган китоби эди. “Шуни таржима қиласиз, устоз Нурали Қобулнинг хабари бор” деди. “Мен туркча билмайман-ку” десам, кулди: “Асл туркийлар бизлармиз, сўзларини мулоҳаза қилсангиз, маъносини дарров топиб оласиз” деди. Ҳақиқатан ҳам бир оз ўқилгач, сўзлар аксарият тушунарли бўлиб чиқди. Таржима ўша йили ниҳоясига етди, аммо турли сабаблар билан босилмай қолиб кетди.

Ўзбек шоирларида фарзандларга шеър бағишлашдек ажойиб анъана бор. Шу анъана туфайли шеърият хазинамиз ўнлаб ажойиб шеърлар билан бойиган. Аъзам ака ҳам бу анъанани давом эттирди. Фарзандлари Темурбек ва Тўмарисга бағишланган шеърларида қалби эзгу ният ва мақсадларга тўла эрксевар отанинг тилак ва дуолари акс этган. У шеърларни ҳар гал ўқиганимда, Аъзам аканинг қувватли овози, кулишлари, кескин гапиришлари, чакноқ қарашлари кўз олдимга келади. Шундай рухдаги “Узук” деган ҳикоямни устоз хотирасига бағишланганимнинг боиси ҳам ўша шеърлардир.

Аъзам ака имон-эътиқодини мустаҳкам тутди. Диёнатида доимо собит турди. Ҳақ сўзни айтишни, шеъриятни ҳаёт негизи деб билди. Бу фазилатлари асарларида рўй-рост намоён бўлди. Ҳаётда шеърларида таъкидлаганидек яшади, афсуски, умри ҳам шеърларидек қисқа бўлди. Эндигина қирқ икки ёшга кирганида, азиз жони Тангри таолонинг амрига бўйсуниб, мангулик сари учди.

Аъзам акадан эл қалбидан жой олган асарлар қолди. Йиллар ўтса-да, улар ҳануз маълум ва машҳур, кишилар орасида ўз умрини яшамокда. Ардоқли устоз, фазилатли шоир руҳига мўл-кўл хайру савобларни тортиқ қилмоқда:

*Ажаб, дил шод бўлур тинглаб*

*Қиёматдан хабарларни.*

*Тобора шавқим ортгайдир*

*Сезиб келгич хатарларни.*

*На роҳат, на азоб боис*

*Сен айтган йўлга кирмишман.*

*Шу ишқ ҳаққи, хатарсиз қил*

*Ўзинг сори сафарларни...*

Нодир ЖОНУЗОҚ,

шоир

## БИР ШОИР ЎТДИ...

Кейинги йилларда кўп яхши шоирларимиздан айрилиб қолдик. Тилак Жўра, Чори Аваз, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф... Бу мунгли рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Афсус ... Аъзам Ўктам ана шундай катта итеъдодли шоир, катта юракли инсон эди. Мен у киши билан ҳаётининг сўнгги йилларида танишдим. Ёзувчи-шоирларнинг Дўрмон ижод боғида, ёзувчи Набижон Боқийнинг хонадонида. У киши шанба-якшанба кунлари бу ерга келар, дўстлари билан гурунглашиб дам олиб кетарди.

Мен эса Самарқанд университетини битириб, шоир бўламан, деб Тошкентга келган, аммо, ҳали на яшаш ва на иш жойини тайини бўлган бир оввора эдим. Набижон ака менинг ҳолимни тушуниб, астойдил кўмак беришга киришган, мен эса у кишининг ёнидан кўним топгандим. Бир-икки ойлик давр мобайнида Набижон ака туфайли кўп яхши инсонлар билан танишдим. Шулардан бири Аъзам ака эди. У киши менинг хотирамда қувноқ, ҳазилкаш одам сифатида муҳрланиб қолди. Ҳамон эсласам, ҳазил-хузуллари-ю қаҳқаҳалари қулоғим остида жаранглайди. Ҳар қандай жиддий мавзуда ҳам юмор билан гапиришни биларди. Айниқса, айрим калтабин, бетайин одамларни шундай ҳажв қилардики, беихтиёр кулиб юборардингиз. Пасткашликка, сохталикка, умуман, ҳар қандай салбий ҳолатга аёвсиз эди. Тўғри эди ва тўғри одамларни қадрларди.

Мен-ку Аъзам Ўктамни тўла билмасман, лекин у киши ҳақида устозлари, дўстлари айтган гаплар тасаввуримни тўлдиради.

Кунлардан бир кун икки ёш шоир мени йўқлаб уйимга келди, - дейди Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон. Мен бирваракайига икки итеъдодли шоир ташриф буюриши мумкин эмас. Хўш, қайси бирларингиз

чиндан ҳам истеъдодлисиз, деб сўрадим. Шунда Аъзамжон ҳеч гап айтмасдан, фақат “кўрмаяпсизми?!” дегандек ёқаларини тўғрилаб, қадини ғоз тутиб менга қаради. Унинг бу ҳазил ҳаракатларини кўриб, кулиб юбордим. Лекин, унинг бу даъвоси ҳазил эмаслиги кўп ўтмай исботланди, тез орада унинг истеъдодли шоир экани маълум бўлиб қолди.

Аъзам ака шеърда ҳам, гурунг пайтида ҳам иложи борича, янгича сўз айтишга интиларди. Шеърхонни, ҳамсубхбатини хайратда қолдириб, завқланарди. Энг муҳими, ҳамиша кўнглидаги рост сўзини айтарди. “Бир китобига дастхат ёзиб берди”, дейди Яҳё Тоға – ўқиб кўрсам, қиёматли оғам Яҳё тоғага! Ўлсангиз, ортингиздан куюниб йиғлайдиган укангиз Аъзам Ўктамдан, деб ёзибди. Олдинига хафа бўлдим, кейин ўйлаб кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Менга бирон нима бўлса, куюнадиган шундоқ садоқатли укам бор экан-ку деб”.

Аъзам Ўктамга суянса бўларди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тиргак бўлишга ҳаракат қиларди. Етса қўли билан, бўлмаса сўзи билан инсоннинг кўнглини кўтарарди. “Менга катта микдорда пул керак бўлиб қолди, - эслайди ёзувчилардан бири, - кимдан сўрашни билмай, охири Аъзам Ўктамнинг олдига бордим. “Фалон муддатда қайтара оласизми?” – сўради у шартта. “Ҳа” дедим. Шундоқ хонасидаги сейфдан мен айтган пулни чиқариб, кўлимга берди. Аммо пулни қайтаришда ҳафта-ўн кун кечикиб қолдим. Қарзни қайтарарканман, минг ҳижолат бўлиб, узр сўрасам, қўяверинг мен пулни беришда шу ҳафта-ўн кунни ҳам ҳисобга олиб берган эдим”, деди жилмайиб. Ҳа, унинг энг ёрқин фазилатларидан бири – лафзга ишонарди. Сўзни муқаддас санарди...

У дадил, исми жимига мос ўктам инсон эди. Ўзини ҳеч қачон бечора кўрсатишни истамасди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам доимо табассум билан юрарди. Аммо, у ҳам бир кам дунёда яшаётган одам эди. Ўзига яраша дардлари, изтироблари бор эди. Бу ҳақда мен сал кейинроқ хабар топдим. У оғриқларини кўз-кўз қилишни ёмон кўрарди. Мабода сўз очса ҳам синиқмасдан, мағрур гапирарди. Аммо охирги марта кўрганимда... Ўшанда



оғир дарддан энди оёққа турган эди. Бехосдан бекатда учрашиб қолдик. Ҳолаҳвол сўрашдик. Аъзам аканинг шашти анча паст эди. Дард ўз кучини кўрсатганди. “Юрагим кўтаролмади, ўзимга-ўзим қилдимми, дейман...”, арзи хол қилди у киши. Аъзам акани бундай ҳолатда кўриб, юрагим ачишди. Кўп ўтмай нохуш хабар эшитдим...

Энди ўйлайман: биз – дўстлари, укалари Аъзам Ўктамни ҳамиша хушчакчак, дадил кўришга одатланиб, сал ғафлатда қолмадикмикан?! Юраги эзилган, дунёси қоронғи бўлган лаҳзаларни илғай олдикми?! Ҳар ким ўзи учун жавоб беради, менинг эса, афсуски, бошим эгик.

Албатта, шоирнинг кайғуси фақат шахсий доирада эмас эди. Уни таниганлар, шеърларини ўқиганлар билади. Аъзам Ўктам катта дардлар билан “оғриган” инсон эди. У ҳар қандай шаклдаги зулмга, хўрликка қарши эди. Ёнидаги одамларни руҳан хур, қалбан покиза кўрсам дерди. Аммо бу анча мушкул масала...

Шоир ўтди. Ортидан кўп одам куйиб қолди. Юракдан йиғловчилари, садоқатли дилдошлари кўп экан. Уларга худо сабр берсин, деймиз.

Сўзимни илк бор қоғозга тушаётган мисралар билан якунламоқчиман:

Шоир эди - мард ва ўктам,

Кўрқарди у на ўт, на ўқдан.

“Нега эрта кетди?” деманг,

Асли кўкдан эди, кўкдан.

Чақмоқ унинг тиғи эди,

Офтоб мангу туғи эди.

“Хуш келдинг” деб қувнар осмон,

Ерда фақат йиғи энди.

Адоват не, недир ғараз,

Ярашмасди унга араз.

Аммо бироз ранжиб кетди,

Кўкси ёмон санчиб кетди.

Энди олисдир орамиз,  
Гарчи “кел” деб ёлборамиз.  
Қайтиб келмас асло Ерга,  
Бир кун излаб биз борамиз...

---

**Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ**

### **ШАЙХНИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ШОИР**

Бувайданинг Хонобод қишлоғидан бўлган Аъзам Худойбердиев (Аъзам Ўктам) 1960 йилнинг 4 октябрида оддий деҳқон оиласида туғилган. Аввал қишлоғидаги 9-ўрта мактабни, сўнг 1985 йилда Тошкент Давлат университети журналистика факультетини муваффақиятли тамомлади.

Бир муддат “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасида муҳбир, 1986-1998 йилларда “Юлдузча” (“Чўлпон”) нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. Айнан, “Юлдузча” нашриётида ишлаган кезлари республикада илк бор ўзбек тилида китоб ҳолида нашр қилинган муқаддас китоб – Қуръони Каримга муҳаррирлик қилган. Китоб 1 миллион ададда нашр қилинди.

Албатта, бу муқаддас Аллоҳ каломи битилган китоб дастлаб “Шарқ юлдузи” журналида нашр қилинган бўлса-да, аммо китоб ҳолида у 1992 йилда босилиб чиқди. Китоб таржимони Аловуддин Мансур ва таҳрир ҳайъати аъзолари сафида муфтий Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бор эди.

Аъзам Ўктам “Мухтасар” китобининг ҳам муҳаррири бўлган. Аммо уни машҳур қилган нарса унинг шеърятидир.

Ҳазрат шоирнинг ижодига жуда юқори баҳо берганлар. Аъзам Ўктамнинг “Мовароуннаҳр” нашриёти томонидан тайёрланиб, 2014 йилда

чоп этилган “Сахар вақти. Юрак йиғлар” китобидан шайх ҳазратларининг “Аъзам Ўктамни хотирлаб” мақоласи (2002 йилда ёзилган) ўрин олган.

Муфтий ҳазратлари шоирнинг “Тараддуд” китобини Ватандан узоқда яшаган пайтлари дўстларидан совға сифатида олганини ва ғоят таъсирланганлигини ёзади: “Шу кунларда кўлимга Аъзам Ўктамнинг “Тараддуд” китоби тушиб қолди. Уни ўқидиму камина ходимингизда буткул бошқа фикрлар пайдо бўлди. Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган шеърятга дуч келгандек бўлдим.”

### **ҚУТЛОВ**

На бўлғай яшашни сал осон қилсанг,  
Қил сиғмаган кўнглинг шуълага тўлсин.  
Ҳар намоз орасин Рамазон билсанг,  
Бир кунда беш ҳайит муборак бўлсин!

Муфтий ҳазратларининг шарҳи: “Бир кунда беш марта намоз ўқилади. Беш намоз ўртасида беш ора вақт бор. Ҳар бири Рамазон, ҳар намоз вақти келганида ўша Рамазон тугаб, ҳайит бошланади. Нақадар кучли ва мантиқли ўхшатиш! Намозлар орасидаги вақт Рамазонга, намознинг ўзи ҳайитга тенглаштирилиши ҳаётни осонлаштириш учун керак бўладиган кучли бир омил эканини зўр усталик билан ифодалаяпти шоир. Албатта бу ўхшатиш шоир учун улкан топилдиқ”.

### **ИБОДАТ**

Тоғлар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,  
Такбир айтган чоғи гулдираб само.  
У янглиғ муножот қилар олур ким,  
Ёмғир бу пичирлаб қилинган дуо.  
Ел йиғлар, ер тирнаб, тупроқ сесканар,  
Майсалар қалтираб қилурлар сажда.  
Дуолар ижобат бўлган саналар,  
Кун нурлари бундан келтирар мужда.

Муфтий шарҳи: “Шеърда бутун мавжудод – еру осмондаги нарсалар Аллоҳга сажда қилиши, Аллоҳни улуғлаши, Аллоҳнинг бир маҳлуқлари экани таъкидланяпти. Албатта бу каби ечим ўқувчиларда ажойиб бир ҳис қолдиради. Ўзининг бандалик масъулиятини сезишга ва табиатга Аллоҳнинг улуғ қудрати намуналари сифатида ҳурмат билан қарашга чақиради”.

Юқоридаги шеърлар ва изоҳлар билан ўртоқлашишдан мақсад қадрдон бўлган шоир укам ҳамда икки бор суҳбатида бўлганим муфтий Ҳазратларини эслаб, сиз азизларни ҳам бу сиймоларни ёдга олиш билан ижодларига қизиқиш уйғотишдир.

Аъзам Ўктам умрининг охирларида “Маънавият” нашриётида бош муҳаррир бўлиб ишлади. 2002 йилда у Тошкентда вафот этди. Васиятига кўра, Бувайда тумани Пошшопирим қабристонига дафн қилдилар.

Ундан 6 та шеърый тўплам қолди. “Кузда кулган чечаклар”(1990), “Кузатиш”(1990), “Зиёрат”(1992), “Тараддуд”(1994), “Икки дунё саодати”(1999), “Қирқинчи баҳор”(2000) шеърый тўпламлари, “Хабар” киссаси(1995 йил) ва кўплаб мақолалар ундан қолган бой меросимиз.

“Ҳамроҳ” газетаси, 2018 йил, 5-сон.

## **ЕТТИ САВОЛ – ЕТТИ ШЕЪР**

Шоир Аъзам Ўктам билан қилган биринчи суҳбатимиз “Тонг юлдузи” рўзномасида босилиб чиққан эди. Ўшанда Аъзам Ўктам ака ғалати гап айтганди. “Эркинжон, майли десангиз фақат еттита саволингизга жавоб берсам. Негаки, мен етти рақамини хуш кўраман”. Кейин Аъзам ака 7 рақамига боғлиқ бир нечта эътиборли мисолларни келтирди. Менга энг таъсир қилганларидан иккитаси қуйидагилар эди. Киши етти нарсага – Аллоҳга, фаришталарга, илоҳий китобларга, пайғамбарларга, охират уни борлигига, бор яхшилик ва бунинг акси ҳам Тангридан келишига, ўлгандан сўнг, албатта, қайта тирилишига ишониш билан мусулмон бўлади.

Иккинчиси кишининг ики оёғи, икки тиззаси, икки қўли ва пешонаси, жаъми етти аъзоси жойнамоzга тегиб ибодат қилади.

Ўшанда қилган суҳбатимиз кўпчиликда яхши таасурот қолдиргани, Тошкентда адабий жамоатчилик орасида ҳам эътибор топганидан беҳад мамнун бўлганман.

Бу гал Аъзам акани Янгиқўрғонда учратиб қолдим. Одатдагидек қизгин ва самимий суҳбатлашдик. Фақат бу галги мусохабамиз доимгидан бошқачароқ кечди. Мен олдиндан тайёрлаб қўйган саволларимни бера бошладим. Шоир эса уларга яқинда ёзган шеърлари ила жавоб бера кетди. Оқибатда қуйида сиз азиз муштарийлар ўқийдиган суҳбат пайдо бўлди.

**САВОЛ: Аъзам ака, киш сарҳисоб фасли, хулосалар чиқариш палласи. Ўзингиз қаттиқ суянган фикрингиз, хулосангизни айта оласими?**

ЖАВОБ:

“Катта кетма!” –

Дейишди менга.

“Паст кетма!” – дедим,

Ўзимга ўзим.

**САВОЛ: Бу фикрга келишингизга нималар сабаб бўлганини билсак бўладими?**

ЖАВОБ:

Гоҳ бориб

Деворга урилди бошим,

Гоҳ келиб

Бошимга урилди девор.

**САВОЛ: Ана шу топдаги истагингизни айтинг-чи?**

ЖАВОБ:

Кўнгил ҳеч нарсадан

Тўлмайдди сира –

Тинчроқ яшармидим

Девона бўлсам.

Тепамда осифлик

Болта – хотира...

Кошкийди ўзимга

Бегона бўлсам.

**САВОЛ: Маънавият борасида янги фикрларингиз борми?**

**ЖАВОБ:**

Боринг бермоқ закот – яъни қарз,

Қочмоқ аҳли дунёдан – хижрат.

Кўркиб, ўксиб йиғламоқлик – фарз,

Сўнг бир умр хўрсинмоқ – суннат.

**САВОЛ: Сиздан жуда кўп одамларнинг ёрдам ва маслаҳат сўрашини биламан. Ўзингиз бировга берган энг яхши маслаҳатингизни менга айтмайсизми?**

**ЖАВОБ:**

Эй, кўзимнинг қораси - қизчам,

Рўмолча тўқишдан кўра ҳам,

Ўргангил ярани боғлашни.

Эй, кўзимнинг оқи ўғилчам,

Кўп яхши ер чопишинг, бироқ

Қабр қазимоқни-да, ўрганиб қўйгил.

**САВОЛ: Ҳозирги кунда яшаш хийлагина оғирлашиб қолди (1993 йил-курсив бизники). Ўзингиз бир сафар ҳазиллашиб: “Яхшилаб пушаймон еб, орқасидан афсус чекадиган кунлар ҳам келди”, дегандингиз. Шаҳар билан қишлоқ орасидаги фарқ ҳам сезиляпти. Бугунги қийинчиликларни қандай бартараф этяпсиз. Келажакка умидингиз борми?**

**ЖАВОБ:**

Қаҳатчилик қийнар жунундай,

Тирикчилик тошдан-да қаттиқ.

Бир қул шодмон,  
“Кимсан?” – деб ундан  
Сўраб қолди балхлик шайх Шақиқ.  
“Фалон бойнинг хизматкориман!”  
Унга кулиб қарар қул тушкур.  
Шайх ўйланар: “Бўлса бир одам  
Қулидаки шунчалар ғурур –  
Мендек улуғ Оллоҳ бандаси  
Уят – бошим эгиб ғам чексам”.  
Шундан ёруғ бўлди эртаси,  
Обод бўлсин охирати ҳам.

**Сухбатни Эркин ЙЎЛДОШ олиб борди.  
“Бувайда кўзгуси” газетаси 1993 йил, 12-сон.**

---

## **УЛУҒ МУҲАББАТ НИШОНАСИ**

“Жилоланган ақиқ донаси – муҳаббатнинг чўнг нишонаси”, деган нақл бор халқмизда. Бувайдамизнинг солиҳ фарзанди Аъзам Ўктамнинг навбатдаги “Икки дунё саодати” номли китоби, таъбир жоиз бўлса, мисоли тенгсиз дурдонанинг жилоланиб турган донаси, улуғ аждодлар, Ватан, авлодларга меҳр-муҳаббат нишонасидир. Зеро, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳидоят нурига йўғрилган муқаддас Ҳадисларини бу тарзда содда, гўзал қилиб шеърга солиш, энг тушунарли, энг мақбул йўл билан изоҳ бериш, ва муҳими, тўлиқ сарлавҳалар қўйиш Аъзамжоннинг ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган буюк муҳаббат эгаси, улкан талант соҳиби эканлигини тасдиқ этиб турибди.

Рости, “Икки дунё саодати”ни ўқиб, қалбим дафъатан нурга тўлди. Ақлим тўлиқлик, фикрим улуғлик чашмасига қонгандай бўлди. Беихтиёр уйга шошилдим. Уни тезроқ умрим меваси – фарзандларимга ўқиб бериб, уларни ҳам тотли чашмадан баҳраманд этгим келди. Аслида бу – биргина мени жунбушга солган туйғулар эмас. Қалби эзгулика ошуфта инсонлар туйғуси, қувончи, катта ишга қўл урган ва уддалаган шоирга қалб миннатдорлигидир.

**Қизлархон МАМАТҚУЛОВА, журналист.**

“Бувайда кўзгуси” газетаси, 1998 йил, 61-сон.

---

## **КАТТА ВА ҚИММАТЛИ АСАР**

Шоир Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” китоби ҳажм жиҳатидан ихчамгина бўлса ҳам, мазмун ва аҳамиятига кўра катта ва қимматли асарлар сирасига киради. Абу Али ибн Сино ўзининг “Таржимаи ҳоли”да қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Улуғ табиб Аристотелнинг “Метафизика” асарини қарийб қирқ марта ўқиб чиқибди-ю, ҳеч нарса тушинолмабди. Кунлардан бир кун Бухоронинг китоб бозорини айланиб юриб, Форобийнинг тафсирларини топиб олибди. Шундан кейин унга ҳамма нарса аён бўлибди.

Ушбу мисолни биз бежиз келтирмадик. Халқни саодатга етакловчи Ҳадиси шарифларни оддий ўқувчи ёки тингловчи дабдурустдан тушуниб етиши қийин. Чунки, унинг ҳар бир сўзи – калимаси олам-олам маънога эга. Шу боис Қуръони карим оятлари каби Ҳадиси шарифлар ҳам уламолар томонидан оддий мусулмонларга йиғинларда ўқилиб тушунтириб келинган.

Мустақиллигимиз шарофати ила кейинги йилларда ҳадисларнинг жуда кўп намуналари кашф этилди ва чоп этилмоқда. Аммо улар махсус тайёргарлик ва билимга эга бўлган айрим табақа кишилар томонидан ўқиб



ўрганилар эди. “Икки дунё саодати” эса кенг китобхонлар оммасига, айниқса, ёшлар учун мўлжалланганлиги билан янада кадрлидир.

**Ортиғали ШАМСИДДИНОВ, Собиржон ОТАБОЕВ,**

“Бувайда кўзгуси” газетаси, 1998 йил, 61-сон.

---

## **ЎКТАМ ШЕЪРИЯТ**

Аъзам Ўктамнинг “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд” ва шулар қаторига бугун келиб қўшилган “Икки дунё саодати” номли тўпламларини ўқиб ёдинг ёрийди. Қачонлардир йўқотган нарсангни топгандай бўласан. Нималаргадир аҳд қиласан, қатъийлашасан. Одоб-ахлоққа, маънавиятга оид Ҳадисларнинг шеърий талқини бўлган бу китоб ўқувчини тўлқинлантириб юбориши табиий. Юртимизда халқни имом Бухорий асарлари билан таништириши, у зотнинг ҳурматини жойига қўйиш давлат миқёсида олиб борилаётган бир пайтда, ушбу тўпламнинг чоп этилиши айни муддао бўлди.

**Улуғбек МАДАМИНОВ.**

“Бувайда кўзгуси” газетаси, 1998 йил, 61-сон.

---

Тўмарис АЪЗАМ

## ЗИЁРАТ

“Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор ғам”, деб ёзган эдилар Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева дадам хотирасига бағишланган шеърларида. Ҳақиқатан ҳам, бу ғам шу даражада бўйдор эдики, хатто қуёшни кўзимдан тўсиб қўйди. Менинг ҳаётимни, кўнглимдаги орзуларимни остин-устун қилиб юборди. Бу ғамнинг оти ўлим эди. У ўзбекнинг жонкуяр бир шоирини, менинг суянч тоғим – дадажоним Аъзам Ўктамни навқирон ёшида олиб кетди...

Менинг тилим “Дада” деган сўз билан чиққан экан. Балки шу сабабдир, биз ота-боладан кўра кўпроқ сирдош дўстларга ўхшардик...

*Сендан жуда хижолатдаман,*

*уятлиман сенинг олдингда.*

*Ижара уйда тугиласан, болам.*

Бу шеърни мен туғилмасимдан олдинроқ ёзганлар. Дадам жуда ориятли, мард инсон эдилар. Чақин кўзлари, салобатли овозлари уларни сержаҳл кўрсатса-да, кўнгиллари ниҳоятда нозик, меҳрлари бу дунёга сиғмасди. Мени доим ўзлари билан бирга олиб юрардилар. Тушунсам-тушунмасам, юракларидаги ҳамма гапларини энг биринчи менга айтардилар. Ҳеч кимнинг сўзига кирмайдиган ўжар, тўполончи эсам-да, менга ҳечам танбеҳ бермасдилар.

Уч ёшимдан ҳарфларни ўрганиб олганим учун мени беш ёшимда мактабга беришган. Қариндошлар ҳайрон бўлиб: «Ўзидан икки ёш катта болалар билан ўқиса, кўрқоқ бўлиб қолади», дейишса, дадам: “Менинг қизим ўзининг ҳаққини айира олади”, деган эканлар.

Бир куни: “Чақалоқлигингда ҳам сен билан узоқ гаплашардим”, дедилар. “Чақалоқлигимда гапиришни билганманми?” бўлдим мен.

“Гапиришни билмасанг ҳам, мени тушунардинг-да”, — дея ўшанда нимагадир ҳазин жилмайгандилар.

*Ойга ўхшайди-я, жужуқ юзларинг,  
Ҳеч бир лугатда йўқ ширин сўзларинг,  
Мунча ҳайрон бўлиб тикма кўзларинг,  
Қарашга дов бермас юрагим, Тумор.*

1987 йил, баҳор. Мен туғилганда ёзилган бу сатрлар. “Тумор” деб эркалардилар. “Мени бало-қазолардан асрайдиган Туморим бу”, дердилар.

*Умрни ўрислар лаҳзалик билар,  
Тождиклар уч кун деб донолик қилар,  
Ажабки, ўзбеклар беш кунни тилар,  
Бу умр барибир боқиймас, Тумор.*

Бешикда ётган гўдак бу сўзларни қайдан ҳам тушунсин? Фақат дадам оламдан ўтганларида беш куннинг алами, залвори жудаям оғирлигини биринчи марта ҳис қилдим.

Дадам тўғрисўз, шижоатли эдилар, адолатсизлик, иккиюзламачилик билан мураса қилолмасдилар. Шеърларини қўллаб-қувватлаган устозлари Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов, Рауф Парфи, Анвар Обиджон, Сайди Умиров, Турсунбой Адашбоев, Неъматжон Умаров, Собиржон Отабоевларга ихлослари баланд эди.

Дадам борини борича сўзлардилар. Лекин қалбларидаги энг оғир тугунни менга ҳам очмаганлар. Агар бу тугун очилганида, дадам узоқроқ яшармидилар, деб армон қиламан. Жуда кўп ўқирдилар. Қачон дадамни соғиниб, шеърлари ҳақида ўйласам китоб мутолаа қилаётган ҳолатлари кўз олдимга келади

*Суюнаман чўчиб уйғонганимдан,  
Болалик, ёшлигим тушар ёдимга.  
Зулмат ҳиди келар кўнглим, танимдан,  
Бир қатим нур керак, нур ҳаётимга.*

Дадам умр бўйи излаганлари, топмаганлари ўша нурни шеърларида қолдирдилар. Қайта-қайта ўқийман. Ўқийман-у, тўймайман. Нафасларини, овозларини, меҳрларини туяман мен ўтли ва армонли сатрларидан. Укам иккаламизга туғилган юртни ардоқлашни, Фарғонани севишни, жигарларга оқибатли бўлишни, ҳатто исмимиздан фахрланишни ҳам дадам ўргатганлар.

*Бобом ўтиб, қартайгач отам,*

*Ўғил берди Худога шукур,*

*Дунё кўрди тагин бир одам,*

*Исми унинг бўлади Темур.*

Дадамнинг “Бола дунёни тебратар”, “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” китоблари шоир юрагининг ёғдулари бўлиб бошимизни силайди.

Биламан, дадамнинг ортларидан келган ғам эскирмайдиган, унутилмайдиган ғам. Ягона таскин фақат падаримиздан қолган шеърлар. Ҳа, дадамдан бизга жон томирларидан яралган шеърлари ва жондан-да азизроқ бўлган шу гўзал юрт мерос бўлиб қолди. Уларга гард юқтирмаслик туйғуси билан яшаш нақадар шарафли!

**1-ШЎЪБА**  
**АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ БАДИИЯТИ**

---

**Нуриддин ШУКУРОВ,**  
**филология фанлари доктори, профессор,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби**

**ШЕЪР - ДИЛ РОЗИ\***

Истиқлол арафасида кўп шоирларимиз ўзларининг эрк, мустақиллик йўлидаги орзуларини, дил дардларини гоҳ аччиқ, гоҳ пинҳоний йўллар билан ифодалашни асосий тамойилга айлантирган эдилар.

Истиқлолга эришганимиздан кейин эса ўзларининг дил розларини анча очиқ - ойдин ифодалаш имконига эга бўлдилар. Хусусан, динга муносабатни, ислом ақидаларини муқаддас деб билиш билан боғлиқ фикр - туйғуларини шеърга солиш янги тамойил сифатида кучая борди. Ана шундай тамойил самараси бўлган “Ҳажнома” (А.Орипов) туркуми А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا сазовор бўлди. Бу мустақиллик самараси.

Аъзам Ўктамнинг 1993 йилда “Чўлпон” нашриётида чоп этилган “Тараддуд” номли шеърлар тўплами ҳам муножот - “Ўтинч” шеъри билан бошланади. Бу - аруз вазнининг ҳозажи мусалламаин солим баҳрида ёзилган изтиробли ўтинчдир, илтижодир, орифона ғазалдир. Шеърдаги лирик қаҳрамон Ҳақ жамолига етишишни муқаддас орзу деб билади.

*Сўзим, жон бахш сўзим, ёрдин*

---

\* Мазкур мақола профессор Н.Шукуровнинг сўнгги илмий тадқиқотларидан бири бўлиб, унинг қўлёзмаси олимнинг шогирди Ф.Ҳамроевнинг архивида сақланмоқда. Мақола биринчи марта эълон қилинмоқда.

*Менга ширин ҳикоят қил.  
Кўзим, йиғла, бу ёрсизлик,  
Бу ҳижрондин шикоят қил.  
Кўлим, ёнгил қулоқларни,  
Эшитма ҳеч маломатни.  
Юрак, очгил у дафтарни,  
Яна бошдин ривоят қил.*

“Қаноат” шеърини тасаввуфона қитъа дейиш мумкин. Қитъа - парча шеър демак. Мумтоз адабиётимизда деярли барча шеър шакллари жуда қатъий қонунларга эга бўлганлиги маълум. Лекин қитъада шу жиҳатдан кўра эркинлик мавжуд бўлган. Унинг ҳажми ҳам (мисралар миқдори) қофияланиш тизими ҳам қатъий чекланмаган. Аъзам Ўктам ҳам бу анъанани давом эттириб ихчам қатра шеърлар ўзига хос қитъалар яратишга катта эътибор беради. “Тараддуд” тўпламида бундай шеърлардан анчагина бор.

Масалан, “Қаноат” шеърини “ҳазажий мусаддаси солим” баҳр ўлчовига солсак, тўрт мисралик шеър бўлади. Лекин ана шу тўрт мисрани Аъзам Ўктам саккиз мисрага бўлади ва натижада шеър ритмининг янада аниқроқ мазмунни бўрттирадиганроқ бўлиб чиқишига эришади. Бу шеър ҳам тасаввуфона мазмунга эга.

*Асл айбим —  
Текис йўлда қоқинмоқдур.  
Асл бахтим —  
Ўзинг кўрмай согинмоқдур.  
Еру кўкдан мудом излаб  
Хато қилдим.  
Сени топмоқ йўли —  
Доим топинмоқдур.*

(Мафойилун мафойилун - бу аруздан янгича фойдаланиш намунаси)

Бу орифона ғазаллардан илҳомланиб шу анъанани янгича тарзда давом эттиришдир.

Юқорида айтилганидек, мустақилликдан олдинги даврдаги алдоқчи сиёсат шароитида пайдо бўлган хусусиятлар турли шеърларда турли йўллар билан истеҳзоли оҳангларда фош қилиниши кўп шеърларда учрайди. Аъзам Ўктамнинг “Ҳайрат” шеърида тотолитар тузум шароитида вужудга келган айрим тоифа одамларнинг бемаъни феъл - атворлари умумлаштирилган.

Улар “ваҳшийсифат одамлар бўлиб, кўзлари қон, кўллари қон кўксингга чангал урур, қалблари тош, кўзлари кўр эрсада, йўл кўрсатиб сен азиз билган таворихни бузиб тарих туқур”.

Бу шеърда ўша даврдаги куфрона мафкура туфайли хамелеондай товланувчи, ҳамма нарсани хўжа кўрсинга қилувчи одамлар қиёфаси гавдаланади. Шунинг учун ҳам ана шу фожеадан қутула бориш жараёнини шоир янгича даврнинг бошланиши сифатида қувонч билан қарши олади, эрувчанлик бошланган кунларга “Саломнома” ёзади. “Ўчкор ғурур яратган кунларга салом ўлсун” дер экан, пахтакор, деҳқон экинларининг кўрақлари муштдай бўлиб тугилаётгани ҳақида ажойиб ташбеҳ яратади : *“Минг йиллар экин эккан, ҳосили ёвга теккан, экини ҳам мушт туккан қулларга салом ўлсун”*. Бундай шеърларда истибдоддан қутулиш фасли яқинлашаётгани билан боғлиқ туйғулар ўз ифодасини топган.

Собиқ тузум замонидаги истибдод азобларидан изтироб чекиш Аъзам Ўктам ижодида турли шакл ва жанрдаги шеърларида акс этмоқда. Шу жиҳатдан, унинг тўпламидан ижтимоий публицистик ғазаллар кўплаб ўрин олганлиги эътиборга лойиқдир. Ҳа, ғазал кўпроқ ишқ - муҳаббат кечинмаларини, баҳор қувончларини, гулу райҳонлар тароватини ифодалашга хизмат қилиб келган. Ғазал жанри ва шакли Аъзам Ўктам ижодида катта ижтимоий кечинмаларни акс эттиришга хизмат қилмоқда.

Ҳазажи мусаммати солим (мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун) баҳрида ёзилиб, ҳар мисра иккига бўлиб ташланган қуйидаги ғазал ҳам ўзининг ижтимоий пафоси билан кучлидир:

Ана шу каби салмоқли ижтимоий фикрлар туфайли Аъзам Ўктам ижодида ғазал куйлашга мос шеъррий шаклдан минбар шеърига мосланиб бормоқда.

Аъзам Ўктам тўпламидаги ғазалларнинг бир қисми бармоқ вазнида ёзилган. “Ишқинг дил даштини гулхона қилди”, “Афсус”, “Кўкдан ёғилган нурлар” каби шеърлар шу мазмундадир. Уларнинг ҳам айримлари лирик шеър бўлса, айримлари ижтимоий пафосга эга.

“Тараддуд” тўпламида ғазал, мураббаъ шаклида ёзилган анъанавий шеърларда ҳам, 4 - 5 мисрадан иборат мўъжаз қатра шеърларда ҳам муайян новаторлик аломатлари кўзга ташланиб туради. “Ҳаёт” номли қитъани ўқинг.

*Гоҳ бориб*

*Деворга урилди бошим.*

*Гоҳ келиб*

*Бошимга урилди девор.*

Мана шу тўртгина мисрада бундай қараганда қофия ҳам йўқ. Жуда фавқулодда метафора ҳам йўқ. Лекин ундаги акс мувозанат - параллелизм оригинал бўлиб, дарҳол эътиборни тортади. Ундаги инсоннинг зиддиятли ҳолатлари, турмуш қийинчиликларига мардонавор бардош бераётганлиги акс этган. Унда “боши деворга урилди” деган фразеологизмдан маҳорат билан фойдаланганлиги билан бирга уни тескари ўгириб (“бошимга урилди девор”) ишлатиш оригинал тарди акс санъатини ҳосил қилган.

“Хулоса” номли қитъада ҳам тазод усулида жумла тузиш лирик қаҳрамоннинг кучли проза йўналишини ифодалаган. Енгилгина юмор ҳосил қилганлиги билан таъсирчанлик касб этган:

*“Катта кетма!”—*

*Дейишди менга.*

*“Паст кетма!”— дедим*

*Ўзимга ўзим.*

Фарзандларига қарата айтган “Маслаҳат” қитъасидаги гаплар ҳаётнинг фақат ширин - шакар чоғларига эмас, аччиқ ва оғир дамларига ҳам тайёр



туриш кераклигини англатади. Яъни фарзандлар фақат тўю - томоша, тинчлик чоғларидаги ишларигина эмас, мусибату аза маросимларида ҳам хизмат қила оладиган бўлиб ўсишлари лозим. Шунинг учун ота қизига хитобан “рўмолча тўқишдан кўраям ўргангил ярани боғлашни” деса, ўғлига хитобан “кўп яхши ер чопишинг бироқ қабр қазмоқни-да ўрганиб қўйгил” дея маслаҳат беради.

*Эй кўзимнинг қораси — қизчам,  
рўмолча тўқишдан кўраям  
ўргангил ярани боғлашни.  
Эй кўзимнинг оқи — ўғилчам,  
кўп яхши ер чопишинг, бироқ  
қабр қазмоқни-да ўрганиб қўйгил.*

Ана шулардан кўринадики, Аъзам Ўктам шеърлятида мўъжаз қитъа шеърлар алоҳида ўрин тутди ва шоир ижодининг ўзига хос саҳифаларини ва услубининг муҳим қиррасини ташкил этади.

Шоирлик истеъдодининг белгиларидан бири оригинал метафора, истиоралардир. Улуғ шоирлар ва олимлар шеърляти метафора санъати деб бежиз айтишмаган. Ҳа, зўр истиора бирданига ўзида кучли шоирона тафаккурни ва образлиликни, бадийятни мужассамлаштиради. Аъзам Ўктамнинг “Чап кўксимда турган қафасда булбул бор деб қилардим гумон”, “Қай томонга босмайин қадам, дуч келади бузуқ кўприклар” (“Қўрқув”), “Менинг нақ кўксимда урарди туғён, қалин муз остидан оқаётган сув” (“Тонгдаги ўйлар”), “Бўсағадан ҳатлатмас ахир, пойимдаги бу кумуш кишан, бўйнимдаги бу тилла занжир” (“Остонада”) каби метафоралари замирида жуда теран маънолар мавжуд бўлиб, кишини ўйлатади, лирик қаҳрамоннинг мураккаб психологик хислатини акс эттиради.

Ана шундай метафорик, мажозий тасаввурлар Аъзам Ўктамнинг насрий қитъаларига ҳам хос. Шоир “Менинг эртагим” насрий қитъасида “Эртак айтсанг ўғлингга, ухлатмаслик учун айт” деб ёзар экан, бу ўриндаги

уйқу инсоннинг ўз тарихидан, ўз аждодлари қаҳрамонлигидан беҳабарлик маъносини англатади. Бошқа бир насрий парчадаги "... даҳшатга солади мени кўз ёш ва фақат ўлим бўлса келадиган қариндош" деган жумла остидаги маъно ҳам меҳр - оқибатни кучайтиришга даъват этади.

“Тараддуд” тўпламидаги “Якшанба”, “Соғинч” каби асарлар ҳажман анча катта бўлиб, устоз Шайхзода таъбири билан у асарларни манзумалар дейиш мумкин. Ҳа, уларни ё баллада ё поэма дейиш қийин. “Якшанба” манзумасида истибдод замонидаги қишлоқ ҳаёти, тиним билмай, якшанба нималигини билмай ишлаган деҳқон оилаларининг оғир аҳволи, яна унинг устига “ўзбек иши” деб ном олган компания даврида қатағонга учрагани, айбсиз айбдорларга айлангани баъзан ҳаётининг лавҳаларда, баъзан публицистик мулоҳазаларда ўз ифодасини топган. Қуйидаги сатрлардагидек, “кадрлар ана шундан далолат беради: ўттиз ёшли”.

Хуллас, Аъзам Ўктамнинг унчалик катта бўлмаган “Тараддуд” тўпламида турли - туман жанрлар ва шаклларда, усул ва услубларда ёзилган шеърининг асарлар мавжуд. Улар Аъзам Ўктамнинг ўзига хос истеъдодидан гувоҳлик беради. Уларда ҳаётнинг аччиқ - чучук ҳақиқатлари ўзининг бадий ифодасини топган. “Тараддуд” тўпламида менинг назаримга тушган камчиликлардан бири айрим шеърларда ҳис - ҳаяжоннинг етишмаслигидир. Масалан, “Вазифа” шеърида буни кузатиш мумкин. Бу шеър “енгиш, енгилишнинг қандоқ фарқи бор, тинмай курашмоқдир менинг вазифам” деган қуруқроқ таъкид билан тугайди.

“Тинчлантириш” шеъридаги сатрларда эса маъно аниқлигидан кўра мавҳумлик устундек туюлди:

*Кечроқ қайтсам, олманг хавотир,*

*Босмасин ҳам сизни ҳаяжон.*

*Ўйламайсиз тинчим барибир,*

*Биласиз-ку, юрмасман ёмон.*

*Кетиб бўлган мен кутган одам,*

*Мени кутган, унутган бу кез.  
Сўз бўптимми “ёзилгани” ҳам,  
Пешонамга ўйилгани — сиз!*

Бу мисраларда жумлалар ғализлиги фикр равшанлигига путур етказган чамамда. “Изоҳ” шеърисида ариқман дарёга етгунимча то бағрим сув, кўз ёшим сел бўлур фақат” деган жумлада “ариқ” сўзи эмас, “жилға” ва ё шунга ўхшаш бошқа сўз ишлатилса ўринли бўлар деб ўйлайман.

*Ердан чиққаним йўқ.  
Сирдошим – само.  
Тўхтасам,  
Хув тоғлар айлар маломат.*

*Ариқман,  
Дарёга етмагунча то  
Бағрим сув,  
Кўзёшим сел бўлур фақат.*

Бундай камчиликлардан қатъий назар “Тараддуд” тўплами Аъзам Ўктам ижодида янги босқични ташкил этади. Унда шоир истеъдоди, қирралари ярқираб кўринадиган шеърлар талайгина. Улар мураккаб йиллар туйғуларининг ёрқин бадий ифодасидир.

**Хотам УМУРОВ,  
СамДУ профессори, ф.ф.д.,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи**

### **АЪЗАМ ШОИРНИНГ ИСЁНКОР ҚАЛБИ**

Аъзам Ўктамни ўз даврининг энг машхур нашрларидан бири бўлган “Совет Ўзбекистони санъати” журналидаги шеърлари орқали таниганман. Ниҳоятда ёниқ, исёнкор шеърлар эди! Қайта – қайта ўқигинг

келадиган даражада самимият, қалб, чўғ бор эди бу сўзларда! 3-курс талабаси ёзган бу шеърларни бемалол инсон руҳиятининг ҳаққоний тасвири, шакл ва мазмун,бадий жихатдан баркамол асарлар сирасига киритиш мумкин эди. Матбуотда эълон қилинган илк шеърлари билан бунақа эътибор қозониш жуда кам ёш ижодкорга насиб қилади... Уларни бемалол инсон руҳиятининг ҳаққоний тасвири, шакл ва мазмун,бадий жихатдан баркамол асарлар сирасига киритиш мумкин эди.

Биз Аъзамжон билан Самарқанд давлат университетида, улуғ шоиримиз Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” шеърий тўпламининг тақдимотида учрашганмиз. Мустақилликдан олдин, буюк шоирнинг номи оқланган бўлса-да, биронта асари чоп этилмаган замонларда Аъзам Ўктамнинг фидойилиги ва жонкуярлиги билан дунё юзини кўрган мўъжазгина китобча жамиятда ўзига хос ҳодиса бўлган эди...

Шоирнинг “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш” тўплamlари, айниқса “Тараддуд” китобидаги шеърлари унинг сўзга ҳассослигининг, оҳорли фикрлашга, ноёб ташбеҳларга иштиёқи баланд эканлигининг исботидир.У сўзнинг руҳиятини қалбан ҳис қиларди, исён олови ёниб турган сўзларни бор журъати ва жозибаси билан сувратлантиради.

Аъзам Ўктам безовта дунё ташвишларини, эврилишларини теран ҳис қилади. Сўзлар табиий қофияланади, поэтик нурланади, натижада, оҳангдорлик чуқур мантиқ ва моҳият билан уйғунлашади. Инсон ички дунёси, шахснинг чигал қисмати бор зиддиятлари,армону умидлари билан намоён бўлади.Унинг шеърларида ҳаётни образли , фалсафий мушоҳада этиш тамойили кучли. “Алам” шеърида шундай дейди:

*Итоат этмайди*

*Ҳануз менга сўз.*

*Ё Раббим,*

*Гуноҳим ахир нимадир –*

*Қўлимдан*

*(Дилимдан)*

*Келмади ҳануз*

*Васиятга ўхшаган бир шеър.*

Бундай сатрларни ёзиш учун фақат истеъдоднинг ўзи етмайди, қалбда иймон ва дард бўлиши керак! Зеро:

*Тоатингда йўқ ҳаловат,*

*Йўлингга юргувчи кам,*

*Тил бўлак, дил бошқа бўлса,*

*Эргашиш ҳожат эмас.*

Минг афсуски, тили билан дили бир шоирнинг ҳаёт юлдузи эрта сўнди. Ягона таскин шундан иборатки, унинг иккинчи умри шеърларида, падари бузрукворининг хотирасини эъзозлаб келаётган оиласида, фарзанду набираларида давом этмоқда. Рафиқаси Хулқарбонуга раҳмат, турмуш қийинчиликларини бардош билан енгиб, шоир “Қанотларим” деб суйган фарзандларни Аъзам Ўктамнинг аъзам ва ўктам номига, ижодига муносиб инсонлар қилиб тарбиялади. Тўмарис Аъзамнинг корейс тилидан қилган таржималари кўпчиликнинг эътиборига тушди. Бугунги кунда у отасининг ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Ўзининг “Ўзбекистон овози” газетасидаги долзарб мавзудаги мақолалари билан талабалигидаёқ танилган Темур Аъзам 27 ёшида “Гулистон” журналининг бош муҳаррири лавозимида ишлади, бугун “Кун.Уз”да журналистлик фаолиятини давом эттирмоқда.

Аъзам Ўктам - XX аср ўзбек адабиётининг энг ҳақпараст ва забардаст адибларидан бири. Унинг ижодига катта масъулият билан ёндашиш керак. Бундан бир неча йил муқаддам “Мовароуннаҳр” нашриётида чоп этилган “Саҳар вақти юрак йиғлар” китоби ҳақида мақола ёзган эдим, Самарқанд давлат университетининг илмий тўпламида босилган. Ўсиб келаётган ёш авлодга, айниқса шоир ижодининг бўлажак тадқиқотчиларига сабоқ бўлар деган мақсадда ўша мақолани анжуманга юборяпман.

## **ШОИР ЭЛНИНГ ШОИР ЎҒЛОНИ**

“Ўзбек шеърляти боғида Аъзам Ўктам дарахтини тез илғаб оласиз. Бу дарахт кўп замонлар ажойибу фаройиб меваларини армуғон қилажак. Бу дарахт боғни сарғайтириб кўймайди, доим қайта туғилиб, қайта ўлиб, қайта тирилиб, шовуллаб туравереди”[1], дея Рауф Парфи 2003 йилда башорат қилганди.

Бу башоратнинг ҳақлигини “Мовароуннаҳр” нашриёти чоп этган “Саҳар вақти юрак йиғлар” шеърлар тўплами (2014 йил) ҳам исботлайди. Уни тўплаб нашрга тайёрловчи Набижон Боқийга, муҳаррир Нуруллох Муҳаммад Рауфхонга, гўзал муковани яратган Жамшид Саъдиновга ва нашриёт ходимлари ниятига “Минг раҳмат!” дегинг келади.

Қайта тирилган шоирнинг “тўғрилигини, фидоийлигини, камгаплигини, камтаринлигини” кўрсатувчи ва Аъзам Ўктам (1960-2002) руҳиятини муайян даражада жонлантирувчи бу китоб замондошларимизни, айниқса, ёшларимизни инсонийлик йўлида тарбиялаши турган гап. У “...ҳақиқий инсон, ақидаси соф шоиримиз Аъзамжон Ўктамга бўлган ҳурмат рамзи” (Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф), шоирнинг порлоқ хотирасига, руҳиятига бағишланган дуодир. Шу боис, уни ўқиган киши покликка ташна бўлади, адолатга, ҳақиқатга меҳр кўяди, ўтганларни эъзозлашнинг зарурлигини тушунади.

Бироқ Аъзам Ўктамнинг “Кузда кулган чечаклар” (1990), “Кузатиш” (1990), “Зиёрат” (1992), “Тараддуд” (1994), “Икки дунё саодати” (1999), “Қирқинчи баҳор” (2000), “Осмон яқин...” (2010) шеърлий тўпламларига “Саҳар вақти юрак йиғлар” (2014)ни солиштирганда ажиб “кашфиёт”ларга дуч келасиз. “Адабий-маърифий нашр”нинг қусурларидан қалбингиз шунчалик озорланадики, уни кўз ёши тўкканингизда ҳам йўқота олмайсиз.

Гапни муқовадан бошласак. Китоб 2014 йилда босилганига қарамай, муқова ортида “ЎзМУнинг журналистика факультети” “ТошДУнинг журналистика бўлими” деб, “Туркистон” газетаси “Ёш ленинчи” деб ёзилганига, шоирнинг 2010 йилда нашрдан чиққан “Осмон яқин...” шеърлий тўплами қайд этилмаганига ҳайрон бўласиз. Сарварақнинг биринчи

саҳифасида шоир сурати ёнида унинг дилбар шеърларидан бири келтирилган. Шоирнинг “Йил йиқилар йилнинг устига” тирик сатри йўқотилиб, унинг ўрнига “Йўл йиқилар йўлнинг устига” деган киши ишонмайдиган, мантиқсиз, беўхшов сатр яратилган. Минг шукрки, шеърнинг охириги бандидаги сатр – шоирнинг топқирлигини кўрсатувчи мисра аслидай қолган:

*Қадам босиш тобора қийин,  
Умр кифтда. Қақшар устихон.  
Олга қараб юрганим сайин  
**Йил йиқилар йилнинг устига.***

Агар Сиз буларни майда хатолар десангиз, бу нуқсон йирикроғига йўл очади. “Сатрларнинг ортида, сатрларнинг сатҳида, унинг теран тубларида нелар борлигини барча ҳам идрок этолмаслиги” (Рауф Парфи)нинг яққол исботини кўрасиз.

Шоир ёзади:

Сув ҳидин келтирмас ҳеч **жойдан** шамол,  
Бели мурт қамишлар **йиғлар бош** чайқаб.  
Аразлаб **ётгандек** туюлди беҳол,  
Тўхтадим – ер бағрин **эзганим** пайқаб.

Нашриётдагилар шундай ўзгартирадилар:

Сув ҳидин келтирмас ҳеч **ердан** шамол  
Бели мурт қамишлар **бошини** чайқаб,  
Аразлаб **кетгандек** туюлди беҳол,  
Тўхтадим – ер бағрин **тилганим** пайқаб.

“Тор жойда томоша”ни кўринг: “жойдан – ердан”, “йиғлар бош чайқаб – бошини чайқаб”, “ётгандек – кетгандек”, “эзганим – тилганим” сўз ва сўз бирикмаларини солиштирсангиз, улар ташиган маъноларга эътибор қилсангиз, муҳаррир ва мусахҳиҳнинг ортиқча билафонлик қилиши шоирнинг ўзлиги йўқотилганига, шеър сифатига зиён келтирганига амин бўласиз.

“Жаллод хукмин ўқиди охир” сатри билан бошланувчи шеърда ўзбек халқининг аянчли қалби, хаста юраги очилади:

Ичга, ташга қарайман аста,  
Билмаяпман – ёвинг ким эди?  
**Шоир элим**, юрагинг хаста,  
Орол сенинг асарингмиди?!

Бу банд “Сахар вақти юрак йиғлар”да шундай берилади:

Ичга, ташга қарайман аста,  
Билмаяпман – ёвинг ким эди?  
**Шоир золим**, юрагинг хаста,  
Орол сенинг асарингмиди?!

Аъзам Ўктам ўзбек халқини “шоир элим”, дея ардоқлаб тургани ҳолда нашриётдагиларнинг ўзбекни – “шоир золим”, дейишлари қабоҳат-ку!..

Ёки бошқа бир мисол.

“Бизни қуршаб турган бу иқлим ажаб:  
На иссиқ,  
На совуқ... Бўлдим муқаддар.  
Бу бечораликка ўхшар жуда ҳам –  
Жангу **тафсилотсиз** бўлдик музаффар”.

Шоир бу шеърдаги сўнги сатрни “Жангу **талафотсиз** бўлдик музаффар”, - деб тўғри, асосли, мантиқли қилиб ёзади.

“Тафсилот” – иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва ш.к.нинг тафсили, майда-чуйда моментлари, деталлари” (ЎТИЛ, 2, 133-бет) маъноларини ташиша,  
“талафот” – урушда берилган қурбонлар, йўқотиқлар; йўқотиш, ажраб қолиш, зарар” (ЎТИЛ, 2, 111-бет) маъно оттенкаларини беради.

“Жангнинг майда-чуйда моментлари, деталларисиз музаффар бўлдик”, деб англаш, сезиш қаёқда-ю, “жангда қурбонларсиз музаффар бўлдик”, деб тушуниш қайда! Сўз устаси шоирнинг қадрини бунчалик ерга



уришга қандай қилиб журъат қилишганига ҳайрон бўласан. Нашр муаллифларининг сўз қадрига, поэтик асар қадрига етолмаганларининг белгисидир, деган ҳақиқатни айтмаслик мумкин эмас!

Бу китобни ўқиган одамлар Ҳазрат Алишер Навоийнинг сўзларини хотирга келтирадилар: “Чин сўз мўътабар, яхши сўз қисқа – мухтасар... Сўзи ҳисобсиз, ўзи ҳисобсиз. Сўзида паришонлик – ўзида пушаймонлик” дир.

Ҳа, бадий асар моҳиятини очишга хизмат қилмайдиган биронта сўз ишлатмаслик санъатини эгаллаган Аъзам Ўктамнинг ёзганларини адабий лақмаликларига алмаштирганларига, тўпламда кўплаб фойдасиз сўзларни қўллаганлари ва унга ўйсизларча ёндошганларига ҳайрон бўласиз.

Шоир “Талаб” асарида “Ёмон экан мактабинг, **қалбсиз** экан муаллим: Ватансиздир **халқининг** дардин айтолмаганлар!” деб ёзса, нашриётдагилар “Ёмон экан мактабинг, **ақлсиз** экан муаллим: Ватансиздир **халқнинг** дардин айтолмаганлар!” дея ўзгартирадилар. Ахир, ақлсиз – фикр юритиш қобилиятсиз, заковатсиз одам қандай қилиб муаллим бўлсин?! Шоир ёзганидек, қалбсиз – қалбаки, сохта, нопок, эгри, алдам-қалдам муаллим бўлиши мумкин. Бундай хатолар “Она тили – миллатнинг руҳи” (И.Каримов) эканини унутиш оқибатидир.

Нашриёт ходимларининг бу хил камчиликлари кўп, уларнинг ҳаммасини қайд этишнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки, “Бир қозон ошнинг таъмини билиш учун бир қошиқ учи кифоя”, деганларидек, юқорида айтилган учта мисол, бизнингча, етиб ортади.

Бундай ҳаммани “қойил” қолдириш нашрда давом этади. Иккита асар битта асарга айлантирилади, гўё алоҳида оламларни мажбурлаб бирлаштирадилар, икки оёқни бир пой этикка тикадилар:

“Азага-ку сўз йўқ” мисраси билан бошланувчи асарга “Куз. Кўройдин. Жим ўтирибман” шеъри қўшиб юборилади. Натижада шоирнинг оний туйғулари акс этган асарлардаги алоҳида ғоялар сабабсиз бирлаштирилади. Яхлитлаштирилган икки дунё (икки асар) ифोरини, мазасини, ҳидини, борингни, ўзлигини йўқотади:

Азага-ку сўз йўқ.  
 Тўй қилса –  
 Пахта ғамин ейди ўзбеклар.  
 “Мени термай ўйнашяпти деб  
 оғринмасин”, дейди ўзбеклар.  
 Сабр қилинг то тугагунча,  
 Кузда ўйланг фақат теримни.  
 Хуш кўрмайди қишлоқлар унча  
 Пахта термайдиган келинни.  
 Куз. Кўройдин. Жим ўтирибман  
 ўти ўчган ўчоқ бошида.  
 Ўтиргандек бўлурман гўё  
 сокин юрагимнинг қошида.  
 У кунларга қайтгим келади,  
 жимгина яшашга хушим йўқ.  
 Хаёлимда гулхан ловуллар,  
 кул остида милтирайди чўғ... (67-бет)

Кўряпсизки, тушириб қолдирилган вергуллар ҳисобга олинмаганда ҳам, кейинги икки бандли асар (ҳар банди тўрт мисра)нинг бандлари асосиз йўқотилган ва бошқа асарга ёпиштирилган. Бандларни кўшиб юбориш ўзбошимчалиги “Дала”, “Машқ майдонидаги ўйлар”, “Юпанч”, “Онам фотиҳаси”, “Чумчук”, “Ташхис”, “Жўнатилмайдиган хат”, “Гарангсираш”, “Тинчлантириш”, “Ибн Сино” каби кўплаб шеърларда яққол кўринади. Ҳолбуки, шеърятда банд мисраларнинг гуруҳланиб келишини, унинг изчиллигини ва такрорийлигини талаб қилади. Чунки, муайян асардаги мавзунинг асосий ғояси, мазмуннинг қирралари, бир оний кечинманинг хулосасини кенгайтириб, ёйиб, асослаб очиб берувчилик вазифасини банд ўтайди. Айти чоғда, банд бандлараро “сочилган” фикр ва кечинмаларни яхлитлаштиради; уларнинг ифодасидаги ўзигагина хос бирликни юзага

келтиради. Биргина жумла билан ифодаласак, банд инсонийлашади, образли воситага айланади, оханг жиҳатидан мисраларни уюштиради.

Нашрда вазнлар ҳам фарқланмагани – ажабланарли. Шоирнинг аруздаги асарлари бармоқ вазнига солинган. Ҳолбуки, арузда ритмнинг фақат бўғинлар миқдорининг сони билангина эмас, балки ҳар мисрага кирган бўғинларнинг узун ва қисқалиги билан ўлчанса, бармоқда мисралардаги бўғинлар миқдори ва унинг тенглигига асосланилади.

Шоирнинг “Баҳор қувнатмагай кўзни, ахир ҳеч гулларим кулмас”, “Битта дўстим йўқ менинг, ох, шу бўлдим тақдирим”, “Илк шеър” ғазалларини бармоқ вазнига солиб босадилар. Қуйидагидек:

Битта дўстим йўқ менинг, ох  
Шу бўлдим тақдирим?  
Айтиб-айтиб йиғламакдин  
Борму бўлак тадбирим?..

Хоҳласалар, ғазалдаги зарур бандни тушириб қолдирадилар. Жумладан, “Бу ёруғ юздан кўз олма, нурга буркайдур сени” (103-бет) матлали ғазалнинг қуйидаги тўртинчи банди шу “сиқув”га дучор бўлади:

“Қайда инсоф, қайда иймон, бўлса ҳолинг кул элим,  
Қорадур истиқболинг, мозий қаргайдур сени”.

Маълумки, “Ижодий жараён аслида ҳаққоний, яъни салмоқдор мазмунни ёрқин ифода этишга қодир шаклни ахтаришдан иборат” (И.Султон), уни топиш, кашф этиш доимо қийин кечади. Чунки, мазмун ва шакл ҳар бир асарда бетакрор тарзда уйғунлашадилар ва жонли бир “вужуд”ни – бадииятнинг аниқ бир фарзандини дунёга келтирадилар.

Бу қонун-қоидани етарли тушунмаганлар шоир яратган мазмун ва шакл уйғунлигини бузадилар. Ўнлаб шеърларнинг шаклини ўзбошимчалик билан йўққа чиқарадилар. Шоир ёзади:

Кўкдан ёғилган нурлар

Отамга дуо денглар.

Тунга ем бўлмагурлар,

Онамга дуо денглар.

Бу шакл нашрда ўзгартирилиб, бармоқнинг оддий вазнига мослаштирилади:

Кўкдан ёғилган нурлар,

Отамга дуо денглар.

Тунга ем бўлмагурлар,

Онамга дуо денглар.

Шоирнинг “Бетоблигимда”, “Гўдаклик ортда қолмишдир”, “Саҳар вақти юрак йиғлар”, “Яшин, дўллар раҳмсиздур”, “Қуш потраган мисол”, “Кўкдан ёғилган нурлар” мисралари билан бошланувчи асарлари ҳам худди шундай ўзгартиришга дучор қилинган.

Ўз-ўзини хурмат қилмасдан ўзгани поклаш, яхшилаш, тўғрилаш қийин. Аксинча, бу ўзгани айбдорлаш, ўзлигини йўқотиш, қадрини сохталаштиришга олиб боради.

Адабий-маърифий нашрда энг кўп учровчи нуқсонлар тиниш белгилари билан боғлиқдир. Ҳолбуки, “...тиниш белгилари... улуғ нарса, азизим. Тиниш белгилар фикрни бўрттириш, сўзларни тўғри таносибга келтириш ва жумлаларга енгиллик ва тўғри оҳанг бахш этишга яратилган. Тиниш белгилар – нотадаги белгиларнинг ўзи. Улар матнни маҳкам ушлаб туради ва сочилиб кетишга йўл қўймайди” (К.Паустовский. Олтин гул. Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967, 137-бет).

У ўз ўрнида ишлатилса, одамийлик касб этади, шоирнинг салоҳиятини тўғри ва асосли баҳолашга олиб келади. Инсонийлашганда одилона ҳақиқатни бўрттиради. “Яхшиям” шеърига бир нигоҳ ташлайлик. “Саҳар вақти юрак йиғлар”да шундай ёзилади:

Яхшиям биламан етти пуштимни,

Яхшиям туғилдим ота юртимда.  
Яхшиям болалар сен деб гапирмас,  
Яхшиям рафикам кўтармас кадах.  
Яхшиям сўз ўйнаб топмасман бойлик,  
Яхшиям биламан ҳалол меҳнатни.  
Яхшиям, бир куни ўлсам, дўстларим  
Карнай-сурнай чалиб, ичишмас арақ. (189-бет)

Асарнинг аслига қарасангиз, ҳар бир сатрдаги “Яхшиям” сўзидан сўнг вергул қўйилган. Нашрда эса еттинчи сатрда бу тиниш белгиси бўй кўрсатган.

Нашр билан шоир ёзганларини солиштирсангиз, икки хил оҳангга дуч келасиз. Шеърнинг аслида “яхшиям” сўзидан кейин табиий равишда келиб чиқувчи изчил пауза (билинар даражадаги сукут) оҳангдорликни, шеърга хос ритмикани юзага чиқаради. Айни пайтда, шеърдаги мазмун ва кечинма лирик қаҳрамоннинг мамнуниятини, шукроналигини воқе қилади. Ана шу ҳақиқат нашрда йўққа чиқарилади. Бундай ҳодисани нашрдаги шеърларнинг ярмидан кўпида учратиш мумкин.

Сўз ижодкори бўлиш осон иш эмас. Шеър ёзиш, қофиябозлик қилишга кўпнинг кучи етади, лекин шеър яратиш кудрати фақатгина талантга хосдир, халқ меҳрида ёнган оташ қалбларга, турмуш ва ҳаётнинг фалсафасини “чаққан” қалб кўзи очикларга, ҳаётини эзгулик учун курашга тиккан ва голибликни қўлга кирита оладиган мардларга, сўзни “оби ҳаёт” деб тушунганларга берилгандир.

Хуллас, ушбу тўплам шоир Аъзам Ўктамнинг жўшқин, содда, аниқ, нафис, ёрқин поэтик дунёсини борича юзага чиқара олмаган. Услубий, имло ва пунктуацион хатолар ҳалол меҳнат қилмасликнинг, саводхонликдаги ожизликларнинг оқибатидир.

Шоирга хос олмос сўзларни, томчида қуёш акс этганидек, ўзида бутун бир шеър оламини қамраган сўзларни тўла англаб етмасликнинг

натижасидир. Шоир рухий дунёсини менсимаслик, унинг туйғуларини мажрухлаш масъулиятсизлик иллатининг самарасидир.

Дарвоқе, бундай “мўъжиза”ни бугунги истеъдодли ва соғлом ёшларимизга тухфа қилиш инсофданми? Бу адабий нашр уларнинг маданияти ва маънавиятини юксалтирадими? Шоир ижодига ишқибозликни оширадими? Ижодкорларга, қалам аҳлига етук санъаткор бўлиб етишишларида ёрдами тегадими? Ёшларимизнинг бадий дидини, савиясини, тафаккурини бойтадими? Албатта, бу саволларга ижобий жавоб бериш қийин, жудаям қийин.

Амал-тақал қилиб тўплам яратиш, ундаги чаласаводлик, ўзибилармонликдан – бундай билимдонликдан билимсизлик афзалдир. Мақоланинг бошида ёзилган “Минг раҳмат!” сўзларини унинг охирида ўзгартиргим келди. Лекин ақлнинг бу ишини юрак йиғласа-да, қабул қилмади. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам “Асарни, шу жумладан унинг номини муаллифнинг шаъни ва кадр-қимматига зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи” белгиланган. Унда “Зарар етказилганда ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилиш, зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товонни тўлаши” кўрсатилган. Мақолада айтилган камчиликларнинг барчаси бу қонунга эътиборсизликнинг яққол кўринишидир. Шу боис, Аъзам Ўктам шеърлари тўпламининг тузатилган тарздаги қайта нашрини кун тартибига қўйса бўлади. Яна айтилмаган нуқсонларни ҳам йўқотиб, нашриёт тўпламини қайта чиқаради, деган умид туғилди. Нобель мукофотига арзийдиган шоир Рауф Парфи айтганидек, Аъзам Ўктамнинг қайта ўлиб, қайта тирилишига ишонч жонланди. Аллоҳга шукр! Вассалом!

Дилмурод ҚУРОНОВ,  
Андижон давлат университети  
профессори, филология фанлари доктори

## АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИ ҲАҚИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

### Аннотация

Мақолада Аъзам Ўктам шеъриятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Хусусан, унда Аъзам Ўктам шеърлари таҳлили орқали шоир бадиий маҳорати ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** оксюморон, постмодерн даври бадиий тафаккури ижтимоий муаммолар, бадиий ният, поэтик воситалар, шеър архитектуроники, тематик композиция.

Ҳаётга фавқулудда теран нигоҳ ташлай билган, ақл кўзи тийраклашиб, фикри ғоят кескирлашган одамгина энг оддий ҳақиқатларни, қайсики, ҳамма сўзсиз эътироф этувчи ҳақиқатларни тафтиш қилишга ўзида журъат топа олади. Ҳозиргина, Аъзам Ўктамнинг “Қирқинчи баҳор” тўпламига кирган, қирқ ёш чегарасида ёзилган шеърларини ўқиб ўтириб шу ўй келди ҳаёлимга... Назаримда, бунақа тафтиш қилмоқ учун дунёга тамом бошқа ўлчамдан, нима десам экан, икки олам оралиғидаги бўсагадан туриб, яъни ҳеч бўлмаса фикран бир оёғини боқий дунёга кўйган ҳолда фикрлай олмоқ керак. Қаранг, аслида, биз Аъзам Ўктам билан тенгдошмиз: дунёга атиги йигирма кунлар фарқ билан келганмиз, фақат, унга берилган умр қисқароқ бўлгани учунми, мезонлар ҳам ўзгачароқ: биздан кўра анча олдин етишиб қолган, фикри тўлишган, теранлашган экан, деб ўйладим. Зеро, унинг шеърларидаги кўп нозик нуқталар асрлар чегарасида, масалан, каминанинг ҳаёлига келган эмас, билмадим, ҳавойироқ эканмизми. Майли, шеърларининг улуғ зотлар диққатига сазовор томонларини кўя турай, уларни чинакам ҳис

этмоғимиз учун ҳали дил кулфларимиз очилиши зарурга ўхшайди. Шунчаки ақл билан, яъни қол аҳли ҳам англай оладиган томонларини олай.

“Лайлатул қадрдан кейинги кунлар” туркумига кирган шеърларда бу томонлари, айниқса, яққол кўзга ташланади. Туркумнинг илк шеъри мана бу:

Замон сенга боқмаса,

сен замонга боқ”

Бу гапни айтган-ов

замоннинг ўзи.

Мисралар синдирилганини айтмасак, икки қаторгина шеърда неча-неча замонлардан бери асл ҳақиқат ўлароқ амал қилиб келинаётган, яна халқ ҳикмати дея қадри баланд тутилувчи ақидага исён қилинаётир, унинг бешак ҳақиқат эканига шубҳа билдирилаётир. Холис айтинг: ҳамма ҳам шундай шубҳаланиб ўтирадимми?! Йўқ, кўпчилигимиз манфаатимизга мувофиқ келса, салмоқлаб-салмоқлаб айтаверамиз, тўғри келмаса, эсламаёқ кўя қоламиз: ҳа-да, матал анқонинг тухуми эмас, мосроғи қуриб кетибдимми?! Мақолни ўз фойдамизга мослаб тушуниш, фақат манфаатга мос келгандагина амал қилиш бизни мурасасоз қилиб қўйганини ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Ҳақ сўз ошиғи шоир эса бундай қилмайди, қилолмайди: мақолнинг замиридаги ақиданинг заиф томонини, у шу чоққача келтирган ва келтириши мумкин зиённи кўра олади – унга нисбатан ўқувчисидан шубҳа уйғотишга, кўзимизни очишга интилади. Тўғри, халқ тажрибаси катта, мақолу маталларда ўша тажрибанинг қаймоғи акс этгани ҳам бор гап. Бироқ ҳар қандай тажриба ҳам фойдалими, у ҳар қандай ҳаётий ҳолатга ҳам тўғри келаверадимми?! Шоир шу ҳақда ўйлайди, ўйлатади. Бежиз эмас, сабаби у миллатнинг тарихий бурилиш палласида шахс ва шоир ўлароқ шаклланган, ўзини “жадид” ўлароқ ҳис қилади. Шу боис аксар ёзганларида ҳолат ё нарса-ҳодисага тамом ўзгача ракурсдан қараш бор, шоир нигоҳи туйқус ўша ҳолат ё нарса-ҳодисани кўз олдингизда сиз шу чоққача кўрмаган қирраси билан намоён этади – ҳайрат туғиладики, бу – инкишоф ҳайрати, яъни “Ие, бу томонини ўйлаб ҳам кўрмаган эканман-а?!” дея беихтиёр ич-ичидан тан олиш бўлади. Мана, яна



битта, минг бора эшитилган ва ҳар гал тўғри дея бош ирғганимиз “Мақолга шарҳ”:

“Узоқнинг буғдойидан  
Яқиннинг сомони яхши”  
Агар буғдой эмас,  
Сомон ейдиган бўлсанг.

Аввало, оддийгина бу шеър Аъзам Ўктамнинг замона руҳ-кайфиятини теран ҳис қилиб яшаганига далолат қилади. Ҳа, биз кўп замонлар “Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши” деб, ўз қишлоғи, ҳатто маҳалласидан четга чиқишни-да фожиа деб билиб яшадик. Ҳа, ҳатто яқин-яқинларгача фарзандининг Тошкентда қолиб ишлайман дейиши ҳам ота-она учун худди катта бир йўқотишдек, шунгами, фарзанд ҳам бунга изтиробли ички курашларсиз журъат қилолмас эди. Ҳолбуки, дунё тубдан ўзгараётган, одамлар илм излаб ё ўз имконларини рўёбга чиқариш ниятида жаҳоннинг турли ҳудудларига дадил бориб яшаш, ўша жойларга томир ёйишни одатий ҳол деб била бошлаган эдилар. Ўзгарган дунё кайфиятини илғаган шоир юзага келаётган ҳолат моҳиятини шу тарз ғоят содда-тўпори йўсинда англатади. Тўғри, кимгадир қўпол туюлар: лекин “одам ўзини нимага лойиқ кўрса шунга сазовор бўлади” деган ҳақиқатни юртдошларга англатиш, уларни қитиқ патига тегиб қўзғатиш учун шундай йўл тутиш зарур ҳам эди. Яъни худди минг йиллар нарида болосоғунлик Юсуф бобоси:

Асл киши(лар) икки турлидир, кўргин,  
Бири – бег, бири – доно, кишилар боши.  
Бундан бошқа барчаси йилқи саналади  
Истасанг бунисини танла, истасанг бунисини, -

дегани каби. Муштаракликни қаранг: тахтни туркий сулолалар эгаллаган марказлашган давлатда туркий улусга билим нечоғли муҳимлигини англатиш учун Юсуф Хос Ҳожиб ўқувчисини “йилқи – одам” танлови қаршисига қўйганидек, Аъзам Ўктам ўқувчисини “буғдой ейдиган – сомон ейдиган” тоифалардан қай бирига мансублигини аниқлаб олишга

ундайди. Албатта, бу шунчаки ўхшашлик эмас, йўқ, бу – қонуният, зеро, иккиси ҳам – шоир, асл шоир эса эл-юрти учун муҳим паллаларда хотиржам бўлолмайдими, ёниб ва ёндириб яшайди, тўғри ва зарур гапни айтмай қўймайдими – ўзини ҳам, ўзгани ҳам аямайди.

Айтилганлардан Аъзам Ўктам халқ мақолларининг инкорчиси экан деган янглиш тасаввур ҳосил бўлмасин, йўқ, у бугуннинг гапини, бугун учун зарур фикрни халқ ҳикматларига асосланган ҳолда – гоҳ уларга ишора қилиб, гоҳ уларни ривожлантириб, гоҳ эса инкор қилиб ва, муҳими, жой-жойига етиб борадиган қилиб айтиш пайида бўлди, холос. Шоир айрим шеърларида мақол, матал ва ибораларни бир-бири билан мазмуний муносабатга киритиб, уларнинг ажиб чатишувида оригинал фикр-хулосаларни ифода этади. Унинг мақолларни қўллаши, тамсил қилсак, циркдаги жонглёрнинг коптокчаларни ўйнатиши каби: “Ҳаммаям қилиши мумкин!” дея ўйлайверасан-у, лол бўлиб томоша ҳам қилаверасан. Ҳа, жуда оддий, содда ёзилгандек, лекин шундай ёзиш шу чоққача бировнинг калласига келган эмас-да! Таъкидлаб қўймоқ зарур: бу шунчаки соддалик эмас, бадиий тафаккури ва услуби камолга етган ижодкорга хос соддалик, яъни юксак даражадаги соддалик. Мана, бир шеъри “Кўрга ҳасса” деб номланган, сарлавҳанинг ўзи – ибора, у шеър адресатига ишора қиладими, ўқиб бўлиб оқ таниб оласиз уни:

Солмаганман оғзимга талқон,  
кўрқаман одамдан кўрқишга.  
Хафа қилма - бепарво кулма,  
Синдириб ташласанг-да,  
Мендан ўпкала —  
Мен - ойнаман,  
сенинг башаранг қийшиқ.

Адресат – лирик қаҳрамон идеалига зид одам, яъни унинг “башараси қийшиқ”; аксига олиб, лирик қаҳрамон “оғзига талқон солган эмас”, яъни ўйлаганини очиқ айтадиган хилидан. Кўрамизки, бу ерда ибора билан мақол орасида мавжуд мазмуний зидлик реаллаштирилади, бир бутунликка – шеър

майдонига олиб кирилади. Натижада, худди икки қутбий заряд тўқнашганида учкун чиққанидек, оригинал мазмун рўёбга чиқади. Адресат – лоқайд одам, бепарво одам, у лирик қаҳрамоннинг гапига ҳеч қандай реакция билдирмай ўтавериши, ўз ишини бемалол давом эттиравериши мумкин. Лекин лирик қаҳрамон буни истамайди, яна мақолни тафтиш қилади “мендан ўпкала” дея хитоб этади. Сабаби, адресатнинг бефарқ бўлмаслигини, ҳаракатга келишини истайди, чунки ҳаракатгина ўзгариш, янгиланиш, тозариш гарови эканлигини теран англайди. Шу ўринда бу гаплар шоирнинг эътиқодидан келиб чиқиб айтилгани, бироқ бу эътиқод кўз-кўз этилмаётгани, фақат ифода этилган ўй-фикрлару хис-туйғуларга пойдевор бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Иккинчи мисрада – “қўрқаман одамдан қўрқишга” иқрорида эътиқод мужассам ифода топаётир. Бу – одамдан қўрқиб гапирмай туришга Аллохдан қўрқадиган одам иқрори, буни у кўксига муштлаб айтаётгани йўқ, шунчаки, айтиб ўтяти, чунки бу унинг учун ҳаётий аъмолга айланиб бўлган. Сираси, буни таъкидлаш керак, Аъзам Ўктам лирик қаҳрамонида исломий эътиқод кишиси билан замонавий инсон ҳеч бир зўракиликсиз, сунъийликсиз – уйғун бирлашадики, бу унинг шеърятига хос, эҳтимолки, энг муҳим ва марғуб жиҳатдир.

Аъзам Ўктамга хос услуб, ифода йўсини ўқувчидан диққат билан ўқиш, оҳанг товланишларига диққат билан қулоқ тутиш, зеҳният қувватини мазмун жилоларини илғаб олмоққа сафарбар этишни тақозо этади. Тамсил қилсак, ўқувчи шеърдаги ўй-фикрлар, хис-туйғулар оқимида шоир билан тенгма-тенг қулоқ отиши, яъни зарур пайтда этагини тутиб оладиган масофада бормоғи зарур, акс ҳолда, сувга бўқиши ва ё чўкиб кетиши ҳеч гап эмас. Мана, мисол учун “Ботир” деб номланган шеърини олайлик:

Тили узун, оғзи полвон,  
гарчи пайдо бўлди кечроқ:  
сал кечикди — ёв қочди.  
Дадил-дадил сўзлаётир,  
Фақат... кетган душманнинг

қайтиш эҳтимолин назарда тутиб.

Илк мисрада “тили узун, оғзи полвон” дейилади, мисра сарлавҳага зидланади – ҳеч бир даромадсиз асосий гапга ўтилади. Яхши биласиз, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикояларини тугунданок бошлаши, яъни ўқувчини ҳеч бир тайёргарликсиз ҳикоя воқелигига олиб кириб кета олиши ҳақида кўп айтилган. Аъзам Ўктамнинг “Ботир” шеъри ҳам композицион қурилиши жиҳатидан шунга ўхшаш: унда бошланма йўқ. Сарлавҳа билан илк мисрани қаршилантириш билан асосий конфликт рўёбга чиқарилди: зийрак ўқувчи “ботир” билан “тили узунлик”, “оғзи полвонлик” сифатлари мазмунан зидлигини, гап асло ботир ҳақида эмас, аксинча, шунинг даъвосида-ю, аслида даъвоси пуч кимса ҳақида эканлигини фаҳмлайди. Иккинчи мисрада “гарчи пайдо бўлди кечроқ” дейилишидан ўқувчи тушунишнинг тўғри йўлида эканлигига амин бўлади, учинчи мисрада “ёв қочди” дейилиши биланок “ёв қочса ботир кўпаяр” мақоли ёдига келади. Қаранг: шоир шунчаки фикр ифодалаётгани, яъни ўқувчига ўйидагини етказаётгани йўқ, у фикрни ўқувчи онгида изчил шакллантириб боряпти. Шеър ёзилган давр ўқувчиси, жумладан, Аъзам Ўктамнинг ўзи ҳам ёв қочганда кўзикориндай бодраб чиққан ботирларнинг жуда-жуда кўпини кўрган: шу умумий контекст асосида шоирнинг ўткир кинояси юзага чиқади. Шеърнинг давомида эса бу киноя янада ўткирлашиб, ижтимоий танқиднинг кескир тиғи “дадил-дадил сўзлагани” ҳолда кетган душман қайтиб қолиши эҳтимолини назардан қочирмаётган мунофиқларга қаратилади...

Дарвоқе, киноя посмодерн адабиётининг асосий хусусиятларидан бири эмасмиди?! Шундай, Аъзам Ўктамнинг давр билан ҳамнафаслиги, ижтимоий ва бадий тафаккурдаги силжишларни теран ҳис қилгани постмодернизмга хос жиҳатлар ижодида бўй кўрсатишига замин бўлган кўринади. Маълумки, анъаналарни инкор этувчи модернизмдан фарқли ўлароқ, постмодернизм анъаналарни ўзига сингдирган ҳолда уларга киноявий моносабатда бўлади. Кўриб ўтганимиз мақол-маталларга муносабатда шу нарса сезилмайдими?! Ёки постмодернизм хаос деб билган оламни ўйин тариқасида ўзлаштиришга

интилиши-чи?! Аъзам Ўктамнинг шеърларида ҳам киноя замирида қув нигоҳ, аксар жиддият ниқобини юзга тортганича дунёнинг ишлари ҳақида ўйиннамо мулоҳаза юритаётган одам кўзга ташланмайдими?! Назаримда, шундай ва бунга амин бўлиш учун “Мулойим хунук”, “Чумчук”, “Ваҳимачи”, “Ҳадикчига”, “Келин салом”, “Меҳмондўстлик”, “Муроса”, “Акстаъсир”, “Пешона” каби қатор шеърларни ўқиб-мушоҳада этиш кифоя қилади.

“Мулойим хунук” деб қўйилган сарлавҳадаги ички мазмуний-мантикий зиддият (оксюморон) шеър мазмун-мундарижасига мос. Шоир ниҳоятда жўн, ҳатто имзо деса кишининг ҳақи кетадиган имзо ҳақида сўзлайди:

Шуям имзо эмиш —  
бир эринчокнинг  
мудраб қоғоз тирнагани-ку...

Шундайку-я, лекин шоир шугина “ажи-бужи” ёзув қанча-қанча одамни “уйғонмайдиган қилиб ухлатиши” ёки “уйқусини ўчириши” мумкинлигини ҳам яхши билади. Кўриб турганимиздек, гап инсонлар тақдири битта имзо билан, шу имзо эгаси истаганидек ҳал қилиниши мумкин бўлган мустабид тузум ҳақида. Ғоят жиддий мавзу, ниҳоятда ўткир муаммо – шеър ёзилган давр учун эса янада жиддий ва янада ўткир! Лекин шоир шу ҳақда ҳам ўйнаб ёзади, сўзларни ўйнатиб, мийиқда аламли кулиб ёзади. Худди етказилаётган мазмун эмас, унинг қандай етказилаётгани кўпроқ муҳимдай тутади ўзини. Дарвоқе, риторикага – мазмуннинг қандай ифода этилаётганига эътиборнинг устуворлиги ҳам посмодернизмга хос эмасми?! Шундай. Жумладан, “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр” мақоли мана бу тарзда “ўйнатилган” куйидаги шеърда ҳам ифода бирламчи:

Бас қил, энди келмакда малол,  
Чекаверма бунчалар оҳ-зор.  
Учирмасдан туяни шамол,  
Эчки, сенга осмонда не бор?!

Шеър “Ваҳимачи” деб номлангани учун ўқувчи киноя объектини ҳеч адашмай таниб олади – уни ўз атрофидаги шу тоифа кишиларга, ҳар қандай

харакатда бир хавф кўришга ўрганган, ҳали йўқ хатар қаршисида бўйнини қисиб яшашга кўниккан ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилувчи одамларга қийслайди. Яъни шеър ўзининг миссиясини бажаради: шу тоифа кишилар тутган ижтимоий мавқега нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришга хизмат қилади. Зеро, бундайлар бир қарашда у қадар аҳамиятли эмасдек кўринадиган, лекин тараққиёт зарарига сездирмайгина бўлса ҳам муттасил ишлайдиган, бошқаларга “юқиши” жиҳатидан ғоят хавфли ижтимоий-рухий иллатдир. Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътиборни тортиш жоиз: шеърнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида айтилган бу гаплар матнда йўқ, лекин шеър ўқувчини биз айтганга ўхшаш хулосаларга бошлайди. Негаки, шоир ижтимоий муҳим муаммоларни санъаткорона йўсинда – образли тарзда тақдим этади, шунинг учун ёзганлари энг аввал сўз санъатининг вакили ўлароқ намоён бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ижодий етуклик белгисидир.

Юбилей баҳона ёзганларим Аъзам Ўктам шеърляти ҳақида айтилиши мумкин бўлган фикрлардан бир шингил, холос. Умид қиламанки, булар шоир ижодининг ўзига хос жиҳатларига ёш ҳамкасбларимиз эътиборини қаратарда, уларнинг шоир меросини жиддий ва кенг қўламда ўргана бошлашларига туртки бўлар. Зеро, постмодерн даври бадий тафаккури ва Аъзам Ўктам ижоди орасидаги муштарақлик, даврининг ўткир ижтимоий муаммоларини санъаткорона акс эттиргани, ўзига хос ифода йўсини, бадий ният ижроси учун поэтик воситаларни қўллаш маҳорати, шеърларининг ўзига хос архитектурони ва тематик композицияси каби биз бирозгина тегиниб ўтган масалалар махсус тадқиқ этишга лойиқ, улар ҳозирги ўзбек шеърлятининг поэтик хусусиятлари ҳақида аҳамиятли илмий хулоса ва умумлашмалар чиқаришга пухта асос бўла олади.

**Адабиётлар:**

1. А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1998. – 56 б.
2. А. Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Т.: Қатортол-Камолот, 1999. – 48 б.
3. А. Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: Абу Матбуот - консалт, 2011. – 160 б.
4. А. Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Т.: Мовароуннахр, 2014. – 304 б.

Қурдош ҚАҲРАМОНОВ  
филология фанлари доктори

## АЪЗАМ ЎКТАМНИНГ БАДИИЙ ОЛАМИ

### Аннотация

Маколада Аъзам Ўктам ижоди ҳақида сўз юритилади, хусусан унинг бадиий олами ёритиб берилади.

**Калит сўзлар:** эврилиш, маънавий инқироз, бадиий-эстетик талқин, мавзу, ғоя, башоратгўй мотивлар, образ, бадиий олам, ўзликни англаш.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллар охири саксонинчи йиллар шеърлятида эврилишлар даври бошланди. Айниқса ўтиш даврида рўй бера бошлаган ижтимоий-сиёсий ва маънавий инқирозлар нафақат одамлар дунёқарашда, айти пайтда бадиий тафаккурда ҳам акс- садо бера бошлади. Бу давр шеърлятида ижтимоий-маънавий, бадиий-эстетик талқинлар бирдек, уйғунлашган тарзда намоён бўла бошлаган эди. Халқнинг илғор зиёли қатлами онгу-шуурида ўзликни англашга кучли иштиёқ бўй кўрсата бошлади.

Бу жараён айтиқса ижодга энди қадам қўяётган бир гуруҳ ёш ижодкорлар, шу жумладан Аъзам Ўктам шеърлярида ҳам ўзига хос тарзда кўзга ташланади. Шоирнинг аксарият шеърляри давр ўзгариши билан уйғунлашган ҳолда, бақадамти битилганини кўрамиз. Унинг шеърлярида одам ва олам бош мавзу бўлди. Инсон қалб драмалари, руҳий олам эврилишлари икки асосга кўра – шоир бадиий тафаккури давр ўзгаришларига фаол муносабат шаклида шаклланди, шеър бўлиб қоғозга тўкилди. Айти пайтда ижтимоий борлиқдаги янгиланишлар, эврилишлар, баланд-паст пўртаналар лирик “мен” онгу-шуурида акс-садо берди ва бу

холат ҳам шеърий сатрларга муҳрланди. Мана шу икки асос шоирнинг лирик қаҳрамони маънавий оламини тўла-тўқис намоён этди.

Бинобарин, Аъзам Ўктам шеъриятининг хос хусусияти шоир туйғуларининг давр ўзгариши билан бирикиб, уйғунлашиб кетишида кўринади. Шоир ижоди билан танишарканмиз, унинг аксарият шеърларида тасвирланаётган қалб кечинмалари ташқи оламда рўй бераётган воқеликка муносабат сифатида намоён бўлишини кузатамиз. Бундай муносабат ҳеч шубҳасиз ўша йиллар шеърият майдонига кириб келган кўпгина ёш шоирлар учун муштарак холатлардан бири эди. Лирик кечинма билан фаол гражданлик туйғусини бир бутун ҳолда тасвирлаш ўша давр шеъриятининг етакчи белгиларидан бири ҳисобланади. Буни биз шоирнинг “Онамга”, “Андижон” каби шеърлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бир қарашда “Онамга” шеърида “йиғига ўхшаган табассум билан” она бағрига шошилаётган фарзанд туйғулари акс этгандек таасурот қолдиради. Лекин шеърни ўқиш давомида унинг маъно қатламларида кенгроқ, шоирнинг нафақат ижтимоий, балки ижодий-эстетик принциплари ҳам ўзига хос бадиий шаклларда ифодаланаётганига гувоҳ бўламиз. Шеърда шеър ва шоирлик, ватан ва ватанпарварлик ҳамда лирик қаҳрамон “мен”и қалбини нурлантираётган ишқ мотиви ўзига хос рангин бўёқларда тасвир этилади. Шеърда “сўзни минг кўйга солган” эмас, аксинча шеър деб ўзини минг бир қийноққа дучор қилганлар, шеър дарди, шеър ишқи билан ёнганлар ҳақиқий шоирлардир, деган концепция етакчилик қилади. Бу ўринда шоир ҳатто шодумон кунларнинг кўпайишидан ҳам норози. Шеър ва шоирликнинг такрорланмас ижодий жараён эканини шоир қуйидагича тасвирлайди.

Шоирмас сўзни минг кўйларга солган,

Шеърини деб минг кўйга тушганлар шоир!

Бир қарашда бу фикрларда шеър ва шоирликнинг ўзига хос жиҳатини ёритиш мақсад қилингандек туюлса-да, моҳиятан шеърият дарддан туғилади, деган маънонинг ўзига хос бўлган бадиий кўриниши сифатида баҳоланишга лойиқ. Бугина эмас. Шеърда нафақат шеър ва шоирлик, балки шоирликни



Ўзининг қисмати деб билган том маънодаги ижодкор шахсияти ҳам ўз тажассумини топмоқда. Шоир назнида бундай шахслар нафақат ўз кўнгли оламини, балки ҳаётда бўлаётган воқеа ҳодисаларга ҳам фаол муносабатини ифода этишлари лозим. Буни қуйидаги ўтли сатрларда баён этади.

Асаблар қакшайди дунёга боқсам –  
Ҳануз тўқнаш келар етимлар, туллар.  
Уруш ўчоғининг нафси ёмондир –  
Унга ўтин бўлар болалар, гуллар!...

Аъзам Ўктам шеърда фикрларни давом эттириб, шоир шахсиятини ватан деган муқаддас калом билан боғлайди ва юксак ватанпарварлик мотивларини илгари суради. “Биз ватанга керак, Бизларга ватан!// Яшолмасанг бутун ҳаётинг бекор – бир қалбда ишқ бўлиб, саодат бўлиб”. Кўриниб турибдики, шоир шеъри гарчи онага аталган бўлса-да, фақат шахсий ҳис-туйғулар билан боғланиб қолаётгани йўқ, яъни онага бўлган соғинч туйғуларинигина ифадалаётган йўқ. Балки онага бўлган эҳтиром воситасида шеър ва шоирлик, дунё ва ватан каби ижтимоий-маънавий мотивлар ҳам шеър моҳиятига сингдириб юборилади. Аслида ҳам инсоннинг тириклиги мана шундай яратувчанлик билан, қалбда ишқ деган туйғу билан яшаш завқида ўзлигини намоён этади. Шоир шеърларида ватанпарварлик мотивлари юксак пардаларда қуйланади. “Андижон” номли шеърда шоир туғилган юртга бўлган чуқур фарзандлик меҳри акс этади. Она юрт қадри баландлиги энг аввало, шу заминда яшаётган одамларининг инсоний сифатлари билан белгиланади, дейди шоир. Шеърда ўз туғилиб ўсган масканини улуғлар экан “Дунёнинг ҳеч қайси бурчида йўқдир // Йўқдир Куйганёр деб аталган маскан” деган таърифларни беради. Унга бўлган меҳрини қуйидагича чиройли сўз ўйини билан ифодалайди.

Мен ҳам бир куйган ёр бўлиб кетарман,  
Энди шўрлик кўнгил бир умр тўлмас.  
Воҳ, энди англадим – нечун бу юртдан  
“Анда жон қолди” деб кетмаса бўлмас!...

Шоирнинг маҳорати туғилган қишлоғи номини кейинга мисраларда сўз бирикмаси сифатида поэтиклаштириб, ёр ишқида куйган ошиқ тимсолини яратишида, Андижонни “Анда жон қолди” деган машҳур тарихий иборага айлантиришида кўринади.

Шоирнинг бу типдаги шеърларида халқимизга хос бўлган камтарлик, андишалилик ҳам характерли деталлар орқали топқирлик билан мисраларда битиладики, буни шоир бадий оламини кўрсатувчи истеъдод сифатида билан баҳолаш мумкин.

Кесмадилар эгилган бошни.

Оро кириб қолди,

Унинг жонига,

Ғилофдаги қилич - андиша.

Шоир шеърда халқимизнинг “Эгилган бошни қилич кесмас” мақолини поэтик шаклга солиб, унга ижодий ёндошиб миллат минталитетига хос бўлган андишанинг мазмунини ҳам кенгайтириб юборади. Андишанинг “ғилофдаги қилич” экани “эгилган бош”нинг ожизлигини эмас, балки куч-қудратини намоён этмоқдаки, бу контраст тасвир халқимизнинг яна бир ёвқур хислатини намоён қилишга йўналтиради.

Юқорида таъкидланганидек, А.Ўктам шеърларининг аксарияти ўзининг ҳаётий воқелиги билан, даврнинг қайси бир нуқтаси билан узвий боғлиқ ҳолда яратилганини кўрамыз. Шоирнинг иқрорномалари, ҳақиқатни баён қилишлари содда, самимий қалб туғёнлари ниҳоятда жонли ва табиий тарзда тасвир этилади. Шоирнинг “Юпанч” номли шеъри қизи Тўмарисга бағишланган. Шоир эндигина туғилган қизи олдидаги хижолатбозлигидан, уятли эканидан изтироб чекади.

Сендан жуда хижолатдаман,

уятлиман сенинг олдингда:

Ижара уй туғиласан, болам.

Биз мазкур шеърда қишлоқдан эзгу ниятлар билан илм-у ижод қиламан, дея келган ёшларнинг аксарияти бошидан кечирган манзаранинг

гувоҳи бўламиз. Ўн йиллаб ижара уйларда туриб катта шаҳарда ўз ўрнини топишга, уйли-жойли бўлишга ҳаракат қилган бу жамоанинг барчаси ҳам муайян вақт ўтгач шоирдек ростгўйлик билан ўз иқдорномаларини битавермайди. Шеърдаги Дуся хола ҳам ҳаммага таниш образлардан биридир. Ижарада яшаган жот борки, то ўз кулбасига эга бўлгунча, бу каби дусия холалар сабаб юрагининг бир чеккасида ҳадик билан яшагани ҳақиқат. Шоир ўз ватанида Дусия холаларникида ижарада яшашидан хижолат чекар экан, қизи Тўмариснинг ўзидан кўра эпчилроқ, журъатлироқ бўлишини тилаб куйидагича мурожаат қилади.

Айира оларсан ўз ҳаққингни сен,

Кечирасан отангни ҳам бемалол.

Ҳар нарсани тушунадиган,

Кенг феъллироқ бўлсанг керак,

Ижара уйда туғилган болам...

Бу мавзу шоирнинг бошқа шеърларида ҳам давом эттирилиб, даврга нисбатан ўткир айбномага айланади. Шу жиҳатдан “Воқеа” шеъри характерли. Шеърда ўтган асрнинг саксонинчи йилларида рўй берган ҳаётий воқеа – уруш йиллари Сталин қатағонига учраб Ўзбекистон келиб қолган татарларнинг ўз ватанларига қайтиши воқеаси асос қилиб олинади. Шоирнинг маҳорати шундаки, айти шу воқеадан ватан ҳақида ўзига хос поэтик маъно чиқара олади ва уни шўро даври фожиаларидан бири даражасига кўтаради.

Шеър воқеасини бегона юртдаги уйини сотиб, ўз заминига ошиқаётган одам қувончи билан ўз юртида шу сотилаётган уйда ижарада турган ва қиш фаслида янги жой топиш ташвиши билан ёнаётган лирик “мен” изтироблари тасвири ташкил этади.

Татар соҳиб ичар ўзин йўқотиб,

Севинчи қалбига ҳеч сиғмас, тошар:

Бегона элдаги ўз уйин сотиб,

Ўз юртидан бир жой олмоққа шошар.

Шеър якунида ҳар икки миллат вакилининг ҳам руҳини бирлаштириб, уларнинг ҳар иккаласини ҳам ўз юртида ватансиз қилган шўро сиёсати ва унинг йўлбошчиларига ҳукм ўқилиши баробарида бу юксак тушунчанинг кадр-қиммати хусусида поэтик хулоса чиқарилади:

Сўқдик Сталинни ҳеч аямасдан,  
Ичимиздан қайнаб келаверди сўз.

Куйладик:

“Нимадан бошланар Ватан?”

Сўнгра то тонггача

Юммай чиқдик кўз...

Шоирнинг “Халқимиз душманларига” шеъри ҳам юксак миллатпарварлик мотивлари чўлпонона ўтли мисраларда битилади. Шеърда “Пахта дея жон берадиган ўзбек”нинг дардлари бирма-бир баён этилади. Шеър ўткир фош қилувчи пафос билан ёзилган бўлиб, мазмунан саксонинчи йилларда миллатимизга қўйилган “Ўзбеклар иши”, “Пахта иши” каби айбловларга жавобат битилгани англашилади. Шеърда миллат душманларининг халқимизни “текинхўр”, “боқиманда”, “порахўр”, муштимзўр” дея аташларига жавобан “Меҳнаткаши бойлик йиғмаган”и, “меҳмонини кет, деб урмаган”и, “дарвозаси танба кўрмаган”и билан жавоб қайтаради. Айни пайтда энди миллат ғафлат уйқусидан уйғониб, ўз ҳақ-хуқуқини таниётгани, миллий мустақиллик учун курашаётганини куйидагича чўлпонона сартларда тўқади:

Ҳақ йўлида энди тинмаюр,  
Ёлғонларга учмас, кўнмаюр,  
Эгилади балки, синмаюр,  
Ўзбекларни кару кўр деманг.

Шоирнинг бир туркум шеърларида “мен”нинг сенга бўлган муносабати – мурожаати ўзига хос рангин бўёқларда акс этади. Бу типдаги шеърларда шоир истеъдодининг янги-янги қирралари намоён бўлади. “Сен – соғинч...”, “Севгилим...”, “Келмадинг...” деб бошланувчи шеърларидаги

поэтик маъно лирик қахрамон қалбининг беором кечинмаларини, шоир шахсиятининг мурасасиз ижтимоий-эстетик позициясини белгилаб келади.

Сен - соғинч,

Мен - ўтинч,

Қайдасан, Қўшиқ?

Висол - қуёш,

Бахт – қуёш,

Қалблар – дарчалар.

Армон – қора булут қоплаган осмоним.

Ушбу мисралардаги катта ҳарфлар билан битилган Қўшиқ ва Армон шоир ижодий позициясининг ядросини ташкил этади. Ушбу поэтик образлар лирик қахрамон қахрамон қалбининг поэтик тимсоллари ҳар қандай ғайирликларга мурасасиз эканини, яшаш ва ижод қилиш принципларини белгилаб беради. Булар моҳиятан юқорида кўриб ўтганимиз миллат душманларига монанддирлар, шу боис шоир қалби улар билан мудом курашда. Шоир ғанимларга қарата хитоб қилар экан, “хурлар ичра хур гулюзни севгилисини ўйлаётганда” ўйларига тўр солмасликни, Ўзбек булбули Шерали Жўраев куйлаётганда халаб бермасликни талаб қилади. Бундайларнинг тўнғизларин гул билан боқиб, фаришталарига шайтонлар дарс беришидан огоҳ этади.

Шоирнинг “Келмадинг...” деб бошланувчи шеърдаги Сен ҳам кўпмаъноли проэтик тимсолдир. Уни севикли ёр ёхуд илҳом париси сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Шунингдек, ҳақиқат ва адолат тимсолида ҳам қабул қилиш мумкин.

Шеърдаги ўтли рамзий армон – гулларини тиконлар, дилларини шайтонлар авраб, тўтилар булбулнинг устидан кулиб, бақалар товуснинг патини юлган паллада “мангу яшилликнинг қўшиғин тугал// куйлолмасдан жуворманг кетган сап сариқ хазонлар”, бир вақтлар садоқларини бўшатиб “нишонга бехато урган камонлар” ҳаққини талаб қилганда “мен” исён қилиш

ўрнига ширин хаёллар оғушида сархўш шеърлар битиб яна “не замон яшаш”нинг изтиробли армони акс этади.

Шеърнинг аввалида нақорат бўлиб келган

Кун кетди –

Мунг кетди –

Ун кетди”

мисраларининг якунда

“Кун кетар –

Мунг кетар –

Ун кетар –

Кун қолар –

мунг қолар –

ун қолар”

тарзида ўзгариши шеърда кун, мунг ва унга катта маъно юкланганидан далолат беради.

Умуман олганда, Аъзам Ўктам шеърларида шоирлик ва шоир қисмати масаласи доимо шоирни безовта қилган, ўзига, битаётган ҳар бир мисрасига катта мусъулият билан ёндашганидан далолат беради.

Юқорида келтирилган кўчирма башоратгўй мотивлар сифатида шоир қалбининг қўнғироғи бўлиб “Кун қолар, мунг қолар, ун қолар” жаранглаётгандек гўё. Шоир қалб тўғёнларининг мангу барҳаётлиги ҳам шундадир эҳтимол.

#### **Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... Шеърлар. – Т: , 2011. – 160 б.
2. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар... Шеърлар. –Т: , 2014. – 304 б.
3. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
4. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. – Тошкент: Муҳаррир, 2019. – 92 б.

**Салимахон МИРЗАЕВА,  
Андижон давлат университети профессори,  
филология фанлари доктори,  
Зилола РАҲМОНОВА  
мустақил тадқиқотчи**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада ўзбек адабиётининг ёрқин вакили Аъзам Ўктам шеърининг бадиий жиҳатлари хусусида сўз боради. Образлар ва лирик қаҳрамон тасвири, вежа-ҳодисаларга муносабат бадиий ифодалар билан сайқаллагани таҳлил орқали ёритилади.

**Калит сўзлар:** шеър, сатр, ифода, тасвир, миллий адабиёт, мумтоз адабиёт, ҳақиқат, поэтика, поэзия, образ, лирик қаҳрамон.

Аъзам Ўктам ижоди хусусида фикр борганда, миллий адабиётимизнинг ёрқин намоёндаларидан бири Рауф Парфининг куйидаги гаплари ёдимга келади: “Ўзбек шеърини боғидан Аъзам Ўктам дарахтини туйқус илғай оласиз. Бу дарахтнинг салқинларида, шамолларида неча бор йўқлик ва борлик ҳақида ўйлаганмисиз. Унинг кўзлари ўткир, кулоқлари зийрак, юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди. Дунёнинг аламли ғовурлари, аччиқ ғулувлари уни тез улғайтириб қўйган эди. Шоирни ичкин англаш, тушуниш ҳамиша оғир кечади. Сатрларнинг сатҳида, унинг теран тубларида нелар борлигини барча ҳам идрок этолмайди. Лекин биламизки, шеърини ёвузликка судраётган нафсга қарши курашади. Кичикни улуғлайди, катта кетгани ерга имлайди. Барибир ҳақиқатни айтади, айтаверади. Шеърини шунинг учун ҳам абадийдир...”

Мавзу доирасида сўз юритарканмиз, аввало, поэтик образлар бирор адабий муҳит доирасида шаклланиб, мукамаллик касб этишини қайд этишимиз зарур. Ушбу мукамаллик маълум вақт оралиғида анъанага айланади. Жамиятдаги инсонлар тафаккурининг ўзгариши билан поэтик образларда ҳам янгиланиш содир бўлади. Буни истиқлол даври адабиётида яққол кўриш мумкин.

Ўтган асрнинг сўнгги йилларига нигоҳ ташлайлик. Бу даврда шоирлар ижодида поэтик образлар соф дунёвий, миллий, ижтимоий асосга қурилганини кузатамиз. Шунингдек, классик адабиёт таъсири ҳам сезилади, яъни поэтик образларда эврилиш юз берди. Айни жараён Аъзам Ўктамнинг “Зиёрат” тўпламида кўринади. “Ошиқ”, “маъшуқа”, “рақиб” ва “дўст” образлари шоир поэзиясида янгича руҳ олди. Албатта, бу ўзгаришни шоир эътиқоди билан боғлаш мумкин.

Шоир шунчаки ёзмайди. У қалбидан тўкилганларини ўқувчига етказди. Яна қай йўсин? Шундоққина сўзни бадий жилваларга ўраб, сокин бир оҳангда моҳиятни юракка қуяди. Масалан, “Билмайман қайлардан изларам сени...” шеърини олайлик.

Билмайман, қайлардан изларим сени,  
Излаган, топганда не ҳам қилардим?!  
Бир армон қийнайди тунлари мени –  
Йиғлаб жанозамга келсанг, ўлардим...

Қаранг, аслида жаноза марҳумга ўқилади. Аммо муаллифнинг тани ўлгану, сийрати ҳамон излаганини кутаётир. Жанозасига келган маъшуқанинг ташрифидан сўнггина ўлмоқлик... бу чин илоҳий ишқ дебчаси эмасми? Ошиқ яна маъшуқасининг бахти учун курашади, усиз бахтли бўлишни истамайди, бироқ бахтли эканини кўриш ҳам азоб. Бу жараённи содда сатрларда битади:

Ўйласам, яқиндай туюлар само,  
Ёдинг борлиғимни ёғдуга белар.  
Истамасман бахтсиз бўларинг, аммо



Бахтли деб ўйласам, сўкингим келар.

Аъзам Ўктамнинг “Мужда” шеърида миллийлик, андишанинг сурати совчи образи билан ўқувчига теран етказилганини кўрамиз. Одатда, қиз бола бўй етгач, оилада ўз-ўзидан бошқача ҳурмат шакллана бошлайди. Қай маънодаки, суҳбатлар, муомала, кўни-кўни, маҳалла-кўй билан муносабатлар, ўзаро тортишувларда андиша устунлиги сезилади. Шоир айна даврни шундай тасвирлайди:

Бир-биридан тортинар ҳамма,  
Қалбда қай ҳис қиларкан хуруж.  
Ёқар зимдан берилган ҳамла –  
Дўстлик истаб очилган уруш.

Бўйнин қисар қимтиниб тандир,  
Пасайганин ҳис этар девор.  
Томни чертар тун бўйи ёмғир,  
Совчи келди бу уйга илк бор.

“Пасайганин ҳис этар девор” – шоир нимани ифода этмоқда? Истаймизми-йўқми кўшнининг, кўчадан ўтганнинг қулоғи совчи кузатар уйга қадалганини шу жумла билан тасвир этмоқда. Шоир шеърда совчи келган ҳовли тасвирини пейзаж ва деталлар орқали беради. Жонлантириш асосига қурилган бандда тандир бўйин қисиб қимтиниб туради, девор эса бу хабарни эшитиб анча чўкиб, пасайиб қолади, туни билан томни чертиб ёмғир ёғиб чиқади. Бу ғўзал тасвир орқали шоир илк бора совчи келган уйдаги ҳолатдан, уй соҳиблари кечинмаларидан мужда – хабар беради.

“У кетди...” шеърида эса ошиқ маъшуқасининг кетгани сабабидан боғлари шумшайиб қолганини, ҳатто минг хандон ғунчалар ҳам аллақачон тумтайиб қараётганини тасвирлаш орқали лирик субъект – ошиқнинг кечинмалари ва руҳий ҳолати тасвирини чизади. Банддаги пейзаж тасвири ва ғунча образининг ташҳиси (жонлантириш) орқали ошиқ ҳолатига мос фон яратилади:

У кетди... Боғларим қолди шумшайиб,  
Гунчалар тумтайиб қарайди менга.  
“Кетманг”, дея олдим айрилар чоғи,  
“Хайр!” деб бўлмасди ҳеч қачон унга.

Суюклисига “хайр” демоклик ҳам азоб. Умид юрагининг бир чеккасида милтиллаб туради. Ҳатто хаёлига ҳам озор бермасликни истайдию, аммо шум ўйлари қалбига ўқдек санчилади:

У кетди, кетди-ю, энди шум ўйлар  
Санчилаверади қалбга мисли ўқ.  
Ў, энди у менинг тушларимга ҳам  
Истаса киради, истамаса йўқ, -

Қаранг, содда, беғубор сатрлар билан айрилиқнинг гўзал ифодаси яратилган. Ортиқча сайқал йўқ, ортиқча бўёқдорлик йўқ, фақат қалбнинг овози эшитилади. Банддаги ўйларга “шум” сифатлашининг берилиши ҳамда унинг ўққа ташбеҳ этилиши эса ошиқ қалбига санчилиб, оғриқ бераётганлигини англатади.

Шоир бадииятида ярқ этган оташин оловни кўрамиз. Сўзга кўчган қалби, дарди, хаёли, армони ўқувчини бефарқ қолдирмайди, ўйлатади, ўйлашга мажбур қилади беихтиёр. Ногаҳон тизгинсиз бир ҳис юракни чангаллаб оладию, сатрларга сингиб кетади.

Аъзам Ўктам ижодининг яна икки фазилати хусусида алоҳида гапириш керак. У гоҳ халқ ижоди оҳангида қалам сурса, гоҳ мумтоз шаклларда, хусусан, ғазал жанрида бемалол қалам тебратган. Баъзи ғазалларида Чўлпон қаламининг таъсирини сезиш мумкин. Афтидан, шоир жаҳид шоирнинг ижодидан айрича илҳом олган:

*Ғаним рафторли дўстлар бор, ғанимлар дўстга ўхшайди,  
Надир ҳолинг демокликка гаразсиз бир мусулмон йўқ.  
Улуғ кунда улуғворлик билан ҳолингни?  
Сенигдек бу заиф халқдан  
меҳр кутгувчи йўқ...*

Аъзам Ўктам шеърлари маҳобатли, ҳикматли, изтиробли, ўйинли, ҳис-туйғуларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўқувчи унинг сатрларидаги тазодни, ташбеҳни, ирсоли масални, пичинг-кинояни дарҳол англайди. Унинг шеърларида “ўз” ва “ўзга”, “мен” ва “сен”, “бирова” жуфтлиги кўп қўлланилади. Лирик “мен”ни аксар ҳолларда ижодкор мени билан тўла-тўқис ёнма-ён қўйишда хатолик йўқ. Аммо “сен” ҳамда “бирова”нинг қўлами кенг. “Бирова” ортида ёр, дўст, душман, шогирд, устоз каби образлар ва ҳатто “мен” ҳам туради. У қўрқмас шоир эди. Жаҳди шижоати осмонча эди. Сатрларида шу манзарани яққол кўрамиз. Масалан, “Саломга алик” шеърида шундай дейди: *“Тураверар кериб кўкрагин, Аъзам Ўктам ўлар – эгилса”,* шу боис бировага қараб: *“Чип-э, бўлсанг кимнинг кўппаги, Пишт-э, кимнинг мушуги бўлсанг!” Мана, ҳақиқий жасорат!*

Шоирнинг поэтик оламини дунёқарашидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Собит дунёқараш ва эътиқодсиз адабиёт ўткинчи бўлганидек, назарий нуқтаи назардан унинг бадиий талқин мезонларида виждон софлиги, имон мустаҳкамлиги, ишқнинг қадри мудом устун туради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, шоирнинг қалб кечинмалари содда ва равон тилда баён этилган. Унинг жаҳду жасорати қалам билан тилга олганларида кўзга ташланади. Ҳақиқатга тик боқувчи, ҳақиқатни айтишдан ийманмайдиган ижодкорнинг маҳорати ортиқча бўёқларсиз тасвирланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1998. – 56 б.
2. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. – 48 б.
3. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
4. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. – Тошкент: Мухаррир, 2019. – 92 б.

**Баходир КАРИМ**  
**филология фанлари доктори, профессор**

## **АЪЗАМ ШОИРНИНГ ЎКТАМ ОВОЗИ**

Аъзам Ўктам ижоди, айниқса, унинг шеърляти тўғрисида ёзиш осон эмас. Сабаби – Аъзам Ўктам шахсияти, унинг шеърлари энгил, ўткинчи, навбатчи гапларга, ҳамма қаламкашлар учун ёзиладиган бир хилдаги босма қолипларга мос тушавермайди.

Гарчанд шоир номи Республика марказий газета- журналларида “Аъзам Худойбердиев” тарзида XX асрнинг 80-йиллари аввалида пайдо бўлиб, даврий матбуотдаги адабий-танқидий, тафсилий мақолаларда истеъдодли ёшлар қаторида кўп бора тилга олинган бўлса ҳам, ижодий йўлини, тадрижи ва янгиланишларини, ғоявий-поэтик оламини теран очиб берадиган махсус тадқиқий-илмий мақолалар ёзилгани йўқ. Ҳолбуки, Аъзам Ўктамдан адабиёт муҳибларига “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърлий тўпламлар мерос бўлиб қолди. Табиийки, булар шоирнинг бошқаларга ўхшамаган поэтик олами хусусида жиддий бир тадқиқот, тасниф, таҳлил ва талқинлар учун манба бўлиши аниқ. Дарвоқе, унинг ижоди фақатгина шеърлий асарлардан иборат эмас. Аъзам Ўктам кўпгина адабий мақолалар, “Хабар” номли қисса ёзди. Айрим публицистик асарларига “Низомиддин Латиф” имзосини қўйди. Шунингдек, таржимонлик, муҳаррирлик ишлари билан шуғулланди.

Бир мақола муаллифи шоирнинг (“Ёшлик” 2009 йил 5-сон) “Тараддуд”ига ишора қилиб: “Энг сўнгги тўплами кўлимда”, деб ёзган экан. Ҳолбуки, 1993 йилда босилган “Тараддуд”дан кейин шоирнинг 1998 йили “Икки дунё саодати”, 1999 йилда “Қирқинчи баҳор” китоблари чиқди. Чин ижодкорларнинг ўзига хос борлиғи, маънавий мезонлари, эстетик олами бўлади. Менимча, яхши ижодкорлар ҳақида ёзганда баимкони қадар рост

ёзиш, англаб, билиб ёзиш, номигагина ёзмаслик, рўйхат ё ҳисобот учунгина ёзмаслик керак.

Аъзам Ўктамнинг адабий шахсияти ва қиёфасини, истеъдодининг асосий қиррасини шеърий асарлари белгилайди. Бу шеърлар эгасининг мавқеини, обрўсини табиий равишда баланд кўтаради; яхши шеъргина шоирни абадиятга дахлдор қилади. Чунки бу шеърият эгасида ички бир мағрурлик, ғолибият сезилади; у бировларга ялтоқланишни, айниқса, ҳақсизлик қошида бўйин эгилишини ўзига эп кўрмайди. Аъзам Ўктам шеърлари ўзи каби анча ўжар ва одамнинг юзига, ҳақиқатнинг кўзларига тик қараб турадиган, инсон юрагига тез етиб борадиган самимий, жонли ижод намуналаридир. Биз шахсан таниган Аъзам Ўктам ёлғончи, ноҳақ, тубан, мешчан, кўзбўямачи, мунофиқ одамлар ва улар табиатида учрайдиган маънавий кирлар билан мутлақо муроса қилмайдиган инсон эди. Ҳақ гапни, дилидагини ўз ўрнида, асло кечиктирмай дарҳол айтишга, жуда бўлмаса, рамзий қочиримлар билан дард-аламини тўкиб, ичини бўшатишга, сўнгра мириқиб, беғубор кулишга, баъзан ҳатто калака йўли билан баландроқ чиқиб олишга имкон топа оладиган шоир эди Аъзам ака. Бир қарашда гўё қувноқ, ҳазилкаш, хушчақчақ одамдек, кўринса ҳам, аслида ичи дардли эди. Табиийки, бу оғриқ эл-юрт, миллатга, эркинлик, инсонийлик, иймон-эътиқодга доир эди.

Аъзам Ўктам шеърлари маҳобатли, ҳикматли, изтиробли, ўйинли, ҳисли; тазодли, ташбеҳли, ирсоли масалли, пичинг-кинояли... Унинг шеърларида “ўз” ва “ўзга”, “мен” ва “сен”, “биров” жуфтлиги кўп қўлланилади. Лирик “мен”ни аксар ҳолларда ижодкор мени билан тўла-тўқис ёнма-ён қўйишда хатолик йўқ. Аммо “сен” ҳамда “биров” нинг кўлами кенг. “Биров” ортида ёр, дўст, душман, шогирд, устоз каби образлар ва ҳатто “мен” ҳам туради. “Сўкмасман бировни, сўктирмасман ҳам, Берганиммас, тотган туз ёдимдадир”. Табиийки, ўзлигини англаган одам бировга туз беради; бировнинг тузини ейди. Лекин биров сўқмоқчи бўлса, сўктирмайди. Жаҳди, жасорати шунча. Устига устак: “Тураверар кериб кўкрагин, Аъзам Ўктам

ўлар – эгилса”, шу боис бировга қараб: “Чип-э, бўлсанг кимнинг кўппаги, Пишт-э, кимнинг мушуги бўлсанг!” (“Саломга алик” шеъри) таъбирларини бемалол айтаверади.

Аъзам Ўктам табиатига хос тўғрилиқ, қатъият, аския, ҳазилга мойиллик, ҳозиржавоблик каби хусусиятлар шеърларида ҳам мужассам топган. Аслида, сўзга эътибор, сўзида туриш, сўзини бировлар ихтиёрига бермаслик шоирнинг юксак маданиятидан дарак беради. Ортиқча гапириб қўйиш – хатарли. Инсон қалбан ҳидоят топган бўлиши мумкин, аммо ўринсиз гапириб қўйиш ёмон: “Тилим, қўрқинчларим сендан, Хатарли сенга эрк бермоқ” (“Ўтинч” шеъри). Айтилган сўз учун, қилинган амал учун ҳисоб бериш Куни “чиндан-да келиши”га, “Қаламларга тил битиб”, қоғозларга жон киритган Кунга ишонган ижодкор вужудини ҳақиқий кўрқув эгаллайди, ўзи ўзини доимо тергаб туради; ўзига маломатлар қилади: “Хато қилдим гапирган сайин”, дейди ёки “Ўзни не деб оқлагайман Сўрса улуғ айёмда?”, деб ўйга толади.

Ижодкор поэтик оламини дунёга қарашидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди. Собит дунёқараш ва эътиқодсиз адабиёт ўткинчи; назарий нуқтаи назардан унинг бадиий талқини мезонларида нуқсон бўлади. Улкан синовларга бардош бериб келаётган инсоният томонидан ижод этилган дунё адабиётининг дурдона асарлари шунга гувоҳлик беради. Аъзам Ўктам иймон-эътиқодли инсон сифатида юрагини қоғозга тўқар экан, ижоди учун адабий мезонни, чегараларни аниқ белгилаб олади:

Бир киши ҳолидан, Оллоҳ,  
Сақлагил, бергил амон –  
Ухлагай мўмин бўлиб ул,  
Уйғонур кофир бўлиб! ( “*Ҳар бало...* ” )

Бас қил эмди, ҳар сўзингда  
Битта таъна, иддао.  
Чунки миннат айламак ҳам

Бўлмас эмиш исломда ( “Тонгда эркин...” ).

Шоир ҳаётдаги аъмоли ва амалига мос келмайдиган гаплар билан сўзамоллик қилишни хуш кўрмайди; сўзни тежайди, ортиқча исроф этмайди. Айниқса, “Қирқинчи баҳор” тўпламига кирган шеърлар қисқа, лўнда, кам сўз билан кўп маънолар англатган, англатадиган дуодек мўътабар шеърлардир. Шоир наздида “Ёмғир – бу пичирлаб қилинган дуо”. Адабий – эътиқодий тафаккур иплари азалий илдизларга бориб тақалган Аъзам Ўктам шеърларидаги бундай бадиий санъатлар чин мусулмон инсонга хос тарзда жаранглайди: “Ариқдан сув ичиб турган ул қушлар – Оғиз чайқаётган муслимга ўхшар” (“Ўхшашлик”). “Эҳтиётсизлик” шеърида бир сўз ихтиёрсиз айтиб қўйиладики, шоир уни “Рамазонда ухлаб пешинда, Тушда оғиз очиб қўйгандек!” тарзда жуда оригинал ўхшатиш билан ифода қилади. Агар рўздор одам бир оз толиқса-ю, пешин маҳали ухласа ва тушда беихтиёр оғзини очиб қўйса, табиийки, ман этилган амал боис жуда ноқулай бир вазиятга тушиши мумкин.

Аъзам Ўктам шеъриятида мантиқ кучли, шиддат ва ўктамлик, лирик қаҳрамон руҳиятида улкан бир дард ва алам бор. Шоир наздида “Аламсизлар – қаламсиздир”.

Шеърларида мақол ёки маталлар, иборалар, халқона фразеологик бирликлар воситасида образ яратади. Баъзи ўринларда “Ҳаёт менга дўст эмас, ҳа, ёт”, “Оллоҳ, паноҳингга ол-л, оҳ”, “Кўпиртирди: Зиёли “Зиёли”га айланди” каби сўз ўйинлари учрайди. Сўздаги биргина урғу, нуқта, оҳанг, бўғин бўлиниш янги маъноларга олиб келиши табиий.

Маълумки, мумтоз бадиий санъатлардан бири қалб деб номланади; унда сўзлар ўнг ва тескари ўқилганда ҳам маъно беради. Луғавий жиҳатдан “ағдарилиш, ўзгариш, айланиш” маъноларни англатадиган бу бадиий санъатда сўздаги товушларнинг ўрни алмашади. “Ўйин” шеъри:

Дарада ҳайқирдим.

“Мен улуғ, улуғ!”

Қайтарилар:

“Ғулу”.

“Фол оч, - дедим, -

Келажакдан фол”.

Эшитилар:

“Лоф”.

Инградим:

“Оҳ, оҳ, оҳ”.

Гумбурлайди:

“Ҳо,хо,хо”. (“Ўйин”).

Шеърдаги “улуғ-ғулу”, “фол-лоф”, “Оҳ, оҳ – хо, хо” сўзлари фонетик ўзгаришга учраган ва ҳар икки ҳолатда ҳам маъно ифодалайди.

Шеъринг мисралардаги: “Оҳ уриб, дод дедим ичим ёнган дам”, “Қўзғалдим, томирда тирилди исён”, “Ўв, кимларни йиғдинг ёнингга”, “Шартта юлиб берай, қон юрагимни”, “Шарт гувраниб ўрнимдан турдим” каби туйғулар шоир табиатидаги жаҳдни, шиддатли руҳий ҳолатни намоён этади. Сокин ва хотиржам маҳалида ўша ҳолатларни қўмсайди: “Қани, қайда қолди кечаги жаҳдим”.

Аъзам Ўктам ўзига хос шеъринг услубга эга шоир. Шунинг учун уни бегона биров билан адаштириб бўлмайди. Шу боис унинг шеърлари ўзидан бошқа ҳеч кимга ўхшамайди. Шунинг учун шеъринг мисралардан шоирнинг ўктам овози келиб туради: жиддий, салобатли, индивидуал, ижтимоиятли, кутилмаганда, фавқулодда ва тағдор, тағзаминли. Баъзан ўйинга солинган ва кинояли, аммо маънодор:

“Тилингизда ўша хушнаво,  
Қўлингизда ўзим билган соз.  
Танимайроқ турибман аммо,  
Янгарганга ўхшайсиз бир оз.  
Иқболингиз тағин ҳам кулсин,  
Бошингизда сўнмасин шуъла.  
Аравангиз муборак бўлсин,



Қуллуқ бўлсин янги ашула. (*“Табрик”*)

Шакл изланишларидан тажрибалар қилинган шеърлари ҳам бор:

Гирдобига тортар ўжар саволлар

Асли нега келдим

Кетмайман нечун

Қаёққа борардим кетганда

Не қилиб юрибман

Мен кимман ўзи

ўзи кимман Мен

юрибман Не қилиб

кетганда борардим Қаёққа

нечун Кетмайман

келдим нега Асли

ўжар саволлар тортар Гирдобига (*“Айлана”*)

Шакл эътиборидан доирани эслатадиган ўзига хос бу шеър. Икки “Гирдоб” оралиғига жойлашган матн. Шеърнинг битта мисрасидан бошқа ҳаммаси саволли. Бу саволлар доимо хаёлда кезиб юради. Бошидан ўқиб борилганда ҳам, оёғидан ўқилганда ҳам айлана – ўжар саволларнинг гирдобига тушасиз. Аммо бу саволлар оддий эмас. “Мен кимман” – борлиғи тоза, қалби бутун, иймонли одамнинг саволлари. Кимлигини англаган, ўз вужудига назар ташлаган одам Яратганни танийди. Кимликни англаш, ҳаёт мазмунига, келиб-кетиш моҳиятига етиш мотиви Аъзам Ўктам шеъриятида муҳим ўринни эгаллайди. “Англаб боқурмиз атрофимизга: ким эрдик, ким бўлдик, ким бўлурмиз биз?” “Ўз ҳолин билмай шод” юрган бировлар – “шўрликлар”дир. Дунёнинг ўткинчилигини, бир лаҳзалик, уч кунлик, беш кунлик “бу умр барибир боқиймас”лигини шоир яхши англайди, англантишга интилади. “Жимгина яшашга хушим йўқ” деб шиддатланган шоирни кўпинча “ҳаётдан мақсад нима, нега яшаяпман, умрнинг аввали не, охири нима билан тугайди” каби жумбоқлар ўйлантиради.

“Тараддуд” тўпламида “Бир кун”, “Бир тун” деган зид сарлавҳали хажми катта иккита шеър бор. Аъзам Ўктам унда умр мазмунига, қалбига, теграсига, дўстларига, устоз-шогирдлар, катта-кичиклар холига, энг муҳими, ўз-ўзига қайта-қайта назар солади.

Тонг яқин!  
Узун кун бошланар шу зум,  
Тонг – бу – қора тунга бўлур ниҳоя.  
Ўзингдан керакдир ўзингга хужум,  
Ўзингга керакдир ўздан ҳимоя.

“Бу кун” шеъри шундай якун топади.

“Бир тун” да ўзликка теран назар билан тазурру кайфияти устиворлик қилади:

...Вужудим соғломдир, бироқ дил майиб,

Қилт этгим келмаюр, турарман шундай:  
Биров салом, деса кундек жилмайиб,  
Хайр, дегим келар хўмрайиб тундай...

Зиддиятларга тўла ҳаётни равонлаштириш, зиддиятларга тўла дунёни сокинлаштириш, ҳаловатда турмуш кечириш инсоннинг ўзига боғлиқ. “Муслимман, деярга сиғмайди ҳаддим, Кофир номидан-да ор қиламан ор...” – Бир олам зиддиятлари, кўнгил қолишлари оқибатида лирик қаҳрамон Яратганга юзланади:

“Ё раб, тили аччиқ бир бандадирман,

Йиғламоқ ўрнига эрта-кеч кулган..”

“Кимники сўкибман – яхши бариси,

Мен ўзим ёмонман, йўқ мендан ёмон.

Пичингга тил бурмам бундан нарисси:

Сўкиб бўлмас сенинг халқинг-ку инсон.

Кўп нодон эканман: ахир сен бор-ку,

Бўлмасми ўзигга ҳасратим айтсам,

Ғамхўрим бир ўзинг Парвардигор-ку

Ҳар не бўлай энди ҳақ йўлдан қайтсам...”

“Бу тун” икки ракатли бомдод намозининг шеърга тушган тафсили билан тугалланади. Шеър шоир ижодий меросидаги дастурий асарларидан бири. Аъзам Ўктамнинг адабий эстетик борлиғини, шеърлятига хос хусусиятларни биргина шу шеъри воситасида ҳам тасаввур қилиш қийин эмас. Шеърда лирик қахрамон руҳияти, кайфиятига мос, соғлом - майиб, салом-хайр, жилмайиб -хўмрайиб, муслим - кофир ва бошқа тазодлар кўп қўлланган. “Маломат” (“Кулгали куч беҳисобдур, Йиғламоқ одат эмас”), “Наслига тортиш” (“юксалди-ку пасткашлар”), “Коса тагида нимкоса” (“иссиқ-совуқ, ёз-қиш”) каби шеърлари умуман шу бадий санъат асосига қурилгандир.

“Қиркинчи баҳор” да “Ҳаракат” сарлавҳали мансур шеъри берилган:

**“Қаршилиқ. Қамоқ. Қийноқ. Қасос. Қин. Қилич. Қалқон. Қуюлади қон қайноқ. Қаттол, қаттиқ, қатағон.**

**Ўлар. Ўқирар. Ўйлар. Ўпирилар. Ўртанар. Ўнгланар. Ўқир. Ўйнар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар.**

**Қувонч қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим қудрат қайтади қачон, қачон, қачон?**

**Олиш. Отиш. Ободлик. Оғир ожиз оламга. Омонлигу озодлик омонатдир одамга.**

**Нотиклар номард, нокас. Нечун нолиш, насиҳат? Нажот — норози нафас. Нафрат - насиба, неъмат.”**

Бундай талотўп замонларда инсон ҳаётида дуч келиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар ва тушунчалар жамланган. Сажъ, аллелерация, такрор учун шоир махсус сўзларни танлайди. Бунда бевосита сарлавҳа моҳиятини мазмунан таъминлайдиган бир маромдаги ҳаракат ҳам, айни чоқда, ҳаракат сабабчиси бўлган ўзаро зиддиятлар силсиласи ҳам бор. Энг муҳим қирраси бундай ҳаракатдаги сўз ўйинидан, аниқроғи, сўзларнинг бош ҳарфлари йиғиндисидан “Қўқон” сўзи пайдо бўлади. Мансурада шу

кадим шаҳарга хос хусусият жамлангандек таассурот қолдиради. Ҳақиқатан, агар бу тарихий ўлканинг ўтмишига назар ташланса, қирғин-баротлар, катағон замонларда не-не номардлик сотқинликлар бўлгани хаёлга келади. Ўша машъум катағон даври остонасида турган шоир Абдулҳамид Чўлпон бу ўлкага хитобан “Эй гўзал Фарғона, қонли кўйлакингдан айланай. Тарқалиб кетган қора ваҳший сочингга боғланай” деб ёзган эди 20-йилларда. Аъзам Ўктам шеъридаги руҳ ана шундай ижтимоий пафосга эга. Эрксевар Чўлпон калби, умуман, бу тоифа шоирлар занжирли муҳитларга сиғмаслиги боис кишанларга хурликни қарши қўяди. Шунга монанд Аъзам Ўктам ҳам 80-йиллар охирларида “Қизимга ҳасрат” шеърида: “Кишан билакузук эмасдир, Тумор”, деб ёзади. Бошқа ўринда яна шу образни қўллаб таъкидлайдики: “Шайтон қанча бермасин пишанг, Бўсағадан ҳатлатмас ахир – Пойимдаги у кумуш кишан, Бўйнимдаги бу тилла занжир!” “Чўлпон” шеърида: “Кишан шақирлашдан бошқани билмас”, дейди. Дарвоқе, Чўлпоннинг адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул томонидан қайта нашр тайёрланиб чоп қилинган дастлабки “Баҳорни соғиндим” шеърий мажмуасининг муҳаррири Аъзам Ўктам эди.

Шу ўринда Чўлпонга ихлосли Аъзам аканинг бирорта адабиётшунос томонидан айтилмаган, фақат шоирларгина илғаб оладиган бир мулоҳазасини эслаб ўтишни истар эдим. Бир куни учрашиб қолганида Чўлпон шеърларининг яхлит бир бутунликдан таркиб топгани юзасидан сўз очиб дедики: “Чўлпоннинг истаган бир шеърини исталган бир шеърининг давоми ёки оралиғига жойлаштириб ўқиш мумкин, ундаги мантиқ бузилмайди”. Назаримда, бу фикр ўз исботи билан радио тўлқинларида ҳам жаранглади.

Аъзам Ўктам шеърларида фикр ва ҳис-туйғу ўзаро уйғунликда ижтимоий-фалсафий кўлам ҳосил қилади. Унинг битта шеърини тугал тушунтириш, талқин ва таҳлил қилиш учун истайсизми-йўқми деярлик ҳар бир сўзи, мисраси устида мулоҳаза юритиш лозим. Масалан “Алдаманг, устоз!” деган ихчам бир шеърида ёзади: “Сиз менданки Тортинмадингиз, Аниқ – уялмайсиз Тангридан асло”. Тўрт қаторга жойланган бу матн бор-

йўғи еттита сўздан иборат. Аммо унда қизиқ бир фикр ва туйғу мужассам. Норизо инсон юрагидаги алам ҳислари ифодаланган. Бундаги пафос нафосатдан кўра ҳақоратга яқин; кўнгли ўксиган шоирнинг аламдан чиқиш учун ёзган етти дона сўзи, устозидан кўнгли қолган бир кимсанинг дарди, алами бу. Бунинг қофияси йўқ, вазни ва оҳанги ҳам ўзига яраша. Аммо бунда амали сўзига мувофиқ келмайди дея тасаввур қилинаётган кимсанинг ғаройиб сувратига ихчам бир чизги намоён. Фикр ва туйғуларнинг теран ифодаси учун кўп ҳолларда узундан узун достонлар ёзишга зарурат йўқ, албатта...

Теран ёзиш учун теран бир тасаввур ва тафаккур лозим. Олимлардан бири айтадики: “Лойқа, мужмал тасаввур қилинаган нарсалар, тусмоланиб ёзилади”. Аъзам Ўктамнинг азалий, миллий кадриятлар тўғрисида ёзган “Изоҳ шарт эмас” шеърда теранлик бор. Сал хомушроқ юриб, дўппи ёки чопон кийган одамга бировларнинг бошқачароқ қараган замонлар бўлди. Шу воқелик акс этган шеърнинг охири ҳам теран маъноли: “Кимдир ўлар, нимадир бўлар Ўзбек қайтса асл ҳолига!”

Ижодкор ўз маънавий дунёсини, чинакам ботиний қиёфасини, тоза борлиғини ёзмаса, ёлғон ребуслар тўқишга, ўзидан фаришта яшаш йўлига ўтиб олади. Шоир шеърларини ўзидан, “мен”идан айириб талқин қилиш қийин. Шеър ҳар кимга турлича таъсир кўрсатади, одам уларни турлича қабул қилади. Бундай завқни талқин қилишнинг ҳам ўз гашти бор. Шеърнинг таваллуд айёмини, кимга бағишлангани, қачон, қандай шароитда нима учун ёзилганини аниқлаб, биографик йўсинда таҳлил қилиш ҳам адабиётшунослик тажрибасида мавжуд усуллардан бири, албатта. Лекин Аъзам Ўктамнинг ўғил-қизларига, устозлари ёки яқинларига бағишлаб ёзган “Қизимга ҳасрат”, “Тўмарис билан суҳбат”, “Юпанч”, “Воқеа”, “Мактуб. Қодир Деқонга”, “Азон”, “Талаб”, “Низомиддинни уйғотиш” каби шеърларининг адабий-эстетик кўлами кенг.

Аъзам Ўктам шеърлари, насрий ва публицистик асарлари моҳиятига оят, ҳадис ва ҳикматларни сингдириб ёзди. “Ҳақ сўзни битмакка сарфланган сиёҳ

Жангда томган қондек қадрли бўлар!” Яна бир шеърида: “Бугун тонгда негадир отам Қараб кўйди норизо бўлиб” дейди. Отани норизо қилиш кўнгилни бесаранжом этади. Бу ўринда отаонанинг розилигига оид ҳадис ёдга тушади. Дарвоқе, Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” (1998) китоби Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган қирқ тўртта ҳадиснинг шеърий талқин ва изоҳларидан таркиб топгандир...

Аъзам ака “Хабар” номли қиссада (“Шарқ юлдузи” журнали, 1995 йил 1-2 сон) XX асрнинг биринчи чорагидаги алғов-далғовларга, ўзгариш ва таҳликаларга тўла давр воқеаларини қаламга олади. Шўро идорасининг кириб келиши, номигагина ўтказилган сайловлар, бойлар, босмачилар ва ниҳоят, Акрам каби тозалик йўлида жон куйдириб, динни бидъат-хурофотдан тоза кўриш ниятидаги йигитларнинг интилишлари – барча-барчаси қиссада покиза назардан ўтказилади. “Хабар”да Акрам, Тавфиқбек, Нуриддин қози сингари турли тоифа кишиларининг қиёфасини, ички ва ташқи оламини бир мунча теран тасаввур этиш мумкин. Асарда тифизлик бор, воқеа-ҳодисалар жуда ихчам-мухтасар баён этилган. “Хабар” қиссасининг якунида Акрам Тавфиқбекка хат ёзиб эл-юрт шўролар кўлига ўтгани хабари берилади. Сарлавҳадаги “Хабар”нинг бир сабаби шу. Иккинчидан, айти мактубда Қуръони каримнинг “Набаъ” – “Хабар” сурасининг сажли-гўзал таржимаси келади. Сура моҳияти қисса мазмунига қайсидир маънода боғлиқ.

Аъзам Ўктамнинг “Ҳидоят” журнали ҳамда “Мусулмонлар тақвими” китобида босилган “Кўзи боғлиқ қуш”, “Мазмуни очилмаган...” шеър эмас”, “Шайтонни таниб олинг, болалар” каби адабий таҳлил ва тақризлари, “Гапнинг индаллоси”, “Ўйнаб гапирсанг ҳам...”, “Беайб Парвардигор” каби ихчам публицистик мақолалари ўз вақтида мухлислар эътиборини қозонган эди...

Аъзам Ўктам бир шеърида: “Ўлим деманг, ўлим ўлсин! Ўйнаб-кулиб юзга тўламан”, деб ёзган эди. Шоирни ўлган деманг, азизлар, “ўлим, ўлсин!” Аъзам Ўктам бугун элликка тўлди.

Аъзам Ўктам “ўйнаб-кулиб” юзга ҳам тўлажак!

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети доценти,  
филология фанлари доктори

## АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИНИНГ УЧ АСОСИ

### Аннотация

Мақолада Аъзам Ўктам шеърияти учун замин бўлган уч асос: ислом маърифати, Ватан ва миллат дарди, муаллиф шахсияти шоир шеърлари таҳлил ва талқинлари орқали ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий муҳит, ислом маърифати, миллий ўзликни англаш, шеърият, бадийий маҳорат.

Аъзам Ўктам, адабий жараёнда Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфилар анъаналари янгиланаётган, янгилашиш йўлига кирган бу шеъриятни жиддий бир “хавф” кутаётган, сертахлика 80-йилларда шеърият оламига кириб келган.

Бу қандай “хавф” эди?

Аъзам Ўктамнинг илк шеърлари “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”да эълон этилган 80-(аниқроғи 1983 йил) йилларда собиқ совет иттифоқи сарҳадида, айиқса, Болтиқбўйи республикаларида миллий ўзликни англаш муждалари кўрина бошлаганди. Бу пайтларда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфилар шеърияти айна ижтимоий дарднинг ички, рамзий оҳанглари таратувга тушган эди. Орадан икки-уч йил ўтмай “қайта куриш” ҳақида гап-сўзлар чиқди. Кейинги авлод шоирлари ижодида нисбатан оммабоп, очиқ ижтимоийлашган шеърият урфга кира бошлади. Асл шеър анъаналари ўз ўрнини ижтимоий дардга бўшатди. Айна жараён, сўзсиз

ижтимоий эҳтиёж, айна пайтда, “асл шеърият” учун катта хавф эди. Аъзам Ўктам шеъриятининг илк даври мана шундай “хавфли” кунларга тўғри келди. Бу хавф адабий жараёнда суяги қотган шоирлар учун у қадар кўрқинчли бўлмаса ҳам, ёш шоирларга чакана таҳлика солмасди. Қизгин адабий жараён, даврнинг кескинлашаётган ижтимоий руҳи, бошловчи шоирларга хос жўқинлик, шижоат “ижтимоий шеърият” тўрига илинишнинг юз фоизлик гарови эди десак, муболаға эмас. Ўша кунларда оммани тўлқинлантирган, бир думалаб “юлдуз”га айланиб қолган, минбарлардан минбарларга ўрлаган ёш (баъзи бир каттароқ авлодларга мансуб) шоирларнинг ижодий тақдири бунга далил.

Тўғри, ўша кунлар учун ижтимоий шеърият керак эди. Ҳозир ҳам керак. Аммо ҳеч бир ижтимоий дард, у нақадар теран ва долзарб бўлмасин, асл шеър асосларига таъсир ўтказмаслиги лозим. Зотан, ижтимоий шеър ҳамма замонларда бўлган. Шеъриятнинг ўта чуқур ва халқона дарди ҳам аслида ижтимоий муаммолардан туғилади. Аммо йирик истеъдодлар мана шу улуғвор дард учун асл бадииятни қурбон қилмайдилар. Аксинча, теран дардлар оҳанги ила бадииятни юксалтирадилар. Ўртамиёна шоир эса бу дард моҳиятини жўнлаштирар экан, аввало, омма бадиий дидини ўтмаслаштиради, бу ҳам етмагандек жўн ижоди билан оламон қаҳрамонига айланади...

Аъзам Ўктам шеъриятга кириб келган даврнинг асл адабиёт учун солган хавфи мана шунда эди. Бироқ Аъзам Ўктам бундай муқаррар хавфдан омон қолди. У пайтлар ёш бўлишга қарамасдан “асл шеърият” йўлига туша билдики, бизнингча, бу омон қолишнинг учта ўлмас асоси бор эди.

Бирламчи асос ислом маърифати бўлиб, гарчи Аъзам Ўктам кўчилик қатори советлар замонасида туғилган, совет мактабларида таълим олган бўлса-да, унинг оилада олган тарбияси, аждодлар анъанасига содиқлиги, фитратан тозаллиги илк шеърларидаёқ ўз аксини топган. Кейинроқ эса қатор исломий руҳдаги шеърлар, “Икки дунё саодати” каби туркум асарлари дунёга келди. Уларда мўъмин кўнгли билан ҳис этилган, мусулмонча фикрлайдиган шахс туйғу ва дунёқараши акс этган. XX аср ўзбек шеъриятида кўринган



бундай мавзу, мазмун ва лирик талқин кўпдан кутилган янгилик эди. Бу янгиликни ўз даврида кимдир пайқамаган, бошқа бировлар кўриб кўрмаганга олган бўлсалар, асл маърифат эгалари, ислом маърифати, ҳаёт тарзини яшаётганлар дарҳол англадилар, муборакбод этдилар. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг: “Юртимизда шараф билан ўтган шоирларнинг ҳикмат тўла шеърлари доимо қадрланиб келган. Улар ўз шеърларининг ҳикматга бой бўлишига Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Инна минаш шеъри лаҳикматан», ҳадисини шиор қилиб олганлар... «Тараддуд» (Аъзам Ўктамнинг илк тўплами – У.Ж.) китобидаги шеърлар диний мавзудаги бошқа шеърлардан фарқли ўларок баъзи бир оятларнинг, ҳадисларнинг ёки Исломиё ҳикматларнинг таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг ҳаёт жараёнида қоришиб кетган фикрлари, ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулоҳазалари ва халқи учун, дини учун қуюниши, иймон-эътиқоди учун ёниб яшаши акс эттирилганлиги билан ажралиб туради. Бу шеърларда мусулмон инсон, динини худди чўғни тутгандек тутиб, диндан ажраб қолган бир жамиятда яшаб келган инсоннинг фикрлари, унинг қийналишлари, ўртанишлари ва халқи учун қуюниши ўз ифодасини топгандир”, деган фикрлари бу шеърятга берилган дастлабки холис баҳолардан эди.

Ҳақиқатан, “Фитратида мусулмон бўлиб туғилади”ган ҳар бир чақалоқ, худосизлар жамиятида ҳам ўз аслини соғиниб, унга садоқат изҳори билан яшайди. Тарбиянинг бу жиҳатларини пахта сувни шимиб олгандек ўзига сингдиради. Ҳар бир воқеа, ҳар биор сўздан ҳикмат топади. Аъзам Ўктамнинг ҳали ислом оммавий тарзда урфга кирмаган, худосизлар тузуми ўз ўлимини кутмаган пайтларда ёзган бир шеърига эътибор қилайлик. Шеър соддагина, айна пайтда антиқа воқеага қурилган. Диний саводи шакллана бошлаган ака бобосига “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” калимасини таржима қилиб беради. Оллоҳни Биру бор деб билган, аммо диний саводи бўлмаган бобо бундан ҳайратга тушади:

*Бир кун акам кулги қилгандек бизни,*

*Буни ўзбекчага қилди таржима:*

*«Бошлайман, дегани — ҳар иш, ҳар сўзни*

*Меҳрибон, раҳмдил Оллоҳ номи-ла».*

*Кўзлари чақнади, қалтираб қўли,*

*Ранги ўчиб кетди бобомнинг бирдан.*

*Қотди. Калимага келмайин тили,*

*У огоҳ бўлганди буюк бир сирдан*

*Шомдан саҳаргача юммайин кўзни,*

*Илк бора ўлимнинг бўлдим гувоҳи:*

*Жилмайиб жон берди айтиб шу сўзни*

*“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”.*

Бу воқеа бўлажак шоир кўнглига муҳрланиб қолади. Аниқроғи бобосига ёндош туриб, бу калима сирини англайди. Натижада шаклан замонавий, мазмунан исломий бир шеър дунёга келади.

Момоси ҳақида 1987 йили ёзилган шеър ҳам айнан шу руҳда:

*Энам ўхшаб қолди болага.*

*Нуқул ўйлар қабрни.*

*Қабрни ўйлар энам—*

*Тўйи яқин қолган келинчак,*

*бўлгуси уйини қандоқ безатиш,*

*ясатишини ўйлаб энтиккан каби...*

Қабр азобидан кўрққан, у дунёга нима олиб кетишини ўйлаб изтироб чеккан қалб – шубҳасиз мўъмин қалбдир. Бироқ у пайтларда кўпчилик намоз ўқиган, рўза тутган, охиратдан сўзлаган кексаларни менсимас, устидан кулишгача борар эди. “Эскилик сарқити” деган қизил гап худди мутлоқ ҳақиқат, ўзгармас шиордек жарангларди, у пайтлар. Шоирнинг бу шеърда нозик киноя сезилади. Аммо бу киноя “эскилик сарқити”га эмас, уни айтгувчиларга қаратилгани матн остидан мўралаб туради. Момонинг ҳолати

бир йўла икки покиза ҳолатга ўхшатилади: бири бола, иккисиси тўй арафасидаги келинчак ҳолати. Маълумки, боладаги умид ва ишонч катталарникига нисбатан қатъийроқ бўлади. Турмушга чиқаётган қиз эса бир оз кўрқув ва хавотир билан яшайди. Кўчадиган уйида уни нима кутаётганини билгиси, ўша манзилда бахт-саодат топгиси келади. Шоир мана шу икки ҳолатни шеърнинг сарбаст шаклида бадиий ифодалар экан, фитратан исломдаги хавф ва ражо (кўрқув ва умид) ҳолатини акс эттиради.

“Икки дунё саодати”, унгача ва ундан кейин ёзилган ислом руҳидаги шеърлар шоир фитратидаги покизалик, эзгулик ва тақвони қайта-қайта исбот этди. Аъзам Ўктамга хос иймон поклиги ва тақво мақоми, айниқса қуйидаги шеърда мужассам тарзда акс этган:

*На бўлгай, яшашни  
сал осон қилсанг,  
Қил сизмаган кўнглинг  
шуълага тўлсин.  
Ҳар намоз орасин  
Рамазон билсанг,  
Бир кунда беш ҳайит  
Муборак бўлсин!*

Бу шеър бутунича тақво ҳақида. Унда чин тақво эгаси саодати акс эттирилган. Дунё ташвишлари билан ғамгин бўлиш, шу беҳуда қайғулар билан умр ўтказишнинг ҳайфлиги, фойдасиз изтиробнинг ботиний сабаблари таҳлил қилинган. Ушбу сатрлар мўъмин қалби дунё ташвишлари билан кирланмаслиги, беш намоз оралаб покланиб борароқ, ҳар намозни байрамдек кутиб олиши ҳақида. Айни пайтда, бу мўъжаз шеър Аъзам Ўктам мўъминлик мақомининг суврати ҳамдир.

Аъзам Ўктам шеърляти учун замин бўлган иккинчи асос Ватан ва миллат дарди эди. Шоир ўзининг кўплаб тенгдошларидан илгарилаб кетароқ советлар тузуми ичидаги миллат фожиасини қалб ва руҳи билан теран ҳис этган шоирлардан. Миллий маърифат, эътиқод, ор ва ғурур қайғуси Аъзам

Ўктам миллий шеърларининг бош мавзуси ҳисобланади. Аммо унинг миллий шеърлари қуруқ ижтимоий ҳайқириқ эмас, чин маънода дардли, изтиробли, бадий замини мустаҳкам, моҳиятга қаратилган шеърлар.

*Азага-ку сўз йўқ.*

*Тўй қилса—*

*Пахта гамин ейди ўзбеклар,*

*«Мени термай ўйнашяпти, деб,*

*огринмасин», дейди ўзбеклар.*

*Сабр қилинг то тугагунча,*

*Кузда ўйланг фақат теримни.*

*Хўш кўрмайди қишлоқлар унча,*

*Пахта термайдиган келинни.*

Миллатнинг шеърда ифода этилган ҳолати мутлоқ реал асосга эга. Ҳақиқатан ҳам, “пахта яккаҳоқимлиги” деган истилоҳ олимлар томонидан икки сўзда умумлаштирилган илмий хулоса эмас. Балки миллат психологиясидаги таназзул, маънавий қуллик эди. Ўзбек халқи фикрламайдиган, “пахта қули”га айлантирилган манқурт даражасига етиб қолган эди. Мана шу ҳақиқат шоир сатрларида ўзбекка хос икки нозик миллий ҳолатни бадий параллеллаштириш орқали юзага чиққан. Энг қувончли кунда ҳам пахта “масъулияти”ни унута олмай дили ғашланган, келинчакдек нозик хилқат қадрини унинг теримчилиги билан ўлчаган ўзбек образида. Аъзам Ўктам китобларида бундай шеърлар жуда кўп. Ва, энг муҳими, уларнинг бирортасида қуруқ ижтимоийлик, бадииятни бой бериш каби қусурлар учрамайди.

Аъзам Ўктам шеърятининг учинчи асоси – муаллиф шахсияти, ўзига хос истеъдодидирки, бу жиҳат унинг барча шеърларида манаман деб турибди...

Ҳали бу улкан шоиримиз ҳақида кўп тадқиқотлар ёзилади. Дунёқараши, даври, шахсияти билан боғлиқ томонлар синчиклаб ўрганилади.

Ёш авлод унинг изидан бориб, асл миллий анъаналаримиз моҳиятини англайди. Шу робита асосида буюк аждодларимиз силсиласига боғланади. Буларнинг ҳаммаси қатра-қатра йиғилиб, Аъзам Ўктам охирати учун садакаи жория ўлароқ хизмат қилади, иншаОллоҳ!

**Адабиётлар:**

1. А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
2. А.Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т.: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48
3. А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
4. А.Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.

**Зиёвиддин МАНСУРОВ,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**  
**Наманган Давлат университети**  
**ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси**

**ТҲРТ УЛУҒ АЪЗАМНИНГ АЪЗАМ ҲКТАМИ**  
**ВА УНИНГ ҲЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақола ХХ аср ўзбек шеърятининг ёрқин истеъдод соҳибларидан бири Аъзам Ўктамнинг поэтик маҳорати, ноширлик фаолияти, шахсий фазилатлари, эл-юртга қилган сидқидил хизматлари тўғрисида. Аъзам Ўктам ижоди ўзбек шеъряти учун ўзига хос янгилик бўлиб, унинг муҳим жиҳатлари ҳақида таниқли адабиётшунос олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган ва жўяли фикрлар билдирилганки, улар тўғрисида мазкур мақолада айрим фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Шеър, шеърят, шоир, ўзбек шеъряти, лирик қаҳрамон, кўхна, анжуман, истеъдод, диёнат, собир, сокин, ташбеҳ, зебу ҳашам.

Бугун дунё аҳли муслимлари толеига Яратган Эгам томонидан нақл этилган пайғамбаримиз Муҳаммад Саллаллоҳи Алайҳи Васалламдан кейинги у кишининг буюк ишларини давом эттирган жуда кўп муборак сиймолар ўтганлиги, уларнинг дину диёнатимиз равнақи йўлидаги хизматлари тарихдан яхши маълум. Улар орасида айниқса, Имоми Аъзам, Ғавсул Аъзам ҳамда Махдуми Аъзам сингари муътабар сиймоларнинг муборак номлари ҳам кўпчиликка сир эмас. Гарчанд шахсияти, ижодий изланишлари ва эзгулик йўлидаги ниҳоят даражада хайрли ҳаракатларидан маълум даражада хабардор бўлсам-да, ўзбек шеърлятида Чўлпон, Усмон Носир, Муҳаммад Юсуф сингари чакноқ истеъдод соҳиблари янглиғ чакнаб, қисқагина умри давомида ўз муборак номини адабиёт ва абадиятга мангулик тимсоли сифатида муҳрлаб кетган, айна пайтда ҳаёт бўлганида муборак 60 йиллик қутлуғ тўйини нишонлаши мумкин бўлган яна бир ҳазрати Аъзам-раҳматли Аъзам Ўктамнинг порлоқ хотираси арафасида унинг ижодини қайта варақлаш асносида уни яна қайтадан кашф этгандай бўлдим.

Улуғ адабиётшунос олим, замонамизнинг етук тадқиқодчиларидан бири филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Аъзам Ўктамнинг адабий шахсияти ва қиёфасини, истеъдодининг асосий қиррасини шеърый асарлари белгилайди”. Шу маънода унинг шеърый сатрларига назар солар эканмиз, шеърлятимиз авж пардаларида куйлаётган Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфилар қаторидан ўрин олган Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуфлар сафига дадил кириб бориши унинг иқтидорига, журъат, жасоратига муносиб тимсолдир.

Унинг жозибадор ва залворли шеърляти дарчаларига бўйлар экансиз, нигоҳингиз қаршисида шоирона ташбеҳларга ўралиб “Йиғига ўхшаган табассум билан” унинг дил розига қулоқ тутаётган волидаи муҳтарамаси

***Бир гул десанг бунда ўзингни,***

***Кучимга дош беролсанг гулсан.***

***Кўзларингга қум тўлса ҳамки***

***Сайраёлсанг асл булбулсан,-***

дея гавдалангандай, увуллаб эсаётган Қўқон шамоли эса,

***Қўқонда аския қилаётгандек***

***Туюлади ҳатто чойхоналар ҳам.***

***Энгашиб гап ташлар чойхоналарга***

***Гўёки қиқирлар чойнаклар бу дам,-***

тарзидаги кўҳна ва навқирон Қўқоннинг сокин манзараси бўй бера бошлагандай жонланади.

Шоирнинг “Соҳиба портрети” номли шеъридаги қуйидаги сатрларда эса лирик қаҳрамон тимсолида тақво ,эътиқод, дину диёнатда собир бўлган шоирнинг ўзлиги ҳам яққол бўй бергандай туюлади:

***Унга маскан бўлмоқлик учун,***

***Дунё ҳали покланиши шарт.***

***Фақатгина иймони бутун,***

***Унга келса бахтли бўлар Бахт.***

Покдомон одамга, иймони бутун шахсга бахтнинг келиши бахт учун бахт эканлиги шоирнинг том маънодаги кашфиётидир. Ана шундай покиза хаёлларга эш шоирнинг қуйидаги сўроғи ҳам ҳар қандай бефарқ одамни- да ўзига нисбатан хушёр торттирса асло ажаб эмас:

***Тўйдириб ўт, қонга тўйган юракни,***

***Ўлдириб ҳақ дея тўлган юракни,***

***Сўлдириб ишқ ила кулган юракни,***

***Сен қандоқ сизяпсан ёруғ дунёга?!***

Шоир қалби дунёни тинглар,- деганларидек асл шоир гарчи эл- юрт дарди, ташвиши, ҳасрати билан яшаса-да, шу йўлда ўзини қурбон қилишга тайёр эса- да, ўзидан қониқиш ҳисси унга тамоман ёт- бегона. Буни қуйидаги сатрлардан яққол илғаш қийин эмас:

***Маҳкам боғласам-да рост йўлга белни,***

***Кўнгил равшан эмас, доғи бор дилнинг,***

***Юртимни танидим, билдим-ку элни,  
Бироқ унутмадим ўзимни ҳануз.***

Худди шу эл- юрт учун фидойилик, жасоратлилик шоирни бир лаҳза бўлса-да тарк этмайди, аксинча сўнгсиз азобларга, изтиробларга гирифтор қилади;

***Қозоғга эгилган бошни кўтарсам,  
Юрагим ҳирқираб сўз айтди оғир:  
Шоирмас сўзни минг кўйларга солган,  
Шеърни деб минг кўйга тушганлар шоир!***

Мана асл шоир, мана шеърятга муҳиблик, бир сўз билан айтганда ўз-ўзига бўлган талаб!

Образли фикрлаш, ташбеҳлар воситасида тимсоллар яратиш шеърятнинг зарурий талабларидир. Буларсиз шеър қуруқ сўз, яланғоч сатрдан бошқа нарса эмас. Зеро ҳадиси муборақда келтирилганидай, “Сўзда сеҳр шеърда ҳикмат бор”.

***Тоглар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,  
Такбир айтган чоғи гулдираб само.  
У янглиз муножот қила олур ким,  
Ёмғир, бу- пичирлаб қилинган дуо.***

Ана ташбеҳу, мана манзара, ана сукунатнинг жаранги-ю, жарангнинг сокин шеърини инъикоси!

Бу каби оҳорли мисралар шоир шеърятининг асл зебу ҳашамлари экани кишини қувонтиради, албатта.

Бир улуғ сиймода: “Шоир бўлмаслик мумкин, аммо фуқаро бўлиш шарт,- деган ҳимматли ибора бор. Шу маънода Аъзам Ўктам ўз юртининг, ўз элининг фидойи, жонсарак, керак бўлса корига елка, эркига кўксини тутадиган асл қаҳрамони эди, десак заррача муболаға бўлмайди. Буни улуғ аллома устозимиз Озод Шарафиддиновнинг қуйидаги ҳақли эътирофлари ҳам исботласа ажаб эмас:



“Аъзамжонда устозлар салоҳияти ва тажрибасини идрок этиш, чуқур таҳлил қилиш, улардан хулоса чиқаришга интилиш кучли эди. Тарихимизда биринчи марта Қуръони карим ўзбек тилига таржима қилинди. Аъзамжон бу улуғ ишнинг ташаббускорлари сафида бўлди, оиласи билан нусха кўчиришди, табаррук китобимиз унинг муҳаррирлиги остида чоп этилди. У “Бобурнома”, “Мухтасар”, “Тўрт улус тарихи”, “Саботул ожизин” каби ноёб китобларга муҳаррирлик қилди. Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” тўплами узоқ йиллик айрилиқдан сўнг Аъзамжоннинг саъй-ҳаракатлари билан чоп этилди. Собик “Юлдузча” нашрётининг номини Чўлпон деб ўзгартирилиши ҳам Аъзам ўқтамнинг ташаббуси эди. Ўша йиллари биз бу ҳақда кўп фикрлашгандик. Насрдаги изланишлари ҳам назмдагидек равон ва таъсирчан. Энг муҳими, у биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеъриятига диний-маърифий оҳангларни олиб кирди. Унинг “Тараддуд”, “Икки дунё саодати” китоблари Қуръони каримдан чуқур билимга эга бўлганлигининг исботидир”.

Бу иқрорларга шуни қўшимча қилиш жоизки, шоирнинг катта жасорат, журъат ва заҳмати билан нашр этилган “Қуръони карим” қарийб ўша мураккаб замонда 2 миллион, “Саботул-ојизин” қарийб 300 минг нусха нашр этилиб, эл орасида талош бўлгани кўпчиликка яхши маълум. Шоирнинг худди мана шу журъат-жасоратнинг ўзиёқ ҳар қанча эъзозу-тахсинга, уч улуғ Аъзамларнинг тўртинчиси, дея эътирофга лойиқлигининг ҳақиқий исботидир.

Унинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималари, устозларга ҳурматда, шогирдларга иззатда бўлганлиги, энг муҳими, том маънода ҳалол-пок, дину диёнатли бўлгани, қалами-ю қадамини муқаддас тутганлиги, оила шаънини кўз қорачиғидек авайлагани, ягона қизига Тўмарис, ёлғиз ўғлига Темур деб исм қўйиши ўша собиқ тузум даврида қанчалик жасорат бўлса, бугун ҳам шу қадар ибратлидир.

Яна бир фикрни айтмасам, кўпчиликнинг эътирофини писанд қилмаган бўламан. Бу оила оилапарварликда Амир Умархону Нодирабегимлар Шайхзода-ю Зарифахонимлар, Ҳамид Олимжону Зулфиябегимлар янглиғ

Аъзам Ўктам Ҳулкар Ҳамро бўлиб, жуфти ҳалол бўлганлиги, бугун шоир руҳини шод этиш йўлида Ҳулкаррой қилаётган эзгу ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам “Тўмарис билан суҳбат” Тошкент 2019 й.
2. Озод Шарофиддинов “Танланган асарлар” “Шарк” нашрети матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти Тошкент 2019 й.
3. Баҳодир Карим “Аъзам шоирнинг ўктам овози” Ғафур Ғулом номидаги Нашриёт матбаа уйи Тошкент 2008 й.

**Мўминжон СИДДИҚОВ,**

**Турон ФА академиги,**

**Кўқон давлат педагогика институти**

**доценти, филология фанлари номзоди**

**МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУКОШАФА**

**Аннотация**

Мазкур мақолада XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири - шоир, таржимон ва адиб Аъзам Ўктам ижодининг ўзига хос фалсафий моҳияти ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар.** Миллат, Бувайда, тақдир, эътиқод, исломий рух, тарих, исён, хайрат, қадрият.

**I**

XX аср дунё халқлари, жумладан, туркий қавмлар учун бениҳоя оғир кечганлиги сир эмас. Ҳазрати Ёфас (а.с.) авлоди бўлган туркий халқлар ўз бошларидан нечоғлик мусибатларни кечирганликлари ҳақида турли хил битиклар кўпдан кўп дарак беради. Искандар босқини, Кир ва Доро отлиғ аҳамонийларнинг қутқуси, кейин араблар, мўғуллар истилоси ва бунга қўшимча тарзда маҳаллий золимларнинг ўз қавмларига нисбатан зулмлари, ўз қардош-қариндошларини талаш, поймол этиш, хўрлаш ва бошқа

бузғунчиликлари улар тарихининг аянчли саҳифаларини ташкил қилади. Бироқ бу босқинлар XX асрда туркийлар тақдирига ёғилган шўришлар олдида унчалик маҳобат касб эта олмаслигини кўпчилик яхши фаҳм этса керак. Шунини эътироф этиш лозимки, дунёнинг катта қисмида ёйилиб нашу намо топиб келаётган туркий халқлар – ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, уйғур ва туркманлар, чуваш ва бошқирлар, қорақалпоқ ва қорачойлар, шор ва нўғайлар XX аср давомида муттасил эзиб келинди. Яқинда Ё.Хўжамбердиевнинг “Соғуний” романини мутолаа қилиш асносида ушбу фикрлар ўтди ёдимдан: туркий халқлар Совет деб аталмиш мустабид тузумнинг азоб-уқубатларини бошқа халқлар, дейликки, славянлар, болтиқбўйиликлардан, ўн, балки юз чандон ортиқ тортган бўлса керак; хўрлаш ва эзишлар, алдов ва талашларнинг энг чиркин кўринишларини бошдан кечирганликлари бугунга келиб ошкор қилинди. Тўғри, битта китоб қайдлари сўнгги хулосани чиқаришга камлик қилар, бироқ дўппини олиб кўйиб жиддий аздахидил мушоҳада қилинса, туркий қавмлар бошига тушган бундайин аянчли мусибатларни ҳеч бир миллат тақдирнинг бир ёзиғи сифатида, шуларнинг натижаси ўлароқ, қўрқув салтанати остидаги мутелик, худди ёш боланинг алдаш чоғида бўлгани каби мунгли мўлтирашлар янглиғ кутиб олмаган экан... Айни чоғда, халқнинг, миллатнинг тийрак аҳли бу зулмларга гоҳ яширин тарзда, гоҳ ошкора, гоҳида ўлимларни-да бўйинларига олган ҳолда миллат, эл-юрт тақдири, эрки ва озодлиги учун курашга отланганлар. Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Мунавварқори, Ҳамза... Бу рўйхатни давом эттирсак адоғи йўқ. Улар юрт истиқлоли, халқ истиқболи учун гоҳ сиёсат майдонига чиқиб, гоҳ ўткир қаламларини ишга солиб курашдилар. Улар туркий миллатнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенгликни мутеликка йўйган, андишанинг отини қўрқоқ қўйганларга қарши бош кўтардилар; саводсиз, ўтмиши ҳам, келажаги ҳам пучак пулга арзимайдиган бир халқ деб камситилган, “оёқлар остида топталган” (Чўлпон ибораси) халқни ҳимоя қилиб чиқдилар, турли хил усуллар билан уларўз халқининг мудроқ кўзини очишга саъй қилдилар. Бунинг учун адабиётни,

театрни, матбуотни, мактаб-маорифни минбар қилдилар. Улар халққа қарата, “Кишан кийма, бўйин эгма Ки, сен ҳам ҳур туғулғонсен” (Чўлпон сатри), дея мурожаат этдилар. Ва табиийки, улар қайсидир маънода, қайсидир шаклда ўз муддаоларига эришдилар ҳам. Бироқ бу ютуқлар вақтинчалик эканлиги сал кейинроқ аён бўлиб қолди. Советнинг манфур ва мустабид сиёсати бу эркин овозларни алдовлар, қўрқитишлар, хўрлашлар, камашлар, отиб ташлашлар билан бўғиб ташлади. Бу бўғилиш кам эмас, кўп эмас салкам етмиш йил давом килди.

Инсониятнинг, инчунун, бир миллатнинг тарихи, тақдири спиралсимон кечади деган ақида тўғрига ўхшайди. XX аср бошларида юзага келган ва биз мулоҳаза юритган тарих шу асрнинг иккинчи ярмининг ўрталарига келиб сал бошқачароқ тарзда такрорланди. Теварак атрофда ҳукм сурган қўрқув салтанати, миллат устига ёғдирилган бўхтонлар, асосиз айбловлар, баъзи бир кишиларнинг муҳит ва сиёсатга кўникуви янгидан уйғонмоқда бўлган миллатсевар, халқпарвар фозиллар, зиёлилар, шоиру адибларни сукутда яшашларига монелик қила бошлади. Худди ана шу пайтда Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Нурали Қобул, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Карим Баҳриев ва яна ўнлаб фидойилар сиёсат ва адабиёт майдонида ўзлари мансуб қавмларини ҳимоя қилиб чиқдилар, уларни ҳақиқатга тик боқишга, ўзлигини англашга, тарихини тиклаш ва қадрлашга ундадилар. Шундай фидойилардан бири бувайдалиқ ҳассос шоир Аъзам Ўктам бўлди, дейилса ҳеч истисносиз тўғри бўлади. Зеро мазкур шоир илк шеърларидаёқ бундай мисраларни тизган эди:

Қул бўлган эмасмиз ҳеч, биродарлар,  
Гарчи кўп таловлар, босқинлар ўтди.  
Ўқталган мушт каби турар минорлар,  
Мақбара қуббаси дубулға худди.  
Ва буткул саводсиз эмасдик ҳечам,  
Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир:  
Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам

Китоблар шаклида терилган ахир.

Аъзам Ўктамнинг бу ва ана шу мавзудаги бошқа шеърларини ўқиб, унинг шеър ва шуур билан шеърият ҳамда сиёсат майдонига ёниб кириб келгани, миллатнинг ўзлигини худди Чўлпонлару Қодирийлар, Бехбудию Авлонийлар янглиғ танитишга саъй қилганига амин бўламиз.

## II

Гапни бу каби узоқдан бошлашимнинг бир сабаби бор. Менинг назаримда, Аъзам Ўктамнинг ижодий йўли қуйидан юқорига қараб, ўзбекона одоб доирасида тадриж этган кўринади. Лекин бу тадриж бошқа қаламкашларда бўлгани каби аста-секинлик билан, поғонама-поғона юзага келган эмас. Шоир ижодининг ҳадди аълосида асосий унсурга айланган миллатсеварлик, қавм манфаатини кўзлаб тизилган фикрларнинг учқунлари ижодининг илк паллаларида яратилган шеърларида-да бўй кўрсатганини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Бир сўз билан айтганда, унинг илк шеърий тўпламларига кирган шеърларидаги биз назарда тутаётган масалаларга дахлдор жўшқин фикрларни худди олов ёқишга ҳозирланган бир тўп ўтин ичида асталик билан яллиғланаётган чўғга менгзаш мумкин бўлади. Олов аламазон бўлмасдан олдин бир тўп ўтиннинг ичкарасида - болалар коптогидек жойда чўғ яллиғланади. Кейин шу чўғ бирдан аланга олиб, бутун бир ғарам ўтинни олов қамраб олади. Аъзам Ўктам шеъриятида кейинчалик устувор йўналишга айланган исёнкор мотивларнинг илдизлари ана шу чўғ мисол дастлабки шеъриятида ҳам бўртиб турган, “мана мен деб кўзга ташланиб турган. Дастлабки шеърий тўплами “Кузатиш”да бунга далиллар кўп. Аъзамжон буларни шарқона одоб билан, мусулмон қавмларга хос босиқлик ва зукколик билан ҳавола этади:

Булутнинг қўйнидан чикмаса офтоб,

Нишонлар ўрнини босса совутнинг;

Бўронлар жимлиги саналса одоб,

Кўтарса аёллар, қизлар тобутни –  
Гўдаклар эр етмас,  
Йигитлар ўлар.  
Бош турса кўкракда, елкада эмас,  
Эзилиб, димиқиб ўлса ҳамият;  
Ҳеч ким йўл топмаса, чиқармаса сас,  
Баҳона қилинса, муҳит, жамият –  
Узрлар гуноҳдан  
Ёмонроқ бўлар.

Бу сатрларнинг мағзини чақиш ўзингизга хавола. Ҳар гал шу шеърни ўқиганимда Тўра Сулаймоннинг халқона, доно шеърляти ёдимга тушади. Ҳар гал шу шеърни ўқиганимда Шавкат Раҳмоннинг “Туркийлар” отлиғ шеъри миямда чарх уради. Кейин ўйлайман: Тўра Сулаймон умрининг охирларида бежиз Аъзамжон шахси ва шеърляти ҳақида шундай жиддий кузатишларини кўпчилик билан баҳам кўрмаган экан. Аъзамжоннинг ўзи бежиз Шавкат Раҳмонни худди туғишган оғасидек кўп тилга олмас экан ва унга бағишлаб шеър битмаган экан. Бунда ҳам қандайдир бир илоҳий ҳикмат борга ўхшайди, валлоҳи аълам.

### III

Аслида, ҳар бир шеър ҳайратдан туғилади. Ҳайрат эса кутилмаган фаройиботлар, фавқуллода тилсимли ҳодисотлар, кишини ларзага солувчи воқеотлардан ақлнинг ажабланиши сифатида қоғозга кўчади. Ҳайрат кўнгил тилсими бўлиб, инсон руҳининг бу ҳудудсиз коинот, жамият ва унинг меҳвари бўлган бани башарнинг асроридан ижодкорнинг таажжубланиши эканлигини инкор қилиб бўлмайди. Бундоқ қараганда, ҳар қандай шоир ҳайрат кишиси ҳисобланади. Агар қаламкашда ана шу ҳайрат бўлмаса, унинг яратикларининг кучи-қудрати, яшовчанлиги шубҳа остида қолади. Шоирда ҳайрат бўлмаса, етук бир шеърнинг дунёга келиши ҳам мушкул. Шоирга илҳом берувчи ҳайратларнинг эса манбалари бисёр: Яратганнинг қудрати, уҳровий ва дунёвий маъшуқанинг ҳусни жамоли, камолидан ҳайратланиш,

давр носозликлари, замона аҳлининг бевафолигидан озорланиш туфайли пайдо бўлган шундай ҳолатлар ва бошқа хайратларга дуч келиш мумкин. Яна шуниси борки, шеър шоирнинг воқеликдан таъсирланиши натижаси бўлиб, унинг қалб қўридан ўтган, ўзгача жило топиб шаклланган фикр ва туйғулардир. Шунданми, Абдулла Қаҳҳор “Поэзия – юксак санъатдир” номли мақоласида бундай фикрларни айтган экан:

“Шеър – фикр экстракти бўлиши жиҳатидан ҳикмат, кўнгулга йўл топиши, ундан ўзига ҳамоҳанг садо чиқариши жиҳатидан мусиқа. Шеър – ошиқнинг охи, мусибатдийданинг кўз ёши, саодат ва сурур ифодаси бўлган қаҳқаҳа товуши. Шеър – кўнгилнинг ойнаси, кўнгилда нима бўлса, шуни акс эттиради. Шеър – маъсум гўдак, риёни билмайди. Риё бўлган ерда шеър бўлмайди. Шеър – бир мўъжиза. Унинг мўъжиза – сирларидан хабардор бўлиш бу сирларни жиловлаш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди. Бунга эришиш учун зеҳн, сабр ва меҳнатдан бошқа яна нимадир керак”. Улуғ адиб фикрларини бу тариқа давом эттириш мумкин: шеър зийнатли, маънодор нутқ, керак бўлса, бир маъвиза. У фикрни юзага келтирувчи сўзларнинг оддий йиғиндиси эмас. Тўртта сўзни бир сатрга қофияли қилиб солиб қўйган билан шеър бўлиб қолмайди. Шеър бадий ижоднинг энг мураккаб ва қийин шакли. Унда фикр бўлиши тайин ва бу фикр аввало ижодкорнинг ўзини, кейин эса ўқиғувчини ҳаяжонга солиши даркор. Шеърий нутқ – мураккаб система. Чунки шеърий асар ритм, вазн, бўғин (ҳижо), турок, қофия, банд (строфа) шеър системалари (бармоқ, аруз, оқ, насрий), интонация, поэтик фигуралар ва бошқаларнинг яхлит уюшувидан ташкил топади. Булар шеърнинг шаклий томонлари. Мазмун (ғоя) ҳар қандай асарнинг, шунингдек, шеърнинг ҳам асоси ҳисобланади. Шеърда ғоя мана шу шаклий компонентлар воситасида ифода этилади. Демак, шеърда ҳам шакл мазмунга хизмат қилади, шакл ва мазмун мутаносиблиги шу тариқа юзага чиқади. Мазмун ва шакл компонентлари ҳамда уларнинг алоқаси ҳақида мумтоз шоирларимиз бир қанча мулоҳазаларни илгари сурганлар. Масалан, Ҳайдар Хоразмий “Гулшан ул-асрор” асарида шундай дейди.

Оқил агар сўз бирла сўзни ёпар,  
 Ориф ўшал сўзда ўзини топар.  
 Улки билур сўз гуҳари қийматин,  
 Сўзда топар сўзлагучининг отин...  
 Сўзда керак маънию маънида завқ,  
 Сўзлагучида сўз учун дарду шавқ.

Мазмун моҳиятини шакл ва унинг кўринишини белгилайдиган воситалардан юкори кўйган Алишер Навоий эса бир ғазалида мазкур масала борасида шундай дейди:

Эй Навоий, чу Хусрав била Жомий шаври  
 Санъату рангин кўй, сўзда керак дард ила сўз.

Ҳазрат Навоийнинг зикр қилинган байти хаёлдан ўтди-ю, кўнглимиздан ушбу мулоҳазалар кечди: Шарқда сўз устасига сўздан сабоқ бериб бўлмайди, деган ҳазиломуз нақл бор. Балки бу ростдир. Нега деганда ўзи сўздан, унинг бемисл сеҳру синоатидан, жозибасидан сабоқ берса-ю, сен унинг турли масалаларда демокда бўлган сўзларини тафтиш қилиб ўтирсанг, кишига малоллик етади. Айрим сўз санъаткорларининг ижод меваларини ўқир ва таҳлил қилар пайтимизда кўпроқ шуларни ўйлаймиз. Аллоҳ бандасига ўзгаларга сўз айтмоқ, сўз билан кўнгилга кириб боришдек ҳаммага ҳам насиб қилавермас иқтидорни мукофот этибдими, шунисига тан бериш керак; сўз хизматкорига қуллуқ этмоқ даркор. Бу мақтов ёки ялтоқланиш бўлмас. Яна масаладан узоқлашиб кетмадикми? Менимча, йўқ. Зеро Аъзам Ўктам деган шоирни чуқурроқ билиш учун гапни худди шу тариқа узоқроқдан бошлаш, тарихга назар ташлаш зарурияти бор...

Бир туманнинг бир-биридан унча олис бўлмаган қишлоқларида яшаган бўлсак-да, Аъзам Ўктам билан ўтган асрнинг 70-йиллари охирида танишганмиз. Ўшанда камина ўзни адабиётнинг ёш фидойиси санаб, шеърлар машқ қилиб, ҳикоялар ёзиб турардим. Туман газетаси қошида ёш ижодкорларнинг тўгараги бўлиб, уни туманнинг етук шоири Қодир Дехқон бошқарар, Аъзамжон унинг энг фаол иштирокчиларидан эди. Қодир Дехқон



туманнинг нуфузли раҳбарларидан бўлганидан баъзан тўғарак машғулотларида иштирок эта олмай қоларди. Бу пайтда тўғаракни Аъзамжон бошқарарди. Тўғарак машғулотларининг бирида Гулчехра Йўлдошева деган шоира тенгдошимизнинг шеърлари муҳокама қилинди. Унинг шеърларини таҳлил қилган Аъзамжон Гулчехра шеърининг бир мисрасида ишлатган “зимистон” сўзи ва унинг маъно қирраларини шарҳлаб, билмадим, анчагина сўзлади. Ўйладим: нахот битта сўз шунчалик қимматли бўлса шеър учун. Кейинчалик (ақлимиз тўлишганда) Сўзнинг қиммати шеър учун жуда муҳим эканлигини Аъзамжон илк шеърлариданок фаҳм этган ва бир умр ана шу эътиқодга содиқ қолган, сўзга яхши маънода хасислик билан ёндашган ва унинг соҳир қуввати олдида ҳамиша ҳайратда бўлган, деган хулосага келдим. Дарвоқе, унинг илк шеърларидан тортиб, етуклик даврида битганларигача Сўз том маънода жилваланади, сўзлар том маънода жилоланади. Сўз Ўзининг бутун саҳту сумбатини кўрсатади (Шунда Эркин Воҳиддек шоир бежиз “Сўз - забаржад” демаган экан! деган ўйга борасан киши). Биз тўпори, оддий санаб юрган сўзлар шоирнинг такрорланмас иқтидори, зеҳну фаҳми туфайли янгидан - янги қирраларини намоён қилади. Шоир аввалги шеърларининг бирида бундай ёзган эди:

Ўн ой ерга,

Чиллада шифтга

Қараб ўтди отам ва бобом.

Бу одатни буздиму шартга

Тик қарашга ўргандим тамом.

Дарҳақиқат, “тик қарашга ўрганган” шоир ана шу эътиқодига бир умр содиқ қолди ва буни ушбу сатрлар ҳам тасдиқлайди:

Тураверар кериб кўкрагин,

Аъзам Ўктам ўлар – эгилса.

Чип-э, бўлсанг кимнинг кўппаги,

Пишт-э, кимнинг мушуги бўлсанг.

Бундай сўзни айтиш учун шоирлик иқтидорининг ўзи камлик қилади. Атрофдаги турфа воқеалардан юрак ёниб туриши керак. Турли хил гап-сўзу хатти харакатларни адолатли баҳолай билиш даркор. Ва табиийки, шоир ўзининг сўзига ўқигувчини тўла ишонтира билиши ҳам керак. Бундаин сатрларни ўқиган шеърхонда иддао ва савол туғилмасин. Аъзамжон шеърларида ҳар бир сўз, ҳар бир мисра ва ҳар бир шеър бир исёнкор сифатида курашга отланади ва ўзгаларни ҳам бу курашга ундайди:

Мушт - дуога очилган кўлим,

Шердай турдим ўрнимдан сапчиб:

Раббим, берма сен ёвга ўлим,

Ўзим чиқай хумордан янчиб.

Шоир, Аъзамжон айтганидек, ўт билан ўйнашади. Агар ўзгалар атрофда юз бераётган ходисаларга бепарво қараса, энди майдонга шоир отилади. Зеро шоир шеър битиб атрофдагиларни мафтун этувчи шахсина эмас. У юртда адолатни устувор бўлишини истаган ва шу йўлга ўзини ҳам, иқтидорини ҳам, қисқаси, бор-будини тиккан шахс ҳисобланади.:

Битта шам ўчгайдир шаббода елса,

Кулгу либос балки, асли у қайғу.

Босқинчи бировнинг юртига келса,

Бир кун қувилишга ҳозирлиги шу.

Кўзни совуқ кўрдим, юракларни муз,

Шайландим ўт ила ўйнашмоқ учун.

Муҳит бўлса, қишни бошлаб келар куз,

Юзма-юз чиқмасанг, яшамоқ нечун?

Йўл аниқ, қайтиш йўқ

Мен кетдим энди...

#### **Адабиётлар:**

1. Абдулла Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Т., 1968.
2. А.Ўктам. Кузда кулган чечаклар: – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

3. А. Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: “Янгикўрғон” нашриёти, 1992. – 32 б.
4. А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
5. А. Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Т.: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.
6. А.Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т.: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48 б.
7. А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
8. А.Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.
9. А. Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Т.: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
- 10.А.Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Т.: “Мухаррир”, 2019. – 92 б.

**Баҳодир РАҲМОНОВ**

**Андижон давлат университети**

**доценти, филология фанлари номзоди,**

**Замирахон РАҲМОНОВА**

**Андижон давлат университети**

**педагогика кафедраси ўқитувчиси**

## **АЪЗАМ ЎКТАМНИНГ “ДИЙДОР” ДОСТОНИ ҲАҚИДА**

**Аннотация.** Мазкур мақолада таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктамнинг “Дийдор” достони тадқиқ қилинди.

**Калит сўзлар:** Миллий ўзлик, иймон, ҳаёт ҳақиқати, давр нафаси, тарих, истиқбол, исён, маънавий кураш.

Қайси давр ва жамиятда бўлмасин, ҳақгўй ижодкорлар ўз асарларида инсоннинг дунёқараши,интилиш ва кураш йўллари билан боғлиқ бўлган ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маърифий ҳодисаларни акс эттиради. Аъзам Ўктам она юрт, она халқ тарихининг ҳар бир саҳифасини кўнгил ва тафаккур кўзи билан ўқиган адиб эди. Даврнинг ҳар бир нафасини,

миллатнинг дардларини, замондошларининг ташвишу муаммоларини қалб қулоғи билан тингларди.

Унинг китобларига кирмаган асарларидан бири “Дийдор”<sup>†</sup> достонидир. Достонга сўзбоши ёзган тадқиқотчи Т.Бутунбоеванинг фикрича, “XX аср ўзбек адабиётининг забардаст шоирларидан бири Аъзам Ўктамнинг ёзув столида қолган мазкур достони мустақилликнинг илк кунларида ёзилган бўлиб, унда турғунлик давридаги зиддиятлар, ижтимоий адолатсизликлар, иккиюзламачилик, ҳар хил кўринишдаги маънавий – ахлоқий иллатлар билан боғлиқ аянчли воқеалар ифодаланган .”<sup>‡</sup>

Аъзам Ўктам асарлари маънавий-маърифий-фалсафий манба сифатида фақат бугунги кунга эмас, балки истиқболга ҳам хизмат қилиши аниқ. Чунки, уларда келажакда ҳам жамият тараққиёти ва равнақиға халақит берадиган муаммо ва иллатларнинг туб моҳиятини очилган. Шеърият халқ кўнглига яқин бўлганлиги сабабли унда кўтарилган ғоялар, қарашлар ўқувчи дилига тезроқ етиб боради. Маълумки, собиқ тузум халқ ҳаётини пароканда қилувчи салбий ҳодисаларга қарши кескин кураш олиб бормади. 90-йиллар бошида маънавий курашлар майдонида ўзбек шеъриятининг овози ҳайқирққа айланди:

Не манзил кўзласам кўзларим тинди,  
ортимга қарамай кетдим ортимга.  
қадам босар-босмас бор шаҳдим сўнди –  
сиғмайман шекилли энди юртимга...

Шоирнинг дадил ва ўктам фикрлари ҳаёт қатламларига чуқурроқ разм солишга, ўйлашга, мушоҳада юритишга мажбур қилади. Тараққиёт йўлида катта тўсиққа айланган жамиятнинг энг оғриқли муаммоларини аёвсиз фош қилади. Бу нуқсонлар ҳукмронлик қилган сиёсат ва ғоя таназзулга юз тутди. Халқ истиқлолга эришди. Лекин ўтиш даврининг қийинчилиги ва

<sup>†</sup> А. Ўктам Дийдор. «Ижод олами» журнали, 2019 йил, 5-сон.

<sup>‡</sup> Ўша манба, 5-бет.

машакқатларидан бутунлай қутулиш ҳам осон кечмади. Достон қахрамонларидан бири шундай дейди:

“Қишлоқ аҳли кетди бир четда қолиб,  
келмайдиган қилди шаҳарга давлат.  
Қўққис чақиб олар йўлкира –чаён,  
Нархлар асов отдек сапчир осмонга.  
Ўйланг, бир маошга берар нечта нон,  
эрк оғирлик қилди Ўзбекистонга”.

Достонда ҳаёт ва инсон, жамият ва инсон муносабатлари кундалик воқеалар замирида инсоннинг ўтмиши, бугунги ҳаёт йўли ва келажаги мантиқан бир-бири билан боғланади. Аччиқ ҳақиқатни ўз вақтида кўрган шоир жамиятни қайта қуриш учун биринчи навбатда иймон ва инсоф, ҳалоллик ва виждон шарт эканлигини айтади. Исёнкор ғояларни, миллий ўзликни англаш туйғусини ёшларнинг онгу-шуурига сингдиришга ҳаракат қилади:

Асли қишлоқ аҳли хирмонда одам,  
Кенгбағир ва сахий қилади дала.  
Тўнини терс кияр ишсиз қолган дам,  
Майда гап, жиззаки, гумроҳ бир гала.  
Биров бош қотириб ўйламас гўё  
Қайси жамиятда яшаётганин...

Инсон ҳаётининг негизи виждоний поклик эканлиги ҳақиқат, лекин бу ҳақиқатга қандай етишиш мумкин? Шоир юртдошларининг изтиробларига ҳамдард ва ҳамнафас, уни миллатнинг аянчли тақдири қизиқтиради, у чинакам ҳаётини тўқнашувлар, зиддиятлар орқали жамиятнинг маънавий-ахлоқий муаммоларини очади. Миллат ва инсон шаънига доғ бўлиб тушадиган иллатларни қоралаш билан кифояланмайди, уларга қарши курашга даъват қилади. Достон хотимасида шоир шундай фикрга келади:

Саволлар тўхтамас, берурман жавоб,  
Ёшлар ҳақиқатга ташнадир мутлоқ.

Равшан оқ-қорадай гуноҳу савоб,  
демак, кўзларини укалар қишлоқ...

Аъзам Ўктам “кўзларини укалаётган қишлоқ” тимсолида уйғонаётган, миллий ўзлигини таниётган, миллий ғурурини ҳис қилаётган миллатнинг эртанги кунини кўради. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон айтганидек, “Аъзам Ўктам ижодининг салоҳияти, югуроқ кўзларга тезда чалинавермайдиган ички қудрати, ўхшаши йўқ нафосати ҳақида таниқли адабиётшунослар, қаламкаш дўстлари бир – биридан мазмундор, кўтаринки мақолалар ёзишган. Улардан ўтказиб айтишим қийин. Ишончим комилки, мутахассислар бу иқтидорли адиб меросига ҳали қайта – қайта мурожаат қилишади. Унинг янғидан – янги қирраларини кашф этишади. Шоир ижодининг ўрганилмаган, ўрганилишга жуда – жуда арзийдиган жиҳатлари кўп.”

Шоирнинг “Дийдор” достони бадиий, фалсафий ва лингвопоэтик жиҳатдан алоҳида ўрганилади, деган фикрдамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А.Обиджон Яшариб бораётган шоир. Осмон яқин... Т.2011.
2. Н.Махмудов Сўз зиёрати ЎзАС 1992 18 сентябрь
3. Баходир Карим Аъзам шоирнинг ўктам овози. Рухият алифбоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2018.
4. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. Т. 1989.
5. Аъзам Ўктам. Тараддуд. Т. 1993.
6. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. Т.2019.
7. Аъзам Ўктам Дийдор. «Ижод олами» журнали, 2019 йил, 5-сон.

**Абдулла УЛУҒОВ**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети доценти ,  
филология фанлари номзоди**

**ЮРТНИНГ ДАРДКАШ ШОИРИ**

**Аннотация**

Истеъдодли шоир Аъзам Ўктам (1960–2002) – замонавий ўзбек шеърятининг ёрқин вакилларида бири. Унинг газета-журналларда эълон

килинган, тўплам тарзида босилиб чиққан шеърлари адабий жамоатчилик ва кенг ўқувчилар оммаси эътиборини тортган. Шоирнинг шеърларида унинг калбидаги дард, изтироб, оғриқлар акс этган. Улар ҳеч кимни бефарк қолдирмайди, ўйга толдиради, мушоҳада қилишга, ҳалол яшашга ундайди. Мақолада “Тараддуд”, “Қирқинчи баҳор”, “Саҳар вақти юрак йиғлар...” тўпламлари муаллифининг шеърларига хос хусусиятлар тўғрисида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Аъзам Ўктам, шоир, шеър, ижтимоий ҳаёт, эътиқод, ишонч, дин, ўйчан, дардкаш.

Шоир, адибнинг асарлари унинг ҳулки, табиатидаги талайгина жиҳатларни ўзида акс эттиради. Чунки ҳар бир ижодкор ўзи кўриб кузатган ҳодисаларни ва улар таъсирида ҳис қилган ҳолат, кечинмаларини қаламга олади. Аъзам Ўктамнинг шеърлари у юриш-туриши, хатти-ҳаракати, қарашлари, сўзлаш тарзи, овозига салобат бера биладиган, виқор билан доим олдинда юришга интиладиган, давраларда ўзининг борлигини билдиришга ҳаракат қиладиган, таниқли кишилар билан танишишга талпиниб, уларнинг эътиборини қозонганидан қувонадиган, сўзамолларга маҳлиё бўлиб қарайдиган, кўпчилик манфаати учун шахсий ҳузур-ҳаловатидан бемалол воз кеча оладиган, уй-рўзғор юмушлари, кундалик турмуш ташвишларидан кўра, умумга тегишли муаммолар хусусида гапиришни хуш кўрадиган, атрофдагилар диққатини тортишга бепарво бўлмаган, ҳалолликни эъзозлайдиган, оч қолганида ҳам ҳаромдан ҳазар қиладиган, ҳар қандай вазиятда адолатни ёқлайдиган, сўзнинг салмоғини ҳис қиладиган, унинг маъно жиҳоларини фарқлашдан завқланадиган, ўз қадрини биладиган, ғурури баланд инсон бўлганидан далолат беради. Баланд бўйли, кенг елкали, қадди-қомати келишган, салмоқлаб сўзлайдиган, қоматини тик тутиб, бошини хиёл эгганча шахдам қадам ташлаб, алланимадан безовтадай ўйчан ва мағрур юрадиган, буғдойранг, юз-кўзи кўркем бу аломат йигитнинг кўринишига эркаклар тан берарди, қизлар кўзининг ости билан мўлтиллаб термулишдан

Ўзини тиёлмасди, аёллар суқланиб-суқланиб қарарди. Кўринишининг ўзиёк кишининг эътиборини тортиб, ҳавасини кўзгайдиган бу йигит шоирдан кўра, каттароқ амалдорга, арбобга ўхшарди. Унинг суратидаги ана шу ҳолат сийратини акс эттирган шеърларида ҳам яққол билинади. Аъзам Ўктамнинг шеърлари хашаки, майда, жўн “тимтима”лардан эмас. Шоирнинг “Тараддуд”, “Қирқинчи баҳор” тўпламларидаги шеърларнинг аксарияти адабиётда ҳар куни пайдо бўлавермайдиган асарлар сирасига киради. Аммо ана шу эътирофимни ҳаётлигида ўзига изҳор этиб ёки матбуотда эълон қилиб, Аъзам Ўктамни қувонтирмаганидан афсусланаман. Аъзам Ўктамнинг шеърлари тўғрисидаги бу фикримни Хулқар Ҳамроевага айтганимда, у кўзларига ёш олиб, маҳзун бўлиб қолган эди. Аъзам Ўктамнинг тўпламлари ижтимоий-маърифий қиммати баланд шеърлардан таркиб топган. Вақт ўтган сари уларнинг кадри ошиб, салмоғи ортиб бораверади. Чунки Аъзам Ўктамнинг ўзи каби салобатли, виқорли шеърлари ҳар бир кишини ўзини англаш, ҳаёт ўткинчилигини ҳис қилиш, унинг ҳар бир лаҳзасини кадрлаш тўғрисида ва яна дунёнинг бошқа кўп муаммолари хусусида ўйлантиради. Бу эса шоирнинг сўз қадрини билгани, сўз дунёнинг гултожи инсонни ўзгартира оладиган илоҳий восита эканини ҳис қилганидан дарак беради. Хусусан, “Тараддуд” тўплами Аъзам Ўктам ҳар бир шеъри ҳақида истаганча гапириш, истаган тарзда талқин қилиш мумкин бўлган шоирлар сирасига киришига исбот бўла олади. “Тараддуд” тўпламидаги шеърлар эрмак учун, ҳавас учун ёзилмагани, улар ҳаёт ҳақида азобланиб ўйлаш, сўз устида изтироб чекишнинг “мева”си экани билиниб туради. Чунки Аъзам Ўктам эл-юрт аҳволига бефарқ бўлмаган инсон сифатида кўпчиликнинг қалбини қийноққа соладиган, одамларнинг тили учида турадиган ҳодисаларни қаламга олган. Жумладан: “Бугун ғамгин ташлашар назар, / Ҳол сўрашар астагина ё / Дўппи ёхуд чопон кийсанг гар, / Жиддий, хомуш юрсанг мабодо. / Буни, ҳатто, ўрис ҳам билар, / Кўниккан бу эл аҳволига. / Кимдир бўлар, нимадир бўлар / Ўзбек қайтса асл ҳолига!” деган. Шоир ушбу мисралар битилган шеърига “Изоҳ шарт эмас” деб сарлавҳа қўйган. У истибдод даврида халқимиз миллий



Ўзлигидан маҳрум қилинганига, тўғрироғи, шундай аянч аҳволга тушиб қолганига шу тарзда ишора қилган. “Изоҳ шарт эмас” аччиқ изтироб силқиган бу ўткир киноя ҳар бир кишини дарҳол сергак торттиради. Чунки шоир “Изоҳ шарт эмас” дея барчамизнинг ҳақиқий ҳолатимизни аён этади. Халқимизнинг ташқи миллий белгиларидан саналган дўппи ва чопон Аъзам Ўктам шеърларида ўзига хос ўрин тутди. Шоир ўз шеърларида кишиларимиз фақат тўй тантаналарида ва аза маросимларида ўзининг асл ҳолатига тушади. Миллийликни намоён қилишнинг бу тарзи мавсумий характерда бўлиб, у санокли соатлар, санокли кунлар билан чекланади. Бошқа пайтда кишиларимиз миллий қадриятларни буткул унутиб қўяди, дейди. Миллатсевар кишилар эса элдошларини ҳамиша асл ҳолида кўришни истади. Лекин шиддат билан ўзгарадиган замон жуда кўп янги нарсаларни тақдим этиб, барча халқларнинг турмуш тарзига муттасил ўзгаришлар олиб киради. У, жумладан, миллий қадриятларга “таҳрир” киритиб, биринчи галда, кийим-кечак, либосларга босим ўтказди. Шу боисдан қизи онаси либослари бичимини ёқтирмайди, бувисининг ковушини кийиб юришдан уялади. Ўғилнинг аҳволи ҳам шу – отаси сингари чопон, дўппида ўқишга, ишга бормайди. Чунки замона авлодларнинг худди аждодлари сингари кийиниши, рўзғор тутишини “ҳазм” қилмайди. Шу боис замоннинг кўзига ёмон кўринмаслик учун ҳозир Осиёда ҳам, Европада ҳам, Америка қитъасида ҳам, Австралияда ҳам кундалик ҳаётда одамлар деярли бир хил кийинишади. Бугун дунёнинг барча мамлакатларида кишиларнинг устида “Made in China” тамғаси босилган либослар турибди. Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий бичимдаги кийим-кечакларни насронийлар ҳам, яҳудийлар ҳам, мусулмонлар ҳам ҳеч бир монеликсиз харид қилишади. Бундан дўппи, чопон сингари уст-бош буюмлари миллийликнинг шунчаки сурати – ташқи белгиси экани, инсоннинг либоси унинг сийрати – ҳақиқий ҳолатини кўрсатиб беролмаслиги ойдинлашади. Аъзам Ўктамнинг бошқа шеърлари ҳам кишини ана шундай фикрлашга ундаб, қалбда илиқ ҳислар уйғотади. Чунки қалбга таъсир этиб, унда турли туйғулар ҳосил қиладиган, ўйлаб, мушоҳада юритиб, меҳнат

қилишга рағбатлантирадиган шеърлар чуқур ҳаётий асосга эга бўлади. Айни хилдаги шеърларга инсонпарварлик руҳига йўғрилган шеърият намунаси сифатида қаралади. Аъзам Ўктам ижодий меросида эса бундай шеърлар катта салмоқни ташкил этади. Инсонпарварлик руҳи баланд шеърлар, юқорида қайд қилинганидек, кишини ўйчан қилиб қўяди. Улар бошқа турдаги шеърлардан аввало шу жиҳати билан ажралиб туради. Бундай шеърлар ҳеч қачон кишини эътиборсиз қолдирмайди, ҳар гал ўқиганда эзгу туйғулар уйғотиб, фикрлашга, меҳнат қилишга чорлайди.

“Тараддуд” тўпламидаги шеърлар Аъзам Ўктам ўйчан, вазмин, босиқ, одамларга меҳрибон шоир, исломий ақидаларга амал қилишга интилган эл-юрт ташвиши билан яшаган дардкаш инсон эканини кўрсатиб туради. Ундаги шеърларда шоир ўз-ўзи билан савол-жавоб қилиб, замон ва маконлар оша кишиларга мурожаат этади. Натижада, “Изоҳ шарт эмас”, “Ишқ ҳаққи”, “Неъмат”, “Ибодат” шеърларини ўқиган шеърхон ўз-ўзидан ўйга ботади. Шоир ўртаниб, азобланиб битган сатрларни ўқиётганида кишининг вужудини ҳайрат, завқ ва яна аллақандай туйғулар чулғаб олади. Аниғи шуки, Аъзам Ўктамнинг аксарият битиклари шеър сирли ҳодиса экани, унда қандайдир ҳикмат яширинганига ишонтиради. Шоирнинг “Тараддуд” ва бошқа тўпламлари ҳаёт ва адабиётнинг кўп масалалари, инсон табиатининг сирли жумбоқлари тўғрисида мулоҳаза юритиш – меҳнат қилиш имконини беради. Муттасил ижодий меҳнат – кўп мутолаа қилиш, ҳаётни синчиклаб кузатиш, кўриб кечирган, эшитган ҳодисалари, ҳис қилган ҳолатларини сўз билан ифодалаш учун машаққат чекиш “мева”си бўлган шеърлар шундай хусусият ва шундай салмоққа эга бўлади. Аъзам Ўктам виқорли, ўйчан, вазмин, босиқ инсон бўлгани, муттасил шеър дардида яшагани, сўзларни худди қўлида салмоқлаб ушлагандай сатрларга тизган шоир эканига ишонч ҳосил қилиш учун унинг биргина “Йўл” шеърини ўқиш кифоя: “Йил йиқилар йилнинг устига, / Хотиралар типирчилар хит./ Елкам оғрир, қақшар устухон, / Юк остида силтанар умид. / Бераймикан тақдиримга тан, / Наҳот бари тугади ёху! / Йилдан-йилга етаклаб ўтган – / Орзуларим ушалмади-ку?! /

Сергак кадам ташлайман, ахир, / Юрар йўлим — калин тиканзор. / Бениҳоят узундир умр, / Биттагина оқ кўйлагим бор. / Юксакларга чўзибман кўлни, / Омон етай унга ишқилиб. / Танладим сал оғирроқ йўлни, / Сал енгилроқ жон берайин деб. / Қадам босиш тобора қийин, / Умр кифтда. Қақшар устухон. / Олға қараб юрганам сайин / Йил йиқилар йилнинг устига...”. Бу шеърдаги “Йил йиқилар йилнинг устига” сатрида ўтаётган йиллар варақланадиган тақвимга ўхшатилади. Аммо тақвим тўғрисида бир сўз ҳам айтилмайди. Авваллари варақланадиган ихчам йил тақвими – календарь ҳар бир хонадонда турарди. Шоирнинг “Йўл” шеърдаги дастлабки мисра ўша яқин замонни эслатиб, ширин хотираларга бошлайди ва ундаги “Йилдан йилга етаклаб ўтган / Орзуларим ушалмади-ку?!” сатрлари қалбни обдон оғритиб, кишини дабдурустдан ўйчан қилиб кўяди ҳамда кўча-куйда кетаётганида нимадандир диққати ошгандай бошини хиёл олдинга эгиб юрадиган Аъзам Ўктамнинг виқорли қиёфасини хотирада жонлантиради. Шеърдаги “Биттагина оқ кўйлагим бор” сатри эса ҳалқумини пок тутиб, ҳаромдан, қаллобликдан ҳазар қилиб ўтган шоирнинг асл аҳволдан хабардор этади. Ҳаромдан ҳазар қиладиганлар, ўз-ўзидан аёнки, учар устамонларнинг истагини ҳеч қачон қондиrolмайди, қаноатлантиролмайди. Учарлар борига қаноат қилиб, рўзғорини амал-тақал қилиб тебратадиганларни кўрганида ўз-ўзидан асаби бузилиб, улар билан юмма талашиб, уришгиси келаверади. Учарларнинг бу туғма талантига тан бериб, улар билан муроса йўлини тутмаганлар эса хўп азобга қолади.

“Йўл” шеърдаги сатрлардан қаллобларга тўла бу дунё билан муроса қилолмаган шоирнинг қалбини азоблаган аччиқ алам, изтироб силқиб туради. Бу шеър теварак-атрофдаги адолатсизлик, нопоклик, алдамчилик, риёдан кўп азоб чеккан кишиларнинг аламли фарёди бўлиб жаранглайди. “Йўл”да содда, ишонувчан одамларнинг эзгу орзу-истаклари рўёбга чиқишига нафси ҳакалак отган, қаноат нелигини билмайдиган, бошқаларга беписанд қарайдиган учарлар кўп тўсқинлик қилиши тўғрисида сўз кетади. Юртнинг дардкаш шоири ушбу шеърларида ҳам бошқа шеърларидаги каби шахсий

кечинмалари орқали умумманфаатига дахлдор муаммога эътибор қаратади. “Йўл” шеърида шоир ўзига кўп вақт ҳамроҳ бўладиган руҳий ҳолатни, армон, истакларни, ҳаётда ўзи амал қилган ақидани ифодалаган. Умуман, Аъзам Ўктамнинг шеърларида унинг турлича кайфияти, шоирона руҳининг парвозлари акс этади.

“Тараддуд” тўпламидаги шеърларнинг лирик қаҳрамони, аниқроғи, уларни битган шоир қаллоблар макридан, манфаатпараст, худбин кимсалар фитнасида, ёлғончиларга алданишдан толиқиб, умидсизликка тушган ва қалбидан маъюслик аримай қолган инсондек таассурот қолдиради. Шоир бу шеърларида ўзи яшаб турган муҳитдан, атрофидагиларининг риёкорлигидан азобланиб, одамларга ишончи сўнган кишиларнинг сийратини очиб беради. Бундай хусусият фақат орияти баланд, ўз қадрини биладиган ижодкорлар асарларида бўртиб туради. Аъзам Ўктам ўз шеърларида “Ҳамма ўз Ватанини мендай севсин, динини мендай қадрласин!” дейди. Ундаги бундай дадиллик қаёқдан пайдо бўлгани, бунинг боиси нимадалигини шоирнинг шеърларини ўқиганлар, албатта, тушуниб этади. “Тараддуд”, “Қирқинчи баҳор” тўпламларидаги шеърларидан шу аён бўладиги, одамларнинг буқаламунлиги, ёлғончилиги, қаллоблиги, кўрқоқлиги Аъзам Ўктамнинг қонини қайнатади. Шоир уларга қарата: “Сизлар учун ор-номус ҳам, дин ва диёнат ҳам, Ватан ва миллат ҳам бекорчи нарса. Бундай аҳмоқликдан уялмайсизларми?” дегиси келади. Аъзам Ўктамнинг кўпгина шеърлари ҳаёлда шоир қиёфасини одамларга мурожаат қилаётган бир ҳолатда жонлантиради. Бу шеърлар Аъзам Ўктам ҳаётнинг норасоликларини ўйлайвериб, диққати ошгани, лекин у теварак-атрофдаги одамларнинг қаллобликларидан қалби озурда бўлиб қолганини сездирмаслик учун ўзини мағрур ва жиддий қилиб кўрсатишга ҳаракат қилганини ойдинлаштиради.

Шоир шеърларининг бирида “Асаблар қақшайди дунёга боқсам” деган. Демак, у теварак-атрофида кечаётган воқеликка ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Аниқроғи, қараёлмаган. Шунинг учун юқоридаги сатр битилган шеърида “Шоирмас сўзни минг кўйларга солган, / Шеърни деб минг кўйга тушганлар

шоир!” дея ҳайқирган. Демак, у шеърни дунёнинг барча моддий неъматларидан, турмушнинг ҳузур-ҳаловатидан баланд деб билган ва одамларнинг дунёқарашини эзгу сўз ўзгартиришига, бунда шеър восита бўлишига астойдил ишонган. Шунинг учун: “Шеърсиз – бедард кунлар бисёр бунчалар” деб нола қилган. Демак, у шеър битиш изтироби фикру зикрини буткул эгаллаб олганидан “рўзғор” аталмиш кундалик турмуш ташвишларига ўралашиб, кўпчиликнинг бири бўлиб умргузаронлик қилишни истамаган. Тўғрироғи, туғма табиати унинг бундай яшашига йўл қўймаган. Юқорида иқтибослар келтирилган шеърига шоир “Онамга” деб сарлавҳа қўйган. Чунки у ушбу шеърни: “Йиғига ўхшаган табассум билан / Яна қошингизга қайтмоқдадирман. / Бу ерда ҳеч кимса парво қилмаган, / Дил розимни сизга айтмоқдадирман” дея онасига мурожаат қилиш билан бошлаган ва кейин унга : “Мен осмондан ерга тушиб қолганман, / Дўстлар хиёвати бошимни эгиб. / Муҳаббат, висолдан безиб қолгандим / Ҳатто, бахтиёрлик жонимга тегиб” деб алам, изтиробга тўлиб сўзлаган. “Қирқинчи баҳор” тўплами муаллифи “Онамга” шеърида агар ижодкор ҳаёт лаззатларига ўч бўлиб, айш-ишратга берилса, уни илҳом тарк этишига ишора қилиб: “Шодумон кунларим ортиқ кўпайди / Илҳом мени серноз маликалардек / “Фуқаро, фуқаро, фу, қаро! дейди” дея алоҳида таъкидлаган. Чунки у шоир, ёзувчи, рассом, хонанда, композиторлардан кўпгинаси ичкиликка берилиб, аянчли аҳволга тушгани, оқибатда, истеъдоди сўнганини кўриб кузатган. Ўзи учун эмас, бошқалар учун кўпроқ жон куйдирган Аъзам Ўктам шаробхўрлик, кашандалик, шариат тақиқлаган яна бошқа ифлос ишлар истеъдодли инсонларни ҳам тубанлаштириб, бебурд, субутсиз қилиб қўйиши, уларни бошқалар эмас, оиласи даврасида ҳам беобрў, беҳурмат кимсага айлантиришини кузатиб, кўп азият чеккан ва ана шу гирдобга тушиб қолганларни бу йўлдан қайтишга даъват қилган. Чунки айш-ишратнинг ҳар қандай тури вужудни зарарли вирус каби емириб адо қилиш баробарида кишининг имони, виждонини ҳам ғорат этиб, уни субутсиз, ёлғончи, қаллоб, уятсиз, пасткаш кимсага айлантиради. Маишатга берилган кимсаларнинг

қиёфаси аллақандай хунуклашиб, бадбашара бўлиб қолади. “Тараддуд” тўпламидаги шеърлар Аъзам Ўктам ана шу ҳақиқатни кўра олгани, ислом дини инсониятни расвогарчилик, тубанликнинг ҳар қандай кўринишидан муҳофаза қила оладиган мустаҳкам кўрғон эканини чуқур ҳис қилганини намойиш этади. Ростдан ҳам ислом дини маст қилувчи нарсалар истеъмол қилишни тақиқламаганида башариятнинг аҳволи ғоятда аянчли бўларди. Эл-юрт ғами билан яшаган Аъзам Ўктам бу илоҳий диннинг тартиб-талабларига амал қилмайдиганлар, жуда кучли, ақлли, истеъдодли эканига қарамасдан хор-зор ҳолда кун кечирини кўриб, беҳад таъсирланган ва ўзининг билиб-билмасдан қилган гуноҳлари учун чин дилидан тавба-тазарру қилган. Аслида ана шу ҳолат – истиғфор уни ўйчан ва дардкаш шеърлар битишга илҳомлантирган. Чунки у, юқорида қайд этилганидек, эзгу сўз воситасида шеър орқали одамларни ҳақ йўлга бошлаш, нафсига алданганларга ҳақиқатни танитиш мумкинлигига ўзининг ҳаёти тажрибаси орқали астойдил ишонч ҳосил қилган. Шоирнинг турли кайфият, кечинмалари, ҳаётининг турли босқичлари акс этган шеърлари, айниқса, “Тараддуд” тўплами шундай хулоса чиқариш учун тўла асос беради. Ўйлатадиган, мушоҳадага ундайдиган ҳикматомуз шеърлар эса одамларни маънавий озиқлантирадиган муҳим манба саналади. Агар бу манбадан маҳрум бўлганида одамзод ҳозиргидек коинот гултожи эмас, балки Ер юзидаги энг ожиз мавжудот бўлиб қоларди. Шунинг учун одам фақат моддий неъматлар туфайли тирик эмас. Инсоннинг яшаши, ҳаёт кечирини учун кўзга кўринадиган моддий неъматлар қанчалик зарур бўлса, кўзга ташланмайдиган номоддий, яъни маънавий неъматлар ҳам шунчалик шарт. Чунки нон, сув каби моддий неъматлар инсоннинг вужудини озиқлантирса, алла, қўшиқ, мусиқа, шеър, сурат каби номоддий неъматлар унинг қалби, руҳига қувват бўлиб қуйилади, дейилади. Аъзам Ўктамнинг ижодий мероси шундай салмоққа эга. Эл-юрт дардида яшаган ўйчан шоирнинг оҳ-ноласини ифодалаган шеърлари кишиларни мушоҳада қилишга, фикрлашга, ҳалол яшашга, оқибатли бўлишга ундаб, уларнинг қалб

оғриқларини олар экан, шоир тирикларнинг корига яраб, улар билан ҳамнафас яшайверади.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди: Адабий-танқидий мақолалар, суҳбатлар, бадиий публицистика. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1988. – 224 б.
2. Асқад Мухтор. Шеър – шоирнинг виждони: мақолалар, суҳбатлар, кундаликлар, қайдлар, жанрини топмаган сатрлар, библиография. – Тошкент: “Mumtoz so'z”, 2011. – 444 б.
3. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 б.
4. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: “Янгиқўрғон” нашриёти, 1992. – 32 б.
5. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
6. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.
7. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48 б.
8. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Тошкент: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
9. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2014. – 304 б.
10. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
11. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. – Тошкент: “Муҳаррир”, 2019. – 92 б.
12. Назар Эшонкул. Мендан “мен”гача: адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: “Akademnashr”, 2014. – 512 б.
13. Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: “Sharq”, 2004. – 640 б.
14. Рауф Парфи. Сабр дарахти: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 216 б.
15. Чўлпон. Адабиёт надир: Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар. – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 240 б.
16. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. – Тошкент: “O'zbekiston”, 2018. – 216 б.



**Шахло НОРАЛИЕВА,**  
**Жанубий Қозоғистон давлат педагогика**  
**университети ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси,**  
**Салимжон ҒАНИЕВ**  
**Қозоғистон Республикаси, Чимкент шаҳридаги**  
**Ҳамза номли 53 –мактаб она тили ва адабиёт**  
**фани ўқитувчиси**

## **АЪЗАМ ЎКТАМНИНГ “АЛИШЕР НАВОИЙ”**

### **ШЕЪРИ ҲАҚИДА**

#### **Аннотация**

Мазкур мақолада таниқли ўзбек адиби Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” шеъри мисолида шоир ижодининг бош мавзуси – миллий ғурур ва ифтихор, миллий ўзликни англаш туйғуси тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** Алишер Навоий, Шарқ адабиёти, Уйғониш даври, оймомо, заковат, ҳақиқат, ғолибият.

Жаҳон адабиётида Мир Алишер Навоий образи кенг миқёсда яратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Тарихдан маълумки, мутафаккир шоиримиз ҳаёт вақтидаёқ буюк истеъдоди ва салоҳияти билан Шарқ мамлакатларида ниҳоятда катта шуҳрат қозонган эди. Мутахассисларнинг фикрича, 16 асрда Европада Уйғониш даври билан бошланган қудратли маърифий-маънавий тўлқин тарихда инсоният яратган маданий-маънавий бойликлардан, хусусан Шарқ маданияти дурдоналаридан куч ва қувват олиб юксалган. Атоқли навоийшунос олим, профессор Ғ.Каримов тўғри таъкидлаганидек, “Навоийнинг “Сабаъи сайёр” достони Христофор Табризий вариантыда италянчада 16 аср ўрталаридаёқ тарқалди. Бу асар тез орада ўз латофати ва нафосати билан китобхонлар кўнглидан мустаҳкам жой олиб, бутун Европада шуҳрат қозонди, қатор



маданий тилларга таржима қилиниб, қайта – қайта нашр этилди. 16 аср охири, 17 аср бошларида бу асар италянчада тўрт маротаба, немисча таржимада эса беш маротаба нашр этилди. 18 асрда унинг французча (1719) ва голландча (1766) таржимаси майдонга келди ”.

Таниқли ўзбек шоири Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” шеърини ўқиётиб, кўз ўнгимизда улуғ маърифатпарвар бобомизнинг Европа Уйғониш даврига таъсирини ҳис қиламиз. Шеър ҳажман мўъжазгина, мансура шаклида ёзилган:

*“Кўк - дастурхон, оймомо – нон муқаддас. Теграсида сочилмишидир ушоқлар. Топтай олмас изгиса ҳам басма-бас, турли номлар олиб учган учоқлар. Еб қўёлмас шарт синдириб ҳеч инсон, ҳеч қандай куч теролмас бу ушоқни. Тупуролмас – муқаддас бу дастурхон, эзгилолмас ҳеч кимсанинг оёғи”*.

Улуғ мутафаккир фарзанд одоби ва бурчи ҳақида ёзганида, унинг ҳаётига, туну кунига нур бериб турадиган ота-она эканлигини, уларнинг ойу куёшдай яккаю ягоналигини, қошида ҳамиша фарзандлик бурчини аъло даражада адо этиши шарт эканлигини таъкидлайди:

Бошни фидо айла, ато қошига,  
Жисмни қил садқа ано бошиға.  
Тун –кунунгга айлагали нур фош,  
Бирини ой англа, бирини куёш.

Аъзам Ўктам кўк айланасини дастурхонга, ойни эса нонга қиёслайди. Шоир тасавурида дунёнинг энг ноёб яратиғи ой бўлса, Ҳазрат Навоийда унга тенглашадиган қудрат ва юксаклик бор. Аъзам Ўктам сўз мулки султонининг илоҳий - хаёлий ҳайратини ҳаётий таълимга уйғунлаштиради. Осмоннинг, ундаги ой, юлдузлар (*ушоқлар*) кўриниши, фазовий ҳаракати ойга муштарак тасвирланган.

Алишер Навоий инсон тафаккури, заковати ва салоҳиятини юксак кадрлайди, “Билим ва донишмандлик инсоннинг беағидир”, деб ёзади. Ёш

авлод тарбиясига, уни чин инсон қилиб шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани “хаёт чироғи” деб таърифлайди. Муқаддас туркий тилимизнинг байроқдори сифатида, қадим маданият ва маънавиятимизнинг жонкуяри, порлоқ қуёши сифатида жаҳон майдонига чиқди. Бир умр ўзининг машҳур “Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил” деган шиорига содиқ қолди.

Таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори Баҳодир Каримнинг фикрича, “Аъзам Ўктамнинг адабий шахсияти ва қиёфасини, истеъдодининг асосий қиррасини шеърини асарлари белгилайди. Бу шеърлар эгасининг мавқеини, обрўсини табиий равишда баланд кўтаради; яхши шеъргина шоирни абадиятга дахлдор қилади. Чунки, бу шеърини эгасида ички бир мағрурлик, ғолибият сезилади; у бировларга ялтоқланишни, айниқса ҳақсизлик қошида бўйин эгишни ўзига эп кўрмайди. Аъзам Ўктам шеърлари ўзи каби анча ўжар ва одамнинг юзига, ҳақиқатнинг кўзларига тик қараб турадиган, инсон юрагига тез етиб борадиган самимий, жонли ижод намуналаридир.”

Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” асари ёшларимизни буюк мутафаккир бобомиз шеърини ва шахсиятига янада яқинлаштиради, донишманд шоир ижодининг туб негизи бўлган инсонпарварлик, эзгулик, поклик ва комиллик сирларига ошно қилади. Буюк Навоийнинг бутун дунё бўйлаб тарқалиб кетган ушоқларини теришга, унинг сабоқларига амал қилишга интиланган инсон руҳан покланиб, комиллик саодатига яқинлашади. Унинг адабий-илмий мероси сирли уммонга ўхшайди. Аъзам Ўктам таъбири билан айтганда, бу сирлият осмондаги танҳо ой мисол яккаю ягонадир, яъни ҳазрат Навоийнинг бетакрор шеърини, сўз санъаткори, мутафаккир, маърифатпарвар ва илм-фан, маънавият ҳомийси сифатидаги тарихий хизматлари беқиёсдир. Шунинг баробарида, вақт ўтгани сайин Навоий даҳосининг янги қирралари намоён бўлмоқда. Буюк шоир адабий меросини ўрганиш унинг руҳий оламини ҳис этиш, асарларининг моҳиятини тўғри талқин қилиш ва англашни ўргатади.

Жанубий Қозоғистон ўзбек мактаблари ва ўзбек тили ҳамда адабиёти ўқитиладиган олий ўқув юртларида Мир Алишер Навоий ижоди кенг кўламда ўрганилмоқда. Улуғ шоир ижодини тизимли ўрганиш ва тарғиб қилишда Қозоғистон ўзбеклари этномаданий бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг раиси, таниқли маданият ва жамоат арбоби, Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Икромжон Ҳошимжоновнинг жонқуярлиги ва фидойилигини алоҳида таъкидлашни хоҳлардик. Буюк шоирнинг донолик, инсонпарварлик ва ҳаётсеварлик билан айтган ўғитлари дунёдаги турли миллат вакиллари учун ҳам азиз ва кадрлидир.

Аъзам Ўктам ҳазрат Навоийнинг мўътабар образини яратишда рамзлар ва ишоралардан, шеърӣ санъатлардан унумли фойдаланади. Мутафаккир – донишманд шоирнинг шахсияти ва шеърӣятига дахлдор фалсафасига асосланиб, “турли номлар олиб учган учоқлар”, яъни ўзгараётган дунё, турли тузумлар бу юксакликка дахл қила олмаслигини айтади.

Зеро, чин адабиёт, таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” каби фавқулодда гўзал ва фалсафӣ теран, таъсирчан шеърлари инсон руҳини улғайтиради, унинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, ўсиб келаётган ёш авлодга улуғ аждодлар билан фахрланиш, уларнинг онгу шуурида миллий ўзлик туйғуларини камол топтириш илмидан сабоқ беради.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов Г. Халқ, тарих, адабиёт. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
2. Баҳодир Карим. Руҳият алифбоси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 2018.
3. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. – Т., 1989.
4. Аъзам Ўктам. Тараддуд. – Т., 1993.
5. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. – Т., 2019.

**Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ**  
**ТДЮУ доценти в.б,**  
**филология фанлари номзоди**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ЛИРИК ҚАҲРАМОН ШАХСИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада ижодкор шахснинг давр ҳодисаларига нисбатан эгаллаган позицияси юзасидан мунозаралар, шоир Аъзам Ўктамнинг “Кузатиш” номли китобига кирган шеърларида акс этган мотивлар, хусусан, миллат ва мамлакат тақдири, келажаги билан боғлиқ муаммоларга лирик қаҳрамон – шоир “мени”нинг фаол муносабати таҳлил ва талқин этилади.

**Калит сўзлар:** шоир Аъзам Ўктам, эстетик ҳодиса, “Кузатиш” китоби, миллий уйғониш, истибдод, “чеккагир қаламкашлар”, пафос, фикр ва туйғу оқими, Ўрхун-Энасой тошбитиклари, “Лолазор” романи, шоир Шавкат Раҳмон.

Адабиёт ва санъатнинг ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати, таъсири хусусида, ижодкорнинг ўзи яшаётган ва келажак авлодлари яшаяжак замин тақдирига муносабати борасида бир-бирини кескин инкор этувчи қарашлар истаганча топилади. Бир қисм мухлис адабиёт ва санъат, ўз моҳияти ва мақсадига кўра эстетик ҳодиса эканини эслатиб, санои нафиса ўткинчи давр муаммоларидан юқори туриши лозимлигини уқтирса, бошқа бир томон замонга, халқ ва инсон қисматига бефарқ ижоднинг бўлиши мумкин эмаслигини, мана шу бефарқликнинг ўзи ҳам бир нуқтаи назар – инсоний ҳамда ижодий ақида эканини исботлашга уринади. Энг қизиғи – ҳар икки томон ўз даъвосини асослаш учун далил ва мисолларни ҳам хоҳлаганча топишади.

Бизнинг бугунги мақсадимиз мазкур баҳсда ким ҳақу ким ноҳақлигини аниқлаштириш, қайсидир бир томон ҳимоясига чоғланиш эмас, албатта. Қолаверса, ҳар қандай масала хусусида турли фикр-қарашларнинг бўлишини табиий, ҳатто зарурий ҳол сифатида қабул қилмоққа ўрганишимиз вақти аллақачон келган.

Биз бир шоирнинг биргина китоби мазмун-моҳияти хусусида шахсий фикрларимиз билан ўртоқлашамизки, шу аснода юқорида эслаганимиз масалага муносабатимиз ҳам ойдинлашса, ажаб эмас.

Демак, шоирнинг исми – Аъзам Ўктам, унинг 1990 йилда чоп этилган илк китоби номи – “Кузатиш” [1]. Китобга шоирнинг устози, миллат фидойиларидан бири Анвар Обиджон жамоатчилик асосида муҳаррирлик қилган.

Хўш, гапни айнан шу фактларни эслатмоқдан бошлашимизнинг боиси нимада?

Гап шундаки, ўтган асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми ва 90-йиллари бошларида шўролар кўл остидаги барча республикаларда бўлгани сингари бизнинг юртимизда ҳам миллий уйғонишнинг жуда кучли тўлқини кечди. Аксарият газета ва журналлар ўша пайтга қадар тасаввурга ҳам сиғмайдиган, бир-биридан ўқишли, таъсирли мақола ва суҳбатларни чоп этар, уларда республикадаги реал аҳвол, халқ турмушининг оғриқли муаммолари дадил муҳокама қилинар эди. Шеър, ҳикоя, қисса, дostonу романлар, сахна ва экран асарлари, ҳатто болалар ёки ўсмирларга мўлжалланган китобларда ҳам халқни юзйиллик истибдоддан озод қилиш, миллатнинг тили, шаъни ва ғурурини тиклаш, юртнинг бангига айланаёзган ерини ва заҳарга дўнган сувини поклаш, хўрлик ва муҳтожликка қарши ўзига ўт қўйиш билан исёнини намойиш қилаётган қиз-жувонларини асраш... сингари ҳаёт-мамот масалалари рўйи рост айтила бошлади.

Пойтахтнинг Пушкин кўчаси 1-уй манзилида жойлашган Ёзувчилар уюшмасида ташкил этиладиган йиғинларда миллат ва мамлакат тақдирига дахлдор ўткир масалалар юзасидан муҳокама ва мунозаралар шу даражада

кизгин тусга кирар эдики, энди бу тўлқин ҳеч қачон пасаймайдигандек, энди бу халқ ғафлат ва жаҳолатга бошқа ботмайдигандек, унинг мавжуд ва туғилажак шоир-ёзувчилари фақат ва фақат ҳақиқат, миллат дарду ташвиши йўлида ўзини фидо қиладигандай туюларди...

Бу курашлардан ҳар эҳтимолга қарши четга турмоқни афзал билиб, ўзининг бу холини турли важлар билан изоҳлаб-оқлашга уринган “Чеккагир қаламкашларга” қарата, масалан, Мирзо Кенжабек мана бундай хитоб қилганди:

“Мендан ижод қолар”, дейди у шоир,  
Шеър сотиб, жимгина ейди у шоир...  
Эй, шоир, хонашер, майдонғарибим,  
“Мендан ижод қолар” деган рақибим,  
Наҳотки, куёндан фарқинг қолмаса,  
Ижод кимга қолур, халқинг қолмаса?! [2.183]

Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Гулчехра Нуриллаева, Ҳалима Худойбердиевалар изидан Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон, Мирзо Кенжабек, Муҳаммад Юсуф сингари ўнлаб шоирлар, истеъдодли ёзувчи ва драматурглар ўз асарлари билан халқимиз руҳиятида ўзлик, ўзбеклик, ҳурлик туйғулари уйғонишига эришишдики, бу фактни, бу фидойиликни, ишонамизки, тарих унутмайди.

Албаттаки, ўша икки катта авлод ёнида туриб бир сўз айтиш, айтганда ҳам уларга ўхшатмасдан айтиш айтишгагина осон эди. Не тонгки, ўзбекнинг қора кўз ўғил-қизлари орасидан навқирон юрагида мана шу ижодий салоҳият яшнаб ўсаётган яна бир авлод майдонга чиқди. Бу авлод пешқадамлари ичида заминга оёғини маҳкам босувчи, айна заминни ўзи учун бешик ва беҳишт деб англагучи, шу заминдек ҳокисор миллатини тезроқ озод кўрмоқдан бошқа бахтни билмагучи бир шоир дадил одимларди. Агар Аъзам Ўктамнинг “Кузатиш” китоби муқовасидаги расмига қарасангиз, унинг қалбида, бутун

руҳиятида кечаётган шиддатли ғалаён, сажиясидаги толмас ва қайтмас шижоат, ўзига бўлган қатъий ишонч балқиб турганига гувоҳ бўласиз.

Шеърый асарнинг туғилишига фақат жўшқин илҳом, оний кайфиятгина асос бўлолмаслиги, у муаллифдан ўткир тафаккурни, учқур хаёлни, чуқур билим ва таҳлилий тафаккурни ҳам талаб қилиши – аллақачон исботланган ҳақиқат. Масалан, “Нил ва Рим”дек [3.122] ўлмас асарни ёзганида Усмон Носир бор-йўғи 23 ёшга тўлган бўлса, “Турксиб йўлларида” [4.14] шеърини битганида Ғафур Ғулом энди 27га кирганди. Бу шеърлардаги тизгинсиз, бироқ ўқувчи қалби ва онгини тўла қамраб-чирмаб олувчи кучга эга яхлит пафосни, ходисалар баёнида мисралар ичидан чиқиб келаётган шиддатли фикр ва туйғу оқимини бир четга қўяйлик-да, шоирларнинг узоқ ва яқин ўтмишни қанчалар чуқур билишига, тарихни қанчалар теран идрок этиши ва ўз замонасига қиёслай олишига эътиборни қаратайлик.

Шунга ўхшаш Аъзам Ўктамнинг “Бетоблигимда” номли мўъжаз шеърдаги куйидаги мисралар ҳам шоирнинг она халқи тарихини яқиндан билиши ва энг муҳими, ундан, аввало, ўзи керакли ибрат ўзлаштиргани ҳамда юртдошларини ҳам шунга даъват этишни истаётганидан далолатдир:

Гарчанд тилинмади ер,

Босмади устдан осмон,

Эзса бироқ бир-бирин

Элнинг тўри тўзаркан...[1.16]

Ҳарқалай, зийрак ўқувчи бу мисралар қайси тарихий манбани ёдга туширишини, ўша манбага дарж этилган сўнмас аламли нидонинг акси ва садоси эканини аллақачон илғаган бўлса керак: *Ўрхун-Энасой тошбитикларига мангу муҳрланган мана бу аччиқ савол, афсуски, тайинли жавобини ҳали ҳамон топгани йўқ: “Эй, турк будун (туркий халқ), тепадан осмон босиб тушмаётган бўлса, настдан ер ёрилиб ютмаётган бўлса, ким ва нима сенинг орангни бузади, нима сени тўзгитади?!”*

Мана шу – элни чинакам эл бўлишдан, оломонни халққа айланишдан тўсиб, чеклаб турган иллатларга ҳар қадамда дуч келаётган шахс – шоир

уларни кўриб кўрмасликка, сезиб сезмасликка олиш келажак олдидаги катта жинойт эканини чуқур ҳис қилади:

Булутнинг қўйнидан чиқмаса офтоб,  
Нишонлар ўрнини босса совутнинг;  
Бўронлар жимлиги саналса одоб,  
Кўтарса аёллар, қизлар тобутни –  
Гўдаклар эр етмас,  
Йигитлар ўлар.

Бош турса кўкракда, елкада эмас,  
Эзилиб, димиқиб ўлса ҳамият;  
Ҳеч ким йўл топмаса, чиқармаса сас,  
Баҳона қилинса муҳит, жамият –  
Узрлар гуноҳдан  
Ёмонроқ бўлар.

Боя эслаганимиз – 90-йиллар аввалидаги миллий уйғониш тўлқинига куч берган асарлар орасида Мурод Муҳаммад Дўст яратган “Лолазор” романининг ўрни ва аҳамияти ўзгачадир. Ана шу асарнинг не-не қаҳрамонларини йўлдан оздирган, покиза ниятларини ихтиёрий-мажбурий тупроққа қориштирган, охир-оқибат, уларни илдизи қирқилган терак ҳамда тухми ириган лолага айлантирган кучга “қутқу” номи берилади.

Асар муаллифи мардона эътироф этганидек: **“Ҳар кишининг ўз замони ва ўз Ошноси бор, ҳар киши ўзича бир буюк қутқуга дуч келади”**. Дарҳақиқат, аввалги чиқишларимизнинг бирида биз ҳам буни тан олган эдик: “Ҳар биримизнинг шахсий табиатимиз – характеримиз, кўнглимиз, дидимиз, истак-хоҳишларимиз... бир сўзга жамлаб айтсак, нафсимиз – бизнинг доимий ошномиз-да! Ундан қайга қочиб қутуламиз? Бу – Шиванинг кўлларидай кўпкўлли ошнонинг панжаларидан халос бўлишнинг имкони борми ўзи?



Агар очигига ўтадиган бўлсак, аксариятимиз бир кун Ошно, бошқа кун Яхшибоев, бирда Қурбоной, илож қолмаган пайтлар бўлса, ҳатто, Чоршанби киёфасига кириб яшамаймизми, кунимизни ўтказмаймизми?..” [5.93]

Шу нуқтаи назардан, ўзига ва қилиб юрган ишларига тик қарай олиш, уларни рўйи рост номлаш ҳамда баҳолаш Аъзам Ўктам шахсига ҳурматни оширса оширадики, асло камайтирмайди. Шоирнинг биринчи навбатда ўзига карата берган саволи – “Нега?” деб номланган шеърнинг бутун мазмунида ўзидан норози шахснинг тазарруси акс этади:

Маҳкам боғласам-да рост йўлга белни,  
Кўнгил равшан эмас, доғи бор дилнинг,  
Юртимни танидим, билдим-ку элни,  
Бироқ унутмадим ўзимни ҳануз. [1.10 ]

Айни кайфият тўпламдаги “Қизимга ҳасрат” шеърида ҳам теран ифодаланган бўлса, “Сўроқ” шеърида очикдан-очик ўздан норизолик сиёқини олади:

Қишда қушларга дон сепган кўлингни,  
Нопок луқмалардан қочган кўлингни,  
Оллоҳ, деб дуога очган кўлингни –  
Узатдинг ейиши, иши ҳаромга... [1.6]

Аъзам Ўктамнинг шоир акаси ва устози Шавкат Раҳмон шахси ва ижодига нисбатан туйган чуқур ихлоси унинг “Қирқинчи баҳор” тўпламига кирган “Шоирнинг онаси” шеърида ҳам билиниб-сезилиб туради. Унга бу жўмард шоир ҳис қилган туйғулар ёт эмаслиги, у ҳам халқ истиқболи йўлидаги улуг сафарбарликка ўзни тайёрлаш, бу курашларда ҳар қандай ожизликдан қутулиш истаги билан ёнаётгани “Шубҳа” шеърида яққол кўринади.

Ёдингизда бўлса, Шавкат аканинг “Титроқ сездингми ҳеч бир шум лаҳзада...” мисралари билан бошланувчи ва

Йўлдир бу,

Нафсининг ботқоғи эмас,

Қиличнинг дамидай чакнаган йўлдир.

Бу йўлга юзингни буришдан аввал

Ўлдир, ичингдаги хоинни ўлдир [6.287]

деган хитоб билан хотима топадиган шеъри бор. Ичдаги хоин бўлмиш **қўрқув** хиссидан халос бўлиш, “бизда ҳам бола-чақа бор” деган “инсоний оқлов”га куни қолмаслик истаги Аъзам Ўктамга ҳам “Менга нима бўлди? Қўрқяпман нечун...” дея ўзини сўроқлаш ва:

Бу лаънати кучни енгмасам бўлмас,

Йўқса боса келиб, енгар муқаррар.

О, унда йилдан йил,

Кундан кун эмас,

Ҳар лаҳза лаҳзадан бўлади баттар! [1.29]

дея ўзни омонсиз курашларга чоғлашга куч беради. Бу – қандай қилиб бўлмасин кун ўтказиш, тупроқдан ташқарида юриш, қорин-курсоқ ғами билан боғлиқ майда ғамлар йўлида титраб-қақшаш эмас, балки инсон боласига бир маротаба бериладиган умрда ҳур ва эркин яшаш, она халқ рўшнолигини кўриш, мамлакати ва миллати истибдод ҳамда хўрликнинг ҳар қандай шаклидан озод бўлиши йўлида кечадиган буюк мухорабага кўшилиш демакдир.

Мана шу ҳолдан келиб чиқиб, суҳбатимиз аввалида эслаганимиз масалага – адабиёт ва санъат аҳлининг реал ҳаётга, ижтимоий-сиёсий воқеликка муносабати, таъсири, ижодкорнинг ўзи яшаётган ва келажак авлодлари яшайжак замин тақдирига муносабати қандай бўлиши борасида бир тўхтамга келсак, бизнингча, адолатли иш бўлади...

Аъзам Ўктамнинг олам ва одамга айтмоқни истаган фикр-ўйлари, уларга соғинган покиза туйғулари, халқининг бахти, миллатининг камоли йўлида қилмоққа чоғланган ишлари ҳали жуда-жуда кўп эди. У бир китобига сарлавҳа учун танлагани ҳол – улуғ ТАРАДДУД палласига етганида, афсуски, кўп шикаст еган юраги, ўзи хоҳлаб-хоҳламайин, панд берди.

Бироқ шоирнинг қилиб улгирган кўпдан-кўп савобли ишлари, битиб қолдирган асарларининг ўзи ҳам ўзбек миллий адабиётида Аъзам Ўктам отлиғ фидойи ижодкордан ўчмас из қолди, дейиш учун етарлидир. Шоир шеърларининг бирида ортидан қолажак халқига мана бундай илтижо қилган эди:

Тарк этмасин кўлимни,  
Ойдин қилиб йўлимни,  
Нари қувар ўлимни –  
Қаламга дуо денглар. [1.50]

Илоҳим шоир дастига Ўзи тутқазган қалам-ла ёзиб қолдиргани асарлари янглиғ унинг ёруғ хотирасини ҳам келгуси насллар ёдидан ўчирмасин!

**Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Кузатиш. – Т.: Ёш гвардия, 1990.
2. Мирзо Кенжабек. Баҳорим еллари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
3. Усмон Носир. Танланган асарлар. Икки томлик. Биринчи том. Шеърлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
4. Ғафур Ғулом. Танланган асарлар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2012.
5. “Тафаккур” журнали, 2014 йил, 4-сон.
6. Шавкат Раҳмон. Сайланма. – Т.: Шарқ, 1997.

**Мунаввара ЮСУПОВА**

**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар  
уюшмалари аъзоси, шоира**

**МОҲИЯТДАН БАДИИЯТГА**

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу тезисимизда Аъзам Ўктам қисқа умр кўрса ҳам, яхшиликдан, эзгуликдан сатрлар битгани ва бу сатрларнинг руҳий олами соддалик ва

беғуборликдан иборат эканлиги, ҳаётнинг киши пайқамас гўзалликларини кашф этгани, шоирнинг ибораси билан айтганда "...тилга эмас, дилга келганини..." айтиб яшаш унинг доимий матлаби бўлгани ҳақида сўз боради.

**КАЛИТ СЎЗЛАР.** *Йиги. Бахтиёрлик. Қалқон. Қалам. Андиша. Меҳр.*

**"Бизнинг Маргилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да..."** [ 2 , 247- б ]

Адибимиз Абдулла Қодирийнинг " Ўтган кунлар " асаридаги Юсуфбек Ҳожининг Кумушбибига қарата айтилган бу гапи эл аро машҳур бўлиб, яхши бир нарса айтилмоқчи бўлинса, албатта қиёс қилинади. Мен ҳам шу ниятда Аъзам Ўктам каби ўт юрак бир шоир яшаб ўтганини интернет орқали ўқиб ҳайратда қолдим. Ўзбекистонимизга меҳрим янада ошди.Чунки шундай шоир йигитлар нафақат ўзи, балки ўткир, маъно-мазмунли сатрлари билан ҳам гўё ватаннинг уриб турган юрагига ўхшайди... Дарҳақиқат, шеърят бўстонининг Муҳаммад Юсуф, Аъзам Ўктам, Шавкат Раҳмон, Абдували Қутбиддин каби ёрқин юлдузлари қисқа умрлари давомида эзгулик, яхшилик ва меҳр муҳаббат куйчиси сифатида ҳар бир китобхоннинг қалбида чакнаб қолди. Шулардан биттаси Аъзам Ўктам. Тўғриси унинг китоблари биз томонларга етиб келмаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг интернетдаги телеграм каналида Аъзам Ўктамнинг шеърларини ва у ҳақдаги маълумотни ўқиб қолдим. Битта қизалоқ билан тушган расми ҳам берилган. Новчадан келган, чиройли бир йигит. Сўнгра унинг асарларини изладим. Камоладдин Толибий -- " Устоз буюқдир. Чегара билмас канал" шеърят гуруҳининг админи, менга унинг " Кузда кулган чечаклар" номли китобчасининг электрон вариантыни ташлаб берди. Уни ўқир эканман, бир илиқ ҳиссиёт қалбимни чулғаб олди. Бошидан то охиригача янгидан янги ташбеҳлар, ғаройиб топилмалар ҳаёлимни ўғирлади ва бу бетакрор шоир ҳақида, унинг ўлмас бадиияти ҳақида фикр билдиришни ният қилдим. Чунончи унинг " Адашдинг " номли шеърида :

**"Жимликни эшитсанг - айтдим шу гапни, Кўзни ўқий олсанг - шу гаплар аён. Сеники узрли - бўлсанг кўру кар..."** [ 3 , 5- 6 ]

Шу уч қаторга сиғган маъно ва мазмунни айримларга етказиш учун уч ой қийналамиз. Қандай қилиб айтсам экан, деб. Ва ҳок... Аъзам Ўктам эса бундай жавобни шу уч қатор сатрда бера олган. Бу эса унинг қалб кўзи очиқ, маънавий олами кенг бўлиб яшаганлигидан далолат.

**ЙИҒИ.** " Йиғи-- ғам-алам, оғриқ , изтироб ва шу қабилар туфайли юзага келадиган руҳий ҳолатнинг кўз ёши, ўзига хос товуш билан кузатиладиган ифодаси, шундай ҳолат билан юзага келадиган кўз ёши, товуш. " [ 8, 272-б ] Шунингдек Аъзам Ўктам "Онамга " шеърини шундай сатрлар билан бошлаган:

**" Йиғига ўхшаган табассум билан...**

**Яна ёнингизга қайтмоқдадирман... "** [ 3, 3-б ]

"Йиғига ўхшаган табассум... " Бу - ҳар биримиз яқинларимиз билан бўлган муносабатда бошимиздан ўтказадиган ҳиссиётдир. Айниқса онамиз билан бўлган суҳбатларда бу нарса яққол сезилади.Ичимизда - бош кўтараман деб турган исён - ҳеч кимга айтолмайдиган дардлар ёки мангу оғриқ бўлган мунгнинг изоҳини айтолмай гунгга айланиш... Ичдан ҳеч ким билмайдиган титроқ бир товушнинг ташқари чиқишга интилиши... Лекин бу товушни билдирмаслик, унга маъно бермаслик учун табассум қилиш... Гўё мен яхши, менда ҳамма нарса яхши дея сипо кўриниш... юз ифодасидаги оламжаҳон маъно... Бу ҳар кимнинг ҳам кўлидан келавермайди. Шеър ўқувчи, тилсиз, забонсиз бу маъноларнинг изоҳини ўзи ўз қалбидан топади. Мана шоирнинг муваффақияти қаерда. Аъзам Ўктам инсон руҳиятидаги силсилаларни юрак-юрагидан ҳис қилган ва унга шундай бир чиройли ўхшатишлар топган-ки...

**БАХТИЁРЛИК .** " Бахтиёрлик-- ўз ҳаётидан мамнунлик , хушбахтлик , саодатмандлик ; саодатли, ширин ҳаёт. " [ 7, 179- б. ]

Бахтиёрлик нима ўзи? Есанг, ичсанг...Умуман жисму-жонингдан шикоятинг бўлмаса...Шуми бахтиёрлик?! Ёки тўкин шарт-шароитда

яшасанг- у, ҳеч қандай эҳтиёжинг бўлмаса шуми бахтиёрлик?! Бахтиёрлик қачон жонга тегади? Ёки қандай инсоннинг жонига тегади?!

**" Муҳаббат, висолдан безиб қолгандим, Ҳатто бахтиёрлик жонимга тегиб.. "** [ 3, 3-б ] --

Доимо яхшилик ва эзгулик излайдиган, ўз ишидан қоникмайдиган, барҳаёт тоза нафасларнинг орзуси қон-қонига сингиб кетган инсонгина оддий яшаш, ҳаёт тарзини қабул қилолмайди.. Ҳа, яна ўзидан бир чиройли из қолдиришни истаган инсон ҳам меъёрий ҳаёт тарзини қабул қилолмайди. Шунинг учун ҳам у: **" Жимгина яшашга ҳушим йўқ "** [ 3, 7-б ] - дейди.

**"Шоирмас сўзни минг куйларга солган, Шеърни деб, минг куйга тушганлар шоир!"** [ 3, 3-б ] - дея хайқиради. Аъзам Ўктам "Чўл йўли" деб бошланадиган шеърда эса **"Чанг - йўлларнинг бахтиёрлиги "** [ 3, 4- б ] - дейди. Агар бу йўлларнинг тили - забони бўлганида эди, шоирга раҳматлар айтарди. Чунки инсон биографиклар ичидаги энг олий мавжудот ...унга хизмат қилиш эса шараф . Бу вазифани адо этаётган йўлнинг бахтиёрлиги- бу унинг чанги, дея хулоса чиқариш фақат гўзалликни кўра оладиган одамгагина хос хусусиятдир. Бундан ташқари бу сатрни ўқишинг билан йўлни чангитаётган болаларни кўргандай, беғубор болалигинга қайтгандай бўласан. Аъзам Ўктам ҳаётнинг бундай киши билмас гўзалликларини кўриб ўзгача, ўзига хос тарзда гўзал бир ташбеҳлар ярата олган. Бу ташбеҳлар бетакрор жозиба хусусиятига эга бўлиб, ўқувчининг ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқини оширади. Масалан : **"Онам соғар сигирни- Куйлаб юборар челак."** [ 3, 17-б ] Гўё сутнинг челакка тушгандаги овози қулоқларингизга эшитилгандай бўлади. Ҳаётнинг бундай гўзал симфонияси, бундай гўзал топилма фақат Аъзам Ўктам қаламидан яралган. Гўзалликни англаб билган, гўзалликни қадрлай олган шоир ҳаётнинг ана шундай қирраларини топа олади. Бундай хулоса эса кутилмаган янгилик бўлиб инсониятга хизмат қила олади. Шунинг учун ҳам Аъзам Ўктам ижодининг бадиияти у ёзган ҳар бир сатрнинг моҳиятидадир. **" Ловиллаган кўшини, Қир булут ютиб олди."**

*"Тун-бу инжиқ кампир. ", [3,24- б] "Кўксига чўққи ботган бағри қон қуёш..." [ 3, 25-б ] У ўзининг " Англаганим " номли бир шеърида шундай дейди: "Бўлса бепарво-ю, тинч, Кўнса ёлгонларга жим -Қалқон, ғилофсиз бир қилич - Қаламни қўлга олмасдим..." [ 3, 44- б ] - деб ёзади шоир.*

**ҚАЛҚОН.** "Қалқон.1- маъноси - Жангчининг танасини қилич , найза ва шунинг каби тигли қуроллар зарбидан ҳимоя қилувчи, турли материаллардан ясалган мослама. Иккинчи бу сўзнинг кўчма маъноси бор. Офат, бало, кўнгилсиз ҳодисалар ва шулар кабилардан сақловчи восита; тўсиқ, ғов. Учинчи кўчма маъноси бу -ҳимоячи." [11, 232- б] Шоир Аъзам Ўктам, қалқон сўзининг маъносини худи шу учинчи маънода ишлатган. Яъни бепарволик, лоқайдлик ва ёлгонни ёмон кўриб , қуроли қалам билан сатрлар орқали курашган шоир , ҳам қалқон , ҳам ғилофсиз бир қилич - қаламни қўлимга олмасдим , дейди. Бу ердаги "қалқон" атамаси қалам эгаларига жамият томонидан бўлган эътибор, қалам эгасининг ғурур ва ифтихори, ҳимоячиси бўлиб шарҳланган.

**ҒИЛОФ.** "Ғилоф - [хатжилд; қоплама; қобиқ; пўстлоқ] 1 Буюмни ташқи шикастдан сақлаш учун солиб қўйиладиган, шу буюм шаклига мослаб тайёрланган махсус жилд., қути, қин. 2- кўчма маъноси маска. Яъни "Тухматчининг тоши ёмон, Ғийбатчининг ғилофи " [ 11, 446- б ]

Шоир "Ғилофсиз бир қилич" деб, қаламнинг куч қудратига ишора қилган. Яна: *"Кесмадилар эгилган бошни, Оро кириб қолди.*

*Унинг жонига, Ғилофдаги қилич - андиша " [ 3, 14- б ]*

**АНДИША.** " Андиша - [фикр, ўйлаш] 1.Кетини, оқибатини ўйлаб ёки юз-хотир қилиб юритилган мулоҳаза. 2.Умуман фикр, мулоҳаза. 3. Шарм-ҳаё, ор - номусга амал ҳисси. " [7,84 - б] Аввалги сатрда " ғилофсиз бир қилич" қаламнинг куч-қудратига ишора маъносида ишлатилган сўз, бу сатрда эса "ғилофдаги қилич - андиша"нинг моҳияти ва куч-қудрати ҳақида башорат қилинади. Тарозунинг паллаларида ўлчанган - қалам ва андиша, иккаласи ҳам теппа-тенг. Аммо биттаси ғилофсиз бўлса, биттаси ғилофлидир. Ўхшатишларни қойилмақом қилиб бажарган шоирнинг ҳар

бир сатри маънавиятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолган десам, муболаға бўлмайди. Умуман Аъзам Ўктам сатрларини ўқир экансиз гўё бир кино тасвирларини кўраётгандек завқланасиз.

Шоир: *"Танладим сал озирроқ йўлни, Сал энгилроқ жон берайин деб"* [ Нодир Жонузоқнинг телеграм каналидан олинди ] Ёки

*"Жангда ҳалол бўлган аскарлар, Жангда кўпроқ ҳалок бўлишар"* [ 3,8-б ] сатрлари ўзининг ҳалол яшаб ўтганлигига бир далил тариқасида келтириб ўтсак арзийди.

"Инсоннинг феъл-атвори кўпроқ ўзининг хаёлларига боғлиқ бўлади. Булар, албатта, унинг билим ё андишасига боғлиқ..." [ 1, 19-бет.] Демак , "Машаққатдан қочмадим ҳаргиз .. " [ 3, 4- б ] ёки "Дўстимга" шеъридаги "Айтдим тилга эмас, дилга келганин" деб куйлаган шоир ўз-ўзининг, бир маъсум қалбининг таржимони сифатида хаёл ва тасаввурининг кенглиги асосида майдонга чиқди ва бунга эришди. *"демак, бундан маълум бўлишича, исботда илм, тортишувда иккиланиш, риторикада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса , шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади"* [ 1, 18 - бет]

**МЕХҲР.** "1 [Мехр - севги, муҳаббат; мойиллик] 1 Инсоннинг ўз туғишганларига, яқин кишиларига ва, умуман одамга, нарсага бўлган самимий муҳаббати; яхши кўриш туйғуси. 2 Шафқат, раҳмдиллик. II [ - эроний қуёш йилининг еттинчи ойи; қуёш] Қуёш, офтоб. " [ 10, 588- б ]

Дарҳақиқат, икки дунё тириклик ва ўлик олам мувозанатини ушлаб турган энг бебаҳо неъмат- МЕХҲРДИР. Тириклик дунёсига қилинадиган меҳрни тушуниш мумкин, аммо ўтганларнинг қадрияти ва уларнинг қолдирган бадиияти- уларнинг ўлмас меросларига бўлган ҳурмат ва эҳтиром уларга кўрсатилган меҳрдир. Аъзам Ўктам ўзининг бир шеърида " Меҳринг менга чироқ " [ 3, 18-б ] каби қуйма сатрни ишлатган. Алалхусус шоирнинг гўзал маънавияти, бой хаёл ва тасаввури асос бўлган ижодининг бадиияти шак шубҳасиз мангуликка ёқилган чироқ бўлиб қолади.

#### АДАБИЁТЛАР:



1. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Т .: Ғафур Ғулом номидаги "Адабиёт ва санъат " нашриёти, - 1979 йил. – 66 б.
2. Абдулла Қодирий. Танланган асарлар". Т.: " Шарқ ", 2019.– 864 б.
3. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар.: Шеърлар.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 Б.
4. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси телеграм канали.
5. Нодир Жонузоқнинг телеграм канали.
6. Ҳалима Худойбердиева. Йиғладим. Шеър.( Аъзам Ўктам хотирасига )- Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси телеграм каналидан.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80 000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. 5 жилдли. 1- жилд. А - Д. - Т.: "Ўзбекистон нашриёти" - Давлат унитар корхонаси, 2020.- 680 бет.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2- жилд. Е - М /- Т.: " Ўзбекистон нашриёти"- Давлат унитар корхонаси , 2020.- 622 бет.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3- жилд. Н - Тартибли. Т.: "Ўзбекистон нашр," 2020.- 688 бет.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4- жилд.Тартибот- Шукур. - Т.: "Ўзбекистон нашриёти ", Давлат унитар корхонаси, 2020. - 608 бет.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5- жилд. Шукура- Ҳ. - Т.: "Ўзбекистон нашриёти ", Давлат унитар корхонаси. 2020.-- 608 бет.
12. Аъзам ЎКТАМ шеърлари телеграм канали.

**Нигора ШАРИПОВА,**

**Олий аттестация комиссияси раисининг**

**ўзбек тили бўйича маслаҳатчиси,**

**Рустам ШАРИПОВ**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

**доценти, филология фанлари номзоди**

**БУ ДУНЁГА СИҒМАГАН “ДУНЁ”...**

**Аннотация**

Мазкур мақолада XX аср ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида бири, таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктам шеърининг бадиияти, ижтимоий-эстетик қарашлари тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** Иймон, миллий ғурур, Алишер Навоий, шоир дунёси, тил жозибаси, исломий шеърият.

Шеърият мисли бир майдон. Унга ҳар ким ўз юки билан кириб келади. Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Муҳаммад Юсуф деганимизда кўз олдимизга ўзгача бир дунё, руҳ ва эҳтирос намоён бўлади, қалбимизда ноанъанавий шаклдаги оҳанглар янграй бошлайди. Нозик қалб соҳиби шоир Аъзам Ўктам ҳам мана шу беназир сиймолар қаторидан ўрин эгаллайди.

Аъзам Ўктам қисқа аммо шу билан бирга жуда сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг шеърлари енгил-елпи, навбатчи мавзулардан йироқ бўлгани сингари шахсияти ҳам ўткинчи эҳтиросларга яқин келмади. Шунинг учун бўлса керак, унинг шеърларида ички ғурур, орият каби фазилятлар билан бир қаторда ёлғон, кўзбўямачилик, мунофиқлик ва ҳақсизликка нисбатан мурасасизлик ва баъзи ўринларда исён туйғулари ҳам бўртиб чиққанининг гувоҳи бўламиз. Унинг наздида миллий ғурур – бу Ҳақиқат, Адолат ва Иймон... эди.

Дарҳақиқат, Иймон шоир ижоди, эътиқоди ва ҳаёт йўлининг мазмунини ташкил этди. Устоз Озод Шарафиддиновнинг Аъзам Ўктам ҳақида битган ушбу самимий сўзлари бунинг исботидир: “Тарихимизда биринчи марта Қуръони Карим ўзбек тилига таржима қилинди. Аъзамжон бу улуғ ишнинг ташаббускорлари сафида бўлди, оиласи билан нусха кўчиришди, табаррук китобимиз унинг муҳаррирлиги остида чоп этилди. У “Бобурнома”, “Мухтасар”, “Тўрт улус тарихи”, “Саботул- ожизин” каби ноёб китобларга муҳаррирлик қилди. Чўлпоннинг “Баҳорни соғиндим” тўплами узоқ йиллик айрилиқдан сўнг Аъзамжоннинг саъй ҳаракатлари билан чоп этилди. Собиқ “Юлдузча” нашриётининг номини Чўлпон деб ўзгартирилиши ҳам Аъзам Ўктамнинг ташаббуси эди. Ўша йиллари биз бу ҳақда кўп фикрлашгандик. Насрдаги изланишлари ҳам назмидек равон ва таъсирчан. Энг муҳими, у биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеъриятига диний – маърифий оҳангларни олиб кирди. Унинг “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”

китоблари Қуръони Каримдан чуқур билимга эга бўлганлигининг исботидир. Анчадан бери ўйлаб юрибман, у ҳақда бир нарса ёзиш ниятим бор. Юрагида, сўзида олов бор, адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам бир хил диёнатли, иймонли эди” [2, Б.3].

Шоир шахсияти кўламини янада теранроқ англаш, ижоди фалсафасини чуқурроқ ҳис қилиш учун яна бир мўътабар зот, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларидан иқтибос келтиришни лозим топдик. Ул зот Аъзам Ўктам ижодига юксак баҳо бериб, шундай деб ёзган эдилар:

“Аъзам Ўктам жанобларининг “Тараддуд” китобларини ўқиганда камина ходимингизда мутлоқ бошқа бир фикр пайдо бўлди. Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган шеърят мана шу даражага чиқса эди деган хоҳиш, истакни айнан “Тараддуд” китобида кўрдим. Аввало тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўктамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иқтидори бор шоир, ҳам ватандошни танимаслик албатта биз учун обрў ҳам бўлмас.

“Тараддуд” китобидаги шеърлар диний мавзудаги бошқа шеърлардан фарқли ўлароқ баъзи бир оятларнинг, ҳадисларнинг ёки Исломиё хикматларнинг таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг ҳаёт жараёнида қоришиб кетган фикрлари, ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулоҳазалари ва халқи учун, дини учун куюниши, иймон-эътиқоди учун ёниб яшаши акс эттирилганлиги билан ажралиб туради. Ана шу нарсаларни “Тараддуд” китобини саҳифалаб шеърларни ўқиганимизда яққол кўрамиз. Бу шеърларда мусулмон инсон, динини худди чўғни тутгандек тутиб, диндан ажраб қолган бир жамиятда яшаб келган инсоннинг фикрлари, унинг қийналишлари, ўртанишлари ва халқи учун куюниши ўз ифодасини топгандир” [2, Б.383].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, Аъзам Ўктам XX аср ўзбек адабиётининг энг ноёб истеъдодли ижодкорларидан бири эди десак, асло муболаға бўлмайди. Унинг “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби шеърий тўпламларига кирган шеърларини ўқиб, инсон хилқати ва руҳиятининг

нозиклигини, унинг комил шахс сифатида шаклланиш жараёни ниҳоятда машаққатли эканлигини англагандек бўламиз.

Шоир ўз ижодида тилимизнинг яширин имкониятларини излаб топиш, унинг ички жозибасини очиб бериш, шунингдек шеърият тилининг бадииятидан унумли фойдаланиш йўлида тинимсиз излангани, бунда Ҳазрат Навоий ижодидан малҳам топгани, ундан маънавий-руҳий озуқа олиб, ижод қилганини ҳис этамиз.

Масалан, шоир ўзининг “Алишер Навоий” номли ҳажман мўъжазгина шеърида буюк алломанинг руҳий-бадиий қиёфасини яратар экан, тилдаги тасвирий воситалардан фойдаланишда сўзларга ўзига хос услубий вазифа юклайди. Поэтик асарлар тилининг ҳиссий–бадиий савиясини, таъсирчанлигини таъминловчи, образлилик ҳосил қилувчи лингвопоэтик воситалардан бири ўхшатишдир. Шеър ”*Кўк - дастурхон, оймомо - нон муқаддас, Теграсида сочилмишдир ушоқлар*” сатрлари билан бошланади. Шоир Ҳазрат Навоийга мурожаат қилиб, “Сиз осмондек улуғ ва юксак, оймомодек танҳосиз” демайди, кўпчиликка таниш сўзлардан ва сийқаси чиққан оддий ташбеҳлардан қочади, балки замонавий тилшуносликда етакчилик қилаётган антропоцентрик йўналишга мос келадиган янги поэтик тасвир яратади ҳамда ўхшатиш воситасида шу фикрни исботлашга уринади.

Аъзам Ўктам Ҳазрат Навоийнинг комиллик фазилятларини осмонга менгзайди - юксак ва қўл етмас, унинг наздида дастурхон теграсида сочилган ушоқлар улуғ мутафаккир қаламидан тўкилган мунаввар дурлардир. “Кўк - дастурхон, оймомо - нон муқаддас” сатридаги *дастурхон* ва *нон* концентлари ўзида дунёдаги жами ижобий фазилятларни, муқаддас қадриятларни ифодалайдиган, инсон руҳиятига таскин ва малҳам берувчи тушунчалар уйғунлашиб, ўқувчини ўйлашга, фикрлашга ундайдиган поэтик манзара ҳосил бўлади - “*Теграсида сочилмишдир ушоқлар*”.

Аъзам Ўктам поэтик таъсирчанликни кучайтириш мақсадида *учоқ* образини матнга олиб киради. *Топтай олмас изгиса ҳам басма – бас, Турли номлар олиб учган учоқлар*” – Ҳазрат Навоийнинг дунё бўйлаб сочилиб

кетган ва ҳамон дунёни ҳайратга солаётган, турли даврларда “*турли номлар билан изгиган*” тузумларнинг синовларига бардош берган асарларининг моҳияти бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаганлиги, у ҳамма замонларда осмондек юксак ва нондек муқаддас эканлиги ишонч билан таъкидланади.

Гўё Аъзам Ўктам улуғ мутафаккир руҳий оламидаги зиддиятларга ечим излаётгандай тасаввур пайдо бўлади. Шоирнинг ички изтироблари, драматик кечинмалари шу ўринда ўз кульминацион нуқтасига чиқади ва муаллиф метафора ёрдамида ўз мақсадини баён қилади: “*Еб қўёлмас шарт синдириб ҳеч инсон, ҳеч қандай куч теролмас бу ушоқни*”. Шеърини сатрларнинг ушоққа нисбат берилиши ўқувчи кўнглига қандайдир сокинлик олиб киради, унга лирик қаҳрамон ички кечинмалари, руҳиятидаги тўфонлар ва эврилишлар ҳақида ишора беради. “*Тупуролмас – муқаддас бу дастурхон, эзгилолмас ҳеч кимсанинг оёғи*”. Шоир сатрдан – сатрга поэтик тасвири кучайтириб боради, унинг ўхшатиш воситасида кутилмаган хулосага келиши китобхонни ўйлашга мажбур қилади.

Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” шеъридаги фалсафий руҳ инсон ҳиссиётининг турли эпкинлар гирдобидидаги ҳолатини метафора ёрдамида ишонарли ва таъсирчан ифодалайди. Маълумки, индивидуаллик, яъни ўзига хослик ҳар бир ижодкорнинг сўз танлаш санъати билан белгиланади. Шу тарзда шоирнинг бадиий тафаккури, сўзни ҳис қилиши, идрок этиши, энг асосийси унинг лисоний лаёқати, яъни лингвистик маҳорати ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Шеърини ихлосмандларида “Шоир бўлиш учун туғма истеъдод бўлиши керакми ёки бунга олийгоҳларда ҳам ўрганса бўладими?” деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, шоирлик Оллоҳ томонидан берилган бир инъом. Шоирлик мартабасига эришиш учун инсонда учун жуда кўп хислатлар мужассам бўлмоғи даркор. Истеъдод, билим, меҳнатсеварлик, замон ва макон туйғуси, курашчанлик, фидойилик, ҳайратланиш... ва энг муҳими қалб, юрак... Фақат шу хислатларгина шеърни чинакам бадиий асар даражасига кўтариш имконини беради. Фикримизча, бу хислатларнинг

барчаси шоир шахсиятида мужассам бўлганлиги унинг ижодий мероси кўламини белгилаб берган.

Аъзам Ўктам бор йўғи 42 йил умр кўрди. Унинг дардлари бу дунёга сиғмади...

У хаётни жуда-жуда севарди. Унинг атрофдаги кўз илғамас жилваларни қалб кўзи билан кўра олиши ва олган таассуротларини ўқувчига етказиб бериш қобилияти юракдан сирғалиб чиққан хайқирикни эслатарди. Унинг шеърларини ўқисангиз дам армонли, дам қайғули, дам изтиробли, дам умидли сатрларга дуч келасиз ва беихтиёр ўйга чўмасиз.

Ноёб қалб, ажойиб истеъдод соҳиби, юраклари водийдек кенг водийлик шоир Аъзам Ўктам жуда қисқа умр кўрган бўлишига қарамай ўзидан кейин муносиб ижодий мерос, уни таниган-билган дўстлари қалбида ўчмас из қолдириб кетди. Халқимизнинг энг табаррук зотлари, алломалари томонидан Аъзам Ўктам ижодига берилган юксак баҳолар ҳам унинг шахсияти кўламини янада ёрқинроқ очиб беришга хизмат қилиши шубҳасиз. Хусусан, беназир устозимиз Озод Шарафиддинов Аъзамжонни талабалик йилларидан яхши билган ва яхши кўрган. Домланинг шогирди сифатида уларнинг кўп суҳбатларига гувоҳ бўлганман. Устоз Аъзамжон ва Хулқарни, уларнинг шоиртабиат оиласини айрича меҳр билан қадрларди. Аъзамжоннинг адабиёт, олам ва одам ҳақидаги дадил ҳамда исёнкор фикрларини қизиқиш билан тинглар, баъзан иккаласи баҳслашиб ҳам кетишарди. Аъзам Ўктам ўз исмига муносиб, ниҳоятда дадил ва ўктам эди, уларнинг худди тенгдошлардек баҳслашишларига ҳавасимиз келган пайтлар ҳам кўп бўлган. Навқирон шоирнинг, садоқатли шогирдининг бевақт вафотидан устознинг ниҳоятда изтироб чеккани ҳам эсимда. Аммо Аъзам Ўктамнинг юракларни тўлқинлантирувчи ажойиб асарлари, дўстлар даврасида айтилган ўзидек камтар, камсукум ва оқкўнгил фикрлари, дунёқараши уммондек кенг, иймони мустаҳкам инсон ҳақидаги хотиралар қалбимизни нурлантиради. Қолаверса, ақлли, зиёли, зукко, оқибатли фарзандлари биз билан, бизнинг қаторимизда эканлигидан кўнгилларимиз хотиржамлик туяди. Халқини, миллатини жон-

дили билан севган шоир зурриёдларига Тўмарис ва Темурбек исмларини берганида, “Қизим Тўмарис исёнкор малика Тўмарисдек элпарвар, ўғлим Темурбек Соҳибқирон бобосидек мард-жасур бўлсин”, дея ният қилган бўлса, ажаб эмас... Биз оилавий дўст эдик, Аъзамжон “Бола дунёни тебратар”, “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Тараддуд” китобларига чиройли дастхат ёзиб берганди.

Сўзимизни Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбериеванинг Аъзам Ўктамни хотирлаб ёзган “Йиғладим” шеъридаги мазкур сатрлар билан яқунлашни лозим топдик. Зотан, унда яқин дўст ва забардаст шоирни йўқотиш дарди мужассам. *“Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор гам, Куюндим. Бўтадай бўзлаб йиғладим. Айрилиқ – юк. Босди. Ғичирлаб синдим, Куюн ичга урди. Музлаб йиғладим. Фақат олдга оқар дарё эканмиз, Қайтмас дарёларни излаб йиғладим. Рўзи маҳшардами энди кўришмоқ... Ўзим ўз-ўзимга сўзлаб йиғладим. Ҳазин-ҳазин найнинг ноласи келди, Менам шул нолага мослаб йиғладим. Бу кеч тик теракка суянганимча Кетган дўстларимни эслаб йиғладим.”*

### **Адабиётлар:**

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Аъзам Ўктамни хотирлаб / Саҳар вақти юрак йиғлар... – Т. “Мовароуннаҳр”2014. 283-б.
2. О.Шарафиддинов. Танланган асарлар. – Т.:Шарқ, 2019.
3. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Т: Фан, 1977. – Б. 114.
4. Ҳ.Худойбердиева Танланган асарлар. – Т. Шарқ, 2019.
5. А. Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Т.: 1990. – 56 б.
6. А. Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Т: Ёш гвардия, 1990. – 56 б.
7. А. Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т:, 1999. – 48 б.
8. А. Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т: , 2011. – 160 б.
9. А. Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Т: “, 2014. – 304 б.
10. А. Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
11. А. Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: Муҳаррир, 2019. – 92 б.



**Сайёра Холмирзаева**

**Тошкент давлат аграр университети  
“Ўзбек тили ва адабиёт” кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИ**

XX аср ўзбек шеърлятида Аъзам Ўктамнинг ўз такрорланмас ўрни бор. Устозимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддинов эътироф этганларидек, “... у биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеърлятига диний-маънавий оҳангларни олиб кирди.”

Аъзам Ўктам агар ҳаёт бўлганида олтмиш ёшни қаршилаган, яна қанчадан қанча гўзал, маърифатли шеърларни, насрий ва публицистик асарлар яратган бўлар эди. Мен Аъзам Ўктамни эслаганимда, Ҳалима Худойбердиеванинг шоир хотирасига бағишлаб ёзилган шеърини ёдга оламан:

Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор ғам,

Куюндим. Бўтадай бўзлаб йиғладим.

Айрилиқ –юк. Босди. Гичирлаб синдим,

Куюн ичга урди. Музлаб йиғладим.

Унинг баланд бўйли, ўктам, кулиб сўзлаётган қиёфаси кўз олдимга келади. Шоирнинг вафоти ўзбек адабиёти учун қанчалик катта йўқотиш бўлса, унинг ота-онаси, қариндошлари, фарзандлари, дўстлари учун ҳам оғир жудолик эди. Бизлар, укам Жаҳонгир Холмирзаев шу ёшларда ( 42 ёшда ) вафот этганида, яқинлар учун навқирон, ижодий жихатдан кучга тўлган ҳаётга чанқоқ бир паллада кадрдонингни бу оламдан кўз юмиши қанчалик оғир дард эканлигини ўзимизда ҳис қилдик.

Аъзам Ўктам ҳақида ўйласам, албатта, талабалик йилларим ёдимга тушади. Худди, шунча йиллар орадан ўтмагандек. Чунки мен худди ўша



йиллар у билан танишган ва дўстлашган эдим, курсдошим, дугонам Хулкар Ҳамроева таништирган эди. У талабалик пайтларидаёқ, билими, иқтидори билан ажралиб турар, катта умидлар берадиган талаба эканлиги айтиларди. Бизлар ЎзМУнинг филология факультетида ўқисак, Аъзам журналистика факультетининг талабаси эди. Улар оила қуришгач, бизларникига тез-тез келиб туришарди, баъзан бувимникига “Тинчлик” маҳалласига жойлашган ҳовлига, баъзан кўп қаватли уйдаги хонадонимизга.

1987 йил эди, бир куни Аъзам қўнғироқ қилиб, ҳол-ахвол сўрагач, ўзи ишлаётган “Юлдузча” (кейинчалик “Чўлпон” номига ўзгартирилган) нашриётида болалар учун ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар тўпламини чоп эттиришмоқчи эканлигини, мен шу китобни нашрга тайёрлаб бера олишим мумкунлигини сўради. Мен бажонидил рози бўлдим. У пайтлар мен Фанлар Академияси қошидаги Тил ва адабиёт институтининг фольклор бўлимида ишлар эдим. Шундай қилиб, 1988 йилда “Юлдузча” нашриётида “Келинг, эртақ ўқиймиз!” сўзбошиси билан ва нашрга тайёрловчи сифатида “Чўлоқ бўри” номли биринчи китобим нашр этилди. Ота-онам, бувим, укаларим китоб чоп этилганидан хурсанд бўлишди, мен эса уларга биринчи қаламҳақимдан совғалар улашдим.

Аъзам ҳам менга “Бола дунёни тебратар” номли биринчи китобини совға қилди. Йиллар ўтиб Аъзамнинг “Кузда кулган чечаклар” (1990), “Кузатиш” (1990), “Зиёрат” (1992), “Тараддуд” (1994), “Хабар қиссаси” (1995), “Икки дунё саодати” (1998), “Қирқинчи баҳор” (1999) каби китобларини чоп эттирди. Сўнги китобчаси “Қирқинчи баҳор”га шундай дастхат ёзган эдим: Дўстим Сайёрага! Сўнмас ҳурмат, меҳр ила: Аъзам 7.9.99.

Мен Аъзам Ўктам ижодини янада чуқурроқ ўрганилиши, унинг шеърлятидаги маърифий, ахлоқий қирралар кенгроқ ёритилиши, тадбиқ қилиниши керак деб ҳисоблайман.

Шоирнинг қуйидаги шеърий парчаси билан яқунласам:

Онангнинг бисоти фақат оқ йўлдир,  
Сени тортиб турсин тупроқ, она тил,  
Қайда юрма, қанча умр кўрма, барибир,  
Тобутда бўлса ҳам, юртинга интил!

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А. Ўктам “Қирқинчи баҳор”, “Қатортол- Камолон” нашр. Т. 1999
2. А. Ўктам “Тўмарис билан суҳбат”, “Мухаррир нашриёти”. Т. 2019
3. Ҳ. Ҳамроева “Биз билан...? (билмаган!) Анвар Обиджон” Т. 2019

*Нодира ДЎСТХЎЖАЕВА*

**филология фанлари номзоди, доцент.**

**Республика Маънавият ва маърифат**

**маркази бўлим бошлиғи**

**ЮРАК БОРДИР, ИСЁН ВАТАНИ**

**Аннотация.** Мақолада шоир Аъзам Ўктам ижодининг ўзига хос фалсафаси, бадий савияси тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** Маҳорат, “Тувакдаги гул”, исён, руҳият, қасос, масъулият, “Якшанба”.

Аъзам Ўктам ижодида ўзига хос бир фалсафа бор. У тилга олган мавзулар ҳам ўзгача. Унинг “ИБН СИНО” сарлавҳали шеъри фалсафадаги инкорни инкор қонунини эслатади:

Юзимга тупурмоқ бўлдинг дедилар,  
Кўз тегмасин дея туфламоқ бўлсам...  
Қўлдаги тигимни кўриб қочди эл,  
Ай, кесармидим-а эгилган бошни.  
Лоақал шу тигда кўрсин деб эдим  
Шундоқ бош устида турган қуёшни...

Халққа мушт урётган бўлиб туюлдим,  
 Бошга кўтарай деб қўл чўзган чоғим.  
 Шивирлаб: “Барибир севаман”, дедим,  
 Аммо оғир эди унинг қулоғи.

Юқоридаги шеърда шоир Аъзам Ўктам мустабид даврда халқимизнинг анъаналари, миллий қадриятлари камситилгани, уни тарғиб қилиш нари турсин, топталганини алам билан ёзади. Пири бадавлат кексаларимиз яхши ният билан фарзандлари ю, набираларига “туф, туф, кўз тегмасин”, дейишади. Бу халқ орасида қайсидир маънода удумга ҳам айланиб улгурган. Жаҳон тиббиётининг тамал тошини қўйган Абу Али Ибн Синонинг кашфиётларини ўзи ҳаётлик вақтида ҳам, кейин ҳам тушунмаганлар, “кўз тегмасин, дея туфлан”ганда “юзимга тупурдинг” дегувчилар, “бошга кўтарай деб қўл чўзганда”, “халққа мушт урмоқчи” деб нотўғри тушунадиган жоҳиллар кўп бўлган. Шоир шундай бўлса ҳам она халқини жондан севишини айтади, минг афсуски, у чиркин жамиятнинг қулоғи ҳам оғир эди, дея куйиначи шоир.

“Йўл ёқасидаги теримчилар” номли шеърда йўл ёқасида пахта териб зериккан ёшларнинг визиллаб кетаётган уловлардаги йўловчиларга қўл силкиб саломлашишларидек оддий бир ҳолатдан чуқур фалсафий шеърни дунёга келтирган. Шоирнинг синглиси образида қадди букилавериб қийналган қизнинг оддийгина қўл силкиб қўйиш воқеаси, унга одамларнинг муносабати акс эттирилади. Бу муносабат турлича бўлади. Ва сингил шунга кўра ё хурсанд бўлиб қолади ёки ўксиб қолади:

Ўтиб бораётган автобусларга  
 Ҳавас-ла боқишар қўл силкитиб.  
 Биродар, ўйламайсиз, ишонинг,  
 ҳашарга келмабсиз— садқаи сар-ку,  
 бирров қўлингиз силкитиб қўйинг.  
 Шундай қилганлардан хурсандман, гўё  
 улар шараф билан этгандек адо

ватан олдидаги бурчдан бирини.

Ўзбекнинг ишсевар қизалоқларин  
ҳолатидан кулиб, юзин бурганлар  
туюлади халқ душманидек...

Сингилларим, иккиланманг ҳеч,  
ҳадеб ишлайвермай қўл силкиб туринг. (104)

“Тувакдаги гул” (115) шеърида қачондир ардоқли бўлган инсон вақти келиб, эътиборсиз қолгандаги изтироблари оддийгина хонаки гул образи орқали баён қилинади:

... Сени севгандилар узун қиш аро,  
боқий гўзалликнинг тимсоли деб бул.

Бугун чаманларга бўлиб маҳлиё,  
сени унутдилар, тувакдаги гул.

Лекин тувакдаги гул умид билан яшайди:

Биз кетамиз, баҳор, лола сайли деб,  
хайҳотдек хонада ёлғиз қолар ул,  
қадримни қайтадан топарманми деб  
йиғлаб қишни қўмсар тувакдаги гул.

Ҳеч бир имконсиз тувак. У юра олмайди, гапира олмайди. У эътиборсиз қолган. Аслида эътиборсизлик аниқ ўлимнинг қуроли. Шунга қарамай, гул музли кунларни пойлайди. Кунлар совуқ бўлса ҳам у одамлар эътиборига сазовор бўладиган фасл. Ҳаво совуқ, лекин у инсон ардоғида. Шу кунларни пойлаш билан тувакдаги гул узоқ ёзни ўтказади. Умид унга ирода ато этади ва эртанги порлоқ кунга элтувчиси бўлади.

Инсонлараро нафис бўлган туйғулардан бири муҳаббатдир. Муҳаббат шундай туйғуки, уни ҳар бир ижодкор, ҳар бир инсон ўзича талқин қилади. Талқинлар ичида ўзига хос ажойиб кўринишда “Муҳаббат” шеъри бунёд бўлган: (142)

...Чол хурсанд.

Ҳеч кетмас нари:

“Энди сенга тўйиб қарайман ўзим.

Юзингни яқиндан кўролмадим ҳеч,

Ғўзалар тўйдирдилар куйдириб кўзим.

Пахталарни суюб кучганинг маҳал

Пахта бўлмаганим қилди кўп алам.

Шеърый парчадан маълум бўладики, чол-кампир дала ишлари билан овора бўлибдилар-у, ёшлик туйғуларига эрк беришга вақтлари қолмабди. Чол ўзининг пахта бўлмаганидан-да хафа:

Пахталарни суюб кучганинг маҳал

Пахта бўлмаганим қилди кўп алам.

Аёли умр бўйи бор эътиборини пахтага қаратган. Унга меҳр қўйган. Кампир образида ўзбек аёлларининг, ўзбекларнинг тиришқоқлиги, “компартия” қўйган вазифани сидқидилдан бажаришга киришиб, қариб қолганларини ҳам билмай қолганлар сиймосини кўрамыз.

Умр ибтидо ва интиҳо оралиғидаги қисқа давр эканини Аъзам Ўктам доим сезган кўринади:

Итоат этмайди Ҳануз менга сўз...

Қўлимдан келмади ҳануз

Васиятга ўхшаган бир шеър. (153)

Шоир умр, вақтнинг ўлчовли эканини доим ҳис қилиб яшаган чоғи. Энди инсоний тамойилларга кўра яшашга астойдил қарор қилади.

Танладим сал оғирроқ йўлни,

Сал енгилроқ жон берайин деб.

“Ораликда” шеърида дилни ўртагувчи шундай сатрлар қолдирган: (178) “Бир ўлиб кўрмадим, холос. Кетаман!” дея хитоб қилади. Шоирнинг “Кўркув” номли шеъри ҳам фикримизни далиллайди: (164)

Руҳни қисиб бормоқда танним,

Кўзни кунда тўсар киприклар.

Наҳотки руҳ танни қисса? Наҳотки киприклар кўзни тўсса? Ахир киприклар кўзни муҳофаза қилиши керак-ку. Киприкларга қанча шоирлар

кўплаб ташбеҳлар, ўхшатишлар бағишлашган-ку. Шоирга киприк ҳам ҳалал берибди, танини эса руҳи сиқибди. Танага сиғмаган руҳ эса уни тарк этганда эркинлик келади. Бунинг сабабини қуйироқда англаймиз:

Асл дардим қолди ичимда,

Хато қилдим гапирган сайин.

Шоир ажойиб асарлар бўлса ҳам, ёзган-айтганларидан-да кўнгли тўлмаган. Кимларнингдир ёлғонларидан тўйган. Ўзи, кўнгли пок бўлишига карамай, бўлолмадим кўнгли пок чиндан, деб ёзган.

Бўлолмадим кўнгли пок чиндан,

Ҳали ёлғон кўплиги тайин.

Шоир образи ижтимоий ҳаётда ёлғон кўплигидан азият чекади. Бировлар ёлғонидан чарчаган шоир ўзини образида намоён қилади: “Хато қилдим гапирган сайин”,-дейди. Тушунамизки, асли шоир ҳақгўй, атрофдагилар ёлғончи.

Аъзам Ўктам ўз ёзганларининг масъулиятини чуқур ҳис қилади. Қалам-у қоғоз олдида виждонан жавоб беришни ўйлайди:

Бир кун келса (Чиндан-да келар),

Қандоқ жавоб берурман ул он:

Қаламларга тил битса агар,

Битса агар қоғозларга жон?

Биз нафақат қалам-қоғоз, балки атрофимиздаги яқинларимизга-да киприк қоқмай ёлғон сўзлашимиз мумкин. Аъзам Ўктам эса аҳли адабиёт, жамият олдида нечоғли ростгўй бўлиш лозимлигини насиҳат билан эмас, ўзининг кўркуви орқали ифодалайди.

“Якшанба” шеъри ҳам эътиборимизни тортди. Унда мустабит тизим ҳаёти аниқ тасвирланган: (1989 йил) (165-б)

...Чўпон йўқ, боғбон йўқ—

Гўшт оз, мева оз.

Касал кўп.

Тобора болалар камдир.

Ўттиз ёшли жувон қилмайди пардоз,  
Алпдай йигитларнинг бошлари ҳамдир.  
Тонгдан шом—иш вақти.  
Эллик сўм маош.  
Ҳар қалб тирикчилик дея ўртанар,  
Боғчалар эскирган.  
Болалар юввош:  
“Биз—бахтиёр!” деган қўшиқ ўрганар.  
Жигар оғриси ҳам,  
Нафас қисса ҳам,  
Шукр қилиш керак,  
Бахт—тирик юриш.  
Темирмас одам,  
Катта саодатдир олтмишга кириш...  
Болаларнинг камроқ туғилгани соз,  
Ҳовли-жой даркор.  
Барчасин эплашга  
Умр етмас, оз,  
Жой бермас—  
Қизғанчиқ чиқди пахтазор.

Ўша яқин ўтмишдаги ижтимоий қийинчиликлар шоирни ўртаган. Озиқ-овқат танқислиги, касалликларнинг авж олаётгани, болалар ўлимининг ўсиши, ўттиз ёшли жувонларнинг сўлғин юзи пардоз кўрмаслиги-ю, уларнинг кампирсифат бўлиб қолгани, алп келбатли йигитларнинг умидсиз, мункиллаб юришлари шоирни ўйга толдириб, биров тилга олишга ботина олмаган мавзуни кўтаради. Эртадан кечгача 50 сўм маошга кўниб ишлашлар, болалар боғчаларининг қаровсизлиги, ундаги болаларнинг эса мустақил фикрга эга бўлмаганлари, яъни ҳаминқадар эътибор кўраётган болалар “Биз—бахтиёр!” қўшиғини куйлаганлари Аъзам Ўктамни қўлига қалам шахд билан олишга мажбур қилган.

Боз устига сурункали касалликларнинг авж олаётгани, даладаги токсинли ўғитлар асоратидан сариқ касаллик, унинг оқибатида қишлоқ меҳнаткашларининг асосий қисми жигар касаллигига мубтало бўлгани, аҳолининг 60 га етиши, ним тирик юриши-да саодат ҳисобланганини алам билан тасвирлаган. Пахта иши деб ноҳақ азият чеккан деҳқонлар ҳақида гап борганида шоир ўттиз еттинчи йил воқеаларини эслайди. Бу бежизга эмас. Ўша давр ноҳақликлари гўё қайтиб келди, демокчи. Мустабид даврида шаҳарга келган шоир халқимизнинг яна бир мусибатига шеърхонлар диққатни тортади:

Бизнинг далаларда пуркалса захар,  
Завод, машиналар бўғар буларни.

Тоза ҳаво инсон саломатлиги учун зарур омил. Ўзбек халқи кўплаб мусибатларга дучор бўлиб яшаган яқин ўтмишда оддийгина тоза ҳаводан ҳам мосуво эди. Бу мавзуни яна ким кўтарган эди, яна ким куюнган эди. Шукурларким, Мустақиллик шарофати билан юртимизда ўзбек йигитлари кўллари билан машиналар ишлаб чиқилипти. Акс ҳолда четдан келтирилган эски машиналарнинг дудида яшайверармидик.

Мен ёвкур руҳи билан бошқа шоирлардан фарқ қиладиган Аъзам Ўктамни ўзидан олдин шеърлари билан танишганман. Уларга самимий бир муҳаббат билан боғланганман. Ўтган аср 90 - йилларининг бошида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетида шоирнинг турмуш ўртоғи Хулкар билан бирга ишладик. Ўша йиллари уларнинг ёш, ижодкор оиласи билан яқиндан танишдим. Раҳматли Зухраҳон Юнусова онабоши бўлиб, Нодира Ҳасанова, Нодира Аловутдинова, мен, Хулкар, Гулчеҳра Келдиёрова каби ёш муаллималар оилавий борди келдимиз бор эди. Аъзамжон ниҳоятда меҳмондўст, ҳар бир инсонга ўзига хос гап топа оладиган, давраларнинг гули бўладиган йигит эди. У замонавий адабиёт билан бир қаторда мумтоз адабиётни, халқ оғзаки ижодини, жаҳон адабиётини яхши биларди.

Аъзам Ўктам, афсуски, айни қирчиллама 41 ёшида ёруғ дунёни тарк этди. Ундан адабиёт ихлосмандларига “Бола дунёни тебратар”, “Кузда



кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Хабар”(қисса), “Қирқинчи баҳор” каби китоблар қолди. Яна, Аъзам Ўктамдек кўнгли билан, ўзи билан шеъри бир ўктам шоир дунёга келармикан?

**Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Т.: 1990. – 56 б..
2. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона, 1992. – 32 б.
3. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Т: Чўлпон, 1998. – 56 б.
4. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Т., Ёш гвардия, 1990. – 56 б.
5. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т., 1999. – 48 б.
6. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т. , 2011. – 160 б.
7. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Т., 2014. – 304 б.
8. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
9. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: Мухаррир, 2019. – 92 б.

**Минҳожиддин МИРЗО,**  
**Республика Маънавият ва маърифат**  
**маркази раҳбари**

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИК ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН МУАММОЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада таниқли шоир Аъзам Ўктам ижодида миллий ўзликни англаш тенденцияси ва унинг маънавий-фалсафий моҳияти, бадиияти тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар.** Миллий ўзлик, эл, маънавий сарчашма, қадрият, диний-маърифий таълимот, бадиий маҳорат.

Инсон тафаккур тарзи ва маънавияти у мансуб миллат тарихи, маданий мероси, миллий, умуминсоний қадриятлар моҳияти ва аҳамиятини

холисона билиш, улардан оқилона фойдаланиш, ривожлантириш билан боғлиқдир.

Ҳеч шубҳасиз миллий ўзликнинг шаклланиши миллий тараққиёт тамойиллари, табиий муҳит, тарбиявий тизим хусусиятлари, диний - маърифий таълимот таъсири билан уйғунликда кечади. Ҳар бир инсоннинг ўзликка интилиш, Ўзини таниш ва англаш йўли ҳар хил. Маънавий қадриятларнинг юксалиши миллий ўзликни англаш жараёни, халқнинг маънавий сарчашмалар, руҳоний илдизлари, жумладан адабий меросга нечоғлик интилишида намоён бўлади.

Зеро, "...адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ»<sup>§</sup>... Бу сўзлар миллий истиқлол тафаккурининг шаклланишида, миллат маънавий камолотида, унинг бадиий сўз воситасида ўзлигини англашида уйғоқ сўз, адабиёт нақадар муҳим ўрин тутишини кўрсатиб турибди. Ҳар қандай миллий адабиётнинг асосини унинг миллатга руҳ бағишловчи тарихи ва тили, юксак инсоний даъватлар ташкил этади. Миллий ўзлик - халқимизнинг мозий синовларидан ўтиб келаётган бой маданий ва маърифий мероси, миллий қадриятлари, урф - одат ва анъаналари, эрку саодат йўлидаги жасорати, тафаккур хазинаси, ақл - заковати, ахлоқий тамойиллари, миллат олдидаги бурч ва садоқати ифода этилган илғор ғоялардан иборат.

Таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктам бу борада мустабид тузумнинг мустамлакачиликка асосланган "қадриятлари"га нисбатан муросасиз, исёнкор ва ёвқур шеърияти билан XX аср ўзбек адабиётида миллий ўзликни англаш жараёнлари такомилга, адабиётда эрк ва озодлик тараннум этилган асарлар яратилишига ўзига хос таъсир кўрсатди. Унинг

---

<sup>§</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.

“Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” шеърӣ тўпламлари, “Бола дунёни тебратар”, “Хабар” каби насрий асарлари, публицистик мақолалари табиатидаги мардона рухнинг маҳсули сифатида дунёга келган. Айниқса, “Тараддуд” китоби нафақат шоир ижодида, балки миллий адабиётимиз таракқиётида ўзига хос ўрин тутди. Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим О.Шарафиддиновнинг фикрича, “Энг муҳими, у биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеърӣятига диний–маърифий оҳанглари олиб кирди. Унинг “Тараддуд”, “Икки дунё саодати” китоблари Қуръони Каримдан чуқур билимга эга бўлганлигининг исботидир”.\*\* (2;3).

Шоир инсон ва тарих, инсон ва давр ўртасидаги янги рухий ришталарни излади. Унинг асарларида инсон умри ва руҳиятида кечадиган эврилишлар фасллар мисол муайян вақт доирасида ўзлигини намоён этади ва ўзидан кейинги фаслга йўл очиб беради. Шоир айтганидек, на илтижо, на кўзёш, на пушаймон ўтган фурсатни ортга қайтаради. Ўз-ўзидан инсон фалакнинг айланиши, замонларнинг ўтиши, табиат қонунларига қаршилик қилолмайди. Шундай экан, фурсат ғаниматлигини англамоқ Аъзам Ўктам ижодида кўп бор таъкидланган. (“Йил йиқилар йилнинг устига”, “Тугаб бормоқдадир ёшлик...”, “Тараддуд”, “Димоғимга зулматнинг...”, “Оролдаги ўйлар”, “Уйқум қочган кечада”).

Шоир кундалик воқеа-ҳодисалардан ўзига хос алоҳида фалсафаси ва гўзаллиги билан руҳиятимизни яйратадиган, кўнгил кўзимизни яшнатадиган, илоҳий-ирфоний оламимизни бойитадиган поэтик шакллар яратди. Унинг шеърларида аввало иймон зиёси, виждон шаъми, озодликка ташна юрак шиддати, чуқур тафаккур билан уйғунлашган ажиб ҳароратли сеҳр, мафтункорлик ва самимият учқунлари порлаб турарди. Ҳар бир сўзининг нафақат ўз таровати ва оҳанги, балки қалби, руҳи бор эди. Зукко китобхон унинг маъюслик ичра ўктамлик овози эшитилиб турган сўзларидан

\*\*Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Аъзам Ўктамни хотирлаб. “Саҳар вақти юрак йиғлар...” .Т.287-б.

алланечук нур таралаётганини осонгина илғаб оларди. Шоир хотиржамликка тоқатсиз бўлиб, вақти, умр лаҳзаларини мақсадга бўйсундиришга интиларди. Умри меҳнат, заҳмат, изланиш ичра кечарди. У қадим Шарқ ва жаҳон адабиётининг ҳикмат тўла дурдоналари билан бир қаторда янги дунё адабиёти силсилаларини ҳам севиб мутолаа қиларди. Робиндранат Тҳакур, Бернар Дадье, Николай Рубцов асарлари билан бир қаторда Владимир Висоцкий шеърларини ҳам ўзбек тилига таржима қилди. Таржималари алоҳида илмий тадқиқот учун асос бўлишга арзирли.

Тўғри, ҳар бир навқирон авлод янги адабиётга ўз овози билан кириб келади. Ҳазрат Навоий иборалари билан айтганда, “сўз чамани”га янги мавзу, ранг, оҳанг олиб киради ва бу адабиёт кечаги адабиётдан бутунлай фарқ қилади. Аъзам Ўктам ўзининг 42 йиллик қисқа умри давомида ниҳоятда оғир ва мураккаб довларни босиб ўтди. Унинг сўзлари қаърида бирда дилхун, бирда дилкаш фарғонача табиий садо янграб туради. Аъзам Ўктам лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, соғинчи ва дарду армонлари, изтиробларини ифодалашда хотира қатларидаги ёғдуни самимий ва ҳароратли сатрларга кўчиради.

Миллий ўзликни англаш ўз табиатига кўра эмоционал ҳодисадир ва унинг асл қиёфаси миллат озодлиги учун кураш, унинг манфаатлари, орномус ва ғурурини, қадриятларини ҳимоя қилишда намоён бўлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари тўғри таъкидлаганларидек, “Аъзам Ўктам жанобларининг «Тараддуд» китобларини ўқиганда камина ходимингизда мутлоқ бошқа бир фикр пайдо бўлди. Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган шеърият мана шу даражага чиқса эди деган хоҳиш, истакни айнан «Тараддуд» китобида кўрдим. Аввало тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўктамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иқтидори бор шоир, ҳам ватандошни танимаслик албатта биз учун обрў ҳам бўлмас.

Менга бу китоб кимдир тарафидан ҳадя тариқасида бир неча китоблар орасида юборилибди. Баъзи бир китобларни олиб биринчи саҳифасини

ўқигандан сўнг, иккинчисини очишга инсон ўйланиб қолади. Лекин «Тараддуд» китобининг биринчи саҳифасидаги шеърни ўқиб бўлган инсон эса сергакланиши, тезроқ иккинчи саҳифани очишга уриниши, менимча, турган бир гапдир. Шунинг учун «Тараддуд» китобидаги шеърлар тўғрисида айтиладиган камтарона мулоҳазалар шоир шахсини мутлақо танимаган инсоннинг мулоҳазалари бўлади. Албатта, камина ходимингизда шоирлик йўқ. Адабий танқидчилик малакаси йўқ. Шеърларга баҳо бериш даъвоси ҳам йўқ. Лекин келгувси гаплар оддий бир шеърхоннинг фикр-мулоҳазалари ва сизлар билан ўртоқлашиш учун айтиладиган фикрлар бўлади десам хато қилмаган бўламан.”<sup>††</sup>

Ўз даврида кўпчиликни ҳайратга солган ва ва ҳозир ҳам ҳайратга солаётган “Тараддуд” тўпламидаги биринчи шеърни ўқиймиз. “Ўтинч”. У шундай бошланади:

Сўзим, жонбахш сўзим, ёрдин

Менга ширин ҳикоят қил.

Кўзим, йиғла, бу ёрсизлик,

Бу ҳижрондин шикоят қил.

Чўлпонона нафас уфуриб турган бу сатрларла шоир улуғ неъмат – Сўзга илоҳий ёр илинжида илтижо қилади, бетоқатлик, ҳижронзодалиқ ичра чорасиз таскин излайди. Аслида бу чорасизлик, узоқ йиллар чўзилган ҳижрон туни ичра чора ёғдусига интилмоқ, асл ёр-Ҳаққа етишмоқ соғинчи мавжуд. Шоир нурланиб туғилган сўздан, унинг замиридаги бетимсол тафтдан, руҳий саодат, маънавий қудрат ва қувват олади. Муқаддас сўз, уйғоқ сўз, пок сўз миллатни, кўнгли юксак элнинг ўзини ҳам юксакликка кўтаришига, тарбиялашига ишонади.

Шоир шеърларини ўқир экансиз, мустабид тузум даврида, зулм исканжасида Пок қалбда нурга чўмилган Сўз миллий руҳга таъсир қилиб, миллат тафаккурини ўзгартиришга, улғайтиришга қанчалар таъсир

<sup>††</sup>Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Аъзам Ўқтамни хотирлаб. “Саҳар вақти юрак йиғлар...” .Т.285-б.

қилганини қалбдан ҳис қиласиз. Шоир дард билан ёзар экан, Сўзга арз қилади, Сўздан мадад кутади, Сўздан ҳимоят ўтинади:

Қўлим, ёпгил кулоқларни,  
Эшитма ҳеч маломатни.  
Юрак, очгил у дафтарни,  
Яна боштин ривоят қил.  
Оёғим, юр, кетайлик бу  
Зулмкорларни ёнидин,  
Етиб боргач синиб битгил,  
Бугун аммо ҳимоят қил.

Бу шеърларда узоқ йиллик маънавий-руҳий ташналикдан сўнг муқаддас ислом дини маърифати, комиллик ахлоқи сарчашмаларидан баҳраманд бўлган инсоннинг фикрлари, изтироблари ва халқи учун куюниши ўз ифодасини топгандир. Дарҳақиқат, руҳан покланиш, қалбан улғайиш, иймон нури, миллий ўзликни излаган ва англаган кўнгилгина халқ ва ватан учун, миллат учун куюниши мумкин.

Фикрловчи одам умр бўйи ташқи тўсиқлар билангина эмас, балки, ўз нуқсонлари билан ҳам курашади. Жамиятга бефарқ бўлолмаган инсоннинг ички дунёсида хилма-хил фикрлар, бир-бирига зид туйғулар тинимсиз олишади. Аъзам Ўктам шеърларида ҳаёт ва умр қадри, маънавий бедорлик тўлақонли акс этади. У кўнгил эврилишларини ифода ҳамда тасвирда янгиланаётган восита ва усулларини кашф этади.

Шоир “Менинг эртагим” шеърларида халқимиз ўтмиши, улуғ аждодларимиз тарихи билан узвий боғлиқ эканлигига, Ҳазрат Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби алломаларимизнинг дунё сиёсати ва маънавияти, маданияти ва санъати тараққиётига кучли таъсир ўтказганига урғу беради. У дунёда ўзбек эртақларидек юксак тарбия мактаби йўқ эканлигини билади ва лекин бу эртақлар болаларни ухлатиш учун айтилишини хоҳламайди.

Шеърдаги ҳар бир уйғоқ сўз ўша теран томирларнинг акс-садоси эканлигини билдириб туради. Шоир ўз халқининг ўтмишини билмаслик миллат фарзандлари учун маънавий фожиа, рухий инқироз эканлигини тағ маъноларга сингдиради. Мантиқ ва эҳтирос ришталарини фақат ўзига хос услубда боғлайди. Дард билан, юрак нидоси билан ҳайқиради:

Боламмасан, мудрасанг –  
бу жуда узун эртак.  
Тингла, агар бўлайин  
десанг ҳақиқий эркак.

Бок, халқинг ўтмишига  
эртангни ўйлаган пайт:  
Эртак айтсанг ўғлингга,  
ухлатмаслик учун айт!

Ўз муносабати, дунёқарашини, фикрларини, юртининг ўтмишини ўйлаб, эзилиб куйинганини эртак образини орқали тўлақонли ва ҳаққоний ифодалайди. Шоир учун маънавий адолат, миллий ўзлик ва миллий ғурур эгизак тушунчалардир.

Шеърдаги туйғулар зиддияти ижодкорнинг шахсий истағи эмас, балки жамият ҳаёти ва инсон онғу шуурида юз бериши керак бўлган қалтис бурилишлар ҳамда шоир эстетик идеалидаги кескин ўзгаришлар билан алоқадор ҳолда юз бераётган объектив ижодий жараён маҳсулидир. Фавқуллодда ташбеҳлар, поэтик образ структурасидаги барча эврилишлар шеърятдаги туйғулар зиддиятининг таъсирида юзага келмоқда:

Қулсан, деса ўз юртимда биров,  
Сўкарман, тилга солса-да ғаров  
Қалбимни босиб ололмайди ёв,  
Кўксимни керсам – зийнатим бўлмас.

Аъзам Ўктам “Қизимга ҳасрат” шеърида “Қалб бор манов ерда, унда бор тугун” дея ўкинади. Негаки, шоир инсоният учун энг олий бахт қалб озодлигида деб билади. Зулм занжирлари билан боғланган меҳнаткаш, жафокаш ўзбек халқи ўз элида кўксини кериб яшаши кераклигини юрак-юрагидан ҳис қилади ва “Қалбимни босиб ололмайди ёв”, дея ҳайкиради. Мустақилликдан олдин Ўзбекистонда барча ҳужжатларнинг рус тилида юритилиши миллат учун катта фожиа эди. Халқнинг кўнглига ва миллий кадриятларига бутунлай бегона бўлган сўзлар бегона ўтлар каби миллат гулзорлари ва боғларини босган, бунда шарқона зебо атиргулларнинг эркин ўсиши, нафас олишига тўсқинлик қиларди. Ўзлигини англаган шоир бошини мағрур тутиб, миллий ғурурни куйлайди:

Бегона ўтлар еримда ўсса,  
Гулмас, тиканлар йўлимни тўсса,  
Асл дўстсан, деб ёв қўлим қисса,  
Юз минг дам урсам – Миллатим бўлмас!

Ўтган аср 80-йилларининг охирида ғўзага сепилган захарли дорилар туфайли ўзбек қишлоқларини юқумли сариқ касаллиги вабодай босиб кетган, бутун бошли оилалар жуда катта талафот кўрганди. Шоирнинг “Қишлоққа хат” шеъри айнан ўша уқубатли даврнинг жароҳатлари, оғриқларини эсга солади:

Хат келади тез - тез қишлоқдан,  
Менга ташвиш обкелар булар.  
Мадор кетар қўлу оёқдан,  
Ўқиб туриб дод дегим келар:  
“Сариқ билан оғриди Ойбек,  
Сўнгра юқиб қолди Бобурга”.  
“Абдулланинг мазаси йўқдек,  
Нодирадан ўтди Носирга...”



Шеърнинг моҳияти унинг курашчанлик руҳининг баландлигида кўринади. Аслида ҳам юрти учун қайғурган бедор қалбнинг умри ҳақиқат ва адолат учун аёвсиз курашларда ўтади. Адолат ва исён билан вобаста энг эзгу орзулар ҳимоячиси бўлган ижодкорнинг мақсади, қисмат йўллари миллат тарихидаги курашлар силсиласи билан уйғунлашиб кетади:

Исмларин бир ўйланг ахир,  
Ўйнаб кулиб ўтмаган бари.  
Наҳот шундоқ кетар бир умр,  
Бизни мангу қийнайди сариқ?!

Аъзам Ўктам шеърини юксак ҳур фикр, мустабид тузумга исён ва чуқур ҳис-ҳаяжоннинг узвий бирикишига асосланган. Шоир ўз халқи, унинг жигарбандларини ҳар қандай балолар ва таъсирлардан асраш, жамиятни поклаш, муҳитни соғломлаштириш учун қайғуради:

Ҳамқишлоқлар, бўлингиз хушёр,  
Келажакни унутманг бир дам.  
Далаларга йўлатманг зинҳор,  
Болани ҳам, дориларни ҳам.  
“Бад ном” демас болани ҳеч ким,  
Элни тилдек асранг ҳар маҳал.  
Эҳтиётланг касалдан доим  
Исмлари ҳаққи лоақал...

Шеърдан – шеърга Аъзам Ўктам юрагидаги курашчан, исёнкор руҳ ўсиб боради. Шоир юрагидаги армонлар, аламларни чексиз изтироб билан ифодалайди. Ватан соғинчида ўртанган Заҳириддин Муҳаммад Бобур, хассос қалби, буюк истеъдоди учинчи кучлар таъсиридаги сарой фитналари туфайли хазон бўлган Нодирабегим, собиқ мустабид тузумда ноҳақ жабр чеккан Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва Ойбекнинг табаррук исмлари билан аталган бола асли даҳо бўлишга муносиб эканлигини, уларни ғўзаларга сочилаётган дорилардан, турли касалликлардан асраш кераклигини уқтирмакчи бўлади. Буюк миллатнинг ворислари пахта яккаҳоқимлиги

туфайли собиқ тузумнинг қурбонига айланаётганлигини очиқ айтади. Бу ўша давр учун ниҳоятда муҳим ва жиддий масала эди. Аъзам Ўктам шеърларининг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги, мазмундорлиги ҳам шунда. Шоир халқини қийнаётган руҳий кечинмаларни катта ижтимоий муаммоларга боғлайди.

Тўғри, миллий мустақиллик туфайли шеъриятда воқеликни ва унинг таъсирида туғилган кечинмаларни бутун мураккаблиги, зиддияти билан акс эттиришга имкон туғилди. Лекин, Аъзам Ўктамнинг бу ёвқур шеърлари истиқлолдан олдин ёзилганлиги билан биз учун қимматлидир.”Ўттиз еттинчи йил шеъри”да шоир изтироб билан шундай дейди:

Сени суйсалар ҳам, суймасалар ҳам,  
сени деб куйсалар, куймасалар ҳам.

Дилингни билсалар, билмасалар-да,  
тилингни билсалар, билмасалар-да.

Имкон бера билдинг яйраб юришга,  
ва бунда беармон даврон суришга.

Киндик қони томган юрт, ота макон, она тили мавзуси фикрлари шиддатли, ҳақиқатпараст шоирнинг маънавий оламидаги ёруғлик сингари намоён бўлади. Она - Ватанимиз ўзбек халқининг дилини ва тилини билмаганлар томонидан аёвсиз топталган 1937 йилни шоир юраги тўла дард билан тасвирлайди:

Қандай дилбандларинг бор эди, эҳ-хе,  
Ёвқур фарзандларинг бор эди, эҳ-хе.

Билмаймиз қайдадир? Бу нечук жабр –  
олисларда не-не нур тўла қабр.

Бағрингга сиғмади шўрликлар, э вох,  
сенга дўстлар душман аталдилар гоҳ.

Кўплар бир кўрарга зор эди, халқим,  
пешонанг шунчалар тормиди, халқим?

Ҳақ сўзнинг илдизи чуқур, тарихи узоқ, йўли машаққатли. Шоир даврни барча фожиалари билан кўрсатяпти. Унинг фидойи қалби миллат манфаатлари, ҳақиқат ва қалб озодлиги учун ғоялар жангига киришар экан, катта қаршилиқларга дуч келиши аниқ эди.

Ўзи айтмоқчи, ”Танладим сал оғирроқ йўлни, сал осонроқ жон берайин деб”. Биргина “Жўнатилмаган мактуб” қанча-қанча сирли туғёнларнинг пинҳона дарди, армони, пинҳона кўшиғи, дил ҳайқириғи, қанча-қанча ёвқур қалбларнинг кўксига кўмилган фарёдидир!

Нозиктаъб мусаввирнинг қилқаламидан тортилган нурли манзара: “Кўрдим оғир ҳансираб, ботаётган қуёшни, Зулмат кундасига жим ётаётган қуёшни...” шоир “кун ботяпти”, демайди. “Зулмат кундаси” ўша ҳолатни янада чуқурроқ, таъсирдорроқ ифода этади. Бадий синтез теранлиги, рамзий мажозий моҳият устуворлиги, руҳнинг оний лаҳзаларини илғашга интилиш кучли. Қуёш ва зулмат фақат тазод эмас, балки унда инсон таназзулидан кейин юз берадиган руҳий ҳолат ифодаси, қуёшда умидворлик туйғуси яширин.

Шоирнинг бадий маҳорати шундаки, у меҳр ва қаҳр, диёнат ва хиёнат, адолат ва адоват оралиғидаги ҳаёт лаҳзаларини вақтнинг шафқатсиз ҳаракатидан тўхтатиб, гўёки уни абадиятга муҳрлаётгандек бўлади. Туйғу билан фикрнинг, ақл билан юракнинг ғоятда нозик, ғоятда таъсирчан уйғунлигини топади, бош мақсадини туғёнлар мавжига сингдириб юборган ҳолда ифодалайди. Қуруқ риторика, мавҳум мушоҳадалардан ўзини тияди.

Ботаётган қуёшнинг ботаётиб ҳам қалбингни иситишига, йўлингни ёритишига ишонасан. Ҳақиқий шоирнинг сўзи ҳам шундай афсун ва сеҳрга, қудратга эга бўлади. Шеърларидан шоирдаги ўткир қалам, ўктам сўз, ўткир нигоҳ, аъзамона оҳанг сезилиб туради. Кўхна дарду изтиробларнинг янги суратларига дуч келасиз. Ҳиссий, тафаккурий, рангин тўлқинлар исканжасига тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни. Унинг ёвқур шеърлари бутун бир авлоднинг нафаси, бутун бир даврнинг нафаси эди. Шоир кўнгил қаъридаги иймонни минг бир рангда, минг бир овозда, минг бир қиррада намоён этади. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи айтганидек, “Шоирни ичкин англаш, тушуниш ҳамиша оғир кечади. Сатрларнинг ортида, сатрларнинг сатҳида, унинг теран тубларида нелар борлигини барча ҳам идрок этолмайди. Лекин, биламизки, шеърият ёвузликка судраётган нафсга қарши курашади. Кичикни улуғлайди, катта кетгани ерга имлайди. Барибир ҳақиқатни айтади, айтаверади. Шеърият шунинг учун ҳам абадийдир.”<sup>‡‡</sup> Аъзам Ўктам ҳар сафар биринчи марта ёзаётгандай ҳаяжон ва ҳайрат билан ёзарди шеърларини.

“Соддагина хулосам” шеърида шоир шундай дейди:

Фақат Ўзбекистон ё Россиядамас,  
Ҳатто Америкада ҳам  
Босқинчини севмас экан  
Ерини севган одам.  
Сотмас экан дўстларини  
Элига куйган одам.  
Камситмас экан элни  
Тилини суйган одам.

Шеърда инсон ички дунёси ва ички исёнининг ниҳоятда чуқур ифодаси, қатор ижтимоий масалалар қаламга олинган. Ҳаёт оқимидаги мураккаб жараённи кўрсатади. Дунёда содир бўлаётган воқеликлар

---

<sup>‡‡</sup>Р.Парфи “Мен баҳорман, музлаган оташ...” “Саҳар вақти юрак йиғлар...” .Т.5-б.

моҳиятини теран очади, энг қалтис масалалар тўғрисида жасорат билан ёзади:

Миллати йўқ бу туйғунинг,  
тузуми ҳам йўқ экан.  
Ёпиб бўлмас экан ҳеч қандай –  
Қизилми, қорами этаклар билан,  
Чарақлаб турган қуёшни.  
Ҳамма тик кўтариб юраркан  
Шартта тикиб қўйган нарсаси – бошни...

Аъзам Ўктам шеърляти ижтимоий мазмунининг салмоқдорлиги, ўткир публицистик пафоси, мардона руҳи билан ажралиб туради. Унинг “Оролдаги ўйлар”, “Уйқум қочган кечада”, “Халқимиз душманларига”, “Жаллод ҳукмин ўқиди охир”, “Бухорога борганда”, “37-йил шеъри”, “Қишлоққа хат”, “Соддагина хулосам”, “Хосият момо армони”, “Азага-ку сўз йўқ...”, “Қишлоқ чевари”, “Чўлпон”, “Тонгдаги ўйлар”, “Далил” каби шеърляри XX асрнинг энг қизгин ижтимоий-сиёсий воқелигининг, маънавий-сиёсий фожиаларининг бадиий кўзгусидир.

Миллий ўзликни англаш инсонни руҳиятини поклайди, ғуборларини ювади. Инсонни англаш аслан қийин эди, глобаллашув даврида бу жараён янада мураккаблашди. Минг йиллар давомида инсоният қадрият муҳофаза қилинмаса, у асл қимматини йўқотиши ҳақида қайғуради. Ҳар қандай илм, бадиий ижод замирида инсон камолоти, унинг фикрий юксалиши бўлса, ўқ илдизида миллий ўзликни англаш тарбияси турган. Зеро, миллий ўзлик туйғусини англамасдан комилликка эришиб бўлмайди.

Шоир юртдошлари ҳаётини, ўзи яшаб турган муҳитни ҳақиқат асосида ўзгартирувчи, тарихни яратувчи куч сифатида тасвирламаса, миллий ўзликни англаш туйғуси ҳақида гапириш ортиқча. Изланиш-интилишлар катъийлик, дадиллик билан муайян мақсад асосида олиб борилсагина самара

беради. Инсон онгу-шууридаги айнан шу жараённи Аъзам Ўктам бадий-мантқиқий изчиллик, юксак маҳорат, ҳаққонийлик билан кўрсата олади.

Адабиётимиз ҳамма даврларда қайта янгиланади, яратиш, кашф этиш даврини янгидан бошдан кечиради. Дарҳақиқат, “Ўзбек шеърляти боғида Аъзам Ўктам дарахтини тез илғаб оласиз. Бу дарахт кўп замонлар ажойибу фаройиб меваларини арғумон қилажак. Бу дарахт боғни сарғайтириб қўймайди, доим қайта туғилиб, қайта ўлиб, қайта тирилиб, шовуллаб тураверади.” §§

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ЎзР Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.
2. Ғафуров И. Олтин қозик Т.: “Шарқ” 2018й. 152- б.
3. А.Ўктам. Кузда кулган чечаклар: – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 б.
4. А. Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: “Янгиқўрғон” нашриёти, 1992. – 32 б.
5. А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
6. А. Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Т.: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.
7. А.Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т.: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48
8. А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
9. А.Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.
10. А. Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Т.: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
11. А.Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Т.: “Мухаррир”, 2019. – 92 б.

**Зебо ҚОБИЛОВА,**

**Қўқон ДПИ доценти**

**НУР БЎЛ, ЭЙ АЪЗАМ ЎКТАМ!**

Аъзам Ўктам... Мен бу номни илк бор 1991 йилда Қўқон давлат педагогика институтида ўқиб юрган кезларим эшитганман. Устозимиз, шоирнинг шогирди Шуҳрат Неъмат Аъзам Ўктам ҳақида кўп гапирар, шеърларини ҳар гал тўлқинланиб ўқир эдилар. Орадан йиллар ўтди... Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан рафиқаси Хулқар опа,

§§Р.Парфи “Мен баҳорман, музлаган оташ...” ”Саҳар вақти юрак йиғлар...” .Т.5-б.

ўғли Темур, кизи Тўмарис ва шоирни яқиндан билган кўплаб инсонлар билан ҳамсухбат бўлдим.

Бувайда туманида шоир хотирасига бағишлаб ўтказилган тадбир бошланиши биланоқ ўпкам тўлиб, йиғлай бошладим. То тадбир тугагунча йиғладим. Ўзбекнинг ўктам шоирини, миллат дарди билан ёниб яшаган ҳақиқий истеъдод эгасини талабаларимизга шу вақтга қадар билдирмаганимдан уялдим. Тадбирда янграган шеърлар, айтилган фикрлар, айниқса, Хулкар опанинг хотиралари мени яна Аъзам Ўктам шеърлари билан қайта танишишга ундади.

Мутолаа ёш билан боғлиқ дейишади. Бу бежиз эмас. Кеча ўқиган шеърларимдан бугун бир олам маъно топдим. Шоир қўллаган ташбеҳлардан ҳайратга тушдим.

Шоир шеърятидан миллийлик, ўзбекчилик уфуриб туради. “Онам фотиҳаси” шеърида бу ҳол яққол намоён бўлган:

Ўқрайма “Сен бизга меҳмон”, деганга,  
Қийиқ ахтармагин ҳеч қачон қилдан.  
Бешиқ бўлсин, тобут бўлсин экканга,  
Кесма дарахтларин, эк келса қўлдан.  
Онанинг бисоти фақат оқ йўлдир,  
Сени тортиб турсин тупроқ, она тил.  
Қайда юрма, қанча умр кўрма, барибир,  
Тобутда бўлса ҳам, юртингга интил!\*\*\*

Шеърда ўзбек онаси бор бўйи билан гавдаланган. Ватан олдидаги бурч, олижаноблик, ўзганинг кўнглини беҳуда ранжитмаслик, она тупроққа садоқат, она тилга муҳаббат билан яшамоқлик Ватан ва эл хизматига отланган ўғил учун фотиҳага қўл очган онанинг юрак- юрагидан айтилади.

“Хосият момо армони” шеърида урушда бедарак кетган ўғлонини кутиб умр ўтказаётган ўзбек онасининг руҳияти “Йўл пойлайди хира кўзларим, ишим узун, игнам синиқдир”, “Мен боламнинг еtimi бўлдим..”,

---

\*\*\* Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. Тошкент: Мухаррир, 2019. – Б.11.

“Қалдирғочни кутдим болам, деб”, “Энди ўзинг ўғлим бўлиб кел, Лоақал сен адама, Ўлим!” каби ўзга бир шоирлар ижодида учрамайдиган бетакрор мисралар орқали акс эттирилади.

Шоирнинг “Сўроқ”, “Ўйин”, “Талаб” каби катор шеърлари худди бугун ёзилгандек гўё. “Талаб” – бу, бугуннинг талаби. Бугун ўзбекларнинг сафини тўлдиришга келган қизлар фарзандига алла айтмай қўйди. Тобора миллий заминдан узоқлашиб боришмоқда. Кийган кийимидан тортиб, ейдиган таомларигача, эшитаётган мусиқасидан тортиб, амал қилаётган тутумларигача бегона. Бу қизларнинг “ёмон экан мактаби, қалбсиз экан муаллим”и<sup>†††</sup>. “ Сигир соғсанг, нон ёпсанг, қандай қўшиқ айтасан, отанг, онанг, мен ўлсам – йўқловни ҳам билмайсан. Агар бўлса қўлимда, асрардим бу гуноҳдан – алла билмаган қизларни ўтказмасдим никоҳдан...”<sup>†††</sup> деб ёзган шоир миллат болаларини зулматга ем бўлмаслигини иштайди. Улар қулоғига, жисму жонига оналар томонидан юртнинг тарихини, эътиқодини, бир сўз билан айтганда, ВАТАН туйғусини сингдирилишини иштайди. Чунки, жадид боболаримиз таъкидлаганларидек, миллат тарбиячилари оналардир.

Аъзам Ўктамнинг “Тухмат тоши” шеърида фарзандига отилган тухмат тошларидан ўксиган она сиймоси “Чўкиб қолди – онамга қийин, Сочларида бир оқ кўпайди”<sup>§§§</sup> каби таъсирчан сатрларда чизилади.

Аъзам Ўктам шеъриятида унинг чинакам эътиқоди акс этиб туради. “Неъмат”, “Ҳадик”, “Сўроқ”, “Нега?”, “Далил”, “Тараддуд”, “Саҳар вақти юрак йиғлар..”, “Фотиҳа”, “Азон”, “Чорбоғ” каби шеърларни ўқиган китобхон ўзида бир тозариш, бир юксалишни ҳис этади.

“Ибодат” шеъридаги тоғларнинг сомеъ бўлиб ўтириши, такбир айтаётган само, пичирлаб қилинаётган дуо – ёмғир, сажда қилаётган майсалар, “Чорбоғ” шеъридаги такбир тушираётган қалдирғоч, сажда қилаётган полиз, дуо қилаётган кампир – тандир, ибодатга саф тортган йигитлар – тераклар, бола кучоқлаб шукр номозига саф тортган аёллар –

<sup>†††</sup> Ўша манба. – Б 16.

<sup>†††</sup> Ўша жойда.

<sup>§§§</sup> Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. Тошкент: Мухаррир, 2019. – Б 19



маккажўхорилар каби ажойиб ўхшатишларни ўқиган ҳар қандай китобхонда, бир уйғоқлик, бир сергаглик пайдо бўлади. “Мен, ашрафул махлуқот бўлиб нима қиляпман? Ўз раббимни танийманми? Ҳаққини адо этипманми? Бутун мавжудод ўз забонида Яратганга шукрона айтса-ю, мен нега беҳуда кезиняпман?”, - деган ҳақли саволлар қуршовида қолади. Бу саволарга жавоб топиш учун бел боғлайди. Инсонийлик шарафига лойиқ бўлмоқ истагида ҳаётини ўзгартиради.

Ха, Аъзам Ўктам шеърляти бир нур. Нурки, ёруғ манзилларга элтгувчи!

Ўт ўлан айтар саловот,

жўр бўл, эй Аъзам Ўктам.

Иймөнинг бўлсин саломат,

нур бўл, эй Аъзам Ўктам!\*\*\*\*

**Толибжон РЎЗИБОВ**

Эркин Воҳидов ижод мактаби

директори ўринбосари

#### **АЪЗАМ ЎКТАМ ЎТИНЧЛАРИ**

#### **Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктам шеърлари Жалолиддин Румий, Алишер Навоий каби шоирлар шеърлари билан қиёсан ўрганилган.

**Калит сўзлари:** тарбия, шеър, маснавий, сура, оят, румиёна талқин, бадиият, ғоя.

Бу фоний дунёда яшамокдан асли мурод нималигини англаб етган инсон энг бахтлидир. Бутун борлиқ яратувчиси ва тарбиячиси бўлган Зот ўзининг каломи шарифида шундай марҳамат қилади: “Жин ва инсонни фақат

---

\*\*\*\* Ўша манба. . – Б. 42.

менга ибодат қилишлари учунгина яратдим”. (Зарийат сураси, 56-оят)  
Уламоларимиз таъкидлашларича ибодат сўзининг маъно кўлами жуда кенг бўлиб, инсон томонидан Аллоҳ розилигини топиш учун амалга оширилган ҳар бир яхшилик ибодат саналади. Аъзам Ўктам шеъриятига назар ташлар эканмиз унда инсон ҳаётининг айнан шу жихатлари теран талқин этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шоир ёзади:

Сўзим, жонбахш сўзим, ёрдин

Менга ширин ҳикоят қил.

Кўзим, йиғла, бу ёрсизлик,

Бу ҳижрондин шикоят қил.

Бу дунёнинг энг мукаррам яратиғи бўлган бани одамга ато этилган бебаҳо неъматлардан бири сўз ва сўзлаш қобилиятидир. Инсон сўз орқали ўз қалбида кечаётган турфа кечинмаларни, олам ва одам ҳақидаги қарашларини баён этади. Аммо тилни беҳуда гаплар учун ишлатмаслик зарур. Шоир таъкидлашича, ақл эгаларининг “жонбахш сўз”ларида ёр ҳақидаги “ширин ҳикоят” баён этилади. Бу ҳикоятни тинглаган ошиқнинг кўз ёшлари тинмай, “ҳижрондин шикоят” қилади. Аъзам Ўктамнинг бу мисралари илоҳий муҳаббатнинг румиёна талқинини ва “Маснавий”нинг қуйидаги байтини ёдга солади:

Тинглагил, най не ҳикоят айлағай,.

Айрилиқлардан шикоят айлағай...

Ҳижрон азобидаги ошиқ ёр ҳақидаги ширин ҳикоятдан бошқа сўзни тинглашни истамайди, чунки унинг бутун борлиғи муҳаббат ўтига йўғрилган, вужудининг ҳар бир зарраси ёр деб илтижо қилмоқда. Шунинг учун ҳам Аъзам Ўктамнинг лирик қаҳрамони муҳаббатдан сиво кимсаларнинг ишқ аҳлига қиладиган беҳуда маломатларига қулоқ тутмайди:

Кўлим, ёпгил қулоқларни,

Эшитма ҳеч маломатни.

Юрак, очгил у дафтарни,

Яна бошдин ривоят қил.

Муҳаббат инсониятнинг энг қадимий дафтари, лекин ҳар бир ошиқ юрак бу дафтарни янгилайди: ундан ўз дардларини уқади, унга ўз дардларини тўкиб солади. Агар юқоридаги мисралар мазмунига теранрок назар ташласак, бу ўринда Аъзам Ўктам шоирона сўз ўйини қилиб кетганлигига амин бўламиз. Унда тилга олинган дафтар сўзи бир неча маъноларда қўлланган. Биринчидан, у ҳар бир кишининг қисмат дафтари, иккинчидан эса ошиқларнинг ишқ дафтари, учинчидан бу – Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”си. Шоир бу асарни қайта-қайта ўқиш ва ундаги маъноларни теран англаш, мисралар қатига сингдириб юборилган илоҳий ишқ сир-асрорларини кашф этишни истади.

Улуғларимиз таъкидлаганларидек, инсоннинг турфа гуноҳлардан сақланишида оёқ ҳам катта аҳамиятга эга. Ривоятлардан бирида келтиришича, инсоннинг қалби бир ҳовуз бўлиб, унга беш ариқдан сув оқиб туради. Агар шу ариқлардан оқиб келаётган сувлар покиза ва тиниқ бўлса, кўнгил ҳам пок бўлади. Аксинча бўлса, кўнгил ҳам лойқаланиб, хиралашади ва ундан бўтана ботқоқнинг ҳиди бурқсийди. Ана шу беш ариқнинг бири оёқдир. Агар оёғингиз сизни фақат эзгуликлар даврасига олиб борса, ундан кўнгил баҳра олади ва мусаффолашади. Шунинг учун ҳам Аъзам Ўктам оёқларига илтижо этар экан шундай нидо қилади:

Оёғим, юр кетайлик, бу

Зулмкорларнинг ёнидин.

Етиб боргач синиб битгил,

Бугун аммо ҳимоят қил.

Зулмкорлар ким? Шоир нега уларнинг ёнидан тезроқ кетишни истаяпти. Нечун манзилга етгач, оёғининг синиб битишига ҳам рози, аммо бугун унинг ҳимоясига муҳтож? Бу саволларга жавоб бериш учун яна илоҳий каломга мурожаат этишга тўғри келади. Унда айтилишича, энг катта зулмкорлар бу каломни ёлғонга чиқарувчилар, яъни илоҳий кўрсатмаларга ўзлари амал қилмаганлари етмагандай, ўзгаларни ҳам бунга ундашга уринувчи кимсалардир. Ундайлар даврасида қолган ҳар бир инсон адашиши

мумкин. Зулмкорлар аслида кимларгадир зулм қилаётгандай кўринса-да, аслида улар ўзларига зулм қиладилар. Чунки, мисқол заррасича қилинган яхшилик ҳам, мисқол заррасича қилинган ёмонлик ҳам жавобсиз қолмайди. Шу боис ҳам ақл эгалари бундай зулмкорлардан узоқ бўлишга интиладилар. Зеро, Каломи шарифда таъкидланганидек, “Албатта, куфр келтирганлар ва зулм қилганларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва йўлга ҳидоят ҳам қилмас”. Шоир бундай бахтсизликдан нажот топишнинг ягона йўли Биру Бор ул эканлигини қалбан тан олиш, тил билан иқроп этишда деб тушунади:

Кўнгил, сендин ризодирман,  
Биру Бор ул, десанг басдир.  
Сенга измимни берганман,  
Жўшиб, майли, жинойт қил.

Аллоҳнинг якка ягоналигини тан олган кўнгилдан ошиқ ризо бўлди ва ҳар қандай синовларга бардош бера олади. Зеро, унинг энг улуғ мақсади кўнгил поклигига эришиш, ёр ризолигини топиш, унинг васлига восил бўлишдир. Бундай ошиқ ўзини кўнгил измига беради ва унинг ҳар қандай жинойтларига кўнади. Шоир бу ўринда жинойт сифатида талқин этаётган ҳолат бизнинг тасаввуримиздаги қонунбузарликни англамайди. Буни тушуниш учун Фоний (Алишер Навоий)нинг қуйидаги байти мазмунига эътибор қаратиш керак бўлади:

Сабў бар гардан овардан, ба риндон гар гунаҳ бошад,  
Туро дар гардан, эй Фоний, ҳамеша ин гунаҳ бодо!

(Агар гарданга осмоқ кўза риндларга гуноҳ бўлса,  
Сенинг бўйнингда, эй Фоний, ҳамиша бу гуноҳ ўлсин.)

Демак, ошиқнинг кўнгли жўшиб, жинойт қилиши замирида ишқ майидан беҳуд бўлиш, бу майни тинимсиз сипқориш назарда тутилган. Аммо бу йўлда ҳар бир солиқни, жумладан Аъзам Ўктам лирик қаҳрамонини ҳам улкан бир хатар кутади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадиси шарифлардан бирида айтилишича, Расулulloҳ

(с.а.в)нинг шундай деганлари Саид ибн Жубайрдан ривоят қилинади: “Одам боласи эрталаб уйқудан уйғонган пайтда, жасадининг барча аъзолари уйғонади ва улар тилга айтишади: “Орамизда сен Аллохдан (кўпроқ) кўрк! Чунки, сен тўғри бўсанг, биз тўғри бўламиз. Сен эгри йўлга кетсанг, биз ҳам эгри йўлга кетиб қоламиз”. Аъзам Ўктамнинг қуйидаги мисраларида айнан шу ҳадисга ишорани кўришимиз мумкин:

Тилим, кўрқинчларим сендан,

Хатарли сенга эрк бермоқ.

Ўтинчим: ўзидин доим

Сен умиди ҳидоят қил.

Дарҳақиқат, тил инсонни турфа кўйларга солиши мумкин. Тилга эрк беришлик, яъни оғзига келганни қайтармай ёки ўйламай-нетмай гапириш ҳеч кимга ҳеч қачон обрў-эътибор келтирган эмас. Инсон ҳар қанча олим бўлса ҳам, ҳар бир гапни гапиришдан олдин тафаккур чиғириғидан ўтказиши, унинг оқибатларини идрок этиши ва ўзига ҳамда бошқаларга нафи тегадиган гап бўлса, айтиши керак бўлади. Шоир тилидан кўрқинчларини баён этар экан яна Яратганга юз буради ва ундангина ўзига паноҳ тилайди, яъни шеърни каломуллоҳдаги “Фақат Сенгагина ибодат қиламиз ва фақат Сендангина ёрдам сўраймиз” ояти (Фотиҳа сураси, 4-оят) мазмунидаги ўтинч билан якунлайди.

Аъзам Ўктам шеърляти ҳақ йўлни излаётган инсоннинг ўзлигини англашдаги турфа кечинмалари, дарду аламлари, ҳижрон азоби изтироблари талқинига бағишланган ҳароратли мисралар билан зийнатланган. Унинг ҳар бир сатрида қалб поклигига интилаётган инсоннинг оламу одам ҳақидаги теран фикрлари ўз ифодасини топган.

#### **Адабиётлар:**

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар. 5-ж. – Т: Ўзбекистон, 2002.
2. Жалололдин Румий Маснавий. – Т:Шарқ, 2010.
3. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Т., 1990. – 56 б.
4. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона, 1992. – 32 б.
5. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Т: Чўлпон, 1998. – 56 б.

6. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Т: Ёш гвардия, 1990. – 56 б.
7. Аъзам Ўктам. Қиркинчи баҳор: Шеърлар. – Т., 1999. – 48 б.
8. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т. , 2011. – 160 б.
9. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т., 2014. – 304 б.
10. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.

**Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,  
филология фанлари номзоди**

### **АЪЗАМ ЎКТАМ СОҒИНЧИ**

Мен у шоирни билмайман. Ҳаётда учратмаганман. Аммо, шеърлари... Сўзга кўчган қалби, дарди, хаёли, армони мени-да ўйлатади... Ногаҳонда тизгинсиз бир ҳисни туюб беихтиёр тўлғонаман. Азоб чекаман. Сўнг... Сўнг қаердандир учи синиқ ётган қаламимни излаб топаман. Кейин у билан каптар қанотидек беғубор қоғозни қоралайман, доғлайман...

Аъзам Ўктам ўзбекнинг ўктам шоири эди. У ўз тенгдошлари, маслакдошлари орасида ажралиб турарди. Унинг поэтик нигоҳини бошқа бирор шоирга ўхшатиш қийин. Унинг ижодий парвози, йўналиши, «ун»и ҳеч кимга ўхшамасди. Аммо ижод ўз-ўзидан гуркирамайди. Ҳар қандай ижод шуъласи ўзигача бўлган бирор-бир қалам соҳибининг ёлқинидан нур эмади. Унга эргашади, интилади, шу аснода ўзлигини намоён этади. Аъзам Ўктам Янги истиқлол шеърятининг чўлпони эди. Афсус, бу чўлпон қисқа, аммо жуда ёруғ нур сочди. Мана, шоирнинг энг сўнгги шеърӣй тўплами кўлимда: «Тараддуд». Мўъжазгина китобни варақлар эканман, куйидаги сатрлар юзимга оловдек урилади:

***Йўл аниқ, қайтиш йўқ,***

***Мен кетдим энди.***

***Кечган нарсам—жонни ўйламам ҳечам***

***Битта майдон керак—курашгим келди:***

***Тўшакда ётгулик қилмасин, ўлсам.***

Бадиий ижодда интуиция деган тушунча бор. Бу сезги, ички ҳиссиёт дегани. Бўлмаса, Аъзам Ўктам муштдай ўғилчасига қабр ҳақида гапирармиди?!

***Эй кўзимнинг оқи—ўғилчам,***

***Кўп яхши яхши ер чопишинг, бироқ***

***Қабр қазимоқни-да ўрганиб қўйгил.***

Бу шеър ўқувчида савол кўзгаши табиий. Унутмаслик керакки «ўғил» бу ўринда восита холос. Асл мақсад одамларни савоб ишга даъват этишдир. Элда уч кишининг қабрини қазган одамнинг жойи жаннатнинг тўрида бўлади, деган нақл юради. Бу шеър ўзидан ўзи туғилмаган. Шеърга ёш болаларнинг кичкина кетмонча ёрдамида ер ковлаб ўйнаши туртки берган. Шу аснода шеърга бош ғоя—шоирнинг савоб ҳақидаги қарашлари жойланади.

Аъзам Ўктам кўп шеърларида шошқин кайфиятни, сўлгин руҳиятни онг илғамас бир йўсинда дарж этади. Ва яна васиятдай шеър ёзолмаганидан ўкинади. «Алам» шеърида қуйидаги сатрлар бор:

***Итоат этмайди***

***Ҳануз менга сўз.***

***Ё Раббим,***

***Гуноҳим ахир нимадир?***

***Кўлимдан***

***(Дилимдан)***

***Келмади ҳануз***

***Васиятга ўхшаган бир шеър.***

Йўқ, васиятга ўхшаган шеър Аъзам Ўктам ижодида кўп учрайди. Унинг баъзи сатрларида ҳам лирик қаҳрамон охирги гапларини, фарзандларига, миллатга, ёшларга айтаётгандек туюлади. У миллат дардларини, истибдод оғриқларини, халқ руҳиятидаги покиза туйғуларни, садоқат ва ғурурни-да шеърга солган. Мен Аъзам Ўктамнинг бадиий қиёфасини, ижодий

тажрибасини Чўлпон ижодига ҳамоҳанг демокчиман. Биласизми, шоир шеърларида Чўлпонга хос жасорат ҳукмрон. Аъзам Ўктам «кишан»ни, «куз»ни, «қор»ни, «бахор»ни ва бир неча ифода-тамсилларни Чўлпонга хос жасорат, санъаткорлик билан шеър бағрига жойлайди. Мана бу парчадаги «кўнгил», «ёв», «ой», «юрт» ва бошқа иборалар худди Чўлпон қаламидан қоғозга тушган каби завқ уйғота олади. Аммо бу фикр муаллиф ижодининг ўзига хослигига соя солмайди:

***Шу қора ер тушган чекимга***

***Узолмадим кўнгилни ойдан.***

***Ҳасратидан тўйдим юпуннинг***

***Ҳафсалам кўп пир бўлди бойдан.***

***Юртлар кездим ёв қувиб бориб,***

***Дўст топмадим бирорта жойдан.***

***Аршдан тушган бўлса-да одам***

***Яралгани рост экан лойдан.***

Аъзам Ўктам ижодининг яна икки фазилати хусусида алоҳида гапириш жоиз. У гоҳ халқ ижоди оҳангида қалам сурса, гоҳ мумтоз шаклларда, хусусан, ғазал жанрида бемалол қалам тебратади. Унинг баъзи ғазалларида ҳам Чўлпон қаламининг таъсирини сезиш мумкин. Афтидан, шоир жадид шоирнинг ижодига айрича меҳр кўйган кўринади:

***Ғаним рафторли дўстлар бор, ганимлар***

***Дўстга ўхшайди.***

***Надир ҳолинг демокликка гаразсиз бир***

***Мусулмон йўқ,***

***Улуғ кунда улуғворлик билан ҳолингни***

***Сўрмасми?***

***Сенингдек бу заиф халқдан меҳр кутгувчи***

***Нодон йўқ,***



Дарвоке, унинг «Чўлпон» деган шеъри ҳам бор. Унда жадид намояндасининг айбсиз айбдорлигини, қатағон қурбони бўлиши машъум сиёсат найранги экани ачинарли оҳангда жаранглайди:

*Уни мен йўқ қилдим, демайди замон,*

*Уни мен янчидим демас сиёсат.*

*Уни мен чорладим, деб айтар осмон,*

*Уни мен чақирдим, дейди ер фақат.*

Аъзам Ўктамнинг бир шеъри «Дуторчи қизлар» дастаси айтадиган «Қарамайди ёр-о, қарамайди ёр» кўшиғи оҳангида битилган.

*Одамлар бор дунёда*

*зоятда айёр-ей, дозули айёр.*

*Соянгни ҳам чоҳ кавлаб,*

*Кўймоққа тайёр-ей, кўймоққа тайёр...*

Шу ўринда мақолага нуқта қўймоқчи эдим. Аммо шоирнинг тўпламдаги «Соғинч» достони ҳақида фикримни айтмасам, мулоҳазаларим ноқис туюлди. Достон зуваласига бир эмас, уч ривоят мазмуни сингдирилган. Шоир китобхонни огоҳлантиради: гўё муаллиф айтмоқчи бўлган даҳшатли сўз оддий эмас. У таъсир кучи билан нафақат ўқувчи қалбини, ҳатто арши аълони ҳам титратишга қодир эмас.

*...Машиҳар кўпмас йўлимдан қайтсам,*

*Гарчи у жим, инсофга келмас,*

*Арш зирриллар бир сўзни айтсам,*

*Йўқса қалбда зилзила тинмас...*

Шоир айтадики, арабларда бир эру хотин ўзаро низо чиқариб, уни бартараф этиш учун қозига мурожаат этадилар. Қози икки гувоҳ талаб қилади. Гувоҳлардан бири аёлнинг юзини кўргачгина ўз фикрини айтиши мумкинлигини аён қилади:

*«Паранжида ким бор – билмасак,*

*Юзин очсин», — дейди бир гувоҳ*

*Эр эркак-да. Бир қалқди юрак*

*Ҳали бекор бўлмаган никоҳ.*

*Йўқ, очмайсан юзингни. Ишон,*

*Камлик бўлмас маҳрдан», — деди*

*Ўз тақдирин англаган жувон:*

*— «Ўтдим маҳр баҳридан», — деди.*

Кўриняптики, шоир қабоҳатга юзланган аёлга ҳайрон қолиш баробарида ор талашаётган эркакка ачиняпти ҳам. «Майли, — дейди шоир, — буни арабча дея қолайлик...» Сўнг шоир ўзбек халқ ривоятларидан бирини сўзлашга киришади. Унга кўра, бир полвон қиз кураш майдонида бир неча йигитларни йиқитади. Навбатдаги йиғинда бир барваста йигит халиги кураги ерга тегмаган қизни чунонам кўтариб, елкасига қўяди ва ўз уйи сари олиб кетади. Кимдир чиқиб, қўли билан улар кетаётган томонга ишора қилади. «Никоҳини ўқидим», — дейди. Полвон қиз барваста йигит никоҳида ўнта ўғил кўради. Сўнг қазо қилади. Бу ўша ички асарчанинг фоже хотимасини билдиради. Уни сўнгги манзилга кузатадилар. Шоир «унинг тобутини ўша курашда йиқилган йигитлар елкаларида кўтариб олиб кетдилар», — деган ғояни асар бағрига сингдирган. Бу гапда жуда катта маърифий ҳикмат бор. Муаллиф «қанча кучли бўлмасин, аёл аёллигича қолмоғи лозим. Унга бешик тебратиш ярашади, кураш тушиш эмас», демоқчи. Достон сўнггида эса ғоявий жиҳатдан юқоридаги икки ривоят мазмунини рад этадиган учинчи ривоят қаламга олинади. Унда шоир халқимиз тарихида ва маданиятида мавжуд алоҳида ўринга эга воқеани назм риштасига тортади. Қўқон хони Амир Умархон ва малика Нодира қисматидаги бир ўзбек аёлининг садоқатини улуғлайди. Алқисса: Қўқон хони Амир Умархон оилавий можароларнинг бирида малика Нодирага «хазинадан ўзинг учун нимаики қимматбаҳо, зарур бўлса, ўшани олиб Шаҳрихонга кетавер», — дейди. Ва ўзи ётоғига кириб уйқуга кетади... Бир пайт хон отнинг оёқ товушидан уйғониб қараса, аравада бети ёпиқ аёл уни сахро бўйлаб олиб кетаётир. Амир нега ёлғизлигини, уни ким қаерга олиб кетаётганини сўрайди. Шунда бети ёпиқ аёл жавоб беради:

— Амрингизни билдиму вожиб  
Тўлиқ адо этаётирман.  
Энг керакли, қимматбаҳо деб  
Сизни олиб кетаётирман...  
Сўз дейлмай қолган Умархон  
Бир уради пешонасига.  
Қайта никоҳ ўқитиб, шодон  
Кириб келар кошонасига...  
Сўнг шоир достонга хотима ясайди:  
Мен мозийдан сўз очдимми, бас,  
Қилишим шарт қиссадан ҳисса.  
Аммо, нетай буларни эмас,  
Ўшаларни бир кўргим келса.

Аъзам Ўктам чакмоқдек «ялт» этди-ю сўнди. Таскин шуки, унинг маърифатли, ёниқ шеърляти узок вақт қалбларимизни ёритиб, камолотга чорлаб туради, иншооллоҳ!

Яратган эгам ўтюррак шоир қабрини нурга тўлдирсин.

**Зилола ЭШАНОВА,**  
Андижон давлат университети  
Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси в.б. доценти,  
филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори.  
**Камола АБДУРАҲИМОВА,**  
Андижон давлат университети магистри

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАР**

### **Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктам ижодидаги фольклоризмларнинг поэтик вазибалари ҳамда шоирнинг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати ёритилган.

**Калит сўзлар:** фольклоризм, оддий фольклоризмлар, аналитик фольклоризм, фольклор синтези, стилизациялашган фольклоризмлар, жанр стилизацияси, образ стилизацияси, мотив стилизацияси.

Аъзам Ўктам шеърлари фольклор анъаналари, мумтоз адабиёт анъаналари ҳамда жаҳон адабиётининг илғор тажрибаларидан озиқланган ҳолда, уларни янги тамойиллар асосида ривожлантирган ҳолда шаклланди. Биз ушбу мақоламизда Аъзам Ўктам ижоди ва фольклор муносабатлари, хусусан, шоир ижодидаги фольклоризмларнинг ўзига хосликлари ва поэтик вазифалари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Аввало, барча давр адабиётида фольклоризмлар ижодкорлар ижодига катта таъсир ўтказган. Ижодкорлар ўз даври воқелигидаги кечинмаларни китобхонга англатишда, ўз даври муаммоларини ёритишда фольклоризмлардан фойдаланиб келганлар. Ана шу хусусиятлар Аъзам Ўктам ижодига ҳам тегишли.

Ёзма адабиётнинг фольклордан фойдаланиши, унинг таъсирида асар яратиши фольклоризмдир [5, Б.15]. Аъзам Ўктам оддий ва мураккаб фольклоризмлардан ғоявий-эстетик мақсадларини юзага чиқаришда маҳорат билан фойдаланади.

Оддий фольклоризмлар “... бирор ёзувчи ёки шоир ижодида халқ мақол ва маталлари, юмуқ иборалари, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотларнинг кўлланилиши” [3, Б.349] бўлиб, шоирнинг “Унутма”, “Тажриба”, “Мақолга шарҳ”, “Кўрга хасса”, “Баҳонада”, “Мулойим хунук”, “Ўзингга эҳтиёт бўл”, “Ботир”, “Муоложа”, “Чумчук”, “Ваҳимачи”, “Меҳмондўстлик”, “Тушунинг”, “Акс таъсир”, “Ишонч”, “Оролдаги ўйлар” каби шеърларида мақол, матал ва иборалар – оддий фольклоризмлар шоир ғоявий мақсади ифодасига ҳамда шеърнинг эстетик таъсирини оширишга хизмат қилган. Шоир “Унутма” шеърида “бу беш кунлик дунё” халқона ибораси ҳамда “меҳмоннинг иззати уч кун” маталлари орқали умрнинг ўткинчилиги ҳақидаги ухровий мазмунни ифодалайди:

Меҳмонсан беш кунлик дунёда,

Уч кунгина иззатинг.

Мезбон измидасан

шу уч кунда ҳам [1.Б.377].

Буйруқ шаклидаги сарлавҳанинг ўзиёқ ўқувчига шеърдаги мазмуннинг ғоят долзарб эканлигини англатади ва ўқувчини беш кунлик дунёга меҳмон эканлиги, уч кунлик иззатга эга бўлган меҳмонлик даврини ҳам “улуғ мезбон изми” билан ўтказишини унутмасликка чақиради.

“Тажриба” шеърида эса “урсанг эти қотар, сўксанг бети қотар” матали ўзгартирилган ҳолда қўлланади:

Зарблардан

этимиз қотди.

Гаплардан

бетимиз қотди:

Қотирамиз энди биз ҳам[2.Б.31].

Мисралари алоҳида сатрда берилган уч қаторли шеърда “зарблардан эти қотиб, гаплардан бети қотган”, лекин масъулият борасида бирор натижага эришмаган жамият инсонларига шоирнинг киноявий муносабати ифодаланмоқда.

“Мақолга шарҳ” шеърида шоир “узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши” мақоли бўлган оддий фольклоризмдан фойдаланади. Шеър сарлавҳасининг ўзиёқ шоирнинг халқ мақолига бераётган шарҳи эканлигидан хабар беради. Икки мисрадан иборат қисқа шеърда эса шоирнинг халқ мақолига пародаксал муносабати берилади. Мақолга берилган шарҳ ҳам жуда қисқа. Атиги бир мисрадангина иборат. Ана шу бир мисра шоирнинг ўқувчига англатмоқчи бўлган – ҳар қандай соҳада бирор натижага эришмоқчи бўлган инсоннинг керак бўлса узоқ юртларга бориб яшашига тўғри келиши ҳақидаги – ҳаётий ҳақиқатни ифодалайди.

“Кўрга хасса” шеърида эса “оғзига толқон солмоқ” ҳамда “башаранг кийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама” оддий фольклоризмлари ҳар қандай

шароитда ҳақиқатни айта оладиган лирик субъект кечинмаларини ифодалашда поэтик восита бўлган:

Солмаганман оғзимга талқон,  
кўрқаман одамдан кўрқишга.  
Хафа қилма - бепарво кулма,  
Синдириб ташласанг-да,  
Мендан ўпкала —  
Мен - ойнаман,  
сенинг башаранг қийшиқ[2.Б.32].

“Мулойим хунук” оксиморон сарлавҳали шеърида эса “синалмаган отнинг сиртидан ўтма” мақоли ҳамда “ухлатар”, “уйқусини ўчираар” иборалари амалдорларнинг эринчоқлик билан қўйган ажи-бужи имзоси қанча инсонларнинг ташвишига сабаб бўлишини ҳис қилган лирик субъектнинг кечинмалари ҳамда киноявий муносабатини ифодалашга хизмат қилган:

Сиртидан ўтма синалмаган отнинг:  
уйғонмайдиган қилиб ухлатар,  
уйқусин ўчираар қанча одамнинг  
ажи-бужи мана шу ёзув [2.Б.34].

“Ўзингга эҳтиёт бўл...” шеърида “бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан” мақоли бутун шеър мазмунига сингдириб юборилган. “Чумчуқ” шеърида эса “чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди” оддий фольклоризми ва чумчуқ рамзий образи орқали шоир жамиятдаги ўзгаларни кўрқитиб яшайдиган, лекин ҳеч ким менсимайдиган инсонлар образини яратади. “Ваҳимачи” шеърига “туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр”, “Меҳмондўстлик” шеърига “бир кун туз еган жойга қирқ кун таъзим қил”, “уйимиз тор бўлса ҳам кўнгилмиз кенг” мақол ва маталлари мазмуни сингдириб юборилади ва шоирнинг бадиий-эстетик ғоясига мос тарзда қўлланади.

Шоирнинг “Тушунинг” шеърида ҳам анъанавий фикрларга истехзоли муносабат берилади. Шеърнинг илк банддида “сичқон сифмас инига, ғалвир

боғлар думига” мақоли орқали танқидга учраган лирик субъект ҳолати тасвирланади. Шеърнинг иккинчи бандида эса лирик субъектнинг унга танқидий ва истезоли муносабати ифодаланади. Ушбу мақолни анънанага кўра ўзи ҳолатидан келиб чиқмай, қийин юмушлар учун беҳуда чиранаётган инсонларга нисбатан ишлатилади. Шоир эса ана шу анъанавий муносабатни рад қилган ҳолда ўзининг инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам буюк орзулар, улuf мақсадларга интилиши керак, деган янгича қарашни беради. Шоир лирик субъектнинг ўз олдига қўйган улкан мақсадининг нақадар завқли эканлигини мақолдаги ғалвир детали орқали англатади.

Тушундим:

дахли бор бу гапнинг менга.

Аммо сизга англатай қандоқ —

Ў, нақадар сулувдир ғалвир,

уни судра-аб юриш —

нақадар завқли[2.Б.26].

Ҳар бир шоир халқ мақоллари, умуман оддий фольклоризмларни фақатгина ўзига хос бўлган услубда қўллайди. “Осмон узок, ер қаттиқ, ўлай десанг, жон қаттиқ” мақолини Рауф Парфи, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф сингари шоирлар ноиложлик туйғусини жонли тарзда ифодалаш учун қўллашган [5, Б. 16]. Аммо Аъзам Ўктам “Ишонч” шеъри тўлалигича парадокс тамойили асосида шаклланган. Шоир шеърда “осмон узок, ер қаттиқ”, “бўзчи белбоғга ёлчимайди”, “ёшлик қайтиб келмайди”, “сафари қаримоқ” каби оддий фольклоризмларга зид фикрни айтади, уларни ўз ҳақиқати асосида қайта мушоҳада қилади:

Осмон беҳад яқин, Ер эса юмшоқ,

Ёшлик қайтиб кетмас, у мангу қолар.

Бўзчиман — боғлайман ҳар кун бир белбоғ,

Сафарим қаримас, яшариб турар [2.Б.44].

Шоир наздида ишонч туйғуси бўлган инсонга осмон беҳад яқин, ер ҳам юмшоқ бўлади, ёшлик ҳеч қачон у инсонни мангу тарк этмайди, ҳатто у

оддий бўзчи бўлса ҳам ҳар куни белбоғ боғлайди, бундай инсоннинг сафари ҳам қаримайди. Шеърдаги зид (парадокс) шаклда қўлланган мақол ва халқона ибораларни шоир ўзининг поэтик мақсадига хизмат қилдирган.

Аъзам Ўктамнинг “Оролдаги ўйлар” шеъри бевосита Орол муаммосига бағишланиб, унда Орол қуриб кетаётганлиги сабаб пайдо бўлган лирик субъект кечинмалари баён этилади. Шеърнинг хулосавий сўнги бандида доно халқ орасидаги “ўт балосидан, сув балосидан асра” дуоси – оддий фольклоризмни қўллаш орқали табиат балоларидан фақат инсонни эмас, балки табиатни ҳам инсонларнинг ёмонликларидан – нафси балосидан асраш керак, деган фалсафий умумлашмани беради:

Ҳар нарсани биладиган одамлар,  
«Сув балосидан асра!» дейишса;  
сув ҳеч қуримаса керак, дебмиз-а.

Асраш керак экан-ку ахир,  
балолардан у шўрликни ҳам?.. [1.Б.44]

Дарҳақиқат, Оролнинг бу ҳолатга келишига Собик шўролар давридаги пахта яккаҳоқимлиги сабаб бўлган.

Аъзам Ўктам ижодида учрайдиган фольклоризмларнинг кейинги тури аналитик фольклоризмлар бўлиб, фольклорга мансуб сатр ёки бир банд шеър ёзма шеър таркибида айнан келтирилса, аналитик фольклоризм саналади [Б. 134]. Шоирнинг “Қўшиқ” шеъри аналитик фольклоризм ҳамда қўшиқ жанри ва ритми стилизацияси асосида яратилганлиги билан ажралиб туради. Шеърнинг ёндош матни бўлган сарлавҳанинг қўшиқ деб номланиши ҳамда сарлавҳа остида “халқ йўлида” изоҳининг берилиши унинг халқ қўшиқлари оҳангида яратилганлигини англатади. Шоир шеърнинг илк бандини халқ қўшиғидан олинган парча – аналитик фольклоризм асосида шакллантиради:

Фарғонадан келаман,  
келасанми ёр-о, келасанми, ёр?  
Сенга ошиқ бўлганлигим  
биласанми ёр-о, биласанми, ёр? [1.Б.146].



Шунингдек, шоир шеър мисраларида “бирова чоҳ казимоқ”, “бир бошга бир ўлим”, “якканинг ёри худо” каби халқона иборалардан фойдаланган ҳолда жамиятдаги ёмон иллатларга тўла инсонларнинг танлови нотўғри деган фикрни шеър мисралари қатига сингдиради.

Одамлар бор дунёда  
ғоятда маккор-ей, доғули, айёр —  
Соянгни ҳам чоҳ кавлаб,  
кўймоққа тайёр-ей, кўймоққа тайёр[1.Б.146].

Аъзам Ўктамнинг “Эски афсона” шеъри афсона жанри стилизацияси асосида яратилган. Шоир ўз даври муаммоларини ёритишда халқ афсоналаридаги шоҳ ва чўпон образларини ҳам стилизация қилади. Шеър воқеабанд бўлиб, воқеалар одил шоҳ ва тоғлик чўпон ўртасидаги савол-жавоб асосида ёритилади. Шеърда жамият тараққиётининг барча дарвларида бўлганидек, ҳукмдорларга халқнинг арзи етиб бормади, ҳукмдорнинг фармонлари эса халққа ўз ҳолича етказилмади, шунинг учун ҳам ҳаққингизни ўзингиз талаб қилинг, деган фикрни қор ва сув деталлари орқали ифодалаб беради:

— Ахир менинг фармонларим ҳам  
шу саройда қатъий ва чиндир.  
То сизларга етиб боргунча  
сув бўлиши балки мумкин дир!  
Шу боисдан доимо хушёр,  
сал жангари, ёвқур бўлинглар.  
Гар сизларга «сув»ни тутишса,  
кўнманг,  
«қор»ни талаб қилинглари... [1.Б.51]

Шунингдек, шеърда “ўғри бўлсанг бошингни ейсан, тўғри бўлсанг ошингни ” мақолини (оддий фольклоризм) янгиланган вариантда қўллаб, давр муаммоларини, жамиятдаги илдиз отган иллатларни фош этади:

Ғирт янгича мақол бор ҳозир,

қадимгиси кетгандир абас—  
 «Ўғримисан—ейсан ошингни,  
 тўғримисан—ўз бошингни, бас!»

Аъзам Ўктам “Низомиддинни уйғотиш” шеърида фольклорга хос алла жанри хусусиятларини синтезлаштирган ҳолда шеър композициясига ўзига хослик бахш этган:

Ишонтирдинг сен ўзимга ўзимни,  
 Йигитсан, мен гувоҳ, болам, алла.  
 Фаришталар ювиб қўяр юзингни,  
 Чўриси ҳам бегуноҳ болам, алла.  
 Инсон зоти англолмагай сўзингни,  
 Ҳамсуҳбати Оллоҳ болам, алла [2.Б.44].

Илк қарашда, шеърнинг ёндош матни бўлган сарлавҳа ва шеър сюжетидаги алланинг зид моҳият касб этаётгани китобхонни таажжублантиради. Шеър қатига сингдирилган ғоядан бохабар бўлгач эса, уйғотиш сўзи тўғри қўлланганига амин бўламиз. Анъанага кўра алла, одатда, болани ухлатиш учун куйланади. Шоирнинг шеърда ифодаламақчи бўлган ғояси эса буткул бошқача: аллани болани ухлатиш учун эмас, уларни тарбиялаш, инсоний туйғуларни уйғотиш учун айтилиши керак.

Айни шу қарашнинг давомини шоирнинг “Менинг эртагим” шеърида кузатамиз. Шоир ушбу шеърида эртак айтиб, боласини ухлатиш мотивидан фойдаланади. Шоир шеърда ҳам эртак ухлаётган пайтда болани ухлатиш учун эмас, унга Темур, Навоий, Бобур, Жалолиддин, Муқанна, Қодирий, Усмон Носирларнинг жасоратларини билдириш ва ҳақиқий эркак қилиб тарбиялаш учун айтилиши ҳақидаги фикрни ифодалайди:

Боламмансан мудрасанг, бу жуда узун эртак, Тингла агар бўлайин десанг ҳақиқий эркак.

Боқ халқинг ўтмишига эртангни ўйлаган пайт, Эртак айтсанг ўғлингга ухлатмаслик учун айт![1.Б.210]

Мураккаб фольклоризмларнинг яна бир кўриниши синтезлашган фольклоризмлар бўлиб, у «афсона, ривоят, халқ эртаги ва қиссалари сюжети ёзма адабиёт томонидан ўзлаштирилиб, ёзувчи яратган сюжетга бириктирилиб, сингиб кетишидан пайдо бўлади.» [2. Б.42] Аъзам Ўктамнинг “Мунозара” шеърига “Искандарнинг шохи бор” халқ афсонаси сюжети сингдириб юборилган. Шеърнинг илк бандида шоир афсона персонажи бўлган сартарош билан мунозарага киришади. Кейинги бандда эса мавжуд сюжет воқелигига шубҳа назари билан қарайди ва уни савол тарзида ифодалайди. Шеърнинг уч мисрадан иборат сўнгги бандида эса ҳар қандай замонда золим ҳукмдорларнинг мавжуд бўлишини қуйидагича ифодалайди:

Шохи йўқдир мен билган шоҳнинг,

Лекин ғирт хўкиз.

(Эртакдан ўқирсиз қолганин.) [1.Б.234]

Хулоса қилиб айтсак, Аъзам Ўктам давр воқелиги ва муаммолари асосида пайдо бўлган кечинмаларни ифодалашда фольклоризмлардан фойдаланган. Шоир оддий фольклоризмларга кирувчи халқ мақол, матал ва ибораларни айнан, ўзгартирилган ёки парадоксал ҳолда қўллаган ҳолда мавжуд ижтимоий муҳитга кинояли муносабатини ифодалайди. Шоир аналитик, стилизацион ва синтезлашган фольклоризмлар асосида шеърларининг ғоявий-эстетик таъсирини ошира олган.

#### **Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Т., 2019.
2. А. Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Т.: Қатортол-Камолот, 1999. – 48 б.
3. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // XX аср ўзбек фольклоршунослиги. Антология. [Матн] / Тузувчилар: О. Тўлабоев ва бошқ. – Тошкент: “O`zbekiston milliy ensiklopediyasi” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 592 б.
4. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1990. – № 4. – Б. 37-45.
5. Шарипова Л.Ф. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек шеърляти бадий таракқиётида фольклор. Филол. фанлари доктори (DSc) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019 – 73 б.

6.Шарипова Л. Бойчечак образининг поэтик вазифаси // Filoloji ve kültür araştırmaları. Филология ва маданият масалалари (Академик Азиз Қаюмов хотирасига бағишланади) илмий-услубий мақолалар тўплами. – Карабук, 2019. –1005 б.

**Камолдин ШАХОБОВ**

**Андижон давлат университети,**

**филология фанлари бўйича**

**фалсафа(PhD) доктори**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ШАХСИ ВА ИЖОДИДА ЎТИШ ДАВРИ ЭВРИЛИШЛАРИНИНГ ИНЪИКОСИ**

### **Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктам ижодидаги ўтиш давридаги лирик субъект калбидаги эврилишларнинг ифода этилиши ёритилган.

**Калит сўзлар :** эврилиш, образ, лирик кечинма, лирик қахрамон, лирик субъект, шеър, образ, лирика, услуб.

Атоқли адабиётшунос профессор Умарали Норматов 1993 йил “Шарк юлдузи” журналида чоп этилган “Умидбахш тамойиллар” номли мақоласида жамиятимиз ўз тарихида мураккаб, зиддиятли, биров таҳликали, шу билан баробар, ўта масъулиятли ҳамда умидбахш дамларни бошдан кечираётганлигини таъкидлаган ҳолда шундай ёзади: “Бир томондан, халқимизнинг асл фидойи ўғлонлари узоқ йиллар орзу қилган истиқлол амалга ошди. Ўзбекистон мустақил давлат, мамлакат сифатида жаҳонда тан олинди, салкам бир ярим аср давом этган империя, истибдод кишанлари парчаланди, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини, миллат онгини забт этиб, ўз йўриғига юритишга қатъий жазм этган ҳукмрон мафкура емирилди. Иккинчи томондан, мустабид тузум сиёсатининг, ҳоким

мафкуранинг мудҳиш асоратлари ҳар қадамда бизга панд бермоқда. Ўзимизда ҳам, теварак атрофимизда ҳам ижтимоий-сиёсий танглик, маънавий инқироз давом этапти” [1. Б.181]. Истиклолнинг дастлабки йилларида ёзилган мазкур фикрлар бир тузумдан иккинчи тузумга ўтаётган, эски тузумда шаклланган ижтимоий муносабатлардан воз кечиб, янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш жараёнидаги жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий вазиятини тўғри акс эттириб берган. У.Норматов қайд этганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ҳолат кўп жиҳатдан шўро тузумининг сўнгги йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида юзага келган инқироз билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, айти инқирознинг асоратлари ҳали-ҳануз давом этмоқда эди.

Айни шундай мураккаб паллаларда чинакам маънавий жасорат эгалари бўлган, том маънода “КАТТА ШАХС” даражасига чиқа олган қатор ўзбек зиёлилари, ижодкорлар миллатимизнинг равнақ топиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, жамиятнинг тараққий этишини чин дилдан истаб, шунга мувофиқ келадиган ҳаракатларни амалга оширган эди.

Ана шундай долғали замонда, талотўпларнинг асоратлари ҳали тинмаган эврилиш дамларида ҳақиқий инсонийлик, имон-эътиқод мустаҳкамлигини, принципиалликни, ўзи ва ўзгаларга нисбатан адолатлиликни сақлаб қолиш жуда озчиликка хос бўлган жиҳат эди.

Аъзам Ўктам ҳам ўзининг чақиндек қисқа, аммо инсон моҳиятини англаш, ўзликни англаш ва англатиш учун кифоя қилган умри давомида ҳажман у қадар катта бўлмаса-да, моҳиятан башариятга дахлдор бўлган муаммоларни таҳлил ва тафтиш қилган улкан маънавий меросни қолдирди.

Шоир ижоди ва шахсиятининг энг юксак ва айти дамда ибратли жиҳатларидан бири бу унинг ҳам шахс сифатида, ҳам ижодкор сифатида ҳақиқий маънода миллатпарварлиги десак, ҳақли фикр юритган бўламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Аъзам Ўктам шахси, ижоди тасодифий эмас, аксинча, фавқулодда ноёб ҳодиса даражасига кўтарила олган шахс ва ижод дейиш мумкин. Унга Яратганнинг ўзи алоҳида иқтидор

ва истеъдод, қувваи хофиза, илму урфон ато этган. Боиси шоирнинг умри ниҳоя топган, Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, аини йигитлик дамларида бу қадар маънавий тозариш, қалбан Ҳақни англаш, билганларини, англаганларини шеърий йўлда ифода этиш орқали англатишга интилиш ҳар қандай ижодкордан катта бадиий маҳорат, юксак савия, улкан салоҳият талаб этиши аён ҳақиқат.

Аъзам Ўктамнинг “Кузда кулган чечаклар” номли илк китобидаги шеърларидан тортиб, “Кузатиш”, “Тараддуд”, “Икки дунё саодати”, “Қирқинчи баҳор” каби тўпламларида бошқа шоирларга ўхшамайдиган ўзига хос хусусиятлари, теран тафаккур, таҳлил ва тафтиш, фалсафий мушоҳадакорлик, диний-маърифий мавзу талқинидаги билимдонлик яққол кўзга ташланади.

Ўз ҳаётий кузатишларим, тажрибаларим, шахсимдаги ўзгариш билан боғлиқ ҳолда келган хулосаларим асосида шуни айтишим мумкинки, инсонни чин маънода икки дунё саодатига дин, имон-эътиқод бутунлиги, ҳаёт ва одамларга бўлган муҳаббат, ҳаммага яхшиликни соғиниш, раво кўриш, манфаатлардан устун туриш, ўз нафсини тарбия қилиш орқали эришиш мумкин.

Шубҳа йўқки, Аъзам Ўктам ҳам энг тўғри бўлган ана шу йўлни танлаган, бу йўлда ўз ижоди билан қайсидир маънода миллатига наф етиши, унинг Ҳақ йўлига юз буришига ҳиссадор бўлишни чинакам саодат деб билган.

Қизиғи шундаки, бу жараёнлар ҳам ўз-ўзидан кечмаган. Шоир ўзбек мумтоз адабиёти, шеърияти, тасаввуф адабиёти намоёндаларининг ижод уммонларидан баҳра олган, таъсирланган, қувват олган дейиш мумкин. Навоий, Бобур, Яссавий, Машраб, Сўфи Оллоёр асарларида талқин этилган комил инсон концепцияси шоир шеъриятининг ўзак-асосини ташкил этадики, бундан у ўзбек мумтоз шеърияти, тасаввуф шеърияти анъаналарини ўзига хос тарзда, янги бир йўналишда давом эттиргани англашилади.

Шоир шеъриятини кузатар эканмиз, унинг кўпгина шеърларига, умуман ижодига хос бўлган яна бир жиҳатни кўрамиз, у ҳам бўлса, фикр ифодасидаги сиқиклик, ихчамликка интилиш жиҳати.

Айни жиҳатни “Ўйин” деб номланувчи шеърда кўриш мумкин. Шеърда қуйидаги сатрлар бор:

Дарада хайқирдим:

“Мен улуғ, улуғ!”

Қайтарилар:

“Ғулу”.

Бу ўринда шоирнинг сўзни ўйнатиш маҳоратини сезиш қийин эмас. Айни вазиятда лирик қаҳрамоннинг табиат билан уйғун ҳолда муайян фикр-хулосага келаётгани акс эттирилган. Шеърни ўқир экан, ўқувчи дарага хос бўлган акс-садо қайтариш хусусиятини назарда тутиши лозим бўлади. Болалигимизда ҳаммамиз қудуққа энгашиб, дараларда турли сўзларни айтиб, талаффуз этган сўзимизнинг акс-садосига қулоқ тутиб, завқланганмиз. Бир томондан, бу қувноқ ва қизиқ жараён. Иккинчи томондан, шоир айна вазиятдан унумли фойдаланган ҳолда, “улуғ” сўзининг дарада талаффуз такрори натижасида лирик қаҳрамон таъкидлаётган ўзининг улуғлиги тўғрисидаги фикрнинг акси “ғулу” (бу ўринда, нотўғри, ёлғон маъносида) бўлиб эшитилиши орқали умр, инсон, ўткинчилик, фонийлик, зарралик каби фалсафий ҳукм-хулосани илгари сураётганини кўрамиз. Шоирга кўра, биз ким бўлишимиздан қатъий назар, табиат, борлик, олам, ниҳоят Ҳақ олдида “кичкина” эканимизни тан олишимиз шартлиги таъкидланади. “Мен”ни устун қўйиш, кибрга берилиш, инсонга хос эмаслигини англатмоқчи бўлади.

Шунингдек, Аъзам Ўктам ижоди, шеъриятидаги бўртиб турган хусусиятлардан яна бири, юқоридаги ўринларда таъкидлаганимиздек, диний-маърифий мавзунинг талқини ҳисобланади.

Бугун орамизда содир бўлаётган одамқушлик, ўзганинг моли ва жонига қасд қилиш, тилозорлик, дилозорлик, ҳақ-ноҳақ жанжалкашлик, кибрга берилиш, дунё хою ҳаваслари, ҳашамларига берилиш инсон учун оддий

холоатга айланиб бораётгани жуда ҳам аянчли ва ташвишланарли ҳолдир. Бу ҳолатларнинг асл сабаби эса, ҲАЗРАТИ ИНСОН деган буюк мақомни ҳис қилмаслик, маърифатсизлик, жоҳиллик, илмсизлик, тарбиясизлик, маънавий кашшоқлик, иймон-этиқоднинг суствлиги, одобсизликнинг авж олаётганидандир. Шу маънода, Аъзам Ўктамнинг инсонни тарбия қилишга хизмат қилувчи “Тараддуд”, “Икки дунё саодати” тўпламларига жамланган диний-маърифий мавзудаги шеърлари бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, билъакс, янада долзарблaшган десак, тўғри бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ташкил этилаётган анжуман Аъзам Ўктам ижодий лабораториясини, унинг ижодий эволюциясини тадқиқ қилишда катта қадам бўлади, деб умид қиламиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шоирнинг ижодий мероси ўзбек адабиётшунослигидаги ҳали ечимини кутаётган кўпгина масалаларнинг тадқиқи учун манба бўлиб хизмат қила олади.

**Адабиётлар:**

1. Норматов У. Умидбахш тамойиллар // Шарқ юлдузи, 1993. – №10. – Б. 181.
2. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 56 б.
3. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. – 48 б.
4. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... Шеърлар. – Тошкент: Абу Матбуот - консалт, 2011. – 160 б.

**Zulxumor NORQO`ZIYEVA**

**O`zDSMI O`zbek tili va adabiyoti**

**kafedrasi o`qituvchisi**

**“ХАВАР” НАҚИДА ХАВАР**

**Аннотация.** Мақоллада А'зам О'ктамнинг “Хавар” қисси ҳақида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари берилган.

**Калит сўзлар:** қисса, наср, назм, образ, воқеалар байони, бадийлик.

**Аннотация**



Статья содержит авторские комментарии к рассказу Азама Октама «Хабар» («Сообщение»).

**Ключевые слова:** повесть, проза, поэзия, образ, описание событий

### Annotation

The article contains the author's comments on the story "Xabar" ("Message") by Azam Oktam.

**Key words:** story, prose, poetry, image, description of events

Har safar A'zam akaning she'rlarini mutolaa qilar ekanman, beixtiyor ko`zlarimdan yosh qalqiydi. Men juda ko`p bor shoir bilan suhbatlashish baxtiga muyassar bo`lganman. Ilk bor o`tgan asrning 90-yillarida uchrashganmiz. ToshDU (hozirgi Milliy universitet)ning filologiya fakultetida shoirning rafiqasi Hulkar opa bilan birga ishlardik. Hulkar opa uylariga mehmonga chaqirdi. Turmush o`rtog`im bilan A'zam akaning uylariga mehmonga bordik. Dastlabki suhbat chog`idayoq, A'zam akaning ajoyib inson, dilkash suhbatdosh ekaniga amin bo`lganmiz. Unchamuncha odamni yoqtivermaydigan turmush o`rtog`im ham A'zam akani yoqtirib qoldilar. Oilaviy uchrashuvlarda A'zam aka, albatta, she'rlaridan o`qib berardilar. Ularning juda ko`p she'rlarini "tandirdan uzilgan" holda ham eshitganmiz. Turmush o`rtog`im iqtisodchi bo`lsa-da, she'riyatni ham yaxshi tushunar edilar. A'zam aka ham mustaqilligimizning dastlabki yillarida asosiy masalaga aylangan iqtisodiy mavzular bo`yicha bemalol xuddi haqiqiy iqtisodchidek fikrlar olardilar. A'zam akada manmanlik, kibrnini umuman ko`rmaganman. Fikringiz bilan qiziqar, yaxshi fikrlarni albatta inobatga olar edilar. A'zam akaning yana bir go`zal jihati, juda bolajon inson edi, yosh bolaning qalbiga ham oson yo`l topa olar edilar. Farzandlarim A'zam akani uzoqroq ko`rmay qolsa, amakim qachon keladilar, qachon amakimnikiga boramiz deb xarxasha qilib qolardi...

Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari A'zam O'ktamning «Taraddud» nomli she'riy to`plamidagi ba'zi she'rlari haqida o`z fikrlarini bildirgan edilar: "Kamina xodimingizni ham ko`pdan buyon yurtimizda she'r va shoirlar, umuman she'rxonlik to`g`risida ba'zi bir fikrlar to`planib yurar edi.

Nimagadir ana shu fikrlarni yuzaga chiqarish, ko'pchilik bilan baham ko'rish anchadan beri orqaga surib kelinar edi. Ana shu to'planib qolgan fikrlarni yuzaga chiqarish rag'bati muhtaram shoirimiz A'zam O'ktamni «Taraddud» deb nomlangan kitobini o'qigandan keyin yuzaga keldi» [1]. Shayx hazratlarining shoir she'rlarini mutolaa qilishi, ularning tahlil qilib yuqori baho berishi bekorga emas, albatta. Zero, A'zam O'ktam o'z she'rlariga Islom falsafasini olib kira olgan kamdan-kam shoirlarning biridir.

Rauf Parpi shoir haqida “Uning ko'zlari o'tkir, quloqlari ziyrak, yuragining qa'rlarida iztirobli sirlari bor edi. Dunyoning alamli g'ovurlari, achchiq g'uluvlari uni tez ulg'aytirib qo'ygan edi” [2] deb yozadi. Darhaqiqat, A'zam aka juda ko'p mutolaa qilar, qayerda bo'lmasin, voqea-hodisalarni, odamlarni diqqat bilan kuzatar, o'ziga kerakli xulosalar chiqarar, lozim topganlaridan she'rlarida foydalanar, qolganlarini ko'ngil tubida saqlar edilar. A'zam O'ktam iymon-e'tiqodli inson sifatida o'z dardlarini qog'ozga tushurar ekan, o'z ijodi uchun aniq bir adabiy mezonni va chegaralarni aniq belgilab olgan edilar.

Ushbu maqolamizda A'zam O'ktamning she'riyati haqida emas, balki uning nasrdagi ijodi haqida o'z fikr-mulohazalarimizni bildirmoqchimiz.

Adabiyot oldida, so'z oldida mas'uliyat juda katta, yozgan asarning har bir jumlasini, har bir so'ziga e'tibor bilan qaraydigan, ayovsiz tanqid qiladigan tanqidchilarining nazaridan qolish, tahrir pirlariga ro'para bo'lish doim kun tartibida turgan paytda katta asar yozishga, e'lon qilishga uncha-muncha odamning haddi sig'maydi. Qissani ham nasrning ravish-yo'nalishlarini yaxshi o'zlashtirgan, poetikasini his qila olganlar yozgan, bu ham avvalo muallifning malaka chig'irig'idan o'tib, jamoatchilikning yaxshi kutib olishiga shuuri yetgani taqdirda e'lon qilinar edi. Ana shunday vaziyatda shor sifatida ko'pchilikka tanilgan A'zam O'ktam nasriy asar yozishga azm qildi. U «Bola dunyoni tebratar» (1988), «Xabar» (1995) kabi nasriy asarlar muallifidir.

“Xabar” qissasini o'qir ekansiz, dastlabki sahifasidanoq sizni o'ziga maftun etadi. O'zingizni voqea yuz berayotgan makonga tushub qolganday, qahramonlar bilan yashayotgandek his qila boshlaysiz. Biz tarixdan bilgan sobiq mustabid

tuzum davrida yuz bergan voqea-hodisalar ko`z oldimizda o`zgacha talqinda namoyon bo`ladi. Buzib ko`rsatilgan tariximizning asl ko`rinishini talqin etish uchun muallifning juda ko`p mehnat qilgani, asl tariximizni, qissada aks ettirilgan Qo`qon va uning atrofidagi hududlarni juda yaxshi o`rganganiga amin bo`lasiz.

“Xabar”da tariximizning chor Rossiyasi bosib olgan davri voqelari ifodalangan. Bu voqealar Qo`qon, uning atrofidagi hududlar Yangiqo`rg`on, Bog`dod, Xonabod kabi joylarda yuz beradi.

“Xabar”dagi voqealar bayoni aniq, ixcham va lo`nda, ta`sirchan, eng muhimi, buzilgan tarixga emas, balki hayotiy haqiqatga mos va muvofiqligi bilan e`tiborga molikdir. Muallif voqealar bayonida tabiat tasviriga, ayrim joylar tavsifiga, alohida kishilarning ta`riflariga jiddiy ahamiyat beradi. Asarda o`sha davr kishilarining haqqoniy, realistik tasviri berilgan.

A'zam O'ktamning yuksak mahoratidan darak beruvchi jihatlardan biri, u qissani hikoya qilarkan, bir syujetdan boshqasiga, bir hudud va voqeadan boshqa bir hudud va voqeaga shunchalik mohirona silliqlik bilan o`tganki, bunday ko`chishlar asarni o`qiyotgan odamga hech qanday o`ng`asizlik tug`dirmaydi.

Jamiyatdagi nomuvofiqliklar bilan qahramon “ichki meni” o`rtasidagi ziddiyatlarni yoritishda muallif diniy bilimlari, mahorati evaziga tafakkur tarzi, tasvir diapozonining kengayishi qissasida o`ziga xos usulda badiiy yechimini topgan. Voqealar rivoji orqali bir to`da munofiq odamlarning asl basharasini ochib tashlagan, jamiyat hayotidagi ikkiyuzlamachilikning avj olishi, odamlarning yolg`on bilan, g`arazli manfaatlarda bitim tuzishi, murosasozlik muallif tomonidan fosh qilinadi.

Adabiyotda tarixiy voqelikning badiiy talqinini yaratishda tajribaning o`ziga xos an`analari shakllangan. Bunday mavzuda asar yaratish muallifdan mahorat va mas`uliyat talab qiladi. Ijodkorning tarixiy voqelikni badiiy haqiqat darajasiga olib chiqishi metodning birinchi sharti bo`lsa, tarixni takrorlamasdan, mazmunni yangilab to`ldirishi, portretidagi yangi bir izni topa olishi ikkinchi sharti hisoblanadi. Shu jihatdan olib qaraganda, A'zam O'ktamning qissasida har ikki shart ham bajarilgan.

Muallif “Xabar” tilining poetikligi, obrazlilik, tasviriyligi orqali asar g'oyasini, shuningdek, qahramonlar harakterini jozibali qilib ochishga erisha olgan. Asar qahramonlari, bosh qahramonmi, ikkinchi darajalimi, har birining obrazini yaratishda muallif o'ta ma'suliyat bilan yondashadi. Asarda ortiqcha dialoglar deyarli uchramaydi. U xoh ijobiy, xoh salbiy qahramon bo'lsin, uning so'zlari orqali muallif kitobxonga nimadir yetkazishga erishadi. Masalan, salbiy qahramonlardan birining tilidan aytilgan so'zlarga e'tibor qarating: “Shariat nomidan so'zlaydiganlarning qilmishlarini ko'rib shaytonning o'ziyam shaytonlab qolsa kerak”. Agar e'tiborimizni faqat shu jummalargagina qaratsak, qanday fikrga kelishimiz mumkin?...

Bosh qahramon Akrom diyonatli, iymonli, Qur'onni juda yaxshi biladigan yigit. Islomdan chetga chiqishlar, muqaddas Qur'onni asl mohiyatini ba'zan tushunmay, ba'zan tushungan holda dindagi itoatni noto'g'ri talqin qilinishi, undan o'z manfaatlarida foydalanayotganlarga nisbatan nafrati oshib yoshlarga diniy bilim bera boshlaydi. Yana bir qahramon Tavfiq, odam o'ldirib qamalib chiqqan. Uning ham maqsadi o'sha qozi-kalonlar, mulla-imomlarga qarshi kurash, lekin farqi shundaki, Akromning bosh maqsadida xalq manfaati ustuvor bo'lsa, Tavfiq birinchi o'ringa o'z nafsini qo'yadi. Shu ikki qahramonning dialogi orqali muallif kitofxonni ancha-muncha o'yga solib qo'yadi.

Bir kuni uyimizga kelganlarida, shu ikki qahramon o'rtasidagi dialog haqida so'zlab berar ekan, nimadir yetishmayapti yana ishlashim kerak deb qoldilar. Shunda turmush o'rtog'im, “Biz kim bo'lishimizdan qat'iy nazar bir aravada ketyapmiz-ku” deb fikr bildirdi. A'zam akam bir muddat o'yga tolib, yaxshi deb qo'ydilar. Asarni o'qiganimda, bu fikrga sayqal berib, Tavfiq tilidan “Har holda bizning aravaga tushdingiz, chidaysiz endi” degan jumlanini kiritibdilar.

A'zam O'ktamning “Xabar” qissasi bir marta o'qiydigan asar emas, uni har qayta o'qiganingizda, yana nimalardir chiqib kelaveradi.

Xulosa qilib aytganda, A'zam O'ktam “Xabar” qissasida o'tgan asrning birinchi choragidagi alg'ov-dalg'ovlar, o'zgarish va tahlikalarga to'la davr voqealari, sho'rolar, boylar, bosmachilar va nihoyat, Akram kabi islom dini yo'lida

jon kuydirib, dinni bid'at-xurofotdan toza ko'rish niyatidagi yigitlarning intilishlarini yoritadi. "Xabar" qissasida Akram, Tavfiqbek, Nuriddin qozi singari turli toifa kishilarining qiyofasini, ichki va tashqi olamini bir muncha teran tasavvur etish mumkin. Asarga sarlavha qilib olingan "Xabar"ning bir sababi unda Qur'oni karimning "Naba'" – "Xabar" surasining tarjimasini keladi va Sura mohiyati va qissa mazmuni qaysidir ma'noda bog'liq. Bu qissani hech ikkilanmasdan o'zida islomiy falsafani aks ettirgan ijtimoiy-diniy-falsafiy-badiiy asar deyishimiz mumkin.

**Adabiyotlar:**

1. O'ktam, A'zam. Sahar vaqti yurak yig'lar: She'rlar. – Toshkent: Movarounnahr, 2014.
2. Rauf Parfi. Men bahorman, muzlagan otash... <https://kh-davron.uz>
3. A'zam O'ktam. Xabar. Qissa // Sharq yulduzi, 1995 yil, 1-2 son.
4. B. Karimov. A'zam shoirning o'ktam ovozi. <https://kh-davron.uz>

**Нилуфар УМАРОВА**

**Қарши давлат университети ўқитувчиси**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
МУАММОЛАР ТАЛҚИНИ**

**Аннотация**

Ушбу мақолада Аъзам Ўктам шеъриятида ижтимоий-сиёсий муаммолар, жумладан, пахта “яккаҳокимлиги” даври фожеалари, сиёсатлаштирилган ижтимоий муҳитнинг қанчадан-қанча тақдирлар фожеасига сабабчи бўлганлиги шоир шеърлари мисолида талқин этилади.

**Калит сўзлар:** яккаҳокимлик, ижтимоий- сиёсий муаммолар, ижтимоий муҳит, бадий-концептуал ўзгариш, ўзликни англаш, давр фожеалари.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, ўзбек шеърияти табиатида кескин ўзгаришлар кўзга ташлана бошлади. Бундай бадиий-концептуал ўзгаришнинг асосий белгиси, бу давр авлоди томонидан миллий ўзликни англаш, ботинан ҳис этиш, собиқ совет тузуми кутқуларига қарамасдан бадиий акс эттиришга уринишларда кўринди. Миллийлик ва миллиятга хос хусусиятларни лирик сатҳда акс эттириш учун фалсафий, ижтимоий, бадиий тафаккур асосларига қайтиш, уларга ижодий мурожаат жараёни қатъийлаша борди. А.Орипов, Э.Воҳидов шеъриятдан бошланган бу жараён О.Матжон, Р.Парфи, Ш.Раҳмонлар ижодида юқори нуқтага кўтарилди.

Ўша даврда етишиб келаётган дадил ижодкорлар қаторида Аъзам Ўктам шеъриятида ҳам бу жараённинг сезиларли даражада кузатилиши шоир шеъриятининг миллий руҳ билан суғорилганлигидан далолатдир. Аъмоли ва амали бир бўлган шоир “Аъзам Ўктам шеърларида мантиқ кучли, шиддат ва ўктамлик, лирик қаҳрамон руҳиятида улкан бир дард ва алам бор”(1). Аъзам Ўктам ўзини миллат тақдири олдида жавобгар қалам аҳлларида бири деб билди.

Ижтимоий-сиёсий муаммолар шоир лирикасининг этик омилларидан бири сифатида яққол кўзга ташланади. Шоир ижодида бундай шеърлар талайгина. Буни унинг биргина пахта “яккаҳоқимлиги” даври фожеалари ва оғриқлари акс эттирилган шеърлари мисолида олиб қарайдиган бўлсак, уларда сиёсатлаштирилган ижтимоий муҳитнинг қанчадан-қанча тақдирлар фожеасига сабабчи бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Шоир бу мавзуга атрофлича тўхталиб, қатор шеърларида ўша давр фожеасини ишонарли чизгиларда очиқ беришга ҳаракат қилган.

“Азага-ку сўз йўқ, тўй қилса...” (“Кузда кулган чечаклар”. 15-бет. Т.Ғ.Ғулом 1990 йил) мисралари билан бошланувчи шеърда пахтани кўрганда рўзғор ташвишларини унутиб қўядиган, йиғим-терим пайтида тўй кўриб ўйин-кулгу қилишдан ҳижолат тортадиган, ўз бахтини ғўзаларнинг қийғос очилишида кўрадиган соддадил деҳқонлар образини учратамиз:

*Азага-ку сўз йўқ,*

*тўй қилса –*

*Пахта гамин ейди ўзбеклар.*

*“Мени термай ўйнашяпти деб*

*огринмасин”, дейди ўзбеклар.*

Бутун қишлоқ аҳлининг пахтага хайрихоҳлигини **...Хуш кўрмайди қишлоқлар унча, Пахта термайдиган келини...** мисраларида ойдинлаштирган шоир **“Хуш кўрмайди қишлоқлар унча”** метономик маъно кўчиши орқали қишлоқ одамларининг яқдиллигини кўрсатади. Ўзбек халқининг ёппасига пахтакорга айлантирилиши, қишнинг қаҳратонли кунларига қадар ғўзаларнинг қорини қоқиб пахта терилиши, бу жараёнда, айниқса, аёлларнинг, навнихол хотин-қизларнинг меҳнатидан тоғ-тоғ хирмон уюлди. Айнан шу даврда Турсуной Охунова каби “давр қаҳрамонлари” яратилди.

“Қишлоққа хат” (“Кузда кулган чечаклар” 43-бет. Т. Ғ.Ғулом 1990 йил) шеърига диққатни қаратайлик:

*“Сариқ билан огриди Ойбек,*

*Сўнгра юқиб қолди Бобурга”.*

*“Абдулланинг мазаси йўқдек,*

*Нодирадан ўтди Носирга...”*

Юқорида келтирилган мисралар аввалида кўлланган “сариқ” сўзи инсон ҳаётига хавф солувчи захарли дориларни пахта тераётган теримчилар устидан ёмғирдек ёғдирган “қотил” йилларни ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиради. Шоир шеърда буюк шахслар номи(талмеҳ санъати)га мурожаат қилиш баробарида эгатларда захарланаётган миллатнинг дарди Ойбек, Бобур, Қодирийлар, Усмон Носирлару Нодираи давронлар дардидан кам эмаслигига ишора қиларкан, ўз халқи келажагини ўйлаб, фикр эркинлиги фалажланган шундай бир даврда туриб ҳам **“Далаларга йўлатманг зинҳор – Болани ҳам, дориларни ҳам”** дея ҳеч бўлмаганда, исмлари ҳаққи уларни



касалликдан асранглар дея дангал айта олиши унинг миллат тақдирига куйинчаклигидан далолатдир. Шеърнинг бирор бир мисрасида пахта сўзи ишлатилмаган, бироқ хушёр ўқувчи шеърда шоирнинг ёзғириши оқ пахтанинг “қора” қилмишидан эканлигини осонгина англайди.

Шоирнинг “Муҳаббат” деб номланувчи шеъри бир ўқиганда киши калбига завқ бериб, ширин энтиктиради. Пахтазор тасвири гўзал ифода этилган бу шеърнинг тағмаъносига эътибор қаратган синчи ўқувчи шеър мазмунидан чол-кампирининг умри пахта деб ўтганлигини осонгина англайди. Жумладан, чолнинг: **“Пахталарни суюб қучганинг маҳал, Пахта бўлмаганим қилди кўп алам”** дея ёшлиги далаларга соврилган кўнгилининг кексаликни хуш қаршилашини шундай тасвирлайди:

*Яхшиям қаридик,*

*Иш кўпчилигидан*

*Аввал айтолмаган сўзларим эшит:*

*Мен сени ҳаммадан яхши кўраман,*

*Сен э-энди қиз бўлдинг,*

*Мен э-энди йигит!*

35 банддан иборат “Якшанба” (“Тараддуд” 35-41-бетлар. Т. Чўлпон 1993 йил) деб аталувчи воқеабанд шеърнинг номланиши биз фикр юритаётган мавзудан анча узоқ. Якшанбани дам олиш куни сифатида қабул қилмоқчи бўлсак, таассуфки, шеърда киши руҳига ҳордиқ улашгувчи бирор жиҳатни учратмаймиз. Шеър 1987 йилда ёзилган. Унда даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари тўлиғича, изчиллик билан тасвир этилади. Давр асоратларидан қийналаётган миллатнинг дарду оғриқлари мисралар қатига сингдирилган ушбу шеърнинг дастлабки бандида очарчилик, емиши кам, бемори бисёр, жувонлари пардоз нелигини билмаган, алп йигитларнинг боши эгик – халқ қиёфаси чизилган картиналар ичидан эскирган боғчаларда “биз-бахтиёр!” дея кўшиқ куйлаётган ювошгина болаларнинг чиқиб келиши ўқувчи руҳиятига келажакка ишонч ва умид эмас, аксинча, умидсизлик ва



тушкунлик руҳини юктиради. Шеърда куруқ шиорларга ўрганган жамиятнинг жирканч қиёфаси банддан-бандга ўтгани сари очила боради.

*Болаларнинг камроқ тузилгани* соз мисраси, яъни муаллиф “нияти” нафақат шароитсизлик, юпунлик важдан, *балки пахтазорнинг “жой бермас”, “қизганчиқ”* эканлигидандир. Қанчадан-қанча ерларнинг, боғлар ва ҳаттоки қабристонларнинг ҳам қисқариб пахтазорга айлантирилганлиги ҳамда бу билан миллатнинг ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлаётганлиги, пахта яккаҳоқимлигининг ўша даврнинг аччиқ сиёсати сифатида халқимиз бошига не-не мусибатларни солганлигидандир. Бу аянчли тасвирларни ўз кўзи билан кўрган ва “Уста деҳқонларнинг кўпи қамокда” дея изоҳлаган шоир шеърнинг 8-бандида ёзнинг жазирамасию кишининг қаҳратонида ҳам тинимсиз меҳнат қилиб миллионлаб тонна пахта етиштирган донгдор пахтакорларнинг алал-оқибат “ўзбеклар иши” каби балолар ўқиға нишон бўлганини – бир умр қора меҳнат қилиб, бунинг эвазига пешонасига “пахта иши” тамғаси босилган пахтакор деҳқонларнинг умумлашма образини ҳалол, меҳнатқаш, қишлоқдошларига елкадош бўла олган танти деҳқон Эркин ака мисолида олиб киради. Қама-қамалар авжига чиққан дамларда Эркин ака каби кўплаб айбсиз айбдорларнинг оиласи озор чекди, оталарнинг боши эгилиб, фарзандларнинг бўйни қисилди.

*Кўзларда газабми, уятми, ҳадик,*

*Жим юрар отаси бадном болалар...*

Шеърнинг Якшанба деб номланиши лирик қаҳрамоннинг қамокда фақат якшанба куни тушдан сўнггина меҳнатдан озод бўлиши билан боғлиқ. Йил – ўн икки ой ишлаб ўрганган одамга шуям эриш туюлади:

*“Зерикдим,*

*Умримда якшанба куни*

*Ишламаган одам эмасман ахир”.*

Лирик қаҳрамонни фақат ноҳақ қамалгани эмас, балки фарзандларининг тақдири ҳам қийнайди. Ўғли синфбошилиққа сайланганида бир қизчанинг:

*“Наҳот бу мумкин –  
Ахир қамоқда-ку унинг отаси?!”* деганини эшитиб исмсиз дардлардан  
эзилган ота даврнинг жирканчилигини англаб етади ва

*Энди меҳнатсевар бўлгин демасман,*

*Ўзингни аяма демасман энди.*

*Алдасам,*

*Адашсам одам эмасман, –*

*Ишчанликдан бошига шу кунлар келди*

*деб ўз-ўзига ваъда беради.*

Заҳматли меҳнатининг аччиқ мукофоти унинг қалбини жунбушга  
солади:

*Хирмон кўп чўнг бўлди,*

*Оёқ-қўл толди.*

*Балки айтишар деб кутибман раҳмат.*

*Мени излаб келди*

*Адашмай топди–*

*Қамоққа олишига берилган рухсат.*

Шеърнинг 23-29 бандларида лирик қаҳрамоннинг шаҳар ва қишлоқни  
бир-бирига қаршилантириш асосида улар ўртасидаги тафовутларни  
келтириши, қишлоқ одамларининг содда ва гўллигидан хавотирланиб,  
шаҳарда миллий кадриятларнинг йўқолиб бораётгани ҳақида қайғуриши,  
гарчи ўқимаган, оддий инсон бўлса-да, қамоқда туриб ҳам ўз миллати  
тақдирини ўйлаши унинг виждони уйғоқ эканлигидан далолатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. “Кузда кулган чечаклар” Т. Ғ.Ғулом 1990 йил
2. Аъзам Ўктам. “Тараддуд” Т. Чўлпон 1993 йил
3. Б.Каримов. Аъзам шоирнинг ўктам овози. // Шарқ юлдузи, 2010-йил, 5-сон.

**Икромжон АСЛИЙ-АНДИЖОНИЙ,  
шоир ва адиб, мустақил тадқиқотчи**

## **ОЛТИН ВОДИЙ ТАРАТГАН НАСИМ**

Устозимиз Аъзам Ўктам ҳақиқий ватанпарвар, туғма истеъдод, фавқуллода ноёб салоҳият эгаси эди. Шогирдпарвар эди, ёшларни қўллаб-қувватларди. Менинг биринчи китобимни дунё юзини кўриши ҳам Аъзам аканинг меҳри, азиз номи билан боғлиқ. Мен каби ўнлаб ёшларнинг ижод оламига киришимизга, кўнглимизда адабиётнинг, ҳақиқий истеъдоднинг даври келишига, қийинчиликлар ўткинчи эканлигига ишонч уйғотган Аъзам ака эди.

**Иқбол МИРЗО,**

Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Ўзбек адабиёти, хусусан шеърятининг ўтган XX асрдаги манзарасига назар ташласак, хилма-хил ижодкорлар авлодининг турфа битиклари албатта, қалбимизни, руҳиятимизни бойитади. Миртемирга хос донолик, Ойбекка хос лирика, Ғафур Ғулом ва Шайхзода теранлигини Рамз Бобожон, Шукрулло каби қатор ижодкорлар давом эттирдилар. Натижада, бир чаманнинг турфа қушлари навоси каби ранг-баранг шеърят мажмуи, бошқача айтганда, дилбар ғазнаси майдонга келди. Кейинроқ майдонга чиққан Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон кабиларнинг ижод йўллари бирмунча ўзгачароқ, уларнинг қалбларида ўзлари мансуб жамиятни тозартиш, юртни озод ва обод кўриш, она тилини “тиллер бандидан қутқариш”га чорлаш каби умумбашарий эзгу нидолар баралла янгради. Айнан шу авлодга мансуб атоқли шоир ва ношир Аъзам Ўктам ҳам ушбу аср шеърятини ўзининг мазмун жиҳатидан теран, самимий сатрлари билан муносиб даражада бойитди, десак, муболаға бўлмайди.

Шоирнинг таржимаи холига назар ташлайдиган бўлсак, у 1960 йилнинг 4 октябрида Бувайда туманининг Хонобод қишлоғида таваллуд топди. 1980-85 йилларда Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида таҳсил олди. Мана шу жараён уни пойтахт адабий муҳитига яқинлаштирди, қайноқ жараёнларда тоблади, ижод ва сўз масъулиятини ҳис этишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Етук устозлар ўтган жонли дарслар бўлғувси шоирнинг қалб дафтарига мустаҳкам зарҳал нақш каби муҳрланиб қолганлигини илғаш қийин эмас. Ўқишни тамомлаган шоир собиқ “Туркистон” газетасида иш бошлади. Бу борада у киши ёшларга қўлидан келганича кўмаклашди, қатор навнихол шоирларнинг илк машқларини катта нашрлар саҳифаларидан ўрин олишида, ҳатто, илк китоби нашрида жонбозлик кўрсатиб, софдил устозлик мақомига эришди. Севимли шоиримиз, сенатор Иқбол Мирзонинг юқоридаги фикри ушбу далилни асослайди.

Чўлпон, “Шарқ” ва “Маънавият” нашриётларида кечган бош муҳаррирлик фаолияти мобайнида Аъзам Ўктам мағзи тўқ, сара бадий адабиётларнинг халқимиз қўлига етиб боришида фидойилик намунасини кўрсатди. Катта жасорат билан муқаддас “Қуръони Карим”нинг биринчи муҳаррири бўлди, эътибор ва эътироф қозонди. Айтиш керакки, бу юксак вазифани у шунчаки бир шахс ва қалб фидолиги билан, ҳеч бир таъмасиз амалга оширган. Шоир билан бир маротаба суҳбатда бўлган инсонларнинг у ҳақдаги қизгин фикрлари, таассуротлари олижаноб инсон қиёфасини кўз олдимизда гавдалантириб, бизнинг қалбимизга янада яқинлашиувига замин яратади. Ушбу дилқинликни тобора мустаҳкамлайдиган энг асосий омил шоирнинг шеърларидир. Аъзам аканинг аллақачон минглаб шеърсеварларнинг маънавий мулкига айланиб кетган “Кузда кулган чечаклар”, “Кузатиш”, “Зиёрат”, “Тараддуд” каби қатор китобларидан жой олган шеърларида юқорида айтилгани каби, ватанига содиқ ўғлон, оиласининг тиргаги бўлган ота, борингки, ҳар бир жихатидан бир ибрат уфуриб турган ИНСОН суврати сўз воситасида чизилади. Қўқоннинг тезгир

шамоли, содда қишлоқ одамлари, уларнинг кундалик турмушдаги уринишлари, осмонбағир далалар бўйида ўсган чечаклар, азамат тераклар шовури, ариқчаларнинг жилдираши – ҳамма-ҳаммаси Аъзам Ўктам отлиғ шоир шеърятининг нафис жаранглирида акс этиб туради, садо беради. Ортиқча ялтироқликдан қочиш, сўзга ва ўзга бўлган масъулият ушбу сатрларнинг ўқувчи қалбига етиб боришида тўсиққа йўлиқмаслигини таъминлайди.

*Кўқонда аския қилаётгандек  
Туюлади ҳатто чойхоналар ҳам.  
Энгашиб гап ташлар пиёлаларга,  
Гўёки қиқирлаб чойнаклар бу дам.*

Ёки:

*Баҳор келса энтикар дала,  
Кўтарилар бағридан ҳовур.  
Уруғ – унга асранди бола,  
Бирга бўлар то кузга довур.*

Бу каби шеърларни ўқир экансиз, қайси фаслда, қайси кайфиятда бўлишингиздан қатъи назар, ўша нурунийларни бағрига олган, Маъмуржон акалар, Таваккал ҳофизлар қўшиғи қарнайдан таралиб турган кўпни кўрган тарбия ўчоғи бўлмиш манзилларга, уфққа ўмров тутган далаларга боргингиз, бу ҳаёт ва кундалик турмуш ташвишларини бир зумга бўлса-да, унутгингиз келади. Аъзам Ўктам ижодида баланд мақомдаги фуқаролик позицияси, ватан ва жамият олдидаги масъулият, Яратган олдидаги бандалик бурчи, авлодлар қошидаги қарздорлик тўла ва теран ўз ифодасини топган.

Дейдиларки, ширларнинг икки умри бўлади. Бири чин ҳаёти бўлса, иккинчиси йиллар оша мухлисларга етиб тургувчи китоблари, асарлари, дилбитикларидир. Аъзам Ўктамнинг ҳам иккинчи умри мана, йиллар оша давом этиб бораяпти. Унинг нафақат ўзбек, балки, рус, белорус, турк тилларига таржима қилинган шеърлари олтин водий таратган насим бўлиб олис-олисларга ҳам етиб, садо бериб турибди. Ўз навбатида, шоир ҳам ҳинд

ва рус адабиётининг қатор вакиллари асарларини маҳорат билан она тилимизга ўгирди. Шоиримизнинг иккинчи умри бардавомлигига унинг вафодор рафикаси, ўзбек адабиёти, хусусан, Андижон ва умумводий адабий-маданий ҳаётининг толмас тарғиботчиси, филология фанлари номзоди, доцент Хулкар Ҳамроева, қўш умид юлдузи бўлмиш ўғли Темур Аъзам дўстимиз ва Тўмарис Аъзам Бутунбоевалар катта ҳисса қўшмоқдалар. Айнан шу инсонларнинг саъй-ҳаракатлари билан Тошкентдаги “Мухаррир” нашриётида шоирнинг “Тўмарис билан суҳбат” шеърини китоби ўзбек ва лотин алифболарида нашр қилинди. Китоб Озод Шарафиддинов, Рауф Парфи, Анвар Обиджон каби олим ва шоир замондошларининг шоир ҳақидаги эзгу хотиралари билан очилади. Китобдан ўрин олган шеърлар унинг тузувчилари томонидан обдон сараланган – мавзу ва тасвир кўлам турли-туман ва жуда бой. Шоирнинг муқаддам нашр қилинган “Сахар вақти юрак йиғлар” номли сараланмасидаги каби, ушбу нашрда ҳам унинг маърифий руҳдаги битикларига гувоҳ бўламиз. Бу битикларда тобора ўзлигини англаётган инсон, унинг ҳоли ҳатдаги айрим хатоларидан озурдалиги, мумкин қадар комил инсон бўлиб қолишга тиришиш борасидаги интилишлари руҳиятимизга яқинлиги билан эътироф ва эътиборга моликдир. Китоб мутолаа асносида бизга Аъзам Ўктам руҳий оламини инкишоф этиб беради. Бу китобни нашриёт муҳаррири менга тақдим қиларкан (кейинроқ шоирнинг рафикаси ҳам иккинчи маротаба тухфа қилдилар-муаллиф), ҳали уйга етмаёқ варақлашга тутиндим, одатда, яхши китоблар, дилсевар китобларнинг қисмати шундай кечади ва улар менинг шахсий кутубхонамдан ва қалбимдан муносиб ўрин эгалладилар.

Юқорида айтдим – Тўмарис – шоирнинг қизи. У бугунги кунда илмий тадқиқот олиб бориш билан бирга, дадасининг ушалмай қолган армонларини рўёбга чиқармоқда. Яқинда у шоирнинг илгари ҳеч ерда эълон қилинмаган достонини матбуотда нашр эттирди. Ўзи ҳам қатор таржималар билан шуғулланди. Китоб номига асос бўлган шеърни ўқиш жараёнида отанинг қизига руҳан нақадар суянганини илғаш мумкин. Шоир ёзади:

*Баҳор ҳавосига ўхшар ҳаётим,  
Гул деб тикон босдим,  
Кул деганим чўғ.  
Кимлардек бўлишга етмас саботим,  
Кимлардек бўлишга ҳеч тоқатим йўқ.*

Бу – битта ҳаёт манзараси. Бу – бир ҳаётнинг маълум қисмида чиққан хулоса. Бунақа хулосани инсон фақат ё яқин дўстига, ё фарзандига, ё аёлига, муҳими – “гап уққан” кишисига илинади. Бир саҳифани ҳам энламайдиган бу шеър:

*Отамга қилганим қилмасин ўғлим,  
Онамга қилганим қайтарма, қизим,*

-деб тугалланади. Нега? Чунки, лирик қаҳрамон ўз ота-онасига қилган хизматларини кам ҳисоблайди, кўнгли тўлмайди. Болалик қилиб, ё бошқа ваздан уларни гоҳида ранжитиб ҳам қўйганини шу йўсин иқрорлайди. Бу хатоларни сиз такрорламанг, дейди. Моҳиятан олиб қаралганида, бу – ҳамма оталарнинг ўз ўғиларига, қизларига айтиши керак бўлган тарбия ўғитидек таассурот қолдиради. Ҳолбуки, ота ўз дилбандларига яхши тарбиядан ҳам аълороқ мерос қолдиrolмайди, деб таъкидланади китобларда, муқаддас ривоятларда.

“Тўмарис билан суҳбат” китобига шунингдек, муаллифнинг ҳали эълон қилинмаган бир неча шеърлари ҳам илова қилинган.

Кейинги йилларда шоирнинг бир қатор туркумлари адабий нашрларда, веб-сайтларда эълон қилинди. “XX аср ўзбек шеърляти антологияси” номли муҳташам китобга киритилди. Муҳаббат Атонинг “Сўнмас юлдузлар” мажмуасида шоир учун каттагина ўрин ажратилганини қониқиш билан эътироф этиш мумкин.

Аъзам Ўктам жанобларининг бу йилги 60 йиллик санаси муносабати билан республикаимиз матбуотида профессор Қурдош Қаҳрамонов, Сиддик Мўмин, Ҳаким Сатторийларнинг туркум мақолалари эълон қилинди. Кўплаб хорижлик олимларнинг тадқиқот-маърузалари юзага келди. Ушбу салмоқли

чиқишлар қошида каминанинг ушбу битган дилрозлари ундан урвоқ, дарёдан томчи, холос. Мен, ўз навбатида, ушбу ишларнинг бошида турган Хулкар опамга чексиз раҳматлар айтаман, зеро, шу инсон бор экан, шоир ва унинг яна аллақанча замондошлари “чироғи ёниқ”, пориллаб шуъла сочиб турибди. Андижон давлат университети – менинг қалбим суйган, талпинган-топинган даргоҳдаги катта халқаро илмий анжуман ҳам бевосита Хулкар опа ва у кишининг ҳассос курсдоши, менинг устозларимдан бири Баҳодиржон Раҳмоновнинг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

“Тўмарис билан суҳбат” мана, қўлимизда. Ушбу ҳодиса янги-янги тадқиқотларга сабаб бўлади. Тадқиқотлар эса, бу йил таваллудига 60 йил тўлаётган самимий шоиримизни янада теранроқ англашимизда, юракларимиз тўрига мустаҳкамроқ жо этишимизда, асл шеърият чечаклари ифорида руҳиятимиз тўйинишига асос бўлади. Аъзам ака орзулаганидек, бу оламда шеърсиз, куйсиз, гўзал орзу-армонларсиз қолмаслигимизни таъминлайди.

Моҳият ва муддао айнан мана шунда!

Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи айтганларидек, шеърият боғида Аъзам Ўктам дарахтини илғаб қоламиз, ва бу дарахт муҳташам боққа ўзига хос олтин водий ифорларини ва насимларини таратиб, тобора гуллаб-гуркирамоқда. Бу дарахтнинг умри боқий, шовурлари мунтазамликдадир

**Ramanova Shaxlo Shukurillayevna,  
mustaqil tadqiqotchi**

## **A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA SHARIAT ANKOMLARI TALQINI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada hassos shoir A'zam O'ktam ijodining o'ziga xos xususiyati bo'lgan, shariat mohiyatini shoirona mahorat bilan she'rlariga singdirib yuborilishi yoritilgan. Rahmoniy tal'at sohibi bo'lgan shoir A'zam



O'ktam o'zining qisqa, lekin salmoqli umri davomida qalb qo'ri ila yozgan ijod mahsullarining har bir satri ezgulik uchun xizmat qilib kelmoqda.

**Kalit so'zlar:** A'zam O'ktam, she'r, shoir, she'riyat, shariat, mohiyat, oyat, rivoyat, solih, xolis, ezgulik.

So'nggi yuz yillik tarixiy poetikasiga nazar solar ekanmiz, o'zbek poetikasi rivojiga ulkan hissa qo'shgan shoirlarning safini to'ldirib turgan yirik nuktadonlaridan biri A'zam O'ktamdir. A'zam O'ktam ijodi bilan tanishar ekanmiz, uning ijodi o'zbek she'riyatida o'ktamona badiiyati bilan salobat kasb etib turganiga guvoh bo'lamiz. Shoir she'r ilmi ta'limini ustamonlik bilan o'zlashtirganki, o'zining betakror uslubini topib, she'rning mohiyati sathiga behad bilimlar aro ikki qutbning birini egallab turgan diniy ilmlarni, shariat ahkomlarini shoirona mahorat va lutf ila misralarga singdirib yuboradi.

Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari aytganidek: "... A'zam O'ktam she'rlarini o'qir ekanmiz, islom ibodatlariga – namoz, ro'za kabi Alloh mo'min-musulmonlarga buyurgan farz amallarga alohida e'tibor balqib ko'rinadi. Har bir musulmon ularni bajarishga doim tayyor turishi, ibodatlardan rohatlanishi kerakligi – chiroyli ishoralar, ajoyib satrlar bilan ifodalanadi. Bunday intilish, albatta, juda yaxshi bir harakatdir. She'riyat uslubi bilan insonlarni ezgulikka da'vat qilish, o'zining bandalik burchini anglashga chaqirish samarali hisoblanadi. Bu narsa shoir ijodini kuchli qilib turadi." [A'zam O'ktamning "Sahar vaqti yurak yig'lar" kitobiga yozgan so'ngso'zidan.]

Darhaqiqat, inson kamoloti uchun dunyoviy bilimlar kabi diniy bilimlar ham muhim hisoblanadi. Shu bois hassos shoir A'zam O'ktam ijodining o'ziga xos yo'nalishining ta'sir mavqeyi barcha davrlar uchun yuqori va muhim hisoblanadi.

Shariat so'zining lug'aviy ma'nosi "O'zbek tilining izohli lug'ati" kitobida kuyidagicha berilgan: "Shariat – to'g'ri yo'l; islom hukmlari, qonun-qoidalari. Islom huquq tizimida: musulmonlarning Qur'on asosida ishlab chiqilgan diniy, jinoiy va fuqarolik qonun-qoidalari majmui. ... U Buxoroda madrasada o'qib yurganida, shariat va tariqat ilmini yaxshi o'rgangan, Qur'onni yod bilar edi. P. Qodirov, Yulduzli tunlar." [ 4-jild, 547-bet. ]

A'zam O'ktam ijodini izchil o'rganish davomida har bir mushtariy tafakkuri muhim manbalardan oziqlanib boradi. Chunki, dunyodagi jamiki kitoblarning eng sarasi, onasi hisoblangan, vahiy orqali Payg'ambarimiz Muhammad Mustafosallohu alayhi vassalamga g'oyibdan nozil bo'lgan Qur'oni karim oyatlarining va payg'ambarimiz sohabalari orqali bizgacha etib kelgan ayrim rivoyatlarning mazmunini sodda va ravon tilda jozibali she'riy yosinda bayon qilishi, she'r mohiyatidan anglashiladigan fikr va xulosa his-tuyg'ular orqali she'rxonning ma'naviy o'zanlarini to'ldirib boradi. **“Jannatni kez shu dunyodayoq”** nomli she'rida, Janob Rasullulloh sallohu alayhi vassalam bizga yetti narsani buyurib, yetti narsani man qilganlarini shoir A'zam O'ktam quyidagisha she'riy bayon qiladi:

*Kezgandayin bo'lursiz jannat –*

*Bemorlarni aylang ziyorat.*

*Haq qoshiga yo'l oldi bu kez –*

*Janozada qatnashing so'zsiz.*

*Aksirgan der: “Alhamdililloh”,*

*Javob ayting: “Yarhamukalloh”.*

*Qo'ymang uyga johilni tamom,*

*Alik oling bersalar salom.*

*Xalifadir zaminda odam,*

*Mazlumlarga beringiz yordam.*

*Sira do'stlik rishtasin uzhang,*

*Ichmang qasam, ichsangiz buzmang.*

Izoh: Baro ibn Ozib raziyallohu anhu: “Ul zot bizga bemorni ziyorat qilishni, janozaga qatnashishni, aksa urganda javob qaytarishni, salomga alik olishni, mazlumlarga yordam berishni; chaqirilgan joyga borishni va qasamni buzmaslikni buyuradilar”, deya rivoyat qilganlar. She'riy talqinda shu hususdagi boshqa hadislardan ham foydalanildi, deb shu yo'sindagi har bir she'riga izoh keltirib o'tadilar. 1998-yil nashrdan chiqqan **“Ikki dunyo saodati”** kitobi

Rasullulloh sallollohu alayhi vassalam aytgan qirq to'rtta hadisning she'riy talqin va izohlaridan tarkib topgan.

Shoir A'zam O'ktamning badiiy mahorati mana shu o'ziga xos yo'nalish va yondoshuv orqali, dunyodagi eng voqea din hisoblangan Islom dini mohiyatini, shariat ahkomlarini ochib berish orqali mushtariylar ongiga solih va xolis fikrlar urug'larini nafosatli va mantiqli satrlar ila ekadi. Alalxusus, **“Ne'mat”** she'ridan:

*Ramazon mashaqqat, sinovlar oyi,  
O'ttiz qorong'u kun, o'ttiz yorug' tun.  
Tonglar nasib etdi toza havo-yu,  
Bulbulning ovozin saharlik uchun.  
Achchiq so'z chiqmaydur – yopiqdir og'zim,  
Birovga qadalib tikilmoq tamom.  
Ko'ngil to'q, ruh yengil.  
Xushbaxtman o'zim –  
Gul isin iftorlik uchun berdi shom.*

Bu she'rni o'qib chiqar ekarsiz, Ramazon oyining o'zgacha bir tarovatini his qilib yurgan shirin damlarni sog'inasiz. Ramazon ham Allohning laziz va aziz ne'matlaridan biri ekanligini o'ylab bag'ri dilingiz ochiladi. Sahar chog' muattar havo dimog'ingiz to'ldirib, o'zingizni engil va baxtiyor sezib yurgan pallalaringiz ko'z oldingizda gavdalanadi. Mana shunday satrlari samarasida sog'lom dunyoqarashni shakllantiradi va mazmunli hayot kechirishni targ'ib qiladi. Islom dini da'vatlarini, shariat afzalliklarini, taqvo mohiyatini she'riy misralarga jo qilib, insonlarning qalb qasriga olib kirish uchun ijodkorga Alloh tomonidan Rahmoniy iste'dod hadya etilishi, shoir A'zam O'ktam sajiyasida namoyon bo'ladi. Mana shu iste'dodi orqali xassos shoir A'zam O'ktam she'riyat va shariat shinavandalarini, ayniqsa, yoshlarni diniy va dunyoviy bilimlarning hikmatli durdonalaridan bahramand qilishi muqarrar. Ha, shoir A'zam O'ktam qalamiga mansub betakror satrlar she'riyat va shariatning bebaho xazinasidandir. **“Ibodot”** she'rini olib qaraylik:

*Tog'lar some' bo'lib o'ltirishar jim,*

*Takbir aytgan chog'i guldirab samo.  
U yanglig' munojat qila olur kim,  
Yomg'ir bu pichirlab qilingan duo.  
Yel yig'lar yer tirnab, tuproq seskanar,  
Maysalar qaltirab qilurlar sajda.  
Duolar ijobat bo'lgan sanalar,  
Kun nurlari butun keltirar mujda.*

Bunday ma'naviy sarchashmadan bahramand bo'lish hayrati sizni bir zumga tinib, mulohaza qilishga chorlaydi. O'zingni tog'u toshlarga, yomg'uru shamollarga, yaprog'u maysaga solishtiringiz keladi. O'zi berib qo'ygan lisoni orqali O'ziga hamd, tas'be, takbir aytmayotganingiz yoki kam aytayotganingiz yuraginggizni uyg'otadi.

Shoirning bu fazilati to'g'risida Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf hazratlari quyidagi fikrni aytganlar: "... A'zam O'ktam she'rlarida Islomiy falsafa xuddi shu mavzuga kelganda yana barq uradi. Atrofimizni o'rab turgan barcha mahluqotlar, narsalar buyuk yaratuvchi Xoliq – Alloh taoloning mahluqotlari va o'sha Zotning Biru Borligiga, Xoliq Mudarribligiga dalillar ekanini olg'a suradi. Shoir o'sha narsalarning hammasi ham Allohga ibodat qilishini ajoyib bir uslublar bilan tasvirlaydi. Albatta, bu Islomiy falsafa. Qur'on oyatlarining ma'nosi. Payg'ambarimiz alayhissotu vassalom hadislarining ma'nosi. Buni o'zbek shoirlaridan biri bo'lmish A'zam O'ktam baytga solgan..." deb faxr bilan tilga oladilar A'zam O'ktamning "Sahar vaqti yurak yig'lar" kitobiga yozgan so'ngso'zida.

O'ziga xos ravon, sodda va yuksak san'at sohibi bo'lgan is'tedodli shoir A'zam O'ktam qalamiga mansub pur hikmat asarlar har bir komillik istagan va izlagan kishi uchun ma'naviy mulkdir. Yuksak mahorati orqali shoir A'zam O'ktamning satrlarida mujassam bo'lgan hikmatlar xazinasi badiiy tafakkurimizni, ma'naviy olamimizni boyitishiga shubha yo'q. Qolaversa, bu muborak satrlarda har bir musulmon uchun farz bo'lgan amallar qalamga olingan.

Qadimiy “Avesto” kitobida asrlar osha bizgacha yetib kelayotgan “Ezgu fikr, ezgu so’z va ezgu amal” tamoyili millatimizning eng haqgo’y shoirlaridan biri A’zam O’ktam hayoti, faoliyati va ijodiyotini ham qamrab olgan.

Xudoyilarda keksalarning duoi fotihalariga quloq solsam, “o’lganlarini bilmay yurishsin” degan iborani ishlatishadi. Qur’oni karimning “Niso” surasi 57-oyatida “...Iymon keltirgan va yaxshi amallar qilgan zotlarni esa ular abadiy yashaydigan, ostidan daryolar oqib turadigan jannatlarga doxil qilajakmiz...” deyilgan. Millatimizning kamtarin va hassos shoiri A’zam O’ktamni qudrat va hikmat egasi bo’lgan Ulug’ Zot o’z rahmatiga olib, jannatlarga doxil qilganidan o’lganlarini bilmay yurgan bo’lsinlar, ilohim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:**

1. Qur’oni karimning o’zbekcha izohli tarjimasini; tarjima va izohlar muallifi Alouddin Mansur. “Sharq” nashriyot-matbaa konserni. 1992-yil.
2. O’zbek tilining izohli lug’ati. 4-jild. Tartibit-Shukur. – T.: “O’zbekiston” nashriyoti, davlat unitar korxonasi. 2020-yil.
3. A’zam O’ktam. Kuzda kulgan chechaklar. She’rlar. T.: G’afur G’ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti. 1990-yil.
4. A’zam O’ktam. Kuzatish. “Yosh gvardiya” nashriyoti. T.: 1990-yil.
5. A’zam O’ktam. Ziyorat. “Yangiqo’rg’on” nashriyoti. Farg’ona. 1992-yil.
6. A’zam O’ktam. Taradud. Cho’lpon nashriyoti. T.: 1993-yil.
7. A’zam O’ktam. Ikki dunyo saodati. Cho’lpon nashriyoti. T.: 1998-yil.
8. A’zam O’ktam. Qirqinchi bahor. “Qatortol-Kamolot” nashriyoti. T.: 1999-yil.
9. A’zam O’ktam. Osmon yaqin. “Abu matbuot konstalting” nashriyoti. T.: 2011-yil.
10. A’zam O’ktam. Sahar vaqti yurak yig’lar. “Movarounnahr” nashriyoti. T.: 2014-yil.
11. A’zam O’ktam. To’maris bilan suhbat. “Muharrir” nashriyoti. T.: 2019-yil.

**Гулноза ОРИПОВА**

**Фарғона давлат университети ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРЛАРИНИНГ БАНД ТИЗИМЛАРИ**

**Аннотация**

Ушбу мақолада шоир Аъзам Ўктам шеърларининг банд тизимлари тадқиқ этилган. Аъзам Ўктам шеърларидаги банд тизимлари ва уларнинг шеър ғоявий-эстетик ва бадий таъсирчанлигини таъминлаш борасида вазифалари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** поэтик маҳорат, банд, банд тизими, миллий руҳият, диний-фалсафий ғоя.

Барча даврларда ҳам банд орқали ғоявий-эстетик хусусиятларни юзага чиқаришга катта аҳамият берилган. Бу анъана ҳозирги даврда ҳам давом эттирилди, бадиий таъсирчанликда банд тизимлари хилма-хиллигини таъминлаш борасидаги услубий изланишлар амалга оширилди. Маълумки, банд шеърий асарда фикр ва оҳангдорликни, ғоявий-эстетик ва бадиий таъсирчанликни юзага чиқарувчи майдон вазифасини ўтайди. Банд мазмунан тугалланган сатрлар йиғиндисидан иборат бўлиб, унда поэтик фикр ярқ этиб кўзга ташланади, ритм жиҳатдан тугалланган бўлади. Қофия воситасида бирлашган шеър бўлакларидан ташкил топган банд шеърнинг ритмик-композицион структурасини белгилайди. Адабиётшунос А.Сабирдинов таъкидлаганидек “Банд композицион яхлитликни таъмин этади, оҳанг ва ифодавийликнинг маълум шеърий контекстдан ўрин олган талқинларини изчиллаштиради”[1.Б.113]. Шундай экан, банд шеърнинг умумий композициясида асосий ўринга эга бўлиб, бадиий-ғоявий, ҳиссий-эстетик, стилистик-семантик жиҳатдан шеърда аниқ вазифани бажаради.

Аъзам Ўктам турли банд тизимларидан фойдаланиб, шеърнинг ғоявий-эстетик ва бадиий таъсирчанлигини таъминлаш борасида ҳам муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Унинг “Кузда кулган чечаклар” тўпламидан жой олган шеърларида турли банд тизимларидан фойдаланганлигини кўрамиз. Жумладан, “Тилак”, “Ўттиз еттинчи йил шеъри”, “Ишқинг дил даштини...” каби шеърларида иккилик, “Меҳринг – менга чироқ” шеърида учлик, “Кўқон шамоли”, “Кузатиш”, “Куз. Кўройдин. Жим ўтирибман...”, “Машқ майдонидаги ўйлар”, “Манзара”, “Хосиятмомо армони”, “Қишлоғим таърифи” шеърларида тўртлик ҳамда “Адашдинг”, “Юпанч”, “Нима дейишни ҳам билмайман...”, “Кимдир чорлаётир” каби шеърларида турли бандланишларни учратамиз.

Бандларидаги мисралар сони турлича бўлган шеърлар астрофик шеърлар дейилади. «Мумтоз шеъриятда изометрияга, жумладан, шеърий асарда бандларнинг бир хил (мисра сони, ўлчови, қофияланиш тартиби) бўлишига катъий амал қилинган бўлса, кейинги давр шеъриятида (Ғарбда романтизм давридан, ўзбек шеъриятида XX асрдан) бу қоидадан чекиниш одатий ҳолга айланди. Натижада астрофик (бандларидаги мисралар сони турлича) шеърлар, гетрометрик (ўлчови турлича мисралардан таркиб топган бандли) шеърлар ҳам оммалашди»[2. Б.62]. Демак, замонавий шеъриятга хос жиҳатлардан бири – мазмун талаби билан бир шеърда турли хил банд тизимларидан фойдаланиб, банд тузилишида, поэтик синтаксисда, ритмик-интонацияда янгича усулларни излаш, шу йўл билан фикрнинг таъсирчан ифодасига эришишдир. Аъзам Ўктамнинг “Адашдинг” шеърида астрофик банд тизимларини кузатиш мумкин. Шеър ритмик қурилиши тўққиз сатрли банд тизимидан икки сатрли банд тизимигача аралаш ҳолда қўлланилиб, жамиятимиздаги шахсларнинг маънавий фожеаси ифодаланган.

Жим қолдим инсонга хурматим боис,  
Дўст эмас, душманнинг ишини қилдинг:  
“Гўл бўлмаса, Фарғонанинг халқи,  
Қўлда канал қазадими” деб кулдинг.  
Индамадим.

Бирдан ўзимнинг ҳам  
ичим ачиб кетди бечораларга.  
Кулги бўлайлик деб ишлашмаган-ку,  
Билмайсанми гўза билан сув қадрини? [3. Б.5]

Шеърда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғоришда асосий ўрин тутувчи Катта Фарғона каналининг қурилиши билан боғлиқ воқеаларга, халқимиз матонатига беписанд қараб, кулги остига олган шахс қиёфаси фош қилинган. Маълумки, 1939 йилнинг август ойидан бошлаб 45 кун давомида халқ хашар йўли билан бунёд этган Катта Фарғона канали 270 километр узунликни ташкил этади. Бу каналнинг қурилиши ижтимоий-иқтисодий



хаётимизда муҳим аҳамиятга эга. Шоир эса орамизда яқин ўтмишимизни, маънавий қадриятларимизни, энг асосийси, ўзлигини унутаётган инсонлар борлигидан ўкинади. Шеърнинг кейинги дистих бандида лирик қаҳрамон “кир сўзлари билан” ўзи ичиб турган сувни лойқалатаётган, ҳаёт манбаи бўлган сувнинг қадрига етмайдиган тубан, оқибатсиз кимсаларга қарата қуйидаги сатрларни битган:

Ичиб юрибсан-ку шу сувни сен ҳам,  
лойқалатма уни кир сўзлар билан.

Шоир “сувни лойқалатиш” орқали халқимизнинг ўтмишини “лойқалатаётган”ларга *“Сеники узрли – бўлсанг кўру кар”* дея истехзоли хулоса қилади. Шеърни банд тузилишига кўра шартли равишда беш қисмга ажратиш мумкин. Дастлабки нона (тўққизлик) бандни воқеалар бошланмаси, иккинчи бешлик бандни тезис, учинчи дистих ва тўртинчи терцет бандни антитезис, охирги нона (тўққизлик) бандни хулоса деб аташ мумкин.

Сўнгги нона банд:

Кел, сўкиб ўтирмайин сени,  
ўзимникисан, барибир ўзимникисан.  
Кайфи ошди, дея қоламан,  
бир адашди, дея қолай, яхшиси.  
Барибир кўнглим ғаш  
гўё хотиним  
ташлаб юборгандек бепарво,  
чиқиндига қўшиб,  
отамнинг расмин...

тарздаги хулоса билан яқунланади. Бандда лирик қаҳрамон “Ўзимникисан, барибир ўзимникисан” дея миллатдошининг аянчли аҳволидан қайғуради. Уни “адашган”ликка йўяди. Ўзлигини тобора тубанлашиб бораётган ўзгага қарши қўяди. Шеърда ота-боболарининг ҳаёти, ўтмиши, авлодларга қолдирган меросига лоқайд, ўзлигини унутган ватандошининг сўзларидан қалби яраланган шахс кечинмалари ифодаланади.



Шеърнинг ғоявий-эстетик таъсирчанлиги тўртинчи ва бешинчи бандларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, шоир поэтик ғоясини ифодалашда ҳамда шеърнинг оҳангдорлигини оширишда “и” ва “о” товушлари такроридан фойдаланган. Шеърдаги “и” товуши инграётган, “о” товуши эса оҳ ураётган лирик қаҳрамоннинг мунгли қиёфасини ифодалаётгандек бўлади. Кўринадики, бандлардаги **и, о** товушлари такроридан ҳосил бўлган ўзига хос ритмика, мазмундаги ғоя шеърнинг таъсирчанлигини таъмин этган. Шу ўринда Лев Озеровнинг фикрларини келтириш ўринли: «Шеърдаги сўзга фикр ва туйғу ўрайдиган қоғоз деб қарамаслик керак. Шеърдаги фикр ва туйғу сўз орқали такомиллашиб, ўқувчи қалбига оҳанг, ритм, қофия, мусиқийлик, товушлар жилоси билан уйғунликда етиб боради»[4. 163].

Хулоса қилиб айтганда, Аъзам Ўктам поэтик маҳорати мазмун талаби билан бир шеърда турли хил банд тизимларидан фойдаланиб, банд тузилишида, поэтик синтаксисда, ритмик-интонацияда янгича усулларни излаши, шу йўл билан фикрнинг таъсирчан ифодасига эришишидир.

**Адабиётлар:**

1. Сабирдинов А. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Монография. – Латвия: “GlobeEdit” нашриёти, 2020. – Б.113
2. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2013.–Б.62.
3. Аъзам Ўктам. Кузда қулган чечаклар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б.5.
4. Озеров Л. Работа поэта. – М.: Сов.писатель, 1963. – С.163.

**Farangiz SIDDIQOVA**

**student of Uzbek state world languages university**

**THE HEARTFELT POEMS OF AZAM UKTAM**

**Annotation**

This scientific research provides special methods of well known uzbek poet, Azam Uktam on creative circle . Some meaningful couplets of poems are also demonstrated to realize completely how poet have literary language and property.

**Key words** : poem , uzbek poet , European poetry, philosophy, pain, profound, poet's poems, main criteria.

At on time ,Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf praised the poems of the poet Azam Uktam. Hazrat's articles also include a poem by the poet entitled "The Thirteenth " . Hazrat writes: " ...in this poem ,the poet addresses all his members one by one and asks them to be on the right path.He asks Allah in his heart that he is One and Existent, and that the woodpecker is only hoping for guidance: guidance in the way of Allah ,emphasizes that it is a guide to the path of sharia. Of course , such meanings will excite people who understand them,make them feel wonderful". At recent online conference ,I read these poem and took an honorable second place. I was very jubilant about that.

I have been reading the poems of Azam Uktam for a long time. Something covers my body in the moments of reading his poems. I can't put it into words. It is true that Azam Uktam ,along with other contemporary poets, read the poems of contemporary poets such as E. Vokhidov and A. Oripov, became such a mature poet . However, Azam Uktam did not follow either E.Vokhidov, A. Oripov. His poems are somewhat different from the poems of fellow poets Rauf Parfi, Shavkat Rakhmon , Abduvali Qutbiddin. If we say that there is a European influence in the poet's poems,it is difficult to find an appropriate answer. Azam Uktam ,I think ,is unique Uzbek poet , a poet who writes poems that are like no one and no one else's poems. Azam Uktam is just like himself, his poetry is as pure as he is ,it is thought-provoking ,he can find the pain of the reader, he can put ointment on their wounds. Why is that ? Isn't a poet different from other creators ?! The answer to this question is also clear . I think that when this artist is able to correctly diagnose the pain of the people ,when he sees the pain of the people with his own pain, his own experience with the experience of the people. You say ,but you will contradict my conclusion. I am ready to argue with you. Let's take his dwarf poems. After all ,it is possible to write a few dozen pages of commentary on the analysis of these four ,six-lane poems!

Here is one such poem:

Sometimes my head hit the wall,  
Sometimes the wall hit may head.

There is a saying among our people : if a person steps without thinking ,if something bad happens to him ,his eyes will be opened - he realize that he has made a mistake . So how do you explain that a wall hits a person in the head? This is the correct conclusion of the destiny and the attitude of the people living in the time towards the poet. Man's nature and destiny are sustenance. People around him ,even if a person has not done harm to someone ,do not see his success and achievements in life,make various slanders,do not let him live in peace. Or he tries to take away the material things he has gained by devious means. Evil is the work of the devil . This is how the wall hits the head.

In other poems poet says :

"Katta ketma!"  
Deyishdi menga .  
"Past ketma!" dedim  
O'zinga o'zim.

This is also a profound philosophy. Encouragement to understand one's pride,one's place as a person. No, there is no arrogance. We are talking about the role of man in human life. The philosophy in the poet's poem "Invention "is even deeper:

Aqlim endi yetyapdi oz-moz :  
Astoydil qasd qilsa bas odam,  
Aylanadi kundaga qo'qoz,  
Bolta bolar bemalol odam.

It is about poetry ,about its responsibility. The poet doesn't simply write a poem. Poetry is the born of a strong influence. A poet who is influenced by something can be a poet only if he can find meaning in , day ,a gentle sound by shaking the leaves of a sapling in a light breeze. Now it is profound philo8to turn paper into a day, the turning of the pen into an ax is a declared war on the

surrounding nonsense. Only when one realizes this can one understand the function of poetry and poet. A number of poet's philosophical poems are dedicated to Tomaris (his daughter) , and Temur (his son) . In one of his poem ,he says , "Learn to heal wounds better than weaving handkerchiefs," .This is not only advice for Tomaris or Temur ,it is advice for everyone ,boys and girls .It is natural for the readers to send "Oh" when reading this advice. After all ,we don't realize it in most cases.

Generally , Azam Uktam's poems are written on such philosophical criteria. The readers feel a sense of frustration as he or she reads the poet's poems. He thinks about who he is . In fact , the purpose of the poem is to make it pleasing to the readers!

**References :**

1. Azam Uktam. Ikki dunyo saodati. – Tashkent, 1998.
2. Rauf Parfi. Men bahorman ,muzlagan otash... – Tashkent, 2003.
3. Azam Uktam . Sahar vaqti yurak yig'lar. – Tashkent: Movorounnahr, 2014.

**Саидахон ГОИПОВА**

**Андижон давлат университети ўқитувчиси**

**XX АСР ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИНИНГ  
ЎРНИ**

**Аннотация**

Ҳаммага маълумки, бизнинг юртимиз Мовароуннахр — Туркистон бутун дунё шеъриятида ўзига хос ўрин тутган буюк шоирлари билан фахрланса арзийдиган, жаҳон халқлари шеърият хазинасига ўзининг олтин саҳифаларини, олтин байтларини бошини баланд кўтарган ҳолда тақдим этган бир юртдир. Ушбу мақола эса шеърият хазинасига ўзининг олтин саҳифаларини яратишда ўз хиссаларини кўшган шоир Ўктам Азам ижоди хақидадир.

**Калит сўзлар:** сатр, шеър, носир, мухаррир, тўплам, шеърият.

Ўзбек шеърияти боғидан Аъзам Ўктам дарахтини туйқус илғай оласиз. Бу дарахтнинг салқинларида, шамолларида неча бор йўқлик ва борлик ҳақида ўйлаганмиз. Унинг кўзлари ўткир, кулоклари зийрак, юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди. Дунёнинг аламли ғовурлари, аччиқ ғулувлари уни тез улғайтириб қўйган эди. Ўзбек шеърияти боғидан Аъзам Ўктам дарахтини туйқус илғай оласиз. Бу дарахтнинг салқинларида, шамолларида неча бор йўқлик ва борлик ҳақида ўйлаганмиз. Унинг кўзлари ўткир, кулоклари зийрак, юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди. Дунёнинг аламли ғовурлари, аччиқ ғулувлари уни тез улғайтириб қўйган эди [4,10].

Шоирни ичкин англаш, тушуниш ҳамиша оғир кечади. Сатрларнинг ортида, сатрларнинг сатҳида, унинг теран тубларида нелар борлигини барча ҳам идрок этолмайди. Лекин биламизки, шеърият ёвузликка судраётган нафсга қарши курашади. Кичикни улуғлайди, катта кетганни ерга имлайди. Барибир ҳақиқатни айтади, айтаверади. Шеърият шунинг учун ҳам абадийдир.

Шоир чексизликдан чекка томон симдор тортиб, уларни бирлаштира олади. Чексизликнинг чеки борлигига сизни ишонтира олади.

Шоир ҳар жойда, ҳар вақтда, вақтдан ташқарида ҳам мавжуд, номавжуд. Билим йўлининг ич-ичидан, Аллоҳ висолига етказувчи йўлдан кетяпган дарвеш, вақт ҳукмфармосидан, кишанларидан мутлақ озод бир зотдир.

Ўзбек шеърияти боғида Аъзам Ўктам дарахтини тез илғаб оласиз. Бу дарахт кўп замонлар ажойибу ғаройиб меваларини армуғон қилажак. Бу дарахт боғни сарғайтириб қўймайди, доим қайта туғилиб, қайта ўлиб, қайта тирилиб, шовуллаб тураверади.

Аъзам Ўктам (1960 — 2002) ўзига хос овозга эга бўлган истеъдодли шоир, носир, мақоланавис, моҳир таржимон, жонкуяр мухаррир эди. Унинг

«Кузатиш», «Кузда кулган чечаклар», «Зиёрат», «Тараддуд», «Икки дунё саодати», «Қирқинчи баҳор» шеърий тўпламлари чоп этилган. «Хабар» киссаси «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган (1995). Аъзам Ўктамни ижодкор ва инсон сифатида яқиндан биладиган хассос устозларимиздан бири у ҳақда: «...ўз тенгдошлари ичида биринчи галда тўғрилиги билан ажралиб турарди. Кейин фидойилиги, кейин камгаплиги ва камтарлиги билан. Аъзам ва у кабилар тирик бўлганида эди, дунёмиз чиройи янада бошқача бўларди балки. Шеърлари ҳамтўғрилик намунаси эди», деганида кўпларнинг кўнглидаги гапларни айтган.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон “Яшариб бораётган шоир” сарлавҳали мақоласида Аъзам Ўктам ижодининг салоҳияти, югуроқ кўзларга тезда чалинавермайдиган ички қудрати, ўхшаши йўқ нафосати ҳақида сўз юритар экан, “Республикамиз мустақиллигини нақадар тўлқинланиб қарши олган “Ҳамма нарса энди ростдан ўзимизникими?” деб касбдошларига мағрур боққани ҳозиргидек эсимизда” дея хотирлайди. *Ўлмас шеърлари янглиз шоирнинг руҳан тириклиги, умрибоқийлиги ҳам ана шундадир [1,3].*

Бундан бир неча йиллар аввал Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари марҳум шоир Аъзам Ўктамнинг «Тараддуд» номли шеърий тўпламидаги баъзи шеърлари ҳақида ўз фикрларини билдирган эдилар. Қуйида яқинда нашр этилган шоирнинг янги китобида сўнгсўз тарзида илова қилинган [2,5].

Инсон табиатида қизиқ бир ҳолат бор. Баъзи бир фикрларни узоқ муддат инсон ўзида тўплаб, ўйлаб, пишитиб юради. Лекин нимагадир ўша фикрларни юзага чиқариб айтиш, кўпчилик билан баҳам кўриш ўрнига кўйилмай келади. Баъзи бир ҳодисалар туртки бўлган пайтда ана шу тўпланиб турган фикрларни, йиғилиб қолган ўй ва мулоҳазаларни кўпчиликка айтиш, ёру биродар, маҳбуб инсонлар билан ўртоқлашиш истаги туғилиб қолади.

Албатта шеърият, шеърий асарлар, шоирлар, уларнинг фаолияти, савияси, ҳамма-ҳаммаси шу диёрнинг қадимдан муқаддас дини бўлиб

келаётган Ислом дини билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Улуғ шоирларимизнинг пур ҳикмат байтлари, Қуръони Карим оятлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, мусулмон уламолардан чиққан ҳикматларга йўғрилган эканлиги ҳам ҳаммамизга очик ойдин равшан. Ўйлаб қарайдиган бўлсак, шеърят мулкининг султони Алишер Навоидан бошлаб мавлоно Лутфий ёки бошқа улуғ шоирларимизнинг номларини айтиш ўтишнинг ўзи ҳам жуда кўп вақт олади. Уларнинг ҳаммалари диний илмлардан етарли маълумотга эга бўлган ва кўплари тасаввуф тариқатларидан бирини маҳкам тутган, ҳатто баъзилари тариқатларга шайх бўлган улуғ инсонлар эдилар. Шунингдек шоирларимиз, ўтган буюк заковат эгаси бўлган момоларимиз ҳам ана шундоқ диний маълумотдан, Исломиё маърифатдан ва шариат таълимотларидан ниҳоятда ажойиб бир услуб билан фойдаланиб шеър ёзганларидан, уларнинг шеърлари пурҳикмат ва доимо ичида собит бир ўринни тутиб келадиган даражада чиққан.

Баъзи бир китобларни олиб биринчи саҳифасини ўқигандан сўнг, иккинчисини очишга инсон ўйланиб қолади. Лекин «Тараддуд» китобининг биринчи саҳифасидаги шеърни ўқиб бўлган инсон эса сергакланиши, тезроқ иккинчи саҳифани очишга уриниши, менимча, турган бир гапдир. Шунинг учун «Тараддуд» китобидаги келган шеърлар тўғрисида айтиладиган камтарона мулоҳазалар шоир шахсини мутлақо танимаган инсоннинг мулоҳазалари бўлади [3,12].

Бу шеърларда мусулмон инсон, динини худди чўғни тутгандек тутиб, диндан ажраб қолган бир жамиятда яшаб келган инсоннинг фикрлари, унинг қийналишлари, ўртанишлари ва халқи учун куюниши ўз ифодасини топгандир. Яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, «Тараддуд» шеърий тўплами жиддий куюниб ёзилган шеърлар тўплами десак хато қилмаймиз.

Бу ерда енгил-елпи, куйдим ёндим шеърлар йўқ десак хато қилмаган бўламиз. Аъзам Ўктам чакмоқдек «ялт» этди-ю сўнди. Таскин шуки, унинг маърифатли, ёниқ шеърляти узоқ вақт қалбларимизни ёритиб, камолотга

чорлаб туради.

Адабиётлар :

1. Анвар Обиджон. Яшариб бораётган шоир. – Тошкент: Movarounnahr, 2013. – Б.3.
2. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар: Шеърлар. – Тошкент: Movarounnahr, 2014. – Б.5.
3. Аъзам Ўктам. Тараддуд. – Тошкент 2014. – Б.12.
4. Илхом Турсунов. Аъзам Ўктам ижоди ва шеърляти. // Ёшлик, 2009. – № 5. – Б.10.

**Сарвара ҒОҒУРОВА**

**Андижон давлат университети ўқитувчиси**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктамнинг ижоди ва шеърларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Гирдоб, мотив, теран маъно, адабий-эстетик, насрий, публицистик.

Аъзам Ўктам (1960 – 2002) ўзига хос овозга эга бўлган истеъдодли шоир, носир, мақоланавис, моҳир таржимон, жонкуяр муҳаррир эди. У ўз тенгдошлари, маслакдошлари орасида ажралиб турарди. Унинг поэтик нигоҳини бошқа бирор шоирга ўхшатиш қийин.

Аъзам Ўктам Янги истиқлол шеърлятининг чўлпони эди. Афсус, бу чўлпон қисқа, аммо жуда ёруғ нур сочди. Аъзам Ўктамни ижодкор ва инсон сифатида яқиндан биладиган ҳассос устозларимиздан бири Абдурахмон Пиримқулов у ҳақда: “...ўз тенгдошлари ичида биринчи галда тўғрилиги билан ажралиб турарди. Кейин фидойилиги, кейин камгаплиги ва камтарлиги билан... Аъзам ва у кабилар тирик бўлганида эди, дунёмиз чиройи янада



бошқача бўларди балки. Шеърлари ҳам тўғрилиқ намунаси эди”, деганида кўпларнинг кўнглидаги гапларни айтган.[3.9]

Аъзам Ўктам ўзига хос шеърини услубга эга шоир. Шунинг учун уни бегона биров билан адаштириб бўлмайди. Шу боис унинг шеърлари ўзидан бошқа ҳеч кимга ўхшамайди. Шунинг учун шеърини мисралардан шоирнинг ўктам овози келиб туради: жиддий, салобатли, ижтимоиятли, кутилмаганда фавқулудда ва тагдор-тагзаминли. Баъзан ўйинга солинган ва кинояли, аммо маънодор. Шакл изланишларидан тажрибалар қилинган шеърлари ҳам бор:

*“Гирдобига тортар ўжар саволлар*

*Асли нега келдим*

*Кетмайман нечун*

*Қаёққа борардим кетганда*

*Не қилиб юрибман*

*Мен кимман ўзи*

*ўзи кимман Мен*

*юрибман Не қилиб*

*кетганда борардим Қаёққа*

*нечун Кетмайман*

*келдим нега Асли*

*ўжар саволлар тортар Гирдобига”.*

**(“Айлана”)**

Шакл эътиборидан ўзига хос бу шеър. Икки “гирдоб” оралиғига жойлашган матн. Шеърнинг битта мисрасидан бошқа ҳаммаси саволли. Бу саволлар доимо хаёлда кезиб юради. Бошидан ўқиб борилганда ҳам, оёғидан ўқилганда ҳам айлана – ўжар саволларнинг гирдобига тушасиз. Аммо бу саволлар оддий эмас. “Мен кимман” – борлиғи тоза, қалби бутун, иймонли одамнинг саволлари. Кимлигини англаган, ўз вужудига назар ташлаган одам Яратганни танийди. Кимликни англаш, ҳаёт мазмунига, келиб-кетиш моҳиятига етиш мотиви Аъзам Ўктам шеърлятида муҳим ўринни эгаллайди.

“Англаб боқурмиз атрофимизга: ким эрдик, ким бўлдик, ким бўлурмиз биз?” “Ўз холин билмай шод” юрган бировлар – “шўрликлар” дир. Дунёнинг ўткинчилигини, бир лаҳзалик, уч кунлик, беш кунлик “бу умр барибир боқиймас”лигини шоир яхши англайди, англатишга интилади. “Жимгина яшашга хушим йўқ”, деб шиддатланган шоирни кўпинча “хаётдан мақсад нима, нега яшайман, умрнинг аввали не, охири нима билан тугайди” каби жумбоқлар ўйлантиради.

Аъзам Ўктам Янги истиқлол шеъриятининг чўлпони эди. Афсус, бу чўлпон қисқа, аммо жуда ёруғ нур сочди. Шоирнинг энг сўнгги шеърий тўплами «Тараддуд» бўлиб, мўъжазгина китобдаги қуйидаги сатрлар юзга оловдек урилади:

*Йўл аниқ, қайтиш йўқ,*

*Мен кетдим энди.*

*Кечган нарсам—жонни ўйламам ҳечам*

*Битта майдон керак—курашгим келди:*

*Тўшакда ётгулик қилмасин, ўлсам.*

Аъзам Ўктам шеърларида фикр ва ҳис-туйғу ўзаро уйғунликда ижтимоий-фалсафий кўлам ҳосил қилади. Унинг битта шеърини тугал тушунтириш, талқин ва таҳлил қилиш учун истайсизми-йўқми деярлик ҳар бир сўзи, мисраси устида мулоҳаза юритиш лозим. [1.15]

Масалан “Алдаманг, устоз!” деган ихчам бир шеърда ёзади:

*“Сиз менданки Гортинмадингиз,*

*Аниқ – уялмайсиз Тангридан асло”.*

Ушбу қаторга жойланган бу матн бор-йўғи еттита сўздан иборат. Аммо унда улкан бир фикр ва туйғу мужассам. Алданган шогирд қалбидаги алам ҳислари ифодаланган. Бундаги пафос нафосатдан кўра ҳақоратга яқин; бу қуюшқондан чиққан кишининг аламдан чиқиш учун ёзган етти дона сўзи, устозидан кўнгли қолган бир кимсанинг дарди, алами бу. Бунинг қофияси йўқ, вазни ва оҳанги ҳам ўзига яраша. Аммо бунда амали сўзига мувофиқ

келмайди дея тасаввур қилинаётган кимсанинг ғаройиб сувратига ихчам бир чизги намоён.

Теран ёзиш учун теран бир тасаввур ва тафаккур лозим. Олимлардан бири айтадики: “Лойқа, мужмал тасаввур қилинаган нарсалар, тусмоланиб ёзилади”. Аъзам Ўктамнинг азалий, миллий кадриятлар тўғрисида ёзган “Изоҳ шарт эмас” шеърисида теранлик бор. Сал хомушроқ юриб, дўппи ёки чопон кийган одамга бировларнинг бошқачароқ қараган замонлар бўлди. Шу воқелик акс этган шеърнинг охир ҳам теран маъноли: “Кимдир ўлар, нимадир бўлар Ўзбек қайтса асл ҳолига!” [4.20]

Ижодкор ўз маънавий дунёсини, чинакам ботиний қиёфасини, тоза борлигини ёзмаса, ёлғон ребуслар тўқишга, ўзидан фаришта яшаш йўлига ўтиб олади. Шоир шеърларини ўзидан, “мен”идан айириб талқин қилиш қийин. Шеър ҳар кимга турлича таъсир кўрсатади, одам уларни турлича қабул қилади. Бундай завқни талқин қилишнинг ҳам ўз гашти бор. Шеърнинг таваллуд айёмини, кимга бағишлангани, қачон, қандай шароитда нима учун ёзилганини аниқлаб, биографик йўсинда таҳлил қилиш ҳам адабиётшунослик тажрибасида мавжуд усуллардан бири, албатта. Лекин Аъзам Ўктамнинг ўғил-қизларига, устозлари ёки яқинларига бағишлаб ёзган “Қизимга ҳасрат”, “Тўмарис билан суҳбат”, “Мактуб. Қодир Деқонга”, “Низомиддинни уйғотиш” каби шеърларининг адабий-эстетик кўлами кенг.

Аъзам Ўктам шеърлари, насрий ва публицистик асарлари моҳиятига оят, ҳадис ва ҳикматларни сингдириб ёзди. “Ҳақ сўзни битмакка сарфланган сиёҳ Жангда томган қондек кадрли бўлар!” Яна бир шеърисида: “Бугун тонгда негадир отам Қараб қўйди норизо бўлиб” дейди. Отани норизо қилиш кўнгилини бесаранжом этади. Бу ўринда ота-онанинг розилигига оид ҳадис ёдга тушади. Дарвоқе, Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати” (1998) китоби Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган қирқ тўртта ҳадиснинг шеърӣ талқин ва изоҳларидан таркиб топган. [2.12]

Аъзам Ўктам чакмоқдек «ялт» этди-ю сўнди. Таскин шуки, унинг маърифатли, ёниқ шеърияти узоқ вақт қалбларимизни ёритиб, камолотга чорлаб туради.

**Адабиётлар:**

1. Шарқ юлдузи журнали, 1995 йил 1-2 сон
2. Ҳидоят журнали 1998 йил 4 –сон
3. Абдурахмон Пиримқулов. Аъзам Ўктам Соғинчи. – Тошкент, 2003.
4. Ёшлик . 2009- йил, 5-сон.

**Ғулом БОБОЖОНОВ**

**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти**

**ПОЭТИК ИЖОДА “ИЛОҲИЙ ХАБАР” ВОҚЕЛИГИ**

**Аннотация**

Борлиқни ҳиссий, ақлий ҳамда “илоҳий хабар” воқелиги воситасида идрок этиш борасидаги назарий қарашлар қуйида таҳлил этилади. Бадий матнда ҳақиқат ва мажознинг акс этиши ҳамда бу масалага поэтик ёндашув ҳақида сўз боради. Аъзам Ўктам ижодидаги айрим образлар мажоз ёки бадий тўқима маҳсули эмас, “илоҳий хабар” воқелигига таянган ҳақиқатнинг реал ифодаси экани хусусида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** воқелик, ҳиссий ва ақлий идрок, “илоҳий хабар”, ҳақиқат, мажоз, бадий тўқима.

Поэтик ижодда ижодкор асосан воқеликни ҳиссий ёки ақлий қабул қилиш воситасида юзага келган материалга таянади. Воқеликни идрок этишдаги бу икки жиҳатга бадий асар учун етакчи хусусият сифатида қараб келинапти.

Айниқса, шеърый асарларда муаллиф ҳиссий мушоҳадаларга таяниб иш кўради. Унда қаламга олинаётган воқелик баъзан ҳис ва ақлга айнан мувофик бўлиши гўё талаб этилмайди. Муаллиф ўз мушоҳадасини баъзи ўринларда бадиий тўқима воситасида ифодалайди. Бадиий асарга бундай ёндашув бир неча ўн йиллардан бери адабиётшунослик ва адабиёт назариясида етакчи тамойил возифасини ўтаб келяпти.

Адабиётнинг бош омили воқеликни поэтик ифода этиш, бу мақсадда ўрни келганда бадиий тўқимадан фойдаланиш мумкинлиги масаласи бадиий ижоднинг энг муҳим мезонларидан бири сифатида қаралмоқда. Ўзбек адабиётшунослиги йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларидан бошлаб шу каби тамойиллар асосида иш кўра бошлади.

Ҳар қандай матн, хусусан, бадиий асарнинг поэтик мезонлари аслида асрлар давомида мавжуд бўлиб, аждоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳодисадир. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бадиий асарни тадқиқ этишдаги анъанавий ёндашувнинг муомаладан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Тўғрироғи, мустамлакачилик мафқурасининг илм-фанни чинакам ва асл илдизидан узиб талқин қилиш ғояси адабиётшунослик ва унинг таркибий қисми бўлган адабиёт назариясига ҳам талафотли таъсир ўтказди. Натижада, асл адабиётнинг моҳиятидан узоқлашиш юзага кела бошлади. Юқорида таъкидланган воқеликни фақат ҳиссий ва ақлий идрок этиш айни шу таъсирнинг инъикоси бўлди.

Туркий адабиётда асрлар давомида яратилган бадиий асарлар башарият поэтик ижодининг энг сара намуналари саналиб келган бўлса-да, улардаги илғор анъаналарни давом эттириш масаласи шу даврда кун тартибидан бироз четда қолдирилди. Ижодкор поэтик тафаккурининг объекти саналган воқелик фақат ҳиссий ва ақлий қамров доирасида қатъий чеклаб қўйилди. Бундай ҳолат воқеликни тўла идрок этиш учун ноқислик қилиши аён эди. Шу сабабга кўра, адабиётшунослик асл тамойиллардан юз ўгирган даврларда адабиётнинг асл мезонлари билан ўлчанадиган чинакам бадиий асарлар

олдинги даврларга нисбатан кам яратилди. Бу ҳолат, бизнингча, XX асрнинг 80-90-йилларигача давом этди.

90-йилларда адабиёт майдонига кириб келган авлод воқеликка бир қадар бошқачароқ ёндашуви билан ажралиб туради. Уларда юқорида таъкидланган ҳиссий ва ақлий идрокдан ташқари воқеликни “илоҳий хабар” тақозосига кўра идрок этиш тамойили ҳам етакчилик қилади. Айни шу тамойил адабиётда юзага келган ноқисликни тўлдирувчи ҳамда мавжуд асрий анъаналарни давом эттирувчи асосий омиллардан бири бўлди.

Шу даврда адабиётга кириб келган авлоднинг бир вакили – Аъзам Ўктам ижодида воқеликни идрок этишдаги аслий ва анъанавий муносабатни кузатиш мумкин. Унинг ижодида тоғларнинг сукут сақлаши, самонинг такбир айтиши, майсаларнинг сажда қилиши (“Ибодат”), Одамнинг кўкдан тушиши (“Гарчи”), сувларнинг ўзлигини соғиниши (“Қиш”), тамасиз кишини балиқлар алқаб, қурту қушлар олқишлаши (“Ҳар бало, шайга чидарман...”), эшикнинг киприк билан тақиллатилиши (“Истагим”), тонг юзининг қисирлаб синиши (“Ҳолат”), тоғларнинг турғунликда қолиши (“Жавобгарлик”) каби тасвирлар кўп учрайди. Бундай ҳолатлар адабиёт назариясида жонсиз жисмларга жонлиларнинг айрим хусусиятларини ўхшатиш, нарса-предметларни худди инсон каби жонлантириб тасвирлаш, уларга инсонга хос хусусиятларни кўчириб ўтказиш (қарзга бериб туриш) орқали шахслантириш каби бадиий тасвир воситалари асосида яратилган деб қаралади. Яъни муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалаш учун мажоз воситасидан фойдаланган деб эътибор қилинади. Зоҳиран (муқтазои зоҳирга кўра), бадиий матнни шундай тушуниш ҳам муайян маъноларни илғаш учун хизмат қилади. Бадиий матнни бу тарзда қабул қилиш муаллифнинг бош концепциясига қанчалик уйғунлиги ҳар қандай матнни ўрганишда энг муҳим аҳамият касб этишини назарда тутсак, юқоридаги ёндашув бир қадар объектив бўлолмаслиги ойдинлашади.

Муаллиф асарда бир объектга хос хусусиятларни иккинчи объектга кўчириб ўтказиш орқали мақсадни ифодаласа, бу мажозий характер касб

этади. Ҳар бир нарса-ҳодисанинг ўз хусусиятлари ёки ҳолатларини бошқа воситаларга юклагандан, ўз-ўзича ифодалаш эса, мажозийликнинг зидди – ҳақиқатни ифода этади. Ҳақиқат ва мажоз параметрларини белгилашда борлиқдаги барча нарса-ҳодисалар билан боғлиқ том ва объектив маълумот – воқелик ҳақидаги хабарга эга бўлиш зарур саналади. Бу эса, борлиқни ҳиссий ва ақлий идрок этиш (билиш) билан бирга, баъзан ҳис ва ақл воситасида идрок этиш имкони бўлмаган жараён – “илоҳий хабар” воқелигини ҳам тақозо этади.

Аъзам Ўктам ижодида учрайдиган юқорида санаб ўтилган мисолларда бош тамойил образни мажозий тарзда ифода этиш эмас, айнан “илоҳий хабар” воқелигига кўра, реал ҳақиқатни поэтик талқин қилишдан иборатдир. Мазкур назарий қарашларни Аъзам Ўктам ижодидаги бир шеър мисолида таҳлил қилиш мумкин.

“Тоғлар соме бўлиб ўлтиришар жим,  
Такбир айтган чоғи гулдираб само.  
У янглиғ муножот қила олур ким,  
Ёмғир – бу пичирлаб қилинган дуо.

Ел йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,  
Майсалар қалтираб қилурлар сажда.  
Дуолар ижобат бўлган саналар,  
Кун нурлари бундан келтирар мужда” [1.190].

Шеърда тоғларнинг тинглаши ва жим туриши, осмоннинг гулдираб такбир айтиши ва бунинг мислсиз муножот экани, ёмғирнинг пичирлаб қилинган дуо экани, шамолнинг ер тирнаб йиғлаши, тупроқнинг сесканиши ҳамда майсаларнинг қалтираб сажда қилиши муаллифнинг соф поэтик ёндашуви ёки бадий тўқимаси маҳсули сифатида қабул қилиниши эҳтимолдан холи эмас. Боиси, адабиёт назариясидаги юқорида санаб ўтилган мезонлар шундай хулоса чиқаришга тўла асос беради.

Бадиий матнда шу каби ҳодисаларни акс эттириш аслида муаллифнинг субъектив ёндашуви натижасидаги топилмаси, янгилиги ёки бадиий тўқимаси эмас. Бу каби тасвирларни мумтоз адабиёт намуналарида истаганча кузатиш мумкин. Хусусан, ҳазрат Алишер Навоий “*Хукмунг этиб тоғни мураассаъ камар*”, “*Тоғ булут янглиз бўлуб наъразан*”, “*Тоғ этибон чарх уза раққослиқ*” [2.8] каби мисраларида биргина “тоғ” образига ҳиссий ёки ақлий идрок воситасида эмас, тўлиғича “илоҳий хабар” воқелигига таянган ҳолда ёндашганининг гувоҳи бўламиз. Аввало, тоғларнинг борлиқдаги мавжуд яратилган қатори бир мавжудот экани, улар шунчаки тошлар уюми эмас, махсус миссияни бажариш учун яратилгани ҳамда ҳозирда муттасил равишда ўз вазифасини бажариш учун ҳаракат қилаётган фаолиятдаги моддий жисмлар экани “илоҳий хабар” воқелиги – Куръони карим оятлари ҳамда ҳадиси шарифларда баён этилган. “Тоғларнинг сайр қилиб юриши” (Тур, 10), “булут каби ўтиши” (осмонда сузиб юриши) (Намл, 88), “титилган жунга ўхшаб қолиши” (Қориа, 5), “жойидан кўчирилиши” (Таквир, 3), “қозикдай собит туриши” (Назийат, 32; Набаъ, 7), “оқувчи хусусият касб этиши” (Музаммил, 14), “мутлақо созуриб юборилиши” (Тоҳа, 105) [3.], “тошнинг гапириши” (Муслим ва Термизий ривоятидаги ҳадис) [4.118] каби ҳолатлар бадиий тўқима ёки поэтик кўчим (мажоз) воситасида яратилган тасвир эмас, балки “илоҳий хабар” воқелигидаги ҳақиқатни реал тарзда ифода этилишидир.

Аъзам Ўктам ўзигача мавжуд бўлган маълумотлардан яхши хабардор бўлган ҳамда уларнинг бадиий адабиётда акс этишини ҳам пухта ўрганган ижодкор сифатида ижоднинг анъанавий тамойилларига суянади. Фақатгина мавжуд воқеликни акс эттириш (“фоидатул хабар”) билан чекланмайди. Уни бадиий интерпретация қилароқ, субъектив потенциалидан келиб чиққан ҳолда янги бир ракурса қайта ифодалайди. Юқоридаги шеърнинг “Ёмғир – бу пичирлаб қилинган дуо”, “Дуолар ижобат бўлган саналар, / Кун нурлари бундан келтирар мужда” каби мисралари “илоҳий хабар” воқелигига муаллифнинг поэтик ёндашувини яққол кўрсатади.



Реал воқеликдаги ҳақиқатни “илоҳий хабар” воситасида ифода этиш тамойили Шарқ-ислом адабиётининг энг етакчи хусусиятидир. Асрлар давомида анъанага айланиб келган ушбу ҳодиса замонавий адабиётимизда ҳам давом этиб келаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Бобораҳим Машраб, Огаҳий, Фуркат, Муқимий каби мумтоз адибларга хос поэтик анъаналар Аъзам Ўктам ижодининг марказида туриши эса, ушбу шеърининг ўзига хос салмоғини намойиш этади.

**Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар. – Тошкент: Movarounnahr, 2014.
2. Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. Илмий-танқидий матн (тузувчи Порсо Шамсиев). – Т.: Фан, 1970.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 6 жуз. – Тошкент: Hilol-nashr, 2013.
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 19-жуз. – Тошкент: Шарқ, 2011.

**Odila OTABOYEVA**

**Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti  
universiteti talabasi**

**A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA MA'RIFIY-DINIY  
MAVZULARNING POETIK TALQINI**

**Annotatsiya**

A'zam O'ktam ijodi XX asr o'zbek she'riyati darg'alaridan biri boldi. Shaxsiyati va she'riyati bir bo'lgan shoir ijodi ildizlari asl mohiyat, hayotiy haqiqat suvlari bilan sug'orilganligi yaqqol ko'rinib turadi. Maqolada A'zam O'ktamning she'riyatidagi ma'rifiy-diniy mavzular poetikasi xususida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** darg'a, Qur'oni Karim, hadisi sharif, XX asr.

### Anotation

A'zam O'ktam's work was one of the leaders of 20<sup>th</sup> century Uzbek poetry. It is obvious that the roots of the poet's work, which has the same personality and poetry, are connected with the essence, the reality of life. Below, A'zam O'ktam's poetry, the poetics of enlightenment and religious themes are discussed.

**Keywords:** XX century, captain, the Kor'an, khadis.

A'zam O'ktam ijodi XX asr o'zbek poetikasi darg'alaridan biri bo'ldi. Shaxsiyati va she'riyati bir bo'lgan shoir ijodi ildizlarida asl mohiyat, hayotiy haqiqat yaqqol bo'y ko'rsatib turadi. Sobit dunyoqarash va e'tiqodsiz adabiyot o'tkinchi; nazariy nuqtayi nazardan uning badiiy talqin mezonlarida nuqson bo'ladi [2,4]. A'zam O'ktam ijodida biz ana shunday yo'lni ko'ramiz.

Sharq she'riyatida qadimdan to bugunga qadar yod etib kelinayotgan qalamkashlar asarlarida azaldan Qur'oni Karim va hadisi sharifning o'rni beqiyos bo'lgan. Ahmad Yassaviy, Yusuf Xos Hojib, So'fi Olloyor, Furqat, Ogahiy, Navoiy va shu kabi insonlar fikrimizni qo'llab-quvvatlaydi. Mana shu an'analar XX asrda ham ko'plab ijodkorlar she'riyatida ko'rindi. Buning yaqqol dalili, shubhasiz, yozuvchi, muharrir, tarjimon A'zam O'ktamdir. Shoir ijodi, ayniqsa uning she'riyati to'g'risida yozish oson emas. Sabab A'zam O'ktam shaxsiyati, uning she'rlari yengil, o'tkinchi, navbatchi gaplarga, hamma qalamkashlar uchun yoziladigan bir xildagi bosma qoliplarga mos tushavermaydi [2,3].

Biz to'g'riga qarab ketyapmiz  
so'zsiz iqbol kulgaydir bu kun.  
Chunki bizlar yashayotirmiz,  
faqat bekor o'lmaslik uchun [1,29].

Yozuvchi shunchaki yashab o'tmadi. Turishi va turmushi, dili va tili bir bo'lgan shoirning ichi dardli edi. Ajab ermaski, balki ustoz ham, xuddi Farhod kabi tug'ma ishq bilan dunyoga kelgan bo'lsa! Albatta o'zidan keyin qolajak avlodga to'g'ri yo'lni ko'rsatish ham aslida komillikka bir qadamdir.

Ijodkorning “Kuzda kulgan chechaklar”, “Kuzatish”, “Ziyorat”, “Taraddud”, “Ikki dunyo saodati”, “Qirqinchi bahor” kabi she’riy to’plamlari, “Xabar” nomli qissasi, tarjima va maqolalari, hayotni anglash falsafasi bizga meros bo‘lib qoldi. A’zam O’ktamning “Ikki dunyo saodati” asari chin ma’noda kelgusi avlodning komillikka intilib, haq yo‘ldan og‘ishmay ulg‘ayishiga bir to‘g‘ri yo‘l vazifasini bajara oldi. Chunki asarda hadislarning bolalarga taalluqlilari tanlangan va she’riy talqin qilingan, zarur izohlar berilgan:

“Biz sug‘oradigan har bir jonzotda biz uchun savob (ajr) mavjuddir”. Xorg’in sayyoh tashna itni ko‘rishi va

Suvni tashna itga ichirdi

Ollah uning aybin kechirdi.

“Savobning kata-kichigi yo‘q” [4,9]. she’rida sarlovhaga mos g‘oya ilgari surilgan.

A’zam O’ktamning mustaqillikdan oldin yozgan she’rlarida (She’rlar) erkinlik va hurlikka ishonch, Cho‘lpon kabi muhitni majoziy shaklda, o‘ziga xos uslubda yoritish, sodda xalqimiz hayotini qora qalam-la chizish ustuvor bo‘lganini ko‘ramiz. Shoir yurtimizning qora kunlarini “huvullagan quyoshni kir bulut yutib ketdi”, “Do‘stim, baxt bo‘lur faqat burchimizni oqlamoq-bulut tuflab tashlagan quyoshni ardoqlamoq” deydi bir she’rida. Bir qarashda oddiy ko‘ringan Orol dengizining qurishini, mustaqilligini yo‘qotgan xalqimizga mengzaydi. Shoir yurtni „buyuklikning vayron bo‘lgan saltanatiga, qumlarni ona xalqiga qiyoslab ajib o‘xshatish yaratgan

Voy jigarlarim-ey, bechoralar-ey,

Yetim qolib ketga qumlar [1, 1987].

O‘z shoirligini esa „tundan oq chiqmas esang tonglar kechirmaydur seni” ya’ni bu tun paytida haqiqatni aytolmasang, faqat jim yursang kelajak avlod yaniki tong seni hech qachon kechirmaydi deydi.

A’zam O’ktam ijodidadagi “Jon gulim, yuz Burma mendan, o‘zing vaslingga yetkazgil” [1, 1988]. g‘azalida tasavvufiy qarash borligini ko‘ramiz. Shoir she’rlari ezgulikka yo‘g‘rilgan. Pand-nasihatlar ham o‘zgacha:

Menga qo'lingni ber,qo'llaringni ber-  
yuragi xasta bu dunyoning,  
xira tortgan ko'zlarini siypalab qo'yay.  
Ko'zlari nurafshon bo'lsin-u uni  
Yetaklab ketaylik nurli manzilga.  
Menga qo'lingni ber,qo'llaringni ber...[1,Sevgilim 1982].

Yozuvchi izidan qolguvchilarga to'g'ri yo'lni ko'rsatadi va qo'llaridan tutishlikni so'raydi.

A'zam O'ktam hayot haqiqatini shunday anglaydi:

Ko'raverib qotib ketdi ko'z.  
Shundoq edi,  
Shu bo'lar mangu:  
kor qiladi na buyruq,na so'z,  
Soyga,faqat soyga oqar suv[2,282].

Shoir umrni-oqar daryoga,insonlarni esa suvga o'xshatdi.Ming harakat qilgani,tinimsiz kurashgani bilan barbir vaqt kutmasligini,shu soyda barcha oqishini, haqiqat oxir-oqibat albatta yuzaga chiqishini shu misralarda aks ettirdi.

Ijodkor "Qizgina" she'rida umr intihosi yetganda orzui qizginaning bodomga o'xshash qovog'i unga tobut bo'lishini,yuragi xotirasi uchun shamdek yonishini,bulbullar uni hirgoeye qilishini so'raydi.O'zidan mehr va sadoqat meros qolayotganini ta'kidlaydi[1,33]. Shoir o'z insoniylik vazifasini bajara oldi.Avlodlar shoirni hali ko'p xotirlagay !

#### **ADABIYOTLAR:**

1. A'zam O'ktam.Kuzda kulgan chechaklar. – Toshkent: Adabiyot va san'at nashriyoti, 1990.
2. Bahodir Karimov. A'zam shoirning O'ktam ovozi / A'zam O'ktam She'rlar va tarjimalar. – Toshkent, 2019.
3. A'zam O'ktam. Qirqinchi bahor. – Toshkent : Qatortol kamolot, 1999.
4. A'zam O'ktam. Ikki dunyo saodati. – Toshkent,1998.

**Ruzahon MIRZAKARIMOVA,**

**Gulmira QURBONOVA**

**State choreography of Uzbekistan Academy**

**of Art History direction 3 -course student**

**Sabina HOJIEVA,**

**Tashkent State Law student of academic**

**lyceum at the university**

## **AESTHETIC IDEAL IN THE WORK OF AZAM UKTAM**

### **Annotation**

This article discusses the peculiarities of the work of Azam Oktam, one of the most famous representatives of Uzbek literature of the twentieth century, poet, translator and publicist.

**Keywords.** “Taraddud”, courage, homeland, philosophical sensitivity, national tone.

Azam Uktam (1960-2002), a well-known poet and translator, a talented publicist, entered the literature with his unique voice. The collection of poems of the young poet, such as "Observation", "Pilgrimage", "Taraddud", "Two Worlds of Happiness", "Fortieth Spring" , literary and journalistic articles, short stories such as "The child shakes the world", "Message". He was also seriously involved in translation and editing. As Saydi Umirov, an honored youth coach of Uzbekistan and a well-known literary scholar, rightly said. First of all, he was thirsty for knowledge, full of both worldly and divine knowledge, and had a wide outlook. His love for poetry and literature, as well as his interest in historical and religious values and ancient traditions, was strong. This is evidenced by the fact that during his years of work in the publishing house he edited many scientific, artistic, religious and journalistic books that were not published in a period of

ideological pressure. As a scholarly and selfless editor, he wrote a sincere autograph.

In the poems of Uktam and his philosophical poems, his courageous heart, mental anguish and inner appearance are vividly expressed. Literary lovers read with great interest the works of Azam Uktam, which call for honesty, truth and faith. Minorai Kalonga. Then to the right heart, Mazi invades: Screaming cavalry, whining widows.

I gasped, my heart was pounding, as if it was about to fly away. I thought a lot about the maze, whether I was sad or burnt. you have grandparents! Your eyes are the history of the country, look into your eyes, don't feel sorry for me, take care of yourself! ”

At the heart of these lines, adorned with unique metaphors, is a great philosophical essence. This essence encourages the reader to think deeply, to observe. The themes of homeland, freedom and independence, sung at all times, became more relevant in the poet's work. The comparisons in the mansura "On the way to Bukhara" reflect the great past of the Uzbek people, national values, the struggle for national identity. "Kokand wind", "When I go to Bukhara", "My fairy tale", "One night", "Alisher Navoi", "Thoughts in the morning", "Rahimaga", "Sleep .In the poems such as "On the night of escape", "Cholpon", "To my mother", "Poem of 37", "Conversation with Tomaris", "Taraddud", "My mother's blessing", "Azan", "Thoughts on the island" we will see. [3,P.4] Literature has taken on the task of awakening the dormant feelings of national pride in the minds of the people, of encouraging them to fight for their national identity, in short, of preparing the people for national independence. In the works on the history of the homeland, it is possible to observe that the regions of the poet's thoughts and feelings have expanded and his philosophical influence has increased.

As the People's Poet of Uzbekistan Anvar Obidjon said, "Well-known literary critics and pen pals have written meaningful and uplifting articles about the potential of Azam Uktam's creativity, his inner strength, which is not easily noticed. It's hard to say I missed them. I am sure that experts will continue to

refer to the legacy of this talented writer. They are discovering new aspects of it. There are many aspects of the poet's work that have not been studied and are very worth studying. ”

In Azam Oktam's poem, which begins, "The executioner has finally read the verdict," the value of a constantly awake and vigilant psyche, the value of the word and the feeling of childhood is expressed in the form of a wish:

The executioner finally read the verdict,  
Bit's eyes filled with anger:  
A living poet walks,  
We just lost the manuscript! ”  
Gone are the days of mourning,  
Living but lifeless.  
There is strength, endurance,  
Only the heart is disabled,  
Memory loss and drowsiness.  
I look inwards, slowly,  
I don't know - who was your hunter?  
Poet glue, your heart is sick,  
Was the island your work?

In the essence and tone of this poem there are the voices, strokes and aspirations of our people and our complex times. The poet deeply and clearly perceives the world, the drying Aral Sea, the history and reality of the nation with all its complexities, contradictions and sharp contradictions. Strong logic, the splendor of images, the darkness of colors, the populism of the language are the main features of Azam Oktam's work, as he warns young people about the existence of "crippled hearts, crippled and sleepy people" in society. The poet evaluates each reality from the point of view of the interests of the nation and the people represents national values as follows:

Now you are a government man, my boy,  
He gave me a piece of paper and taught me.

Remember - who are you, who are your parents,  
Intimidating people with walking paper.  
If they send you to distant lands,  
If the people speak another language -  
Do not imitate,  
Do not curse if he gives you a place in his house.  
Don't read "You are our guest",  
Never look for a crook.  
Whether it's a cradle or a coffin,  
Cut down trees, if you can.

As the People's Poet of Uzbekistan Iqbol Mirzo said, "Azam Uktam was a great school as a poet and a person. They must know Uktam's work and be proud of him. "

**References:**

1. O.Sharafiddinov. Remembering Azam Oktam. Editor's Publishing House. — T., 2019. – B.3.
2. S.Umirov "I will come to Fergana with a smile ..." Dorilfunun are in my destiny. T:Sharq.
3. A.Obidjon A young poet. The sky is close ... – T.,2011.4-p.
4. B. Karimov The great voice of the great poet. The alphabet of the soul. – T:Ghafur Ghulam Publishing House,2018. – B.132.
5. A. Oktam. The heart cries in the morning ...: Poems. –T., 2014. - 304 p.
- 6.A. Oktam. Taraddud: Poems. – Tashkent:Cholpon, 1993. – 80 p.
- 7.A. Oktam. Interview with Tomaris: Poems. – Tashkent: Muharrir, 2019. – 92 p.

**Анора ҲОЖИМАТОВА**

**Алишер Навоий номли Тошкент Давлат**

**ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги**

**Олий адабиёт курси магистри**

**АЪЗАМ ЎКТАМНИНГ “ТАРАДДУД”И**

**Аннотация**

Мазкур мақолада оловқалб шоир Аъзам Ўктамнинг “Тараддуд” шеърий тўпламининг маънавий-маърифий моҳияти ва бадиияти ёритилган.



**Калит сўзлар:** Эътиқод, маънавий озуқа, “Ибодат”, руҳият, поэтик образ, дуо, маҳорат.

Бундан бир неча йиллар аввал Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг «Тараддуд» номли китобидаги баъзи шеърлари ҳақида ўз фикрларини билдирган эдилар. “Унда миллий рух, ўзбекчилик, баъзи бир бошқа муаммолар ҳам ниҳоятда жиддийлик билан, усталик билан кўтарилган. Бу китобни ўқиган ҳар бир китобхон, шеър шайдоси жиддий мулоҳазаларга келиши ва ажойиб бир маънавий озуқа олиши турган гап. Биз муҳтарам шоиримиз Аъзам Ўктамни бу савиядаги ажойиб шеърларни ёзганлари билан муборакбод этамиз. У кишига соғлиқ, саломатлик, бахт, саодат тилаб қоламиз. Келажакда бундан ҳам яхши шеърларни ёзиб халқимизга тақдим этишини, кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлишини тарафдори бўлиб дуолар қилиб қоламиз. Аллоҳ таолодан умид қилиб сўраймизки, юртимизда шу кишига ўхшаган ажойиб бир пурмаъно шеърларни ёзадиган шоирларнинг сонини, сифатини ва ижодларининг баракасини берсин.” [5.Б.282] Дарҳақиқат, китобдан мазмунан баркамол, шаклан етук дурдона асарлар ўрин олган бўлиб, улар келажак адабиётимиз тараққиёти учун ҳам муҳим манба ҳисобланади. Шеърлардаги фалсафий мушоҳада, теран тафаккур муаллифнинг дардчил ва эзгин ўйларига ҳам ажиб тиниқлик бахш этади. Шоирнинг «Ибодат» шеъри мазмунан ва шаклан гўзаллиги билан ўқувчини ҳаяжонга солади:

Тоғлар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,

Такбир айтган чоғи гулдираб само.

У янглиғ муножот қила олур ким,

Ёмғир - бу - пичирлаб қилинган дуо.

Ел йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,

Майсалар қалтираб қилурлар сажда.

Дуолар ижобат бўлган саналар,

Кун нурлари бунда келтирар мужда.

Ҳамма замонларда ҳам шоирлар ижодининг бадиияти ва аҳамияти ўз даврининг руҳини поэтик мужассамлаштиришида, халқнинг муайян даврдаги маърифий-маънавий камолоти даражасининг поэтик ифодасини яратиш маҳоратида яққол кўзга ташланади. “Ибодат”да шоирнинг ирфоний қарашлари, эътиқоди, адабий диди, сўзни англашга нисбатан сезгирлиги ва ҳиссиётлари, сўз маъноларидаги нозик қирраларни тўла илғаши асносида дунёга келган сатрлар китобхонни мушоҳадага ундайди. Табиат ходисалари: тоғларнинг сомеъ ўлтиришлари, пичирлаб қилинган дуо янглиғ кўнгилни поклаётган ёмғир, , ер тирнаб йиғлаётган ел, майсаларнинг қалтираган мисол сажда қилишлари инсон маънавияти, руҳиятидаги эврилишлар билан уйғунлашади. Шоир табиат манзаралари билан инсон қалб кечинмалари ўртасидаги боғлиқликнинг янги қирраларини кашф этади. Аъзам Ўктам шеърларидаги ҳар бир сўз, поэтик образ жамиятдаги воқеликлар билан вобаста. Ёмғир – шоир наздида инсон эътиқодининг, унинг дунёга муносабатининг ёрқин ифодасидир.

Бадиий тасвир воситалари бадиий асарнинг таъсирчанлиги, поэтик мукамаллиги, ўқувчи қалбига етиб боришини таъминловчи кўприқдир. Уларсиз бадиий асар қуруқ ва зерикарли бўлади. Ўқувчи ижодкор томонидан қаламга олинган воқеликни ёки ҳиссий кечинмаларни жонли, табиий тарзда ҳаётнинг бир парчаси сифатида қабул қилишни хоҳлайди. Албатта, ижодкорнинг маҳорати бадиий тасвир воситаларини қай даражада ишлата олишига ҳам боғлиқ бўлади. Аъзам Ўктам истиора, жонлантириш, эпитет, тазод каби шеъррий санъатлардан истеъдод билан фойдаланади

Шоир “Мўъжиза” шеърида шундай дейди:

Етти қават осмон остида турдим,

Жигарим деб етти оға-инини.

Роса етти кунлик йўл юриб кўрдим,

Соҳир камалакнинг етти рангини.

Қўлим ҳайрат ила ёқамни тутди,  
Эслаб саждага бош қўйган бобомни.

Айт, кўнгил:

Ким бунинг тагига етди?

Ташла

“Мен – буюкман!” – деган даъвонгни.

Шоир инсон умрини рамзий маънода етти кунлик йўлга қиёслайди. Камалакнинг етти рангида кўнгил ва қисматнинг барча ҳолатларини кўради. Бинобарин, эътиқоди бутун инсон ҳаёт синовлари ва машаққатларига бардошли ва сабр-қаноатли бўлишини, барча ўткинчи даъволардан кечишини “муҳтарам шоиримиз Аъзам Ўктам ўз шеърларида ажойиб бир нигоҳ ила илғайди ва теран фалсафа билан изҳор этган. Шу билан бирга у киши ўзликни йўқотишлик ҳолатини қаттиқ танқид қилган.” [5.Б.289] “Мўъжиза” шеъри шоирнинг қалб призмасидан ўтган чуқур фалсафий маънони ифодалайди. Шеърда мақсад улуғ, фикрлаш доираси баланд. Бундай тағмаъноли жумлаларни Аъзам Ўктам ижодида кўплаб кузатиш мумкин. Воқеликни кескин, ҳаққоний тасвирлаши билан шеърлари янада кучлироқ таассурот қолдиради. Шоир қалбидаги исён буюк интилиш, эътиқодни ифодалаши билан алоҳида эътибор ва эҳтиромга муносиб.

“Тараддуд” китобидаги шеърларни синчиклаб ўрганиш, мисралар руҳиятига чуқур кириб бориш Аъзам Ўктам ижодининг ўзига хос ва бетакрор, шакл ва мазмун жиҳатидан ранг-баранг эканлигини намоён этади.

#### Адабиётлар:

1. Қўнғуров Р. ва б. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Т., 1992. – Б. 97.
2. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Т: Маънавият, 2002.
3. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. – Т., 2003.
4. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т: Ўқитувчи, 1992.
5. Аъзам Ўктам. Тараддуд. – Т: Чўлпон, 1993.
6. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар. – Т: Мовароуннаҳр, 2014.

Ойбек ХАЙДАРОВ

“Ziyo nashr” МЧЖ 1-тоифали мухаррири

## АЛБАТТА, ШЕЪРДА ҲИКМАТ БОР

### Аннотация

Ушбу мақолада Аъзам Ўктамнинг шерлари қайси манбалардан озиқланган, моҳиятида қандай ғоялар ётади, Аъзам Ўктамнинг Алишер навоий ижоди билан қандай ўхшашлик тарафлари бор, Шоир Навоий анъаналаридан қай даражада фойдаланган, каби масалалар асосий ўринни эгаллайди. Шу асосда бу икки шоирнинг баъзи (Навоийнинг «Маҳбубул кулуб» асаридаги) мисралари қиёсий таҳил қилинади ва ўхшашу фарқли жиҳатлари келтириб ўтилади.

**Калит сўзлар:** ҳикматли шеърлар, мумтоз шоирларимиз таяниб келган манбалар, Аъзам Ўктам – Алишер Навоий анъаналарининг давомчиси, Азам Ўктам шеърлари ва Навоийнинг «Маҳбубул кулуб» асаридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар, Аъзам Ўктам – ҳикматлар куйчиси.

Буюк халқимиз ичидан азал-азалдан кўплаб шоирлар етишиб чиққан. Айниқса, ўлкамизни Ислом нури мунаввар қилгандан кейин барча соҳалар қатори шеърият ҳам шаклан ҳам мазмунан янги босқичга кўтарилган. Умумбашарий характерга эга асарлар дунёга кела бошлаган ва улар ҳозиргача вақт синовидан эсон-омон ўтиб келмоқда. Айниқса, мумтоз йўналишда ижод қилган шоирларимизнинг ғазалу мухаммаслари, қитъаю рубоийлари чуқур маъно қатлами, гўзал бадиияти, дидактик руҳи, яхшиликка йўллаб, ёмонликдан қайтариши, қисқа қилиб айтганда, ҳикматларга бойлиги билан ажралиб турган.

Хўш, улар бундай ижод намуналарини ёзишда нималарга таянганлар, қайси манбалардан илҳом олганлар? Умуман, бадиий асарнинг умрбоқийлик шартлари нималарда намоён бўлади?

Давримизнинг буюк алломаси шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратлари Шер ва шоирлар масаласига тўхталиб, шундай ёзадилар *«Улуғ шоирларимизнинг пурҳикмат байтлари, Қуръони Карим оятлари, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, мусулмон уламолардан чиққан ҳикматларга йўғрилган эканлиги ҳам ҳаммамизга очиқ-ойдин равшан. Ўйлаб қарайдиган бўлсак, шеърят мулкининг султони Алишер Навоийдан бошлаб мавлоно Лутфий ёки бошқа улуғ шоирларимизнинг номларини айтиб ўтишининг ўзи ҳам жуда кўп вақт олади. Уларнинг ҳаммалари диний илмлардан етарли маълумотга эга бўлган ва кўплари тасаввуф тариқатларидан бирини маҳкам тутган, ҳатто баъзилари тариқатларга шайх бўлган улуғ инсонлар эдилар.» [1, 2]*

Ана шундай аждодлари йўлини тутган, ҳикматларга тўла шеърлари билан халқимиз қалбидан жой олган, Алишер Навоий бошлиқ мумтоз адибларимиз анъаналарини давом эттирган, ҳаттоки шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфдек зотнинг этъирофларига сазовор бўлган шоирларимиздан бири Аъзам Ўктам саналади. У шеърларига Қуръони Карим руҳини сингдирди. Суннати набавияни назмга солди. Умри бўйи умуминсоний гоёлар, ҳикматларни куйлаб ўтди.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг «Аъзам Ўктам хотираси» номли мақоласида шоирнинг «Тараддуд» тўплами ҳақида шундай ёзади: *«...Аъзам Ўктам жанобларининг «Тараддуд» китобларини ўқиганда камина ходимингизда мутлоқ бошқа бир фикр пайдо бўлди. Кўндан бери ўйлаб, излаб юрган шеърят мана шу даражага чиқса эди, деган хоҳиш, истакни айнан «Тараддуд» китобида кўрдим... «Тараддуд» китобидаги шеърлар диний мавзудаги бошқа шеърлардан фарқли ўлароқ, баъзи бир оятларнинг, ҳадисларнинг ёки Исломий ҳикматларнинг таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг ҳаёт жараёнига қоришиб кетган фикрлари,*

*ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулоҳазалари ва халқи учун, дини учун куюниши, иймон-эътиқоди учун ёниб яшаши акс эттирилганлиги билан ажралиб туради.» [1,4]*

Шайх ҳазратлари ўз мақоласида, шунингдек, шоирнинг шахсий сифатларига урғу бериб, уни айнан мумтоз шоирларимиздек баланд бир шахсият сифатида эътироф этади. Хислатларини бирма-бир санаб ўтади.

Аъзам Ўктам шеърларини ўқиганда ундан Навоийга хос донолик, сўз исрофидан қочиш, гўзал ўхшатишу ташбеҳлар оҳанги таралиб туради. Шу маънода шоирни Навоий анъаналарининг давомчиси десак муболаға бўлмайди.

Маълумки, Алишер Навоий асарларининг таянч объекти Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф саналади. Ушбу икки манбага жо бўлган умуминсоний ғоялар, таълимотлар, Навоий талқинида ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Айниқса, шоир умри охирига қолган пайтда ёзган «Маҳбубул қулуб» – кўнгилларнинг севгани асари бевосита мазкур икки булоқдан сув ичган. Бобомиз ҳаётда кўрган турли хил феъл-атворга эга яхши-ёмон одамлар, ижтимоий табақалар, инсонлардаги кўплаб фазилату қусрларга айнан Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф призмасида қараган.

Азам Ўктамнинг «Икки дунё саодати» шеърий тўпламидан ўрин олган ижод намуналари ҳам Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг шеърий талқини ҳисобланади. Тўпламда болаларга тааллуқли бўлган ҳадислар шерга солинган. Шу нуқтайи назардан асар Навоийнинг «Маҳбубул қулуб»и билан муштараклик касб этади.

«Маҳбубул қулуб» инсонларни кўнгилларнинг севгани томон етакласа, «Икки дунё саодати» бу дунёю у дунёда саодат топиш йўллари ҳақида сўйлайди. Иккала асар ҳам инсонни бахт-саодатга етаклашга хизмат қилади, нуқсонлардан покланишга ундайди. Бизни, аслида, Энг севимлига етаклайди. Унга олиб борадиган сирли ва мўжизакор ҳикматларни ўзида жамлайди.

«Маҳбубул қулуб» ва «Икки дунё саодати» асарларида муштарак жиҳатлар бир талай бўлиб, улар қуйидагилар.

1. Мавзу жиҳатидан. Икки шоир ижодининг таянч манбайи бир бўлгани сабаб, ўхшаш мавзулар кўплаб топилади. Масалан, тавба, сахийлик, шукр, Қуръон қорилари, золим ҳақида, садақа кабиларни икки асарда ҳам учратиш мумкин.

Навоий «Маҳбубул қулуб»да тавба ҳақида шундай ёзади:

*«Ҳақдин ангаким етти иноят вақти,  
Кўнглига ёмон феъли сироят вақти.  
Исёнига фош ўлур ниҳоят вақти,  
Бу бўлди ҳидоятга бидоят вақти».* [2, 48]

Яъни шоир тавба вақтини Ҳақ (Аллоҳ)дан келадиган иноят пайти деб атамоқда. Инсоннинг ёмон феъли амалдан кўнгил ичига тушса, ёки беркинса, унинг исён (ёмон ишлар) қилишининг поёнига етаётгани, бу эса ҳидоятнинг (яхши йўлга юришнинг) бошланиши эканини айтмоқда.

Аъзам Ўктам эса худди шу мавзуни

*«Фараз қилинг — бийдай саҳрода,  
Қолдингиз хор, ёлғиз, пиёда.  
Сизга кулфат қучоғин очган;  
Юк ортилган туянгиз қочган.  
Егулик йўқ, манзил серхатар,  
Сиздан ҳеч ким олмагай хабар.  
Пайдо бўлса туянгиз шу он,  
Бўғзингизга тиқилмасми жон?  
Шодланади Оллоҳ шу қадар —  
Тавба қилса бандаси агар».* [3, 23]

шаклида ифодалайди. Икки шоир ҳам тавбанинг нақадар яхши бир нарса эканлигини таъкидламоқда. Бандасининг чин дилдан тавба қилишидан худди саҳрода йўқолган туясини топиб олгандек хурсанд бўлган Аллоҳ ана шу пайтда, Навоий айтганидек, унга ҳидоят эшигини очади.

2. Услуб жиҳати. Аъзам Ўктам «Икки дунё саодати» тўпламига киритган шерларида Навоийга хос услубдан унумли фойдаланган. Масалан,

Қурон ва ҳадисдаги каби қисқа ва лўнда жумлалар, ҳар бир сўзга катта маъно юклаш кабилар бунга мисол бўла олади. Шеръларни ўқиганингизда Навоийга хос ўзига хос оҳанг қулоғингиз остида жаранглай бошлайди.

3. Жанрий жиҳати. «Икки дунё саодати» ҳам худди «Маҳбубул қулуб» сингари насрий ва назмий шаклда ёзилган. Аъзам Ўктам ҳар бир шеърдан олдин унга асос бўлган ҳадисни келтириб ўтган, шеърдан кейин эса унинг шарҳи билан биргаликда ўша ҳадиснинг санади ҳам илова қилинган.

4. Ахлоқий-тарбиявий характери. Иккала асар ҳам ахлоқий-тарбиявий руҳда ёзилган бўлиб, ўқувчини яхшилик сари етаклаб, ёмонликдан қайтаришга хизмат қилади.

Ўхшаш жиҳатлар билан бирга мазкур икки китобнинг фарқли тарафлари ҳам мавжуд. Масалан, Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб»да сўзини аввал насрий шаклда бошлайди ва мана шу фикрларни, бир-икки байтда қамраб олади, умумлаштиради. Бу эса сўзнинг таъсирини янада оширишга хизмат қилади. Аъзам Ўктам эса биринчи шеърни бериб, кейин унинг шарҳини келтиради. Бундан мақсад – шеърини ҳадисларнинг янада тушунарли бўлишини таъминлашдир.

Бу икки асарнинг яна бир фарқли жиҳати – уларнинг аудиторияси билан ҳам боғлиқ. Навоий «Маҳбубул қулуб»ни, асосан, катта ёшли кишиларга мўлжаллаган бўлса, Аъзам Ўктам «Икки дунё саодати»ни болаларга мослаб ёзган. Шу сабабли ҳам шеърдан кейин унинг қисқача шарҳи тушунарли тилда бериб кетилган. «Икки дунё саодати»дан ўрин олган шеърлар болажонлар осон қабул қилсин учун қофияли, содда усулда ёзилган. Шоир шу тарафини ҳисобга олиб, турли хил ўхшатиш, сифатлашу ташбеҳлардан деярли фойдаланмаган. Ҳадислар қандай берилган бўлса, шундайлигича вазнга солинган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Аъзам Ўктам мумтоз шоирларимиз сингари Пайғамбаримиз соллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, шеърда ҳикмат бордир» мазмунидаги ҳадисларига амал қилароқ ижод қилган шоир саналади. Ана шу умрбоқий ҳикматлар у ёзган шеърларнинг қадрини



оширган. Шу маънода Аъзам Ўктамни ҳикматлар куйчиси десак, муболаға бўлмайди.

**Адабиётлар:**

1. М.С.Мухаммад Юсуф. Аъзам Ўктам хотираси. – Т: [www.kh-davron.uz](http://www.kh-davron.uz) – 2014.
2. А. Навоий. Маҳбубул қулуб. – Т: Фан, 1998. – 304 б.
3. А. Ўктам. Икки дунё саодати. – Т., 1998.

**Сайёра РАИМОВА**

**Термиз давлат университети ўзбек  
адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси**

**АЪЗАМ ЎКТАМНИНГ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ШЕЪРЛАРИ  
БАДИИЯТИ**

**Аннотация**

Ушбу мақолада Аъзам Ўктамнинг диний-маърифий мавзуга доир айрим шеърлари таҳлилга тортилган. Мазкур ишда таҳлил учун танланган мисоллар шоирнинг “Сахар вақти юрак йиғлар” тўпламидан олинган бўлиб, шеърларда келтирилган ақд, иқтибос каби бадиий санъатлар назарий жихатдан ҳам асослаб ўтилган. Таҳлил давомида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлардан манба сифатида фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** диний-маърифий мавзу, Қуръони карим, оят, сура, ҳадис, истиғфор, иқтибос, ақд.

Маълумки, XX асрнинг 80-йиллари интиҳосида муқаддас динимизга, урф-одат ва анъаналаримизга эътибор қаратила бошланди. Бинобарин, адабиёт ҳам бу жараёндан четда қолмади. Биз адабиётни ҳаётнинг инъикоси сифатида эътироф этар эканмиз, шу маънода янги давр – мустақиллик даври ўзбек адабиётида ҳам мумтоз ўзбек адабиёти малоҳатини, руҳини ўзида

мужассам этган диний-маърифий мавзулар тараннуми ўзгача тус олди. Шарк ва кенг кўламда жаҳон адабиёти таркибида ўзбек адабиёти ҳам Қуръонни асрлар давомида турлича ўзлаштирган ва унинг мавзулари асосида турфа асарлар яратилган.[1,6] Дарҳақиқат, бу давр шеърятининг ўзига хослигини – ирфоний мавзуларнинг акс этиши, ифода йўсинидаги турфа хиллик, лирик “мен” табиатидаги ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин. Ана шу бадий тафаккурнинг янгиланиши жараёнида диний-маърифий мавзуда ижод этган шоир Аъзам Ўктамнинг алоҳида ўрни бор. Унинг ижодида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифлар ўзига хос услубда, ўзгача шаклу шамойилда ўз ифодасини топганини кўришимиз мумкин. Айниқса, “Икки дунё саодати”, “Зиёрат”, “Тараддуд” каби тўпламлари фикрларимизни далиллайди. Замонавий ўзбек шеърятинидаги диний-маърифий мавзуда ижод қилувчи аксарият шоирлар ижодини кузатганимизда шаклий жиҳатдан айнан арбаъинчилик анъаналарига мос келмасида, мазмун-моҳияти ҳадис маъноларини ўқувчига етказишни мақсад қилганлиги билан муштараклигини англаш мумкин. Шоир Аъзам Ўктам ирфоний мавзу такомилида мумтоз адабиёт дарғалари Жомий, Навоий ва Фузулийлар анъанасини давом эттириб, муборак ҳадисларнинг маъноларини шеърнинг композициясига сингдиришда иқтибос, ақд, талмеҳ каби бадий санъатлардан унумли фойдаланган.

Шоир қуйидаги “Ота-онани билмаган Аллоҳни билмас” шеъринида “Бировнинг ота-онасини сўккан одам ўз ота-онасини ҳақорат қилган бўлур ҳадисини эпиграф, яъни рамка унсури\* сифатида келтиради ва шундан сўнг ҳадис маъноси сингдирилган назмий матнни, кейин эса ровий номи ҳамда ўз изоҳини келтиради:

Тинглаб туриб Расулulloҳни,

Билдилар энг азим гуноҳни:

---

\* Эпиграф бадий жиҳатдан самарали ва ижод амалиётида анча кенг тарқалган рамка унсуридан дир. Моҳиятан эпиграф ҳам кўчирма бўлиб, ўқувчи оммага таниш ва эътиборли манбалар (халқ оғзаки ижодидан, машхур адабий асарлар, атоқли шахсларнинг сўзлари ва б.)дан олинган гапларни сарлавҳадан кейин келтиришдан иборатдир [2,223].

“Жиноятчи одам боласи  
 Таҳқирлар ўз ота-онасин”.  
 -Бадбахтликни инсон хоҳларми,  
 Ҳақоратлаб қиблагоҳларни?  
 -Ўзганингки обрўйин тўкар-  
 Ўз отаю онасин сўкар! [3, 193].

Кўриб турганимиздек шоир ҳадис мазмунини тематик композицияга сингдириб ифодалашда ақд\* санъатини маҳорат билан қўллайди. Юқорида келтирилган ҳадис мазмуни сингдирилган шеърий матндан сўнг қуйидаги изоҳнинг келтирилиши орқали лирик субъектнинг ҳолати ойдинлашади: Абдуллоҳ ибн Амр ривоят қилган бу ҳадиси шарифда исломий одобнинг чинакам шарти аён бўлган. Пайғамбар (алайҳиссалом) ота-онага итоат этишга буюрганлар. Уларни ҳурматлаш, ризоликларини олиш буюк бахт эканини таъкидлаганлар. Ота-онага итоатсизлик қилиб оқ бўлиш Аллоҳ таолога ширк келтириш каби катта гуноҳ деб таълим берганлар. Бировнинг ота-онасини сўқиш – ўз ота-онасини ҳақорат қилиш демакдир. Буни эса Аллоҳ ва унинг расули қатъиян тақиқлаган [3, 193].

Шоир “1968 йил, сунбула” шеърида эса иқтибос\* санъатига мурожаат этади:

Шомдан саҳаргача юммайин кўзни,  
 Илк бора ўлимнинг бўлдим гувоҳи,  
 Жилмайиб жон берди айтиб шу сўзни:  
 Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” [3,38]

---

\* Ақд санъати (ар.-иккита нарсани бир-бирига мустаҳкам боғламок, тугиш). Қуръон оятлари ва ҳадислар матнини шеърий асарларда вазн ва қофия талабига мувофиқ жузъий ўзгартиришлар билан келтиришга асосланади. Ақдга мумтоз адабиётшунослик манбаларида турлича таъриф берилган. Жумладан, Атоуллоҳ Хусайний оят, ҳадис ё бирор машҳур манбадан бирор гапни жузъий ўзгартишлар билан шеърда жойлаштиришни ақд санъати деб билган. Хусайн Воиз Кошифий эса фақат оят ва ҳадис матнини вазн ва қофия талабларига мослаштириш учун жузъий ўзгартишлар билан келтиришни ақд ҳодисаси деб ҳисоблайди.[4 ,428-429]

\* Иқтибос машҳур кавлга кўра қуръон ё ҳадисдин бир нимани анинг қуръон ёки ҳадисдин олинганига ишора бўлмаган тарзда каломга киритмактин ибораттур...[5,242-243]

Шеърда лирик қахрамон гувоҳи бўлаётган ўлим манзараси: абадий ҳаёт маскани – дорул бақога рихлат қилаётган бобосининг тавба-тазарруси, ўлим олдидаги ҳолати тематик композиция якунида акс эттирилган. Лирик сюжетнинг ўй-фикр ва ҳис кечинма ривожи эса сўнгги манзилга тадорик кўраётган қилтомоқ бобонинг ҳақиқий мусулмонга хос хислати – “Яккасан, нуқсондан холисан буткул” деган истиғфорлари орқали Яратганга ҳамду санолар айтиши, тавба қилиши, яъни “Таҳоратга исроф қилдим қанча сув”, “Қанча қазо бўлди рўзаю намоз, Нафсимни тиймадим, унутдим сени”, “Болаларга таълим бермабман асло, Рост йўлга солмабман, эй Парвардигор”, деган иқрорларида ўз аксини топади. Муқаддас динимизда тавба қилган инсоннинг гуноҳлари кечирилиши ҳақидаги манбалар талайгина:

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Аллоҳ таолодан ривоят қилиб дедилар: “Эй одам боласи, сен Менга дуо қилдинг ва Мендан умид қилдинг. Мен эса, сени гуноҳингга аҳамият бермасдан кечириб юбордим. Эй одам боласи, агар гуноҳларинг осмон булутича бўлса ҳам, Менга истиғфор айтсанг, гуноҳингни кечирдим. Эй одам боласи, агар Менга ер тўлалигича хатолар билан келиб, сўнгра Менга бирор нарсани ширк келтирмасдан йўлиқсанг, ернинг тўлалигича мағфират билан бораман” [6,43].

Юқоридаги мисралар сўнггида келтирилган “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” иқтибоси аслида барча эзгу амалларнинг бошланмаси, бироқ шеърда шоир шу муқаддас ояти кариманинг маъносини тушуниб, таскин топган ва фақат Оллоҳга истиғфор айтаётган инсоннинг боқий дунёдаги илк қадами – шу муборак каломи шарифнинг илк калимаси билан бошланишини иштайди. Шу сабабдан ҳам шоир муборак калимани бобо учун фоний дунёнинг интиҳоси ва боқий дунёнинг ибтидоси тариқасида шеърнинг энг сўнггида келтиради.

“Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” ояти каримаси хусусида Шайх Алоуддин Мансурнинг “Қуръони азим мухтасар тафсири”да қуйидагича маълумот берилади: “Бу ояти карима 114 та сурадан 113 тасининг аввалида

келиши билан бирга мана шу биринчи (“Фотиха” сураси назарда тутилмоқда – С.Р) суранинг илк оятидир. Фақат “Бароат-Тавба” сурасидан бошқа 113 та суранинг олдида “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” келади” [7,12].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бадиий санъатлар А.Ўктам ижодида диний-маърифий мавзунинг бадиий талқини такомилда ифоданинг жонли ва таъсирчанлигини оширишда, шоир мақсадини амалга оширишда ҳамда лирик “мен”ни комилликка интилувчи шахс даражасига кўтариб ифодалашда поэтик восита бўлиб хизмат қилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Адабиётлар:**

1. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993.
2. Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: “Навоий унверситети”, 2018.
3. А.Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014.
4. Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О. Навоийшунослик. – Т.: “Тамаддун”, 2018.
5. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат”, 1981.
6. Имом Термизийдан қирқ ҳадис. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2018.
7. Шайх Алоуддин Мансур. Қуръони азим мухтасар тафсири. – Т.: “Мовароуннаҳр”, 2019.

**Kamolola ODILJONOVA**

**Андижон давлат университети талабаси**

**A`ZAM O`KTAM IJODIDA “ARBAIN” AN`ANASI**

**Annotatsiya**

Maqolada A'zam O'ktam ijodidagi hadislar mazmuni asosida she'r yozish – (Arbain – qirq hadis) an'anasini yoritishga harakat qilingan.

**Kalit so'zlar:** an'ana, qirq hadis, arba'in, obraz, badiiyat, g'oya, lirik sub'yekt, she'r, to'rtlik.

A'zam O'ktam Sobiq sho'rolar davrining so'nggi choragi va istiqloq davri (birinchi o'n yilligi) adabiyotida ijod qilgan iste'dodli shoirlardan biri edi. U o'zining diniy-ma'rifiy g'oyalar bilan sug'orilgan she'rlari bilan mazkur davr adabiyotiga yangi nafas olib kirgan.

Uning ijodi istiqloq davri o'zbek she'riyatining islom ma'rifati bilan sug'orilgan asarlarning yaratilishi tamoyiliga uyg'un holda rivojlandi. Xususan, A'zam O'ktamning aksar she'rlari ham islom asotir va g'oyalari ruhida yozilgan [3.B.46]. Shoirning "Ikki dunyo saodati" to'plamiga mumtoz adabiyotimizdagi hadislarni she'riy talqin qilish an'anasi asosida yaratilgan she'rlari kiritilgan. To'g'ri, garchi shoirning o'zi bu to'plamni "Imom Buxoriy to'plagan ayrim hadislarning she'riy talqini" deb nomlagan va unda o'zini talqin va izohlar muallifi deb atagan bo'lsa-da, bu to'plamga kiritilgan she'rlarni "qirq hadis" an'anasi asosida yaratilgan deb ayta olamiz. Bunday deyishimizga esa asarda 44 ta hadisning shoir tomonidan she'riy talqinining berilgani asos beradi.

Arba'in arabcha "arba" ya'ni, "qirq" so'zidan olingan bo'lib, qirqta mashhur, sahih hadis mazmunini she'riy vaznda, aniqrog'i, bir ruboiyda ifodalash san'atini anglatgan. Bunday asarlar oddiy xalq vakillari hadislar mazmunini oson tushunishi va xotirasida uzoq saqlab qolishi uchun xizmat qilgan [5]. "Arba'in" yaratish an'anasi imom Navaviy, Abdurahmon Jomiy, Navoiy ijodlarida uchraydi. Ushbu uslubda asar yaratish Islom olamida yaxshi bir an'anaga aylangan. Bunga Nabi sollallohu alayhi vasallamning quyidagi hadislari asos bo'ladi: «Rasululloh sollallohu alayhi vasallam dedilar: «Kim ummatimga din ishlari borasida qirqta hadisni muhofaza qilib bersa, Alloh uni Qiyomat kuni faqih qilib tiriltiradi va Qiyomat kuni men unga shafatchi va guvoh bo'laman» [8]. Hozirgi o'zbek she'riyatida esa Abdulla Oripov, Sirojiddin Sayyid kabi shoirlar ijodida ham davom ettirilgan bu an'anaga A'zam O'ktam o'zgacha yondashadi.

Jomiy va Navoiyning qirq hadisning badiiy talqini o'laroq yuzaga kelgan asarlari an'anaviy muqaddima qismi: hamd, na't, sababi ta'lif, asosiy va xotima qismlaridan iborat bo'lgan kompozitsiyaga ega [4]. Ushbu ijodkorlar asarlarining asosiy qismida islom axloqiga oid hadislarning arabcha matni keltiriladi va uning

she'riy mazmuni aruz vaznidagi to'rtliklarda ifodalanadi. Abdulla Oripov, Sirojiddin Sayyid kabi shoirlar esa hadislarining she'riy mazmuni barmoq vaznidagi she'rda beradilar.

A'zam O'ktamning "Ikki dunyo saodati" to'plami o'zigacha bo'lgan "Arba'in" yozish an'anasini davom ettirish bilan birga unga novatorona yondashganligi bilan ajralib turadi. Shoir "iqtibosi xall" [6.B.128] san'ati orqali qirq hadisning tarjimasi (o'zbek tilidagi varianti) va uning she'riy talqini, so'ng esa izohini beradi. A'zam O'ktam salaflardan farqli o'laroq hadislarining she'riy talqinlarini barmoq vaznidaga she'rda beradi. Masalan, shoirning "Savobning katta kichigi yo'q" sarlavhali hadisning she'riy talqini quyidagi shaklda beriladi:

***"(Biz sug'oridigan) har bir jonzotda biz  
uchun savob (ajr) mavjuddir".***

Borar ekan yo'lda bir odam,  
Tashnalikdan toldi juda ham  
Ko'rib nogoh quduqni yo'lda,  
Chanqog'ini qondirdi undan.  
So'ng boqsaki, bir it harsillab  
Tuproq namin turardi yalab.  
Sayyoh shundoq o'yga boribdi:  
"Buyam xuddi mendek horibdi".  
Tag'in pastga tushib ketdi u,  
Olib chiqdi mahsi to'la suv.  
Suvni tashna itga ichirdi,  
Olloh uning aybin kechirdi [1.B.9].

*IZOH: Abu Hurayra raziyallohu anhu rivoyat qilishlaricha, Rasululloh sallollohu alayhi vasallam yuqoridagi voqeani aytganlarida sahobalar: "Yo Rasululloh, hayvonlarga suv ichirsak ham, bizga savobi tegurmi?"— deb so'rashgan ekan. Janob Rasululloh sallollohu alayhi vasallam: "(Biz*

*sug'oradigan) har bir jonzotda biz uchun savob (ajr) mavjuddir", deya marhamat qilibdilar.*

O'n ikki misradan iborat ixcham voqeaband she'r orqali shoir Rasullohning hadisi mazmunini beradi. Hadis talqinini esa unga mos rivoyatni keltirish orqali boyitadi.

Sirojiddin Sayyid "Ikki dunyo saodati" to'plamidagi har bir hadisda ifodalangan mavzuga mos sarlavha tanlaydi va hadisning she'riy talqinini turli misrali bandlarda beradi. Shu tariqa qirq hadisdan shoir anglagan va kitobxonga anglatmoqchi bo'lgan qirq to'rtta hadisning she'riy talqini yaratiladi: "Ota-onani bilmagan Ollohni", "Yomonlik qilmaslik –sadaqa", "Eng buyuk g'amxo'rimiz", "Ota rozi – xudo rozi", "Savobning katta - kichigi yo'q", "Birovning haqqi birovda qolmas", "Munofiq olim – o'ziga zolim", "Iymonga darz ketsa, qiyomat qo'par", "Xolislik – haq yo'ldir", "Do'st bo'lar yov o'zi bilmay", "Beparvolik zolimlikdir" kabi sarlavhali she'rlar to'plami hosil qilinadi.

To'plamdan "Ta'magirning holiga voy" sarlavhali she'rda ***"Jonim qo'lida bo'lgan zot haqi, gar birontangiz (o'zgalar haqiga) xiyonat qilur bo'lsangiz, o'shal nohaq olgan narsangizni qiyomat kunida yelkangizda ko'tarib kelgaysiz.. Men sizlarni ogohlantirdim!"*** [1.B.42] hadisining she'riy talqini beriladi. Hadis mazmuni asosida chiqarilgan shoir xulosasi o'n to'rt misradan iborat bo'lgan, 4+5 tarzida turoqlanuvchi she'rda beriladi. a-a, b-b, v-v tarzida qofiyalanuvchi she'r yakunida shoir insonlarga Rasulullohning ummatlariga bergan ogohlantirishi beradi. She'rda tuya, sigir, qo'y kabi obrazlar orqali nohaq olingan haq tasviri berish orqali hadisga ijodiy yondashadi. Shoir hadislarning she'riy mazmunini iqtibos, o'xshatish, sifatlash, jonlantirish kabi badiiy tasvir vositalari orqali kitobxonga yuqumli qilishga erisha olgan.

Xulosa qilib aytganda, A'zam O'ktamning "Ikki dunyo saodati" asari globallashuv jarayonlari kechayotgan hozirgi murakkab davrda yosh avlod va kitobxonlarni ma'naviy kamolotiga hamda estetik didini yuksaltirishga xizmat qiladi.



**Adabiyotlar:**

1. A'zam O'ktam. Ikki dunyo saodati. – T: Cho'lpon, 1998. – 56 b.
2. A. O'ktam. Qirqinchi bahor: Shye'rlar. – T.: Qatortol-Kamolot, 1999. – 48 b.
3. Karimov H. Istiqlol davri adabiyoti. – Toshkent, 2007. – B. 46.
4. Navoiy Alisher. Arba'in hadis. Qirq hadis: Sharhi / So'z boshi mualliflar va sharhlovchilar: Q. Ahad, O. Mahmud; Xattot P. Samad; Mas. muh. S. Rafiddinov. – Toshkent.: Yozuvchi, 1991. – 30 b
5. Norov T. Arba'in hikmati – [hidoyat.uz/mutolaa/2065-arbain-hikmati.html](http://hidoyat.uz/mutolaa/2065-arbain-hikmati.html) ( 2013 yil 20 may)
6. Quronov D. va b. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Toshkent: Akademi-nashr, 2010.
7. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademi-nashr, 2018. – B. 221.
8. Hasanxon Yahyo Abdulmajid / [Arba'in»ning nasriy bayoni va taxriji - Islom.uz](http://islom.uz/content/view/3123/)

**Jamoldin YOQUBOV**

**Andijon davlat universiteti**

**mustaqil tadqiqotchisi**

**O'KTAM SHOIRNING A'ZAM IQRORI YOXUD**

**“BIR KUN” DAN XULOSALAR**

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada A'zam O'ktamning “Bir kun” she'ri tasavvufiy tahlil qilingan. She'ri tahlil etishda Qur'oni Karim, hadislar va tasavvufga oid ayrim kitoblar asos qilib olingan.

**Kalit so'zlar:** tasavvuf, nasf, subh, jon, e'tiqod.

Islomiy haqiqatlarni inson shuuriga singdirishda adabiyotning o'ri, shubhasiz, buyukdir. VIII asr boshlaridan shakllangan aruz vaznida mumtoz she'riyatimizning ham badiiy, ham g'oyaviy jihatdan yuksak namunalari yaratildi. Ularning ayrimlari to'g'ridan to'g'ri Haq ishqini tarannum etgan bo'lsa, boshqalari majozni ko'prik bilib tasavvufiy g'oyalarni o'z asarlari orqali kitobxon qalbiga jo etmoqqa urindilar.

Afsuski, sho'ra mustamlakachilik siyosati natijasida ko'plab adabiy merosimizga putur yetdi. Navoiy va Bobur kabi oliy maqsadlari Haqqa yetishish bo'lgan ijodkorlarimizni dahriy sifatida tahlil va talqin etishga to'g'ri keldi.

XX asrning 80 – yillariga kelib, she'riyatda yangi avlod shakllana boshladi. Asqar Mahkam, A'zam O'ktam, Aziz Sayid, Eshqobil Shukur va Abduvali Qutbiddin kabi 60 – yillarda tug'ilgan yoshlar ozodlik g'oyalarini kuylash bilan birga, diniy e'tiqod mavzularini ham she'riy san'atlar yo'li bilan goh oshkor, goh yashirin tarzda ifoda etdilar.

A'zam O'ktam biz yuqorida ta'kidlagan iste'dodlardan biri edi. Qayta qurish davridagi ma'lum bir erkinliklardan foydalanib, u ham inson va e'tiqod erki mavzusida go'zal she'rlar yozdi. Yurtimiz mustaqillikka erishgach, Islomiy mavzuda qalam tebratish osonlashdi. Shoirning “Ziyorat” (1992 – yil), “Taraddud” (1993 – yil), “Ikki dunyo saodati” (1998 – yil), “Qirqinchi bahor” (1999 – yil) kitoblarida ijtimoiy, tarixiy mavzular bilan bir qatorda diniy mavzuda yozilgan badiiy jihatdan yetuk she'rlar ham o'rin olgan.

Jumladan, uning “Ziyorat” to'plamiga kiritilgan “Bir kun” she'ri yuksak saviyadagi she'rxonning e'tiborini tortmay qo'ymaydi. Biz ushbu she'rning ayrim bandlarini diniy – tasavvufiy nuqtai nazaridan tahlil etishga jazm etdik.

Dastlab, she'rning sarlavhasiga e'tibor bersak, “Bir kun” mashoyixlar inson umrini tong va shom oralig'idagi kunduz qismidan iborat degan ekanlar. Shoir sarlavhada bizning nazarimizni yuqoridagi ma'noga qaratmoqchi bo'lgan bo'lsa ne ajab. She'rga epigraf qilib, ulug' shoir Rauf Parfining “Tuyg'ular” (Rassom do'stim Shuhrat Abdurashidov xotirasiga) she'ridagi:

*Bu qanday oroldir osmon ko'rinmas*

*Bu qanday daryodir ko'rinmas sohil.*

*misrasi olingan.*

Ardoqli shoirimiz Rauf Parfi va A'zam O'ktam shu o'rinda dunyoga ayni nigoh bilan qaramoqdalar: osmoni ko'rinmagan orol va sohili ko'rinmagan daryodan murod biz yashayotgan foniy dunyo.

*Kim bilsin —*

*Nedan so'ng qayta ishlangan  
Suv birla yuzingni, qo'lni yuvasan.  
Hanuz ololmading o'chni dushmandan,  
Bu zolim to'dani qachon quvasan?*

Birinchi to'rtlikdagi dushmandan muddao – shayton, to'da esa uning lashkarlari, dunyo hoyi havaslaridir. E'tibor bersak, she'r savol bilan boshlanmoqda. Bizningcha shoir o'zgalarni emas, o'z ruhiy olamini so'roqqa tutmoqda.

*Ko'zingga qon emas,  
Yosh to'lar nogoh.  
Qo'lni musht qilmaysan, ko'kka cho'zasan.  
Muncha so'ranasan —  
Garchi boy Oллоh —  
Ayt, undan qarzingni qachon uzasan?*

Ikkinchi to'rtlikda ham o'z ruhini tergash davom etadi. Alloh taolo Qur'oni Karimning “Qiyomat” surasida **“va malomat qiluvchi nafs bilan qasam”** (2-oyat) deb marhamat qilgan. Shoirning poetik dunyosi naqadar kengligini yuqoridagi misralardan ham sezish mumkin. Haqning g'aniy (boy) sifatini e'tirof etgan holda unga yig'lab iltijo qilishdan oldin uning buyruqlarini bajarish muhimligi uqtirilmoqda.

*Qutlug' so'zni aytib rangpar muazzin  
Ibodot qilmakka chorlar dunyoni.  
Ammo bosib ketar uning ovozin  
Bozordagi kaslar shovqin-suroni.*

Rangpar muazzin va azondan iroda qilingan maqsad – inson qalbidagi irfoniy tuyg'ularning jonli tasviri. Va lekin qalbga joylangan Rabboniy bu fitrat bor ersa-da, insonni yolg'onchi dunyoning nag'malari chalg'itadi, *bozordagi kaslarning shovqin suroni* qalb sadosini sassiz bir holga olib keladi, muhrlaydi.

*Xayyom so'zi tushar esingga tinmay,  
Baxtsizlik izhori seni aylar rom:*

*Sekin pichirlaysan bilib yo bilmay:*

*«Na chin musulmonmiz, na kofir tamom».*

Oradan necha asrlar o'tsa ham Xayyomning so'zi o'z haqiqatini yo'qotmagan. She'r yakunida shoir aniq bir xulosaga keladi.

*Tong yaqin!*

*Uzun kun boshlanar shu zum,*

*Tong — bu — qora tunga bo'lur nihoya.*

*O'zingdan kerakdir o'zingga hujum,*

*O'zingga kerakdir o'zdan himoya.*

Tasavvuf ilmining bosh maqsadlaridan biri: inson nafsini poklash. Subh esa arab tilida toza, sof degan ma'noni anglatadi. Shoirning umidi tongni sof holda qarshi olish. Qora tundan ya'ni qalb kirliklaridan xalos bo'lish. Nafs so'zi ayrim manbalarda "jon" va "o'z" ma'nolarida keladi. Tasavvufiy istilohda esa o'zini yengish deganda nafsni jilovlash, ta'bir joiz bo'lsa, uni o'ldirish nazarda tutiladi. Demak, inson o'z nafsini bilan doimiy kurashlarda bo'lishi kerak.

A'zam O'ktamning vafotidan so'ng "Osmon yaqin" (2011 – yil), "Sahar vaqti yurak yig'lar" (2014 – yil), "To'maris bilan suhbat" (2019 – yil) kitoblari nashr etildi. Professor Bahodir Karimov ta'kidlaganidek: "adabiyotshunosligimizda A'zam O'ktam ijodi hali yetarlicha tadqiq qilinmadi".

Aksar diniy ruhdagi she'rlarning badiiy saviyasi u qadar yetuk bo'lmaydi, biroq A'zam O'ktam she'riyati esa bundan mustasno. Bunga biz yuqoridagi she'r misolida amin bo'ldik.

Nima bo'lganda ham yuqoridagi talqin va fikrlar oddiy bir kitobxonning she'rxon sifatidagi qarashlari xolos. Islomiy ilmlar yoki tasavvuf adabiyoti bilimdonligiga aslo da'voyimiz yo'q.

#### **Adabiyotlar:**

1. A'zam O'ktam. – Farg'ona:Ziyorat, 1992.
2. Qur'oni Karim va o'zbek tilidagi ma'nolar tarjimai. Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. – T.: Hilol nashr, 2015.
3. Rauf Parfi. Sabr daraxti. – T.: G'afur G'ulom ., 1986.
4. Mahmud Asad Jo'shon. Tasavvuf va nafs tarbiyasi. Tarjimon: Nodirxon Hasan. – T: Sharq, 1997.

Diyora MAHMUDOVA  
Andijon davlat universiteti talabasi

## A`ZAM O`KTAM SHE`RIYATIDA PEYZAJ

### Annotatsiya

Maqolada A'zam O'ktam she'riyatidagi peyzaj tasvirining o'ziga xosligi, poetik vazifalari yoritilgan. Xususan, unda shoir she'riyatidagi peyzaj detallarining lirik sub'yekt ruhiyatini tasvirlashda, mavjud muhit tasvirini berishda vosita vazifasini bajarishi asoslangan.

**Kalit so'zlar:** peyzaj, peyzaj lirikasi, peyzaj detallari, an'ana, novatorlik, tematik kompozitsiya, kompozitsion unsur, ramka unsurlari, yondosh matn, lirik sub'yekt.

A'zam O'ktam o'tish davri deb atalmish bir davrda ijod qilgan iste'dodli shoirlardandir. Uning she'rlari sodda va tushunarli, uning lirik qahramoni botinan go'zal, islom ma'rifatini qalbiga jo qilgan va yurt dardida yurgan vatanparvar insonlar. Uning she'riyatida jamiyatdagi illatlarga kinoyaviy munosabat va dunyoga o'zgacha nigoh bilan qarovchi lirik sub'yekt qalb kechinmalari tasvirlanadi. Shuningdek, unda shoirni qiynayotgan va qalbini iztirobga solayotgan, ijtimoiy-siyosiy voqelik sabab yuzaga kelgan kechinmalar tasviri ham yetakchilik qiladi.

Peyzaj (fr.paysage – joy, yurt) – adabiy asarlarda yaratiluvchi badiiy voqelikning muhim komponenti, voqealar kechuvchi ochiq makon tasviri. An'anaga ko'ra peyzaj deyilganda tabiat tasviri tushuniladi, lekin bu xil tushunish birmuncha torroq. Chunki peyzaj nafaqat tabiatni, balki u bilan birga inson tomonidan yaratilgan narsalar tasvirini ham ko'zda tutadi. Shu ma'noda, masalan, biron-bir xiyobon yoki shahar ko'chasining tasviri ham peyzaj, holbuki ular tabiat tasviri emas, joy tasviridir [4. B.221].

Badiiy asarda peyzaj ikki xil ma'noda: badiiy asardagi kompozitsion unsur hamda lirik tur janrlaridan biri sifatida tushuniladi. A'zam O'ktam ijodida peyzaj detallari kompozitsion unsur sifatida poetik vazifa bajaruvchi she'rlar ham, peyzaj lirikasi namunalari ham uchraydi. Peyzaj lirikasiga kiritish uchun unda to'laqonli manzaraning chizilishi taqozo etiladi. Shu ma'noda, peyzaj detallari kechinmalarga turtki beruvchi, lirik holatni yaratuvchi va shu kabi kompozitsion unsur vazifasini o'tagan she'rlar bilan peyzaj lirikasini farqlash joiz [4. B.222]. A'zam O'ktamning "Mujda", "Bog'" kabi she'rlarining ayrim bandlarida tabiat tasviri, joy tasviri, peyzaj detallari beriladi. Mazkur she'rlardagi tabiat manzaralari peyzaj detallari sifatida his-tuyg'ularga turtki beradi, lirik syujet rivojini asoslaydi. Lekin ushbu ijod namunalari peyzaj lirikasi emas, balki peyzaj detallari kompozitsion unsur sifatida poetik vazifa bajargan she'rlardir.

A'zam O'ktamning "Mujda" she'rida sovchi kelgan hovli tasviri tandir, devor, tom chertgan yomg'ir kabi peyzaj detallari orqali beriladi:

Bo'ynin qisar qimtinib tandir,  
Pasayganin qis etar devor,  
Tomni chertar tun bo'yi yomg'ir.  
Sovchi keldi bu uyga ilk bor. [2.B.4]

Shoir 4+5 turoqlangan sakkiz misrali she'rida tashxis (joylantirish) tasvir vositasida sovchi kelgan uy egalari va qizning kechinmalarini mahorat bilan suratlantiradi.

A'zam O'ktamning "Bog'" she'rida ham "asabiy g'o'ldirayotgan soy", "g'azabli g'uldirayotgan tog'lar", "quvib yetolmagan soy", "begona o'tlar", "qog'ozlarni xo'l qilgan shudring" kabi peyzaj detallari orqali lirik sub'yekt – ozod o'lka orzusi armonga aylangan yosh shoir iztiroblarini beradi. Shoirning ko'ksini sirqiratib og'ritayotgan barpo etolmagan "bog'" – ozod vatan ramzi sifatida keladi:

Ko'zim tinib ketdi, sirqirar ko'ksim,  
barpo etolmagan bog'ingga qarab.  
Umi yoshligimning, qalbimning aksi?  
Asabiy g'o'ldirar

seni quvib yetolmagan soylar.

G'azabli guldirar

senga ergashib ketolmagan tog'lar. [2.B.17]

Peyzaj lirikasi esa "... tavsifiy lirikaning bir turi, lirik sub'yektning his-tuyg'u va kechinmalari tabiat tasviri orqali ifodalangan asar. Peyzaj lirikasida tasvirlangan tabiat manzarasida lirik sub'yekt qalbi suratlanadi, lirik sub'yekt qalbidan o'tkazib berilgan manzara oniy kayfiyatning obraziga aylanadi. Peyzaj lirikasida tabiatni tasvirlash maqsad emas, balki bir vositadir[4. B.221]. A'zam O'ktamning "Ko'klam sog'inchi", "Chorbog'" she'rlari tavsifiy lirikaning yorqin namunasi bo'lib, shoir ularda ko'klam va bog' manzaralarini tavsiflash va tasvirlash orqali lirik sub'yekt his-kechinmalari, o'y-fikrlarini akslantirgan. Ushbu lirik asarning yondosh matni bo'lgan sarlavhaning "Ko'klam sog'inchi" deb nomlanishining o'ziyoq lirik qahramon kayfiyati, ruhiyatidan o'quvchiga xabar beradi va she'rning tematik kompozitsiyasida boshlanma vazifasini ham bajaradi:

Chimdib tortar quloqni, ignasanchar izg'irin. Tuman. Ko'rmay uzoqni,  
hamma turtar bir-birin.

Og'iz ochirmas dovul, oyoqlarim toyadi. E voh, ko'klamga dovur sovuq  
jonni o'yadi.

Yurt bir kun qishdan bezgay – yam-yashil tug' ko'tarar: xazon bosgan, qor  
ezgan bog'larimiz ko'karar! [2.B.43]

Tavsifiy lirika namunasi bo'lgan mazkur she'rda shoir tabiat manzaralarida yurt ozodligi haqidagi mushohadalarini suratlantiradi. She'r o'zaro qofiyalangan olti misradan tashkil topgan va barmoq vaznida yozilgan. Shoir she'rning ilk qo'sh misrasida tuman va izg'irinli qish manzarasini beradi. Keyingi qo'sh misrada esa dovul va jonni o'yuvchi qish tasvirini chizadi. So'nggi qo'sh misrada g'oyaviy maqsadining ifodasini – yurt bir kun qishdan bezib, ko'klam kelishini xohlashi va olamga ko'klam kelishining xabarini beradi. She'rda ko'klam ramziy obraz sifatida mustaqillik, hurlikni anglatsa, qish, tuman, sovuq va izg'irin ramzlari esa mustabid tuzum ma'nosini bildiradi. A'zam O'ktam she'rda "izg'irinning quloqni tortishi", "ustunlarga o'ralgan shamol", "insonning olg'a yurishiga to'sqinlik qilayotgan

dovul”, “yashil tug‘ni ko‘tarilishi”, “xazon va qorning chekinishi” kabi ramzlar hamda tashxis tasvir vositasi orqali lirik sub’yektning istiqloq haqidagi o‘y-fikrlari va kechinmalarini beradi.

A'zam O'ktamning peyzaj lirikasi yoki peyzaj detallari berilgan she'rlarida ijtimoiy-siyosiy mavzular bilan birga diniy-ma'rifiy mavzular ham yoritiladi. Xususan, uning “Chorbog‘” she'ri lirik sub'yekti imon halovatini tuygan inson. U barcha narsada Yaratganning shukrini qilayotgan maxluqotlar – yaratilmishlarni ko'radi:

Poklanmoqqa suv eltar ariq,

Qaldirg‘ochlar tushirar takbir.

Sajdadan bosh ko‘tarmas poliz,

Tandir — yuvosh duogo‘y kampir.

Shoir she'ning ilk bandida ariqdagi suv, qaldirg‘och, poliz, tandir kabi peyzaj detallari tashxisi (jonlantirish) vositasida tabiatning barcha narsalarida maxluqotlarning sajdadini ko‘rgan lirik sub'yekt kechinmalari va o‘y-fikrlarini akslantiradi. Shoir uchun ariqdagi suvning ham Allohdan olgan – poklanmoq uchun suv eltish vazifasi bor. Ariqdagi suv o‘z taqdiriga yozilgan vazifani ado etish bilan Yaratganning shukrini qiladi. Qaldirg‘ochlar esa takbir aytish bilan, poliz esa sajda qilish bilan, tandir esa duo qilish bilan Yaratganning shukrini qiladi.

Keyingi badda ham peyzaj detallari tavsifi beriladi: teraklar Yaratganga ibodat qilish uchun saf tortgan yigitlarga, makkajo‘xorilar esa bola quchoqlagan holda ibodat uchun shaylanayotgan ayollarga mengzaladi:

Teraklar saf tortgan yigitlar,

Makkajo‘xorilar bir maydon ayol –

Yo‘rg‘aklangan bola quchoqlab,

Shukr namoziga saflangan. [2.B.19]

Shoir she'r bandida peyzaj detallari va tashbehni mahorat bilan qo'llaydi hamda bu olamda barcha narsa, hatto tabiat ham Yaratganga shukr qilib ibodat qiladi, degan diniy-ma'rifiy g'oyani ta'sirchan ifodalaydi. Bu g'oyalar esa Sharq tasavvuf falsafasi g'oyalariga hamohangdir. A'zam O'ktam ushbu she'rini



yaratishda Qur'on oyatlari va "Hayrat ul-abror" dostonining "Avvalg'i hayrat" bobidagi Navoiy g'oyalaridan ilhomlangani shubhasiz.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, A'zam O'ktamning peyzaj tasviri shoir g'oyaviy maqsadi ifodasiga xizmat qiladi, shuningdek, lirik sub'yekt his-kechinmalari, o'y-fikrlarini obrazli tarzda yoritib beradi.

**Adabiyotlar:**

1. A'zam O'ktam. Shye'rlar va tarjimalar. – T., 2019.
2. A.O'ktam. Qirqinchi bahor:She'rlar. – T.: Qatortol-Kamolot, 1999. – 48 b.
3. Karimov H. Istiqlol davri adabiyoti. – Toshkent, 2007. – B. 46.
4. Quronov D. va b. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Toshkent: Akadernashr, 2010.
5. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akadernashr, 2018. – B. 221.

**Ahadjon MAHAMMADIYEV**

**Andijon davlat universiteti O'zbek adabiyotshunosligi**

**kafedrasi o'qituvchisi**

**A`ZAM O`KTAM SHE`RLARIDA LIRIK QAHRAMON  
RUHIYATINING YORITILISHI**

**Annotatsiya**

Maqolada A`zam O`ktam she`rlarida lirik qahramon ruhiyatining yoritilishi masalasi yoritilgan.

**Kalit so`lar:** lirik qahramon, lirik sub`ekt, lirik men, lirizm, obraz, g`oya, she`r, ijodiy niyat.

Lirik asarlarda ko`p hollarda lirik qahramon ijodkorning o`zi hisoblanadi. Shuning uchun lirik qahramonning ruhiy dunyosini, uning ichki olamini teranroq his qilish uchun uchun ijodkorning biografiyasiga murojaat qilinadi. Ma`lum bir mavzuda yozilgan she`rlarda ijodkorning shaxsiy qarashlari va ichki olamida yuz berayotgan o`zgarishlarni chuqurroq anglash va ularga oqilona yondoshish kerak

bo`ladi. Qahramonning ruhiyati asosiy o`ringa chiqadi va bu lirik asarda o`zini namoyon qiladi. A`zam O`ktam ham o`z she`rlarida lirik qahramonning ruhiy holatini ko`rsatib berish uchun bir qator tashbehlardan, ajoyib vositalardan foydalangan. Ijodkor she`rlaridagi lirik qahramon millat va jins tanlamaydi. Hammaga birdek tanish tuyuladi. Shoirning she`rlarini o`qigan she`rxon beixtiyor o`sha she`rda o`zini ko`radi. She`rdagi inja tuyg`ular juda tez “yuqadi”.

Ijodkor “O`yin” deb nomlangan she`rida lirik qahramon holatini kutilmagan tasvirlar orqali beradi. Bu she`rda lirik qahramon ijodkorning o`zi hisoblanadi. Ijodkor o`z qalbidan o`tayotgan alamli tuyg`ularni taqdir o`yin qilganini iztirob bilan yozadi. Lirik qahramon daralarga borib o`zining ulug`ligini ko`rsatib qo`yish maqsadida “Men ulug`” deb hayqiradi. Dara esa hotirjam tarzda uni nazariga ilmagandek “G`ulu” deb aks sado beradi. Bundan ko`rinadiki, qahramon bu hayotda nimani istasa, nimaga intilsa hayot unga teskarisini bergan. Uning ichida bir qancha iztiroblar tinmay g`alayon qiladi. Bir lahza bo`lsada hayotdan rohatlanishga qo`ymaydi. Ijodkorning qalbidagi o`jarlik ikkinchi bandda o`z aksini topadi. Lirik qahramon endi kelajakdan fol ochishini so`rasa taqdir yana qaysarlik qiladi va unga fol so`zining teskarisini aytadi. Xuddiki, uning shuncha yashagan umri yolg`on bo`lgan-u, endilikda kelajagi ham lof. Endi tasavvur qilib ko`radigan bo`lsak, qarangga, bir odamni yashagan umri sarob bo`lib chiqsa, qanday ahvolga tushadi. Endi masalaning ikkinchi tomoni ham borki, undan aslo yuz burib bo`lmaydi. Inson yashab kelgan yoki yashayotgan davrigina haqiqat va undan boshqa barchasi, xususan, kelajak ham lof, yolg`on. Inson bugungi kuni bilan yashashi lozim deb uqtirilayotgandek taassurot qoldiradi. She`rning oxirgi bandida esa lirik qahramonning ruhiyati ayni o`zini ko`rsatadi. Chunki taqdir unga shu paytgacha qanday munosabatda bo`lgan-u, u taqdirga, hayotga nisbatan qanday munosabatda bo`lganligi yaqqol ko`zga tashlanadi. Qahramon doimo hayotga intilgan, hayotni sevib yashagan, uning har bir istaklarini bajarishga harakat qilgan. Lekin, ters taqdir uni doimo qiynab kelgan. Ayni shu bandda lirik qahramonning ruhiy dunyosi to`laligicha bo`y korsatadi.

Ingradim:

“Oh, oh, oh,”.

Gumburlaydi:

“Ho, ho, ho”.

Ana endi bir tasavvur qiling: siz hayotning barcha shartlariga rozi bo`lgan holda undan nimadir kutasiz, u esa sizga kutganingizning ayni teskarisini sovg`a qiladi. Lirik qahramon ham ayni shu holatga tushgan.

Shoirning yana bir “Ixtiro” deb nomlangan she`rida ham kishini o`yga toldiruvchi va diqqatni to`zg`itib yuboruvchi hukmni anglash mumkin. O`zining ruhiy holatini o`quvchiga ham yuqtira oladi. Bu she`rni o`qigan inson bevosita o`yga toladi. Uning ruhiy olamida qandaydir o`zgarishlar yuz bera boshlaydi. Bir lahzaga bo`lsa ham o`yga toladi va inson o`zining shu paytga qadar sodir etgan xatolarini bir-bir ko`z oldidan o`tkazadi.

Aqlim endi yetyapti oz-moz:

Astoydil qasd qilsa bas odam,

Aylanadi kundaga qog`oz

Bolta bo`lar bemalol qalam.

Tafakkur qilishga undaydigan to`rtlik. Insoniyatni qay darajada tubanligini, ayniqsa qog`oz va qalam yordamida qilish mumkin bo`lgan ishlarni bolt avay kunda yordamida ham qilib bo`la olmasligini juda chiroyli tarzda tasvirlagan. Insonni o`ldirish uchun bolta va kunda shart emas. Uni qog`oz va qalam yordamida ham o`ldirsa bo`ladi. Qarang, ijodkor fikrlashning juda yuqori cho`qqisiga chiqib borgan. Shuning uchun ham lirik qahramonning ruhiyatiga ilashmoq uchun oz bo`lsa-da fikrlash lozim bo`ladi. Umuman, A`zam O`ktamning har bir she`rini o`qish va unda ilgari surilgan g`oyani tushunish, lirik qahramonning ruhiy dunyosini his qila olish, undagi dardni o`zimizga “yuqtirish” uchun bizdan kata tayyorgarlik talab etiladi. Chunki ijodkorning biron she`ri shunchaki yozilgan emas, balki yuksak bir ko`ngildan to`kilgan inja tuyg`ularning suratidir.

A`zam O`ktam chin ma`noda o`z ovozigaga ega ijodkor edi. Yozgan har bir she`rida uning ovozi eshitiladi, har bir misrasida uning nafasi sezilib turadi. O`zbek she`riyatida o`zining sezilarli o`rniga ega ijodkor edi.

Turaverar kerib ko`kragin,

A`zam O`ktam o`lar – egilsa.

Ijodkorning yozgan har bir she`ri o`zi aytgandek bugungi o`zbek she`riyatida viqor bilan ko`krak kerib turibdi. Haqiqiy she`r muhlislari, ruhiyat dunyosi keng kitobxonlar bor ekan A`zam O`ktamning ovozi hech qachon so`nmaydi. Qancha ko`p o`qilgan sayin insonni o`zligini topishga undovchi chaqiriq bo`lib qolaveradi.

**Adabiyotlar:**

- 1.А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
- 2.А.Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т.: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48
- 3.А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
- 4.А.Ўктам. Сахар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т.: “Мовароуннахр”, 2014. –

304 б.

**Бегали МЎМИНОВ**

**Андижон давлат университети ўзбек**

**Адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА МИЛЛИЙ ҒУРУР**

**Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктам ижодиди миллий ғурур ва ифтихорнинг ифодасидаги ўзига хослик, шоир бадиий маҳорати ёритиб берилади.

**Калит сўзлар:** миллий онг, миллий ғурур, образ, лирик кечинма, бадиий маҳорат, лирик қахрамон, услуб, лирика.

Ҳар қандай ижодкор маълум бир халқнинг, миллатнинг вакили сифатида, энг аввало, ана шу инсонларнинг овози бўлиб майдонга чиқади. Айниқса, шоирлик матлабини ўзига олган инсонда она ватанга, жафокаш халққа, миллий қадриятларга бўлган муҳаббат, чинакам содиқлик, ҳурмат ва эҳтиром туйғулари бошқаларга қараганда юксакроқ, теранроқ намоён бўлади.

Шоир Аъзам Ўктам ижоди билан танишган китобхон бевосита ана шундай туйғулар гирдобига кириб боради, қалбида ўзига хос миллий ғурур ва ифтихор уйғонади. Масалан, унинг “Тўмарис билан суҳбат” китобига кирган “Онамга” номли шеърида лирик қаҳрамон-шоир ҳамма нарсадан ҳам Ватан саодатини устун қўяди:

Биз қутлуғ манзилга етмоғимиз шарт,  
Кураш интиҳоси — саодат зотан.  
Ўзни фидо этмак ҳам ахир бир бахт,  
Биз ватанга керак, бизларга ватан!

Шоир ўтмиш аждодлар каби бу қутлуғ заминни асраб, унинг ёруғ келажаги учун курашиш зарурлигини теран англайди, келажак авлодлар олдида жавобгарлик ҳиссини туяди, ҳақиқий инсоннинг яшашдан мақсади ана шундай бўлиши кераклигини қатъият билан айтади:

Яшолмасанг бутун ҳаётинг бекор —  
Бир қалбда ишқ бўлиб, саодат бўлиб.  
Мовий келажакка бормаслик даркор,  
Эзгуликдан машъум «қора хат» бўлиб.

Адабиётимизга 80-йиллар авлоди билан бирга кириб келган шоирда бевосита салафлари сезган ижтимоий, маънавий, ахлоқий қадриятларнинг сусайиб кетганлигига муносабат акс этмоғи аён ҳақиқатдир. Чунки давр зиёлилари руҳиятида кечаётган “инқилоб”лар адабий авлод вакилларининг аксариятида ўзгача шакл ва услубда ўз ифодасини топган. Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон каби ижодкорлар каби Аъзам Ўктам ижодида ҳам миллий руҳ, миллий ғурур ва ижтимоий пафос акс этганини кўриш мумкин. Юқоридаги шеър “Онамга” деб номланган бўлса-да, унинг интиҳоси мана шу юртнинг, жабрдийда халқнинг дарди билан яшаётган, ўзида қандайдир жавобгарлик, масъуллик ҳиссини англаётган фаол шахснинг бадий мушоҳадалари билан ифодаланади:

Манзилим олисдир, менга йўл тиланг,  
Бобом Муқаннанинг кўйлагидек оқ.

То заминда тинчлик барқарор бўлсин,  
Дунёнинг иқболи янада порлоқ!

Шоир ижоди ҳақида Рауф Парфи шундай дейди: “ Унинг кўзлари ўткир, кулоқлари зийрак, юрагининг қаърларида изтиробли сирлари бор эди. Дунёнинг аламли ғовурлари, аччиқ ғулувлари уни тез улғайтириб қўйган эди.

... Ўзбек шеърляти боғида Аъзам Ўктам дарахтини тез илғаб оласиз. Бу дарахт кўп замонлар ажойибу ғаройиб меваларини армуғон қилажак. Бу дарахт боғни сарғайтириб қўймайди, доим қайта туғилиб, қайта ўлиб, қайта тирилиб, шовуллаб тураверади”.

Дарҳақиқат, Аъзам Ўктам ижоди янги давр ўзбек адабиётининг, бадий тафаккурининг ривожид алоҳида аҳамият касб этади. Унинг “Далил” номли шеърда ҳам ўзбек миллатининг нақадар буюклиги, узоқ илдизларга эга бўлган бебаҳо маънавий бойликларга эгаллиги, улуғвор тарихий жараёнларни бошидан кечирганлиги, лекин ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмай, эрк учун, иймон-эътиқод учун курашиб яшаганлигини ва буни унутмаслик, аждодларга муносиб авлод бўлиш кераклигини уқтиради:

Қул бўлган эмасмиз, ҳеч биродарлар,  
Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди:  
Ўқталган мушт каби турар минорлар,  
Мақбара куббаси дубулға худди.

Шоир шеърда ўзига хос ташбеҳларни қўллайди, юртни мустамлакага айлантирмоқчи бўлган душманларга қарши тинимсиз курашган эрксевар миллат қиёфасини баланд миноралар тимсолида ифодалаб беради. Шу билан бирга, дунё тамаддунига бебаҳо илмий, ижодий мероси билан катта ҳисса қўшган миллатни саводсизликда айблаганларга ўзига хос истехзо билан, ғурур билан жавоб бергандек бўлади:

Ва буткул саводсиз эмасдик ҳечам,  
Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир.  
Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам  
Китоблар шаклида қурилган ахир.

Аъзам Ўктам ўша даврдаги биқик ижтимоий-сиёсий муҳитда ўзининг хақиқатига содиқ қолган, ҳақ сўзни айтишдан асло чўчимаган, тоталитар тузум асоратларидан қийналаётган халқнинг орзу-армонларини очиқ-ойдин ифодалай олган курашчан, туғёнкор, тиксўз ижодкор, ватан ва миллат фидойиси сифатида ҳамиша қадрлашга ҳақлидир. Шоирнинг “Тараддуд” шеърида ҳам мана юрт озодлиги, миллатнинг кадр-қиммати, иймон-эътиқоди учун худди Чўлпон каби курашга шайланган ва бу йўлдан асло қайтмайдиган, буни ўзига бирламчи мақсад деб билган фидойи ва курашчан инсонни кўраимиз.

Йўл аниқ, қайтиш йўқ.

Мен кетдим энди.

Кечган нарсам — жонни ўйламам ҳечам.

Битта майдон керак — курашгим келди:

Тўшакда ётгулик қилмасин ўлсам!

Дарҳақиқат, Аъзам Ўктам оғир синовли йилларда яшаган ва ўз эътиқодига содиқ қолган, буюк устозлар анъанасини давом эттириб, чинакам ҳаққоний шеърият, ибрат бўларлик ҳаёт ва ижод мактабини қолдирган шоирдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 б.
2. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: Янгиқўрғон, 1992. – 32 б.
3. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1998. – 56 б.
4. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – 56 б.
5. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. – 48 б.
6. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... Шеърлар. – Тошкент: Абу Матбуот - консалт, 2011. – 160 б.

## 2- ШЎЪБА

### АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИНИНГ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

---

Низомиддин МАҲМУДОВ

ЎРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,  
филология фанлари доктори, профессор

### АЪЗАМНИНГ ЎКТАМ ВА ЎЛМАС СЎЗИ

Ҳеч бир бир муболағасиз айтиш жоизки, Аъзам Ўктам ўзининг қисқа умри давомидаги ижоди билан замонавий адабиётимизда ўз ўрнини топа билган беназир шоирлардан биридир. Унинг шеъриятида одам боласинингбу оламда шу рутбага муносиб бўлишдай эзгу муддаосининг тириклиги ҳеч бир иддаосиз бадиий тасвирланади. Бу улуг муддаога етмоқнинг рост йўллари изларкан, ислом фалсафаси ибратлари ва халқ донишмандлиги ҳикматларидаги расо ўзанларидан улги олади. Ўзбек адабиётшунослигининг улкан дарғаси Озод Шарафиддинов Аъзам Ўктамнинг ўзига хос шоир эканлигини алоҳида қайд этар экан, унинг “биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеъриятига диний–маърифий оҳанглари олиб кирган”лигини таъкидлайди. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг Аъзам Ўктам шеърияти ҳақида айтган қуйидаги фикрлари ҳам бениҳоя қимматлидир: “Кўпдан бери ўйлаб, излаб юрган шеърият мана шу даражага чиқса эди деган хоҳиш, истакни айнан “Тараддуд” китобида кўрдим. Аввало тан олиб айтишим керакки, мен Аъзам Ўктамни яхши танимас эканман. Бу эҳтимол камчилигимиздир. Лекин шунчалик шеър битишга иқтидори бор шоир, ҳам ватандошни танимаслик албатта биз учун обрў ҳам бўлмас. “Тараддуд” китобидаги шеърлар диний мавзудаги бошқа шеърлардан фарқли



ўлароқ баъзи бир оятларнинг, ҳадисларнинг ёки Исломиё ҳикматларнинг таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг ҳаёт жараёнида қоришиб кетган фикрлари, ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулоҳазалари ва халқи учун, дини учун қуюниши, иймон-этиқоди учун ёниб яшаши акс эттирилганлиги билан ажралиб туради.”

Шоир Аъзам Ўктам ҳақида бундан ўттиз йиллар илгари менга фарғоналик, туғишгандай акамиз, сўз ва санъатнинг том маънодаги муҳиби Қодир Дехқон жуда катта ифтихор ва ҳаяжон билан гапириб берганди. Кейин мен унинг шеърлари билан танишдим. Сўнг унинг “Зиёрат” деган юпқагина китоби кўлимга тушди. Мен бу китоб ҳақидаги таассуротларимни 1992 йилнинг 18 сентябрида “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида эълон қилгандим. “Сўз зиёрати” деб номланган бу ихчамгина тақриз шундай эди: “Таътил баҳонасида яқинда дилбар Фарғонининг гўзал гўшаларидан бири Бувайда туманида бўлдим. Фарғонада қадим-қадимдан нафис сўзга эҳтиром ва этиқоднинг баландлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу устивор этиқодга садоқат самараси сифатида бу заминдан тафт олган кўплаб фарзандлар номи адабиётимиз ва санаътимиз тарихида ўз ўрнига эга. Бу юртда бадий сўз кадри ҳамиша сарбаланд, касбидан, ёшидан қатъи назар, бу юрт кишилари шеърпараст, сўзпараст, куйпараст... Савдо соҳасида ишлайдиган кадрдон дўстим Шарофиддин ҳали босмаҳона буёғи қуриб улгурмаган бир китобчани кўрсатиб, китобдаги шеърлар унга маъқул бўлганини айтиб ўз фикрларини билдирди. Мен китобчани олиб, ҳафсала билан ўқиб чиқдим, очиғи, ҳузур қилиб ўқидим, айна пайтда қалбимни маҳзун бир кайфият чулғади. Бунинг боиси бор.

Китобча Бувайданинг Янгиқўрғон қишлоғида нашр этилган. Бугунги иқтисодий аҳвол ва китоб нашри муаммоларини билган киши учун китобчанинг нашр қилинган жойи “янгилик” эмас. “Зиёрат” деб номланган ушбу китобда бағишлов бор: “Устоз Қодир Дехқон хотирасига бағишлайман” Қодир Дехқон (Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) дилбар ва дилкаш инсон эди, давраларнинг гули, нафис мажлисларнинг булбули, ҳалоллик ва

хақиқатпарварликнинг кули эди у. Фарғоналиклар орасида у кишини билмайдиганлар кам топилади. Тумандаги маданият ишларининг равнақига катта ҳисса қўшган Қодир Дехқоннинг ҳавас этгулик таъби назми бор эди, бир-икки шеърый китоб ҳам нашр қилдирган эди. Фарғонанинг, ўзбекнинг улкан ҳофизи Расулқори Мамадалиев вафотига куйиб ёзган "Марсия"сини Камолиддин Раҳимов фиғон билан айтганда юраклар зиркирайди... Қодир Дехқон шеър машқига иштиёқи бор ҳар бир қаламкашга ҳурмат билан қарар, унга ўз маслаҳатларини берарди. "Зиёрат" тўпламининг муаллифи ҳам ана шу маслаҳатлар туфайли бугун Аъзам Ўктам бўлиб танилган журъатли шоирдир. Аъзам Ўктам дастлабки бир-икки китоби биланок ўз мухлисларини ва, демак, ўз йўлини топа олган ёшлардан. Унинг деярли ҳар бир шеърда ўктам бир журъат билан бугунги жамият ва инсон ўртасидаги мураккаб муносабатнинг таҳлил қилинганлигини, сўзнинг мантиқий маъзи билан ҳиссий ларзаларнинг ўзига хос уйғунлигини кўриш мумкин. Унинг шеърлари ортиқча баландпарвозлик, бақир-чақирлардан, нурсиз тушқунликдан холи, ўйчан шеърятдир. У инсон қалбини, руҳини хушёрлик билан тадқиқ этишга интилади.

Тўпламдаги шеърлар фикримизни далиллайди. Зиёратга жисман ва руҳан пок бўлиб борилади. Аъзам ўз устози руҳини зиёрат қилишга боргандай туюлди менга. Бу зиёрат айна чоғда устознинг руҳи поки олдидаги Аъзамнинг яна бир имтиҳонидирки, бу имтиҳонга у покиза шеърлар билан келган. Шеърлар нима ҳақида? Бир сўз билан айтганда, имон ҳақида. Инсон каби мураккаб, инсон каби оддий жонзот йўқ. Аммо инсон бўлмоғи учун, ер юзида юришга ҳақли мавжудот бўлмоғи учун у, энг аввало, имону эътиқодга эга бўлмоғи лозим. Инсонни бошқа маҳлуқлардан фарқловчи белги фақат унинг нутқигина эмас, балки шу билан бирга унинг собит имону эътиқоди ҳамдир. Имону эътиқоддаги беқарорлик инсонлик унвонини ҳечга чиқаради. Иқтидорли шоир китобидаги бош ғоя ана шу.

Иккиюзламачилик ҳалолликнинг, покликнинг, ҳақиқатнинг инқирози учун асосдир, у инсонийликни маҳв этувчи юҳодир. Аъзам "Бир кун" шеърида ёлғондан қутулмаганларга шундай дейди:

“Пуч нарса экан дин –  
Сен диндор бўлсанг!”

Шоир қайғуга тушади, чунки:

“Савод хануз чала,  
Ишонч омонат.”

У эслатади:

“Хайём сўзи тушар эсингга тинмай,  
Бахтсизлик изҳори сени айлар ром.  
Секин пичирлайсан билиб ё билмай:  
"На чин мусулмонмиз, на кофир тамом".

Нима қилмоқ керак бу ҳолатдан чиқмоқ учун ? Шоир айтади:

“Тонг яқин!  
Узун кун бошланар шу зум,  
Тонг, бу – қора тунга бўлур инҳоя.  
Ўзингдан керакдир ўзингга керакдур ўздан ҳимоя.”

Саломат имонсиз соғлом жамият йўқ. Шоирнинг хулосаси оқилона, инсон ўз қалбини ўз қўлига олмас экан, саломат имонга етолмайди, эътиқоди собит бўлмайди.

Шоир "Назорат" шеърида ақлу имон қалбнинг одил назоратчиси бўлмоғини уқтиради. Мана, ақлнинг сўзи:

"Диллар йўлдан чиқар бир хаёл билан,  
Эрлар йўлдан чиқар бир аёл билан.  
Қўйгин, дам урмагин тақдиру ғайбдан,  
Тиллар йўлдан чиқар бир савол билан".

Аъзам Ўктам тўпламидан ана шундай шеърлар ўрин олган. Бу шеърлар навқирон шоир устози ёниқ хотирасининг зиёратигина эмас, балки мангу муқаддас туркий сўзнинг зиёрати бўлиб туюлди менга. Ҳадиси шарифда "Сўз сеҳр, шеър эса ҳикматдир" дейилади. Дўстим Аъзамга ана шу ҳикматнинг сиру синоатларини изчил кашф қила боришида сабот тилайман."

Шоир устози Қодир Деҳқон вафотидан кейин унинг дафтарларда қолиб кетган шеърларини саралаб, уларни тўплам шаклида "Бир гўзал япроқ" деган ном билан ўзи муҳаррир бўлиб, "Чўлпон" нашриётида 1993 йилда нашр қилдирди. У яхшилик қилишни, садоқат кўрсатишни, меҳрибончиликни, умуман, одамгарчиликни ҳар нарсадан юқори кўрарди.

Дилбар ва ҳассос шоир Аъзам Ўктам кейин ҳам бир неча китоблар нашр қилдирди, мутлақо ўзига хос, бошқаларникига асло ўхшамайдиган, миқдоран у қадар катта бўлмаса-да, бениҳоя залворли, ўткир ва ўзғир мазмунли, бадиият жиҳатидан беназир баркамол шеърият яратди. Бу шеърият Аъзамнинг ўктам ва ўлмас, асло муболағасиз, асрлар оша ифорларини уфуриб турадиган бир боғдир. Бу шеъриятнинг сиру синоатларини, бадиият бобидаги лисоний ва поэтик инжаликларини, ундаги шоирнинг тилимиз ифода имкониятлари кўламини нақд намоён қиладиган инкишофларини мукамал тадқиқ этиш ўзбек лингвопоэтикаси учун кўп янги хулосалар беради деб ўйлайман.

**Раъно САЙФУЛЛАЕВА,  
ЎзМУ профессори,  
филология фанлари доктори  
Азиза ХОДЖАНОВА,  
мустақил тадқиқотчи**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА БАРҚАРОР БИРИКМАЛАР**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада шоир Аъзам Ўктам шеъриятидаги барқарор бирликлар тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** барқарор бирикмалар, фразема, парема, ибора, мақол, матал, поэтик ифода.

Ҳар бир ижодкор аниқ ва образли ифода яратиш мақсадида тилнинг беқиёс бойлиги бўлган иборалардан кенг фойдаланади. Бу эса миллий руҳиятни ифодалашдаги энг қулай воситалардан биридир. Шоир ёки ёзувчи ибораларни қўллаш жараёнида нутқ таъсирчанлигини ошириш мақсадида тилда мавжуд бўлган ибораларнинг янги-янги маъно қирраларини ҳам кашф эта бориб, оригиналликка эришади.

Шоир Аъзам Ўктам шеърларида тиниқ туйғулар, муҳаббат ҳам, нафрат ҳам, алам-изтироб ҳам, юрт қайғуси ҳам яхлит ва оташин ҳолда қоғозга тўкилганки, ҳар бир шеъри бир парча чўғни эслатади. Профессор Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, “Аъзам Ўктам дастлабки бир-икки китоби биланоқ ўз мухлисларини ва, демак, ўз йўлини топа олган ёшлардан. Унинг деярли ҳар бир шеърида ўктам бир журъат билан бугунги жамият ва инсон ўртасидаги мураккаб муносабатнинг таҳлил қилинганлигини, сўзнинг мантиқий мағзи билан ҳиссий ларзаларнинг ўзига хос уйғунлигини кўриш мумкин. Унинг шеърлари ортиқча баландпарвозлик, бақир-чақирлардан,

нурсиз тушкунликдан холи, ўйчан шеъриятдир. У инсон қалбини, руҳини хушёрлик билан тадқиқ этишга интилади.” [1]

Аъзам Ўктам шеърларини таҳлил жараёнида ҳам тил бирликларини шеърий мисралардан ажратиб, “узиб” олиб, қисмларга ажратишнинг имкони бўлмай, шеърни яхлитгича тадқиқ қилишга тўғри келади. Бу эса шоирнинг туғма истеъдод соҳиби бўлганлигини, ҳар бир шеъри юрагининг бир парчаси эканини кўрсатади.

**Шу қора ер тушган чекимга,  
Узолмадим кўнгилни ойдан.  
Ҳасратидан тўйиб юпуннинг,  
Ҳафсалам кўп пир бўлди бойдан.**

Элпарвар шоир бу шеърдаги “*чекига тушмоқ*”, “*кўнгил узмоқ*”, “*ҳафсаласи пир бўлмоқ*” иборалари орқали олам ва одам ҳақидаги кечинмаларини қисқа ва лўнда тарзда баён қилади. Тилшуносликда мақол-матал ва ҳикматли сўзлар «паремалар» деб ҳам юритилади. Паремалар мантиқий фикрлашнинг маҳсули бўлиши жиҳатидан умуминсоний ҳодиса бўлса ҳам, ҳар бир халқнинг ўзига хос яшаш шароити, тарихий ривожланиши, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда юзага келган бу мантиқий хулосаларнинг ифодаси бўлмиш паремалар мазмуни, интонацияси, тузилиши, ифодаланиши жиҳатидан миллий хусусиятга ҳам эга бўлади [2.Б.11]. Барқарор бирикмалар, хусусан, мақол ва маталларни таснифлаш ва тавсифлашда турлича фикрлар мавжуд бўлиб, кейинги йилларда олиб борилаётган тадқиқотлар самараси ўлароқ, бу борадаги қарашлар анча мукаммаллашди.

“Ўзбек тилининг паремиологик луғати»да мақол ва маталга қуйидагича таъриф берилади:

Мақоллар — грамматик жиҳатдан тугалланган фикрни билдирувчи, кичик, ихчам, ўткир мазмунли, кўчма маънода ёки ҳам кўчма маънода, ҳам ўз маъносида қўлланадиган ҳикматли халқ ибораларидир: *Қизим, сенга айтаман келиним, сен эшит. Сулаймон ўлди, девлар қутулди* кабилар.

2. Маталлар — тарбиявий, панд-насихат маъноларини ифодаловчи, грамматик жиҳатдан тўлиқ гап шаклида бўлган, фақат ўз маъносида — тўғри маънода қўлланадиган, қисқа, ихчам халқ ибораларидир: Каттага *ҳурматда бўл кичикка иззатда бўл! Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади. Одам оласи ичида, мол оласи ташида* кабилар [2.Б.11]. Бизнингча, *Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда бўл!* каби тарбиявий, панд-насихат маънолари мақолда ифодаланади дейилса, тўғрироқ бўлади. *Одам оласи ичида, мол оласи ташида* каби тавсифловчи фикрлар эса маталнинг ифода доирасига киради. Бу жиҳатдан қуйидаги фикрларни анча ўринли деб ҳисоблаймиз: “Маталда нарса тасвири, унинг ҳарактеристикаси берилади, Мақолда эса тўла тугалланган фикр, хулоса ифодаланади.” [7] Бадий асарларда барқарор бирликлар энг самарали омиллардан бири сифатида хизмат қилади.

Бошим қотди тагин кўп ёмон

Яна ёлғиз уф тортдим чуқур.

**Етти ўлчаш экан-ку осон,**

**Қийин экан бир кесиш қурғур.**

Шоир Аъзам Ўктам “Етти ўлчаб бир кес” мақолини шаклан ўзгартириб, “ўлчаш осон-у, кесиш қийин” қабилида қўллайди. Ўлчаш, кесиш феълларига нисбатан қарама-қарши маъноли осон – қийин сифатларини қўллаб, маънонинг кенгайишига ва зидлантириш (антитеза) ҳодисасининг ҳам юзага келишига эришади. Бу эса лирик қаҳрамон ҳолатини тасвирлашда ўзгача ифода йўсинини ҳосил қилиб, кишини ўйлантирадиган бир ҳолатни китобхон кўз олдига келтириб қўяди, лирик кайфият яратади.

**Кесмадилар эгилган бошни,**

Оро кириб қолди

унинг жонига

ғилофдаги **қилич** – андиша.

Шоир “Эгилган бошни қилич кесмас” маталини ажойиб бир тарзда тўрт сатр ичига сингдириб юборади. Бизнингча, бу мисраларда маталнинг

доимий тарзда тушуниладиган эгилган бошни алқаш маъноси эмас, аксинча, кесмаган қиличнинг андишасини улуғлаш маъноси кабарик ҳолдаги оригинал шоирона топилмадир.

### **Кўравериб қотиб кетди кўз**

Шундоқ эди,

Шу бўлар мангу:

Кор қилади на буйруқ, на сўз:

**сойга, фақат сойга оқар сув!**

Шоир ушбу кичик хажмли шеърда “*кўз қотиши*” иборасини ҳамда “*Бой бойга боқар, сув сойга оқар*” мақолининг иккинчи қисмини гап бўлаклари тартибини ўзгартирган ҳолда қўллайди. Сойга сўзининг такрор қўлланиши эса лирик қаҳрамоннинг мавжуд ҳолатдаги кечинмаларини янада бўрттириб тасвирлаш, кичик шеъринг матн ортига яширинган прагматик ифодаларни таъкидлаш вазифасини бажаради.

1. Шоир бирор фикрни мақолдаги маънодан фойдаланиб ифолайди. Бир қарашда муайян нутқий бирлик мустақилдек кўринади, лекин фикр юритилса, ижодкорнинг халқ мақолларидаги маънони ўзига хос бошқа сўзлар билан ифодаганини англаш мумкин бўлади.

### **Зарблардан**

**этимиз қотди**

**Гаплардан**

**Бетимиз қотди:**

Қотирамиз энди биз ҳам.

Ушбу мисраларда “Урсанг эти қотади, гапирсанг бети қотади” маталининг ўзгарган варианты орқали фикр баён қилиниб, унга жавобан “қотирамиз энди биз ҳам” жумласи орқали киноя, пичинг маъноси юзага чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, таниқли шоир Аъзам Ўктам шеърларининг лингвопоэтик тадқиқи тилимиз тараққиёти амалий жараёнларини ёритишда бой манба бўла олади.



**Адабиётлар:**

1. Н.Маҳмудов. Сўз зиёрати / Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 18.09. 1992.
2. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Т: Ўқитувчи, 1984.
3. Йўлдошев М. Бадий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007.
4. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т: Шарқ., 2002.
5. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970.
6. Киличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи., 1985.
7. <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-1/260-proverbs-sayings>
8. Аъзам Ўктам. Сахар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Т., 2014. – 304 б.
9. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
10. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: Мухаррир, 2019. – 92 б.

**Сиддиқжон МЎМИНОВ**

**Фарғона давлат университети профессори,**

**филология фанлари доктори**

**ШОИРНИНГ ДИЛИ ВА ТИЛИ ҲАҚИДА**

**Аннотация**

Мақолада сурат ва сийрат, дил ва тил уйғунлиги ҳақидаги дурдона фикрлар ва бу фикрларнинг таниқли шоир Аъзам Ўктам адабий шахсияти, назмий асарларида намоён бўлиши мисоллар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, шоир шеърларининг мавзу кўлами ва услубининг ўзига хос хусусиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** сурат, сийрат, дил, тил, шоир, адабий шахсият, мавзу, кўлам, услуб, ифода, фикр, баён.

Сурат ва сийрат, дил ва тил уйғунлиги мавзуси узоқ даврлардан бери донишманд халқимиз вакилларида тортиб, олиму уламолар, адибу шоирлар диққатини ўзига жалб этиб келганлиги мақол ва маталларимиздан, ҳадислар, илмий мақолалар, қатор назмий ва насрий асарлардан маълум. Бу ҳақда беқиёс меросимиз мавжуд. Қуйида улардан айрим намуналар келтирамиз:

Гапи тўнгнинг – ўзи тўнг.

Яхшининг сўзи – мой,

Ёмоннинг сўзи – лой (Мақол).

“Қайси бир киши: “одамлар ҳалок бўлди” деяётганини эшитсангиз, билингки, унинг ўзи кўпроқ ҳалок бўлувчидир” (ҲАДИСдан).

“...кишининг мартабаси сўзи била билинур. Чунки ҳар кишининг аҳволи ўз сўзининг остида пинҳондур...” (“Қобуснома”дан).

Ҳар киши ўз таъбича иншо қилур,

Маънилиқ сўз эл аро пайдо қилур.

(Нишотий)

Ўзни доно билган у уч-тўрт нодон

Эшак табиатин қилур намоён.

Булар даврасида сен ҳам эшак бўл

Бўлмаса “эшак” деб қилишар эълон.

(Умар Ҳайём).

Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,

Тил мухбир эрур кўнгул ниҳон этмагидин.

Фаҳм айла киши ҳолин сўз демагидин

Ким берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.

(Алишер Навоий. “Назмул-жавоҳир”дан).

Бетамизхои одам аз сухан пайдо шавад,

Пистаи бемағз агар лаб во кунад, расво шавад.

(Зебунисо).

Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймоси кўринади.

(Л.Н.Толстой).

...Нутқ ҳар биримизнинг кимлигимизни ҳар қандай паспортдан кўра яхшироқ кўрсатади.

(Корней Чуковский).

Ҳар бир халқнинг миллий ўзлиги энг аввало, унинг тилида зуҳур этади. Ўзбек тилининг табиати ва мантиғида халқимизнинг савияси ва тафаккур тарзи ўз тажассумини топган. Аслида сўзимиз бизнинг ўзимиздир.

(Низомиддин МАҲМУДОВ).

Бало боши дема суяксиз тилни,  
Унга тўнкайверма гуноҳ сабилни.  
Тилдан илгарироқ гуноҳкор сана  
Суяксиз юракни, суяксиз дилни.

(Баҳодир ИСО).

Бу каби пурҳикмат фикрлардан маълум бўладики, “дил – денгиз, тил – кирғоқ. Денгиз тўлқин кўтарса, кўйнида борини кирғоққа чиқариб ташлайди.” Шунинг учун ҳам “Инсонни танимочи бўлсанг, уни гапга сол: сўзидан унинг ким эканлигини би либ оласан” [2, 53]. Демакки, дилда бори тилга чиқади, сўз ва сийрат бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Сўз “инсон табиатининг ботинидан сузиб чиқадиган фикр, ғоянинг яратувчиси бўлиши” учун у “тафаккур воситаси” ва “фикрнинг боқувчиси” бўлиши керак. Сўзнинг фикрга оналик қилишини уларни боғловчи тугунда турган ботиний шакли таъминлайди. “Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб оламни янада теранроқ идрок қилади. Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг илдизига етгандек баҳра топади... Адабий ижод ҳамisha Сўз оламига саёҳатдир. Ижодкор сўзни тирик жон деб билади ва Сўз билан сўзлашади...” [1, 5-7].

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда Аъзам Ўктам ижодига назар ташлайдиган бўлсак, шоир шеъррий асарлари адабий шахсияти ва қиёфасини, истеъодининг асосий қиррасини белгилашлиги аён бўлади. “Чунки бу шеърят эгасида ички бир мағрурлик, ғолибият сезилади; у

бировларга ялтоқланишни, айникса, ҳақсизлик қошида бўйин эгилишини ўзига эп кўрмайди. Аъзам Ўктам шеърлари ўзи каби анча ўжар ва одамнинг юзига, ҳақиқатнинг кўзларига тик қараб турадиган, инсон юрагига тез етиб борадиган самимий, жонли ижод намуналаридир...” [3, 6].

Аъзам Ўктам китобни яқин дўст деб биладиган, диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган, имон-эътиқоди мустаҳкам ижодкор бўлганлиги адабиётшунос олимлар, муқаддас динимиз пешволари томонидан ҳам чуқур эътироф этилган. Жумладан, таниқли адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг шоир ҳақидаги фикрлари шундай: “У кўп китоб ўқирди, мутолаани яхши кўрарди... Тарихимизда биринчи марта Қуръони карим ўзбек тилига таржима қилинди. Аъзамжон бу улуғ ишнинг ташаббускорлари сафида бўлди, оиласи билан нусха кўчиришди, табаррук китобимиз унинг муҳаррирлиги остида чоп этилди... Энг муҳими, у биринчилардан бўлиб замонавий ўзбек шеърлятига диний-маърифий оҳангларни олиб кирди. Унинг “Тараддуд”, “Икки дунё саодати” китоблари Қуръони каримдан чуқур билимга эга бўлганлигининг исботидир...” [3, 3].

“Тараддуд” китобидаги шеърлар, – дея адабиётшунос фикрини давом эттиради Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари, – диний мавзудаги бошқа шеърлардан фарқли ўлароқ баъзи бир оятларнинг, ҳадисларнинг ёки исломий ҳикматларнинг таржимаси эмас, балки мусулмон инсоннинг ҳаёт жараёнида қоришиб кетган фикрлари, ўзининг айтадиган ўйлари, фикр-мулоҳазалари ва халқи учун, дини учун куюниши, иймон-эътиқоди учун ёниб яшаши акс эттирилгани билан ажралиб туради...” [3, 4].

Шоир қирқ ёшни қаршилаш арафасида босилиб чиққан “Қирқинчи баҳор” деб номланган назмий китобчани варақлар эканмиз, юқоридаги фикрларнинг тўлиқ исботини кўрамыз. Бу китобчадан биринчи бўлиб ўрин олган “Азон” деб номланган шеърнинг ўзидаёқ яққол кўзга ташланади:

...Ҳамдлар ўқиб, айтурман сано,

**Ҳаққа банда, расулга уммат.**

Балки, **шайтон** дўкони дунё,

Мардлик **фарзир**, тантилик – **суннат**.

Ҳар кифтингда **фаришта** турсин,

Қутул ҳасад асоратидан.

Сендан **беҳишт** бўйи уфурсин,

**Закот** бергил жасоратингдан.

Умринг берсин, ўсавер дуркун,

Инсу жиннинг тегмасин кўзи.

Кириб борсанг **жаннат**га бир кун

“Салом” десин **Тангрининг** Ўзи [4, 3].

Ўн икки қатордангина иборат мана шу назмий парчанинг ўзида “Ҳақ”, “расул”, “банда”, “уммат”, “фарз”, “фаришта”, “беҳишт”, “закот”, “жаннат”, “Тангри” каби ўндан ортиқ диний сўз ва атамалар қўлланилмоқдаки, буларнинг ҳаммаси шоир қалбидан мустаҳкам ўрин олган ислом динига бўлган эътиқоддан далолат бериб турибди.

Профессор Баҳодир Карим Аъзам Ўктам адабий шахсияти ва шеърляти ҳақида яна қуйидагиларни таъкидлайди: “Ҳақ гапни, дилидагини ўз ўрнида, асло кечиктирмай дарҳол айтишга, жуда бўлмаса, рамзий қочиримлар билан дард-аламини тўкиб, ичини бўшатишга, сўнгра мириқиб, беғубор кулишга, баъзан ҳатто киноя билан баландроқ чиқиб олишга имкон топа оладиган шоир эди Аъзам ака...” [3, 6].

“Табрик” деб номланган қуйидаги саккиз қаторли шеърда юқоридаги фикрнинг яққол тасдиғини кўрамыз:

Тилингизда ўша хуш наво,

Қўлингизда ўзим билган соз.

Танимайроқ турибман аммо,

Янгирганда ўхшайди бир оз.

Иқболингиз тағин ҳам кулсин,

Бошингиздан сўнмасин шуъла.

Аравалар муборак бўлсин,

Куллуқ бўлсин янги ашула [4, 10].

Кўришиб турибдики, шоир бу шеър орқали ўзининг мустақил фикри бўлмаган, кимнинг аравасига тушса, ўшанинг ашуласини айтадиган, хушомадгўй кимсалар устидан рамзий қочиришлардан фойдаланган ҳолда бошлаб кулмоқда.

Бундай мисолларни шоир шеърларидан жуда кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, Аъзам Ўктамни яқиндан танийдиган, бирга ишлаган, ҳамфикр ва ҳамқадам бўлган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг қуйидаги фикрлари ҳаммамизнинг дилимиздаги гаплардир: “Шоир ижодининг ўрганилмаган, ўрганилишга жуда-жуда арзийдигоан жиҳатлари кўп...” [3, 6].

#### **Адабиётлар:**

1. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Тошкент: О'ZBEKISTON, 2014.
2. Румий Ж. Ичиндаги ичиндадур. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013.
3. Ўктам А. Тўмарис билан суҳбат. – Тошкент: Muharrir, 2019.
4. Ўктам А. Қирқинчи баҳор. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.

**Mukhabbat KURBANOVA,**

**Niğde Ömer Halisdemir Ünv. Fen-Edb. Fak.**

**Çağdaş Türk Lehçeleri ve Edebiyatları Öğretim Üyesi**

**Mustafa KORKMAZ**

**Niğde Ömer Halisdemir Ünv. Sosyal Bilimler Ens.**

**Avrasya Araştırmaları Ana Bilim Dalı Doktora Programı Öğrencisi**

## **ÖZBEK TÜRK ŞİİRİNİN HÜR SESİ AZAM ÖKTEM**

### **ÖZET**

Sanatsal olarak büyük bir mirasa sahip olan ve esas olarak da Çağatay Edebiyatıyla temellenmiş olan günümüz Özbek Edebiyatı, 1990'lı yıllarda dağılmış olan Sovyetlerin ardından bağımsızlığını elde etmiş ve bu yıllardan sonra ortaya koyulmuş olan ürünlerle de bu dönem “özgürlük veya bağımsızlık”

edebiyatı olarak adlandırılmıştır. Bağımsızlık dönemi içerisinde şairler tarafından verilen eserlerin ana temasına bakıldığında, toplumda bir milli uyanışı başlatmak ve Özbek halkını aydınlatmak amacı güdüldüğü görülmektedir. Bu çalışma da bağımsızlık dönemi edebiyatının önemli bir şahsiyeti olan A'zam Öktem hakkında ele alınan örnek şiirlerinden hareketle değerlendirmede bulunulmuştur.

**Anahtar Kelimeler:** A'zam Öktem, bağımsızlık dönemi Özbek edebiyatı, mustaqillik devri, çağdaş özbek şiiri

Azam Öktem sadece bir şair değil aynı zamanda edebi makale, kısa öykü yazarı olarak eserler kaleme almış; çevirmen, editör gibi görevlerle farklı türde çalışmalar da ortaya koymuş olan çok yönlü bir sanatçıdır. Özbek Türk Edebiyatı tarihinde, manzum ve mensur olarak, farklı türlerde pek çok eserin verilmiş olduğu, konu çeşitliliklerinin tek tip olmaktan uzaklaşarak farklılaştığı ve dünya edebiyatından da değişik konular alınarak eserlerdeki çeşitliliğin artmış olduğu bir dönemde<sup>\*\*\*\*</sup> Azam'ın esas yeteneği ve edebi yanının temel yansıması şiirleridir. “İyi bir şiirin, yazarını edebiyatla ilişkili kıldığı.” değerlendirilmesi üzerinden hareketle Öktem'in edebi kişiliğini de şiirlerinin beslediği görülmektedir. Erkin Vahidov'un şiirlerinde edindiği ilkeyle eşdeğer olarak, “yukarıdakiler mutlak hâkim, aşağıdakiler baş eğici” olduğu düşüncesinin kesin hâkimiyetinin olduğu bir dönemde kayserliği tenkit ederek Özbek Türkünün derdiyle hemhal olmuş, halkın yaşadığı sıkıntıları ele almış ve halkın çözüme kavuşturamadığı sorunların üzerinde düşünen bir şair olarak.<sup>§§§§</sup> her zaman hakikatin yanında yer alan Öktem'in, haksızlığa boyun eğmeyen, yalansız ve ikiyüzlülüğe asla tahammül edemeyen kişilik yapısını şiirlerinde görmek mümkündür.

Eserlerinin sıradan, basmakalıp ve düzenli bir ifade tarzıyla aynı şablon düzeninde kaleme alınmamasından dolayı farklılık arz etmesi ve derin manalar taşıması da onun sanatçı kişiliğinin en güçlü yanlarından birini oluşturmaktadır. Azam, şiirlerinde bulunan coşkun kahramanların içlerindeki derin acı ve ıstırapı

<sup>\*\*\*\*</sup> Oba, E. (2014). Bağımsızlık Devri Özbek Edebiyatı. *Turkish Studies - International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 9/3, Ankara, s.999.*

<sup>§§§§</sup> <https://tarihi-fergana.tr.gg/-Oe-zbekistan-T.ue.rk%E7esi-ve-Edebiyat%26%23305%3B.htm>.

güçlü bir mantıksal bağ ile ilişkilendirmeyi başarabilmiştir. Şiirlerinde Özbek Türkünün uzun dönemler ışığında birikimlerini ortaya koymuş olduğu atasözleri, deyimler ve halk ifadeleri aracılığıyla imgeler yaratmayı başarabilmiştir. Sözcüklerle oynaması ve kelimeleri kullanırken ortaya koyduğu aliterasyonlar, vurgu-tonlama; ironik ve eğlenceli ifadeler de güçlü sanatsal yönünün yansımalarından kaynaklanmaktadır.[1] Rauf Parfi'nin onu sararmayan, her zaman yenilenebilen parlak ve canlı bir meyve ağacına benzetmesi de onun güçlü şiirsel yanını oraya koyan en önemli ifadelerden birisidir.

Yaratıcı bir insan olmanın yanı sıra yaratıcı bir şair de olan Öktem'in şiirleri bir dayanışma bir bütünleşme örneği olarak karşımıza çıkmaktadır. Henüz yirmi dört yaşında genç bir insan olan Azam Öktem'in 1984 yılında kaleme aldığı " *Uzun bir hayat, sadece bir beyaz gömleğim var.*" ifadesinde kullanmış olduğu beyaz gömlek sembolü, insan onurunu simgelemekte olup esasında şairin edebi hayat çizgisindeki tutacağı yolu göstermesi açısından önem verdiği zihniyetini yansıtmaktadır.

Azam'ın " *Gerçeğin sözünü bitirmek için kullanılan mürekkep, Savaşta dökülen kan kadar değerli olacak !*"[2] İfadesi, onun yaşanılan dönemde artık uzun yıllardır yaşanılan sıkıntılardan kurtulmada ve Özbek Türküne özgürlük, milli bilinç verme noktasında eğitimin ve edebiyatın ne denli güçlü bir silah olduğuna olan inancını özetlemesi açısından önemlidir. Sadece konu ve temaların değil bunların yanında sanatsal tahlillerin de ele alınış biçimlerinin zenginleşmiş olduğu bir edebiyat döneminde \*\*\*\*\* şiirlerini kaleme alan şair " *millet, özgürlük, memleket, inanç*" gibi ifadelerle içinde barındırdığı özlem dolu duyguların sadece bir kısmını özetleyebilmiştir. Sanatçının toplumsal olarak bu değerleri, bu seslenişi işlemesi edebiyatın gücünü ortaya koymasından da şairin güçlü farklılığını hissettirmektedir. Nitekim yaşanılan dönemde Sovyetlerin özgürlüğün sesi olanları baskılamaya çalışması ve bu özgürlük şairinin şiirlerindeki hürriyet iletisini

\*\*\*\*\* Nazarov, B.(2009). Bağımsızlık Dönemindeki Özbek Şiirinden Manzaralar. Çeviren: Yulduzbek Musahanov. *Genç Kalemler Avrasya Edebiyat Dergisi*. Yıl:3, Sayı. 33.



iletmek için kullanmaya başladıkları yeni metaforlar bu ifadenin ne denli dolu olduğunu göstermesi açısından önemlidir.

Toplumsal yaşam Azam'ın şiirlerinde de yerini yeni ifadelerle alarak kullanılan mürekkebin kutsallığını ve farkındalığını daha net bir şekilde ortaya koymuştur.

*“Yaşam” adlı dörtlüğünde şair*

*“Bazen*

*kafam duvara çarptı.*

*Sonra kafama bir*

*duvar çarptı.”*

diyerek hayatın dönemin hakikatlerini farklı bir imge ile dile getirmeye çalışmıştır. Duvar insanın kendine ördüğü ya da bir başkasının insan için ördüğü sınırdır. Azam, sınırlarda yaşayan ve hayatı zorlayan bir kişilik olarak, içinde yaşadığı toplumun engellerinden yıkılmış bir tavırla, kafam duvara çarptı tanımını kullanmayı tercih etmiştir. Fikirleri, hayalleri, geçmiş ve geleceği içinde barındıran ve kişiye felsefi bir yön veren bu “kafa” sözcüğünün seçilmesi manidardır. Sonra ise kafasına bir duvarın çarptığını, hayali ve imgeyi güçlendirmek istercesine söylemiş, okuyucuda bir felsefe ve duygu yoğunluğu yaşatmayı da başarmıştır. Şiirlerinde duyguların ve düşüncelerin belirli bir uyum içinde oluşturduğu ve bu sebeple de şairi anlayabilmek ya da yorumlayıp onu tahlil edebilmek için mutlak surette hemen hemen her kelimenin manasını ayrı ayrı düşünmek ve değerlendirmek gerekmektedir.

*“Delil” şiirinde*

*Biz asla köle olmadık, kardeşler,*

*Birçok baskın ve yağma geçmiş olmasına rağmen:*

*Eğitimli yumruklar gibi duran kuleler,*

*Türbe kubbesi bir miğfer gibidir*

ve asla tamamen cahil değildik...”.[2] ††††

Diyen şair, uzun yıllar Çarlık Rusyası'nın ve akabinde de Sovyet Rusya'nın sömürgeci işgal politikası altında varlıklarını sürdürmüş olsalar da, yaşanmış olan bütün olumsuzluklara rağmen Özbek Türklerinin millî kökenlerine bağlı kalmak erdemini ve yüceliğini göstermiş olduğunu,†††† benlik ve kimliğinden asla kopmayarak köleleşmeyi kabul etmediğini belirtmektedir. Bu mücadeleci halkın kadim bir geçmişe sahip olduğunu ifade ederek üzerindeki cehaletten kurtularak eğitilmiş olan bir toplumun en büyük kalelere sahip olabilecek sağlam kuleler gibi olduğundan bahsetmiş ve bunca baskı ve yağmalara karşın kültürel olarak ayakta kalınmasında da eğitiminin mücadeleci yönüne borçlu olduğunu dile getirmiştir. Nitekim, Öktem ve çağdaşı olan sanatçılar uzun zaman öncesinde başlamış olan milli uyanışa yapmış oldukları katkılarla halkın bilinç düzeyini artırmışlar ve Türkistan topraklarında başlayan bu bilinç de kendi geleceklerini kendilerinin tayin edeceği bir tarihi fırsata dönüştürerek§§§§§ uzun yıllar süregelen bağımsızlık ateşini alevlendirmiştir.

Milli konuların yoğun olarak ele alındığı ve toplumsal gerçekliğin edebiyata girerek edebiyatın esas içeriğini oluşturduğu bir dönemde\*\*\*\*\* Azam, milli değerlerle kadim bir kültür birikimi üzerine kaleme aldığı “Yorum Yok” adlı şiirinde doppia ve cüppe giyen kişilere karşı farklı davranıldığına atıfta bulunularak bu hakikati şiirinin sonunda “*Biri ölecek, bir şey olacak, Özbek eski haline dönecek!*”[1] diyerek bambaşka mana ile anlamlandırmıştır.

“Tereddüt” şiirindeki,

“...Yaşadığım şey, hayatımı hiç düşünmediğim.

*Bir alana ihtiyacım var*

*-Savaşmak istedim:*

*Bırak ölüm yatakta yatsın.”*

†††† Gültekin, Mevlüt., Koraş H., Kurbanova, M.(2019). *Özbek Türkçesi*, İstanbul: Kesit Yayınları s.198

†††† Kocaoğlu T.(1996). Çağdaş Özbek Şiiri. *Türk Dünyası Dil ve Edebiyat Dergisi*, 1, Ankara:TDK, s.3

§§§§§ Açık, F.. (2018). *Türk Dünyası Çağdaş Edebiyatları El Kitabı*, Ankara:Kesit Yayınları, s.389.

\*\*\*\*\* Terane, H. (2018). Bağımsızlık Döneminde Azerbaycan ve Özbek Şiirinin Ortak Özellikleri. *Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi*, 18/2 s.466.

satırları da Azam'ın asla pes etmeyen, yaşama ve mücadelecı ruhunu ortaya koyan önemli ifadelerden birisi olarak kaşımıza çıkmaktadır.

“Selamlar” adlı şiirinde Azam:

*“Hafızamı aydınlatan, kalbimdeki üzüntüyü gideren ve  
acı gurur yaratan,*

*Günlere selamlar.*

*Barış binlerce yıldır eken, hasadı biçen ve*

*ikisini birden eken kölelere olsun.”* derken, uzun zamandır savaşın ve zulmün altında kalan insanların çekmiş oldukları ıstırapların hasadı olarak barışı hak ettiklerini ve bu günlerin acı da olsa gurur içerisinde zihnini aydınlatmasını bir Özbek Türkü gözüyle görmüş ve halkının düşüncelerine tercüman olmuştur.

“Özlem” şiirinde şair:

*“Nice kitap okusa bile*

*Nice film izlese bile*

*Kibar konuşmayı bilmiyordu ninem.*

*Lafaçsalar eğer*

*Savaştan, ülkenin meselelerinden*

*Birkaç ay gülmeyi unutuyordu ninem. [3]* diyerek yaşanan hayatta savaştan ve baskıların acısından dolayı gülmeyi ve konuşmayı unutma noktasına gelindiğini ve yaşanılabilir keyif verici bir hayatın farkındalığından oldukça uzak kaldığını dile getirerek güzel günlere olan özlemini dile getirdiği görülmektedir.

Sormayan ve sorgulamayan insanlar için “meyvesiz odun gibidir, tıpkı ağaç gibidirler.” düşüncesinde olan şair, şiirlerinde soran ve sorgulayan bir yanıyla da görülmektedir. Sorgulamanın insan hayatının şekillenmesinde ve yaratılıştaki farkındalığın artmasındaki en önemli etkenlerden biri olduğunu fark eden şairin, düşünme ve soru sorma, unsurlarını şiirlerinde sıklıkla işlendiği görülmektedir. Azam, şiirlerinin bir kısmına soru sorarak başlar ve gene sorular eşliğinde nihayetlendirir.

... Kendini dünyaya kim çağırдын?  
... Hangi yöne gittim, Hangi yöne gittim? ...  
Barin'den bir cevap istediğinde  
yüzüne nasıl bakarım?  
... “Kan verin” - “Kan verin” den  
çiftçi kaldı mı?  
... Bir gün gelirse (Gerçekten geliyorsa),  
o ana nasıl cevap vereceğim:  
Kalemlerin dili bittiyse, kağıt bittiyse hayat nasıl?  
... İnatçı sorular.  
... Biz kimiz, kimdik, kim olacağız?  
... Dini vaaz eden ve meyhaneye kim gelir?  
Yo... Yıldan yıla öncülük ettiğim  
hayallerim gerçekleşmedi mi?

Sovyet ideolojisinin baskılarıyla kaleme alınmış olan eserlere bakıldığında din ve inanç faktörünün, yaratıcı unsurunun ikinci planda kaldığı ve genellikle doğa kökenli terimlerin ön plana çıkarıldığı görülmekteyken Öktem bu tek düze bakışı da farklı bir noktaya taşımış ve her şeyin yüce bir yaratıcısı olduğundan bahisle Allah'ın birliğine deliller olarak etrafımızdaki yaşayan bütün canlıları delil olarak sunarak yeni bir söyleyiş ortaya çıkarmıştır. Dünya görüşünden ayrı şiirsel bir dünya olamayacağına inanan şair için din dışı edebiyat geçicidir ve sanatsal yorumlama kriterinden de teorik açıdan yoksundur.[1]

“İbadet” şiirinde şair:

“Dağlar sessizdir,

Tekbir okunduğunda gökyüzü kükrer.

Kim yeniler için dua edebilir,

Yağmur fısıldayan bir duadır.

Dünya ağlayacak, yer titreyecek ve

çimen titreyecek.

Duaların cevaplandığı tarihler

ve güneşin ışınları müjdeyi getirir.” [4] diyerek, yeryüzünün yaratıcısı Allah'ın bütün varlıklar tarafından tespih edildiğini ifade ederek şiirlerinde İslam düşüncesini de farklı bir aydınlıkla ele almaktadır. Şiirinde doğanın ve yaşanabilen tüm dünyanın Allah tarafından insanlara sunulan bir armağan olduğu düşüncesiyle bu farkındalığın oluşmasını ele almış olan şair, insanların da bu düşüncesiyle hareket ederek doğanın üretkenliğinden, cömertliğinden faydalanacak şekilde hareket etmesi gerektiği fikrini ifade etmiştir.

Gene ;

*“Hayatı biraz kolaylaştırırsanız,*

*bırakın kalbiniz*

*ışıkla dolsun.*

*Ramazan'ı her namazdan sonra bilerseniz,*

*beş bayram bir günde mübarek olsun!”*

satırlarında uzun yıllar dininden uzaklaştırılarak yaşamak zorunda bırakılan Özbek halkının Ramazan ayının ne denli kıymetli ve namazların ne denli mübarek olduğu hususunda yeni bir söyleyişle karşımıza çıktığını görürüz.

Sovyet baskısıyla din ve kültürel anlamda da değişimler yaşamak zorunda kalan ve kendi öz kimliğini unutturulma konusunda baskılarla karşılaştırıldığını da ifade eden şair:

“Kanaat” adlı şiirinde:

*“Asıl ayıbım, düz yolda takılmaktır*

*Asıl bahtım, görmeden özlemektir.*

*Onu yerde ve gökte aramak da yanılmaktır,*

*Onu bulmanın çaresi tapınmaktır.”* derken şairin Allah'a olan inancındaki ve ona ulaşma aşkıdaki arayış yollarını ortaya koyan düşüncelerine ortaklık ediyoruz. Şair adeta Yunus Emre'nin,

...

“Bu tılsımı babaglayan cümle dilde söyleyen

Yire göge sığmayan girmiş bu cân içinde

...

Yüce yüce 'Arş düzer kendözin anda bezer

Gör niçe cevlan ider hırka palâs içinde.”[5] beytini tasavvur etmiş gibidir. Tanrı yere göğe sığmaz, bu sebeple onu yerde gökte aramak beyhude bir uğraştır ve insan bu arayışla yanılmaktadır. Onu bulmanın çaresi ise huzur içinde ona tapınmak, özünde onun varlığını hissedebilmektir.

Ele almış olduğumuz şiirlerinden hareketle Öktem'in, yüz yıllardır Özbek Türkü'nün içinde bastırılmış olan hürriyet hasretini korkusuz ve cesur bir şekilde kaleme alarak, Türk milletinin eski zamanlardaki görkemli günlere yine kavuşacağına dair olan umudunu yüksek sesle dile getirdiğini görmekteyiz. Toplumsal duyarlılığı yüksek, dini ve milli konulardaki hassasiyetini farklı imgelerle ve söyleyişlerle zenginleştirerek şiirlerinde işleyen şairin, Özbek Türk edebiyatına yepyeni bir soluk ve bakış açısı getirerek çağdaşları olan sanatçılardan övgüler alması da onun güçlü sanatsal yanına bir destek niteliğindedir.

## SONUÇ

Azam Öktem, haksızlığa boyun eğmeyen, adalet ve hakkın tecelli etmesi için inatçı kişilik yapısıyla hakikatin gözüne bakarak, içten ve canlı eserler kaleme alabilen ve gönlünde manevi kirlenmişliğe tahammülü olmayan bir sanatçı olarak bu dönemde eserlerini kaleme almıştır. Azam Öktem, kelimeleri ve imgeleri güzel kullanan tek yönlü bir şair olmaktan öte, düşünen, irdeleyen, savunan ve bilinç aşılama için halka seslenen çok sesli bir aydın olarak karşımıza çıkmaktadır. Çok yönlü bir sanatçı olan Öktem, düşüncelerini halkın anlayacağı bir sadelikle ve toplumsal konuları içeren duyarlılıkla kaleme almıştır. Şiirlerinde özgürlük ve bağımsızlıkla ilgili temaların yanı sıra eğitimin, dinin ve kültürün ne kadar önemli olduğuna değinerek milli ve kültürel bütünlük için soran-sorgulayan bir aydın duruşu sergilemiştir. Geçmişte yaşanmış olan acıların memleket, vatan, özgürlük, hak, insanlık, inanç için yaşandığını yüksek bir sesle dile getirebilmiştir. Kaleme aldığı eserler ve konularla uzun dönemler baskı ve zorlamalarla bastırılmaya çalışılan ifadesinde güçlü ve gür bir ses olan Öktem, bağımsızlık dönemi Özbek Türk edebiyatının en önemli kalemlerinden birisi olarak edebiyat sahasındaki yerini almıştır

**KAYNAKÇA**

- <https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/azam-shoirning-oktam-ovozi/>  
<https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/azam-oktam-sherlar-olloyor-begaliyev-azam-oktam-bir-yol-korinur.html>  
<http://myuldashev.blogspot.com/2016/03/azam-oktem.html>  
<https://islom.uz/maqola/1702>  
Tatçı, M. (1997). *Yûnus Emre Dîvânı*, Ankara: T.C. Kültür ve Turizm Bakanlığı Kütüphaneler ve Yayımlar Genel Müdürlüğü, s.246 (302.şiiir)  
Tatçı, Mustafa. (1997). *Yûnus Emre Dîvânı*. Ankara: T.C. Kültür ve Turizm Bakanlığı Kütüphaneler ve Yayımlar Genel Müdürlüğü.  
<https://tarihi-fergana.tr.gg/-Oe-zbekistan-T.ue.rk%E7esi-ve-Edebiyat%26%23305%3B.htm>  
Oba, Emin. (2014). Bağımsızlık Devri Özbek Edebiyatı. *Turkish Studies - International Periodical For The Languages, Literature and History of Turkish or Turkic, Volume 9/3*, s.999  
Terane, Heşimava. (2018). Bağımsızlık Döneminde Azerbaycan ve Özbek Şiirinin Ortak Özellikleri. *Türk Dünyası İncelemeleri Dergisi*, 18/2. s.466  
Gültekin, Mevlüt, Koraş Hikmet ve Kurbanova, Mukhabbat.(2019). *Özbek Türkçesi*, İstanbul: Kesit Yayınları, s.198  
Nazarov, Bahtiyar.(2009). Bağımsızlık Dönemindeki Özbek Şiirinden Manzaralar. Çeviren: Yulduzbek Musahanov. *Genç Kalemler Avrasya Edebiyat Dergisi*. Yıl:3, Sayı 33.  
Kocaoğlu Timur.(1996). Çağdaş Özbek Şiiri. *Türk Dünyası Dil ve Edebiyat Dergisi*, 1, Ankara:TDK, s.3  
Açık, F.. (2018). *Türk Dünyası Çağdaş Edebiyatları El Kitabı*, Ankara:Kesit Yayınları, s.389.

**Ёқуб САИДОВ,**

**Бухоро давлат университети профессори**

**Гулрух САЙИДОВА**

**Бухоро давлат университети таянч докторанти**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДАГИ ЎХШАТИШЛАРНИНГ  
СЕМАНТИК ВА СТРУКТУРАЛ-КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктам шеърларидаги айрим ўхшатишларнинг семантик ва структурал-композицион хусусиятлари очиб берилган, ундаги ўхшатишлар икки гуруҳ – тўлиқ ўхшатишлар ҳамда тўлиқсиз ўхшатишларга

ажратилиб тасниф этилган ва таҳлил этилган, шоирнинг ташбих бадий санъати тараққиётидаги ўрни қисман белгиланган.

**Калит сўзлар:** ўхшатиш, ташбих, ўхшатиш узвлари, ўхшаган, ўхшатишган, ўхшатиш қайди, ўхшаш, тўлиқ ўхшатиш, тўлиқсиз ўхшатиш

Миллатнинг маданий бирлиги бўлган ўхшатишларнинг мазмун-моҳияти, эстетик қиймати, структурал-композицион хусусиятлари кабиларни адабиётшунослик ҳамда тилшунослик аспектида ўрганиш жаҳон филологияси фани учун ҳар доим долзарблик касб этади. Шунга кўра бадий асарлар тилидаги ўхшатишларнинг поэтик қийматини баҳолаш, эстетик таъсир механизмини очиб бериш ва конструкцион жиҳатларини аниқлаш, воқеланиш тартибини белгилаш ўзбек тилшунослиги учун аҳамиятлидир. Ўхшатишни баҳо категориясидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, чунки одам атрофидаги оламни ва, албатта, ўзини киёслаш-ўхшатиш ва баҳолаш йўли билан англаб боради [4, 131].

Ўхшатиш китобхонга бадий асарда ифодаланган фикрни идрок этишга, унинг мазмунига чуқурроқ кириб боришга катта ёрдам беради. У ўқувчида бой образли тасаввурларни вужудга келтиради, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар ёки ифодаланаётган ҳис-туйғуларга нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Аёнки, ўхшатишларнинг айримлари кўп қўлланилганлиги натижасида вақт ўтиши билан барқарор бирликка айланган. Бунга мисол сифатида *қуён каби қўрқоқ, тулки каби айёр, бўри каби оч* кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Бундай ўхшатишлар нутқда ҳам, бадий асарлар тилида ҳам фаол қўлланилади. Ўхшатишлар матнга экспресивлик, ёрқинлик, аниқлик, таъсирчанлик берадиган, бирор воқеа-ҳодиса, нарсанинг хусусиятларини ёки кишининг фазилатларини бошқа воқеа-ҳодисалар ва нарсаларнинг хусусиятлари ёки кишиларнинг фазилатлари билан фарқларини ёки ўхшашликларини аниқ ҳамда образли ифодалашга ёрдам берадиган бадий воситадир.



Ўхшатишлардан қадим даврлардан бошлаб нутқни бойитиш мақсадида кенг фойдаланилганлиги бўйича илмий манбаларда етарлича маълумотлар мавжуд. Масалан, эрамиздан аввалги IV асрда яшаган буюк мутафаккир Аристотель (384-322) “Поэтика” асарида поэзия ўхшатиш (мимесис) санъатидан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Унинг ёзишича, поэтик санъатнинг келиб чиқишига иккита сабаб бўлган: биринчиси, ўхшатиш, тақлид. Мутафаккир фикрича, инсон дастлабки билимларни ўхшатишдан олади ва у учун бу усул энг самаралидир. Умуман олганда, поэзия ўхшатиш заминида юзага келган. Аристотель мазкур усул прозадан кўра шеърий нутқга кўпроқ мос келишини таъкидлайди: “Ўхшатиш прозада жуда оз ўринда фойдали, у, асосан, шеърият соҳасига тааллуқлидир, чунки у шеърий нутқни янада нафис ва муваффақиятли қилади” [1, 24].

Шу учун ўхшатишларни барча шоирларнинг асарларида учратиш мумкин. Бу фикр эътирозга сабаб бўлмайди деб ўйлаймиз. Чунки ўхшатиш орқали шоирлар муайян бир нарсанинг муҳим хусусиятини ажратиб тасвирлашга, китобхоннинг диққатини унга қаратишга ҳар доим эҳтиёж сезадилар. Ўхшатиш ўқувчи онгида қўшимча тасвирларни жонлантиради. Шу учун ташбиҳ аксарият шоирлар учун энг муҳим кўчим турларидан бири бўлиб келмоқда.

Илмий адабиётларда ўхшатишнинг таркиби тўрт унсурдан ташкил топиши хусусида деярли бир хил фикр мавжуд, бироқ уларда ўхшатиш унсурларнинг номланиши турлича ифодаланган. Фикримизча, улар орасида энг тўғри, аниқ ва мантиқли номланиш Абдурауф Фитратга тегишлидир. Шунга кўра, ташбиҳнинг тўрт унсурини Фитрат қарашлари асосида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Олим *Аҳмат арслон каби ботурдир* жумласи бўйича ўхшатиш унсурларини талқин этади. Унинг ёзишича, мазкур жумлада қўлланган *Аҳмат* ўхшаган, *арслон* ўхшатишган, *каби* ўхшатиш қайди, *ботур* эса ўхшашдир [7, 50-52].

Аёнки, ўхшатишлар унда узвларнинг иштирокига кўра икки турга ажратилади: 1) тўлиқ ўхшатишлар; 2) тўлиқсиз ёки қисқа ўхшатишлар. Тўлиқ

Ўхшатишларда ўхшатиловчи объект, ўхшовчи образ ва ўхшатма белги лексик бирликлар билан келиши асосий мезон ҳисобланади [5, 30]. Тўлиқсиз ўхшатишларда эса ўхшатма белги лексик бирлик билан ифодаланмайди. Айтилганларга кўра, *Ўзбек шеърятининг ёрқин вакиллари*дан бири Аъзам Ўктам поэтик асарларидаги ўхшатишларни мазкур турлар бўйича тасниф этиб, тегишлича тавсиф этиш мумкин.

Аввало, алоҳида қайд этиш лозимки, Аъзам Ўктам шеърлари мазмунига ўзининг покиза руҳи, соф туйғулари, миллат дарди ва эзгу орзу-мақсадларини ноёб ташбиҳлар воситасида маҳорат билан сингдирган шоирдир. Унинг шеърлари бадий санъатнинг ўта юксак талабларига тўлиқ жавоб беради, десак асло хато қилмаган бўламиз. Шоирнинг шеърларида қўлланган ташбиҳлар санъат нуқтаи назаридан юқори туришини, китобхонни ҳайратлантира олиш кучига эгаллигини алоҳида эътироф этиб ўтиш ўринлидир.

Аъзам Ўктам шеърӣ асарларида ўхшатишнинг барча узвлари иштирок этган, яъни тўлиқ ўхшатишлар муайян миқдорда мавжуд бўлиб, улар шоирнинг бадий-эстетик қарашлари, эзгулик, яхшилик каби ғояларини ифодалашда муҳим тасвирий восита бўлиб хизмат қилган. Шеърятда ўхшатишнинг аҳамияти жуда катта эканлигини яхши англаган шоир таъсирли, мазмунли, ноёб ва эстетик жиҳатдан қимматли бадий асар яратиш, ўз фикрларини ўқувчига тушунарли, аниқ, очиқ етказиш, жонли, чиройли, идрок этиш ҳамда эслаб қолиш осон поэтик образлар яратиш учун ташбиҳлардан кенг фойдаланган. Бунга мисол сифатида қуйидаги шеърӣ парчани келтириб ўтамыз:

Қуш потраган мисоли

Нотинч юрак тўлғона. [2, 163]

Ушбу мисралар шоирнинг номланмаган шеърідан бўлиб, у ишқий мавзуда ёзилган. Шоир ошиқ юрагини қушга қиёслайди. Шеърда кўпроқ сўзлашув тилида қўлланиладиган *потраган* сўзи (изоҳ сифатида айтиш мумкинки, бу сўз сўзлашув тилида *потирламоқ*, *патирламоқ* шаклларда ҳам

кўлланилади) кўчма, яъни *безовта бўлмоқ, шошилиб қолмоқ* [6, 103] маънода ифодаланган. Шоир айтмоқчи, ишқ ўти тушган ошиқ қалби қуш мисоли безовта бўлиб, муҳаббатнинг қайноқ оловидан одатдаги ороми, тинчи бузилган, ҳаяжон ва изтиробга тушган, ҳаловати йўқолган, шундан ошиқ алам-изтироб ва безовталиқдан ўзини у ён-бу ёнга ташлаб тўлғонади. Шоир ошиқнинг ҳолатини ёрқин, аниқ ва таъсирли ифодалаш мақсадида жамият кишиларининг барчаси бирдек биладиган ҳамда ҳар доим сезгир, зийрак ва айни пайтда безовта бўлган қушга қиёслайди. Шеърда *юрак ўхшаган, қуш ўхшатиш* қайди, *потраган ўхшаш* бўлиб келган. Демак, мазкур шеърда парчада ўхшатишнинг барча узвлари воқеланган. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир шеърларида қушлар образига алоҳида ўрин ажратган, уларни айрича меҳр билан ифодаланган. Унинг “Ўхшашлик” шеърларидаги қуйидаги парча фикримизни далиллаш учун асос бўлади деб ўйлаймиз:

Ариқдан сув ичиб турган ул қушлар —

Оғиз чайқаётган муслимга ўхшар. [2, 170]

Шоир шеърларида чиройли ташбеҳлар, ёрқин образлар орқали кишиларнинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиш етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур шеърда ариқдан сув ичиб турган қушлар оғиз чайқаётган муслимга қиёсланган. Маълумки, шеърда кўлланган *муслим* сўзи арабий бўлиб, *муслмон динидаги киши* деган луғавий маънони ифодалайди. Шеърда *қушлар ўхшаган, муслим ўхшатиш* қайдидир. Демак, мазкур шеърда парчада ўхшатишнинг ўхшаган, ўхшатиш қайди узвлари воқеланган. Ўхшаш белгиси, яъни қушларга хос хусусият аниқ кўрсатилмаган. Бундай тузилмавий ўхшатишларни тўлиқсиз ўхшатишлар гуруҳига киритиш мумкин. Тўлиқсиз ўхшатишларда ўхшатма белги лексик бирликлар билан ифодаланмайди [5, 30]. Мазкур қурилмали ўхшатишлар ўхшаган, ўхшатиш қайди тарзида шаклланади. Аъзам Ўктам шеърда асарларида бу каби тўлиқсиз ўхшатишлар миқдори анча кўп бўлиб,

шоир улардан кенг фойдаланган. Қуйида шунга доир мисолни келтириб ўтамиз:

Бешикни ёдимга туширди тобут,

Гўёки милтиқдир осифлиқ танбур. [2, 170]

Шеърый парчада қўлланган *танбур* – ўхшаган, *милтиқ* – ўхшатиш, *гўёки* – ўхшатиш қайдидир. Англашиладики, шеърый парчада ўхшатиш белгиси ифодаланмаган. Мазкур типдаги ўхшатишларга яна *Тушунчалар ичра зарқ ўлдим, фақат, Оловга ўхшайди барибир Қуёш* [2, 170]; *Кун бўйи ит сингари кезмай, Алдамасдан халқни, ўзимни* [2, 174] кабиларни мисол сифатида қайд этиш мумкин. Аъзам Ўктам шеърый асарларидаги ўхшатишларнинг структурал-композицион таҳлили жараёнида яна бир турдаги ўхшатишлар борлиги кўзга ташланди. Бундай қурилмали ўхшатишларда фақатгина ўхшаган ва ўхшатиш узвлари воқеланади, холос. Англашиладики, бу каби ўхшатишларда ўхшатиш қайди ҳамда ўхшатиш белгисини ифодаловчи узвлар бўлмайдилар. Ўхшатишнинг мазкур турига оид мисолни қуйида келтириб ўтамиз:

Бахтсизлик — ёв.

Ганимнинг бироқ

Кўз олдинда тургани маъкул... [2, 191]

Ушбу шеърый парча шоирнинг “Жавоб” шеъридан бўлиб, унда бахтсизлик ҳолати ёвга ўхшатиш. Мазкур ўхшатишда ўхшатиш қайди ва ўхшатиш белгиси қўлланилмаган. Мазкур типдаги ўхшатишларга яна *Зиёрат қилганим – кўкка боққаним, Юлдузлар – қабридир нолаларимнинг* [2, 299]; *Кўнгил пошио бу дам, мен унга мирзо, Севмак, севмак эрур фармонларимиз* [2, 333]; *Тандир — ювош дуоғўй кампир, Тераклар саф тортган йигитлар* [2, 366] кабиларни мисол сифатида айтиб ўтиш мумкин. Таҳлиллар натижасига кўра айтиш мумкинки, шоир асарларида тўлиқсиз ўхшатишларнинг икки тури мавжуд. Биринчи турида ўхшаган, ўхшатиш ва ўхшатиш воситаси иштирок этади. Шоир мазкур турдаги ўхшатишларни воқелантириш учун

*каби, мисоли, ўхшаш, ўхшайди бамисоли, бамисли, -дек, сингари, гўё, гўёки* каби ўхшатиш қайдларидан кенг фойдаланган.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, шоир шеърий асарларида тўлиқсиз ўхшатишларнинг иккинчи тури, яъни ўхшаган ва ўхшатишган қурилмали ўхшатишлар муҳим ўринга эга. Улар шоир поэтик асарларида алоҳида тизим сифатида шаклланган. Бундай турдаги ўхшатишлар таъсирчанлиги, бадиий-эстетик завқ уйғотишига кўра ташбих бадиий санъати тизимида, Абдурауф Фитрат айтганидек, “энг кучли” сидир [7, 51].

Шоир асарларида анъанавий ўхшатмалар (*юзнинг ойга, ошиқнинг булбулга, машуқанинг гулга* ташбих этилиши кабилар) билан бир қаторда унинг ижодигагина хос бўлган, бошқа ижодкорлар қўлламаган ташбихлар кўплаб учрайди. Масалан, шоир танбурни милтиққа, қайроқ тошни кундага, ҳақ сўзни қонга, туйғуларни тонгга, тунни ялдога, кунни саратонга, юлдузларни нолалар қабрига, тандирни ювош дуоғўй кампирга, теракларни саф тортган йигитларга ташбих этганки, бундай ўхшатишлар ўзбек адабиёти учун оригинал яратмалардир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Аъзам Ўктам шеърий асарларида ўхшаган ҳамда ўхшатишган қурилмали ўхшатишлар бошқа структурали ўхшатишлардан нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Оригинал, ўзига хос, таъсирли, эстетик қиймати юқори даражали ташбихлар яратишда ушбу қурилма шаклига эга ўхшатишлар катта самара беришини шоир яхши англаган бўлса, ажаб эмас. Шоир турли бадиий санъатлар, чунончи, ташбих санъатидан кенг фойдаланиб шеърларини ҳақиқий санъат даражасига чиқара олди. Унинг ижоди ўзбек шеъриятида жуда катта янгилик бўлганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Шоирнинг асарларидаги ташбих каби бадиий санъатлар ўзбек адабиёти тараққиётида алоҳида ўринга эга. Шу боис унинг асарларини филологиянинг турли аспектлари ва йўналишлари бўйича ўрганиш ҳар доим долзарблик касб этади.

#### **Адабиётлар :**

1. Аристотель. Поэтика. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. -352 б.

2. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. –Тошкент: 2019. -467 б.
3. Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Маънавият, 2013. -320 б.
4. Михнюк К. О взаимосвязи категорий сравнения и оценки // Ярославский педагогический вестник. – 2011. -№ 1. –С. 129-133.
5. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. –Тошкент: Фан, 1976. -134 б.
6. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. -791 б.
7. Фитрат. Адабиёт қоидалари. Танланган асарлар. V жилдлик. -Тошкент: Маънавият, 2006. -IV жилд. –Б. 11-88.

**Носиржон УЛУҚОВ**

**Наманган давлат университети профессори**

## **ЎКТАМОНА ҲИКМАТЛАРГА ЙЎҒРИЛГАН ШЕЪРИЯТ СОҲИБИ**

### **Аннотация**

Мақолада шоир Аъзам Ўктам шеъриятига хос ҳикматли сўзларнинг мазмун-моҳияти хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** ҳикмали сўз, афоризм, мақол, тахаллус, ирония, метафора.

Ҳадисда: “Шеърда ҳикмат бор”, – дейилади. Бу, албатта, ҳақ гап. Шоирларнинг қалб кўри, тажрибаси, маҳорати, таланти ва заҳматлари-ларалган айрим шеърлар, шеърий парчалар, байту мисралар ўзининг мазмун-моҳияти билан ҳикматга айланади. Ҳар бир шоиру носир ижодини кузатсангиз ўнлаб, юзлаб ҳикматларни ўқийсиз ва уқасиз.

Ҳикматли сўзлар адабиётшуносликда адабий жанр сифатида афоризмлар деб юритилади. Афоризм (юн. aphorismos – таъриф, ихчам ифода), ҳикматли сўз – муаллифи маълум бўлган, ихчам шаклда ва таъсирли ифода этилган умумлашма фикр.[1: 41]

Адабий жанр сифатида афоризм воқеликнинг ўзини эмас, балки воқелик ҳақидаги ибратли хулосани, доно ҳукми ифодалайди. Шу боис афоризм якка, алоҳида шахслар ҳақида мулоҳаза юритмайди, аксинча, якка, алоҳида шахслар тимсолида тажассум топган инсонлар гуруҳи, табақаси, тоифаси ёки, умуман, башар фарзанди ҳақида хулоса беради. Мана шунинг учун афоризмни ҳар қандай ижодкор яратавермайди. Ушбу жанрга қўл урувчи ижодкор инсон ва ҳаёт, умр мазмуни ва тириклик моҳияти, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадий кураш ҳақида муайян хулосаларга келган ҳамда бу хулосаларни бетакрор шаклий ифодаларда, кенг фалсафий камров ва талқинда айта олиши ҳам зарур. Бундай давр, яъни афористик фикрлаш ва камров фалсафий-ахлоқий талқин, таҳлил кўпроқ ижодкорлар ҳаётининг энг сўнгги даврларида ижодий самараларининг қаймоғи сифатида бўй кўрсатади. Шунда ҳам афоризм яратиш барча қалам аҳли ёки файласуфлар ижодида эмас, балки, асосан, мутафаккир ижодкорларга насиб этади.

Шоир ёки ёзувчининг таҳаллуси ҳам ўз соҳибининг ижод концепцияси, руҳияти, дунёқараши, орзу-истаклари ва бошқалар ҳақида маълум тасаввур берди. Аъзамжон Худойбердиевнинг таҳаллусида ҳам бу ёрқин кузатилади. Аъзам Ўктам шеърлятида таҳаллусига монанд фалсафий, ижодий ва халқона ўктамлик мужассам. Шоир шеърлари услубан содда, равон, халқона, мағзи тўқ ҳикматларга бойлиги билан тавсифланади.

У “Дўстимга” номли шеърда эътироф этганидек, ҳамиша Ватан ишқи билан, дилидагиларни ҳикматли айтиб яшади:

*Ўз уйимда яшашни қилоламан уdda,  
узоқ бўлолмайман ёт жойда қўноқ.  
Сира бўлолмадим гапга ҳам чечан,  
айтдим тилга эмас, дилга келганини... [2: 68]*

Аъзам Ўктам ўзбек мумтоз шеърлятининг юлдузи Алишер Навоийни ҳам ҳеч бир олим, ҳеч бир алломаб ҳеч бир адабиётшуносга ўхшамаган мажозий ўхшатишлар, метафора биланқисқа сатрларда мухтасар таъриф тавсиф этади:



### **АЛИШЕР НАВОИЙ**

*Кўк – дастурхон, оймомо – нон, муқаддас. Теграсида сочилмишидир ушоқлар. Топтай, олмас изгиса ҳам басма-бас, турли номлар олиб учган учоқлар. Еб қўёлмас шарт синдириб ҳеч инсон, ҳеч қандай куч теролмас бу ушоқни. Тупуролмас – муқаддас бу дастурхон, эзгилолмас ҳеч кимсанинг оёғи [2: 42] .*

Шоир ҳаётдаги воқеа-ҳодисалардан фалсафий, халқ мақолларига мазмунан монанд ҳикматли хулосалар чиқаради:

*Кесмадилар эгилган бошни.*

*Оро кириб қолди,*

*унинг жонига,*

*ғилофдаги қилич – андиша. [2: 31]*

Бу мисралар “Эгилган бошни қилич кесмас” мақолига монанд мазмун ифодалайди..

*Ў, бу тупроқ қанча силкинган,*

*Нелар сўлиб, нималар унган,*

*Азалилар ёши тўкилган,*

*Томган киндик қонлари унга.*

*Камтаргина кетган боболар,*

*Ердан баланд этмай қабрини [ 2: 72].*

Дабдабадан йироқ мазкур шеърда ҳам “*Ватан тупроғи ҳар недан азиз*”, “*Боболарга ўхшаб камтарона яшашни ўрган*” деган панду ўғитлар таъсирчан ифода этилган.

Шоир – ҳақиқат куйчиси. У ҳамиша ҳақиқатга интилади. Унинг ўктамона талқинича: “*Ҳақни эзган халқни эзган саналгай!*” [2: 36]. Албатта, бу борада у ҳақ. Ҳақсизликдан халқ озор кўради, жабр чекади.

Шоир айрим шеърларида халқ мақолларига терс мазмундаги ҳикматлар яратади ва унда ирония – пичинг, киноя билан салбий иллатлар устидан кулади. Масалан,



*Ғирт янгича мақол бор ҳозир,  
қадимгиси кетгандир абас –  
“Ўғримисан – ейсан ошингни,  
тўғримисан – ўз бошингни, бас!” [ 2: 50].*

Шоирнинг ҳақли талқинича, энг ёвуз душман инсоннинг эътиқод ва номусга тегмоқчи бўлган кишидир:

*Билсанг, бу дунёда энг ёвуз душман,  
Эътиқодинг номусига тегмоқчи бўлар! [2: 56]*

Шоир пурмазмун ҳикматли талқинларини ҳам бошқа ҳаётий воқеа-ҳодисаларга қиёслаш асосида ифода этади. Бу ҳам, албатта, шоир шеърятининг ҳалқчиллигини таъминлаган омиллардан биридир.

У “Андижон” шеърисида ҳар бир юртнинг ўз паҳлавонлари, мард ўғлонлари, алломалари, олиму фузаллолари – улуғлари борлигини ўзгача қиёс билан талқин этади:

*Ҳар кулнинг остида чўғ бор бу ерда,  
Шаккок одамларга дуч келдим камроқ.  
Улуғлар изи бор ҳар ўру қирда,  
Қизларининг кўзлари намроқ [2: 49].*

Шоирнинг баъзи шеърлари бошдан-охир ҳикмат руҳи билан суғорилган.

Ҳикматларга монанд камтарлик билан “Соддагина хулосам” деб номланган шеърисида “Эл қудрати – чин қудрат, Ватан тупроғи – қиммат”, “Элнинг гами – эрнинг гами”, “Яхши дўст сотмайди”, “Қуёшни этак билан ёпиб бўлмайди” каби мақоллар мазмунига мутаносиб мисралар биттади:

*Фақат Ўзбекистон ё Россиядамас,  
ҳатто Америкада ҳам  
Босқинчини севмас экан  
Ерини севган одам.  
Сотмас экан дўстларини  
Элига куйган одам.*

*Камситмас экан элни*

*Тилини суйган одам.*

*Миллати йўқ бу туйғунинг,*

*тузуми ҳам йўқ экан.*

*Ёпиб бўлмас экан ҳеч қандай –*

*қизилми, қорами этаклар билан,*

*чарақлаб турган қуёшни.*

*Ҳамма тик кўтариб юраркан*

*Шартта тикиб қўйган нарсаси – бошни... [2: 58]*

Сўнги мисралари бошдан охир қофиядош, оҳангдош сўзлар асосига қурилган “Ҳавас” номли шеърининг ҳар бир сатри ҳикматона янграйди, инсонни фақат эзгуликка чорлайди:

*Умрдан кўпроқдир борар жойимиз,*

*Гарчанд ер – тупроқдир борар жойимиз,*

*Бу ердан хўброқдир борар жойимиз,*

*Сизнинг йўлингизни берсин бизга ҳам.*

*Нафснинг ўлгани – қандоқ саодат,*

*Кибрнинг сўнгани – қандоқ саодат,*

*Ҳақ йўл кўрингани – қандоқ саодат... [ 2: 81]*

Аъзам Ўктамнинг “Икки дунё саодати (Имом Бухорий тўплаган айрим ҳадисларнинг шеърӣ талқини)” номли китобидан ўрин олган арбаъин жанридаги номланган 40 дан зиёд шеърлари ҳам мазмун-моҳиятига кўра ҳикматли шеърятнинг ноёб намунасидир[3]. Мазкур шеърларнинг ҳадислар гоъвий мазмунига мутаносиб тарзда “*Ота-онани билмаган Оллоҳни*”, “*Ёмонлик қилмаслик – садақа*”, “*Ота рози – худо рози*”, “*Савобнинг катта-кичиги йўқ*”, “*Бировнинг ҳаққи бировда қолмас*”, “*Мунофиқ олим – ўзига золим*”, “*Иймонга дарз кетса, қиёмат кўпар*”, “*Холислик – ҳақ йўлдир*”, “*Дўст бўлар ёв ўзи билмай*”, “*Бепарволик золимликдир*”, “*Жаннатни кез шу*

дунёдаёқ”, “Адолат иймоннинг бир бўлагидир” каби ўктамлик билан ҳикматона номланиши ҳам шоирнинг таланти, иқтидоридан далолат беради.

Бу туркумдаги шеърларни бадиий ва услубий жиҳатдан ўрганиш галдаги муҳим вазифалардан биридир.

Хуллас, Аъзам Ўктам шеърляти бундай ҳикматларга бойлиги билан ўзига хослик касб этади. Шоир ҳикматларида ўзига хос бадиий ҳукм, ҳаётий, фалсафий хулоса мужассам. Халқ мақолларига монанд шоир томонидан “кашф этилган” ҳикматлар эса шеърларнинг таъсирчанлигини, поэтик салмоқдорлигини таъминлаган.

#### **Адабиётлар:**

1. Қуронов Д., Мамажонов., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.
2. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент, 2019.
3. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати. – Тошкент, 1984.

**Беғам ҚАРАЕВА**

**п.ф.н, Москва давлат Лингвистика**

**университети доценти**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ТИЛНИНГ БАДИИЙ- ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАРИ**

#### **Аннотация**

Мақолада ўзбек халқининг бетакрор, забардаст шоирларидан бири Аъзам Ўктам шеърлятида тилнинг бадиий – тасвирий воситалари таҳлил қилинади, Шоирнинг сўз қўллаш маҳорати мисоллар асосида тушунтирилади, шоир ижодини ўрганилиши юзасидан тавсиялар берилади.

**Калит сўзлар:** ўзбек тили, тил бирликлари, шеър, бадиий–тасвирий воситалар, ўхшатишлар, иборалар, халқ оғзаки ижоди, шоир ижоди, сўз қўллаш маҳорати.

Ўзбек олимлари халқимиз тарихида икки Ренессанснинг бўлганлиги ва мутахассисларнинг фикрича бугунги кунда учинчи Ренессанс даврига кадам қўйганлигимиз ҳақида айтадилар. Буни ўзбек тилида Уйғониш давлари деб айтилади [3].

Бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўрни, интеграцион жараёнларга тезкорлик билан кириб бораётганлиги нафақат иқтисодиётда, балки дунёқарашимизга таъсир кўрсатадиган маънавият соҳасида катта ўзгаришлар бўлаётганлиги кўрсатмоқда. Маънавият эса, энг аввало адабиётимиз, тилимиз тараққиётида акс этади. Ўзбек тилининг дунёдаги энг бой ва ривожланган тиллардан бири эканлигини ҳам ана шу адабиётимиз ва унда яратилган бадиий асарларда акс этиб туради. Ўзбек тилининг энг бой ва чиройли тиллардан бири эканлигини соҳа мутахассислари, айниқса, туркийшунос олимлар томонидан кўп бора таъкидланган. XV–XVI асрларда туркий адабиётнинг гуллаб-яшнаган бир пайтида эски ўзбек адабий тилининг шаклланиши, ривожланиши даври бўлди ва унинг асосчиси улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий бўлди (1441–11501) [2, 9].

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, адабий тилимизга асос солган буюк Алишер Навойдан тортиб, бугунги адабиётимиз вакиллари, шоир ва ёзувчиларимиз ўзбек адабий тилимизни авайлаб-асраб, сақлаб келаётган ва унинг ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган инсонлар дейишимиз мумин. Ўйлаймизки, бугунги китобхонлар, тилимиз ва адабиётимиз ихлосмандлари замондошларимиз бўлган ижод аҳлининг ўз асарлари билан тилимиз равнақи ва адабиётимизда тутган ўрни ҳақида билиб, сезиб тураемиз. Уларнинг сўз қўллаш санъатини кўриб, таъби назмимиз янада бойиб, фикрларимиз янада тиниқлашиб, тозариб бораверади. Ана шундай ижодкорлардан бири, XX асрнинг 80-йилларида шеърятимизга шижоат билан, қалб туғёнлари билан кириб келган бетакрор шоиримиз Аъзам Ўктам бўлади. Халқимизнинг яна бир истеъдодли фарзанди, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева Аъзам Ўктамни забардаст

Ўзбек шоири, деб айтган эдилар. Аъзам Ўктам шеърларининг мазмуни, бадий жихатлари қалбларимизни, онгимизни бойитса, унинг асарлари тили эса ўзбек тилини янада бойитади ва унинг гўзаллигини яна бир қарра бизга намойиш этади. Шоирнинг бадий тасвир воситаларини қўллашдаги усталиги эса унинг тил билиш, сўз бойлиги ва ундан фойдалана олиш маҳоратини кўрсатиб туради.

Шоирнинг оналар мавзусидаги шеърлари ва уларда қўлланган халқона турғун бирикмалар диққатимизни тортади:

Кун ўтказмоқ кун сайин оғир,  
кўнглим ҳамон нотинч, интиқдир.  
Йўл пойлайди хира кўзларим,  
ипим узун, игнам синиқдир. [1, 12].

Халқ кўшиқларидан бирида “Отим ориқ, йўлим олис, манзилимга етолмайман...” сатрлари бор. Ҳар ҳолда кўшиқдаги лирик қаҳрамоннинг дардларини англаймиз, лекин юқорида битилган мисраларни англаш учун ниҳоятда нозик таъб бўлиши керак, “Хосият момонинг армони” шеърдаги ўзбек аёли тилидан айтилган мисраларни ёзаётганида севиқли шоиримиз қай даражадаги кузтатувчанлик билан бу дардни илғагани, сезгани ва уни халқона оҳангларда ўқувчига етиб борадиган қилиб тасвирлагани уни тилимизнинг зукко билимдони эканлигини кўрсатиб турибди. Шеърнинг кейинги бандларида яна шундай мисралар бор:

Қалдирғочни кутдим болам деб,  
шу ўй қишдан чиқариб олди.  
Дийдорига тўяр-тўймасдан,  
у ҳам ташлаб кетди-да, қолди [1,12].

Халқимизда “Агар шу қишдан омон чиқсам...” ибораси бор, ҳаётда эса сўз бойлиги етарли бўлган зукколаргина бу жумлани қўллай олдилар. Бу жумлада халқона бир шукроналик, эртанги кунга ишонч бор. Биз эса яна шоирнинг сўз қўллашига, мушфиқ моможоннинг дардларини ҳис этиб, қишдан омон чиқишга кўмак берган қалдирғочга шукроналик келтирётгани

ва яна ундан озгина ранжиб турганлигини ҳис қиламиз. Буни ҳис қилишда эса шоирнинг сўзлари бизга ёрдамга келади, чунки бу ўринда “дийдорига тўймоқ” ибораси ҳам моҳирлик билан қўлланган.

Шоирнинг “Илк шеър”ида “кўкрагида қалдирғочлар вижирлаётган” лирик қаҳрамоннинг қулоғига тонг еллари “Бахтли бўл” деб пичирлаётганини кўз олдига келтириш ҳам мароқли, шоирнинг маржондек ипга тераётган инжа фикрлари китобхоннинг завқини келтиради. Шоирнинг нақадар сергак кузатувчи эканлигини қуйидаги мисраларда яна ҳис қиламиз:

Янграр ўзбекча қўшиқ,

Тинглаб потирлар юрак:

Онам соғар сигирин—

Куйлаб юборар челак [1,14].

Бир қарашда оддий манзара, лекин онаси сигир соғаётганида челакнинг куйлаб юборишини ҳис қилган ўсмир лирик қаҳрамонни кўз олдимизга келтирамыз. Шоирнинг бу ҳолатни шу қадар топқирлик билан бера олиш, бу манзарани бадий тасвир воситаси сифатида сўз билан ифодалай олиши эса яна бир карра алоҳида бир завқ беради.

Ўзбек шеърлятида она диёр тасвири алоҳида мадҳ этилган. Аъзам Ўктам шеърлятида ҳам шеърлят ихлосмандлари ажойиб манзараларни кўрадилар. Улуғ адибимиз Ойбек тасвирлаган “Олтин водийдан шабадалар”ни қайта—қайта ҳис қиламиз. Шундай шеърлардан бири “Раҳимага” деб номланади. “Фарғонанинг ўрикзорлари” ёдига тушиб, “бирдан юраги гуллаган” лирик қаҳрамон фахрланиб айтади:

Мен ҳам сендек юртни эсласам,

бир дунё фараҳга тўламан:

Ахир, Баҳор ўзи соғиниб —

Келадиган жойдан бўламан [1,13].

“Оппоқ юртининг оппоқ тонглари”ни соғинган қаҳрамон ўз ҳолатини “оппоқ тонгдек кирай саҳарда” деб, тасвирлайди ва юртига интилади, нозик ибораларни моҳирлик билан ишлатиб, фикрларига яқун ясайди:

Хумор, жуда хумордир кўнгил,  
бахт битилган пешонамизга.  
Соғинчимиз тумордир, синглим,  
Кўз тегмасин Фарғонамизга! [1,13].

Қалб туғёнлари кўпчиликда бўлиши мумкин, лекин сўзларни маржондек ипга тиза олиш ва тил сезгиси Яратгандан берилган инъом. Шоир Аъзам Ўктам ижодининг мухлиси сифатида айтишимиз мумкинки, бу шеърлардаги бадиий сўзларни ҳали кўп ўқиймиз, шоирнинг ўзини эса соғинамиз. Ёшларимиз эса бу иқтидор эгаси яратган шеърятнинг ҳам бадиий, ҳам лисоний жиҳатларини тадқиқ этадилар деб, ўйлаймиз.

**Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам.Тўмарис билан суҳбат. – Т.: 2019. – 91б.
2. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М., Л.: 1960. – С. 446.
3. [https://www.youtube.com/watch?v=\\_qC\\_bz9HWd4](https://www.youtube.com/watch?v=_qC_bz9HWd4) Қарши ДУ профессори Абдурахим Эркаевнинг интервьюси, 2020.

**Гулчеҳра КЕЛДИЁРОВА,**  
**филололия фанлари номзоди**  
**ЎЗМУ доценти**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА АНТИТЕЗА**

Ёзувчининг индивидуал услуби унинг сўз танлашдаги ва қўллашдаги маҳорати орқали яққол кўринади. Тилшунослигимизда ижодкор бадиий нутқининг ўзига хослиги, унинг тил воситаларидан фойдаланиши каби жиҳатлар ҳақида гап кетганда, Аъзам Ўктам шеърлари мисолида ҳозирги тилимиз имкониятлари, унинг нозик маъно қирраларини намойиш эта олганлиги; бу имкониятлар турли воситалар, жумладан, сўзни моҳирона

қўллаш, янги бирликлар ҳосил қилиш, халқ тилидан ижодий фойдаланиш ва бошқалар унинг шеърларида ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўламиз.

Аъзам Ўктам шеърляти адабиётимизда ўзига хос ўринга эга эканлиги билан ажралиб туради. “Шоирлик истеъдодининг... муҳим бир қирраси шундаки, шоир Сўз сеҳрини мукамал эгаллаган, унинг барча сиру асроридан хабардор”<sup>††††††</sup> бўлиши зарур.

Аъзам Ўктам шеърлари бошқа шоирларникига нисбатан ўзгача оҳангда жаранглар эди. Шеърларига ўзгачалик бахш этган омиллардан энг асосийси — унинг табиатига хос бўлган самимийлик, беғуборлик, эътиқодлилиқ, хушчақчақлик, ҳақгўйлик каби хусусиятлардир.

Аъзам Ўктам антитеза усулидан жуда унумли фойдаланган. “Бадий адабиёт тилидаги антитеза усули (мумтоз адабиётда бу усул тазод деб юритилган) бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлилиқни келтириб чиқаришга асослангандир”<sup>††††††</sup> Шеърлятда антитеза бадий нутқнинг ифодалилиги, таъсирчалигини таъминлашда қўл келувчи ифода имкониятидир.

Бадий нутқ, айниқса, шеърлятнинг ифодалилиги, таъсирчанлигини оширишда антитеза жуда кенг қўламли ифода имконияти ҳисобланади. Чунки антитеза орқали қаҳрамон руҳиятидаги контрастлик, муаллиф ҳис-туйғулари бўрттириб тасвирланади. Антитезани вужудга келтирувчи асос антоним сўзлардан, коррелятив сўзлардан, инкор сўзшаклидан, оксюморон кўринишидаги бирликлардан, бир синонимик қатордаги сўзларни контекстуал ҳолда иккинчи бир синонимик қатордаги сўзларга маъно жиҳатдан зидлашдан иборат.

Дунё қарама-қаршилиқлар курашидан, инсон умри ҳам курашлардан иборат эканлиги Аъзам Ўктамнинг “Нега” шеърлятида ифодасини топган.

*Кун узун, кун иссиқ – малоллар келур,*

<sup>††††††</sup> Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – Б. 37

<sup>††††††</sup> Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фанлари д-ри....дис. – Самарқанд, 1993. – Б. 219-220



*Тунлари қоп-қора саволлар келур,  
Тонг чоғи мусаффо хаёллар келур,  
Ақлим менинг тиниқ тортмади ҳануз.  
Етди оқ-қорани ажратмиш они,  
Бу умр, бу ўлим кимнинг эҳсони?  
Ҳар лаҳза шу қарзни узиш имкони,  
Билдим, чин сарватни йиғмадим ҳануз.*

Сутканинг ёруғ ва қоронғи қисмини ифодаловчи *тун* ва *тонг чоғи* қаршилантеририлиши билан бирга, ўзига хос қўлланиши билан ўқувчи ёдида қолади. Келтирилган мисолда *тун–тонг чоғи* бирликлари орқали антитеза ҳосил қилинган: *тун* “сутканинг кун ботишидан кун чиққунгача, оқшомдан тонг отгунгача бўлган қисми”, *тонг* “кун чиқиш пайти, субҳидам, саҳар, азон” пайти эканлигини назарда тутсақ, бу ерда шоир ушбу икки сўз иштирокида антитезани, шунингдек, қаршилантериш орқали кетма-кетликка кўпроқ эътибор берган, яъни “бедор ўтган тундан сўнг отаётган тонг” антитеза ҳосил қилади. *Оқ-қора* сўзлари орқали зидлик муносабати ифодаланса ҳам, асосий эътибор умумлашма, яъни яхши-ёмон маъносини англатиш учун қаратилган. Антонимик жуфтликни ёнма-ён қўллаш орқали “умумийлик” семасига эга бўлган сўз билан шоир фикри ифода қилинади. “Тобора” шеъридаги

*Ҳар кун бир ҳис учар вужуддан, дилдан,  
ҳар тун бир туйғунинг ўчар қораси.  
Тобора юракнинг тириклик бирлан  
очиқ бўлаётир ораси*

мисралари кун ва туннинг рамзий маъно (яъни «ёруғлик» ва «қоронғулик» маъноси)да қўлланиши ҳам мумкинлигини эътиборга олсак, у ҳолда тўлиқ қаршилантериш ҳосил бўлади. “Тувакдаги гул” шеъридаги кундуз ва тун қарама-қарши тушунчаларни ифодаловчи сўзларни биргаликда қўллаш натижасида кучли бадий тасвир юзага келтирилган.

*Кундуз эсламадим ва лекин тунлар*

*оғиз шивирлашинг маҳв этди буткул:*

*“Наҳот менга Ватан бир парча тупроқ,  
нечун шохларимга қўнмайди булбул?”*

*“Назорат” шеъридаги*

*Қай ишим **чиндандир**, қай сўзим **ёлгон**,  
Мен қайда, менинг чин йўлим қайдадир?  
Эътиқод йўлинда тўкким келур қон,  
Жанггоҳ қай ердадир, ўлим қайдадир?*

мисраларида ҳаётнинг бутун силсиласи, драматик, поэтик кўриниши, оқ-қора ва турфа ранглардаги ифодасини идрок қилганлиги муҳим ўрин тутади. Ёки

***Ҳақ** йўлида энди тинмаюр,  
**Ёлгон**ларга учмас, қўнмаюр,  
Эгилади, балки синмаюр,  
Ўзбекларни кару кўр деманг.*

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ёлгон” сўзи – “ҳақиқатга зид, уйдирма, чин эмас, сохта, қалбаки” каби тушунчалар орқали изоҳланган.

Аъзам Ўктам шеърларида ер-осмон контекстуал антонимларини жуда кўп қўллаган. “Ишонч“ шеъридаги осмон-ер зидлиги қуйидагича ифода этилган:

***Осмон** беҳад яқин, **Ер** эса юмшоқ,  
Ёшлиқ қайтиб кетмас, у мангу қолар.  
Бўзчиман - боғлайман ҳар кун бир белбоғ,*

*Сафарим қаримас, яшариб турар.*

“Қаноат” шеъридаги макон ва вақт билдирувчи сўзлар ўртасидаги антitezани шоир ўзбек тилининг синонимик имкониятлари кенглигидан фойдаланган ҳолда ер-осмон контекстуал антонимик жуфтлигининг ер-кўк синонимларини келтириб, уларни ҳам зидлаб қўллаган.

*Асл айбим —*

*Текис йўлда қоқинмоқдир.*

*Асл бахтим —  
Ўзинг кўрмай созинмоқдир.  
Еру кўкдан мудом излаб  
Хато қилдим.  
Сени топмоқ йўли —  
Доим топинмоқдир .*

Шунингдек, изламоқ-топмоқ лексемалари зидлиги шеърга ўзгача руҳ бағишлаган. “Англадим” номли шеърда шоир дўст-душман антонимик жуфтлигидан ажойиб поэтик образ яратган:

*Гарчи дунё кенг ва ёруғ,  
Иқроф ўлмогим керак —  
Ўзимдан ўзга душман йўқ,  
Дўст йўқ ўзимдан бўлак.*

“Тилим” шеърида ҳосил қилинган антитеза учун *бол* ҳамда *аччиқ* сўзларининг кўчма маънолари асос қилиб олинган.

*Тилимдан бол томмас, аччиқ ҳам эмас,  
ярайди қалбдагин изҳор этишига.*

*Узунмас унчалик, қисик ҳам эмас,  
етади бўйнимдан тортиб кетишига.*

*Қисик* сўзи орқали сўз ўйини ҳосил қилинганлигини ҳам таъкидламоқ жоиздир. Бу сўз ҳам ўзига хос қаршилантирилган. Шунингдек, инсоннинг турли руҳий ҳолатларини англатувчи антонимларни шоир шеърларида кўплаб учратиш мумкин.

Аъзам Ўктам ижоди ҳақида Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон шундай деган эдилар: “Шоир ижодининг ўрганилмаган, ўрганилишга жуда-жуда арзийдиган жиҳатлари кўп...”.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. — Б.

2. Каримов С. Ўзбек тилининг бадийи услуги: Филол. фанлари д-ри....дис. – Самарқанд, 1993. – Б. 219-220
3. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. Т. 1989.
4. Аъзам Ўктам. Тараддуд. Т. 1993.
5. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. Т.2019.

**Муқаддасхон ҚУРБОНОВА**

**Фарғона давлат университети ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР**

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола шоир Аъзам Ўктам ижодий фаолиятини ўз ичига олган холда, лирик шоирнинг ўзига хос бадийи феномени ҳақида сўз кетади.

**Калит сўзлар:** *Сўз, ижод, бадийят, абадият, феномен, жамият, инсоният, тафаккур.*

*Яшолмасанг бутун ҳаётинг бекор —  
Бир қалбда ишқ бўлиб, саодат бўлиб.  
Мовий келажакка бормаслик даркор,  
Эзгуликдан машъум «қора хат» бўлиб.*

(Аъзам Ўктам)

Бадийи адабиёт худди бир тилсим, сиру синоатларга тўла бир макон, баъзан унинг муайян бир, ҳар ким ҳам илғаб ололмайдиган, нозик қирраларини беихтиёр кашф этиш, тафтиш этиш мумкин, бироқ ушбу тилсим борган сайин ўз харидори-ижодкорни ўзининг ғаройиб домига тортиб бориши оқибатида бадийи сўз харидорининг қизиқиши борган сари ортиб, авж пардасига кўтарилади, онги тиниклашиб, тафаккури ёришгач, сеҳр, оҳанг, жаранг, мунг, ҳайрат, завқ, иштиёқ ва ўткир майл каби оний ва ҳиссий туйғулар бир нуқтада кесишади, натижада бошқаларига мутлақо ўхшамайдиган бетакрор санъат асари яралади.

Ижодкор доимо ўзининг ғаройиботларга тўла сеҳрли оламида яшайди. У сўз билан ишлайди. У сўзларга турфа хил либослар кийдиради, у сўздан унинг ичига яширинган асл маъно-моҳиятни излайди. У сўз орқали ўз асарига жон бағишлайди. Ижодкорнинг қалами ўтли, онги эса юксак ақл ва хислар туғенида, доимо яратиш ишқида халқ дарди билан ёниши керак. Ана шундагина у яратган асар ўқувчида катта қизиқиш, иштиёқ уйғотиш билан бирга унинг эстетик дидини тарбиялабгина қолмай, балки умуминсоний фазилатларининг шаклланиши ва дунёқарашининг кенгайишида муҳим роль ўйнайди. Андижонлик олим Дилмурод Қуронов ва яна бир қанча адабиётшунос олимларнинг фикрига кўра, ана шундай шиддат ва туғёнлардан пайдо булган бадий асар ижодкорга дахлсиз бўлган дунёда, китобхонлар дунёсида яшай бошлайди. Асарнинг, у қайси жанрга тааллуқли бўлмасин, умрбоқийлиги ижодкорнинг қанча умр кўргани билан эмас, балки у яратган асарнинг эстетик киммати, яъни таъсирчанлик кучи, инсонлар кўнглига йўл топа билишидадир. Китобхонга завқ шавқ бағишлаши, қалб туғёнларига ҳамоҳанглиги, нозик қалб торларини черта олишида деб ўйлаймиз.

Ана шундай камтар ва камсукум, жуда қисқа ва мазмунли умр насиб этган шоир Аъзам Ўктам ижодий фаолиятига тўхталишни жоиз деб билдик.

Шоирнинг қандай инсон эканлиги унинг сатрларида бўй кўрсатиб туради. Унда шоирона соддадиллик, болаларча беғуборлик, самимийлик, баъзан эса чуқур мулоҳаза, ҳижрон, айрилиқ, иқрорлик ўзига хос йўсинда ўз ифодасини топади. Қуйидаги сатрларда шоир ўз қалбига яширинган оддий бир ҳақиқатни шеърга солади. Шоир қалбини забт этган беғубор муҳаббатни куйлайди. У севиклисини ҳатто ўзидан ҳам қизғонади. Шоир қалби муҳаббат ишқида ёнади, фариштадай пок туйғусини энди ҳеч кимдан яшира олмайди.

Фаришта мисоли гўзалнинг ўтли нафаси оловнинг гулханига, юзи “фаришта”га, қарашлари “хуркак” оҳуга қиёсланади. Ҳали дунёдаги ҳеч бир зот унинг севгисига лойиқ эмас ва унинг васлига етишиш учун, ҳаттоки, дунё ўзини поклаши кераклиги кучли бир муболаға билан ифодаланади. Ҳаттоки,-

“бахт” аталмиш мавҳум туйғу имонсизлар дунёсида том маънода бахтли бўлолмади, - дейди шоир, ва ҳақиқий бахт имони бор кишига насиб этишини таъкидлайди. Муҳаббатнинг илоҳий эканлигини ва ушбу олий туйғу барчага ҳам баробар эмаслигидан, унга енгил - елпи қарайдиганларга карата “муҳаббатдан тугилмаганлар” иборасини ўринли қўллайди.

*Фаришта бор унинг юзида,  
Қарашлари хуркак, осуда.  
Мен уни ҳаттоки ўзимдан —  
Пинҳон тутгим келади жуда.*

*У оламга ўт қўйиб юрар —  
Нафаслари покиза гулхан.  
Бу сокин, бу нотинч дунёга  
У кеч келган ё эрта келган.*

*Унга маскан бўлмоқлик учун,  
Дунё ҳали покланиши шарт.  
Фақатгина имони бутун,  
Унга келса бахтли бўлар Бахт.*

*Кўзлар сокин бир қўшиқ куйлар,  
Жимирлашиб кетади танлар:  
«Муҳаббатни эрмак деб ўйлар —  
Муҳаббатдан тугилмаганлар!»*

Шоирларнинг кўнгли, табиати гул каби нозик бўлиши тайин. Уларни кўнглини олиш бир қарашда осон ва яна бир қарашда жуда қийин. Улардаги ҳиссий қувват, кузатувчанлик ички таъсирчанликларини оширади ва оддий, киши руҳиятига яқин бўлган манзараларни акс эттирувчи ёниқ мисралар яралаверади. Кишилиқ жамиятдаги баъзи бир ноинсоний иллатлардан изтироб чекади ва шундай мисраларни битади.

*Энди тонг юзига қарайман қандоқ,  
Қисирлаб сингандай оғриди кўксим.  
Билмам не қиларим —*

*Илк бора бу чоғ*

*Кўзимга қарамай қўл чўзди дўстим*

\*\*\*\*\*

*Ишонмадим қулоқларимга*

*Чангалладим бошимни маҳкам.*

*Кўшиб-чатиб «гуноҳларим»га*

*Менга тухмат қипти бир одам.*

*Бу балони қандоқ қилай даф,*

*Қандоқ оғир енгил хўрсиниқ.*

*Қулоғимга етди ёмон гап,*

*Тешиб ўтгач онам кўксини.*

Шоир ўзгача бир кўнгил эгаси, ўзгаларга нисбатан ҳасад эмас, ҳавас билан қарайди, ўз камчиликларига иқрор бўлади. Унинг самимий, дилтортар сатрлари яхши инсонлардан ўрнак олишга даъват этади:

*Сизда ҳеч нарсадан зарра камлик йўқ,*

*Ҳеч кимса қошида боши хамлик йўқ,*

*Ўткинчи ҳар нега кўзи намлик йўқ,*

*Сизнинг йўлингизни берсин бизга ҳам.*

*Бир дарё оқади олда айқириб,*

*Талпинади дилим — ташна, ҳайқириб,*

*Сиздек боролмайман, лолман ҳайиқиб,*

*Сизнинг йўлингизни берсин бизга ҳам.*

Айниқса, шоирнинг ушбу мисралари ҳар қандай юракни жунбушга келтирмай қўймайди.

*Нафснинг ўлгани — қандоқ саодат,*

*Кибрнинг сўнгани — қандоқ саодат,*

*Ҳақ йўл кўрингани — қандоқ саодат,*

*Сизнинг йўлингизни берсин бизга ҳам.*

*У қутлуғ манзилга етсайдим кулиб,*

*Келдим, деб хотиржам айтсайдим кулиб,*

*Ортга, олдга боқиб кетсайдим кулиб...*

*Сизнинг йўлингизни берсин бизга ҳам.*

Куйидаги сатрлар орқали табиат ходисалари ва кишилик оламидаги воқеликни синчковлик билан кузатиш ва ҳиссиётлар билан уйғунлаштириш, барча шоирлар каби Аъзам Ўктам табиатига хос фазилатлардан эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Шоирнинг ўз она Ватани, халқи ва миллатига бўлган чексиз муҳаббати бегоналарнинг унинг халқини саводсизликда айблалари, камситишларига йўл қўймайди, жавобни эса яна она шеъриятдан излайди ва ўз фикрини шеърий сатрларда ифодалайди, нафақат ифодалайди, балки ҳақ эканлигини исботлайди ҳам.

*Кул бўлган эмасмиз, ҳеч биродарлар,*

*Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди.*

*Ўқталган мушт каби турар минорлар,*

*Мақбара қуббаси дубулга худди.*

*Ва буткул саводсиз эмасдик ҳеч ҳам,*

*Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир.*

*Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам,*

*Китоблар шаклида қурилган ахир.*

Аъзам Ўктам шунчаки ёзмайди, ёзганда ҳам куйиб пишиб, куйиниб, руҳан азобланиб, тўлғониб-тўлғониб, самимият, катта бир иштиёқ билан ёзади. У борлиқни фалсафий бир донишмандлик билан идрок этади ва ушбу санъат у қўллаган сўзлар орқали сатрларга аста кўчар экан, энди у ўз маҳобатини турфа хил рангларда намойиш эта бошлайди. Ўқувчисини ўзининг сеҳрли оламига етаклайди. Шоирнинг дилидаги тилига чиқади. У шеър орқали кимгадир озор бериб қўйиш ёки айтганларидан тонишни ёқтирмайди, ёлғиз ҳақиқатни кўрқмай куйлайди. Каттаю кичикни яхшиликка, ҳалолликка, севиш ва севилишга чорлайди. Унинг шеърияти ҳеч қачон ҳазон бўлмайдиган барг каби, унинг ижоди сўнишни билмайдиган маёққа ўхшайди. Чунки орадан йиллар, асрлар ўтади, кишилик жамияти, унда яшовчи кишилар, дунёқарашлар ўзгаради, бироқ, яна ўша, инсонга тегишли



туғёнлар силсиласи, уларни шеърий мисраларга терувчи шоир, унинг ўтли мисраларига бўлган ташналик, даврлар оша ўзгармайди. Шоир Аъзам Ўктамнинг жуда ҳам қисқа даврни ўз ичига олувчи оташин ижоди ҳам абадийликка дахл қилади. Чунки у ижодининг қисқа даврида прозаик асарларга ҳам қўл уришига карамай, ўйлаймизки, асосан, у том маънодаги лирик шоир, худди ҳижронли қабнинг куйчисига ўхшайди. Уни кўп фазилатли шоир десак ҳам адашмаган бўламиз. Чунки у шоир сифатида қалам тебратар экан, гоҳ халқ ижодига мурожаат қилса, гоҳида эса мумтоз адабиётимиздаги анъанавий йўлдан бориб ғазал жанрида ҳам бемалол қалам тебратади. Баъзида эса, зукко китобхон, шоир ғазалларида Чўлпон қаламининг таъсирини осон илғаб олиши мумкин. Баъзан, унинг қалб туғёнлари оддий, замонавий шеърий мисраларда, қандайдир илоҳий куч ва шиддат билан табиатга кўчади.

*Абадий коинот билан қоламан,*

*Ўлсам чирқирайди овозим танда.*

*Энг янгроқ юлдузни узиб оламан,*

*Эзилган, хўрланган баргман тубанда.*

Аъзам Ўктам ижоди билан яқндан танишар эканмиз, хайратимиз ошаверади. Унинг серқирра ижодига бўлган қизиқишимиз ортаверади. У замон билан ҳамнафас ижодкор бўлиб қолмай, балки таржимон сифатида қалам тебратади. Жаҳон адабиётида муносиб жой олган шоирлар, Робиндранат Тагор ва Николай Рубцовларнинг туркум шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Шоир шунинг билан чекланиб қолмади. Энди уни дин илми, айниқса ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Бухорий тўплаган ҳадисларнинг шеърий талқини қизиқтира бошлади. Бир қанча ҳадисларни ўрганди, уларнинг афзалликлари ва тарбиявий аҳамияти ҳақида бош қотирди.

Натижада Бухорий ҳаратлари тўплаган ҳадисларнинг айримларини шеърий вазнда ифода этишга эриша олди ва ушбу тупламни “Икки дунё саодати” деб атади. Бунда фақат инсоний олий фазилатларни куйлади.

Инсонларни инсонийликка чорлади. Масалан: Бир аёл қилмишини шундай сатрларда ифода этади.

*Бир кун қуёш тутилгани дам,  
Намоз ўқиб сарвари олам.  
Лутф этдилар бир зум олиб тин:  
“Менга дўзах қилинди яқин.  
Кўрдим унда ким бўлса — яққол,  
Мушкул ҳолда қолган бир аёл.  
Қутқаролмас асло ўзини —  
Тимдаларди мушук юзини.  
Тирикликда ўзин зўр санаб,  
Қўйган экан мушукни қамаб.  
Ўлдирибди озиқсиз уни,  
Энди эса у қийнар буни”.*

*Ва шундай изоҳлайди: Бир кун Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қуёш тутилган пайтда ўқиладиган намозни ўқибдилар. Кейин ўзларига жаҳаннам жуда яқин келтириб кўрсатилгани, унда азобланаётганларни яққол кўрганларини айтибдилар. Улар орасида мушукка зулм қилиб, ўлдирган аёл ҳам бор экан. Жамики мавжудотни Оллоҳ таоло яратган экан, уларнинг ҳеч бирига нотўғри муносабатда бўлиш ярамайди.*

Аъзам Ўктам ҳам барча шоирлар каби севди ва севилиб яшади. Севганда ҳам оддий, чин кўнгидан, самимий севди. Ўзи туғилиб ўсган Ватанини, она тупроғи, она ерини, яқинларини соғиниб-соғиниб, шеър мисраларида бўзлаб-бўзлаб, гоҳида эса Она Фарғонамизни ғурур билан фахр этиб, соғинч билан, сиғиниб яшайди. Қуйидаги мисралар фикримизга асос бўлади деб ўйлаймиз.

*Қор босганди Тошкент боғларин,  
Қат-қат эди кўнгил зорлари.  
Юрагимда гуллади бирдан,  
Фаргонанинг ўрикзорлари.*

*Хумор, жуда хумордир кўнгил,  
Бахт битилсин пешонамизга.  
Соғинчимиз тумордир, синглим,  
Кўз тегмасин Фарғонамизга!*

Шоир қалбини тушуниш, бизнингча, у қадар осон эмас. Шоир ўз изтиробларида ўзи қовурилади, сирларини эса биринчи бўлиб шеърият деган бир хилқатга изҳор қилади. У ўзи севган аёлнинг бахтсизлигида кўпроқ ўзини айблаши билан қалб туғёнларининг истироби янада ортади. У аёлини борича севади, ундан айро ҳаётини тасаввур ҳам қилолмайди. Шоирнинг яна бир гўзал фазилати бўй кўрсатади, бу ҳам бўлса шоирнинг ростгўйлиги, дил иқроридир. Ушбу лирик ҳолатни қуйидаги сатрлар орқали изоҳлаш мумкин.

*Куй бўл қўшигимга, момогулдирак,  
Бунча гурсиллама, оғир бўл, юрак.  
Қийналдим, сиримни очишим керак —  
Бир бахтсиз аёлни севаман...  
Алдамчилик, ёлгон мендан наридир;  
У менинг жонимдир, малак, паридир.  
Биров деб яшнади, мен деб қарийдир,  
Бир бахтсиз аёлни севаман...*

*Ўтда куйди, сувда чўкди йил, куни,  
Менга насиб этди ойдин бир туни.  
Энди ўлгим келар жим қучиб уни —  
Бир бахтсиз аёлни севаман...*

Шоир ҳеч қачон ёзган шеъридан қаноатланмади. Бу асл ижодкорга хос фазилат. Шунинг учун ҳам унинг тунлари, асосан, бедор кечган. Машаққат чекди, ижод завқи билан яшади. У ўзи ўзидан нолиб, қоникмай, ҳар лаҳза, ҳар он изланиб, койиниб яшади. Сўзнинг илоҳий қудратини чуқур ҳис қила олди.

*“Итоат этмайди*

*Ҳануз менга сўз.*

*Ё раббим,*

*Гуноҳим ахир нимадир*”, - дейди лирик қаҳрамонимиз ич

- ичидан куюниб.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, тўғри, Аъзам Ўктам бир оддий инсон сифатида жуда қисқа умр кўрди, бироқ бир шоир сифатида, ушбу қисқа давр ичида ўз халқига муносиб маънавий бадиий мерос қолдиришга улгурди. Қуйидаги ғазал мисралари ҳам ҳар қандай инсонни тўлқинлантирмай қўймайди. У, худдики, ушбу хатарни олдиндан билиб яшагандай туюлади бизга. Шунинг учун ҳам, халқ оғзида, *“шоир халқи ҳаётдан бир қадам олдинда юради”*, - деган ибора юради азалдан.

*Ажаб, дил шод бўлар тинглаб қиёматдан хабарларни,*

*Тобора шавқим ортгайдир, сезиб келгич хатарларни.*

*На роҳат на азоб боис, сен айтган йўлга кирмишман,*

*Шу ишқ ҳаққи хатарсиз қил, ўзинг сори сафарларни*

Фарғоналик шоир Аъзам Ўктам айтганидай, унинг “икки дунё” саодатига эришганлиги ва сўнмас ижодининг абадиятга дахл қилишига ишончимиз комил. Азал -азалдан инсон қалби шеърятга муҳтожлик сезиб келган. Шоирнинг серқирра ижоди, ҳар лаҳза, ҳар дамда, кўплаб каттаю кичик шеърят ихлосмандларини ром этаверади.

#### **АДАБИЁТЛАР :**

1. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 б.
2. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: “Янгиқўрғон” нашриёти, 1992. – 32 б.
3. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
4. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.
5. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48 б.
6. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Тошкент: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.

7. Аъзам Ўктам. Сахар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Тошкент: “Мовароуннахр”, 2014. – 304 б.
8. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
9. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: “Мухаррир”, 2019. – 92 б.
10. Назар Эшонкул. Мендан “мен”гача: адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: “Akademnashr”, 2014. – 512 б.
11. Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: “Sharq”, 2004. – 640 б.
12. Рауф Парфи. Сабр дарахти: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 216 б.
13. Чўлпон. Адабиёт надир: Адабий-танқидий мақолалар, Чўлпон ҳақида хотиралар. – Тошкент: “Чўлпон”, 1994. – 240 б.
14. Эркин Воҳидов. Сўз латофати. – Тошкент: “O'zbekiston”, 2018. – 216 б.

**Маъруфжон ЮЛДАШЕВ**

**Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг**

**давлат тили бўйича маслаҳатчиси,**

**филология фанлари доктори**

## **ЁРУҒЛИККА БОШЛОВЧИ ШЕЪРИЯТ**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктам шеъриятининг моҳияти, исён ва итоат туйғулари, тил хусусиятлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар.** Исломий ақида, ҳикмат, интертекстуал, фразеологик бирлик, тил табиати.

Чексизлик гирдобига тушиб қолган инсон адабиёт кўрсатган томондаги ёруғлик сари интилади. Адабиёт инсонни йўқ бўлиб кетишдан, мақсадсизлик

ва маънисизликдан асрайди. Адабиёт энг аввало инсонга хаёл қилишни, тафаккур ва тасаввур қилишни ўргатади. Динлар ва мифологик таълимотлар замирида ҳам айна маъно яширинган. Яъни, исёнкор рухни ҳечлик ботқоғидан қутқариб муқаддаслик мартабасига олиб чиқиш. Аъзам Ўктам шеърятининг асосини ҳам айна шу ҳақиқат ташкил этади. Унинг шеърларини ўқиганда, майда ташвишлардан анча баландда турадиган самимиятни, бегидир ҳақиқатни туясиз. Унинг ҳеч ким кўрмаган ноёб бир манзарани, сўзни ёхуд фикрни топа олгани учун эмас, ҳаммага маълум бўлган манзара, сўзни ёки ҳолатни ўзига хос тарзда кўра олгани ва ўз услубига мувофиқ ифодалай олгани учун ёктириб қоласиз. Адабиётшунос олим Баҳодир Карим бир мақоласида шоирни шундай таърифлайди: “Аъзам Ўктамнинг адабий шахсияти ва қиёфасини, истеъдодининг асосий қиррасини шеърини асарлари белгилайди. Бу шеърлар эгасининг мавқеини, обрўсини табиий равишда баланд кўтаради; яхши шеъргина шоирни адабиятга дахлдор қилади. Чунки бу шеърят эгасида ички бир мағрурлик, ғолибият сезилади; у бировларга ялтоқланишни, айниқса, ҳақсизлик қошида бўйин эгилишни ўзига эп кўрмайди. Аъзам Ўктам шеърлари ўзи каби анча ўжар ва одамнинг юзига, ҳақиқатнинг кўзларига тик қараб турадиган, инсон юрагига тез етиб борадиган самимий, жонли ижод намуналаридир.”

Ҳар қандай шеърни ўқиш учун ҳам маълум савия керак бўлади. Айниқса, Аъзам Ўктам шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Исломий ақида ва ҳикматлардан беҳабар кимса шоир шеърларидаги гоҳ ошқора гоҳ яширин ҳолда ифодаланган маънавий хазиналардан бебаҳра қолиши тайин. Аслида, Аъзам Ўктам шеър учун мавзуни узоқлардан қидирмайди. Таниш туйғулар, аниқ ҳолатлар унинг эътиборини тортади. Энг кичик тасодифларга ҳам қизиқиб қарайди ва илҳом олади. Улардан кутилмаган фалсафий ифодалар чиқаради, топиб айтади. Ҳар бир сўзга, иборага ҳикмат назари билан қарайди. Масалан, ёмғир ҳақида жуда кўп шеър бор. Бироқ “ёмғир – бу пичирлаб қилинган дуо” сатри содда ва аниқлиги билан уни бир марта ўқиган китобхоннинг хотирасига муҳрланиб қолади. Унинг халқ тилидаги мақол-

маталлардан, фразеологик birlikлардан фойдаланиш тарзи ҳам ниҳоятда ўзига хослиги билан эътиборга лойиқ. Масалан, тилимизда “замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” мақоли мавжуд. Шоир шу мақолнинг мазмунини сўроқлаб кўради:

*“Замон сенга боқмаса,  
сен замонга боқ.”*

*Бу гапни айтган-ов  
замоннинг ўзи. (“Эҳтимол”)*

Шоирнинг шубҳаси сизга ҳам ўтиши табиий. Сиз ҳам шоирга қўшилиб беихтиёр сўзлар замиридаги маъноларни уқишга, англашга ва фарқли ракурслардан баҳо беришга уринасиз. “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” мақоли мазмунида тобелик, мусалламлик бор. Шоир ҳар қандай итоатни эмас, Оллоҳга яқинлаштирадиган итоатни ёқлагани боис, мазкур мақолнинг ҳақиқатига ҳам шубҳа билан қарайди. Шоир очиқ айтмаса ҳам мақолда ифодаланган маънонинг аксини ёқлаши англашилади. Қуйидаги шеър ҳам худди шу тарзда шакллантирилган. Мақол ва унинг маъносига киноявий муносабат:

*“Узоқнинг бугдойидан  
яқиннинг сомони яхши.”*  
*Агар бугдой эмас,  
сомон ейдиган бўлсанг. (Мақолга шарҳ)*

Бадий матннинг тил хусусиятлари тадқиқига бағишланган ишларда, интертекстуаллик атамасидан фойдаланилади. Интертекстуаллик атамаси муайян бадий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлигига нисбатан ишлатилади. Таъкидлаш лозимки, ҳар қандай бадий матн интертекстуал бўлиши шарт эмас, бу ёзувчининг бадий мақсади, услуби билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бошқача қилиб айтганда, бадий матнга олиб кириладиган ҳар қандай бошқа матн ёки унинг унсури асосий матн мазмуни ва лисоний қурилиши билан уйғунлашиб, ёзувчининг эстетик нияти рўёби учун хизмат қилади. Бадий матннинг интертекстуаллиги

хилма-хил шаклларда намоён бўлади. Асосий матнга олиб кириладиган ўзга матн ёки унинг муайян унсури ёзувчи ниятига кўра асосий матн структурасининг турли қисмларидан жой олиши мумкин. Юқоридаги шеърларда мақол яхлит ҳолда олиб кирилган ва унга муносабат билдирилган. Мақол бу шеърдан ташқарида ҳам мустақил ва яхлит ҳолда ўз маъно доирасига эга. Шеърга олиб кирилгандан кейин бутуннинг парчасига айланади ва маъноси ундан кейин келган парча асосида англашилади. Бу тарздаги шеърлари билан шоир ўқувчига ҳар нарсага тақлидий, кўр-кўрона ишониб кетавермай, суриштириб, аниқлаб ҳодисанинг ҳақиқатига етгандан кейин ишониш кераклигини уқтиришга ҳаракат қилади.

*Солмаганман озгимга талқон,  
қўрқаман одамдан қўрқишига.  
Хафа қилма – бепарво кулма,  
Синдириб ташласанг-да,  
Мендан ўпкала –  
Мен – ойнаман,  
сенинг башаранг қийшиқ. (Кўрга ҳасса)*

Бу шеърда “башаранг қийшиқ бўлса ойнадан ўпкалама” мақолини ёйиб ташлайди ва бир шеър шаклида қайта тиклайди. Энди мақолнинг моҳияти бутунлай ўзгаради. Ислом ақидасига кўра “мусулмон мусулмоннинг ойнасидир.” Бунинг акси бўлсанг, демак мусулмон эмассан. Шоирнинг маънавий дунёсини ҳисобга олганда, бу шеърнинг маъноси янада теран англашилади.

*Қор ёққани яхши – излар босилар,  
Маъқул шамол келгани –  
Қувилади дарду гард.  
Ёмғир ювар губорни.  
Ҳаммасидан ёв қочгани зўр –  
болалайди ботирлар. (Баҳонада)*



Ушбу шеърда “кор ёғди – излар босилди” ва “ёв қочса, ботирлар кўпаяди” мақоллари интертекстуалликни юзага келтирган. Юқорида таъкидланганидек, шоир шеърларини кузатганда, унинг ҳаётга нисбатан кучли ироник муносабати англашилади. Турмуш ташвишлари ҳам, амал-мансаблар ҳам шоир наздида майда нарсалар. У буларнинг барини кузатади ва илҳом олади. Кузатиш, эҳтимол, ҳаётнинг маънисини илғаш учун илҳомлантирадиган энг тўғри ва ягона йўлдир.

Йирик лингвопоэтист олим Роланд Барт фотосуратлар таҳлили орқали муаллифнинг эстетик оламини ёритиш жараёнида иккита атамадан фойдаланади: “*studium*” ва “*punctum*”. *Studium* атамаси орқали олим муаллифнинг мақсади ва натижасини изоҳлайди. Суратда акс этган ҳолатлар, нарса-буюмларнинг маъно-мазмуни ва ёзувчининг уларга юклаган маъноси ҳақида фикр юритади. *Punctum* атамаси эса суратда акс этмаган аммо суратни томоша қилган инсоннинг ҳаёлотида акс этган қандайдир тасаввурлар, аллақандай кайфиятни уйғотувчи эсламлар (ассоциация) ва илҳомларни ҳосил қилувчи “нимадир”ни ифодалаш учун ишлатилади. Адабиётшунослар мазкур атамалардан бадий асарларни таҳлил қилишда ҳам фойдаланишади. *Studium* хусусий ҳолатни тадқиқ қилишда, *punctum* эса нисбатан кенгроқ, бир неча асари учун муштарак бўлган нуқтани аниқлашда ишлатилади. Аъзам Ўктам шеърини учун умумий нуқта яъни *punctum*ни белгилаш зарурати туғилса, эҳтимол, кўпгина шеърларига хос бўлган кучли киноявий муносабатни айтиш мумкин бўлар. Чунки шу тарздаги киноя унинг бошқа шеърларида ҳам кузатилади. Масалан:

*Кун кўрмай куним кўрдим:*

*Тез кеч кирди, тонгдан дил хуфтон.*

*Ўсиб қарияпман,*

*Енгилиш – енгил иш.*

*Ҳар тун ҳаёт марҳум,*

*Доим тирик ўлим:*

*ҳаёт менга дўстмас, ҳа, ёт. (Кузда кулган чечак)*

Шеърни илк марта ўқиганда, лирик қаҳрамоннинг ҳаётдан норизолиги, тақдирдан шикоятзадалиги ва буларнинг барига кучли бир киноя билан қараши сезилади. Буни “кун юзини кўрмаслик”, “кунини кўрмоқ”, “енгилиш – енгил иш”, “ҳаёт марҳум”, “ҳаёт дўстмас, ҳа, ёт” каби ўзига хос ифода шакллари таъкидлаб туради.

Қуйидаги шеърдан ҳам шоирнинг тил табиатини, миллий тил мантиғини нақадар тегингилани сезишимиз мумкин. “Сичқон сизмас инига ғалвир боғлар думига” мақолидан ўз ҳаёт ҳикоясига алоқадор ҳолатларни топади. Мақолдан келиб чиқадиган образли мазмун шеърда ифодаланган асосий фикр-ғояни яхлит ҳолатда ўзида мужассамлайди. Мақолни ўқигандаёқ ўқувчи матндаги асосий ғоянинг умумий чизгиларини тасаввур қилади.

*Тўғри, тўғри. Эътирозим йўқ:*

*Сичқон гирт овсар-да –*

*сизмайди-ю инига,*

*ғалвир боғлар думига.*

*Тушундим:*

*дахли бор бу гапнинг менга.*

*Аммо сизга англамай қандоқ –*

*Ў, на қадар сулувдир ғалвир,*

*уни судра-аб юриш –*

*нақадар завқли. (Тушунинг...)*

“Эгилган, таслим бўлган ҳар қандай нарсада исён бор. Ёйлар тортилганда гўзал бўлади, чунки тортилмаслик учун чиранади. Дунёдаги инсон ижоди бўлган барча гўзалликлар буюк марҳаматга исён ва алалоқибат тобеликнинг ҳосилаларидир. Ҳамма нарса эгилмай-букилмай тўппа-тўғри ўсишни, юксалишни истайди. Аммо, минг шукрки, уларнинг ҳеч бири буни уддалай олмайди. Тўппа-тўғри ўсишга ҳаракат қилаверинг, ҳаёт сизни эгиб олади.” – дейди инглиз ёзувчиси Гилберт Честертон. Исён ва итоат Аъзам Ўктам ижодининг пойдеворини ташкил этади. Унинг шеърятини бошдан-

охир кузатган одам, шоир исёнининг бора-бора итоатга, ўжарлигининг марҳаматга, киноясининг таслимиятга айланиб бориш жараёнини англаб етади. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг таъбири билан айтганда, унинг шеърларида “муслмон инсон, динини худди чўғни тутгандек тутиб, диндан ажраб қолган бир жамиятда яшаб келган инсоннинг фикрлари, унинг қийналишлари, ўртанишлари ва халқи учун куюниши ўз ифодасини топгандир.”

#### **Адабиётлар**

1. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. Учеб. Пособие. – М:Просвещение, 1978. – С.123.
2. Маҳмудов Н.Ўқитувчи нутқи маданияти.– Тошкент: 2009. – Б.113.
3. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 114.
4. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Т.б 1990. – 56 б.
5. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғонаб 1992. – 32 б.
6. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Т: Чўлпон, 1998. – 56 б.
7. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Т: Ёш гвардия, 1990. – 56 б.
8. Аъзам Ўктам. Қиркинчи баҳор:Шеърлар. – Т., 1999. – 48 б.
9. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т., 2011. – 160 б.
10. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Т., 2014. – 304 б.
11. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон 1993. – 80 б.
12. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: Муҳаррир, 2019. – 92 б.

**Нилуфар САДУЛЛАЕВА**

**Ўзбекистон Миллий университети Хорижий**

**филология факультети кафедра мудири,**

**филология фанлари доктори**

### **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРЛАРИДА ЙИҒИҚ ВА ТЎЛИҚСИЗ БИРЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

#### **Аннотация**

Мазкур мақолада назмий дискурда йиғиқ ва тўлиқсиз бирликларнинг қўлланилиши таниқли шоир Аъзам Ўктам шеърлари мисолида тадқиққилинди.

**Калит сўзлар.** Ёйиқ гап, бадий ижод, фалсафий рух, "Тараддуд", йиғиқ гап, "Сўроқ".

Инсонлар бир-бирлари билан мулоқотда бўлганида турли лисоний воситалар – сўз, иборалар, гаплар ва уларнинг вариантларидан фойдаланадилар. Буларнинг ҳар бирини ишлатаётганда, табиийки, ёзувчи ва шоирлар ва умуман сўзловчилар ўз мақсадларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Аниқки, ёйиқ гаплар моделига мурожаат қиладиган муаллиф матн мазмунида жамланган ахборотни ва персонажлар фикрларини кенг, аниқ ва раво ифодалаш учун тил заҳираларидан унумли ҳамда тежамкорона фойдаланади.

Ҳар бир инсон фикрини ўзига хос йўсинда, тарзда ҳамда амалдаги грамматик, коммуникатив нормага мос равишда ифода қилади. Табиийки, ягона бир ментал тузилмани турлича баён этиш мумкин. Шунингдек, кимдир фикрини ихчам баён қилишга интилса, бошқа бири ёйиқ шаклни ёқтиради. Насрий асарларда ёйиқ баён этиш имконияти кенг, аммо назмда бунинг имконияти чекланган. Шунга қарамай, биламизки, шеърят ҳар қандай инсон кўнглига йўл топа олади. Бу, албатта, шоирнинг ўқувчига ўз ҳиссиётини маҳорат билан ифодалашига боғлиқ. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов тўғри таъкидлаганидек, қайси жанрда бўлмасин, бадий ижоднинг моҳияти бир хилдир. Ҳақиқатан, ёзувчи ҳам, шоир ҳам ўз мулоҳазалари, ҳиссиётларини истаган шаклда ифодалай олади.

Таниқли шоир Аъзам Ўктам ижодининг асосий мундарижасини теран исломий - фалсафий руҳ ташкил этади. Унинг шеърлари янги ифода воситалари, тилининг жозибadorлиги, ажиб сеҳри билан ажралиб туради. Шоир инсон руҳияти ва маънавий дунёсининг янги-янги қатламларини бадий тадқиқ қилади. "Тараддуд" шеърдаги биринчи мисра – ёйиқ ва йиғиқ гап, иккинчи мисра эса йиғиқ ва ёйиқ гаплар муносабатини ҳосил қилади:

*Аниқ ҳеч нарса, ҳар нарса тусмол,*

*Айбларим ўйласам – ҳушидан озарлик.*

*Қизларнинг юзидай очилган осмон,*

*Булут келишига кўрар ҳозирлик.*

Яъни:

*Аниқ ҳеч нарса йўқ, ҳар нарса т.* [°W<sup>й</sup>Pm]

Шеър хулосасида шоир шундай дейди:

*Йўл аниқ, қайтиш йўқ.*

*Мен кетдим энди.*

Яъни:

... *Йўл аниқ,* [°W<sub>1</sub><sup>й</sup>Pm<sub>1</sub>]

... *қайтиш йўқ.* [°W<sub>2</sub><sup>й</sup>Pm<sub>2</sub>]

Ушбу икки мисрада учта йиғиқ гап (*ҳар нарса тусмол, йўл аниқ, қайтиш йўқ*) мавжуд ва уларни алоҳида тарзда келтириш мумкин. Шоир кўллаган *Аниқ ҳеч нарса йўқ* гапи *ҳар нарса тусмол* йиғиқ гапига мазмунан тенг, аммо унинг такрори эмас. Бу гапда муаллиф ўз мақсадининг рўёбга чиқишини аниқ билмаслиги ифодаланган, йиғиқ гапнинг олдидан ёйиқ гап жойлаштирилган. Кейинги иккита йиғиқ гап шоир қатъий бир қарорга келганини кўрсатади.

Аъзам Ўктамнинг “Сўроқ” шеъри жамият ҳаётидаги маънавий-ахлоқий-ижтмоий-фалсафий масалаларга янада чуқурроқ ёндашганлигини кўрсатади. Шеърдаги мисраларга диққат қиламиз:

*Талпиндинг, йиғладинг – елдинг дунёга,*

*Сўйлагил, сен нечун келдинг дунёга,*

*Бузилди, айт, нима қилдинг дунёга,*

*Ўзингни ким дея билдинг дунёга?*

Шу тўртликнинг биринчи мисраси уч қисмли ва тенг таркибли қўшма гап ва булардан иккитаси – *Талпиндинг* ва *йиғладинг* йиғиқ гаплар, иккинчи мисолда *Сўйлагил* йиғиқ гап ва ундан сўнг келган гап эса содда ёйиқ гапдир. Учинчи мисрада эса *Бузилди* ва *айт* кетма-кет қўлланган йиғиқ гаплар. Юқоридаги сатрларда жойлаштирилган йиғиқ гаплар муаллиф мулоҳазаларини таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилувчи воситалардир. Бинобарин, шеърий матннинг морфологик шакли давомийлик (дуративлик), аспектиал маъноси мавжудлиги туфайли руҳан азобланишдан сўзловчининг кутула олмаётгани аниқ акс этган.

Аъзам Ўктам риторик-сўроқ гапни кейинги руҳий ҳолатни янада кенгроқ изоҳлаш мақсадида ишлатган. Шу риторик тузилма пайдо бўлганидан сўнг, матннинг давомида бўлиб ўтган воқеаларнинг таҳлили берилади. Бу икки матнда қўлланган йиғиқ гаплар муаллиф интенциясини ифодалаш вазифасини бажармоқда. Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати ва ички кечинмалари ниҳоятда тиниқ тасвирланган. Шеърда қўлланган бундай ўхшатишлар ёш қаламкашлар учун жуда яхши ибрат мактабини ўташи аниқ. “Сўроқ” шеърида бир пайтнинг ўзида ва кетма-кет қўлланган йиғиқ гаплар муаллифнинг бутун ҳиссиётлари, ҳаётидаги яхши-ёмон кунлар, воқеаларини ниҳоятда қисқа тарзда тасвирлашга имкон берган. Йиғиқ гапларнинг жойлашиши инсон ҳаёти босқичларидаги воқеаларига мос равишда танланган, охириги гап баён қилинаётган фикрни хулосалаш учун хизмат қилади. Мана шу тартибда жойлаштирилган бу йиғиқ гаплар муаллиф интенциясини таъсирчан тарзда ўқувчига етказишга хизмат қилади ҳамда мазмун ифодасини ихчамлаштириш асосида, матн идрокини енгиллаштиради.

Юқорида таҳлил этилган гаплар каби бирликлар инглиз тилидаги шеърларда ҳам мавжуд. Буни айрим мисолларда кўриш мумкин. Зеро, шоирлар ижод жараёнида тўлиқсиз гаплардан ўз мақсадларини ифодалаш учун фойдаланадилар. Инглиз тилидаги тўлиқсиз гапларнинг ҳам шеърий

мисраларда кетма-кет келиш ҳоллари мавжуд. Инглиз шоираси Анна Тейлорнинг шеърида тўлиқсиз гаплар такрор қўлланган:

*Go, go, my naughty girl, and kiss*

*Your little sister dear;*

*I must not have such things as this,*

*And noisy quarrels here.*

*See, see, the little tears that run*

*Fast from her watery eye:*

*Come, my sweet innocent, have done,*


*It will do no good to cry. (A.Taylor)*

*Go, go, my naughty girl, and kiss* ва *See, see, the little tears that run*

мисраларида go ва see сўзлари шеър таъсир кучини янада кучайтириш мақсадида қўлланган. Инглиз тилида содда гапнинг буйруқ шаклида феъл эгасиз келади, аммо иккинчи даражали бўлақлар унинг таркибида иштирок этади ва бу табиий. Ушбу ҳолат – эгасиз гапнинг қўлланиши ўзбек тилида қўлланиши меъёрий ҳолдир.

Табиийки, бу икки бирликнинг матн ичидаги ўрни шоир ва ёзувчиларнинг коммуникатив интенциясидан келиб чиққан. Инглиз тилидаги матнларда тўлиқсиз гапларнинг кетма-кет қўлланиши ўзбек тилидаги келишидан камроқ. Умуман олганда, ҳар икки бирликнинг қўшма гаплари таркибида қўлланишини алоҳида тадқиқ этиш қиёсланаётган тиллар синтаксис тизимининг изоморф ҳолатларини аниқлаш билан биргаликда, уларнинг миллий-маданий хусусиятларини белгилашга имкон туғдиради.

[WPm], [WP], [S – P] моделининг матн таркибида келишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин:



Ўзбек ва инглиз тилларида йиғиқ ва тўлиқсиз birlikларнинг ўзаро ўхшаш, фарқли томонлари қиёсан ўрганилмаган бўлса-да, умумий маълумотлар мавжуд, аммо уларнинг дискурсив фаоллашуви масаласи очик қолмоқда. Худди шунингдек, бу birlikларнинг турли услубларда қўлланиши ҳақида ҳам ҳеч қандай тадқиқот олиб борилмаган. Бинобарин, бадиий ижод инвариантлик, қайта тикланиш, қолиплантириш каби когнитив шакллар татбиқида кечади. Ижод жараёнида “бирдан ортиқ шахсга тегишли бўлган, уларнинг билиш ва ҳиссий муносабатларида у ёки бу шахс учун аҳамиятли бўлган, яъни мазкур шахс билан алоқадор одамларга яхши таниш бўлган ва, ниҳоят, тил эгалари дискурсида қайта-қайта мурожаат қилинадиган матнларнинг” [3.Б.88] пайдо бўлиши кутилган ҳолдир. Дарҳақиқат, муайян матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг пайдо бўлиши интертекстуалликни ҳосил қилади.

Умуман, нутқий таъсир кўрсатишдан асосий мақсад адресант ҳиссиётини қўзғатиш ва уни бирор-бир ҳаракатга ундашдан иборатдир. Шу сабаб коммуникантлар мулоқот ва муносабатини ундаш ҳамда эмотив маъноларни жамловчи вазият қамровида тасаввур қилиш лозим. Мулоқот



мазмунининг эмотив бўлаги бевосита сўзловчи интенцияси билан боғлиқ ва адресатни ҳаракатга ундашнинг прагматик механизми вазифасини ўтайди.

Ўзбек ва инглиз тилларида йиғиқ ва тўлиқсиз birlikларнинг ўзаро ўхшаш, фарқли томонлари қиёсан ўрганилмаган бўлса-да, умумий маълумотлар мавжуд, аммо уларнинг дискурсив фаоллашуви масаласи очик қолмоқда. Худди шунингдек, бу birlikларнинг турли услубларда, айниқса назмий дискурста қўлланиши ҳақида ҳам ҳеч қандай тадқиқот олиб борилмаган. Халқаро мулоқот, муносабатларга кенг йўл очилган ҳозирги даврда она тилимизнинг функционал услублари ривожланмоқда. Нутқ услублари тадқиқига бағишланган ишлар ҳозир анчагина [1., 4]. Уларни янада ривожлантириш давр талабидир.

Тўлиқсиз гапларнинг таъсирчан, чиройли шакллари нисбатан кўпроқ ва айримлари ундов, сўроқ гаплар шаклида қўлланган. Инглиз шеърларида таъсирчанликни кучайтириш мақсадида шоирлар тўлиқсиз гапларни ҳам такрор қўллашган. Тўлиқсиз гаплар ҳар икки тилда [S–P] модели асосида ифодаланиб, ўзбек тилида, хусусан таниқли шоир Аъзам Ўктам шеъриятида тўлиқсиз гаплар кўп ҳолларда [WP] моделида учраши маълум бўлди.

#### **Адабиётлар:**

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари //Ўзбек тили нутқ маданиятига оид масалалар. -Т.: 1973;
2. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. -Т.: 1992.
3. Караулов Ю.Н. Язык и личность. – М.: Наука, 1989. –С.216;
4. Курбанов Т.И. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. Автореф.дисс...канд.филол.наук. -Т.: 1987
5. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. –Т.: Фан, 2013. –Б.88.
5. А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160.
6. А.Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.
7. А. Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
8. А. Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Т: “Мухаррир”, 2019. – 92 б.

Гўзалхон МУҲАММАДЖОНОВА

Фарғона давлат университети доценти,

филология фанлари номзоди

## ЖОН БАХШ СЎЗУ, ЎКТАМ ОВОЗЛИ ШОИР

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада шоир Аъзам Ўктамнинг поэтик маҳорати тадқиқ этилган. Шоир услубидаги ўзига хослик, бадиий синтез, инсон ва табиат муаммосининг миллий ҳамда комизм руҳида уйғун акс этиши, диний-фалсафий талқинлар масаласи ўрганилган.

**Калит сўзлар:** поэтик маҳорат, бадиий синтез, комизм, миллий руҳият, диний-фалсафий талқинлар.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагидаги ўзбек шеърляти поэтик янгиланишлар, ноанъанавий тасвир усулларига бойлиги билан алоҳида давр ҳисобланади. Аъзам Ўктам айна қизғин жараёнга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган, ўз сўзи, ўз овози билан ўзбек шеърляти гулшанини бойитган бахтли шоирдир.

Аъзам Ўктам шеърляти бир қарашда халқона, содда кўринади, аммо унинг ортида улғуворлик, катта маъно-мазмун мужассам. Туйғулар коллизиясида, контраст ҳислар ифодасида тазод, ирсоли масал, ташбеҳ каби бадиий санъатларнинг гўзал намуналари яралган. Шунингдек, киноя, ҳажв пафоси ҳам Аъзам Ўктам шеърларининг табиатига хосдир. Шеърларида шоирнинг ўз “мен”и акс этиб туради: ҳақиқатпарвар, эрксевар, адолатсизликка қарши курашчи, эътиқодли муслим, табиат ошиғи, беғубор, самимий, дилкаш инсон.

Ушбу мақолада Аъзам Ўктам ижодининг уч хусусияти ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз:

1. Шоир шеърляти ноанъанавий тасвир усулларига бой. Жумладан, унда бадий синтезнинг ёркин намуналари акс этади.

Маълумки, Чўлпоннинг тафаккур ва ижод маҳсули сифатида кириб келган персонажли лирика мустақиллик даври адабиётида янги уфқларни, бадий синтез сингари адабий усулларни кашф этди. Бадий синтезнинг гўзал намуналари шеърлятимиз мазмун мундарижасини бойитиш баробарида лириканинг ўзига хос қиёфасини ярата олди. Бу эса адабий танқидчиликда ҳам турлича қараш ва мунозараларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

“Персонажли лирика драма билан лириканинг синтезлашувидир”. Шунингдек, “XX аср кинонинг – ғоят шиддатли ривожланиш ва оммалашуш босқичи бўлди. Оммалашуш шу даражадаки, кино санъати давр кишисининг дунёни эстетик кўриши ва идрок этишида етакчилик мақомига чиқаёзди, десак муболаға бўлмайди. Табиийки, бу шароитда шеърлятнинг кинога хос тасвир ва ифода имкониятларига безътибор, улардан бебахра қолиши мумкин эмас. Албатта, ўз вақтида кино сўз санъатидан ифода ва тасвир имкониятларини ўзлаштиргани шубҳасиз. Бас, эҳтимол, бу ўринда сўз санъати имконларини кино қозонида обдон қайнатиб, қиёмига етказиб олгани ҳақида гапирсак, тўғрироқ бўлар?!” [ 1.202.] – дея фикр билдиради адабиётшунос Д.Қуронов бу борада. Кўринадики, бугунги ўзбек лирикасида драмага хос хусусиятнинг ёхуд киноматографик баённинг акс этиши шеърлятни нафақат қалбан англаш, балки тасаввурлар замирида кўриш имконини ҳам бермоқда. Бу эса дунёни эстетик идрок этишнинг таъсирчан усулларидан биридир. Китобхон шеърни ўқиш жараёнида ўзини бевосита шу эпизод, ҳолатнинг ичида тасаввур этади, шу ҳаёт бўлагида “яшаб кўради” ва лавҳани ёркин англай олади. Биз бу борада “80- йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеърлятининг лингвопоэтик тадқиқи” номзодлик диссертациямиз [2.87.]да Аъзам Ўктам ижоди мисолида муносабат билдириб ўтган эдик. Аъзам Ўктам ижодида “кино қозонида обдон қиёмига этган” ёхуд кинога хос жиҳатлари зухур этган, айна давр шеърляти учун янгича тасвир усули акс шеърлий намуналар талайгина.

Чўл йўли,  
Бўз тупроқ мунғайиб ётар,  
Ногоҳ  
унинг қулоқларин ўпа бошлади.  
Отлар туёғининг дупур-дупури.  
Йўл энтиқди, юраги  
Қаттиқ-қаттиқ ура бошлади.  
Сўнг ҳавода қийқираб,  
узоқ-узоқларга сузиб кетди,  
Чанг - йўлларнинг бахтиёрлиги.

Лирик қаҳрамон чўл йўлидаги манзарани гўё оператордек кузатади ва китобхонга кино лентасига ёзилгандек тақдим этади. Бу тасвирда ҳаракат, овоз, эмоционал-экспрессив таъсирчанлик бор. Китобхон ҳам нафақат кузатади, балки шу табиатнинг бир бўлаги ичида унинг бир қисми сифатида яшайди. Шоир табиат лавҳасини кино талабларига кўра акс эттирса, бўз тупроқнинг “интиқлиги, руҳий кечинмасини, бахтиёрлигини” шоирона қалб билан ҳис этади. Шоир тупроқ йўлга, отлар дупурига нисбатан инсонга хос бир неча хусусиятларни кўчиради: мунғайиб ётар, қулоқларин ўпа бошлади, энтиқди, юраги қаттиқ-қаттиқ ура бошлади, қийқираб, сузиб кетди. Жонлантиришда бир объектга нисбатан бир-бирининг давоми сифатидаги бундай феълларнинг қўлланиши жонланаётган объектнинг давомли ҳаракатини ва тасвирнинг муайян вақт оралиғидаги давомийлигини таъминлаган.

2. Аъзам Ўктам шеърлятида инсон ва табиат концепти миллий руҳият ҳамда комизм пафоси уйғунлигида акс этади. Бунда Чўлпон, Ойбек ижодига издошлик сезилса-да, Аъзам Ўктамнинг мазкур муаммодаги изҳорлари айрича. Уларда ёруғ ранглар, кўтаринки кайфият, табассумга мойил руҳият сезилиб туради.

Қора чакмон кийган оқ саллалли чол,  
Қўр тўкиб ўтирар салобат билан.

Кун чикдими, дея қайрилди шу он

Чуваланиб кетди салласи бирдан.

Қуёш хандон отиб кулар ёйилиб,  
Чол куйманар, ўзин эплотмас бироқ.  
Эркин бўлганига беҳад суюниб,  
Чопиб кетиб борар ўйноқи ирмоқ.

Шоирнинг «Қор эриши» деб номлаган шеърида тоғ – «Қора чакмон кийган оқ саллалари чол». «Қуёшнинг хандон ташлаб ёйилиб кулиши», «чуваланиб кетган саллага ўхшатиш эркин ўйноқи ирмоқ» тасвирлари пейзаж тасвирини жонли, ҳаракатли акс эттирган. Тасвирда табиат манзарасига ҳамоҳанг, параллел миллий руҳ билан йўғрилган яна бир манзара – мўйсафид отахон қиёфаси намоён бўлади.

3. Эътиқод ва исломий дунёқараш масаласи кенг ёритилади. XX асрнинг 80-90-йилларида диний-фалсафий қарашларни эмин-эркин ифодалаш имкони йўқ эди. Аммо шоир жасорати сабаб лирик қаҳрамонлар сирасида мўмин инсон қиёфаси яққол гавдаланади.

Тоғлар сомеъ бўлиб ўлтиришар жим,  
Такбир айтган чоғи гулдираб само.  
У янглиғ муножот қила олур ким,  
Ёмғир – бу пичирлаб қилинган дуо.

Эл йиғлар ер тирнаб, тупроқ сесканар,  
Майсалар қалтираб қилурлар сажда.  
Дуолар ижобат бўлган саналар,  
Кун нурлари бундан келтирар мужда.

Аъзам Ўктам ижодида табиат тасвири, манзара тўғридан-тўғри акс эттирилмай, мажозий акс эттирилгани билан характерлидир. Унда табиат ҳодисалари ва манзара худди инсон сингари жонлидек, ҳис қила олиш, фаолият юритиш, ҳатто турмуш тарзи, руҳий кечинмалари ҳам инсонга ҳос тарзда акс эттирилади. Бундай тасаввур илдизлари мифологик тасаввур билан алоқадор бўлиб, у аслида табиат, манзара билан руҳан яқинлик, жонли

тасвир яралишининг асос омилидир. Яъни шоир тасвирни жонли, бир-бирининг давоми сифатидаги ҳаракатлар асосида яратади. Бу жонлилик шу даражада моҳирлик билан яратилганки, унда ёмғир, ёмғирдан сўнг табиатнинг тозариши, қалбларнинг синов, қайғу, кўз ёшдан сўнг ёришишига, покланишига менгазанади.

Аъзам Ўктам қалбан гўзалликка ошуфта инсон эди. Унинг сурат ва сийратида гўзаллик яратувчи сўз санъатига буюк эътиқод мужассам эди. Сўзни, сўз санъатини муқаддас билиб, унга содиқликда умр кечиришнинг ўзи комиллик, одамийликнинг улуғ сифати саналса, сўз воситасида гўзалликни улуғлаш, кашф этиш ундан-да улуғдир. “Сўзим, жон бахш сўзим”, дея эркалаб, меҳр билан сўзга мурожаат қилган шоир ўз ҳаёт йўлини комилликда ўтказиш учун гуноҳлардан тийилишни сўрайди. Рамазон ойи ҳикматларини санаркан, “Тонглар насиб этди тоза ҳавою, гул исин ифторлик учун берди шом”, дея шукрона келтиради.

Аъзам Ўктам ижодига шайх Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф, профессор Б.Каримов ва бошқа адабиётшунослар томонидан муайян муносабат билдирилган, илмий мақолалар ёзилган бўлса-да, ўзбек шеърини ривожига Аъзам Ўктамдек шоирнинг поэтик маҳорати қирраларини очиб бериш, бу борада алоҳида монографик тадқиқот олиб бориш бугунги филологиямизнинг долзарб муаммоларидандир.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. Т., Академнашр, 2013.
2. Муҳаммаджонова Г. “80-йиллар охири, 90-йиллар бошлари ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи” филология фанлари номз... диссертацияси. – Т.2004.
3. Аъзам Ўктам. Тараддуд. - Т.: Чўлпон, 1993.
4. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990.

Дильдара МУХИТДИНОВА,  
заведующая кафедрой  
узбекского языка и литературы ТГАУ

## СВОЕОБРАЗИЕ ПОЭЗИИ АЪЗАМА УКТАМА

**Ключевые слова:** мир, формирование, Аъзам Уктам, поколение, наследие, творчество, своеобразие.

Человек приходя в этот мир начинает знакомится с внешним миром. Первое прикосновение матери, колыбельная спетая ею, тепло и уют, созданный семьёй. Взрослея, он узнаёт внешний мир, природу, людей вокруг в социуме. Он формируется под влиянием тех ценностей, которые передаются от поколения к поколению. Среди этих ценностей одной из важных формирующих является литература. Узбекская литература богата своими негаснущими звёздами, одной из которых является Аъзам Уктам-поэт 80-х годов XX века.

Творчество Аъзама Уктама своеобразно и оригинально. Его творчество не повторяется и не входит в определённые, привычные для некоторых рамки. Его творчество нельзя перепутать с поэзией других поэтов. В его стихах слова и буквы, из которых состоят эти слова, подобраны, словно драгоценные камни по материалу, цвету, форме и значению. В своём творении “Қирқинчи баҳор” (“Сороковая весна”) дано стихотворение “Ҳаракат” (“Действие”) словно тема, собранная из слов, содержащих в себе действия, чувства и понятия:

*“Қаршилик. Қамоқ. Қийноқ. Қасос. Қин. Қилич. Қалқон. Қуюлади қон қайноқ. Қаттол, қаттиқ, қатагон.*

*Ўлар. Ўкирар. Ўйлар. Ўтирилар. Ўртанар. Ўнгланар. Ўқир. Ўйнар. Ўсар. Ўтар. Ўрганар.*

*Кувонч қаҳат. Қотади. Қора қисмат. Қайғу. Қон. Қадим қудрат қайтади қачон, қачон, қачон?*

*Олиш. Отиш. Ободлик. Оғир оғиз оламга. Омонлигу озодлик омонатдир одамга.*

*Нотиқлар номард, нокас. Нечун нолиш, насиҳат? Нажот — норози нафас. Нафрат - насиба, неъмат.”*

Читая данную тему по первым буквам, мы можем прочитать название города Коканда (Кўкон). Как мы описывали выше, буквы в словах подобраны с особым мастерством: в первой строке –это буквы ў-а-р, во второй қ-о-н/т, в третьей о-и-ш/к, в последней н-о-р/ш. Не правда ли своеобразный подбор гласных и согласных в словах, которые заключают в себе долю жителей Коканда в историческом измерении. Чтение данных строк производит на человека особый эффект и заставляет задуматься, проанализировав их, любой свободно владеющий узбекским языком читатель сразу может понять через что прошли жители Коканда.

В стихотворении “Андижон” он интерпретирует по особой аналогии героев, учёных деятелей искусства, которые есть у каждого народа:

*Ҳар кулнинг остида чўғ бор бу ерда,  
Шаккок одамларга дуч келдим камроқ.  
Улуглар изи бор ҳар ўру қирда,  
Қизларининг кўзлари намроқ*

Если прочитать его стихи, адресованные другу и дочери можно прочувствовать любовь к родине, к семейным ценностям. Поэт простыми, народными словами, наполненными смыслом и мудростью доносит до читателя элементарные истины, на которых держится мир.

*Ўз уйимда яшашни қилоламан уdda,  
узоқ бўлолмайман ёт жойда қўноқ.  
Сира бўлолмадим гапга ҳам чечан,  
айтдим тилга эмас, дилга келганини...*



Стихотворение «Юпанч», посвященное дочери написано простым доступным языком, словно автор не стих пишет, а просто разговаривает с дочерью, прося у неё прощение и наставляя её на то, что она должна быть лучше чем он, но при всём этом он с гордостью, без сожаления показывает истинно человеческие качества простых людей через образ Дуси. Он показывает толерантность и дружбу людей разных народов, их взаимопонимание, чего часто не хватает иногда и сегодня в обществе. Часто подстрекаемые кем то люди делают много ошибок, не задумываясь о последствиях, которые приводят к ненависти и противостояниям.

### **ЮПАНЧ**

Қизим Тўмарисга

*...Миннатдорман Дуся холамдан—  
бир ойлик ижара ҳақидан кечиб,  
чақалоққа кийим ол, деди.  
Улар яшар қўшни хонада.*

*Қўрқар эдим гоҳо ўзимча,  
Тугилсангу йиглаб безовта қилсанг,  
чиқ, дермикан уйдан, деб.  
Лекин ўйлаб қарасам йигининг  
«Тили» бирдир ҳамма миллатда.*

Каждый народ формирует свою молодёжь на культурных и духовных ценностях, именно в этом отличие каждого народа, но есть общие, человеческие моральные нормы, на которых держится этот бранный мир. И именно эту чистоту и простоту мы должны увидеть в каждом нашем ребёнке. Ведь будущее нашей родины в их руках.

**Использованная литература:**

1.Қуронов Д., Мамажонов., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010.

2.Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент, 2019.

3.Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати. – Тошкент, 1984.

**Орзибони ЮСУПОВА**

**Самарқанд давлат университети доценти,**

**филология фанлари номзоди**

## **ХИАЗМ – СИНТАКТИК ТАКРОРНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА**

**(Аъзам Ўктам ижоди мисолида)**

### **Аннотация**

Бадиий матнда, айниқса, шеърый матнда тил бирликларининг хабар бериш вазифасидан кўра таъсир кўрсатиш хусусияти асосий ўринга чиқади. Тил бирликлари, бадиий тасвир воситалари биргаликда шоир маҳоратини очиб беришга хизмат қилади. Ушбу мақолада экспрессив синтаксис намуналаридан бири – хиазмнинг поэтик индивидуалликни таъминлашдаги ўрни Аъзам Ўктам ижоди мисолида ёритилган.

**Калит сўзлар:** поэтик синтаксис, синтактик такрор, хиазм, антитеза, риторик сўрок, шакл ва мазмун мутаносиблиги.

Бадиий матнларда оддий товушлардан тортиб, сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар, мураккаб синтактик бутунликларгача бўлган ораликдаги тил бирликлари такрорланади. Бу такрорланишлар матнда муҳим лингвостилистик ва лингвопоэтик аҳамият касб этгани боис унга ифоданинг махсус усули – синтактик-стилистик фигура сифатида қаралади. Унинг лингвостилистик ва лингвопоэтик аҳамияти, биринчи навбатда, асосий маънодан ташқари қўшимча маъно ифодалаш, ўқувчи ёки тингловчига муайян бадиий-эстетик таъсир ўтказиш билан боғлиқ. Ижодкорлар ифодани

таъсирли қилиш мақсадидан келиб чиқиб, ушбу усулга фаол мурожаат қилишади. Бу фаоллик, ўз навбатида, такрор турларининг кўпайишига олиб келган. А.Мамажонов ўзининг «Такрор ва унинг синтактик-стилистик функцияси» номли мақоласида такрорнинг фонетик, лексик-морфологик ва синтактик турлари мавжудлигини, уларнинг поэтик нутқ услубида алоҳида ўрни борлигини таъкидлайди, тил стилистик ресурсларининг бойиш манбаларидан бири эканлигини ва «Такрорнинг функцияси автор нутқини таъсирчан этиш, фикрни конкретлаштириш ва, энг муҳими, унинг тингловчи ва ўқувчини ишонтира олиш каби хусусиятларни ифодалашдан иборат бўлади», деб ёзади [3, 60].

Ўзбек халқининг оташқалб шоири, самимий, пок инсоний муносабатлар, ўзбекона ҳис-туйғулар ўз аксини топган шеърляти билан халқимиз қалбидан ўрин олган Аъзам Ўктам ижодида ҳам такрорнинг барча турлари учрайди ва бу такрорлар маълум нарса-ҳодисани ёки ҳолатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш, воқеа-ҳодисанинг назарда тутилган томонига ўқувчи диққатини тортиш, тил бирликларига эмоционал бўёк, алоҳида оҳанг, жозиба бериш каби қатор вазифаларни бажаради.

Аъзам Ўктам ижодида ялт этиб кўзга ташланадиган синтактик такрор тури бу хиазм бўлиб, луғатларда тескари тартибдаги синтактик параллелизм, мисрадаги сўз(бўлак)ларни тескари тартибда такрорлашга асосланган стилистик фигура, деб таърифланади [5, 350]. Синтактик такрорнинг бу тури шоирнинг кичик ҳажмли шеърларида фаол қўлланилган бўлиб, «шеър ғоясини юзага чиқарувчи муҳим композицион унсур вазифасини ўтайди» [5, 350]. Масалан, Аъзам Ўктамнинг «Қайтиш» шеърисида инсоннинг кексайганида ҳаётни эмас, ўлимни кўпроқ ўйлаши айтилган, ҳатто шу маънони ифодаловчи *ўйлар қабрни* бирикмаси тескари такрорланган.

Энам ўхшаб қолди болага

Нукул ўйлар қабрни

Қабрни ўйлар энам –

Лекин шоирнинг мақсади бу одатий ҳолатни тасвирлаш эмас, балки шу ҳолатни китобхонга ҳам “юктириш”, китобхонни асосий фикрни эшитишга тайёрлаш бўлиб, хиазм ана шу вазифани бажарган. Кейинги мисраларда шоир ўзи айтмоқчи бўлган асосий фикрга ўтади, яъни инсон фақат ўлимни, қабрни ўйламайди, балки боқий дунёга қай тарзда боришини, бу синовли дунёда йиғган савобларини ўйлайди. Бу каби кексайгандаги инсон руҳиятида кечадиган мураккаб, зиддиятли кечинмаларни ифодалашни ўзи бўлмайди. Шоир эса ифоданинг жуда қулай йўлини топади. Бунда унга миллий урф-одатларимиз ёрдамга келади ва кўз олдингизга айтилиши керак бўлган сўзларнинг маъноси прагматик тарзда тавсифланади:

Тўйи яқин қолган келинчак,  
бўлғуси уйини қандоқ безатиш,  
ясаатишни ўйлаб энтиккан каби.

Аъзам Ўктамнинг тўрт мисрадан иборат “Изҳор” шеъри такрор асосида шаклланган бўлиб, сиз, мен ва бахт сўзлари такрорланади. Лекин ушбу хиазматик такрор орқали энг муҳим ғоя – бахт мавзуси илгари сурилган. Шоир кечинмаларидаги бахт тасвири инсоният учун энг асосий бахт эмасми?

**Сиз менинг бахтимсиз,  
Мен эсам сизнинг –  
Дунё бахтимиздир  
Иккаламизнинг.**

Демак, шоир шаклга шунчаки эътибор қаратган эмас, чунки жуда кенг, соатлаб баҳс қилиниши мумкин бўлган бахт концепциясининг бош маъносини қисқа сатрларда, эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада очиб берилган.

Илмий манбаларда хиазматик қурилмалар, кўпинча, дарак гапларда учраши ва бу хиазматик қурилмаларнинг поэтик фактларни тасдиқлаш ёки инкор этиш хусусияти билан боғлиқлиги айтилиб, сўроқ гапларда жуда кам кузатилиши қайд этилади [4, 32]. Аъзам Ўктамнинг “Билмадим” шеъри

хиазм асосига қурилган риторик сўроқ кўринишида (жуда кам кузатиладиган) бўлиб, инсон билан ёнма-ён яшайдиган кечинма баёнидир. Инсон доим ўз хатти-ҳаракатини имтиҳон қилиб, ўз-ўзига шеърда келтирилган саволни беради. Жавоби эса... Бу кечинмани ёрқин акс эттиришда шоир экспрессив синтаксис воситалари – риторик сўроқ ва хиазмдан унумли фойдаланган:

Сўйлаганим –

Ўйлаганиммиди?

Ўйлаганим

Сўйлаганиммиди?

Аъзам Ўктамнинг “Ҳаёт” деб номланган тўртлигида ҳам шоирнинг ҳаёт синовлари, бу синовнинг инсон тақдирига таъсири ва ҳаёт синовларига инсоннинг муносабати каби фалсафий масалалар антитеза ва хиазм асосида ўз ифодасини топган. Бу мисраларни ўқиган ҳар қандай киши шоирнинг бадиий маҳоратига тан беради. Ундаги антитеза ва хиазм шеърнинг эмоционал-экспрессивлигини, бадиий гўзаллигини оширган, шеърни афоризмга айлантирган. Тилшунос олим И.Мирзаев таърифи билан айтганда, хиастик муносабатларда бўлган сўзлар ҳикматли сўзлардек жаранглаган, барқарор аҳамият касб этган [4, 32].

*Гоҳ бориб*

**Деворга урилди бошим**

*Гоҳ келиб*

**Бошимга урилди девор.**

Юқоридаги мисоллар таҳлилидан кўришиб турибдики, Аъзам Ўктам шеърининг асосий мавзуси бўлган инсон кўнглини талқин қилар экан, мураккаб инсоний туйғуларни очиб беришда бадиий адабиётнинг муҳим тамойили – шакл ва мазмун мутаносиблигида иш кўради. Шу ўринда Ҳазрат Алишер Навоийнинг қуйидаги фикрлари ёдга тушади: “Назмда ҳам асосий нарса маънодир, унинг шакли эса ҳар хил бўлиши мумкин. Яхши мазмунга

эга бўлмаган шеър тушунган одамларнинг яхши баҳосини ололмайди. Ҳам яхши шаклга эга бўлган, ҳам гўзал маъно асосига қурилган шеър – ҳақиқий шеър” [1, 15].

**Адабиётлар:**

1. А.Навоий. Ҳайратул-аброр. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
2. Каримов С. Бадий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994.
3. Мамажонов А. Такрор ва унинг синтактик-стилистик функцияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1986. –№ 6. –Б.60.
4. Мирзаев И.К. Шеъринг лингвопоэтик таҳлили муаммолари: Филол.фан.д-ри... дисс.автореф. – Т.,1992.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010.
6. Аъзам Ўқтам. Кузда қулган чечаклар: Шеърлар. – Т.: 1990. – 56 б.
7. Аъзам Ўқтам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: 1992. – 32 б.
8. Аъзам Ўқтам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Т: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
9. Аъзам Ўқтам. Кузатиш: Шеърлар. – Т: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.
10. Аъзам Ўқтам. Қиркинчи баҳор: Шеърлар. – Т:, 1999. – 48 б.
11. Аъзам Ўқтам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т: , 2011. – 160 б.
12. Аъзам Ўқтам. Сахар вақти юрак йиғлар... Шеърлар. –Т: “, 2014. – 304 б.

**Svetlana UMIROVA**

**Samarqand davlat universiteti dotsenti,**

**filologiya fanlari bo'yicha falsafa (PhD) doktori**

**A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA LEKSIK BIRLIKLARNING  
QO'LLANILISHI**

**Annotatsiya**

Ushbu maqolada A'zam O'ktamning leksik birliklardan, jumladan, sinonim va antonimlardan foydalanishi, leksik birliklarning shoir ijodida individual ma'nolar ifodalashi misollar asosida tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** she'riyat, leksik birliklar, sinonim, antonim, poetik individuallik.

Badiiy nutq obrazli va emotsional-ekspressiv ifodalilikka ega ekan, bunda tilning kommunikativ funksiyasi bilan emotsional-ekspressivlik funksiyasi

qo'shilib ketadi. Shunday ekan, badiiy asarni idrok qilish til qurilishini anglash orqali amalga oshiriladi.

«Badiiy nutq stili avtorlarga asarning estetik ta'sirini kuchaytirish uchun tilning barcha leksik va grammatik vositalaridan ustalik bilan foydalanish, tanlash, shuningdek, yangidan-yangi ifoda vositalari yaratish imkonini beradi». [6, 30] Yozuvchilarning til vositalaridan foydalanishdagi individual ijodiy mahorati turlichadir. Badiiy asar tili va yozuvchi uslubini o'rganishda, ko'pincha, leksik, frazeologik vositalar, badiiy tasvir vositalari, ijodkorning okkazional so'z va ibora yaratish mahorati kabi masalalar o'rganiladi-yu [1., 7., 2., 5], ularning fonetik va grammatik xususiyatlari e'tibordan chetda qoldiriladi. Lekin A'zam O'ktam asarlari tahliliga jiddiy yondashilsa, tilning barcha sathlari uchun ham boy poetik material bera olishi kuzatiladi.

A'zam O'ktam she'riyati tahlili jarayonida leksik unsurlardan unumli foydalanganligining guvohi bo'lamiz. Ayniqsa, uning so'z qo'llash san'ati diqqatga sazovordir.

Badiiy matnni lisoniy tahlil qilish jarayonida shoirning tildan foydalanish mahoratini namoyon etadigan, emotsional-ekspressiv ifoda semalari qabariq holda reallashgan leksik birliklarni aniqlash va ular adibning badiiy-estetik maqsadiga qay darajada xizmat qilgani haqida mulohaza yuritish talab qilinadi. Buning uchun badiiy asar tilidagi ma'nodosh, shakldosh, zid ma'noli, ko'p ma'noli, tarixiy va arxaik so'zlar, yangi yasalmalar, shevaga oid so'zlar, chet va vulgar so'zlar ajratib olinadi va asarga nima maqsad bilan olib kirilganligi izohlanadi. [3, 45]

Ma'nodosh so'zlar tilning lug'aviy jihatdan boylik darajasini ko'rsatib beruvchi o'ziga xos vositadir. Tilda ma'nodosh so'zlarning ko'p bo'lishi tilning estetik vazifasini yanada to'liq bajara olishini osonlashtiradi. Bu juda qadim zamonlardan beri anglangan, idrok etilgan va o'rganilgan. Ijodkorlar tilimizdagi ma'nodosh so'zlar ichidan tasvir maqsadi va ruhiga muvofiq keladigan aniq so'zni topib o'z asarlarida qo'llashga harakat qiladilar, shu tariqa, qahramonlar ruhiyati hamda tasvir obyektining eng kichik qirralarigacha real ko'rsatib berishga

intiladilar. Badiiy matndagi sinonimlar tahlilida, asosan, ikki jihatga e'tiborni qaratish zarur. Ulardan biri muallifning ikki yoki undan ortiq ma'nodosh so'zdan ifodalanayotgan mazmun uchun eng maqbulini tanlash bo'lsa, ikkinchisi ayni bir matn tarkibida ikki yoki undan ortiq ma'nodosh birliklarni badiiy tasvir maqsadiga uyg'un holda qo'llashi masalasidir. [3, 45]

A'zam O'ktamning "Osmon yaqin" to'plamidagi she'rlar tahlili jarayonida quyidagi o'rinlarda ma'nodosh so'zlarni uchratdik: Suyunch *taxt*, *shaydir toychoq*, mehmon kutib ochiq eshik (129), Tuni bilan *sannab*, *vaysagan* / kampirlarni esladim bu kun (104), Kunim kechdi – to'la *g'am*, *qayg'u* / toqatim toq bo'ldi uzun kun (101), Bilki, shayton do'koni dunyo / *mardlik* farzdir, *tantilik* – sunnat (77), U ancha eskirgan; qiyshaygan battar, / bir xunuk *buralib chiqadi tutun* / alanga yo'q, faqat *qora dud o'rlar* – / birday yonmas ekan ho'l-quruq o'tin (49), Har kuni nasibasi *haqorat*, *qarg'ish* / bahori bir lahza, uzun umri qish (26), *Aldamchilik*, *yolg'on* mendan naridir: / u mening *jonimdir*, *malak*, *paridir* (26), U olamga o't qo'yib yuborar – / nafasleri pokiza *gulxan* (27), Hech taqlid qilmagin *sur*, *beburdlarga* / so'kmagin, uyidan senga joy bersa (24), Sog'inch, xavotirdan qalvim bezillab, / men hamon *qovrilib*, *kuyib yotibman* (23), Sendan juda *xijolatdaman*, / *uyatliman* sening oldingda / ijarada tug'ilasan, bolam (113), Bilki, *qo'rqoq*, *yuraksiz* askar – / bayrog'ini boy bergan qo'shin (11), She'rsiz, bedard kunlar *bisyor* bunchalar, / shodumon kunlarim ortiq *ko'paydi* (7). Keltirilgan misollarda ajratib ko'rsatilgan so'zlar o'zaro ma'nodoshlikni yuzaga chiqargan va biz "Suyunch *taxt*, *shaydir toychoq*, mehmon kutib ochiq eshik" misolini tahlilga tortib ko'ramiz. *Taxt* va *shay* so'zlariga O'TILda shunday izoh beriladi: **Taxt II foydalanish yoki ishlatish uchun tayyor, shay; muhayyo (O'TIL. IV, 14), Shay I tayyor holga keltirilgan; tayyor, taxt (O'TIL. IV, 566).** Ko'rinib turibdiki, ishlatilgan sinonim so'zlar to'liq sinonimlar hisoblanadi. Ijodkor bu yerda sinonimlardan fikrni kuchaytirish uchun foydalangan deb ayta olamiz.

Ma'lumki, har bir lingvistik vosita badiiy nutqda nominativ vazifa bajarish bilan birgalikda uslubiy vosita ham bo'la olishi mumkin. Ma'nodosh so'zlar badiiy adabiyotda muhim tasvirlash vositalaridan biri hisoblanib, ijodkor ular



yordamida qahramonlarning xarakter-xususiyatlarini, voqea-hodisalarni, manzaralarni, badiiy tasvirlarni aniq, ravshan va jonli qilib ifodalay oladi. Sinonimlar tildagi go'zallik va rang-baranglikni ro'yobga chiqarishda muhim ahamiyatga egadir.

Har bir kitobxon o'z nutqini o'stirishi, o'z so'z xazinasini boyitishi uchun sinonimlarni va ularning qo'llanishini yaxshi bilishi, o'rganishi va bu so'zlardan unumli foydalana bilishi lozim.

Tilda zid ma'noli so'zlarning, ya'ni antonimlarning mavjudligi badiiy nutqning ifodaliligi, ekspressivligi, ta'sirchanligini ta'minlashga va personajlar xarakter-xususiyatini ochib berishga yordam beradigan qulay vositalardan biridir. A'zam O'ktam she'rlari tahlilida ziddiyatga asoslangan badiiy nutqlarni aniqladik. "Onam fotihasi" she'rida shunday misralar bor: O'qrayma, "Sen bizga mehmon" deganga, / Qiyiq axtarmagin hech qachon qildan. / *Beshik* bo'lsin, *tobut* bo'lsin ekkanga / *Kesma* daraxtlarin, *ek* kelsa qo'ldan. Ushbu misolda beshik-tobut va kesma-ek birliklari antonimlikni yuzga chiqargan bo'lsa, *Quvonchdan* kulsam ham, *g'amga* to'lsam ham/ vatanim deb boray quchoqqinangga, Bu sokin, bu notinch dunyoga / *U kech* kelgan yo *erta* kelgan kabi misralarida antonimlar badiiy nutqning ta'sirchanligini oshirishga va lirik qahramon ruhiy holatini ifodalashga xizmat qilgan.

Shoir ijodida ko'plab kun-tun, tong-tun, yer-osmon, do'st-dushman, yer-osmon, baland-past, yaxshi-yomon, o'ng-chap, halol-harom kabi odatiy antonimik juftliklarni uchratish mumkin.

Shoir asarlarida tildagi tayyor antonimik birliklardan foydalanmasdan, badiiy asarda tasvirning ta'sirchanligini oshirishga xizmat qiladigan kontekstual antonimlardan ham o'rinli foydalanganini uchratdik: *Xayolimda gulxan lovullar / kul ostida miltiraydi cho'g'* (9) misralarida aslida kul va gulxan birliklari antonim emas, ammo matn ichida qarama-qarshi fikrlarni ifodalab, fikriy ta'sirchanlikni oshirgan. *U birla umr xush, u birla o'lim* (118) misralarida ham shartli antonimni ko'ramiz. Umr bu yashash ma'nosini ifodalayotgan bo'lsa, o'lim esa, o'z ma'nosida qo'llanilgan. *Ketmay turib qarg'alar hali, qaldirg'ochlar kelganin*

*ko'rdim* (91) misralarida ham shartli antonim bo'lib, bu faqat matn ichidagina qarama-qarshilikni bildiradi. Qarg'aning ketishi qish kelganidan dalolat bersa, qaldirg'ochning kelishi bahor kelganini bildiradi. Shoir mana shu holatni she'rga olib kirib kutilmagan va o'ziga xos antonimik fikr ifoda etgan. Bunday holatlarda shoir keltirilgan tushunchalarni badiiy nutqda kontekstual antonimik munosabatga kirishtirgan. Bu esa nutqiy ta'sirchanlikni oshirishga xizmat qilgan.

Shoirning shunday she'rlari borki, har misrasi va har so'zi antonimik juftliklardan tashkil topgan. Bu esa, shoirning fikrlarini o'quvchiga yanada yorqinroq yetib borishini ta'minlaydi va shu bilan birga shoirning individual uslubini ham ko'rsatadi: *Kecha-kunduz, oq-qora, / issiq-sovuq, yoz-qish, / yaxshiyomon, to'y-aza, / savol-javob, savob-gunoh, / halol-harom, rost-yolg'on, / erxotin* (266). Yoki: *"Katta ketma!" / deyishdi menga. / "Past ketma!" dedim / o'zimga o'zim* (179) misrasida esa, frazeologik antonimni ko'rishimiz mumkin.

Shoir ijodini kuzatar ekanmiz, antitezaning bir ko'rinishi bo'lgan oksyumoronning go'zal namunalarini ham uchratamiz: *jimlikni eshitmoq, qandoq og'ir yengil xo'rsiniq, bo'ronlar jimligi, jimlikdan quloq batang*. Oksyumoron orqali shoir ma'lum fikrni ta'sirchan qilib ifoda etadi.

Antonimlar bir-biriga zid tushunchalar birligini ifoda etish bilan tilda stilistik vosita sifatida qo'llaniladi [4, 81] va badiiy ta'sirchanlikni oshirishga xizmat qiladi, badiiy nutq uslubining ravonligini ta'minlaydi.

Umuman olganda, shoir she'riyatida qo'llangan leksik birliklarning har biri o'quvchiga poetik zavq bera oladi va uning individual uslubini ko'rsatib, so'zlarning yangi ma'nolari va jilolarini ifodalaydi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Aliyev A. Abdulla Qodiriy «Obid ketmon» qissasining ba'zi til xususiyatlari // O'zbek tilshunosligining aktual masalalari. – T., 1985;
2. Yo'ldoshev M. Cho'lpon badiiy til mahorati: filol. fan. nomz... diss. avtoref. – T., 2000;
3. Yo'ldoshev M. Badiiy matn va uning lingvopoetik tahlili asoslari. – T.: Fan, 2006.
4. Kamol F. Hozirgi zamon o'zbek tili. Leksikologiya. Fonetika. Grafika va orfografiya. Monografiya. –T., 1957.

5. Normurodov R. Shukur Xolmirzayev asarlarining til xususiyatlari: filol. fan. nomz... diss. avtoref. – T., 2000.
6. Shomaqsudov A. Va boshqalar. O'zbek tili stilistikasi. – T., 1983.
7. O'zbek adabiy tili tarixidan materiallar. – T., 1986.
8. A'zam O'ktam. Osmon yaqin. –T., 2011.
9. A'zam O'ktam. Sahar vaqti yurak yig'lar. –T., 2014.

**Dinara ISLAMOVA**

**Samarqand davlat universiteti o'qituvchisi**

## **A'ZAM O'KTAM IJODIDA QO'LLANILGAN TRANSPOZITIV SO'ZLAR (otlashish asosida)**

### **Annotatsiya**

Mazkur maqolada shoir va yozuvchi A'zam O'ktam she'rlarida qo'llaniluvchi ayrim transpozitiv so'zlarning tejamlilik asosida ko'chish hollari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** transpozitsiya, ko'chish, leksema, tejamlilik, qisqalik, ixchamlilik, aniqlik va lo'ndalik.

Badiiy adabiyotda so'z yozuvchining quroli hisoblanadi. Shoir so'zni o'z o'rnida munosib qo'llasagina u san'at darajasiga chiqadi. Shoirning ma'naviy qiyofasini namoyon qiladi, o'quvchi-kitobxonning e'tiborini torta oladi.

Har bir ijodkor o'z navbatida so'z yaratuvchi ham sanaladi. Garchi u umumxalq tili boyliklaridan foydalansa-da, o'zni bilan yangi so'zlar topadi, mavjud so'zlarga libos kiygizadi, butun jilosini ko'rsatadi, inson tabiati va ongiga ma'naviy ozuqa beruvchi yangi ma'no kasb etuvchi so'zlarni ishlatadi. Badiiy asardagi har bir so'z o'quvchiga estetik zavq beradi [5,11] shoir va yozuvchi A'zam O'ktam ijodida ham xuddi shu xususiyatlar ko'zga tashlanadi. Ayniqsa, shoir sh'rlarida qo'llanilgan transpozitiv so'zlar leksik tejamlilik asosida ko'chib,

o'quvchiga bir olam zavq-shavq berish bilan birga she'rning ohangdorligini, badiiyligini, emotsional-ekspressiv ta'sirchanligini oshirib kelgan.

Ammo bilsang biz tomonlarda  
Yo'qolmagan hanuz *yomonlar*.  
Mansabdorlar oddiy xalq bilan  
xuddi yotga, yovga o'xshaydi.  
*Halollarni* ezib tashlashar,  
bor vujudim titrab – qaqshaydi [1, 50].


O', bu tuproq qancha silkingan,  
Nelar so'lib, nimalar ungan,  
*Azalilar* yoshi to'kilgan,  
Tomgan kindik qonlari unga [1, 72].

Hali *imonsizlar* safi zich, qalin,  
Pastkash, *maydakashning*  
Qilmishi – yirik [1, 79].

Shu qora yer tushgan chekinga,  
Uzolmadim ko'ngilni oydan.  
Hasratidan to'ydim *yupunning*,  
Hafsalam ko'p pir bo'ldi boydan [1, 109].

Makur she'rlarda qo'llanilgan *yomonlar*, *halollarni*, *azalilar*, *imonsizlar*, *maydakashning*, *yupunning* kabi transpozitiv birliklarni leksik tejamlilikning yorqin namunasi deyish mumkin. Chunki jumlaning tarkibida mazkur birliklar atributiv vazifada kelmoqda. Atributiv vazifa esa, aniqlovchi aniqlanmish munosabatini talab qiladi. Aslida misralarda *yomon insonlar*, *halol insonlarni*, *azali insonlar*, *sezgan insonlar*, *maydakash odamning*, *yupun insonning* shaklida birkmali holatda qo'llanilishi lozim edi. She'riy misrada sifatning kategorial jihatdan o'zgarishi, boshqa vazifada qo'llanilishi kategorial ko'chishini, ya'ni morfologik transpozitsiyani yuzaga keltirgan. Misollarda aniqlovchi transpozitiv so'z, aniqlanmish esa tushirilgan so'z hisoblanadi. Birikma o'rniga so'zning tejamlilik tamoyili asosida tejalib qo'llanilishi kuzatiladi.

She'riy misralarning barchasida sifatning kategorial jihatdan o'zgarishi, ya'ni *belgi o'rniga nom*, vazifasida qo'llanilishi kategorial ko'chishini yuzaga keltirgan bo'lsa, sintaktik jihatdan esa, *aniqlovchi o'rniga ega va to'ldiruvchi* vazifasida kelishini kuztishimiz mumkin. Tilshunoslikda mazkur holat otlashish ya'ni, substantivatsiya deb nomlanadi. Tilshunoslikdagi maxsus belgi ko'rsatkichi *At > N (adjective-sifat; noun-ot)* bo'lib, keltirilgan misollar funksional transpozitsiyaning namunasi hisoblanadi.



Xulosa qiladigan bo'lsak, A'zam O'ktam she'rlarida qo'llanilgan transpozitiv so'zlar she'rning emotsional-ekspressiv ta'sirchanligini oshiruvchi, poetik asarning til imkoniyatlarini yuzaga chiqaruvchi va ijodkorning so'z qo'llash mahoratini ko'rsatuvchi vosita sifatida muhim o'rin egallaydi. Birliklarning shakl jihatdan qisqa va lo'nda qo'llanilishi she'rning ma'nosiga ta'sir qilmasdan, shoirning o'ziga xos individual uslubini, she'rning ta'sirchanligini ta'minlab kelgan.

#### **Adabiyotlar:**

1. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент: 2019. – Б 467.
2. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадийий стиль. Тошкент: Фан, 1988. – 206 Б.
2. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 164 Б.
3. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ҳамда кўчиш ҳоллари. –Тошкент.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 2006. –Б 170.

4. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2004. –Б 110.

5. Курбонов Т. Бадий асар тили ва услуби масалалари. – Самарқанд, 2006, Б -110.

**Тўмарис АЪЗАМ**

**Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси**

## **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ЭПИТЕТ**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада таниқли ўзбек шоири Аъзам Ўктам шеъриятида қўлланган тасвирий, лирик ва лирик-эпик эпитет анафора, эпифора, хиазм усуллари тадқиқ қилинди.

**Калит сўзлар:** метафора, сифатлаш, параллел сифатлаш, такрор, антитеза

Бадий тасвир воситалари қаторида ўз ўрнига эга бўлган сифатлаш “тасвир-ифодага образлилик ва таъсирчанлик бахш этувчи бадий аниқловчидир.”[1;332] Илмий манбаларда сифатлаш ва эпитет атамалари синоним сифатида бир хил маънода қўлланаверади. Э.Худойбердиев сифатлашни уч турга ажратади: тасвирий, лирик ва лирик-эпик эпитет[2;106]. Т.Бобоев эса сифатлашнинг қандай лингвистик воситага асосланганига таяниб, метафорик ва метонимик сифатлашга эътибор қаратади. Лекин бу ўринда метафора ва метонимия ҳодисалари билан улар асосида пайдо бўлган сифатлашни қориштириб юбормаслик керак. Масалан, Аъзам Ўктам қаламига мансуб

*Сезяпман, пушаймон бўляпсан энди,*

*Гулим, ишиқ азобдир - қовжираб қолдинг,*

мисраларидаги *гулим* метафора орқали маъно ифодаласа, *гул юзли дилбар* анъанавий бирикмаси метафорик сифатлашга мисол бўла олади.

**Аъзам Ўктам:**

***Ўзадан сал тикроқ қизчалар***

*Ўл кўлакни қуёшда селгитиб,*

*Ўтиб бораётган автобусларга*

*Ўавас-ла боқишар қўл силкитиб.*

Ўки:

*Сабр қилинг то тугагунча,*

*Кузда ўйланг фақат теримни.*

*Ўш кўрмайди қишлоқлар унча*

***Пахта термайдиган келини.***

Юқоридаги кўп ўринларда кузатилгандек, Аъзам Ўктам ижодида аллюзия орқали мустамлака йиллари силсилалари, миллат учун оғриқли нуқталар қаламга олинган дардли мисралар анчагина. Ушбу шеърини парчаларда ҳам “*пахта термайдиган келин*”, “*ўзадан сал тикроқ қизчалар*” эпитетларида катта бир бадий юк мужассамланган бўлиб, ўтмишда миллат бўйнидаги қуллик занжирга айланган “пахта яккаҳокимлиги” фожеаси кирралари – гўдак болаларни ҳам пахта даласида эксплуатация қилиш каби муаммоларнинг ихчам, сиқик ифодадаги қабарик тасвирини кўрамиз.

**Аъзам Ўктам:**

*Қуруқ жисмим қолган, кетган гайратим,*

*Ўзим ўт қалбимга бўлдимми зомин?*

Ўки:

*Кўнгул қаъридаги номни*

*Тилингни куйдириб айтгил,*

*Ахир бир тонг бу **тош** қалбни*

*Ўшал ном уйғотиб кетган.*

“Ўт қалбим”, “тош қалбни” метафорик сифатлашлари эса лирик қахрамон руҳий ҳолатининг бетакрор ифодасини намоён этиб, дилни ўртаётган қалб оғриқлари тавсифланади.

Аъзам Ўктамнинг “Саломнома” шеърини параллел сифатлашнинг бетакрор намунаси дейиш мумкин:

Саломнома

*Хотирамни ёритган,  
Қалбдан ғамни аритган,  
Ўчкор гурур яратган –  
Кунларга салом ўлсун.  
Минг йиллар экин эккан,  
Ҳосили ёвга теккан,  
Экини ҳам мушт туккан –  
Қулларга салом ўлсун.  
Кундуз ўрнида қолган,  
Дилга аламлар солган,  
Тонгни чорлаб дуд чалган –  
Тунларга салом ўлсун.*

Бунда ҳар бир банддаги биринчи, иккинчи, учинчи мисралардаги сифатдошли оборотлар тўртинчи мисралардаги *кун*, *қул*, *тун* сўзларининг сифатловчиси бўлиб келган.

Аъзам Ўктам ижодида зид маъноли сифатлашларни ёнма-ён қўллаш орқали маънони кучайтириш усули ҳам қўлланилган:

*Кун узун, кун иссиқ – малоллар келур,  
Тунлари қоп-қора саволлар келур,  
Тонг чоғи мусаффо хаёллар келур,  
Ақлим менинг тиниқ тортмади ҳануз.*

Сифатлаш ҳақида гап борар экан, илмий манбаларда фақат сифатловчи – сифатланмиш қолипдаги бирикмалар назарда тутилганлиги, ҳол – кесим, эга - кесим қолипдаги белги билдирувчи синтактик бирликлар эътибордан четда қолганлигини кузатдик. Бундай тил бирликлари доирасида ҳам моҳирлик билан яратилган бадий ифодалар мавжудлиги кузатилди.

**Аъзам Ўктам:**



*Вайрон бўлиб қайтдим бу юртдан,*

*Буюкликнинг вайрон бўлган салтанатидан.*

Ёки:

*Танладим сал оғирроқ йўлни,*

*Сал енгилроқ жон берайин деб,*

мисраларидаги “вайрон бўлган салтанат”, “сал оғирроқ йўл” сифатлаши аниқловчи – аниқланмиш шаклида бўлса, “вайрон бўлиб қайтмоқ”, “сал енгилроқ жон бермоқ”, ҳол – кесим типдаги синтактик бирликни ҳам сифатлаш деб изоҳлашни маъқул деб ҳисоблаймиз. wikipediyaдаги қуйидаги изоҳ ҳам фикримизнинг тўғрилигига далил бўла олади: “Сифатлаш, эпитет – стилистика ва поэтика термини; антик даврдан маълум бадий тасвирий воситалардан. Нарса ва ҳодисаларга, тушунча ва ҳоказоларга хос хусусиятларни образли тасвирлаш. Аксарият ҳолларда сифат, шунингдек, равиш, от, сон, феъл воситасида ифодаланади (мас-н, *зар дўппи, қутлуғ кун, ҳовлиқиб гапирди* каби).” [3;] Бу ўринда яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, хассос сўз санъаткори Аъзам Ўктам вайрон бўлмоқ феълнинг сифатдош шаклини (*вайрон бўлган*) от сўз туркумига (*салтанат*), равишдош шаклини (*вайрон бўлиб*) феъл сўз туркумига (*қайтдим*) нисбатан кўллаб, ўзбек тилининг лингвистик имкониятлари нақадар кенг эканлигини намойиш этган. Айнан бир хил сифатлашнинг икки хил мақсадда кўлланиши шеърнинг мусиқийлиги, жозибаторлигини оширишга хизмат қилган. Кейинги мисолда эса бадий воситалар синтези янада уйғунлашади. Сифатлаш, такрор билан бирга антоним сўзлар антитезани ҳам юзага чиқаради: *сал оғирроқ – сал енгилроқ*.

**Аъзам Ўктам:**

*Сув ҳидин келтирмас ҳеч ердан шамол,*

*Бели мўрт қамишлар йиғлар бош чайқаб,*

*Аразлаб ётгандек туюлди беҳол,*

*Тўхтадим – ер бағрин эзганим пайқаб.*

Ёки:

*Аччиқланиб меҳрибон қуёш,  
Аямасдан сочар нурини.  
Ишловчилар беролмай бардош,  
Шунда тўхтар сўкишиб уни.*

Ёки:

*Тегирмон борлигин доим ёд этиб,  
Қовозини солиб ўсар бугдойлар.*

**Адабиётлар:**

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Т., Ўзбекистон, 2002 й. 332-б.
2. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Т., 2007 й. 106-б.
3. <https://ru.wikipedia.org/>
4. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 б.
5. Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: “Янгиқўрғон” нашриёти, 1992. – 32 б.
6. Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
7. Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.
8. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48 б.
9. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Тошкент: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
10. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.
11. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1993. – 80 б.
12. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. – Тошкент: “Мухаррир”, 2019. – 92 б.

**Нигина САДИНОВА**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ОКСЮМОРОН**

**Аннотация**

Ушбу мақолада Аъзам Ўктам шеърлятидаги оксюморонли бирикмаларнинг қўлланиши, унинг шеърй матнларида унинг ишлатилиш намуналари акс этиган.

**Калит сўзлар:** оксюмороник бирикма, антитеза, контраст, лингвопрагматика, образлилик, зиддият.

Зиддият фаннинг турли соҳаларига оид тушунча сифатида инсон фаолиятининг барча кўринишларига алоқадордир. Ана шу боғлиқликдан келиб чиқиб, инсон нутқий фаолияти маҳсули бўлган ҳар қандай матн мазмунида билиш категорияларидан бири - контраст лисоний воситалар ёрдамида ўз аксини топади. Бу воситалар эса тил сатҳининг турли кўринишларида воқеланади. “Контраст” атамаси қўлланилган ишларда бевосита бу ҳодиса масалан, контраст оппозиция кўриниши сифатида, контраст адабий усул сифатида айрим жиҳатлари очиб берилди. Ваҳоланки, контраст тез-тез такрорланиб турувчи ҳодиса сифатида матнни ташкил қилиш усулларида бири бўлиб, бадиий матнда унинг стилистик, функционал-прагматик имкониятлари намоён бўлади. Контекст контраст ифодаланишининг асосий манбаи. Контрастга хос бўлган хусусиятлар, унинг функционал-прагматик имкониятлари контекст доирасидагина воқеланиши мумкин.

Асар бадиий-эстетик қимматининг юқори бўлиши маълум даражада унда қўлланилган антонимик муносабатдаги сўз ва ибораларнинг аниқланган маъно нозикликлари, персонажлар ҳис-туйғулари, атрофдагиларга муносабатини акс эттиришда қай даражада хизмат қилиши, эмоционал-экспрессивлигига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ижодкордан контраст ҳосил қилувчи воситалардан ўринли фойдаланишда танланган сўзларнинг маъно нозикликларини ҳам билиш талаб этилади. Бадиий асар тилида ҳар бир контраст бирлиги сўзловчи коммуникатив мақсади ҳамда матн талабига боғлиқ ҳолда белгиланган прагматик вазифани бажаришга хосланган бўлади. Бадиий матнда контраст ҳодисасининг юзага келиши бевосита антонимларга боғлиқ. Бадиий адабиётда муаллиф томонидан танлаб олинган тил бирлиги, жумладан, контраст ҳосил қилувчи антонимик муносабат ифодаловчи тил бирликларининг бадиий матнлардаги бажарадиган вазифаси, лингвопрагматик имкониятлари, бадиий-эстетик қиммати каттадир. Ижодкор антонимлар воситасида инсон руҳияти тасвирини чизади, ўзаро зид

нуқталарда турувчи бетакроп поэтик образлар яратади, инсонлар ўртасидаги турли нозик муносабатларни акс эттиради, воқеликдаги зиддиятга асосланган кўринишларни бадийлик бўёғи билан бадий асар руҳиятига сингдириб юборади. Ана шундай ҳолатда инсон руҳияти, унинг атрофдагиларга муносабатини ифодалашнинг ёрқин воситаси бўлган контраст бирликлари лингвопрагматик имкониятларини намоён этади.

Истеъдодли шоир Аъзам Ўктам ижодига хос хусусиятлардан бири шуки, у фикр ифодалашда, тил бирликларидан лингвопоэтик восита сифатида фойдаланишда халқнинг эзгу тушунчалари билан боғлиқ сўзлар ва ибораларни қўллашга интилади. Унинг деярли ҳар бир шеърида она тилимиз яширин имкониятларини, тилимизда мавжуд бўлган сўз ва ибораларнинг нозик маъно ифодамай олиш хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилганлиги сезилади. Бадий маҳорат ва шоирона тафаккур унинг ижодида етакчилик қилади. У лингвопоэтик воситалардан фойдаланишда ўзбек шеъриятининг даврлар оша шаклланган ва такомиллашган анъана ва мезонларига амал қилади. Кўринадикки, мавзу моҳиятини очиб беришда ижодкор фавқулудда кашф қилган лингвопоэтик воситалар, кутилмаган образли ифодалар китобхонни ҳайратга солади, улардаги шоирнинг ҳаётни теран кўз билан кузатиши асосида юзага келган ўзига хос бадий тафаккур, бир-бирини тўлдирувчи мантиқий хулосалар матнга поэтик бўёк, таъсирчанлик бағишлайди. Шунинг учун муаллиф томонидан қўлланилган ва матнга боғлиқ ҳолда бадий образга айланган тушунчалар оксюморон сифатида шеърдан шеърга кўчар экан, ҳар гал ўзларининг янги-янги нозик қирраларини китобхонга ошкор этади ва поэтик таъсирчанлик хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради.

Оксюморонлар контраст ҳосил қилувчи восита сифатида шеъриятда инсоний муносабатлар, инсон хулқ-атвори, воқелик фактларини баҳолашини акс эттиради. Унинг контраст ҳосил қилувчи бошқа воситалардан ажралиб турадиган томонларидан бири шундаки, улар маълум бир ижодкорларнинг

вокеликни идрок қилиши ва ўзига хос тарзда ифодалаш имкони тўғрисида ҳам муайян тасаввур уйғотади.

Вокелик фактларини янгича услубда, ўқувчи кутмаган тарзда ифодалаш шоир Аъзам Ўктам ижодида ҳам кузатилади. Шоир ижодида қўлланган оксюморонли бирикмаларда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари, истак-орзулари ўзига хос тарзда ифодаланиши бадиий асар тилининг эстетик таъсирчанлигини оширган.

Аъзам Ўктамнинг “Кузда кулган чечак” шеърида оксюмороннинг фавқулодда гўзал намуналарини учратишимиз мумкин:

*Кун кўрмай куним кўрдим:*

*Тез кеч кирди, тонгдан дил хуфтон.*

*Ўсиб қарияпман,*

*Енгилши — енгил иш.*

*Ҳар тун ҳаёт марҳум,*

*Доим тирик ўлим:*

*ҳаёт менга дўстмас, ҳа, ёт.*

*Қалам тутқазар алам,*

*Муздай ҳовур нуркар саратон.*

*Оллоҳ, паноҳингга ол-л, оҳ.*

*Номингдан ёришди ёдим,*

*Энди гуллар қишда ҳам гуллар.*

*Ўлиб-тирилмасман сира,*

*Ўлиб, тириладиган дунёга.*

*Яраш йўқ, курашга яраш бор.*

Матндан англашилича, оксюморонли бирикмаларнинг маълум тартибда берилиши поэтик таъсирчанликни оширишга, лирик қаҳрамон руҳий ҳолатининг ёрқин ифодаланишига хизмат қилган. Оксюморонли бирикмалар матнда ифодаланган фикрлар аввало, китобхон эътиборини ўзига қаратади, поэтик таъсирчанликни таъминлайди, кутилмаган образлиликни юзага келтиради. Бундан ташқари оксюморонлар муаллиф муносабатининг

юзага чиқишини таъминлайди. Хуллас, лисоний олам манзарасини бадий матнда акс эттиришда зиддият воқеликнинг муҳим ўринларига китобхон эътиборини қаратиш билан бадий-эстетик таъсирчанликни таъминлайди. Тилшунослик фанининг ҳозирги даврдаги таракқиёти матнларни нутқнинг турли кўринишларига хос хусусиятларни ўзида акс эттиришини тадқиқ этишга қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлиги билан характерланади. Ижтимоий фан соҳаларида матнга мураккаб бирлик, структур-семантик ҳосила, уюшган коммуникатив яхлитлик, мантиқий, грамматик ва семантик алоқалардаги маъновий тугалланиш сифатида қаралиши оксюмороннинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш матн семантикасини ўрганишнинг долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади. Контраст доирасида қаралувчи оксюморон юнонча сўз бўлиб, закий, доно деган маънони билдиради. У лексик бирликларнинг маъносига кўра зид бирикишини ифодалайди ва натижада янги маъноли тушунча ҳосил бўлади. Оксюмороннинг асосий вазифаси муаллифнинг тасвирланаётган ҳодисага бўлган шахсий муносабатини ифодалашдир. [1; 123]

Умуман, қарама-қарши маъноларни ифодалаш хусусияти оксюморон ва антитезани ўзаро контраст майдонида бирлаштириб турса-да, улар орасида маълум фарқлар мавжуд. Антитезанинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда муаллиф ифодаланаётган нарса, воқеа-ҳодисанинг маълум томонига ўқувчи эътиборини қаратиш, ана шу хусусиятини таъкидлашда уни бошқа нарса, воқеа-ҳодисанинг худди шундай жиҳати билан таққослайди. “Оксимаронда эса кўрганимиздек, икки бир-бирига қарама-қарши маъноли сўз бир-бирига бирлаштирилади, бири иккинчисига нисбатан аниқловчи сифатида қўлланади. Аммо унда кўпроқ бирикишдан келиб чиққан кўчма маънога аҳамият берилади.” [3; 114].

Аъзам Ўктамнинг “Ўхшашлик” шеърида оксюмороннинг шундай кўриниши учрайди:

*Бешикни ёдимга туширди тобут,*

*Гўёки милтиқдир осиглиқ танбур.*

*Машълани ўйлаб ўрлаганда ўт,  
Тўпларни хотирга келтирди тандир.*

*Ўв, кўрганларим-ов, ўхшайди тушга,  
Бир куним ибтидо, бир куним маҳшар.*

Умуман олганда бадий ижодни оксюморонларсиз тасаввур қилиш қийин. Кўринадики, оксюморонлар лексик-семантик хусусиятларига кўра антонимларга ўхшайди. Аммо улар нутқ кўринишларида қўлланиш имкониятлари, мақсади, ҳосил бўлиш усули ҳамда вазифасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг бадий-эстетик таъсирчанлик вазифаси поэтик матнларда яққол намоён бўлади. Тилшунос олим Н.Маҳмудов шундай ёзади: “Аниқлик сифати бадий нутқда ўзига хос тарзда намоён бўлади, чунки бадий асар, маълумки, бадий тафаккур маҳсулидир. Йўл-йўлакай кўриб ўтилганидай, бадий нутқда образлилик биринчи планда бўлганлиги учун сўз маъносидаги силжишлар, кўчишлар кўп кузатилади. Сўз ва у ифодалаган предмет ўртасидаги мутаносиблик бадий нутқда кўпинча очик ва тўғридан-тўғри бўлмайди. Бадий нутқ ўзининг таъсир этишдан иборат асосий мақсадига эришиш учун сўзнинг турлича қўлланиши, товланиши, турланиши, хилма-хил маъноларни устига олишига кенг имконият яратади”.

[2; 113]

Тилшуносликка доир адабиётларда оксюморон контраст ҳосил қилиш хусусиятига кўра антитеза доирасида қаралса-да, ундан фарқланиб турувчи жиҳатлари ҳам мавжуд.

Оксюморонлар контраст ҳосил қилувчи восита сифатида шеъриятда инсоний муносабатлар, инсон хулқ-атвори, воқелик фактларини баҳолашини акс эттиради. Унинг контраст ҳосил қилувчи бошқа воситалардан ажралиб турадиган томонларидан бири шундаки, улар маълум бир ижодкорларнинг воқеликни идрок қилиши ва ўзига хос тарзда ифодалаш имкони тўғрисида ҳам муайян тасаввур уйғотади. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таниқли шоир Аъзам Ўктам ижодида контраст ҳосил қилувчи воситалар

лисоний олам манзарасини бадий матнда акс эттиришда воқеликнинг муҳим ўринларига китобхон эътиборини қаратиш билан бадий-эстетик таъсирчанликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Адабиётлар:**

1. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. Учеб. пособие Просвещение, 1978. С.123.
2. Маҳмудов Н.Ўқитувчи нутқи маданияти.Тошкент: 2009.Б.113.
3. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. -Тошкент: Фан, 1977. Б. 114.

**Тумарис АЪЗАМ**  
**соискатель СамГУ**

**ЯЗЫК ПОЭЗИИ АЪЗАМ УКТАМА**

Каждая эпоха рождает своих гениев, знаменитостей. И эти своих гениев и знаменитости выражают свои идеи, мысли через свой родной язык соответственно тому на какой стадии своего развития он находится. Языки постоянно развиваются и находятся современной эпохи, под воздействием научно-технического прогресса. Именно языки являются объектом исследования филологии, которая имеют двойную функцию специальную. Эта двойная функция составляет не только специфику самой филологии, но и её силу как науки.

Знаменитый ученый Р.А. Будагов отмечает, что «Частная проблема (истолкование текста) приобретает общее значение: широкую и становится более очевидным, из каких источников возникает та или иная культура, какими материалами она располагает» [1,с.10]. Вместе с тем ученый пишет: «... нужна филология, «оберегающая» и не только язык науки, но и язык нашего повседневно общения, язык художественной литературы». «...А.А.Шахматов был, в частности, убежден, -пишет ученый,-что филология является основой «... всех исторических дисциплин и черпаемым источником интеллектуально-морального развития [1,с.10]. И, действительно, когда



читаешь произведения великого Пушкина, Гоголя или Толстого, чувствуешь, что живешь той жизнью, описанной или, мыслями и поступками героев произведения. В данной статье мы вкратце остановимся на некоторых произведениях талантливого поэта Аъзама Уктама [2], прошедшего короткий творческий путь, но оставившего довольно хорошее наследие поколениям. Мы не ставим цель сравнения его стихов с творчеством маститых поэтов нашего и других народов. Нет! Мы постараемся раскрыть ту грань его творчества, где он, как нам кажется, проявил себя как поэт своей эпохи.

В каждом тексте, а также в стихотворении имеется замысел создателя, и чтобы преподнести этот замысел поэт или писатель выбирает свою стратегию высказывания. И как в любом тексте, так и в выбранном стихотворении «Фотиха» ("Благословление") есть вступление:

Бугун сени олиб кетаётганлар,  
асрасинлар менгзаб гул билан, омин [2,с.63],

которое вводит молодую девушку в новую жизнь. Эта жизнь не обещает быть сладкой, все радости и невзгоды нужно вынести на своих ещё почти детских плечах. Поэт очень осторожно объясняет и поясняет то, что предстоит принять и выдержать в семье супруга. Он обращается к ней:

Кўлмақлар наздида сой ёмон, билсанг,  
Сур булут наздида ой ёмон, билсанг. [2]-  
Если ты знаешь, для луж плох горный ручей,  
Если ты знаешь, для наглых туч луна плоха)  
Майли, ёмон бўлсанг- сой бўлгин, омин,  
Майли, ёмон бўлсанг-ой бўлгин, омин. [2]-  
(Пусть, будешь плохой, будь горным ручьём, аминь,  
Пусть, будешь плохой, будь луной, аминь).

В этих строках показана жизнь в сравнении природных явлений (кўлмақ- сой, булут- ой...). Девушка здесь представлена, как чистый родник, как луна в своем отцовском доме и такой должна быть в доме супруга. Прочитав этот текст и, не зная даже его автора можно предугадать, что очень

ясно и вместе с тем образна, описана жизнь мусульманского мира, показаны их вековые традиции. Поэт сам-гора, он - сад, который провожает в новую жизнь близкую и желает ей тоже быть и горой, и садом. Это всё передано читателю при помощи нераспространенных простых предложений (НПП). (Мен-тоғ, мен-боғ-Я-гора.. Я сад). А во втором четверостишии первые две строки- двух-компонентные сложные предложения (СП), у которых второй компонент НПП, а сказуемые первых частей имеют нулевой показатель. В последнем четверостишии первые две строки составляют одно СП, состоящие из двух компонентов. В них сказуемое употреблено в начале частей и на них делается ударение. Если в двух вышестоящих четверостишиях дается описание жизни и возможность событий, которые могут произойти, то в последнем автор передаёт свое наставление желанием счастливого будущего, чем подводит черту остереги от необдуманных поступков. Последние две строки являются заключительной частью замысла -интенции. Как видим, это стихотворение, состоящее из вступления, развития и описания его, заключения образовало одну систему- текст, который имеет свою категорию связности и когерентности. (3) Свои размышления о жизни поэт очень просто и понятно передает посредством описания жизни вне отцовского дома. Он подобрал краткие формы высказывания, сто эмоции выражены своеобразными формами, к примеру,

» .... асрасинлар менгзаб гул билан, омин» (- ... пусть тебя берегут как цветок с цветами, аминь) или

«Бош эгиб кирганинг ул остонадан,  
Бош эгиб қайтмагин хеч қачон, омин." .

Войди зайди через порог склоня голову,

Но никогда не возвращайся с опущенной головой.

Кроме этого Аъзам Уктам в этом своём стихотворении пользуется однородными членами предложения (ўт, кул, бахти, умри, мендан, онангдан). В стихотворении имеются два обращения: одно выражено словосочетанием (Бугун сени олиб кетаётганлар... )- (- Те, которые увозят тебя сегодня), кўзим

(ягнёночек). Анализируемый нами стих состоит из четырёх четверостиший и в трёх из них поэт употребляет повторы. Одни из этих слов можно отнести к итерации, а некоторые альтерации. Поэт очень умело пользуется ими и предложения (билсанг-если ты знаешь; ёмон бўлсанг-если ты будешь плох... повторяются без изменений. Эти повторы, кажется, необходимы для этого стиха, они являются связующим элементом строк этого произведения. О повторе очень подробный материал преподносится в монографии В.С. Григорьевой (4). Знакомясь с текстом стиха мы узнаём о традициях тюркского народа, в частности, узбекского. Этот стих пропитан уважением к традициям, которые имели свои древние корни. Почти в каждой строчке стиха для полного раскрытия интенции поэт очень умело пользуется стилистическим приёмом сравнение. Но это сравнение несёт в себе противопоставление: ўт, кул (огонь - пепел), кўлмак сой (луза- ручей), тоғ - боғ (гора- сад), бош эгиб кирганинг... бош эгиб қайтмагин (вошла споклоном... не возвращайся с опущенной головой). То, что нам дал поэт - это любовь к родине, к народу и его истории, культуре, наследию, и вообще к жизни. В произведении чувствуется и характер автора- сразу бросается в глаза его решительность, обязательность перед всеми, заботливость, точность, набожность, и т.д. Об очень многих правдивых произведениях, так как о творчестве, о слове Аъзама Уктама можно написать много. Но и все же пока особенности языка поэта следует отнести к числу ещё неизученных. Знакомясь с подобными произведениями, мы можем ещё раз убедиться, что высказывание И.И.Средневского, приведенное знаменитым ученым Р.А. Будаговым «Каждое слово для историка есть свидетель, памятник, факт жизни народа, тем более важный, чем важнее понятие, им выраженной.» (1).

#### **Литература:**

1. Будагов Р. А. Писатели о языке и язык писателей: М., 2001 стр.10.
2. Аъзам Уктам. «Осмон якин..» Сборник стихов. – Ташкент: АБУ МАТБУОТ-КОНСАЛТ, 2011.

3. Краснопёрова И.А, Когнитивно- лингвистический анализ устойчивых нарративных структур. Автореферат ... канд.фил.наук. – Ижевск, 2004.

4. Григорьева В. С. Дискурс как элемент коммуникативного процесса: прагматический и когнитивный аспекты. – Тамбов, 2007.

**Boburmirzo IMINJANOV**

**Andijon davlat universiteti talabasi**

## **A'ZAM O'KTAM SHE'RIYATIDA SIFAT SO'Z TURKUMIGA OID SO'ZLARNING QO'LLANILISHI**

### **Annotatsiya**

Ushbu maqolada sifat so'z turkumi, uning leksik ma'no guruhlari haqida ma'lumotlar berilgan. Misollar o'zbek shoiri A'zam O'ktam qalamiga mansubdir.

**Kalit so'zlar:** sifat, ma'no guruhlari, estetik zavq, ijod namunalar.

Farg'ona farzandi bo'lgan shoir A'zam O'ktam juda oz umr ko'rdi. Xuddi Shavkat Rahmon kabi, Usmon Nosir kabi o'zbek she'riyati osmonida bir yarq etib o'tgan yashin misol o'rin oldi. Uning she'rlari teran ma'no aks etganligi, o'quvchini o'ziga torta olish mahorati bilan ajralib turadi. A'zam O'ktamning lirikasi insonni beixtiyor o'yga cho'mishga majbur qiladi. Quyida shoirning ijodini tilshunoslik bilan bog'liq holda o'rganishga harakat qilamiz.

Avvalo, sifat so'z turkumi to'g'risida to'xtalib o'tsak. Asosan predmetning, qisman harakatning belgisini bildiruvchi, darajalanuvchi so'z sifat deyiladi: qizil qalam, oq kabutar, yaxshi gapirmoq. Boshqa so'z turkumi ham belgi ifodalaydi. Ammo sifat barqaror va turg'un belgi ifodalashi jihatidan ulardan ajralib turadi. Belgining xususiyatiga ko'ra sifat ikkiga bo'linadi:

- 1) asliy sifat;
- 2) nisbiy sifat.

Darslik va qo'llanmalarda sifatning 9 ta leksik ma'no guruhlariga ajratiladi:

- 1) xususiyat bildiruvchi sifat;
- 2) holat bildiruvchi sifat;
- 3) shakl bildiruvchi sifat;
- 4) rang-tus bildiruvchi sifat;
- 5) maza-ta'm bildiruvchi sifat;
- 6) hid bildiruvchi sifat;
- 7) o'lchov bildiruvchi sifat;
- 8) o'rin bildiruvchi sifat;
- 9) payt bildiruvchi sifat. [1]

Endi A'zam O'ktamning she'rlarida foydalanilgan sifat so'z turkumiga oid so'zlarga e'tibor qaratsak. Uning ijod namunalari ichida bunday so'zlar orqali go'zal satrlar yetarli. Masalan, "Dalil" deb nomlangan she'rida shunday jumlar mavjud:

Va butkul savodsiz emasdik hecham,

Bunga ishonmayman, bu gap ko'p og'ir. [2]

Shoir ushbu she'rda sobiq sho'rolar davrida o'zbeklarni savodsiz deya atalganiga qarshi o'ziga xos dalil keltiradi. Ya'ni uning ta'biri bilan aytganda, "bobolar qurgan uylarning shifti vassalari ham kitob shaklida qurilgan". Dalilni aytishdan avval ushbu ayblov shoirga qanday ta'sir etgani haqida so'z yuritiladi. Ushbu satrlarda ikkita sifat so'z turkumiga oid so'z qatnashgan. Birinchisi, savodsiz sifati. Ot so'z turkumidan -siz sifat yasovchi qo'shimchasi orqali sifat yasalgan. Sifat turlari bo'yicha xususiyatni bildiruvchi sifatlar turiga mansub.

Ikkinchi sifat esa og'ir so'zidir. Ushbu so'z tub sifat hisoblanib, yasalmagan. O'lchovni bildiruvchi asliy sifatlar tarkibiga kiradi. Ushbu so'z she'rda gap so'ziga nisbatan qo'llanilmoqda va shoirga ayblovning ta'siri yaqqol ko'rsatib berish uchun ishlatilgan. Yoki A'zam O'ktamning "Yo'l" she'ridan parchaga e'tibor bersak:

Sergak qadam tashlayman, axir

Yurar yo'lim – qalin tikonzor,

Benihoya uzundir umr,  
Bittagina oq ko'ylagim bor.

Shoirning ushbu she'ri o'quvchini chuqur mulohazalar yuritishga undaydi. Yuqorida keltirilgan to'rt qatorning har bir qatoridan sifat so'z turkumiga oid so'zlarni topish mumkin. Birinchi qatorda sergak so'zi. Ushbu so'z holatni bildiruvchi asliy sifatdir. Shoir o'zining hayot yo'llarida qadam tashlash holatini keltirib o'tmoqda. Ikkinchi qatordagi qalin sifati tikonzorni sifatlash uchun ishlatilgan. Aslida shoir hayot yo'llarini qalin tikonzorga o'xshatmoqda. Ushbu sifat shakl bildiruvchi sifatlar sirasiga kiruvchi asliy sifatdir.

Uchinchi qatorda uzun sifati ishlatilgan. Bu ham asliy sifat bo'lib, o'lchovni bildiruvchi sifatlar sirasiga kiradi. Odatda bilamizki umrga nisbatan qisqa so'zi ishlatiladi. Lekin A'zam O'ktam umrni benihoya uzun deya tasvirlaydi. Buning sababi esa ikkinchi qatorda berilgan: hayot – qalin tikonzor. Ko'plab jafalarda qiynalgan qahramon uchun umr juda ham uzundek tuyuladi. So'nggi satrda esa rang-tusni bildiruvchi asliy sifat qo'llangan: oq. Ushbu so'z ko'ylakka nisbatan ishlatilayotgan bo'lsa ham shoir uni majoziy ma'noda qo'llaganini o'quvchi darrov ilg'ab oladi. Quyida esa A'zam O'ktamning “O'tinch” she'ridan parcha keltiramiz:

So'zim, jonbaxsh so'zim, yordin  
Menga shirin hikoyat qil.

She'rning sarlavhasi nima uchun bunday ekanligini, shoir kimga o'tinayotganini tushundingiz. U o'z so'ziga iltijo qilmoqda. O'zining jonbaxsh so'ziga. Bu o'rinda sifatlash orqali so'zning darajasini yana bir pog'onaga ko'tarmoqda. Undan yori haqida hikoyalar aytishni so'ramoqda. Hikoya ham oddiygina hikoya emas, balki shirin hikoya. Asliy sifat bo'lmish shirin so'zi o'quvchiga qo'shimcha estetik zavq bag'ishlaydi. Maza-ta'mni bildiruvchi sifatni hikoya so'ziga nisbatan qo'llash albatta qiziqarli.

Umuman olib aytganda, A'zam O'ktamning har bir she'rida sifat so'z turkumidagi so'zlarga duch kelamiz. Ularning barida sifatlar qahramonni o'quvchiga yaqinroq tanishtirish uchun, qo'shimcha zavq yoki chuqur mushohada yuritishimiz uchun xizmat qiladi.

A'zam O'ktam serqirra ijodkordir. Uning she'rlarining lingvopoetik xususiyatlarini o'rganish lingvopoetika fani uchun ulkan manba hisoblanadi. Biz yuqorida uning bir nechta she'rini tilshunoslik nuqtayi nazaridan tahlil qilishga urindik va faqat sifat so'z turkumining qo'llanilishi yuzasidan yondashdik. Bu tahlillarni uzoq davom ettirish mumkin. Zero, bu tahlillar adabiyotshunoslik, tilshunoslik hamda lingvopoetika fanlari o'rtasida aloqadorlikni mustahkamlaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. R. Sayfullayeva va b. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – T., 2009
2. A. O'ktam. Qirqinchi bahor. – T., 2000

**Shahrizod SHODIYEV**

**Samarqand davlat universiteti talabasi.**

**Ilmiy rahbar: filologiya fanlari bo'yicha falsafa**

**(Phd) doktori S.M.Umirova.**

**A'ZAM O'KTAM IJODIDA ANTROPONIMLARNING POETIK  
XUSUSIYATLARI**

**Annotatsiya**

Maqolada A'zam O'ktam she'riyatidagi antroponimlarning poetik xususiyatlari o'rganilgan.

**Kalit so'zlar:** antroponim, onomastik ko'lam, poetonim, badiiy saviyasi, she'riyat, badiiy mahorat.

A'zam O'ktam she'riyatining onomastik ko'lamidan o'rin olgan poetonimlarlar o'zbek, sharq va g'arb adabiyotiga, madaniyati tarixiga oid faktlarga ishora qilib she'rlarning mazmun jihatdan to'laqonli, badiiyat jihatdan yuksak bo'lishiga xizmat qilgan. Ma'lumki, badiiy matnda yozuvchi ilgari surayotgan g'oya ta'sir doirasini kengaytirish uchun onomastik birliklarga

murojaat etadi. Bu birliklarning bir-biriga mutanosibli, yozuvchining badiiy saviyasi hamda so'zga bo'lgan mas'uliyati asosida yuzaga keladi. A'zam O'ktam she'riyatida ham antroponimlarga murojaatni turli ko'rinishlarda ko'rish mumkin. Shoirning "Kuzda kulgan chechaklar" she'riy kitobidan joy olgan "Anglash" she'rida, "Kuzatish" kitobiga kiritilgan "Shubha", "Voqea", "Taftish" she'rlarida mard ayol etaloni – To'maris; jasorat va mardlik etaloni – Shiroq, Manguberdi kabi antroponimlariga murojaat qilgan bo'lsa, "Bulutlar o'z ishin qildilar oxir" she'rida esa vafu va sadoqat etaloni – Otabek antroponimiga murojaatini ko'rishimiz mumkin.

Quyidagi "Anglash" she'ridan parchada Shiroq, To'maris, Manguberdi antroponimlarini presedent nom sifatida ko'pchilikka ma'lum.

Shiroq to'g'risida o'qidim,  
O'qidim To'maris haqida,  
Muqanna-yu Manguberdi qolmadi.

Shiroq nomi tilga olinganda, quloq-burnini kesib dushmanni chalg'itgan bahodir eslansa, To'maris antroponimi orqali yurtini yovdan himoya qilgan jasur ayol timsoli gavdalanadi. Manguberdi antroponimida mo'g'ullarga qarshi munosib kurash olib borgan, vatanparvar, mard va jasur shaxsni ko'z oldimizga keladi.

A'zam O'ktam she'riyatidagi erkka intilish, xalqning og'ir hayot turmushini favqulodda obrazlar bilan ochib berishda, o'ziga xos falsafiy yondashganligi bilan ajralib turadi. Uning she'rlarida kelajak avlodga murojaat, zamona odamiga kuyunib gapirish, nohaqlikka qarshi misralarida ko'rish mumkin. Birgina "Shubha" she'rida,

Yassaviy, Haziniy qo'lyozmasin ot,  
Tez esdan chiqargin  
Fitrat, Cho'lpon...ni.  
Nimasin anglarding?  
Yaxshisi – yo'qot,  
Saqlashdan ne naf bor uyda Qur'onni.



Tasavvuf bilimdoni Yassaviy, Haziniy haqida bilmagan o'quvchi shoirning nimaga ishora qilayotganligini anglashi qiyin. Xoja Ahmad Yassaviy turkiy xalqlarni islomga yanada kengroq jalb qilish va tasavvuf g'oyalari omma ko'ngliga chuqur singdirish maqsadida she'riyatdan ham foydalangan, tasavvuf ta'limoti bilan izchil shug'ullangan shaxs. Haziniy esa 30 yoshida murshididan irshod (tariqat rahnamoligiga ruxsat) olib, "Haziniy to'ra" va "Eshonbuva" nomlari bilan xalq orasida e'zozlangan, o'z davrining yetuk Qodiriya tariqati shayxi sifatida e'tirof etilgan va "Murshidi Farg'ona" nomiga musharraf – valiy zot bo'lib tanilgan. Shoir ulug' kishilarning unutilib borayotgan me'rosini kelajak bilishi zarurligi, ammo o'sha davr mustamlaka tuzumini bunga yo'l qo'ymayotganiga ishora deyish mumkin. She'rdagi Fitrat, Cho'lpon poetonimlari millatni kurashishga, o'tgan qora kunlarni unutmazlikka undaydigan poetonim deyish mumkin.

Qur'on onomastik birligi bilan esa iymonga, poklikka isho qilayotganligini ko'rish mumkin.

Hali iymonsizlar safi zich, qalin,

Pastkash, maydakashning

Qilmishi – yirik.

O'ldi deyapsanmi?

Qahhor Stalin

Ikki bor ko'milgan bo'lsa ham tirik!

Qahhor Stalin poetonimi o'z ma'nosida ham ko'chma ma'noda ham qo'llanilgan. Qahhor so'zi "qahr qiluvchi, barchani bo'ysindiruvchi" degan ma'nolarni beradi. Shoirning badiiy mahorati inson ruhiyatidagi azaliy illatlardan biri mansabparastlik, qahr illatlarini Stalin antroponimiga qahhor sifatini berish orqali ko'chma ma'noni singdira olgan.

Quyidagi parchada esa istiqloлга nisbatan Erkin aka antroponimini qo'llaganligini ko'rishimiz mumkin.

Biz ekan jinoyat, kin urug'lari

Biri o'lsa,

Biri hanuz gurkirar.

Men borsam qishloqqa –

Do'st, urug'lari

Qamoqdagi Erkin akani so'rar.

A'zam O'ktamning tarixiy antroponimlarga murojaati o'quvchini tarixni yaxshi bilishga, o'tmishda o'tgan ajdodlarimizning jasorati, me'rosi tarannumi deyishimiz mumkin. “Mening ertagim” she'ri bunga yaqqol misol bo'la oladi.

Sal-pal unutganingda o'yinlar, ermaklarni,

O'g'lim, aytib beraman ajoyib ertaklarni.

Kimdir tinglab bilarsan – Temur, Navoiy, Bobur,

Jaloliddin, Muqanna, Qodiriy, Usmon Nosir.

Shoirning Temur, Navoiy, Bobur antroponimlari, tarixda o'tgan buyuk ajdodlarimizning kim ekanligiga, sen qanday bo'lishing kerak degandek ko'chma ma'nolarni yuklab o'tyapti.

Jaloliddin, Muqanna, Qodiriy, Usmon Nosir antroponimlari esa kurashdan to'xtamagan, jonini, butun borlig'ini, Vatan ozodligi, xalqining farovon hayoti yo'lida baxshida etgan insonlarni unutmaslik, ularning yo'lidan borishi kerakligini farzandiga nasihat orqali o'quvchiga singdirishga harakat qilgan.

Boq xalqing o'tmishiga ertangni o'ylagan payt,

Ertak aytsang o'g'lingga uxlatmaslik uchun ayt!

Shu ma'noda O'zbekiston respublikasi birinchi prezidenti I.Karimovning fikrlarini keltirishimiz mumkin: “Ma'naviyatini tiklashi, tug'ilib o'sgan yurtida o'zini boshqalardan kam sezmay, boshini baland ko'tarib yurishi uchun insonga, albatta, tarixiy xotira kerak... Kim bo'lishidan qat'i nazar, jamiyatning har bir a'zosi o'z o'tmishini yaxshi bilsa, bunday odamni yo'ldan urish, har xil aqidalar ta'siriga olish mumkin emas. Tarix saboqlari insonni hushyorlikka o'rgatadi, irodasini mustahkamlaydi. Inson uchun tarixidan judo bo'lish – hayotdan judo bo'lish demakdir... Bu g'oyaning zamirida xalqimizning o'zligini anglashi yotadi. Haqqoniy tarixni bilmasdan turib esa o'zlikni anglash mumkin emas”. Yuqorida keltirilgan fikrlar shoirning misralarida ilgari surilgan g'oyaga dalil bo'la oladi. Bir

soʻz bilan aytganda, A'zam O'ktam oʻtmish va kelajak oʻrtasidagi koʻprik ustida turgandek, bir zamondoshini oldinga yurishga undasa, bir xalqni ajdodlar jasoratidan kuch olishga oʻtmishga chorlaydi.

Xulosa qilib aytganda, A'zam O'ktam she'riyatidagi antroponimlarning tarixda iz qoldirgan real shaxslarning nomlari ekanligini koʻrish mumkin. Bu esa oʻquvchini ziyraklikka, oʻz ona yurti tarixini bilishlikka oʻrgatadi. Antroponimlarga murojaatini millat istiqloq uchun kurashish va bu kurashda oʻzligini unutmaslikni tarannum etadi.

**Adabiyotlar:**

- 1.А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
- 2.А.Ўктам. Қирқинчи баҳор:Шеърлар. – Т.: “Қаторгол-Камолот”, 1999. – 48
- 3.А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
- 4.А.Ўктам. Сахар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.

**Mahliyoxon NURILLAYEVA**

**Samarqand davlat universiteti talabasi.**

**Ilmiy rahbar: filologiya fanlari boʻyicha falsafa**

**(Phd) doktori S.M.Umirova.**

**A'ZAM O'KTAM IJODIDA “BAXT” SEMASINING IFODALANISHI**

**Annotatsiya**

Maqolada A'zam O'ktam she'riyatidagi baxt semasini ifodalovchi soʻzlar oʻrganilgan.

**Kalit soʻzlar:** sema, leksema, badiiyat, she'riyat, badiiy mahorat, leksik birlik.

Dunyoda ma'lum bir qolipga tushmaydigan, ta'riflab bo'lmaydigan tuyg'ular, hislar bor. Ajab emaski, bu tuyg'ular umrbod, shuning uchun ham boqiydir. She'riyatdagi bir xillik, uning zalvorini tushiradi. Qiymatini yo'qotadi

deyishadi. Ammo shunday soʻzlar borki, ular haqida qanchalik koʻp gapirilsa, yozilsa xuddiki bizga tanish, ammo notanish boʻlgan yana bir qirrasini ochib berayotgadek boʻladi. Olmosga qanchalik koʻp ishlov berilsa rangi ochilib qiymati oshgani singari.

Ushbu maqolamiz baxt semasini ifodalovchi soʻzlarni tanlab oldik. Bu soʻzlar har bir tilda boʻlgani singari, har dilda ham bor.

A'zam O'ktam oʻzining “Ikki dunyo saodati” asarida baxt semasidan jami 36 marta xushbaxt, baxtsizlik, baxt, bebaxt shakllarida foydalangan. (Shulardan 2 tasidan sarlavha sifatida). *Xumor, juda xumordir koʻnglim, / baxt bitilsin peshonamizga; Koʻngil toʻq, ruh yengil. / Xushbaxtman oʻzim – gul isin iftorlik uchun berdi shom* tarzida ifodalanadi.

Ijodkor sheʼriyatini kuzatar ekanmiz, unda oʻziga xos xalqonalik shu bilan birga sheʼrlarida oʻziga xos individualligi bor. U baxt soʻzi atrofida bir nechta tushunchalarni birlashtiradi.

Bosh ustimda oʻyanab yurar baxt,

Ostimda taxt oʻynamasa ham.

Mudom menim koʻch-koʻronim taxt,

Eng kuchli deb biladi bolam.

Har bir farzand uchun ilk qahramon Otasidir. Otalik ham asli bir baxtdir. Farzandlar oʻz otasi timsolida ideal bir shaxsni koʻradi va unga oʻxshashga harakat qiladi. Uning uchun otasi qahramon va takrorlanmas. Bu ota uchun ikki hissa baxt. Bilasizmi bu misralarda oʻziga xos begʻuborlik mavjud.

Yana bir asarida esa u “Paygʻambar alayhissalom ota-onaga itoat etishga buyurganlar. Ularni hurmatlash, rizoliklarini olish – buyuk baxt ekanligini taʼkidlaganlar”, deydi. Shoir ota-ona va farzandlar oʻrtasidagi munosabatlarni ham chetda qoldirmaydi. Oʻz asarlarida u baxtning yangidan yangi qirralarini ochib beraveradi.

Qulab tushdi omonat inlar –

Qushchalarning baxti ham taxti.

Bu o'rinda shoir in va baxt so'zlarini yonma-yon qo'yib oilani nazarda tutmoqchi bo'lgan bo'lsa ne ajab, axir oila ham Alloh taolo tomonidan berilgan bir nasiba, bir mo'zidir.

U olamga o't qo'yib yurar –  
Nafaslari pokiza gulxan.  
Bu sokin, u notinch dunyoga  
U kech kelgan yo erta kelgan.  
Unga maskan bo'lmoqlik uchun  
Dunyo hali poklanishi shart.  
Faqatgina imoni butun  
Unga kelsa baxtli bo'lar baxt.

Bunda shoir sevgilisini shu qadar pok va nafis etib tasvirleydiki, bu foni dunyo uning kelmog'i uchun arzimasligini ta'kidlaydi. Agarkim unga imoni butunlar kelsagina baxt nimaligini anglaydi. Hatto baxt ham baxtli bo'ladi. Qiziq, biz maqola boshidayoq, baxt turli xil ko'rinishlarda bo'lishini aytgan edik. Unda dunyodagi jamiyki, baxt deb ataluvchi narsalarni baxtli qila oluvchi qudrat nima. Bunga sevimli yor desak, u ham baxt deb atalmish koshonaning bir qismi. Bunda faqat butun baxt bo'lish uchun buning o'zi ham kamlik qilar balki. Zero shoir aytganidek, shukur qilish kerak.

Baxt tirik yurush. Unda u nima, yoki kim? Ushbu savolimizning javobi "Qanoat" she'rida yanada oydinashadi:

Asl aybim –  
Tekis yo'lda qoqinmoqdir.  
Asl baxtim –  
O'zing ko'rmay sog'inmoqdir.  
Yer-u ko'kdan mudom izlab  
Xato qildim  
Seni topmoq yo'li –  
Doim topinmoqdir.

Darhaqiqat, barcha baxtlarning sababi Yaratgan Robbimizdir. Berguvchi ham, olguchi ham U. Jamiki baxtlarning va baxtga boshlovchi yo'l eshiklarining kaliti ham aynan shu Zotdadir. Butun dunyoga sig'madim ammo mo'min bir bandamning qalbiga sig'dim deb keltiriladi bir hadisda. Baxt ham aynan qalb ishi. Shoir baxtning ma'nosini butun borlig'ini aynan shu yerda anglatgan nazarimizda. Baxt bu – O'zini sog'inmoqdir, topinmoqdir.

**Kurash intihosi – saodat zotan.**

**O'zni fido etmak ham axir bir baxt!**

**Adabiyotlar:**

- 1.А. Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.
- 2.А.Ўктам. Қиркинчи баҳор:Шеърлар. – Т.: “Қаторгол-Камолот”, 1999. – 48
- 3.А.Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т.: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.
- 4.А.Ўктам. Сахар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Т.: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.

**Абдуманнон ҲАСАНОВ**

**Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти**

**университети таянч докторанти**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРЛАРИ ЛЕКСИКАСИДА  
ИНТРАЛАКУНАЛАР**

**Аннотация**

Мақолада Аъзам Ўктам шеърлари лексикасида интролакуналарнинг учраши ва уларни бартараф этиш усуллари тадқиқ этилган. Шоирнинг адабий тил лексиконида мавжуд бўлмаган сўзларни сўз бирикмалари, изоҳлар, шунингдек, сўзлашувда фаол қўлланилувчи диалектизмлар ва сленглар орқали ифодалаш маҳорати очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** Аъзам Ўктам шеърлари, лексика, интролакуна, диалектизм, сленг, изоҳ, услубий лакуна, мотивлашган лакуна, лексик норма.

Маълумки, тил лексикасининг барқарорлашуви ва меъёрлашуви сўз усталари шоир ва адиблар хизматларисиз содир бўлмайди [2, 47]. Ўзбек тилининг адабийлашуви ва меъёрлашуви ҳам шоир ва адибларимизнинг улкан меҳнатлари натижаси ва самарасидир. Бу жараёнда шоир Аъзам Ўктамнинг ҳам алоҳида хизматлари бор.

Ёзувчи ва ижодкорларнинг ўзлари томонидан ёзилган автобиография ва эсдаликларида ижтимоий ҳаёт ва ижод ўртасидаги мутаносиблик бот-бот такрорланиши бежиз эмас. Зеро, бу жараёнда ижодкор нафақат халққа нафи тегади, балки шу орқали халқ билан бир қозонда қайнайди. Халқнинг дардини, ички кечинмаларини, орзу-истакларини, қувонч-у ташвишларини хис қилади, татийди. Айни замонда халқ тилининг бетакрор жозибасини ўрганайди. Ўз асарларида халқнинг қадимий ва навқирон, сеҳрли ва бетакрор сўзларини қўллаш орқали она тилининг жозибасини, тароватини номойиш қилади. Мана шу омиллар сабаб адабиётнинг халқчиллиги, миллийлиги, ҳаётийлиги янада кучаяверади.

Аъзам Ўктам ижодини кузатиб, унинг тил ифода имкониятларидан унумли фойдаланиш борасида катта истеъдодга эга бўлганлигини сезиш мумкин. Шунингдек, шоир шеърлари орқали она тилимизнинг кенг имкониятларини, бетакрор жозибасини аниқ ва равшан кўриш мумкин.

Шунингдек, бадиий асарлар таҳлили орқали тил лексикасидаги бўшлиқлар – интралакуналар ҳам аниқланади. Тилнинг қайишқоқлик хусусияти орқали тафаккурдаги ҳар қандай тушунча ва образлар ўқувчига осон етказилиши мумкин. Лекин тафаккурдаги ҳар бир тушунчани алоҳида номлаш ва ифодалашда тилнинг муайян камчиликлари – лексик лакуналар тил эгалари, хусусан, ижодкорлар учун ҳам муайян ноқулайликлар туғдириши табиий. Сўз санъаткори ҳисобланган ижодкорлар баъзида битта мақбул сўзни топиш учун бир неча кун, ҳатто ойлаб сўз излайдилар. Чунки бадиий яратилган асосий қуроли ва материали бўлган сўз бадиий ижодда жуда катта аҳамиятга эга.

Интролакуна (тил ичидаги лакуна) бу тил эгалари онгида мавжуд тушунчаларнинг тилда ўз номига эга эмаслигидир. Унинг мавжудлиги табиий: тил ҳар қанча тараққий этганда ҳам борлиқдаги барча тушунчаларни ифодалашда муайян камчиликлардан холи бўлмайди. Зеро, инсон тафаккури чегара билмас имкониятларга эга. Шу боис унинг бағридаги когнитив жараёнларнинг ҳаммаси ҳам лисоний жиҳатдан воқеланмаслиги аниқ.

Тил ичидаги лакуналарни систем таҳлиллар билан ўрганган рус олимаси Г.В.Бикова унинг ўн олти турини ажратиб кўрсатади. Ўзбек тилида ҳам лакуналарнинг мазкур турлари мавжуд ва уларни тўлдириш масаласи тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада халқ шевалари катта имкониятларга эга бўлиб, лакунар бирликларни бартарф қилишда диалектизмлардан фойдаланиш ўзбек тили софлигини таъминлашга, шунингдек, ўзбек тилининг туркий тиллар билан яқинлашишига хизмат қилади.

Биз қуйида ўзбек тили лексикасидаги лакуналарнинг Аъзам Ўктам шеърларида қай тарзда намоён бўлиши ва бартарф этилиши ҳақида мулоҳазаларимизни билдирамиз. Қуйидаги парчага диққат қилинг:

Озор бермай тош кўнглига  
"Замон нозик" деб қўйишар  
*юмшоққина одамлар* [1, 42].

Қатағон давридаги талотўплар ҳақида ўйларкан шоир ўша даврнинг қўй каби юввош, бепарво, тепса тебранмас одамларининг ҳаракатсизлигини надомат билан эслайди. Албатта, уларни танқид қилиш ёки ҳақоратлаш ҳам мумкин эмас. Шунингдек, уларни тушуниш ҳам қийин. Шу боис уларни ифодалаш учун муайян сўз топишга ўйланади. Албатта, бундай вазиятда кўплаб сўзларни қўллаш мумкин. Лекин уларнинг ҳеч бири мазкур хусусиятларни умумлаштириб ифодалай олмайди. Чунки бундай сўз тил лексиконида мавжуд эмас. Шу боис шоир уларни “юмшоққина одамлар” деб қўя қолади.

Тиз чўксам қошингда, *паст кетганимми*,



Юксалмак йўли йўқ шу чоҳдан ортиқ [1, 27], -

мисрасида шоир паст кетмоқ сленги билан “ўзини пастга уриш” тушунчасини ифодалаётгани аксар ўқувчи учун тушунарли. Бу каби фақат сўзлашувда ишлатиладиган бирликлар бошқа нутқ услублари учун услубий лакуналар ҳисобланади. Шоир бу ўринда услубий лакунани бартараф этишда сўзлашув услубининг имкониятларидан фойдаланиш орқали ўз фикрини раво ва тушунарли ифодалашга эришган. Худди шундай ҳолни “Кеч кузак” шеърисида ҳам учратиш мумкин:

Иссиқ уйда базм қуриб,

каттаконлар *валақлар* [1, 16].

Айни шу шеърда қўлланган “хит” сўзи ҳам фақат сўзлашувда қўлланилувчи услубий лакуна ҳисобланади:

Буям кўпга келган тўй,

бирова хурсанд, бирова *хит* [1, 16].

Мазкур мисрада хит сўзи контекстуал жиҳатдан хафа, безовта, безор каби маъноларни ифодалаган. Лекин адабий тилда бу уч семани ўзида ифодалай оладиган сўз мавжуд эмас. Шу боис шоир ушбу ўринда мазкур сўздан унутли ва мақбул тарзда фойдаланган.

Лексик лакуналарнинг аксарияти лексик тизимни систем таҳлил қилиш жараёнида аниқланади. Худди шу метод орқали аниқланадиган лакуналар тизимли лакуналардир. Бундай лакуналар муайян лексемага мос келадиган антоним, синоним, гипоним, гипероним, градуоним, партоним кабиларнинг йўқлиги билан тавсифланади. Масалан, алдамоқ феълнинг антоними ўзбек тилида мавжуд эмас. Аксар ҳолларда бу лакуна рост гапирмоқ шаклида сўз бирикмаси орқали ифодланади:

Сен алда уларни,

Менга *рост гапир* [1, 9].

Маълумки, тилшуносликда антонимларни аниқлаш учун “мантикий марказ” тушунчасига мурожаат қилиниши кўп учрайди. Бунда икки қарама қарши тушунча ўртасида оралик, яъни икки тушунчанинг “ўртанча”си

бўлиши талаб қилинади. Агар бу “ўртанча” тушунча мавжуд бўлмаса, бу ҳам лексик бўшлиқ сифатида муайян лисоний камчилик сифатида реаллашади:

Тилимдан бол томмас, *аччиқ ҳам эмас* [1, 12], -

тарзидаги ахборотни беришда “тили асал” ва “тили заҳар” бўлмаган оралик тушунчани ифодаловчи сўзнинг тилда йўқлиги яққол сезилган. Ёки

Боғинг сари бордим кўройдинда,

гуркираб ўсарди *бегона ўтлар* [1, 17], -

мисрасида экин сўзининг антоними мавжуд эмаслиги боис шоир “бегона ўтлар” бирикмасини қўллайди.

Тилдаги лексик лакуналарни тўлдиришда диалектизмлардан фойдаланиш тил эгаси учун энг оммабоп ва мақбул усулдир. Чунки тил эгаси муайян шева вакили бўлгани учун у адабий тилдаги сўзлардан ташқари ўз шевасидаги сўзларнинг қандай маъноларни таший олишини жуда яхши билади. Аъзам Ўктам шеърларида ҳам бу каби ҳолатлар учрайди. Хусусан,

Танимайроқ турибман аммо,

*Янгирганга* ўхшайсиз бир оз [1, 17], - сатрларида қўлланган янгирмоқ феъли шеваларда фаол қўлланади. Адабий тилдаги эскирмоқ сўзи каби ясалган бу диалектизм кўпгина шеваларда мавжуд ва у ўқувчига осон тушунилади. Худди шу каби чип диалектизми

*Чип*-э, бўлсанг кимнинг кўппаги,

Пишт-э, кимнинг мушуги бўлсанг! [1, 36]

тарзида қўлланган. Чип сўзи итни ҳуришдан тўхтатувчи ва нари кетишга ундовчи сўз сифатида луғатларда қайд этилмаган [8, 489] бўлса-да, шеваларда фаол қўлланади.

Лекин шоир имкон қадар адабий тил нормаларига амал қилишга тиришади. Бу миллий-ижтимоий талаб тилнинг барқарорлиги ва равон тараққиёти учун ҳам муҳим. Буни англаган ижодкор гоҳида изланаётган ифода учун ўз шевасида мақбул сўз борлигини билса ҳам уни қўллашдан тийилади.

Солмаганман оғзимга талқон,

кўрқаман *одамдан кўрқишига* [1, 32], -

мисрасида шоир “одамдан кўрқиш” тушунчасини ҳаймиқмоқ тарзда бир бутун сўз (диалектизм) билан ифодаланишини билади, аммо уни қўлламайди.

Аксар ўринларда муайян тушунчани номловчи сўз тилда мавжуд бўлмаса, бу тушунча сўз бирикмаси ва изоҳлар билан ифодаланади:

*Баҳор ҳавосига ўхшар* ҳаётим,

Гул деб тикон босдим,

Кул деганим чўғ [1, 6].

Ўзгарувчанлик, ёқимли-ёқимсизликнинг қоришуви, кутилмаган хусусиятларга эгалик тушунчаларини ифодаловчи сўз тилимизда йўқ. Шу боис мазкур белги (тушунча) юқоридаги мисрада “баҳор ҳавосига ўхша” тилмоқда ва шу тарзда шоир лексик лақунани ўхшатиш орқали изоҳламоқда. Яна бир мисол:

Маккажўхорилар бир майдон аёл –

Йўргакланган бола қучоқлаб,

*Шукр намозига сафланган* [1, 43], -

мисраларида дала маликаси “шукр намозига сафланган аёл”га ўхшатилмоқда. Шеърда борлиқдаги мавжудотлар ва экинлар ибодат қилаётган тарзда тасвирланади. Маълумки, аёлларнинг масжидда (ёки бирор жойда) тўпланиб намоз ўқиши ноодатий. Шу боис шоир уларни “шукр намозига сафланган” тарзда тасвирлайди. Тилда бу каби мотивлашган лақуналар номантиқий тушунчаларнинг номланмаганидан шаклланади [3, 217].

Бадий асарлар тилнинг яшаши ва ривожланишига хизмат қилади [4, 62]. Шунинг баробарида у муайян тилнинг ифода имкониятларини, сўз бойлигини, халқнинг лисоний маданиятини ўзида акс эттиради. Шунингдек, бадий яратикларда тилнинг чекланган имкониятлари, ифодаланмаган тушунчалар – лақуналар борлиги, лисоний бўшлиқларнинг мавжудлиги сезилади. Бу эса тилшунос олимлардан мазкур камчиликларни бартараф

килиш учун бадий асарлар тил хусусиятларини чуқур тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Аъзам Ўктам шеърлари лексикасини ўрганиб, унда лексик лақуналарни бартараф этиш усуллари ўзига хос эканлигини англаш мумкин. Шоир адабий тил лексиконида мавжуд бўлмаган сўзларни сўз бирикмалари, изоҳлар орқали ифодалашга ҳаракат қилган. Шунингдек, айрим ўринларда лақуналарни сўзлашувда фаол қўлланилувчи диалектизмлар ва сленглар билан тўлдиришга интиланган. Бу эса шеърларнинг ўқувчи томонидан осон тушунилишини таъминлашга хизмат қилган.

**Адабиётлар:**

1. Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999.
2. Бегматов Э. Адабий норма назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Быкова Г.В. Лақунарность как категория лексической системологии. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2003. С.201
4. Решетов В., Шоабдурахмонов Ш., Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 1962.
5. Совет даври ўзбек адабий тилининг тараққиёти III том. – Тошкент, 1991.
6. Усмонов О. Нутқ маданиятининг баъзи масалалари / Нутқ маданиятига оид масалалар тўплами. – Тошкент, 1973, 59-бет.
7. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва халқ шевалари. – Тошкент. 1960.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2020. 606 - бет.

**Muxlisa JALILOVA**

**Samarqand davlat universiteti 2-bosqich talabasi.**

**Ilmiy rahbar: Islamova D.A.**

**A'ZAM O'KTAM IJODINING TIL XUSUSIYATLARI**

**Annotatsiya**

Мақоллада шoir А'zam О'ktamning тил birliklaridan foydalanish mahorati tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** lirik qahramon, poetik dunyo, tazod, musiqiylik, tasavvuf, sufiylik.

Insoniy dard bilan yo'g'rilgan she'riyat yuqumli va ta'sirchan bo'ladi. Chunki insonning qalbi kulgidan emas, dard va iztirobdan poklanadi. O'zbek she'riyatida o'zining ohangiga ega shoirlar va yozuvchilar bisyordir. Shular qatorida, nazm saroyida o'z taxti va o'rniga ega, xalqimizning sevimli shoirlaridan biri A'zam O'ktamdir. Shoir she'rlarida dardchillik, soddalik va shoirning o'ziga xos qiyofasi bor. Quyidagi she'rlari o'ziga xos ta'sirchanligi bilan ajralib turadi.

Yo'l aniq, qaytish yo'q.

Men ketdim endi.

Kechgan narsam-jonni o'ylamam hecham.

Bitta maydon kerak-kurashgim keldi:

To'shakda yotgulik qilmasin o'lim! [1, 131]

Haqiqatan ham, shoirning "Taraddud" nomli ushbu she'rida, biz yuqorida ta'kidlangan mantiqni, lirik qahramon ruhiyatidagi dardchillikni chuqur his qilamiz. Ijodkor poetik dunyosini dunyoqarashidan ayro holda tasavvur qilish qiyin. Sababi har bir ijod ahlining o'y-xayollari, umuman qarashlari uning poetik dunyosi bilan chambarchas bog'liq. Va bu holat shoir yoki yozuvchining asarlariga bevosita ta'sir qiladi. A'zam O'ktam tabiatiga xos rostgo'ylik, qat'iyat, shijoat, iymon-e'tiqodlilik, insoniylik kabi xususiyatlar uning she'rlarida ham o'z aksini topmay qolmagan.

Tog'lar some' bo'lib o'tirishar jim,

Takbir aytgan chog'i guldurab samo.

U yanglig' munojot qila olur kim,

Yomg'ir bu pichirlab qilingan duo [1, 175]

Ibodot turlaridan biri duo sanaladi. Inson hayotdagi hodisalar qarshisida ojiz qolganda o'ziga duodan boshqa suyanchiq topa olmaydi. Shoir o'zining "Ibodat" nomli she'rida yomg'irni pichirlab qilingan duoga qiyos etadi. Oddiy tabiat hodisasi bilan shoir go'zal o'xshatishni qo'llaydi. Shoir she'rda some', takbir, munojot, duo, kabi bir uyaga mansub so'zlardan foydalanganligi she'rning ohangdorligi va jozibadorligini ta'minlagan. Ma'lumki, insonni yomon illatlardan

forig' bo'lishiga da'vat etish insoniy yo'lga yo'llashdir. Ijodkorning "So'roq" nomli she'rida lirik qahramon bevosita insonlardan so'raydi:

Talpinding, yig'lading – yelding dunyoga,  
So'ylagil, sen nechun kelding dunyoga,  
Buzildi, ayt, nima qilding dunyoga,  
O'zingni kim deya bilding dunyoga? [1, 143]

Ma'lumki, islomda insonni ruhiy va axloqiy jihatdan komillik sari yo'llovchi ta'limot bu – tasavvuf, sufiylik. Tasavvuf yo'lida ijod qilgan ajdodlarimiz o'z asarlarida ko'pincha, bu dunyoning bebaqoligiga, hech kimga vafo qilmaganligi va o'tkinchiligiga ko'p urg'u bergan.

A'zam O'ktam ham insonlardan bu dunyoga nima uchun kelganliklari, dunyo uchun nima qilganliklari, dunyoda o'zlarini kim deb bilib, qanday o'rinda ekanliklari haqida savol qo'yar ekan, insonlarning tutgan ishidan hayron bo'ladi. So'rash asnosida, o'zi bunga javob ham keltiradi:

Tilingni tiymaysan-besharm so'ylar,  
Ko'zingni tiymaysan-buzuqqa bo'ylar,  
O'zingni tiymaysan-nelarni o'ylar,  
Hech jazo yo'qmikan bunday zinoga? [1, 143]

Ma'lumki, Qur'onda bu dunyo hayoti kishilarning imtihon joyi, deb ta'riflanadi. Ya'ni bu dunyo hayoti oxirat saodatiga erishish uchun vositadir. Tilni, ko'zni, o'zni tiymay turib saodatga erishish mumkin emas. Zinoga yo'l qo'yadigan darajadagi nopok ishlarning, albatta bu dunyoda ham u dunyoda ham javobi muqarrardir. Shoir buni ritorik so'roq gap orqali yana bir bor ta'kidlab o'tgan va javobga o'rin ham qoldirmagan.

Shoirning "Qanoat" nomli she'rida azaliy va abadiy mavzu – muhabbat mavzusi yetakchilik qiladi. Umuman shoir aksariyat she'rlarida, insonni ma'rifatga, yaxshilikka, yomonlikdan qaytarishga, sabr, chidam va bardoshga da'vat etadi.

Tanladim sal og'irroq yo'lni,  
Sal yengilroq jon berayin deb.

Yoki:

Olg'a qarab yurganim sayin

Yil yiqilar yilning ustiga.

Mazkur she'rda bu dunyo o'tkinchiligi, og'ir va mashaqqatli, halol yo'lni tanlab, u dunyoda saodatga erishish mumkinligi haqida faylasufona fikrlarni keltirib, bu dunyoda faqat insondan yaxshilik va qilgan savobli amallarigina qolishini go'zal satrlar orqali ifoda etgan. Bundan tashqari shoir o'ziga xos she'riy uslubga ega va uning ijodida hech kimnikiga o'xshamagan tashbeh-u istioralar bisyor. Masalan, tandirni yuvosh duogo'y kampirga, teraklarni saf tortgan yigitlarga, makkajo'xorini bir maydon ayollarga yoki polizni sajdadan bosh ko'tarmaydigan holatda qiyoslanishi, shoir she'rlarining musiqiyliigi va xalqonaligini, ravonligini ta'minlagan.

Tund yel esar, barglar sariq,

Yoz o'tmayin kelmoqda kuz.

O'tdi qurmoq davri, endi

Qalbdin kibr qasrini buz.

She'rda tazod san'atidan unumli foydalangan. Birinchi misrada yoz-kuz, ikkinchi misrada qurmoq-buzmoq fe'llari tazodning yorqin namunasi. Ushbu she'riy san'atdan foydalanish orqali ijodkor tinglovchiga bermoqchi bo'lgan fikrni tez va oson yetkazgan.

Xulosa qiladigan bo'lsak, shoir she'rlarida bu dunyoda oz yashagan bo'lsa-da o'zining "men" ini o'z asarlariga singdira oldi. Va bu orqali ham o'zining, ham asarlarining umrboqiyiligini ta'minlaydi. Shoir o'lmagan, uning so'zi tirik, demakki ruhi tirik. A'zam O'ktam bu yil oltmishga to'ldi. Hali u uzoq umrlarni ko'rajak. O'zi aytganidek, "o'ynab, kulib yuzga", undan ham ko'pga, qo'yingki, mingga to'lajak!

Adabiyotlar:

1. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2019. – Б 467.

2. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадийий стиль. Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.

3.Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Иккинчи жилд – Тошкент, 2006. – 462 б.

4.Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985, – 168 б.

**Zilola PO‘LATOVA**

**Samarqand davlat universiteti 3-bosqich talabasi.**

**Ilmiy rahbar: Islamova D.A.**

## **A’ZAM O’KTAM IJODIDA OKKAZIONALIZMLAR**

### **Annotatsiya**

Mazkur maqolada shoir A’zam O’ktamning okkazionalizmlardan foydalanish mahorati tahlilga tortilgan.

**Kalit so‘zlar:** badiiy mahorat, she’r, ma’no, okkazionalizm, sema.

A’zam O’ktam she’rlari tilining rang-barangligi, mahoratining yuksakligi, so‘z qo‘llash san’atining betakrorligi bilan boshqa ijodkorlar orasida alohida e’tiborga sazovordir. She’rlaridagi yangilik, bo‘yoqdorlik o‘quvchi diqqatini jalb etadi. Shundan bo‘lsa kerak, she’rlarini o‘qiganda, avvalo, uning ifoda shakli xususida so‘ngra ma’nosi haqida o‘ylashga majbur bo‘lamiz. Bunda she’rning ta’siri yanada kuchayadi. Shuning uchun biz bu maqolamizda shoir ijodidagi okkazionalizmlarga to‘xtalmoqchimiz.

Okkazionalizm – mahsuldor bo‘lmagan model asosida yasalgan va faqat shu nutqiy matnning o‘zida qo‘llanilgan so‘z, individual-uslubiy neologizm [4, 70]. Ya’ni, biror tushunchani o‘ziga xos tarzda yangidan va ko‘p holda ta’sirchan ifodalash ehtiyoji bilan yaratiladi. U har bir ijodkorning o‘zigagina taalluqli bo‘ladi. Boshqalar ijodida uchramaydigan o‘zgachalikdir. Masalan, A’zam O’ktamning “Kuzda kulgan chechaklar” deb nomlangan to‘plam nomiga e’tibor



qilsak, *kulgan* so'zi e'tiborimizni tortmay qolmaydi. Odatda kuz fasli xazonrezgilik, bobo-dehqonlarimiz hosilini yig'ishtirish, umuman olganda yil bo'yi qilingan mehnatlarning sarhisob fasli sanaladi. Shoir ijodida esa kuzda kulgan chechaklar nomi ostida biz ayni ijodning boshlanishi, rivojlanishi, ravnaq topishi kabi okkazional ma'nolarni sezishimiz mumkin. Bu esa shoirning borliqqa o'zi istagan tomondan qarashi, shaxsiy mulohazasi ichki kechinmalarining bosh omili ekanligini ko'rsatadi.

Shoirning "*Onamga*" she'ridan olingan quyidagi baytiga e'tibor qilsak:

She'rsiz – bedard kunlar bisyor bunchalar

Shodumon kunlarim ortiq ko'paydi.

Ilhom meni sernoz malikalardek

"Fuqaro, fuqaro, fu, qaro!" deydi [1, 20].

Bunda "*she'rsiz kunlar*" "*bedard kunlar*"ga o'xshatilyapti. Bu o'rinda tasvir va tavsif, o'xshatish, qiyoslash, vazifasi birinchi o'ringa qo'yiladi. Bayt so'ngidagi fuqaro leksemasini ham *fu, qaro* tarzida qo'llash faqatgina A'zam O'ktam ijodiga xosdir. Shu birgina okkazionalizmida qancha e'tibor va chin haqiqat jamlanganini his qilish mumkin.

Muhabbatning dilbandi bo'lsang,

Gunohlarga botish ham qiyin.

Qora qishda muzlarni yorib,

Yalangoyoq so'z tutgan bola [1, 31].

"Maktub" she'ridan olingan ushbu baytdagi *qora qish* birligi e'tiborimizni tortdi. Haqiqatdan ham, qish qoradir. Sutkaning ko'p qismi qorong'ulik bilan chulg'angan. Ijodkor voqelikni o'ziga xos usulda tasvirlash bilan umumiy mazmunga ham e'tibor qaratadi. Bunday okkazional birliklar so'zning badiiy-estetik bo'lishini ta'minlaydi va o'zi mansub matnga badiiylik bo'yog'ini baxsh etib, kommunikativ vazifa bajaradi. Badiiy nutqda okkazionalizmlarni muayyan badiiy-estetik vazifa bajarishi ularning tabiati, mohiyatidan kelib chiqadi.

Kesmadi egilgan boshni

Oro kirib qoldi

Uning joniga

G'ilofdagi qilich – andisha [1, 32]

Andishani bundan ortiq go'zal tasviri bo'lmasa kerak. Yaxshi she'rgina shoirni abadiylikka muhrlay oladi. Shoir ijodi shunday samimiyki, xalq jonli tiliga, yurakdagi gaplarga yaqinligini tan olmay ilojimiz yo'q.

Judayam g'alati ahvoldaman men:

Go'yo turar joyin paqqos unutgan [1, 33]

Biz paqqos so'zini uzual tarzda tushirdi so'zi bilan yonma-yon qo'llaymiz. Ya'ni Nizomiddin lagandagi oshning qolganini paqqos tushirdi, tarzida. Paqqos so'zidagi ma'no, mazmun qaysikim, bus-butun, qoldiqsiz, qoldirmay, butunlay, tamomila semalari unutgan so'zi bilan birlashishiga imkon bersada, iste'mol doirasining torligi o'ziga xos badiiylikka sabab bo'lmoqda.

Men bearmon kutardim

Orzuyim kulsa edi.

Bodomdek qabog'ingiz

Tobutim bo'lsa edi.

Bulbullar go'yandalik

Qilsalar edi menga

Yuragingiz sham bo'lib,

Yonsaydi xotiramga [1, 35].

Baytni o'qir ekanmiz yozuvchi ijodidagi takrorlanmas badiiylik, iztirobli, hisli ifoda usulini tuyasan kishi. Lirik qahramon qalbida ulkan dard yashiringan. U shunday dardki, qabog'i tobuti bo'lishiga, xotirasida bir umr saqlashlikka rozi.

Odatda she'riyat dunyosi bilan shoir dunyoqarashi belgilanadi. Ushbu she'rda fikr va his-tuyg'uning uyg'unligini ko'rish mumkin. Ijodkor o'z botiniy qiyofasini, ma'naviy dunyosini, toza qalbini ifodalay olgan.

Xulosa qilib shuni aytmoqchimizki, nutqimizda favqulodda turli ma'nolar hosil qiluvchi leksik birliklar uchrab turadi. Ayniqsa, A'zam O'ktam ijodida bunday hodisalarni ko'plab uchratish mumkin. Tildagi bunday hodisalarni

okkazionalizmlar sifatida baholash hamda ularning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash o'zbek tili va nutq imkoniyatlarining yangi qirralari kashf etilishiga sabab bo'ladi. Shoir birgina urg'u, nuqta, ohang, bo'g'in bo'linishi yangi ma'nolar kasb etishidan unumli foydalangan holda she'riyat dunyosiga o'z so'zlarini qoldirib ketgan. Chin shoirlar, bizningcha, birorta adabiyotshunos tomonidan aytilmagan, faqat shoirlargina ilg'ab oladigan o'z so'zi bo'lishi lozim.

**Adabiyotlar:**

1. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – Б 467.
2. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадийий стиль. Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Иккинчи жилд – Тошкент, 2006. – 462 б.
4. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985, – 168 б.

**Chamangul SAYDAZZAMOVA**

**Samarqand davlat universiteti 2-bosqich talabasi.**

**Ilmiy rahbar: Islamova D.A.**

**A'ZAM O'KTAMNING TIL BIRLIKLARIDAN FOYDALANISH  
MAHORATI**

**Annotatsiya**

Mazkur maqolada shoir A'zam O'ktamning til birliklaridan foydalanish mahorati tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** uslub, she'r, mahorat, badiiylik, takror, o'xshatishlar.

Shoir A'zam O'ktam she'rlari o'zining bir qator jihatlari: uslubining o'zgachaligi, novatorlikka boyligi, poetik tasvir vositalari, shoir tilining o'ziga xosligi bilan ajralib turadi. A'zam O'ktam she'rlari o'quvchida estetik zavq uyg'otadi. "Shoirlik iste'dodining yana bir muhim qirrasini shundaki, shoir so'z

sehrini mukammal egallagan, uning barcha sir-u asroridan xabardor odam. Men bu o'rinda shoir leksikasining boyligi, xalq tilidan yaxshi foydalanishi, so'zlarni o'z o'rnida ishlatishi, til qonunlariga rioya qilish kabi narsalarni ko'zda tutayotganim yo'q. Albatta, badiiy ijodda bular ham g'oyat muhim ahamiyatga ega, lekin bundan ham muhimroq gap bor. Shoir so'z orqali kitobxonga shunchaki biror fikrni yetkazib qo'ya qolmaydi, balki uning jamiki nafisligini, jamiki go'zalligini namoyish etadi. Shoirning sehr-u jodusi tufayli So'z favqulodda qudrat kasb etadi va shu qudrati bilan qalbimizni sim-sim eritadi, ruhimizga yengillik baxsh etib, nurga chulg'aydi, yuragimizning pinhona torlariga urilib, unda ajib ohanglar to'kadi..." [5, 58-62]. Adabiyotshunos olim Ozod Sharafiddinovning yuqoridagi fikrlari shoir A'zam O'ktam ijodida yanada o'z tasdig'ini topgan deyish mumkin. Haqiqatdan ham, shoir A'zam O'ktam tilimizdagi oddiy, xalqona so'zlardan ham o'z she'rlarida unumli foydalanadi, so'z o'yinlari yaratadi.

Shoirning bir qator she'rlarida yangidan yangi tashbehlarni, o'xshatishlarni uchratish mumkin. Shoir o'zining "Qaytish" nomli she'rida kechinmalarini, taassurotlarini obrazli tarzda ifodalaydi.

Enam o'xshab qoldi bolaga.

Nuqul o'ylar qabrini.

Qabrini o'ylar enam –

To'yi yaqin qolgan kelinchak,

Bo'lg'usi uyini qandoq bezatish,  
yasatishni o'ylab entikkan kabi... [1, 9].

Shoir o'z onasi holatini obrazli tarzda she'riy misralarda bayon etgan. She'rdagi o'xshatish bilan bir qatorda zidlikni ham kuzatish mumkin. Quyidagi misralarda ham go'zal o'xshatishlarning guvohi bo'lamiz:

Sen – sog'inch,

Men – o'tinch,

qaydasan, Qo'shiq?

Visol – quyosh,

baxt – quyosh,

qalblar – darchalar.

Armon – qora bulut qoplar osmonim:

Mening darcham quyoshga qurilgandir [1, 37].

Shoir yerda visol va baxtni misoli quyoshga, qalblarni darchaga, armonni esa qora bulutga o'xshatadi. Shoirona o'xshatishlar davomida o'zining qalb darchasi quyoshga, ya'ni visolga teskari ekanligini ajoyib tarzda ifodalaydi.

Shuningdek, A'zam O'ktam she'rlarida ayrim so'zlarni, ba'zan esa tovushlarni ham takror kelishi natijasida ohangdorlikka erishganligini ko'rish mumkin. Bu esa she'rni ta'sirchan bo'lishiga, bir qo'shiqday o'qilishiga xizmat qilgan. Masalan,

Kelmading, kelmading, kelmading,

Holimni bilmading, bilmading.

Kun ketdi -

mung ketdi,

un ketdi.

Gullarni tikonlar avraganida

dillarni shaytonlar avraganida,

to'tilar bulbulning ustidan kuldi,

baqalar tovusning patini yuldi:

Kun ketdi

mung ketdi,

un ketdi [1, 42-43].

She'rning dastlabki misralarida shoir kelmading so'zini uch marta takrorlash orqali o'z fikrlarini yanada kuchaytirishga erishgan. Keyingi misralarda esa nafaqat so'zlar bir-biriga qofiyadosh bo'lib kelgan, balki ohangdosh, bir xil qolipda qo'llanilgan: gullarni - dillarni, tikonlar - shaytonlar, avraganda - avraganda; to'tilar - baqalar, bulbulning - tovusning, kuldi - yuldi; kun ketdi - mung ketdi - un ketdi. Bu yerda shoirning mahorati shundaki, she'rdagi har bir so'z xuddi marjon kabi bitta ipga terilgandek taassurot uyg'otadi. Bu esa she'rning

musiqiyli va ta'sirchanligini ta'minlab bergan. Shoirning yana bir she'rida ham so'zlarning ohangdoshlikka, vazndoshlikka erishilganligini ko'rish mumkin:

Seni suysalar ham, suymasalar ham.  
Seni deb kuysalar, kuymasalar ham.  
Dilingni bilsalar, bilmasalar-da,  
Tilingni bilsalar, bilmasalar-da.  
Imkon bera bilding yayrab yurishga,  
Va bunda bearmon davron surishga.  
Qanday dilbandlaring bor edi, eh-he,  
Yovqur farzandlaring bor edi, eh-he [1, 9-10].

Mazkur she'rida so'zlarni bir maromda takrorlash orqali o'ziga xos ritmga va ohangdorlikka erishgan. Shu bilan birga takror ishlatilgan so'zlar she'rning emotsional-ekspressivligini ham ta'minlab bergan. A'zam O'ktamning 1989-yilda yozilgan "Yaxshiyam" deb nomlanuvchi she'rini esa anaforik ritmning yorqin namunasi deyish mumkin:

Yaxshiyam, bilaman yetti pushtimni,  
Yaxshiyam, tug'ildim ota yurtimda.  
Yaxshiyam, bolalar sen deb gapirmas,  
Yaxshiyam, rafiqam ko'tarmas qadah.  
Yaxshiyam, so'z o'ynab topmasman boylik,  
Yaxshiyam, bilaman halol mehnatni.  
Yaxshiyam, bir kuni o'lasam, do'stlarim  
Karnay-surnay chalib, ichishmas aroq.

Mazkur she'r sakkiz misradan iborat bo'lib, yaxshiyam so'zi har misraning boshida takroriy qo'llanadi. She'riy misralardagi takror bir tomondan ritmik ohangdorlikni ta'minlagan bo'lsa, boshqa tomondan shoir ifodalamoqchi bo'lgan fikr va g'oyani, shoirning ichki kechinmalarini yanada yorqinroq va aniqroq ifodalashga xizmat qilgan. Quyidagi she'rda esa birgina yetti so'zi butun bir misralarni boshqarib keladi:

Yetti qavat osmon ostida turdim

Jigarim deb yetti og'a-inini  
Rosa yetti kunlik yo'l yurib ko'rdim  
Sohir kamalakning yetti rangini [1, 40].

Xulosa qiladigan bo'lsak, shoir A'zam O'ktam o'z she'rlarida tilimizdagi oddiy, xalqona so'zlardan ham mahorat bilan foydalanib, yangicha ma'nolar, yangicha topilmalar yasaydi. Shuningdek, kishiga estetik zavq beruvchi she'rlar yaratadi.

**Adabiyotlar:**

1. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – Б 467.
2. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадийий стиль. Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Иккинчи жилд – Тошкент, 2006. – 462 б.
4. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985, – 168 б.
5. Sharafiddinov O. She'r ko'p, ammo shoir-chi? // "Yoshlik" jurnali. – Toshkent: 1983. № 3. 58-62-b

**Marjona TOSHEVA**

**Samarqand davlat universiteti 3-bosqich talabasi.**

**Ilmiy rahbar: Islamova D.A.**

**A'ZAM O'KTAMNING BADIY MAHORATI**

**(“Onamga” she'ri misolida)**

**Annotatsiya**

Mazkur maqolada shoir A'zam O'ktamning she'riy san'atlardan foydalanish mahorati “Onamga” she'ri misolida tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** emotsional-ekspressivlik, ma'no ko'chishi, metafora, sinekdoxa, kinoya.

Iste'dodli shoir A'zam O'ktamning "Onamga" she'ri dunyoning eng mo'jizakor, jannati insoni hisoblanmish ona haqida bo'lsa-da, uning zamirida inson his-tuyg'ulari, sezgi-muhabbat, dunyoning o'tkinchiligi, yetimlik, ona mehrining qadri, hayotning achchiq haqiqati haqida o'ziga xos tushunchalar, shaxsiy qarashlar mavjudligi bilan boshqa she'rlardan ajralib turadi.

Shoir bu she'rda ma'no ko'chishining bir nechta turlaridan o'ziga xos va poetik nutq talabiga mos tarzda foydalanib, asarning emotsional-ekspressivligini, estetik qimmatini oshirishga erishgan. Hosila sema bir necha yo'l bilan vujudga keladi: metafora, metonimiya, sinekdoxa va vazifadoshlik kabi. Hosila ma'no to'g'ri, bosh ma'no asosida paydo bo'ladi [4, 108].

A'zam O'ktamning mazkur she'riga nazar soladigan bo'lsak, nomning o'ziyoq she'rxonni o'ziga jalb qiladi. Shuningdek, she'rda chiroyli badiiy bo'yoqlardan tashqari bir necha mavzu tushunchalarini qamrab olinganligi ham e'tiborga loyiqdir. She'rda ona, ona mehri mavzusi bilan birga hissiy tuyg'u kechinmalar, urush vahshati, kelajakka umid kabi mavzular ham qisman yoritib berilgan desak mubolag'a bo'lmaydi. Ushbu she'rda ko'plab ma'no ko'chish turlaridan foydalanilgan. Buni misralar tahlilida ko'rib chiqamiz. Quyidagi misralarga e'tibor bering:

Yig'iga o'xshagan tabassum bilan

Yana qoshingizga qaytmoqdadirman.

Shoir og'ir ichki kechinmani tasvirlagandek tuyuladi. Sababi shoir tabassumni "yig'i"ga o'xshatadi. Xalq orasida "ko'zi kulsa ham, ichidan zil ketdi" yoki "ko'zi kulsa ham yuragi yig'laydi" degan frazemalarga ko'p ro'baro' kelgansiz. Shoir birgina metafora usulidan foydalanib "tabassum"ni "yig'i"ga o'xshatib yuqoridagi frazeologizmlardagi ma'noni ifodalagan nazarimda.

Bundan tashqari bu baytda shoir "qoshiga qaytmoq" (qish orqali butun bir inson, aynan ushbu she'rda ona nazarda tutilmoqda) iborasi orqali ma'no ko'chishning "sinekdoxa" usulidan ham foydalanilgan holda go'zal jumla yaratgan.



Quyidagi misraga e'tibor qiladigan bo'lsak, shoir nega birinchi misrada tabassumni yig'iga o'xshatganiligining bir "uchi" chiqqandek bo'ladi.

Men osmondan yerga tushib qolganman,

Do'stlar xiyonati boshimni egib,

Bu baytda shoir metaforaning ajoyib namunasini ko'rsatib bergan. Siz-u bizga ma'lum bo'lgan inson tanasining qismi bo'lmish "bosh"ni xiyonat egdi, aynan, do'stlarining xiyonati. Shoir "bosh egdi" iborasi orqali insonning qalban, ruhan qiynalishini aytmoqchi bo'lgandek tuyuladi.

Navbatdagi misra she'rxonni biroz o'yga toldiradi:

"Fuqaro, fuqaro, fu, qaro" deydi.

Ko'rinadiki, ushbu misra haqiqatdan mantiqiydir. Shoir ushbu misrada "fuqaro, fuqaro, fu, qaro" jumalasi bilan ma'no ko'chishning kinoya usulidan foydalangan. Aslida "fuqaro" so'zi arabcha so'zdan olingan bo'lib "faqir" degan ma'noni anglatadi, shoir "fu, qaro" jumlasini orqali qul, bandi shaxsga ishora qilgandek bo'ladi.

Navbatdagi misrada shoir A'zam O'ktam urush mavzusiga to'xtaladi. Shoir ushbu birgina baytda urushning vayronagarchiliklarini, ko'plab ayriliqqa sabab bo'lganligini yoritib berishga harakat qiladi. Shoir metafora asosida yaratgan "urush o'chog'ining nafsi" jumlasini orqali urushning ko'plab yoqotishlarga sabab bo'lganligini ko'rsatib bergan.

Hanuz to'qnash kelar yetimlar, tullar.

Urush o'chog'ining nafsi yomondir

Quyidagi misraga e'tibor bersak, go'yoki, shoir bu misrada kashfiyot qilgandek tuyuladi. Sababi moviy atamasi osmonga nisbatan ishlatilishi hammamizga ma'lum, lekin shoir moviy atamasini kelajakka nisbatan ishlatib, moviy kelajak birikmasini hosil qiladi. Shoir ma'no ko'chishning metafora usulidan foydalanib dilga yaqin baytni yaratadi.

Bir qalbdan ishq bo'lib, saodat bo'lib.

Moviy kelajakka bormaslik darkor,

Navbatdagi misrada esa shoir ma'no ko'chishning kinoya turidan foydalanib, ajoyib jumla tuzadi. Shoir “qoraxat” jumlasini ishlatib, kishini o'yga toldiradi. O'ylab ko'ring ezgulikning qoraxati bo'lishi mumkinmi? Albatta yo'q, shoir bu jumlaning ko'chma ma'noda ishlatgan:

Ezgulikdan mash'um “qoraxat” bo'lib,  
Manzirim olisdir, menga yo'l tilang.

Xulosa qiladigan bo'lsak, shoir she'r nomini “Onamga” deb nomlaydi-yu, she'rda biror marta ham ona so'zini ishlatmaydi, lekin qalban u bilan sirlashadi. She'rda ko'plab ma'no ko'chish turlarini o'ziga xos shaklda qo'llaydi. Bir so'z bilan aytganda ma'no ko'chish usullarini shoir she'ridagi kalit desak ham mubolag'a bo'lmaydi.

**Adabiyotlar:**

1. Аъзам Ўктам. Шеърлар ва таржималар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2019. – Б 467.
2. Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. Тошкент: Фан, 1988. – 208 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, беш жилдли. Иккинчи жилд – Тошкент, 2006. – 462 б.
4. Сайфуллаева Р ва бошқалар. Замонавий ўзбек тили. Морфология. Тошкент: Ўқитувчи, 2008. 441-б.

**3-ШЎБА**  
**АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИННОВАЦИОН**  
**МЕТОДЛАРИ**

---

**Шухрат ГОХТАСИМОВ,**  
Ўзбекистон давлат хореография  
академияси ректори  
**Пўлат ТАШКЕНБАЕВ,**  
ЎзДХА “Санъат назарияси ва тарихи”  
кафедраси мудири, с. ф.н.  
**Матлуба МУРОДОВА**  
ЎзДХА “Ўзбек тили ва адабиёти”  
кафедраси мудири, ф.ф.н.

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА САНЪАТ ТЕРМИНЛАРИ**

**Аннотация**

Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ва таниқли шоир Аъзам Ўктам шеъриятидаги санъатга оид терминлар қиёсий тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** Қўшиқ, куй, хофиз, “Наво”, миллий ўзлик, машшоқ, “Ҳайдалиш куйи”,

Адабиёт ҳамма замонларда ҳам жамиятда мавжуд энг оғрик нуқталарнинг ечимини топишга, уларни сўз мўъзижаси воситасида бадий акс эттиришга ҳаракат қилади, ҳар қандай даврда жамият дунёқарашидан бир мунча юқорида туради. Ўзбекистон халқ шоири, серқирра истеъдод

соҳиби Анвар Обиджон шеърятининг кўлами ниҳоятда кенг, чуқур фалсафий мазмун билан йўғрилган, гўзал бадиият билан сайқалланган шеърларининг мавзулари ранг – баранг. ижодида санъат мавзусининг ёритилиши хусусида. Шоирнинг “Очилхон ҳофиз кўшиғи”, “Турғун Алимат”, “Гирей хоним”, “Бу кўчалар”, “Анор Назаров”, “Ёш кўшиқчи”, “Бўка яйловларида”, “Топишмоқ”, “Эски сахна”, “Қизиқчи”, “Муסיқа дарси” каби шеърларида санъатга муносабат орқали ҳаётга ва инсониятга чексиз муҳаббат ифодаланган. Замонавий таълим – тарбияда ёшларни ватанпарвар, элпарвар, эзгулик ва нафосатга ошно қилиб тарбиялашда маънавий тарихий илдизларимизнинг бошқа манбалари каби санъатнинг таъсири муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг “Очилхон ҳофиз кўшиғи” шеъри таниқли ҳофиз Маҳмуджон Тожибоевга бағишланган. Унда “Ўрганиш бизларга жоиз, ўргатиш жоиз эмас, Не сабаб ҳофиз яралгай, - билмаган ҳофиз эмас”, деган сатрлар бор. Мумтоз санъатимиз дурдоналарини ўрганиш ва уларни зиён захматсиз ёшларга ўргатиш ҳамма замонларда ҳам муҳим ҳисобланган. Шоир тўғри таъкидлаганидек, ҳақиқий ҳофизликнинг юки ва масъулияти ниҳоятда улуғ. Уни ўрганиш ҳам ўргатиш ҳам осон эмас. Шунингдек, “Турғун Алимат”, “Анор Назаров”, “Ёш кўшиқчи”, “Бўка яйловларида” каби шеърлари ҳам ёшларга уларни юксакларга интиштирувчи эстетик завқ бериш билан бирга, ўзига хос таълимий, тарбиявий моҳияти билан ажралиб туради. Энг аввало уларда она Ватанга, унинг тарихи ва санъатига бўлган чексиз муҳаббат тараннум этилади. Ҳаёт учун натижа муҳим, адабиёт ва санъат учун эса жараён.

Ҳақиқий шеърят инсонни ҳамиша тафаккурга, теран мушоҳадага ундайди. Шеърят олами етти рангни етмиш рангдек бизнинг кўз ўнгимизда намоён қилади. Сўз санъати муסיқа ва рақс санъати билан уйғунлашганда чинакам мўъжиза яратилади. Ижтимоий онг тараққиётининг турли босқичларида ҳодисаларга ёндашиш тамойиллари ўзгариб, такомиллашиб боришини бадий адабиётда, айнан таниқли шоир Аъзам Ўктам

асарларида кузатишимиз ва тадқиқ қилишимиз янги инновацион ғояларга асос бўлиши аниқ. Унинг Ўзбекистон халқ ҳофиз Шерали Жўраевнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи “Бола дунёни тебратар” насрий асари, “Қўшиқ”, “Сен – соғинч...”, “Мамажон ҳофиз”, “Ўйин”, “Булутлар ўз ишин қилдилар охир...” деб бошланувчи шеърлари адабиётимиз хазинасига асл дурдона бўлиб қўшилди.

Дарҳақиқат, сўз ва мусика йўли ўзига хос зиддиятларга тўла, қанча қаршилиқлар бўлсада, асрлар синовига бардош берган муҳташам ва қадрли йўлдир. Дили тўла дард шоир буюк санъаткор Мамажон ҳофиз сиймосида ўзбек халқининг мусикага вобаста дардлари ва армонларини, йўқотишларини кўради:

Мен бу ноғорани чертмасман асло,  
юрак қатларини очарман бир-бир.  
Хирқираган овоз, кекса қалб билан  
ишқ ҳақида куйлаш осонмас ахир

Агар бизнинг ёшларимиз Мамажон ҳофиз каби санъатимиз фидойиларининг қалб ингроқларини англаса, демак миллатимиз, қадим маданиятимиз номига доғ туширмайди. Шоир айтганидек, “Қайда куй бўлмаса, турналар шунда, хаёллар – турналар учар ёшликка”. Турналарнинг кўшиғига ўхшаш ҳақиқий, жонли куйнинг яралиши туғма истеъдод дегани, уни билиш ва англаш йўли битта – у ҳам бўлса ўқиш ва изланишдир.

Очиғини айтишимиз керак, яқин йилларда ҳам бизнинг дostonлар ва мақомга муносабатимиз ҳам, улар ҳақидаги билимларимиз ҳам ҳаминқадар эди. Кейинги йилларда олам аҳлини ҳайратга солиб, бизнинг қалбимиздаги ифтихор туйғуларини аланга олдириб, Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев мақом ва бахшичилик санъатига алоҳида эътибор бердилар, Шаҳрисабзда мақом, Термизда бахшичилик санъати бўйича халқаро фестиваллар ўтказилди. Келаси йил Хоразмда халқаро “Лазги” фестивали ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Булар биз учун ҳам фахр, ҳам масъулиятдир. Бизнинг рақс, мақом ва бахшичилик санъатимизнинг

илдизлари ниҳоятда қадимий, бу кўхна ва қадимий йўлда не – не буюкларнинг излари, рухлари ва сўзлари қолган. Биз уларни ўрганишимиз, буюк меросимизни асрашимиз шарт.

Ҳиссиёт инсон руҳиятига ҳамма нарсдан кўра қаттиқроқ ва кучлироқ таъсир ўтказади. Аъзам Ўктамнинг “Булутлар ўз ишин қилдилар охир ...” деб бошланувчи шеърида ижодкорнинг ички олами, гўзаллик ва нафосатга шайдо таъсирчан кўнгли, унда кечаётган қувонч ва ташвишлар, изтироблар ишонарли тасвирланган:

Ичар, ирғишлашар бир тўп йигит-қиз,  
Бир менгина четда, ёнарман такрор.  
Жонларимга теккан қиш-ку, биламан,  
Ҳеч келмай ичимни оғритди баҳор.

Шоир, мусиқа одамлар бир- бирига ишониши ва самимий муносабатда бўлишлари, ҳаётни, ватанни, келажакни яхши кўришларида , бир - бирларини ҳурмат қилишлари, миллий қадриятларни англашлари ва асрашларида муҳим восита эканлигини чин юрагидан ҳис қилади ва шу ҳиссиётларни ёшлар тушунишларини истайди. Биз шоир қаламида буюк санъаткорнинг ички сийратини кўраимиз:

Машшоқни чорлайман бирдан ҳайқириб,  
Овозим гитарлар шовқинин бўлар...  
Сўз қотар жимликдан зериккан машшоқ:  
“Ҳайдалиш куйи”ни чалайми?” – Кулар.  
Бир сескандим. Этим жимирлаб кетди,  
Тирилар – ў, мени ўлдирар “Наво”!  
Оғрийди, кўкрагим санчиб оғрийди,  
Ёдга тушиб кетар Қодирий бобо...

Ҳар бир рамзда олам – олам маъно бор. Сўз ва санъат аҳлининг нафақат истеъдоди ва салоҳияти , балки дардлари, унинг қалбидаги ҳали мусиқага айланиб улгурмаган изтироблар қоғозга кўчган. Сўз ва мусиқа туйғу ва тафаккур ториға тирмашиб юксакликка, озод сўз, озод оҳанг

салтанатига интилади. “Наво” тимсолида одамларнинг юрагини тимдалаётган оҳанг, шоир қалбига тинчлик бермаётган сўз сеҳри китобхонни ўзига ром этади:

Ярим тун.Жўнайман ғудраб, такрорлаб,  
Машшоқнинг мунг ила айтган гапларин:  
“Ҳайдалиш куйи”ни чалдим кўпларга,  
Аммо Отабекка дуч келмадим мен!”

Аъзам Ўктам шеърлари қатига яширинган рамзийлик ва ҳикматни англашга интилиш бизни адабиётнинг санъат билан уйғунлашган янги нуқталарини топишга, кашф қилишга ундайди.

Ҳақиқий шеърият - кўзгу.Унда ҳамиша олам ва одам, қалб ва руҳ акс этади.Энг қадимий манбалар – қоятошлар ва ғорлардаги расмлар, амалий безак ва тасвирий санъат асарларида акс этган ҳолатлар ва созлар ўзбек рақс санъати жуда қадимий тарихга эга эканлигини билдиради.Ўша қоятошлардаги расмлар дастлабки рақслар ва ўйинлар, мусиқа асбоблари ҳақида маълумот беради. Лекин бу манбаларнинг кўпчилиги ҳали тўла ўрганилмаган. Санъат ва маданият оламидаги эврилишлар адабий жараёнга албатта ўз таъсирини ўтказади. Мусиқа ва рақс санъати бир - бирини мудом тўлдирадиган, халқимизнинг маънавияти, руҳияти, ўтмиши ва бугунини қамраб олган бебаҳо хазинадир.Унинг асоси миллий анъаналаримиз ва қадим кадриятларимиз негизида туғилган.

Буюк мутафаккир бобомиз, Мир Алишер Навоий ҳазратларининг болалик чоғларида шаҳзода Хусайн Бойқаро билан биргаликда алифбо сабоқлари қатори мусиқа санъати сирларини, хусусан Хожа Юсуф Бурҳондан бастакорлик анъаналарини ўрганганлиги маълум.Демак, ҳамма замонларда ҳам бадий ва мусиқий ижод уйғунлиги қадрланган. Серқирра истеъдод соҳиби Аъзам Ўктам сўз ва мусиқанинг муштараклигини нозик ҳис қилади,чуқур идрок этади.Шунинг учун ҳам унинг шеърияти мусиқийлиги ва ички оҳангдорлиги, тилининг кўп маъновийлиги билан ажралиб туради. Аъзам Ўктам учун ўзи қаламга олаётган ҳар бир мавзу ниҳоятда муҳим,

уларнинг орасида шунчаки, тасодифий танланган мавзу йўқ. Шеърдан – шеърга миллатпарвар, ватанпарвар шоирнинг фикр ва қарашларидаги изчиллик, реаллик ва халқоналик кучайиб борадики, бу хусусиятлар энди янги тадқиқотларга мавзу бўлади.

**Адабиётлар:**

1. А.Расулов Ўзлик (Анвар Обиджон портретига чизгилар) – Т., 2017.
2. Х.Ҳамроева Биз билган, билмаган Анвар Обиджон. – Т., 2019.
3. Баходир Карим Руҳият алифбоси. – Т: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018.
4. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. – Т., 1989.
5. Аъзам Ўктам. Тараддуд. – Т., 1993.
6. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. – Т., 2019.

**Нодира АЛОВУТДИНОВА,**  
**Ўзбекистон Миллий университети**  
**доценти, педагогика фанлари номзоди**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада XX аср ўзбек адабиётининг етук вакилларида бири, таниқли шоир ва адиб Аъзам Ўктам шеърлятида нутқ маданияти мавзуси тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** Ватаний иш, миллий ўзлик, қадрият, мақол, маданият, муносабат, нутқ.

Замон шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда мамлакатимизда она тилини ўрганиш ва ўргатишга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда. Ўз она тилини улуғлаган ва асраб-авайлаган, уни муттасил бойитиб борган миллат чироғи мангу ўчмайдиған, музаффар ва буюк халқдир. Муҳтарам Президентимиз тўғри таъкидлаганидек: “Бизнинг ёшлар, албатта, бошқа тилни билиш учун саъй-



харакат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эхтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу ватаний ишдир”. {1;}

Таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг “Кузатиш”, “Кузда кулган чечаклар”, “Зиёрат”, “Тараддуд” каби китобларидан ўрин олган асарларида миллий ўзликни англаш, фарзандлик бурчини ҳис қилиш туйғуси она ватанга ва она тилига муҳаббат кўринишида намоён бўлади. Шоир қўллаган ҳар бир сўз ўз ўрнида бетакрор маъно касб этади. У халқ мақолларини шундай маҳорат билан қўллаганки, улар китобхонда завқ уйғотади. Шоир сўзларнинг кўчма маъноларидан образларни индивидуаллаштириш ва нутққа эстетик бўёк беришда жуда қулай манба сифатида фойдаланади. “Кўрга ҳасса”, “Мақолга шарҳ”, “Мулойим хунук”, “Тажриба”, “Баҳонада”, “Эҳтимол”, “Ўзингга эҳтиёт бўл” каби шеърларида Аъзам Ўктам шеърини санъатларнинг энг гўзал намуналарини яратади. Масалан, “Баҳонада” шеърида шундай дейди:

Қор ёққани яхши – излар босилар,  
Маъқул шамол келгани –  
кувилади дарду гард.  
Ёмғир ювар ғуборни.  
Ҳаммасидан ёв қочгани зўр,  
болалайди ботирлар.

Бу мўъжазгина шеърда бир эмас, иккита мақол қўлланяпти. Шоир “Қор ёғди излар босилди”, “Ёв қочса ботир кўпаяр” мақолларини мазмунини сақлаган ҳолда ўзгартириши натижасида шеърнинг фалсафий теранлиги ва таъсирчанлиги кучаймоқда.

Албатта, кўп асрлардан бери тил ва маданият, тил ва қадрият муносабати муаммоси кун тартибининг энг долзарб масаласи бўлиб келмоқда. Тарихнинг турли даврларида бундай муносабатлар жамият эҳтиёжига кўра умумий ва жузъий мезонларга бўлинади. Зеро, ҳар доим инсоннинг тили, яъни нутқи, унинг одоби, ички маданиятини намоён қилувчи восита деб қаралган. Аждодларимиз ҳар бир шахснинг тилига, унинг тилга муносабатига, нутқининг қай тарзда намоён бўлишига алоҳида

этибор беришган. Шундай қарашлар туфайли замонлар ўтиши билан нутқ одобини, мулоқот маданиятини белгиловчи маълум мезонлар вужудга келган. Атоқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ё.Тожиевнинг фикрича, “Ўзбек тилининг ифода имкониятлари баъзи олимлар таъкидлаётган даражадан ҳам анча юқори. Ҳозирги кунда бу тилнинг имкониятлари ҳақида гап борганда, одатда, тадқиқ этиш асосида исботланган, очиб берилган, омма тан олган жиҳатларгина назарда тутилади. Ваҳоланки, ўзбек тили бирликларининг нутқда қўлланиш имкониятларидан жуда кам қисмигина, яъни айримларининг баъзи имкониятларигина очиб берилган, холос. Ахир, ҳар бир тил бирлигининг ўзига хос нутқда қўлланиш имкониятларини тўла очиб бериш, белгилаш деган сўз, ҳар бир фонетик бирликнинг (фонемалар, бўғинлар, урғу, оҳанг...), морфем бирликнинг (барча асос бўла олиш хусусиятига эга бўлган бош морфемалар, ёрдамчи морфемалар сифатида баҳоланаётган аффикслар – қўшималар, сўз таркибида ўрнашиб қолган рудимент характеридаги бирикмалар, ҳатто, морфема ва фонемалар ҳам) лексик воситаларнинг, бирикма гап қурилмаларининг барча имкониятлари: бир-бири билан бирикиш қонуниятлари, маъно ва вазифалари, услубий жиҳатлари, коннотациялари, турли хил ўзгаришларида очиладиган бошқа қиррали мукамал тадқиқ этилиши лозим, деганидир”. {2;218}

Аъзам Ўктам “Онам фотиҳаси” шеърисида она тили миллатнинг энг ноёб ва асл қадрияти эканлигини алоҳида таъкидлайди:

Сени жўнатишса олис юртларга,  
Агар халқи ўзга тилда гапирса,  
Ҳеч тақлид қилмагин сур, бебурдларга,  
Сўкмагин уйидан сенга жой берса.

Шоирнинг “Тилим”, “Ўзи покнинг дили пок”, “Ўтинч”, “Тил”, “Онамга”, “Тилак”, “Саҳар вақти юрак йиғлар...”, “Қўшиқ” каби шеърларида она тили миллий ўзлик, миллий ғурур, миллий қадрият ва ватан тимсоли эканлиги образли – фалсафий талқин этилган.

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёшларни ватанга, она тилига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг нутқини ўстиришда миллатпарвар шоир Аъзам Ўктам шеърларининг аҳамияти ва ўрни беқиёсдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи//Ўзбекистон овози газетаси. 21.10.2019; <https://uza.uz>
2. Тожиев Ё. Адабий тилдан фойдаланишга муносабат масалалари. Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида. Т.2011. 218-б
3. Баҳодир Карим Аъзам шоирнинг ўктам овози. Руҳият алифбоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2018.
4. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. Т. 1989.
5. Аъзам Ўктам. Тараддуд. Т. 1993.
6. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. Т.2019.

**Нозимжон ҚОСИМОВ**

**Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори,  
филология фанлари номзоди**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ**

**Аннотация**

Мақолада таниқли шоир Аъзам Ўктам шеъриятида халқ оғзаки ижодининг ўрни ва аҳамияти, таъсири тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар.** “Тараддуд”, шижоат, ота макон, ”Қўшиқ”, фалсафий таъсирчанлик, миллий оҳанг.

Халқнинг юрагида яшаб, аждодлардан авлодларга мерос рангин қўшиқлардаги мусиқийлик ва равонлик, образли сўз ва ифодалар, мақол ва

иборалар, умуман, фольклорнинг таъсири шоир Азам Ўктам ижодига ўзгача рух ва теранлик бахш этади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, таниқли адабиётшунос олим Сайди Умиров тўғри таъкидлаганидек, “ Аъзам Ўктам ҳақиқий фарғоналикларга хос хуштавозе, ширинсухан, дилбар йигит эди. ...илмга чанқок, ҳам дунёвий, ҳам илоҳий билимлари тўқис, дунёқараши кенг инсон эди. Шеърятга ишқи, адабиётга шайдолиги баробарида тарихий, диний кадриятларга, азалий удумларимизга кизиқиши, мухаббати кучли эди.” [1.Б.277]

“Сен – соғинч...”, “Қўшиқ”, “Кўкдан ёғилган нурлар”, “Келмадинг, келмадинг, келмадинг”, “Саломнома” шеърларидаги халқ ўлану айтимлари билан оҳангдош ритм ва қофия тизимлари, сатрлар катидаги фарғоналикларга хос ички қочиримлар, оҳангдорлик ва мусиқийлик китобхонни ўзига сеҳрлаб олади. Гўё шоир бу шеърларнинг вазнини халқ кўшиқларини хиргойи қилиб ёзгандек таассурот қолдиради. Айниқса “Қўшиқ” шеърида Аъзам Ўктам халқ сўзлашув тилининг ноёб намуналаридан фойдаланади, уларга катта бадиий вазифалар юклайди. Шеър шундай бошланади:

Фарғонадан келаман,  
келасанми, ёр-о, келасанми, ёр?  
Сенга ошиқ бўлганлигим  
биласанми, ёр-о, биласанми, ёр?

Бу сатрлар шоирнинг бутун қиёфасини, ички руҳий оламини теран ва таъсирчан ифодалайди. Шоир заргарона усталик билан халқона оҳангдан фойдаланади. Шеър шу қадар мусиқий, ифодалари шунчалар ёрқин ва табиийки, ҳар бир сўзидан фарғонача оҳанг, Кўқон боғларида сайраётган булбулларнинг навоси, найнинг юракни тилка-пора қилгувчи ҳазин куйлари эшитилгандек бўлади. Муаллифнинг ўзи “Қўшиқ”ни бежиз “халқ йўлида” демаган:

Одамлар бор дунёда  
ғоятда маккор-ей, доғули , айёр –

Соянгни ҳам чоҳ кавлаб,  
кўймоққа тайёр-ей, кўймоққа тайёр.

Халқ оғзаки ижодидаги чуқур халқчиллик билан изоҳланувчи инсонпарварлик ғояларини ифодалаш, образ яратишда композицион пухталиққа интилиш, фольклорга хос бўлган турли рангин тасвирий услубларни маҳорат билан қўллаш Аъзам Ўктам ижодий фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади.

Бир бошга бир ўлимни  
бўйинга олдик-а, бўйинга олдик,  
Ким бевафо бўлса, уни  
Худога солдик-а, Худога солдик.

Шоир кўшиқнинг индивидуал тилини яратишда ҳам халқ ижодига хос ранг-баранг, ихчам, содда, аммо теран фикрни ифода этувчи сўз ва ибораларни, характерли ифодаларни усталиқ билан танлайди, ижодий ўзлаштиради, айримларини қайта ишлайди. Муаллифнинг руҳий ҳолатини очишда шартли усуллар, тасвирий шакллар, фикрлашдаги романтик кўтаринкилик, эмоционаллик, ўхшатиш, такрор каби тасвирий воситалар муҳим аҳамият касб этади:

Сувнинг тиниғи туриб,  
ичди лойини – ё, ичди лойини,  
Эсон бўлсак кўрармиз,  
унинг ҳолини-ё, унинг ҳолини.

Халқ оғзаки ижоди шоир тасаввурини бойитувчи, унга илҳом бахш этувчи, воқелиқни тўлиқ ва таъсирчан кўринишда бера олувчи, бой ассоциациялар туғдирувчи, фалсафий туйғулар уйғотувчи кучли бадий ҳазинадир. Шеърнинг кўшиқ усулида ёзилганлиги уни бевосита китобхон кўнгли ва руҳиятига яқинлаштиради. Шоирнинг туғёнлари, изтироблари, армонлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. "Кўшиқ"нинг хотимасида Аъзам Ўктам шундай дейди:

Ўтмишнинг кўзига қум  
сочмак хатодир-ей, сочмак хатодир.  
Таскиним шул – якканинг  
Ёри Худодир-ей, ёри Худодир!

Таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктамнинг асарлари замонавий ўзбек адабиётининг юқори поғонага кўтарилиши, унга исломий – маърифий руҳнинг кириб келишида муҳим босқич вазифасини ўтади. Биргина ”Кўшиқ” шеъри ҳам унинг поэтик ижодининг янги қирраларини, фалсафий теранлигини, унга фольклорнинг кучли таъсирини кўрсата оладиган даражадаги мукамал асардир. Аъзам Ўктамнинг ўзига хос поэтик маҳорати воқеа ва ҳодисалардан муҳим умумлашмалар, фалсафий хулосалар чиқаришда ва буларни ифодалашга лойиқ ўткир ва ҳаётий образлар яратишда кўринади.

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон айтганидек, “Ишончим комилки, мутахассислар бу иқтидорли адиб меросига ҳали қайта – қайта мурожаат қилишади. Унинг янгидан – янги қирраларини кашф этишади. Шоир ижодининг ўрганилмаган, ўрганилишга жуда – жуда арзийдиган жиҳатлари кўп.” [2.Б.4]

#### Адабиётлар:

1. С.Умиров. Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб... Дорилфунунлар тақдиримда. – Т:Шарқ. 277-б
2. А.Обиджон. Яшариб бораётган шоир / Осмон яқин... – Т., 2011.4-б.
- 3.Б.Каримов. Аъзам шоирнинг ўктам овози / Руҳият алифбоси. – Т:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – Б.132.
4. А. Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. – Т., 2014. – 304 б.
- 5.А. Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
- 6.А. Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. – Тошкент: Мухаррир, 2019. – 92 б.

**Мирмуҳсин ҒАФУРОВ,  
Ўзбекистон давлат хореография  
академияси проректори  
Бахтиёр АЛИМОВ,  
“Хореография санъати”  
факультети декани ўринбосари**

**“БОЛА ДУНЁНИ ТЕБРАТАР” АСАРИДА  
МУСИҚИЙ ТАРБИЯ МАВЗУСИ**

**Аннотация**

Мазкур мақолада серқирра истеъдод соҳиби Аъзам Ўктамнинг “Бола дунёни тебратар” асарида мусиқа ва кўшиқчилик санъати мавзуининг ёритилиши тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** Мусиқа, миллий маданият, санъат, адабиёт, мусиқий тарбия, устоз-шогирд анъанаси.

Ҳар бир одам ўз Ватанини она тили орқали танийди. Шу улуғ куч ва она алласи туфайли дунёни ҳам, ўзини ҳам англашга уринади. Шу улуғ куч билан улғайиб, дунёни тебратади. Серқирра истеъдод соҳиби Аъзам Ўктам “Бола дунёни тебратар” қиссасини халқимизнинг севимли ҳофизи, Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев тилидан ёзган.

Китобга буюк адиб Чингиз Айтматовнинг қуйидаги сўзлари эпиграф қилинган: “Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом – ҳаммасини мусиқа айтади, зотан биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз. Бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб бутун тарихимиз давомида курашганмиз. Лекин унга фақат мусиқадагина нойил бўлганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг ақидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак

сари интилади... Шунинг учун ҳам биз айтолмаган нарсаларни у айтади, у шунга чорланган” [1, 5-бет].

Буюк санъаткоримиз Тамарахоним, “Шерали Жўраев кўшиқларини бефарқ тинглаш мумкин эмас. Унинг овози қорли чўққилардан тоғу-тошларга урилиб, тўлиб-тошиб оқаётган шарқироқ сойни эслатади”, деган эди [1, 20-бет]. Аъзам Ўктам шарқироқ сойни эслатувчи бетакрор овоз соҳибиининг болалиги ҳақида ҳикоя қилар экан, ҳофиз тилидан шундай дейди: “Бобом ҳам, отам ҳам улоқчи ўтишган. Бобом кўпкари пайтида ҳалок бўлган. Акам Зокиржон ҳам кўпкарида қатнашади. Томиримда шу одамлар қони борлигини доимо ҳис этаман. Санъат ҳам мазмунан кўпкарига яқин туради. Улоқчидан кўркмас, чапдаст ва довюраклик талаб қилинади. Энг аввало зўр отингиз бўлиши даркор. Санъаткорга эса билим, туғёнли қалб, овоз керак. Ҳар иккисида ҳам ҳалоллик биринчи ўринда туриши лозим. Гирромлик қилсангиз ҳам, тўғри бўлсангиз ҳам – барчаси халқнинг кўз ўнгида, у барини кўриб, билиб, эшитиб туради” [1, 25-бет].

Қиссада Шерали Жўраев ўзбек миллий кўшиқчилик санъати ва мусиқа санъатининг билимдони, жонкуяри, тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. У мамлакатимизнинг зафарли кунларида ўзининг бетакрор ва музаффар кўшиқлари билан халқни мамнун этарди. Ҳофиз “Ўзбегим” кўшиғининг яратилиш тарихи, кўшиқнинг босиб ўтган йўли хусусида тўлқинланиб ҳикоя қилади. Оиладаги мусиқий тарбиянинг асослари ва ота-онанинг масъулияти тўғрисида ҳам ўз мулоҳазаларини билдиради.

“Кейинги пайтларда овоз ёзиш студияларининг сони жуда кўпайиб кетди. Ҳозир ҳар бир туман маркази, айрим қишлоқларда ҳам ана шундай студиялар ишлаб турибди. Уларнинг ёнидан ўтиш, улардан таралаётган кўшиқларни эшитиш мен учун бениҳоя азоб. Куйлари бачкана, мазмуни саёз ва суюқ ашулалар тингловчи дидининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга ёшлар тарбиясига ҳам жиддий зарар етказди. Бундай муассасалар иши ҳар доим қаттиқ назорат қилиб борилиши лозим. У жойларга фақат техникадан эмас, шу билан бирга мусиқадан ҳам хабардор



одамлар керак. Фақат менга эмас, бошқа ҳофизларга ҳам зўрма-зўраки тақлид қиладиган ҳаваскор ашулачилар айтган жумлалар бизнинг номимиз билан сотилиши мени ғазаблантиради”, дейди Шерали Жўраев [1, 35-бет].

Аъзам Ўктам атоқли ҳофизнинг болалик ва ўсмирлик даври, ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқиган йиллари, санъат оламидаги илк қадамлари, дуч келган қийинчилик, машаққатлар ҳақида ёзар экан, атоқли адиб Чингиз Айтматовнинг “Ёзувчиликни кишининг болалиги беради” деган фикрини келтиради. Китобда Шерали Жўраевнинг фидойи, миллатпарвар санъаткор сифатидаги шаклланиш босқичлари, ҳар бир кўшиғи устида ишлаш, изланиш, матн танлаш жараёни, Россия, Украина, Америка, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларига гастроллари, санъатсеварлар билан учрашувлари, Ўзбекистонни ва ўзбек халқини мадҳ этувчи кўшиқлари, уларнинг дунёга келиш тарихи, бу кўшиқларнинг одамлар дилига олам-олам завқу-шавқ бахш этгани, ҳофизнинг юракларни ларзага солувчи жўшқин ва бетакрор овози, устоз - шогирдлик анъаналарига садоқати изчил таҳлил қилинади.

“Бола дунёни тебратар” китоби таниқли ижодкор Аъзам Ўктам истеъдоди ва салоҳиятининг яна бир қиррасини намоён қилгани билан ҳамда ўзбекнинг улуғ ҳофизи Шерали Жўраевнинг болалиги, санъатга меҳр қўйган ўсмирлик йиллари ҳақидаги ажойиб ҳикоя усули, устоз санъаткор ижоди ҳақидаги илк жиддий ва салмоқли асар эканлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Китоб бундан 32 йил олдин ёзилган, лекин унда тилга олинган кўшиқчилик ва мусиқа санъати ҳақидаги фикрлар, муаммолар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, “Сиз ёшларда эса ҳаётга тўғри қадам босишга барча имкониятлар бор. Бир кун келиб, афсус-надомат чекмаслик учун ҳозирдан курашмоқ керак. Сиз фақат ота-онангизнинг фарзанди эмассиз, балки катта тарихга эга бўлган, неча замонлардан бери фақат тинимсиз ишлаш, тер тўкиш эвазига нон топиб ейдиган камтарин ва буюк халқнинг фарзандисиз. Сиз унинг тарихини ўрганишингиз, бугунига ярашингиз, келажагига эга бўлишингиз даркор. Халқимизнинг ноёб ва

муқаддас адабий ёдгорликлари, ўлмас санъати бор. Уни ўрганиш, эгаллаш учун билимдон, хушёр ва тиришқоқ бўлмоқ лозим”, дейди эл суйган машхур устоз санъаткор [1, 43-бет].

Атоқли шоир, моҳир таржимон, публицист Аъзам Ўктамнинг “Бола дунёни тебратар” қиссаси ўсиб келаётган ёш авлод онгу-шуурида ўзбек миллий санъатига ҳурмат, миллий кадриятларга, маданий меросга, оиладаги муסיкий тарбияга, устоз-шогирдлик анъаналарига эҳтиром туйғусини шакллантириш борасида яна узоқ йиллар хизмат қилиши аниқ.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Ш.Жўраев Бола дунёни тебратар. Юлдузча. Т., 1988.
- 2.Баҳодир Карим Аъзам шоирнинг ўктам овози. Рухият алифбоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2018.
- 3.Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. Т. 1989.
- 4.Аъзам Ўктам. Тараддуд. Т. 1993.

**Нигора ШАРИПОВА,**

**Олий аттестация комиссияси раисининг**

**ўзбек тили бўйича маслаҳатчиси,**

**Камола ШАРИПОВА**

**Тошкент шаҳар 17-умумтаълим мактаби**

**ўзбек тили фани ўқитувчиси**

**АЪЗАМ ЎКТАМНИНГ “ДАЛИЛ” ШЕЪРИНИНГ МАЪНАВИЙ-  
ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация**

Мазкур мақолада таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг рус тилида ўқитиладиган мактабларнинг 11-синф “Ўзбек тили” дарслигига киритилган “Далил” шеърининг тил хусусиятлари, маънавий - тарбиявий аҳамияти тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар.** Китоб, васса, миллий ўзлик, ўзбек тили таълими, маънавий кадрият, анъана, бадиият, ўхшатиш.

Азал-азалдан Шарқ халқларида китоб энг азиз кадрият, бебаҳо неъмат сифатида улуғланган. Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг дунёни хайратга солган “Темур тузуклари”да китоб мутолаасига алоҳида эътибор бериб, “Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир” [9.Б.31], дейилган.

Мухтарам Президентимизнинг “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади” [1], деган пурмаъно сўзлари янгиланаётган жамиятимизнинг, янги даврнинг бош ғоясига айланди. Бу ғоя замирида ёшларга ибрат бўларли юксак инсонпарварлик, ватанга муҳаббат, тарихимизга эҳтиром туйғулари мужассам.

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк адабиётимизнинг ёрқин вакилларидан бири, таниқли шоир Аъзам Ўктам (1960-2002)нинг рус мактабларининг “Ўзбек тили” дарслигига киритилган “Далил” шеъри ватанпарвар инсоннинг юрак ҳайқириғи сифатида янграйди:

Қул бўлган эмасмиз, ҳеч биродарлар,  
Гарчи кўп босқинлар, таловлар ўтди.  
Ўқталган мушт каби турар минорлар,  
Мақбара куббаси дубулға худди.  
Ва буткул саводсиз эмасдик ҳечам,  
Бунга ишонмайман, бу гап кўп оғир:  
Ҳатто уй шифтининг вассалари ҳам,  
Китоблар шаклида қурилган ахир.

Бу сатрлар фақат шоирона туйғуларнинг эмас, балки ўтмиш зиддиятларининг, ҳаётининг ҳақиқатларнинг суратидир. Аъзам Ўктам

сиймосида лафзи ҳалоллик, Ватанининг бугуни ва эртаси учун астойдил қайғуришдек олижаноб фазилатлар мужассам эди. Унинг шоирона табиати соф ўзбекона – миллий руҳга уйғунлиги билан ажралиб туради. Ижодкорнинг нозик идрок, нафис ифода соҳиби ва жонкуяр, чин фарзанд сифатида айтган фикрлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Ҳақиқий ватанпарвар инсон ўз юртининг ўтмиши, улуғ аждодлари билан фахрланади. Ўзбек халқи ва унинг тили тарихан мураккаб ривожланиш ва шаклланиш жараёнини бошидан кечирди.

Шеърни ўрганиш жараёнида ўқувчиларга *минор, мақбара, қубба, дубулға, васса* сўзларининг маъноси тушунтирилади. Қадимий ўзбек уйсозлиги, меъморчилиги ҳақида тушунча берилади. Шоир маълум бир фикрни баён қилишда, алоқа-аралашув (коммуникация) жараёнида, ўз шеърларида қатор тегишли сўзларни танлаб ишлатишда чуқур илмий мулоҳазаларга таянади. Аъзам Ўктам ҳар бир асарида, хусусан “Далил” шеърисида сўз ва унинг моҳияти, истеъмол доираси, яъни умумистеъмоллиги ва чегараланганлиги, унинг бош ва матний маъно тушунчалари, диалектал, махсус профессионал, жаргон, эскирган типдаги сўзларни ишлатишда ҳам илмий, ҳам бадий маҳоратини ишга солади. Шоир услубининг алоҳида хусусияти воқеа тафсилоти, манзара тасвирини ифодалашда *истиора* бадий тасвир воситасидан моҳирона фойдаланганлигида кўринади. Маълумки, *истиора* арабчадан олинган бўлиб, “бадий асарларда акс этаётган нарса, воқеа, ҳодисаларнинг аниқ, равшан гавдаланиб туришида, образлар тавсифларининг ёрқин берилишида, асар жозиба кучининг ошишида ниҳоятда муҳим ўрин тутди” [3.Б.276].

Мавзуни ёритишда ўқувчиларнинг эътибори қуйидаги тамойилларга қаратилади:

- Шеърнинг моҳиятини, шоирнинг асл мақсадини тушунтириш орқали таълим олувчиларнинг индивидуал-амалий ва жамоавий қизиқишларини уйғунлаштириш;

- Замонавий техник воситалар ҳамда кўплаб техмодуслар ёрдамида мавзуни ўқувчиларга мисоллар ёрдамида атрофлича тушунтириш;

- Мавзуга мос слайдлар ва видеороликлар билан ўзбек тили таълимини комплекс – компьютер дастурларининг энг янги лойиҳаларида бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг ватанпарварлик мавзуидаги шеърлари бугунги ёш ижодкорларга маҳорат ва сўз қўллаш санъатидан, ўқувчиларга эса юртни севиш, туғилган тупроқни кадрлаш, миллий кадриятларни эъозлаш, бағрикенглик, комилликка интилиш илмидан сабоқ беради.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ижодкор зиёлилар билан учрашуви / ЎЗА, 2017, 3 август.
2. Ё.Исҳоқов. Сўз санъати сўзлиги. – Т: Ўзбекистон, 2014.
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.4-ж.– Т.,2002.276-б.
- 5.Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т: , 2011. – 160 б.
- 6.Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...Шеърлар. –Т: , 2014. – 304 б.
- 7.Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
- 8.Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент:Муҳаррир, 2019. – 92б
9. Машрикзамин - ҳикмат бўстони. – Тошкент:Шарқ, 1997. 31-б.

**Гулшан Насруллаева,**  
**ЎзРХТВ Қашқадарё вилояти халқ таълими**  
**ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг**  
**малакасини ошириш ҳудудий маркази**  
**кафедра мудири, филология фанл.н., доц.**  
**Шарифа Набиева,**  
**Тошкент давлат ахборот технологиялари**  
**Университети Қарши филиали ўқитувчиси**

**АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИДА МЕТАФОРА**

**Аннотация.** Мақолада ўзбек адабиётининг забардаст адибларидан бири, таниқли шоир Аъзам Ўктам шеърлятида антропоцентрик ва фитоморфик метафора таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** она тили, ота юрт, миллий ўзлик, таъсирчанлик, лисоний имконият, метафора.

Дунё тилшунослигида тилларнинг лингвомаданий, лингвомаънавий, лингвокоммуникатив муносабатини ўрганишга эътибор кучайганлиги уларни ўзида яққол акс эттирувчи антропоцентрик метафоранинг тадқиқи зарурати муҳим масала эканлигини кўрсатади. Тилнинг имконият сифатидаги ҳолати лисон бўлиб, бу имкониятнинг воқеланиши жонли нутқий системаларни вужудга келтиради. Лисон мавҳум ва статик система бўлса, унинг реаллашуви бўлган нутқ ўзида турли лисоний ва нолисоний ҳодисаларни мужассамлаштирган, динамик системадир. Бу динамик системада лисоний имкониятлар шахсий ва прагматик омиллар таъсирида турли ўзгаришга учрайди. Имкониятлар кенгайиши, торайиши, кучайиши ёки, аксинча, ўта кучсизланиши ҳам мумкин ва бу, аввало, бошқа лисоний бирликларнинг таъсири натижасида юз беради. Шунингдек, прагматик вазият, сўзловчи ва тингловчининг ўзига хослиги, ижтимоий омиллар лисоний имкониятларни юзага чиқаришда кўмаклашади ва уни нутқий мулоқот вазиятига мослайди. Бу мослашиш матнда луғавий бирликлар ўз ва кўчма маънода қўлланишларида яққол кўзга ташланади.

Антропоцентрик метафора фитоморфик метафора сирасида ҳам кўплаб учрайди. Аъзам Ўктамнинг “Уйқум қочган кечада” шеъри шундай бошланади:

*Ой чўчиб тисланар ортга ногаҳон,  
Терак бош чайқайди, гижирлар оғир.  
Кули титкиланган ўчоқдир осмон,  
Япроқлар шивирлар, титрашар дир-дир.*

Метафорик маъно билвосита ёки бевосита, зоҳирий ёки ботиний хусусиятлари билан фарқланади. Бундай ҳолат ўхшатиловчи ва ўхшовчи объектларнинг яқинлаштирилиш даражаси, шунингдек, сўзловчининг нутқий маҳорати, нутқий технологияси, аниқроғи, кўзланган мақсадга эришишдаги қўлланган усуллари билан боғлиқ. Шоирнинг юқоридаги мисраларида шундай икки ҳолатни ҳам кузатиш мумкин. *Терак бош чайқайди, гижирлар*

*огир. ... Япроқлар шивирлар, титрашар дир-дир* мисраларини матндан узиб олинса, унда шунчаки терак ва унинг япроқлари ҳақида гап бораётгандек туюлади. Бироқ матннинг кейинги тўрт мисраси (*Пишқирар, кишинашар нотинч тулпорлар, Занжир шарақлайди, кимдир кулади. Пичоқ қайраётир ёвуз хунхорлар, Бошлаб бош кўтарган хароб бўлади*) ўқилар экан, гап бу ерда фақат терак ва япроқлар ҳақида кетмаётганлигини, мазкур мисралар замиридаги теран фалсафий руҳни англаб етиш мумкин. Шеърда зоҳирий ёки бевосита метафорик маъно ифодаловчи кўчимлар фаоллиги билан характерланади.

Антропоцентрик метафора теоморфик метафора тизимида ҳам кўплаб учрайди. *Пари, шайтон, малак* каби сўзларнинг инсонга нисбатан кўлланилиши фикримизнинг далилидир. Мисол:

*Алдамчилик, ёлгон мендан наридир:  
У менинг жонимдир, малак, паридир.  
Биров деб яшнади, мен деб қарийдир –  
Бир бахтсиз аёлни севаман... (“Иқроп”)*

Ёки, ”Англам” шеърда шундай антропоцентрик метафорага дуч келамиз:

*Бошдан булут арир, кетгай хатарлар,  
Ҳар не камимизни Оллоҳ бут қилгай.  
Ким ноумид бўлса, **шайтон** атарлар,  
Ургочи шайтондир ноумид қилган.*

Антропоцентрик метафора бевосита инсоннинг ички ва ташқи сифатлари билан боғлиқ бўлган метафоралардир. Бу метафоралар қанчалик ранг-баранг бўлмасин, унинг марказида инсон туради. Аъзам Ўктам шеърларида антропоцентрик метафора ўз ичига антропоморфик метафорани ҳам олади. Натижада образлилик ва бўёқдорлик, таъсирчанлик қуввати борлиқдаги ҳодисалар ифодаларида намоён бўлади.

Антропоцентрик метафора бошқа метафоралар каби тавсифлаш, бўрттириш, таъсир кўрсатиш, қониқиш ҳосил қилиш имкониятларига эга.

Бўрттириш ўхшашлик асосида юз беради. Ўхшатиловчи объект ўхшовчи объектга муайян хусусият нуктаи назаридан маълум даражада мувофик келади. Аммо бу мувофиклик тўла даражадаги мослик дегани эмас. Натижада тўла бўлмаган даражадаги мувофиклик ўхшатиловчи, яъни пассив объектнинг сифат ва хусусиятларининг бўрттирилишига олиб келади.”Қизимга ҳасрат” шеъри шундай бошланади:

*Ойга ўхшайди-я, жу жуқ, юзларинг,  
Ҳеч бир луғатда йўқ ширин сўзларинг,  
Мунча ҳайрон бўлиб тикма кўзларинг,  
Қарашга дов бермас юрагим, Тумор.*

Масалан, инсоннинг юзи ҳеч қачон ойга тўла ўхшамайди. Зеро, антропоцентрик метафора бошқа тур метафораларни қамраб олиши билан ҳам характерланади. Метафорик маъно лексема бош семемаси таркибидаги денотатив (аташ) ва коннотатив (ифода) семалари нисбатининг ўзгариши асосида содир бўлади. Ҳосила маъно эса семема даражасида (лисоний) бўлиши ҳам, семема даражасида бўлмаслиги (нутқий бўлиши) ҳам мумкин. “Лексема семемаларининг таркибидаги аташ, ифода ва вазифа семалари ўзаро диалектик боғланишда ва тескари мутаносибликда (тескари пропорционал) бўлади. Аниқроғи, ҳар бир семемада ушбу уч хил сема мавжуддир. Аммо баъзи семаларнинг кучайиши, аниқлашиши, бўрттирилиши бошқа семаларнинг заифлашишига, кучсизланишига олиб келади. Жумладан, мустақил лексема семемаларида аташ семалари кучайганда, ифода ва вазифа семалари заифлашади. Аксинча, ундов ва тақлидий лексема семемаларида аташ семалари заифлашганда, ифода семалари кучаяди. Ёрдамчи лексемаларда эса ифода ва аташ семалари заифлашганда, вазифа семалари кучаяди.” [1;128] Семик кучсизланиш ва кучайиш ижтимоийлашганда, ҳосила маъно семема даражасига кўтарилади, акс ҳолда ўзгариш муваққат ҳолат сифатида қолиб, ҳосила маъно луғатларда қайд этилмайди.



“Тилнинг фаол бунёдкорлиги ҳамда борлиқ – онг ва тафаккур инъикосини ўзига хос система сифатида акс эттиришига қарамай, борлиқда предметлик ва белги-хусусият синкретизми тилда ўз аксини топмасдан қолмайди; лисоний тизимда предметликни алоҳида, белги-хусусиятларни турларга ажратиб алоҳида-алоҳида кўрсатиш ва ифодалаш воситалари билан бирга предметлик маъноларида белги-хусусият маъноларини кучайтирувчи ва, аксинча, белги-хусусият маъноларида предметлик маъноларини кучайтирувчи, предметлик ва белги-хусусият маъноларини нейтраллаштирувчи, бирлаштирувчи усул ва воситалар мавжуд.” [2;48]

*Она* сўзи мажозий усулда ҳам метафорик маънода қўлланилиб, борлиқни концептуаллаштиришда иштирок этиши мумкин. Бунда ҳам метафоризацияга объектлар орасидаги қандайдир ва қайсидир йўсиндаги ўхшашлик асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, *она юрт, она ватан, она халқ* каби бирикмаларда онанинг меҳрибонлиги ва боқувчилиги, қўллаб-қувватловчилиги, ўз бағрида асраши каби билимлар юрт, ватан, халқ объектларининг шундай жиҳатларини ифодалаш учун асос бўлиб хизмат қилган. Лекин *она тили* бирикувида бошқача ҳолат кўзга ташланади:

*Онанинг бисоти фақат оқ йўлдир,  
Сени тортиб турсин тупроқ, она тил.  
Қайда юрма, қанча умр кўрма, барибир,  
Тобутда бўлса ҳам юртингга интил!* (“Онам

фотихаси”)

Ёки:

*Сигмаяпман энди ҳеч ерга,  
Ўхшайман тўқайда қолганга.  
Жаннат бўйи уфурар ундан,  
Сўзи йўқ,  
Энг бой, гўзал тил.  
Чет тилими, она тили бу?*

Бунда ўхшашлик эмас, балки айнанлик асосида метафоризация вужудга келган. Зеро, она сўзлаган тил билан у мансуб миллат, қавм, элатнинг тили бир хил. Она миллий тилни хусусий ҳолда намоён қилади. Хусусийликда умумийлик, умумийликда хусусийлик акс этади. Бу эса иккиёқлама табиатга эгаллиги билан характерланади. Биринчидан, бу “она(м) тили – миллий тил”, “миллий тил – она(м) тили” фреймларида намоён бўлади ва реаллашади. Бундан ташқари, она ҳузурида фарзанднинг эркинлиги, унга ўз қувончу ташвишларини бемалол ифода қилиши, у ҳаммадан кўра фарзандини теранроқ тушуниши каби сон-саноксиз ҳолатлар ҳам тилга нисбатан *она* сўзини концептуаллаштирувчи восита сифатида қўллашга шароит яратган. Қарийб барча халқларда она – фарзанд муносабати ўхшаш бўлганлиги сабабли барча халқларда тилга нисбатан *она* сўзининг метафорик қўлланишини кўрамиз: *родной язык, native language, забони модари* каби. Бу метафорик маънонинг пайдо бўлишига бошқа омиллар ҳам сабаб бўлган ва бугунги кунда у унутилган дейиш мумкин. Зеро, аччиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтиш лозимки, фарзанднинг онаси ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқ, уни тукқан киши она ҳисобланади. Эътибор қилинса, сўзловчи айна пайтда ўзи мавжуд бўлмаган, ўзи ундан узоқ бўлган, лекин отаси, борингки, ўзи туғилган юртни концептуаллаштиришда *ота* сўзининг метафорик маъносидан фойдаланган:

*Эй, ота юртимдан келган йўловчи,  
Йўлинг ниятингдек мудом бўлсин оқ.  
Топилса менга бир салом йўлловчи,  
Бир хушхабар ила дарвозамни қоқ.*

Бизнинг назаримизда, *ота юрт* тушунчасини луғатлардагидек, *ота* туғилиб ўсган макон, манзилдан кенгроқ, чуқурроқ ҳам талқин қилиш мумкин. Масалан, Туркия турклари Марказий Осиёни *ота юрт* деб аташади. Демак, бунда *ота* сўзини “аждодлар” маъносида, кенг қамровда тушунмоқ лозим. Таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг шеърларида борлиқ ҳодисаларнинг поэтик манзарасини чизишда ҳам инсоннинг ташқи кўринишлари, аъзолари фаол метафорик восита сифатида қўлланилиб, улар ҳақида ёрқин ва образли

тасаввурлар ҳосил қилади. Кўринадики, инсоний сифат ва хусусиятлар инсоннинг ўзи учун яқин ва аниқроқ. Шу боисдан борлиқни концептуаллаштиришда шоир бу тушунчаларга таянади. Инсоний концептларнинг борлиқни ифода қилиши, борлиқ ҳақидаги билимларни ўзига жо этиши шу даражада кучлики, бугунги кунда уларнинг фақат инсонга хослиги унутилиб, тирик мавжудотларга хос тушунчаларни ифодалайдиган универсал характер касб этиши ва истеъмолда бемисл кенг қўлланилиши уларнинг метафорик моделларининг ҳам кўздан йўқолишига сабаб бўлган. Ҳатто луғатларда бу метафорик маъноларнинг айримларини бош маъно таркибида кўришларининг сабаби ҳам шунда.

**Адабиётлар рўйхати:**

Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

Ширинова Н.А. Ўзбек тилида белги-хусусият ва предметлик маъноларининг фарқланишида градуонимик қаторлар. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 2010. – 48 б.

Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар: Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 56 б.

Аъзам Ўктам. Зиёрат: Шеърлар. – Фарғона: “Янгиқўрғон” нашриёти, 1992. – 32 б.

Аъзам Ўктам. Икки дунё саодати: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1998. – 56 б.

Аъзам Ўктам. Кузатиш: Шеърлар. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1990. – 56 б.

Аъзам Ўктам. Қирқинчи баҳор: Шеърлар. – Тошкент: “Қатортол-Камолот”, 1999. – 48 б.

Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Тошкент: “Абу Матбуот - консалт”, 2011. – 160 б.

Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар...: Шеърлар. –Тошкент: “Мовароуннаҳр”, 2014. – 304 б.

Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: “Чўлпон” 1993. – 80 б.

Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. –Тошкент: “Муҳаррир”, 2019. – 92 б.

**Zulxumor NORQO`ZIYEVA ,  
O`zDSMI, "O`zbek tili va adabiyoti" kafedrası o`qituvchisi**

**A'ZAM O`KTAM IJODINI O'QITISHNING INNOVATSION  
USULLARI**

**Annotatsiya**

Maqolada A. O'ktam ijodini o'rganishda o'qitishning innovatsion usullari o`rganilgan.

**Kalit so`zlar:** innovatsion usul, aql-idrok xaritasi, "O'qish va yozish orqali tanqidiy fikrlashni rivojlantirish" texnologiyasi.

Zamonaviy maktabning asosiy maqsadi – o'quvchining ijodiy va faol shaxsini shakllantirish. Bugungi kunda o`quvchi mustaqil ravishda bilimlarni egallash, ularni turli muammolarni hal qilishda amalda qo'llay olish, har xil ma'lumotlar bilan ishlash, tahlil qilishi, umumlashtirishi, mustaqil ravishda tanqidiy fikrlash va muammolarni hal qilishda oqilona yo'llarni izlash qobiliyatiga ega bo'lishi kerak.

Umumta'lim maktabida adabiyot kursi boshqa o'quv fanlari qatori tarbiyaviy vazifalar majmuasini hal etishga yordam beradi: barkamol shaxsni rivojlantirish, ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash va hokazolar.

Maktabda adabiyotni o'rganishning asosiy maqsadi - o'qish ko'nikmalarini shakllantirish; badiiy matnni sharhlash, tahlil qilish va izohlash; o'zining matnini yaratish. O'qish, sharhlash, tahlil qilish va izohlash har qanday faoliyatning ajralmas qismidir. Ushbu ko'nikmalarni rivojlantirish, badiiy asarda mujassam bo`lgan ma'nolarni anglash uchun zarur bo'lgan algoritmlarni o'zlashtirish, so'ngra o'zlarining matnlarini yaratish, o'qiganlari haqida o'zlarining baholari va xulosalarini taqdim etish, maktab o'quvchilari uchun keyinchalik faoliyatning har qanday sohasida muvaffaqiyatli faoliyat yuritish uchun zarurdir.

Har bir o'qituvchi o'quvchilarning mavzuni o'zlashtirishida barqaror va samarali natija beradigan, bilim faolligini rag'batlantiradigan faoliyatning maqbul usullarini izlaydi. Ushbu vazifani bajarish uchun u "O'qish va yozish orqali tanqidiy fikrlashni rivojlantirish" texnologiyasini yaxshi bilishi kerak.

"O'qish va yozish orqali tanqidiy fikrlashni rivojlantirish" texnologiyasining tuzilishi quyidagicha:

I bosqich – chaqiruv (evocation): mavjud bilimlarni faollashtirish, yangi ma'lumotlarni olishga bo'lgan ishtiyoqni uyg'otish, o'quvchining o'z o'quv maqsadlarini belgilashi.

II bosqich – mazmun-mohiyatini tushunish (*realization of meaning*): yangi ma'lumotlarni olish, o'quvchining o'quv maqsadlariga o'zgarrishlar kiritish

III bosqich - ifodalash (*reflection*): yangi bilimlarning tug'ilishi, o'quvchi tomonidan yangi o'quv maqsadlarini belgilanishi [1].

A. O'ktamning she'rlarini o'rganishning "O'qish va yozish orqali tanqidiy fikrlashni rivojlantirish" texnologiyasidan foydalangan holdagi dars modelini ko'rib chiqaylik. Biz A. O'ktam ijodini o'rganishga uchta darsni bag'ishlashni maqsadga muvofiq deb bilamiz.

Birinchi darsda o'quvchilar A. O'ktam biografiyasi, shoir dunyoqarashining shakllanishiga ta'sir ko'rsatgan ba'zi bir faktlar bilan tanishadilar, Erkin Vohidov, Anvar Obidjon, Rauf Parfi, Ozod Sharafuddinov kabi shoir, yozuvchi va tanqidchilarning A. O'ktam haqidagi fikrlari, esdaliklari bo'yicha ifodali o'qish tayyorlaydilar. Bunday harakatlar hadislar mazmun-mohiyatini she'rlar orqali ifodalash huquqi shoirga doimiy mehnat, o'ziga va boshqalarga nisbatan qattiq talabchanlik, mutlaq erkinlik va iste'dod bilan berilgan degan g'oyalarni shakllantirishga yordam beradi.

Ikkinchi va uchinchi darslarda A. O'ktamning "Ikki dunyo saodati" kitobidagi bir nechta she'rlarini tahlil qilish jarayonida ijtimoiy-diniy muhit va shaxslarning o'zaro ta'sirining insonparvarlik g'oyasi singdirib boriladi. She'rlarda ko'tarilgan mavzu, ularning maqsadi, ularning mazmun-mohiyatini tushunish

jarayonida matn orqali ilmiy-tadqiqot ishlari ko'nikmalarini shakllantirish, o'quvchilarning axloqiy va estetik g'oyalarini shakllantirishga erishiladi.

Darsdagi yetakchi usullar - suhbat, ifodali o'qish, to'xtash bilan o'qish, shaxsiy tajribaga murojaat qilish, sh'er nomlanishi orqali bashorat qilish, "bashorat daraxti", matn bilan tadqiqot ishlari, leksikaviy ish.

Chaqiruv bosqichida asarni idrok etishga tayyorlanishga yordam beradigan shaxsiy tajribaga murojaat qilinadi:

- Hayotingizda hadislarga duch kelganmisiz?
- "Hadis" so'zining lug'aviy ma'nosi qanday?
- Kitob nima uchun "Ikki dunyo saodati" deb nomlangan? Sizningcha, ushbu kitob nima haqida?

Notanish asar syujetini bashorat qilish o'qishga qiziqishni oshiradi – matn bilan tanishish jarayonida o'quvchilar o'z taxminlarining to'g'riligi yoki noto'g'riligiga amin bo'lishadi. Bundan tashqari, ushbu texnika o'quvchilar e'tiborini muallif talqining aks-ifodasi bo'lgan asar nomiga qaratadi.

Mazmun-mohiyatini tushunish bosqichida "Ikki dunyo saodati" kitobi bir nechta bo'laklarga bo'linadi. O'qituvchi kitobning tuzilish mantig'iga asoslanib, undagi she'rlarni, masalan "Ota-onani bilmagan Oллоhni bilmas", "Munofiq olim – o'ziga zolim", "Adolat iymonning bir bo'lagidir" she'rlarini oldindan ajratib oladi. O'quvchilar birinchi she'rni o'qidilar, so'ngra ushbu she'r har xil turdagi (aniqlovchi, izohlovchi, baholovchi) savollar yordamida tahlil qilinadi.

Biz ifodalash bosqichida o'quvchilarga shaxsiy xususiyatlarini hisobga olgan holda yozma ish mavzularini taklif qilamiz:

- A. O'ktam she'riyatida tilning badiiy-tasviriy vositalari.
- A. O'ktamning "Ikki dunyo saodati" kitobidan olgan taassurotlarim.
- A. O'ktam she'rlarining badiiy g'oyasi.
- A. O'ktam she'riyatida ijtimoiy-siyosiy muammolar talqini.
- A. O'ktam she'riyatida ma'rifiy-diniy mavzularning poetik talqini.

Shunday qilib, "O'qish va yozish orqali tanqidiy fikrlashni rivojlantirish" texnologiyasidan foydalangan holda dars modeli ta'limga shaxsga yo'naltirilgan

yondashuvni amaliy tatbiq etish tajribasini aks ettiradi. Ushbu pedagogik texnologiyaning xususiyati shundaki, o'quv jarayonida o'quvchi haqiqiy va aniq maqsadlarga asoslanib o'zi ushbu jarayonni quradi, u o'zining rivojlanish yo'nalishlarini kuzatib boradi va yakuniy natijani belgilaydi.

O'qituvchining vazifasi o'quvchilarni faol ijodiy faoliyatga jalb qilishdir, bu yerda o'quv jarayoni ishtirokchilari bir-biri bilan o'zaro aloqada bo'lib, dialoglar quradilar va mustaqil ravishda bilimlarga ega bo'ladilar. O'qituvchiga yuqoridagi ko'nikmalarni shakllantirishda aql-idrok (intellect) xaritasi usuli yordam beradi.

Aql-idrok xaritasi – bu fikrlash jarayonining grafik ifodasidir. Aql-idrok xaritasi usuli amerikalik psixolog Toni Byuzen tomonidan taklif qilingan.

Xaritalarning samaradorligi ma'lumotni qayta ishlashga mas'ul bo'lgan inson miyasining tuzilishi bilan bog'liq. Inson miyasining chap yarim shari mantiq, tahlil, fikrlarni tartibga solish uchun, o'ng yarim shar esa ritm, rangni idrok qilish, tasavvur qilish, obrazlarni aks ettirish, o'lcham, fazoviy nisbatlar uchun javobgardir. O'quvchilar axborotni o'zlashtirish jarayonida asosan chap miyaning aqliy qobiliyatlaridan foydalanadilar. Bu bosh miyaning manzaraning yaxlitligicha ko'rish, fikrlash qobiliyatini namoyish etishiga to'sqinlik qiladi.

Aql-idrok xaritasi har ikki yarim sharga ta'sir ko'rsatadi, o'quvchilarning o'quv va bilim qobiliyatlarini shakllantiradi, ularning fikrlash va ijodiy qobiliyatlarini rivojlantiradi. Shuning uchun ular axborotni idrok etish, qayta ishlash va yodlash, xotira, fikrlash, nutqni rivojlantirishning eng muhim vositasidir [2].

Axborotni qayta ishlashning an'anaviy usullari ko'p vaqt talab etadi va samarasiz. Byuzenning ta'kidlashicha: "An'anaviy konspektlashtirish vaqtni yo'qotishdir, masalan:

- juda ko'p keraksiz ma'lumotlar yozib olinadi;
- keyinchalik bu keraksiz ma'lumotlarni o'qish uchun vaqt sarflanadi;
- keraksiz ma'lumotlarni qayta o'qish uchun vaqt sarflanadi;
- kalit so'zlarni qidirishda vaqt behuda ketadi [3].

Aql-idrok xaritasi an'anaviy, chiziqli ma'lumot taqdimotiga nisbatan bir qancha afzalliklarga ega:

- agar asosiy g'oya yorqin grafik tasvir shaklida varaqning o'rtasiga joylashtirilsa, uni ajratib ko'rsatish osonroq;
- diqqat tasodifiy ma'lumotlarga emas, balki muhim masalalarga qaratiladi;
- har bir g'oyaning nisbiy ahamiyati aniq ko'rinadi. Muhimroq g'oyalar markazga yaqinroq, kamroq ahamiyatli g'oyalar esa chetroqqa joylashtiriladi;
- ko'p rangli va ko'p o'lchovli taqdimot tufayli ma'lumotlar tezroq va samaraliroq eslab qolinadi va yuzaga chiqadi;
- xaritaning tuzilmaviy xususiyati uni yangi ma'lumotlar bilan osonlikcha to'ldirish imkonini beradi [4].

Bundan tashqari aql-idrok xaritasini tayyorlash jarayoni o`qish-o`rganishni ijodiy va qiziqarli bo`lishini ta'minlaydi.

Aql-idrok xaritasi usuli quyidagi imkoniyatlarni beradi:

- guruh faoliyati jarayonida kommunikativ kompetensiyani shakllantirish;
- axborotni idrok etish, qayta ishlash va almashish bilan bog'liq umumiy bilimlarni shakllantirish (konspekt qilish, annotatsiya yozish, munozaralarda qatnashish, ma'ruzalar tayyorlash, tezislar, maqolalar, tahliliy sharhlar yozish va boshqalar);
- o`quvchilarning barcha turdagi (qisqa muddatli, uzoq muddatli, semantik, obrazli va h.k) xotiralarini takomillashtirish;
- o'quv jarayonini tezlashtirish.

Aql-idrok xaritalarini an'anaviy tarzda (rangli qalam bilan) taqdimot yoki ConceptDraw maxsus dasturi yordamida tayyorlash mumkin.

Aql-idrok xaritasi yordamida o`quvchilar yoddan aytib berish, asosiy so`zlarni va hal qiluvchi onlarni ajrata olish, tizimlashtirish, guruhlashni o`rganishadi. Bunday xarita yordamida matn ustida ishlash jarayonida o`quvchilar



ma'lumotlarni ixchamlash va ularni kengaytirishni o'rganadilar, assotsiatsiyalar va rasmlar yordamida bu ma'lumotlarni yaxshi eslab qoladilar, matnning barcha unsurlarini ko'ra oladilar.

Dars paytida aql-idrok xaritasini tuzish algoritmi quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi:

**1-qadam.** Mavzu, g'oya, predmet, obyekt, obraz tanlanadi, masalan, A'zam O'ktamning "Xabar" qissasi

**2-qadam.** Qog'ozning o'rtasiga mavzuning katta rangli obrazini chizamiz (joylashtiramiz).

**3-qadam.** Assotsiatsiyalar topamiz: mavzuning tasviri bilan bog'liq xayolimizga kelgan har bir narsani alohida qog'ozga yozamiz, masalan: qissa, A'zam O'ktam, hadis, Akrom, Tavfiq, Mahsum, sotqin, boylik, Qo'qon, qotil, islom, erkinlik, imom, mardikorlik, maishat, qo'rboshi, ziyofat, Xosiyatxon, bid'at-xurofot, Nuriddin qozi, Odina, Umid va hokazolar.

**4-qadam.** So'zlar-assotsiatsiyalarni tartibga solamiz (ma'nosiga ko'ra guruhlarga ajratamiz):


- Akrom, islom, xadis, ma'rifat, e'tiqod, do'stlik, Xosiyatxon, Odina, Umid, erkinlik, tinchlik va h.k.
- Tavfiq, islom, boylik, maishat, qotil, beshotar, bolta, do'stlik va h.k.
- Nuriddin qozi, islom, mansab, boylik, sotqin, o'ch olish, qo'rqqoq va h.k.

**5-qadam.** Xaritaning tuzilishini aniqlab olamiz: guruhlangan so'zlar-assotsiatsiyalar uchun kalit so'zlarni va asosiy iboralarni tanlaymiz: Akrom, Tavfiq, Nuriddin qozi va h.k.

**6-qadam.** Ob'ektning chizilgan rasmiga shoxlarni qo'shamiz - bu tuzilmaning asosi bo'ladi. Shoxlar soni kalit iboralarlar va kalit so'zlar soniga teng.

**7-qadam.** Biz tuzilmani so'zlar-assotsiatsiyalar bilan to'ldiramiz, ularni asosiy shoxlarga tegishli shoxchalarga joylashtiramiz.

**8-qadam.** Biz xaritani chizmalar, belgilar bilan jonlantiramiz.



Xulosa qilib aytganda, aql-idrok xaritasi quyidagi o'ziga xos xususiyatlarga ega:

- ko`rgazmaviylik. Uning ko'p tomonlari orqali butun muammoni bir qarashda ko`rish mumkin.
- jozibadorlik. Yaxshi tayyorlangan aql-idrok xaritasi o'ziga xos estetikaga ega, uni ko'rib chiqish nafaqat qiziqarli, balki yoqimli hamdir.
- esda saqlashlik. Miyaning har ikkala yarim sharlarining faollashishi, tasvirlar va ranglardan foydalanish tufayli aql-idrok xaritasini eslab qolish oson.
- o`z vaqtidaligi. Aql-idrok xaritasi ma'lumot yetishmasligini aniqlashga va qanday ma'lumot yetishmayotganligini tushunishga yordam beradi.
- yaratuvchanlik. Aql-idrok xaritasi ijodkorlikni rag'batlantirib, muammoni hal qilishning nostandart usullarini topishga yordam beradi.
- qayta ko'rib chiqish imkoniyati. Bir muncha vaqt o'tgach, aql-idrok xaritasini qayta ko'rib chiqish yaxlit manzarani o'zlashtirishga, eslab qolishga va

*yangi g'oyalarni ko'rishga yordam beradi.*

Texnologiya usullaridan foydalanish ma'lumot bilan, matn bilan mulohazali ishlash ko'nikmalarini rivojlantirishga qaratilgan. Ko'rib chiqilgan usullardan badiiy asarlar bilan ishlashda ham, ilmiy, ilmiy-ommabop, publisistik yoki adabiy tanqidiy mazmundagi matnlarni o'rganishda ham foydalanish mumkin.

#### **Adabiyotlar**

1. Муштавинская И.В. Технология развития критического мышления на уроке и в системе подготовки учителя. – Санкт-Петербург: КАРО, 2017.
2. [http://bershadskiy.ru/index/metod\\_intellekt\\_kart/0-32](http://bershadskiy.ru/index/metod_intellekt_kart/0-32). сайт Михаила Евгеньевича Бершадского.
3. Бьюзен Т. Суперинтеллект / Т. и Б. Бьюзен; пер. с англ. Ю.Е. Андреева. 3-е изд. – Мн.: Попурри, 2007. – 400 с.
4. Бершадская Е.А. Способы введения метода интеллект-карт в начальной и основной школе. Современные образовательные технологии.

**Илмира НАБИЕВА,**  
**Тошкент Молия институти**  
**академик лицейининг ўзбек**  
**тили фани ўқитувчиси**

### **АЪЗАМ ЎКТАМ ШЕЪРИЯТИДА ОНА ТИЛИ МАВЗУСИ**

**Аннотация.** Мақолада таниқли шоир ва публицист Аъзам Ўктам шеъриятида она тили ва миллий ўзлик туйғусининг интеграцияси ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Миллий тил, маданий мерос, тараққиёт, тил тарихи, ижодий фикр.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармонида “Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб

келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилаш”<sup>25</sup> алоҳида таъкидланган.

Таниқли шоир Аъзам Ўктамнинг “Тил”, “Ўтинч”, “Онам фотиҳаси”, “Тилим”, “Англаганим” каби шеърларида она тилини ватан тили, табаррук тупроқ тили сифатида улуғлайди. Сўз танлаш ва қўллашда, уларга янгича руҳ бағишлашда ижодкорнинг маҳорати беқиёсдир. Шоир она тили таълимини қадрият таълими деб билади.

*Сигмаяпман энди ҳеч ерга,*

*Ўхшайман тўқайда қолганга.*

*Жаннат бўйи уфурар ундан,*

*Сўзи йўқ,*

*Энг бой, гўзал тил.*

*Чет тилими, она тили бу?*

Она тилига муҳаббат туйғуси худди ватан туйғуси каби одамнинг руҳида яралган бўлади. Инсоннинг заковати, дунёқараши, туйғулари оламга ва одамга муносабати, шубҳасиз, ўз она тилининг ҳолати ва ҳарорати билан боғлиқ бўлади. Эндигина тили чиқаётган гўдак ҳеч қандай қийинчиликсиз она тилини фавқулодда тез ўзлаштиради. Ўз-ўзидан унга ҳеч ким атайин ўзбек тилининг грамматикаси ёки стилистикани ўргатмайди. Бинобарин, унинг қонида ва руҳида она алласи билан сингган она тили бор.

Шоир она тилини мадҳ этар экан, меҳр билан, “жаннат бўйи уфурар ундан”, дейди. Тилимиз орқали биз миллий қадриятларимиз ва халқ

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ЎЗА, 2020й. 20 октябрь

ҳикматларининг моҳиятини тушунамиз.”Ўтинч” шеърида Аъзам Ўктам тилга ортиқча эрк бермасликни, тилни дилдек ва элдек асраш кераклигини уқтиради:

*Тилим, қўрқинчларим сендан,  
Хатарли сенга эрк бермоқ,  
Ўтинчим: ўзидин доим  
Сен умиди ҳидоят қил.*

Она тилини билиш, севиш ва қадрлаш орқали инсон миллий ўзлик туйғусини англайди. Миллий ўзликни англаш ва миллий ғурур миллий тафаккур тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Аъзам Ўктам ҳали ўзбек тилига давлат тили мақоми берилмаган 1986 йилда ёзган “Англаганим” шеърида она тилимизнинг аҳволига бутун жону-жаҳони билан ўкинади, қаттиқ изтироб чекади:

*Неча йил тишлаб тилимни,  
Сўз демай юрдим-да жим.  
Сўнг таниб қолдим элимни,  
Бирдан ўзимни англадим.*

Улуғ аждодларимиз она тилимизда минг йиллар мобайнида гўзал мўъжизалар яратганки, бу маънавий обидалар ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Миллий ўзлигини англашга, комилликка интилаётган ёшлар она тилини она ватандек, юрт байроғидек асрашлари ва унга садоқат, эҳтиром кўрсатишлари шарт. Аъзам Ўктам фикр ва туйғу ифодаси учун зарур сўзларни қатта маҳорат ва заковат билан танлайди. Миллий тил имкониятларини адабий тилга, шеъриятга олиб кириш учун шоир ёш авлодга ибрат бўладиган даражада маънавий жасорат кўрсатди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони ЎЗА, 2020й.20 октябрь

2. Баходир Карим Аъзам шоирнинг ўктам овози. Рухият алифбоси. Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Т., 2018.
3. Аъзам Ўктам. Кузда кулган чечаклар. Т. 1989.
4. Аъзам Ўктам. Тараддуд. Т. 1993.
5. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат. Т.2019.

**Юлдуз БОЙҚОБИЛОВА**

**Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги**

**257-умумтаълим мактаби**

**ўзбек тили ўқитувчиси**

## **11-СИНФДА АЪЗАМ ЎКТАМ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ**

### **Аннотация**

Мазкур мақолада рус тилида ўқитиладиган мактабларининг 11-синф ўзбек тили дарсларида таниқли шоир Аъзам Ўктам ижодини ўрганишда таълим ва тарбиянинг инновацион интеграцияси тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар.** Шеърият, ўзбек миллий қадриятлари, тандир, буғдой, нон, тил таълими.

Кейинги тўрт йилда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини юксалтириш, республикамиз умумтаълим мактабларида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга замонавий ахборот технологиялари асосида билим бериш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнида таълим-тарбияга интерактив методлар, инновацион технологияларни жорий этишга эътибор ва талаб кучаймоқда.

Мухтарам Президентимиз Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-

фан, таълим ва тарбиядир.Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи,биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ” [1], эканлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бинобарин, юқори синф ўқувчисининг дунёқараши, қизиқишлари, билимга муҳаббати шаклланишида ўзбек тили фанининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.Умумтаълим мактабларининг 11-синф “Ўзбек тили”дарслигига таниқли шоир ва таржимон Аъзам Ўктамнинг “Пишиқчилик” ҳамда “Далил” шеърлари киритилган.

Таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ҳамкорлик фаолиятига хос онгли интизомни ташкил этишгина ўқувчининг билим эгаллаш ва мустақил фикрлашга ўргатиш муҳитининг янада такомиллашуви ва юксалишига олиб келади.

Ҳозирги замон юқори синф ўзбек тили ўқитувчиси касбий фаолияти, мослашувининг самарали кечишида замонавий ўқитиш услубининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобланган қуйидаги тамойилларга қатъий амал қилиши мақсадга муваофикдир. Ўқувчиларга Аъзам Ўктамнинг дарсликка кирган шеърлари моҳиятини тушунтириш жараёнида қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофикдир:

- Таълим жараёнини илмий-ғоявий тамойилларга мослаб дастурлаштириш(режалаштириш) ;

- Ўқув-билув материалининг мураккаблик даражаси ва ўрганиш суръатининг ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларига мослаштириш;

- Ўқувчиларнинг ўзбек адабиёти ва тили бўйича назарий ҳамда амалий тайёргарликларини ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига сингишини таъминлаш;

- Ўқувчиларнинг ўзбек адабиётига қизиқтириш орқали уларнинг фаоллиги ва таълим жараёнининг замонавийлигини ошириш;

Аъзам Ўктамнинг “Пишиқчилик” шеърининг моҳиятини тушунтиришдан олдин шеър ўқувчиларга ифодали ўқиб берилади:

Тегирмон шодланиб айтар ашула –  
Тўлишган буғдойга қучоғи тўлар.  
Уни ўйлай-ўйлай  
Жонидан тўйган  
Буғдойлар қовоғин очмасдан келар.

Ижодкор услубининг алоҳида бир жиҳати *жонлантириш* бадиий тасвир воситасидан маҳорат билан фойдаланганлигида эканлиги мисоллар асосида тушунтирилади. Шоир шеърда қайси сўзни қўлламасин, қандай ибора ёки бадиий тасвир воситасидан фойдаланмасин, уларнинг барчаси аниқ ва конкрет маънони ифодалашга, матннинг таъсирчанлигини оширишга бўйсундирилган:

Овози борича ҳайқирад тандир:  
“Қийқиринг , болалар,  
Ризқингиз бутун!”  
Нон юзи қизарар жилмайганидан,  
Жилмаяр қизариб кетгани учун.

Шоирнинг завқу севинчи, шодлиги, эртанги кунга бўлган умиди мисраларга ажиб мусиқийлик бахш этади. Ўқувчиларга *буғдой, нон, тандир* атамалари ўзбек халқида фаровонлик, ризқи бутунлик, қут-барақа ва тўкинлик рамзи эканлиги тушунтирилади. Буғдойзор, тандир ва нон ҳақидаги видео ролик ўқувчиларга намоёиш этилади. Савол-жавоб тарзида суҳбат уюштирилади. Шеърнинг хотимаси ўқилади:

Бу пайтда буғдойзор чиқармай нафас,  
Тегирмонни ўйлаб сесканиб кетар.  
У эса тумтайган буғдой ҳақида,  
Энтикиб-энтикиб қўшиқлар айтар.

“Пишиқчилик” шеърининг тилида шоир Аъзам Ўктамнинг истеъдоди, ўзбек тилининг ички имкониятларини, маъновий қатламлари ва жозибаторлигининг янги қирраларини кашф қилишда ўзига хос услуби ёрқин намоён бўлган.



**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. / ЎЗА, 2020 йил, 30 сентябрь.
2. Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. 3. Аъзам Ўктам. Осмон яқин ... : Шеърлар. – Т: , 2011. – 160 б.
4. Аъзам Ўктам. Саҳар вақти юрак йиғлар... Шеърлар. –Т: , 2014. – 304 б.
5. Аъзам Ўктам. Тараддуд: Шеърлар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 80 б.
6. Аъзам Ўктам. Тўмарис билан суҳбат: Шеърлар. – Тошкент: Муҳаррир, 2019. – 92 б.

**АЪЗАМ ӰКТАМГА БАҒИШЛАНГАН ШЕЪРЛАР**

Рауф ПАРФИ,  
Ўзбекистон халқ шоири

*Аъзам Ўктамга*

Зангори Оғочман. Ҳозир осаман.  
Қайта тириламан тўлиб сеҳрга.  
Меҳражоннинг қанотини ёзаман,  
Дунёларни тўлдираман меҳрга.  
Мен қишман, бошимда азалий оқтош,  
қонли булутларга бурканиб қотган.  
Мен баҳорман, музлаган оташ —  
Зулматнинг жизғанақ тонглари отган.  
Адабий Коинот бирла қоламан,  
Ўлсам чирқирайди овозим танда.  
Энг янгроқ юлдузни узиб оламан,  
Эзилган, хўрланган баргман тубанда.  
  
Ёлғиз ўзим халқман, ўзим оломон,  
Мен шоирман ахир, шоҳман, эй банда.

**Анвар ОБИДЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири**

**РУҲЛАР**

Ҳеч Муҳаммад Юсуфга,  
Тинчлик бермас ўй-хаёл  
Неча вақтки  
Бошида –  
Айланади бир савол...

Кўриб Аъзам Ўктамни,  
Қучоқлашди, ўпишди.  
Сўнг сўради:  
- Ошнажон,  
Мени қайга кўмишди?

**АЪЗАМ ЎКТАМ ЁЗМОҚЧИ**

**БЎЛГАН ШЕЪР**

Онажон, қийнаманг ўзингизни-да,  
Мени-да “оромсиз бола пақирни”.

Қор қилмас,

Аллангиз энди беҳуда.

Ухлатмоқ мушкулдир уйғоқ

Шоирни.

Онажон, шоирлик мансаби оғир,  
Эл ғамида тун-кун тийракдир кўзи.

...Раҳми келиб унга

Бир куни охир

Ухлатиб қўяди Тангрининг ўзи!

**Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА**

**Ўзбекистон халқ шоири**

*Аъзам Ўктам хотирасига*

**Йиғладим**

Бўйдор бир дўст кетди. Келди бўйдор ғам,  
Куюндим. Бўтадай бўзлаб йиғладим.

Айрилиқ – юк. Босди. Ғичирлаб синдим,  
Қуюн ичга урди. Музлаб йиғладим.  
Фақат олдга оқар дарё эканмиз,  
Қайтмас дарёларни излаб йиғладим.

Рўзи маҳшардами энди кўришмоқ...  
Ўзим ўз-ўзимга сўзлаб йиғладим.

Ҳазин-ҳазин найнинг ноласи келди,  
Менам шул нолага мослаб йиғладим.

Бу кеч тик теракка суянганимча  
Кетган дўстларимни эслаб йиғладим.

29 январь 2002 йил

**Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири  
ҚЎҚОН ШАМОЛИ**

*Аъзам Ўктамга бағишлайман*

Ўқтин-ўқтин ғазаб отига миниб, Ваҳшат солар телба Қўқон  
шамоли. Кўзларинг қисилиб, кулоғинг тиниб, Ажрата билмайсан ердан  
самони.

Уч кун давом этар талотум, қутку, Уч кун катталарнинг тилида  
дуо. Уч кун эл тақвога бурканар буткул,  
Рамазонда шунча ёдланмас Худо.

Аёллар мунис ва мушфиқ янада, Ненидир сарҳисоб қилар  
эркаклар. Дунёдан узилган сирли хонада Гўжалоқ болалар тинглар  
эртақлар.

Нам тортган деворлар қулайди гуппа, Ўқилдизи калта дарахтлар  
қулар.

Қуртлаган мевалар ер билан битта, Тегманозик гуллар, заифа  
гуллар...

Буюк имтиҳон бу! Буюк синов бу! Борни бор, йўқни йўқ қилиб  
бергувчи.

Бошингга зўр савдо тушмасдан бурун Кимнинг кимлигини  
билиб бергувчи!

Яшаш қандай енгил – шамолдан кейин Ажиб бир хушҳоллик,  
бир ажиб сурур. Ғуборсиз ҳаволар ипакдек майин... Шамол, сенга  
қуллук, сенга ташаккур!

...Битта гап эсимдан кетмайди ҳамон:

Бир сайёҳ – эл кезиб ризқини терган, Шамол мавсумига тушиб  
ногаҳон, Кўчиб кетмайсизми, деган, бу ердан?

Банда тадбир қилар, Яратган —  
тақдир,  
Қисмат қуюнида чирпираб учдим.  
Сайёҳнинг сўзидан кулгандим охир —  
Шеъримга эргашиб пойтахтга кўчдим...

Қарайман, қуртлаган юраклар тўп-тўп,  
Илдизсиз оғочлар тегар ғашимга.  
Аҳёнда кўтариб сурон, талотўп, Тентак шамолларим кирар  
тушимга.

Нозик ниҳоллари бўлсалар паймол,  
Розиман, бўйнимга барин уволи.  
Бир марта тескари юрсанг, юрақол, Тошкентда кутаман, Қўқон  
шамоли.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

Азиз тупроқ остидаги осмоним,  
Ўзидан сўнг сўзи қолган омоним,  
Билмам кимга яхши, кимга ёмоним,  
Ўксиб-ўксиб ўктам сўзни соғиндим.  
Қалбидаги қайғуларин сочмаган,  
Адолат деб курашлардан қочмаган,  
Дил дарчасин ҳар кимларга очмаган,  
Азоб ила аъзам сўзни соғиндим.  
Тўмарисга тўколмаган туйғусин,  
Оҳ, Темурга айтолмаган севгисин,  
Юрагини нима еган, ким билсин,  
Аламларда кечган кунни соғиндим.  
Қутлуғ қалам бўлди унинг қўллари,  
Бунча оғир кечди шоир йўллари,  
Эрта сўлди кузда кулган гуллари,  
«Тараддуд»да кетган кўзни соғиндим.  
Билмам, кимдан розидирсиз, кимданмас,  
Қабр турар сукунатда, гапирмас,  
Бўлди сўзим тугатаман, энди бас,  
Аъзам Ўктам, рости сизни соғиндим.



**Нодир ЖОНУЗОҚ**

**ШОИР**

Шоир эди - мард ва ўктам,  
Қўрқарди у на ўт, на ўқдан.  
“Нега эрта кетди?” деманг,  
Асли кўқдан эди, кўқдан.  
Чакмоқ унинг тиғи эди,  
Офтоб мангу туғи эди.  
“Хуш келдинг” деб қувнар осмон,  
Ерда фақат йиғи энди.  
Адоват не, недир ғараз,  
Ярашмасди унга араз.  
Аммо бироз ранжиб кетди,  
Кўкси ёмон санчиб кетди.  
Энди олисдир орамиз,  
Гарчи “кел” деб ёлборамиз.  
Қайтиб келмас асло Ерга,  
Бир кун излаб биз борамиз...

Раҳимжон РАҲМАТ

## АЪЗАМ ЎКТАМ

1

Аъзам Ўктам, дўстим, қалайсиз,  
Пар тўшакми ётган жойингиз.  
Ҳақгўйлигу ору номусдан  
Қорилганди сизнинг лойингиз.

Нега сиздек покиза инсон  
Бу ҳаётдан эрта кетдингиз.  
Ҳаммасига қўл силтаб илқис  
Тўғри бориб гўрга ётдингиз.

Аъзам Ўктам, дўстим, қалайсиз,  
Сиз мақсадга эрта етдингиз.  
Оёғингиз лойга теккизмай  
Бу балчиғдан сакраб ўтдингиз.

Сездирмасдан кетиб қолибсиз,  
Балки икков бирга кетардик.  
Ер остида бежавотир, тинч  
Эрк ҳақида шеърлар ёзардик.

2

Бизлар ҳали узоқ яшаймиз,  
Энди чикдик пойидан тўрга.  
Дўсту ёру номусу орни  
Сотиб кейин кирамиз гўрга.

Бизлар хали узоқ яшаймиз,  
Энди бизни танияпти эл.  
Қорин қўйдик, она ватаннинг  
Хизматига боғлаганмиз бел.

Биз бекорчи одам эмасмиз,  
Тупирганмиз эрку зиёга.  
Томоққача балчиққа ботмай  
Кетиш йўқдир нари дунёга.

Эрк истабон сиқилса юрак  
Бу касалнинг давоси осон.  
Битта тўйиб маст бўламиз, бас,  
Бизда ҳозир ароқлар арзон.

Кўзни юмиб, тилни тийсанг, бас,  
Золим билан келишса бўлар.  
Золим анча хотамтой экан  
Ўйинг тўри буғдойга тўлар.

3

Аъзам Ўктам, дўстим, қалайсиз,  
Сиз жаннатда қаймоқ ялайсиз.

## Dilek

*Turk tilidan Maъруфжон Йўлдошев таржимаси*

Şiir - bela, aşk - bela, söz - bela,  
Belalar başlardan eksilmesin hiç.  
Şiir - özlem, aşk - özlem, söz - özlem,  
Dünyadan özlemsiz gitmeyelim hiç.  
Saadet, sadakat - alevdir.  
Biz sonsuz yanalım alevde.  
Ev- Vatan, küy - Vatan, hayal - Vatan,  
Arzular gerçek olsun Vatanda...

**Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА**

**ШОИРЛАР ҲАҚИДА СЎЗ КЕТГАНИДА**

*Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллигига*

Улуғлар хақида Сўз кетганида,  
Шоирлар хақида Сўз кетганида,  
Зор кўнгилни тўкиб,  
Руҳни силкитиб,  
Ибодат қиламан Сўзнинг пойида.  
Ўшал буюк Сўзни, буюк шоирни  
Аслида яратган – жафокаш халқим.  
Ўктам шоирларнинг ўктам овозин  
Дунёга таратмоқ тириклар ҳаққи.  
Қанча буюк Туйғу, қанча буюк Ғам,  
Қанча буюк Шодлик – кўзлардаги нам.  
Ўзи кетиб Сўзи қолганлар ичра  
Бор эди зўр шоир Аъзам Ўктам ҳам.  
У қолдирган Сўзни кўнгилма кўнгил,  
Ўтказинг нон каби асраб-авайлаб.  
У Сўз деб оловли йўллардан ўтган  
Гоҳида қувониб, гоҳида йиғлаб.  
Бу кун масрур-масрур буюк халқимга  
Боқий дунёлардан боқаркан шоир.  
Буюк Сўз таратган буюк Нур каби,  
Бағрингда яшнатгил, уни Она Ер.

*Абдурахмон ЖўРА*

## АЪЗАМ ЎКТАМГА

Дил куйдию  
юрак оғриди,  
Акамдек суяниб қолган эканман.

Хануз ўтирибман  
ўзимга келмай,  
Наҳотки айрилдик Аъзам Ўктамдан.

Излаб борганимда  
топмадим Сизни,  
Чақирсам не учун бермайсиз овоз.

Адашмай яхшини  
Топдими ўлим,  
Энди янграмасми хуш ёқувчи соз.

Қани у? Қаерда?  
Зийрак нигоҳу,  
Меҳр ила юкракка малҳам бўлишлар.

Ўктам овози-ла  
ҳол-аҳвол сўраб,  
Ўткир фикр айтиб, яйраб кулишлар.

Куни кеча

қидириб келмадим нечун,  
Билсайдим бағримга босардим тўйиб.

Сизга термулганин  
аввал билсайдим,  
Олардим ўлимнинг кўзини ўйиб.

Агарда элимга  
Бирор ғам келса,  
Қандоқ мен ўзимни олайин четга.

Дўст қани?  
қайғуриб назар ташлайман,  
Яна бир шоирсиз қолган шу юртга.

**Хайрулла ҲАМИДОВ**

**АЪЗАМ ЎКТАМНИ ЭСЛАБ**

Олтмиш учни росул ёши деб,  
Атаганлар хато қилади.  
Пайғамбарнинг ёши аслида,  
Чилла киргач босиб келади.

Ахир, ваҳий ёғмиш ушбу он...  
Сен ўлимнинг қошидадирсан.  
Дўстим, қирққа кирдингми, тамом,  
Пайғамбарнинг ёшидадирсан.

Энди Худо гар умр берса,  
Кетсанг ўша “олтмиш уч” тараф,  
Росул қандай яшаган бўлса,  
Сен ҳам шундай яша бошараф.

**ИККИ УСТОЗ**

Шеъримда нуқсон кўп, сезилар таҳрир,  
Куйлашга ожизман замин, осмонни.  
Аъзам Ўктам деса, юрагим оғрир,  
Кўнглим кўмсайверар Шавкат Раҳмонни!

Назмий гулистонда қағиллар қарға,  
Баҳор ўртасида кузги тасаввур:  
Хаёлим тўрида Аъзам Ўктам ва  
Шавкат Раҳмон дегич мусаввир.



Ўйлагим келмайди инжиқ эртамни,  
Дилим солингандек ўч палаҳмонга:  
Соғиниб чарчадим Аъзам Ўктамни,  
Юрак тўймас эди Шавкат Раҳмонга...

Ҳамон тугамаган Ёшлик эртаги,  
Икки китоб ёнар кўзим ўнгида:  
Аъзам Ўктам эди бир қўлимдаги,  
Иккинчиси Шавкат Раҳмонники-да.

...Мен қаттиқ севаман қадим ўлкамни,  
Шукрим яшаганим шундай замонда:  
Бир кўзим кўрганда Аъзам Ўктамни,  
Бир кўзим мусаввир – Шавкат Раҳмонда.

**Tavsif**

She'riyatning hayqiriq ovozi -

A'zam O'ktam,

Jasoratdan yo'nilgan ham sozi –

A'zam O'ktam.

Yaqin tarix kechmishin insho etar kunma-kun,

Zamona qalam o'lsa, qog'ozi –

A'zam O'ktam.

Qo'qon shamol kuyiga qo'shiq aytar yulg'unlar,

Buvaydaning yuz yillik bayozi –

A'zam O'ktam.

Qirq yilda bir yigit bino bo'lar demishlar,

Umr salmog'i o'lchar tarozi –

A'zam O'ktam.

Adashib din, millatga til tekizar bo'lsalar,

Qabrda ham tik turar, norozi –

A'zam O'ktam.

Til duoda, ko'zda yosh, qalb qo'rquvda tong sahar,

Manglayning joynamozga dil rozi –

A'zam O'ktam.

Uch oylab chimmatini yechmas Bibi Ubayda,

Tumani xijob yurtning ayozi –

A'zam O'ktam.

Bari o'tdi, chidadik, inshaalloh, nazmning

To qiyomat pastlamas parvozi –

A'zam O'ktam.

Odil Og'a

*QIRQINCHI QISH*

*Ustoz A'zam O'ktamga*

Aytdilar: bu yil qish qattiq keladi,  
Daraxtlarning bargi uchdan to'kilmish.  
Itlar g'ingshiganga o'xshab huradi,  
Xunuk bolaladi o'lkada mish-mish.

Salom, xush kelibsan, qirqinchi qishim,  
Tomlar qulog'ida shaffof sirg'alar:  
Sovuq manzaradan uchadi hushim,  
Shunchalar ko'pmidi yurtida qarg'alar?

Ko'ngilda shaklsiz ayqash-uyqash his,  
Ekranlarda yangrar bayramlik navo.  
Ziynatga ko'milib yashaydi Qorqiz,  
Taxtini tilladan quyar Qorbobo.

Uydagi yo'qchilik jonidan o'tib,  
Duoga og'zini ochar mo'rilar.  
Qo'ylarning qonini qorlarga to'kib,  
Qishning qo'shig'ini kuylar bo'rilar.

Ko'k - tobora olis, yer muzlab qotar,  
Qish yarmida tugab qolganday ko'mir.  
O'tgan yoshligimga tutaman motam,  
Begonaga o'xshar endigi umr.

So'zim amalimga emas muvofiq,  
Osh - Xudoyim mening, payg'ambarim - non.  
Katta ayb emas bo'lmas munofiq,  
Eng katta gunoh, bu - bilmaslik yolg'on.

Ko'nglimni hech kimga ko'rsatmagayman,  
U - muzlik ostida mavjlangan anhor.  
Yana yuzta qishni yengishga shayman,  
Menga kuch beradi qirqinchi bahor!

Хуршидбек РЎЗИЕВ

Бергучи бир, олгучи ҳам,  
Не қиламиз дунё бир кам,  
Тошшаҳардан топган акам,  
Аъзам Ўктам, Аъзам Ўктам.

Кўз тегдими кани Тумор?  
Қишлар тирик ўлди баҳор,  
Ҳар лаҳзада қилар хумор,  
Аъзам Ўктам, Аъзам Ўктам.

Сал қоқинсам суянганим,  
Бир шодлансам қувнаганим,  
Кулиб, куйиб тугаганим,  
Аъзам Ўктам, Аъзам Ўктам.

Севги билан меҳр қолди,  
Яшалмаган умр қолди,  
Низомиддин, Темур қолди,  
Аъзам Ўктам, Аъзам Ўктам.

Тинглар эди дардим тўксам,  
Тиргак эди қаддим буксам,  
Юрсам дердим сиздек ўктам,  
Аъзам Ўктам, Аъзам Ўктам.

Ғафуржон ГОЖИБОЕВ

4 октябрь Ўзбекнинг миллатпарвар ва жўмард шоири

АЪЗАМ ЎКТАМ туғилган.

-----

1938 йил 4 октябрда Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон

қатл этилган.

-----

#### 4 ОКТАБРЬ

*Шоир АЪЗАМ ЎКТАМ хотирасига*

Қандай кун бўлдики,

тонг отмасданок,

Уйғониб кетибман

ўқ овозидан.

Қарадим, кўкда ҳам

тонг юлдузи йўқ,

Ғамгин куй таралар

кузнинг созидан.

Кун бўйи эркимни

поймол этдилар,

Ўттиз саккизинчи

йилдаман, эй воҳ!

Ватан, ботирларинг

шаҳид кетдилар,

Қолганлари эса

сотқин ва қўрқоқ.

Эрк деган Қодирий,

эрк деган Чўлпон,  
Эрк деган Фитратинг  
овози қани?!  
Нахот сотқинларга  
қолди Туркистон,  
Нахот кўрқоқларга  
қолди Ватани!..

Дод солиб қайтардим  
қаттол замондан,  
Бир шоир шеърларин  
тутқаздинг, Хулкар.  
Ўқидим, юпандим  
ва дедим: қондан  
Қонга тортар миллат  
чинори улкан.

Англадим, шоирки  
сўзлар сочолса,  
Мазлум юракларнинг  
тубсиз қаъридан.  
Миллат миллат бўлар  
униб чиқолса,  
Буюк чинорларнинг  
илдизларидан.

Қандай кун бўлдики,  
йиғлатар ўзи,  
Қандай кун бўлдики,  
юпатар ўзи!

Жонтемир ЖОНДОР

БУГУН

Ўндан тўққиз шоир майдагап,  
Мардлар чиқар аҳён-аҳёнда.  
Туғилсайди дейман қайтадан,  
Аъзам Ўктам, Шавкат Раҳмонлар.

Халқим, пошшо кўзига қараб,  
Кўрқмай дардинг айтгувчилар кам.  
...Дорда қалкиб турибди Машраб...  
Бериб қўйдинг Абдуллани ҳам.

Дурустлардан о, ким ҳам қолди?  
Тинган, саси чиқмас бирининг.  
Бири Фурқат мақомин олди,  
Қолганлари ялтоқ, керилиб

Олқишларкан ватанни тилда,  
Ғоз юришар сочни турмаклаб.  
Қарсакбозлик қутурган элда  
Кўқарарми олов юраклар?!

Юзи силлик, сўзи мулойим  
Маддоҳларни тинглашдан тийил.  
Улар ўзин ўйлайди доим,  
Семирса бас, ризқингни қийиб.

Қачон учқун сачратган кесак,



Гўнга тикма, халқим зарингни.

Ич-ичимдан покланай десанг,

Саралаб ол, шоирларингни.

Саралаб ол, шоирларингни.

Ниятулло ЭЛБЕК ўғли

АЪЗАМ ЎКТАМГА

Ихлосим сўлганди тамоман, бесар,  
Юраксиз шоирлар кўпайиб кетган.  
Ҳақиқатдан бошлар шеър ёзар бўлса,  
Аммо ҳақ учраса ўтадир четлаб.  
Дил тилида ёзмас, ёзгани бода,  
Сўзнинг уволидан тортмас сира ғам.  
Тутун, тамакига бўрқсиган хона,  
Ва шеърлар ёзади алахсираган...  
Уйғоқ юракларга етмайди кучи,  
Алжироқ сўзлардан топмадим маъни.  
Ёзмас жаҳолатдан уйғотмоқ учун,  
Ухламоққа чорлаб яшар оммани.  
Чандон зериккандим назм чоҳидан,  
Токи топгунимча Аъзам Ўктамни.  
Кирдим шеъриятнинг гулгун боғига,  
Хуш ҳидга тўлдириб санчиқ ўпкамни.  
Илк бора кўрдим мен назмнинг кучин,  
Шеърлар ёзиб қоғоз ёндирган қўлни.  
Кетарда енгилроқ жон бермоқ учун,  
Танлаб яшадингиз оғирроқ йўлни.  
Шоирга шундайин мардлик керакдир,  
Собит қололдингиз муслим аҳдида.  
Мудраб, ғафлат босган қанча юракни,  
Уйғотиб кетдингиз Саҳар вақтида!

Мукаррамой АСҚАРОВА

ЙИҒЛАМА...

*Хулқарга*

Йиғлама, Аллоҳга исён бўлмасин,  
Дўстлар хафа бўлиб, душман кулмасин!  
Умринг гули хазон бўлиб, сўлмасин,  
Яхшилар яшасин, бевақт ўлмасин...  
Шоирга биринчи мадақкор бўлдинг,  
Йиғласа-йиғладинг, кулганда-кулдинг,  
Омади келганда – қувончга тўлдинг,  
Йиғлама, Аллоҳга исён бўлмасин,  
Умринг гули хазон бўлиб, сўлмасин...  
Бир куни йўлингдан чиқди бир чаён,  
Нақ нозик дилингга ниш урди ёмон,  
Бошинг тошдан экан, қолдинг-а омон,  
Йиғлама, Аллоҳга исён бўлмасин,  
Яхшилар яшасин, бевақт ўлмасин...

*Шаҳодат Абдурахимзода*

### ҲАВАС

Юракда уйғонган ажиб бир ҳавас,  
Орзулар уйидан келтиради сас.  
Эҳ, машҳур юлдузлар, айтсам сизгамас,  
Ўхшагим келади Аъзам Ўктамга.

Ижодига тикдим тун-кун кўзимни,  
Ширин азобларда сездим ўзимни.  
Шеърят изн бер, айтай сўзимни,  
Ўхшагим келади Аъзам Ўктамга.

Минглаб қалбга кирган учқур кўз инсон,  
Ҳар нафас, ҳар жойда ҳақ сўзу бийрон.  
Ҳаётда, ижодда мен ҳали ҳамон,  
Ўхшагим келади Аъзам Ўктамга.

Қисқа умр берди шоирга ҳаёт,  
Аммо сира ўлмас ундаги баёт.  
Устозлар, минг раҳмат бердингиз сабот,  
Лек ўхшагим келар Аъзам Ўктамга.

**Shahrizod SHODIYEV**

**Shoirning ayoli**

*A'zam O'ktamning rafiqasi*

*Hulkar Hamroyevaga*

Yig'ilmish shoirni yodiga olgan,  
Kimdir qog'oz olgan, kim bir parcha she'r.  
Kim aytur shoirdan kitoblar qolgan,  
Yana kim shoirni oramizda der.  
So'zlab boraverar qalbi quruqlar,  
Har so'zi mardlik der, har she'ri bardosh.  
Bir ayol, so'zlamas jimgina yig'lar,  
Shoirni eslaydi har bir qatra yosh...  
Sabotmi, mehrmi, Ishqmi u nadir?  
Yuzi ajinlar-la bezalgan xiyol,  
Ko'znimas yurakni yig'latgan satr –  
Shoiri neligin eslatgan ayol...

**Dilnura Hamdamova,  
Erkin Vohidov nomidagi  
ijod maktabi 8-sinf o'quvchisi**

**HAQIQAT**

**"Yil yiqilar yilning ustiga"  
(A'zam O'ktam)**

"Yil yiqilar yilning ustiga",  
Yulduzlarni qulatmoqda vaqt.  
Sayyoralar yugurar shoshib,  
Olovkulcha ko'rinar barvaqt.

Bu tarixiy qadim falsafa,  
Aylanadi olam, oy va yer.  
Yillar yilga yiqilgan sayin,  
Ado bo'lar bir siqim taqdir.

**Amirulloxon Ismoilov,  
Erkin Vohidov nomidagi  
ijod maktabi 8-sinf o'quvchisi**

**A'zam O'ktamga bag'ishlov**

Yuragim keng ko'chasida qilsam sayr  
Shamol esar Buvayda tomonlardan  
A'zam O'ktam izdoshlari deyishgan payt  
Jajji qalbim uchib yurar samolarda

Odamiylik osmonini yoritgan nur  
She'riyatning so'zin kuyga solgan shoir  
Insonlarni insonlikka chaqirgan va  
Kamtarlikning bari unda namoyondir.

Osmonlarda kezib yurgan yulduz misol  
Tunda hilol tizzasiga qo'ygan boshin  
O'zbekimning qahramoni yurt shoiri  
Satlari sado bo'lgan millatdoshim

**Muattar Mamatkarimova,  
Erkin Vohidov nomidagi ijod  
Maktabining 11-sinf o'quvchisi**

### **A'zam O'ktamga**

Uzun tun. Uyquga ko'chadi borliq,  
Shovqinli izg'irin boshlaydi kuyin.  
Ho'qandning mudraydi ko'chalari, lek  
Chirog'i o'chmaydi birgina uyning.

Negakim bu uyda boshlanar ijod,  
Misralar to'kilar hurlikka doir.  
Qalb qushin sayratib, faqat erk istab  
Bu hovlida yashar otashin shoir.

Kimnidir alqamas, madh etmas she'rda,  
Maddohlik uyidan yiroq olami.  
Jimgina yashashga qo'ymas yuragi,  
Hammadek yozishga ko'nmas qalami.

Uningdek bo'lmoqni istagan borki,  
Adabiy maydonda sinalmoq kerak.  
Haq so'zni baralla aytmoq chun, balki,  
Azam O'ktam bo'lib yaralmoq kerak...



**Hojimurod Qo'ziboyev,  
Erkin Vohidov nomidagi  
ijod maktabi 11-sinf o'quvchisi**

**Shoir A'zam O'ktamga**

Tonglarimiz otdi, turnalar qaytdi,  
Bulbullar tilida Navoiy bayti.  
Mujdalar kelganin hech kim bilmaydi,  
Ularni ko'rmoqqa pardalar qo'ymas.

O'ktam ovoz ko'rdim, so'z ko'rdim ko'rkam,  
Barchasi ohorli, barchasi bekam.  
Ajratib olmoqqa Yaratgan Egam,  
Oqlikka o'rangan qoralar qo'ymas!

Sarobi serjilo ekan odamning,  
Shartlari behisob ekan olamning.  
Bariga ko'nmoqqa A'zam O'ktamning  
Qalbida bitmagan yaralar qo'ymas.

Ishqqa asirligim, she'rga qulligim,  
Shoirda mehrimdan bo'lishi mumkin.  
Yo'li tikanligin, so'zi gulligin,  
Tavbasi bo'lmagan bandalar bilmas!

**Gulsanam Madrahimova,  
Erkin Vohidov nomidagi  
ijod maktabi 7-sinf o'quvchisi**

**A'zam O'ktamga bag'ishlov**

Qalblarda porlaydi ezgulik, ishonch,  
Yaxshilik ham unga jam bo'lar.  
Oq varoqqa yozilar har on, har dam,  
Yuragimda bitilgan, siz uchun she'rlar.

Mehrdan jo'shadi bu murg'ak yurak,  
Yana qo'llaringa olaman qalam.  
Bugun chalinyotgan o'sha olqishlar,  
Barchasi siz uchun ey A'zam O'ktam.

**Хулкар ҲАМРОЕВА**

## **СЎНГСЎЗ ЎРНИДА**

### **И Қ Р О Р...**

#### **1**

*Аъзам Ўктам отлиг дилбар инсон нафақат менинг дилимнинг дўсти – турмуш ўртоғим, фарзандларимнинг отаси – балки, энг аввало ноёб заковат эгаси – ёвқур ва шижоатли шоир, пухта тахрир мактабини ўтаган моҳир муҳаррир, бетакрор публицист ва носир, истеъдодли таржимон эдилар...*

*Шоирнинг вафотидан 18 йил ўтиб, навқирон Андижонда Аъзам Ўктам таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб 2020 йил 26 октябрда Халқаро илмий – амалий конференция ўтказилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фарғона вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан 6-7 ноябрь кунлари Қўқон шаҳри ва Бувайда туманида бўлиб ўтган Адабиёт кунларида Аъзам Ўктамнинг 60 йиллиги нишонланди. 18 йил... Бир инсоннинг балоғат ёши... тирикликнинг 18 минг саволи, 18 минг азоби...*

*Шоирдан мерос шеърлар ёғдусидан мунаввар шеърпараст бир кўнгилнинг фарзанду набиралар қувончларига қоришиқ 18 минг изтироби, 18 минг иқрори...*

#### **2**

1983 йилнинг ёзи. Мен универстетни битириб, аспирантурага кириш имтиҳонларини топшириш учун тайёрланаяпман. Укам Фарҳоджон кўпларнинг орзуси бўлган Ломоносов номидаги Москва Давлат Универстетига медалист сифатида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинган, қисқаси, қувончимиз чексиз эди. Шундай ажойиб кунларнинг бирида, дўкончадан сотиб олган янги газета-журналларни, одатимга кўра, жойида варақлай бошладим. Ўша йиллари машҳур бўлган “Совет Ўзбекистони санъати” журналидаги шеърят саҳифасига кўзим тушиши билан нимадир ўзига тортгандай бўлдию, ўқишга тутиндим. Катта йўлда

турганимни ҳам, дўкончанинг харидорларига халақит бераётганимни ҳам сезмасдим. Биринчи сатрларнинг ўзиёқ... Ё, худо, ахир, мен қачонлардан буён бунақа ўтли, исёнкор мисраларни ўқимаганман:

Сўзларни кўп масхара қилдим,

Қабри бўлди уларнинг қоғоз.

Бедардларнинг шеър деб ёзгани,

Бетаҳорат ўқилган намоз...

Ўзингиз ўйлаб кўринг, шўро диктатурасининг ҳукмронлиги инсоннинг ўзигагина эмас, балки унинг хаёлларига ҳам зуғум ўтказаетган ўша йилларда “таҳорат”, “намоз” деган сўзларни шеърда тилга олиб бўлармиди?.. Бу довюрак шоир ким, нега мен шундай жасоратли ижодкорни танимайман, ёши нечада экан... Шеърлардан шеърга сатрлар қатидаги шиддат, дардининг залвори ортиб бораверди. Мени қийнаётган тилсим учинчи шеърда бир оз ечилгандай бўлди:

Бир бошга бир ўлимни

бўйинга олдик-о, бўйинга олдик.

Ким ёмон бўлса уни

Худога солдик-о, Худога солдик...

### 3

Мен кейинчалик бу шеърнинг 1978 йилда ёзилганини билгач, ҳайратим янада ортди. Юрак қаъридан қоғозга кўчган покиза туғён, мисралардан уфуриб турган самимият бу туйғуларнинг сохта эмаслигини исботлаб турарди. Муҳаббат, ёшлик, гўзаллик ҳақидагина ўйлаш, шеър ёзиш мумкин бўлган лаҳзаларда кўнглини ғурбатларга ошно қилишга бу ёш шоир нега бунчалик шошилди экан?

Булар ҳақида мен кейинроқ ўйлагандим. 1983 йилнинг ўша жазирамасида эса, қўлимда журнал, оёғим остидаги ерни йўқотгандай, анча вақтгача мени сеҳрлаган мардона руҳнинг, ўктам сатрларнинг асири бўлиб юрганлигим рост. Ўшанда бу шеърлар шов-шувга сабаб бўлганди. Устозим, ўзбек ва жаҳон адабиётининг нуқтадон билимдони, нозиктаъб адабиётшунос

олим Талъат Солихов: “Замоновий ўзбек шеърлятидаги чинакам юксалиш, бутунлай ўзгача рух, ноёб истеъдод, ҳақиқий тўфон бу”, деган эдилар.

**4**

Ҳеч кимникига ўхшамаган фикрлари, сирли фалсафаси билан адабиёт аҳлини, биз каби шеърлят иштиёқмандларини ҳайратга солган бу туркум муаллифи – собиқ Тошкент давлат университетининг журналистика факультетининг 3-босқич талабаси Аъзам Худойбердиев экан...

Мен, ўзимга ва адабиётни тушунишимга ишончим баланд, бўлажак аспирант, талаба шоирни суриштира бошладим. Шундай қилиб, ўша ёзда яна бир ижодкор йигит Раҳмон Ҳожимурод орқали биз танишдик.

**5**

Университетнинг олтин йиллари. Озод Шарафиддинов, Аюб Ғуломов, Ғулом Каримов, Муҳаммаднодир Саидов, Умарали Норматов, Бегали Қосимов, Лазиз Қаюмов, Талъат Солихов каби устозларимиз туфайли ўзбек филологияси факультети ниҳоятда машҳур. Айниқса, Озод ака ва Талъат аканинг маърузаларида бошқа факультетдан келганлар ҳисобига аудиториялар тўлиб кетади. Журналистика факультети талабалари билан биз филологлар битта бинода ўқирдик. Улар биринчи, биз эса тўртинчи қаватда.

Январнинг изғиринли кунларидан бирида Ёзувчилар уюшмасига бориш мақсадида кетаётиб, Аъзам акани учратиб қолдим. "Кеча Қўқондан келдим. Янги шеърлар ёзганман. Дарсга киргим йўқ. Сизга шеър ўқиб бермоқчиман. Баҳонада кузатиб қўяман", дедилар.

**6.**

Хурсанд бўлдим. Бекатга бордик-да, автобус кутгимиз келмади. Яёв йўлга тушдик. Аъзам ака тўхтаб-тўхтаб шеър ўқийдилар. Тизза бўйи қор ҳам, совуқ ҳам билинмайди. Мен эса бутун дунёни, борлиқни унутганча шеър тинглайман. Эрка самимият, фиркчанлик, фарғонача дилбарлик, чуқур мантиқ ҳукмронлик қилаётган куйма сатрлар ўқилиши билан ёд бўлиб қоляпти. Шу кайфиятда Талабалар шаҳарчасидан яёв Амир Темур хиёбонига

етиб борганимизни сезмай қолибмиз. Хайрлашиш олдидан менга жуда таъсир қилган сатрларни ўзларига ўқиб бердим:

Қор босганди Тошкент боғларин,

Қат-қат эди кўнгил зорлари.

Юрагимда гуллади бирдан

Фарғонанинг ўрикзорлари...

Ҳам мамнун, ҳам синиқ жилмайиб қўйдилар. Хаёлимда ёғаетган қор бошим узра осмондан тўкилаётган ўрик гулларига айланиб қолганди...

## 7.

Вақт келиб турмуш қурдик. Шундан кейин ҳам фикрий яқинлик, адабиёт ва шеърят ҳақидаги суҳбатлар, мунозаралар биз учун муҳимроқ бўлиб қолаверди. Ҳаёт қанча мажбурламасин, иккаламизнинг ҳам рўзғор иқир-чиқирларига, ташвишларига бутунлай ўралашиб кетгимиз келмасди. Бизни ундан кўра баландроқ, гўзалроқ туйғулар боғлаб турганидан бахтиёр эдик. Биргалашиб китоблар ўқир, адабий кечаларга, устоз Озод Шарафиддинов, Анвар Обиджон, Рауф Парфи, Сайди Умиров, Кибриёхоним хонадонларига тез-тез бориб турардик. Тўнғич фарзандимиз туғилди, чақалоқнинг ўзларига жудаям ўхшашидан хурсанд бўлсалар, яна нимагадир маҳзун ҳам эдилар. Сабаби тезда аён бўлди. Бир куни тонгда янги туркумни ўқиб бердилар. Ҳар доимги ўктамлик, шижоат бу сафар бироз синиқлик, дард ила қоришиб кетганди. Айниқса қизалоғимиз Тўмарисга бағишланган "Юпанч" номли шеър. У шундай бошланарди:

Сендан жуда хижолатдаман,

уятлиман сенинг олдингда,

ижара уйда туғиласан, болам...

Якунида шоирнинг туғёнлари, қалб кечинмалари юзага қалқиб чиқади.

Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи қизалоққа Тўмарис деб исм қўйдилар. Аъзам ака ота бўлганларидан қанчалик қувонсалар, қизимизга буюк тарихий исм насиб этганидан шунчалик бахтиёр эдилар. "Исми Тўмарис..." ўша мағрур овоз ҳамон қулоғимга эшитилади.

Ўз-ўзимнинг уйим бўлар, эҳтимол,  
бўларсан журъатлироқ.  
Айира оларсан ўз ҳақингни сен,  
кечирарсан отангни ҳам бемалол.  
Ҳар нарсани тушунадиган,  
кенг феъллироқ бўлсанг керак,  
Ижара уйда туғилган болам...

Ўшанда шоирни юпатгандай бўлдим-у, лекин очигини айтсам, анча кунгача ўзим шеърнинг таъсиридан қутулолмай юрдим.

## 8

1987 йилнинг ёзидан маърифий суҳбатларга қатнай бошладилар. Қунт билан араб алифбосини ўргандилар. Мустақилликдан олдинги йиллар, устозлари “замон хавфли, иложи бўлса, оила аъзолари ҳам билмагани маъкул”, дейишган экан. Энди танишган йилларимиз мен, отам бобомдан араб тилини ўрганларини, лекин китоблари ва алифбо ёзадиган дафтарларини доим бекитиб юришларини айтиб бергандим. Шунгами, жилмайиб, “бизга шундай тошириқ беришди, лекин сен бу жараёндан ўтгансан”

Янглишмасам, 1988 йилнинг охирлари эди. Бир куни Аъзам ака, “Муҳим иш билан сафарга кетяпмиз, 3 кунда қайтамиз, қаерга ва нима учун кетаётганлигимни айта олмайман”, дедилар. Уч кун ўтди, беш кун ўтди. Бешинчи кун эди, шекилли, Бувайдадан катта қайнағам Валижон акам қўнғироқ қилиб, отамнинг мазалари йўқлигини, шифокорлар Қўқон шаҳрига текширтиришга олиб бориш кераклигини айтиб, укаларини сўрадилар. Мен йиғлаб юбордим... Аъзам ака еттинчи кун кириб келдилар. Озиб, қорайиб кетгандилар. Мен акам қўнғироқ қилганларини айтдим. Аъзам ака жудаям меҳрибон инсон эдилар, бир пиёла чой ҳам ичмасдан Фарғонага отландилар. Кейинроқ маълум бўлишича, ўшанда Аъзам ака раҳматли Анвар қори ака иккаласи Қуръони каримнинг таржимасини олиб келиш учун Қирғизистоннинг Қорасув шаҳрига боришган, раҳматли шайх Аловуддин

Мансурнинг уйлари собиқ давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан кузатилаётганлиги учун улар чиқаолишмаган. Ўшанда Аъзам ака 28 ёшли навқирон йигит эди. Жонини таҳликага қўйиб, олис ва хавfli сафарга умуман иккиланмасдан, шижоат билан бориб келганлари худди кечагидек ёдимда...

## 9

Қуръони карим маънолари таржимасидан нусха кўчириш шундай бошланганди. Биз унгача “Ислом дини нима?” номли мўъжазгина рисоладан нусха кўчиргандик. Аъзам акани Яратган жуда катта журъат, мардлик ва дадиллик, чин аъзамлик ва ўктамлик билан мукофотлаган эди. Ҳар бир ишга ишонч ва шахд билан киришардилар. Орада “Ислом ва аёл” номли китобдан ҳам нусха кўчирилди. Муаллифи ҳозир эсимда йўқ, уни ўзбек тилига таниқли адибимиз Хуршид Дўстмуҳаммад таржима қилгандилар.

Муқаддас китобимизнинг умумий дафтарга чиройли ҳуснихатда ёзилган таржимасини Қорасувдан ё Анвар қори, ёки Аъзам аканинг ўзлари олиб келарди. Мустабид тузум, замон жуда хатарли. Бориб келгунларича, мен жонимни ҳовучлаб тураман. Кейин “Шарқ юлдузи” журнали учун иккаламиз нусха кўчирамиз. Сал кечикса, журналнинг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов кўнғироқ қиладилар. “Жоним қизим, халқ сизларни дуо қилиб, “Шарқ”нинг янги сонини кутяпти”, дейдилар. Биз баъзан иккита ёзув машинкасида ишлаймиз.

## 10.

Дастлаб “Юлдузча”, кейинроқ Чўлпон номини олган болалар нашриёти Аъзам Ўктам ҳаётида алоҳида саҳифани ташкил қилади.

Беназир устозимиз Озод Шарафиддинов аввал Аъзам акани, кейинроқ мени Кибриёхоним Қаҳҳорова билан яқиндан таништирганлар. Опа шоирни ўз жигарларидек яхши кўрардилар. Устоз Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллиги олдида 5 жилдлик танланган асарларини нашрга тайёрлаганмиз. Мен нусха кўчириш (ёзув машинкасида ёзиш)ни шу қутлуғ хонадонда ўрганганман. Кибриёхоним устозлик қилганлар. Мударриснинг қизи



эмасми, Опанинг муаллимлик салоҳиятлари ниҳоятда кучли, тез ва саводли ёзишимни талаб қилардилар. Табиатан эрқароқ эдим, Опага сездирмай, йиғлаб олардим. Бугун фақат шукур қиламан – бутун умримга асқотадиган сабоқларни Кибриёхонимнинг мактабларида олганман...

Аъзам ака шу хонадон рўйхатида турардилар. Тўйдан кейин бир муддат Опа билан яшаганмиз. Ҳар куни бир неча марта меҳмон кутардик. Ўша пайтлари Опа 76 ёшда бўлишларига қарамасдан, ёшлардан ҳам серғайрат эдилар. Пиширган таомлари, беаган дастурхонлари, суҳбатлари, ўқиган ғазаллари – ҳаммаси ҳикмат, гўзаллик ва тафаккурга чулганган, ниҳоятда мукамал, ҳавас қиладиган даражада бенуксон бўларди. Озод ака, Неъмат Аминов, Иброҳим Ғафуров билан Ойдин опа, Дадахон Нурий, Эркин Аъзамни хонадоннинг азиз меҳмонлари сифатида тез-тез зиёфатга чорлаб турардилар. У сеҳрли суҳбатларнинг, шеърхонлик, китобхонликларнинг ҳар бири - битта дарс эди... Кибриёхоним билан Озод ака айрича бир меҳр билан Аъзам Ўктамнинг “Чироқ” шеърини яхши кўришарди. Опа кўп ўқитардилар. Баъзан тушларимга киради: устоз Абдулла Қаҳҳор эккан хурмо дарахти остидаги тонготар суҳбатлар, Аъзам аканинг ўктам, гулдираган овози, Кибриёхонимнинг сокин, Озод домланинг мардона нигоҳлари...

## 11.

### ЧИРОҚ

*Бир куни ўз турмушлари ҳақида гап кетганда Абдулла Қаҳҳор “Кибриёхон, тақдирнинг ишини қаранг: чироқни Кўқонда, шишасини Самарқандда ясабди-ю, уни Тошкентда ёқиб қўйибди” деган экан.*

1. Мен яна чарчадим.

Йўқ, чарчатишди,

оғзини очмасдан ҳураётган итлар.

Яна хира тортди тиниқ осмоним.

уни ўраб олди қора булутлар.

Гувиллаб қулоғим, елкам сирқираб,  
яна Чиғатойга тушмоқда йўлим.

Шундай улуғ зотнинг хоки пойига  
бошин қўймоқдан хижолат гулим.

2. Дилда ўт, кўзимда ҳалқаланар ёш,  
лаънатлар ўқирман ўлим — балога.

Нахот қаро ернинг қаро қаъри ҳам  
муштоқ ётган экан Бизнинг Зиёга?!

Сўзлагандай бўлди кўзлари билан  
мен Ойбек домлага қолсам термулиб:

“Абдулла Қаҳҳорни учратмаганлар  
нима ҳам кўрибди дунёга келиб?”

3. Менинг ўксук дилим ёришди аста,  
ёритди ҳеч қачон сўнмаган чироқ.

Қалбимга ўт солиб қўйди бу оқшом  
тун ғолиблигига кўнмаган чироқ.

Сенинг чироқларинг порлагай мангу  
эй, суюк Ватаним — зиёга коним.

Дунёни кўзимга қиларсан ёруғ  
менинг чироқ тутган Ўзбекистоним!

## 12.

Опанинг хонадонлари мен учун алоҳида университет бўлган. Собиқ Тошкент давлат дорилфунунини имтиёзли диплом билан битирган мен, Кибриёхонимнинг университетларида қайта ўқидим, дунёни янгидан англадим. Имтиҳонларидан зўрға “3”га илинган, ҳатто “йиқилган” пайтларим

хам бўларди. Опа қаттиққўл ва талабчан эдилар, қайта тапширишга камдан-кам ҳолатларда рухсат берардилар.

Тафаккур ва муҳаббат чироқлари ёниб турган ўша табаррук хонадонни, закий ва нозиктаъб Кибриёхонимни, самимий адабий давраларни, олийжаноб Озод домламни, опага туғишган укасидек меҳрибон бўлган дарёдил Неъмат Аминовни, Опа ҳар баҳор экадиган лолаларни, ўша кадрдон ёзув машинкасини тез-тез соғинаман. Ҳамон ўша “чирок” менинг, болаларимнинг йўлларимиз ва дилларимизни ёритиб турганлигини ҳис этаман. Ҳаммаларини дуо қиламан... Донишманд ва талабчан Опанинг синовларидан ўтиш қийин эди. Яшириб нима қилдим, “5” қаёқда, зўрға “3”га илинган, имтиҳондан йиқилган пайтларим кўп бўлган... Опа қаттиққўл эдилар, қайта тапширишга камдан-кам ҳолатларда рухсат берардилар. Энди ўйласам, Кибриёхоним менга ҳаёт машаққатлари олдида енгилмасликни, енгилганда ҳам йиқилмасликни ўргатган эканлар.

Тўмарисга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома Абдулла Қаҳҳор хонадонида олинган. Опа болага шеър ёдлатиш, тил ўргатиш ҳақида кўп гапирардилар. Биз Опанинг ўғитларига амал қилишга уринардик. Гўдаклигидан зеҳни ўткир Тўмарис Анвар Обиджоннинг юзлаб шеърларини ёд биларди. Айниқса, ўзининг номи қўшилган мисраларни тез ёдлаб оларди. Бу пайтга келиб, ижара уйда яшовчи оиламиз кенгайган, ўғлимиз Темур туғилганди. Чақалоқнинг қулоғига Анвар қори азон чақирдилар.

Аъзам аканинг "Воқеа" номли шеърлари ўша кунларда ёзилган бўлиб, унда шундай сатрлар бор эди:

Ўғил, қизингга жой ҳозирламасдан,

Тўмарис демай ўл,

Темур демай ўл.

Мазмунини англамасдан, исмлар таниш бўлганлиги учун, уйимизга меҳмонлар келганида, "Шеър биласанми?", деб сўрашса, ҳали икки ёшга ҳам тўлмаган қизалоқ, албатта, ўзи маъносини тушунмасдан, аралаш-қуралаш қилиб бор овозда юқоридаги сатрларни ўқий бошларди.

Аъзам ака гўдакнинг бурро-бурро ўқишидан завқланиб: "Менинг кизимнинг тили шеър билан чиққан" деб хурсанд бўлсалар-да, лекин: "Боланинг кўнгли сезади, деганлари шу бўлса керак-да, мурғак онги билан менинг дардларимни англагандай, энг алам қиладиган жойларини ёдлаганини кара-я", - дея эзиларди ҳам...

### 13

Менинг биринчи илмий раҳбарим Талъат Солиҳов жаҳон адабиётининг жуда катта катта билимдони, кам учрайдиган ноёб салоҳият эгаси эдилар. Бир муддат Афғонистонда, Қобул университетиди ҳам ишлаб келдилар. Хориждан кайтганларини эшитиб, Аъзам ака домлани уйга таклиф қилдилдилар. Ҳеч қачон эсимдан чиқмайди, эрталаб 11 ларда бошланган суҳбат ярим тунгача давом этди. Талъат муаллим, Рауф Парфи, Дилором опам, Аъзам ака. Мен дастурхонга қараб турибман, лекин бутун вужудим кулоққа айланиб, уларни эшитаман. Талъат ака, Рауф ака тилга олаётган баъзи шоир-ёзувчиларнинг номларини биринчи марта эшитаётгандим. Мулоҳаза, муносабат, баҳс, таҳлил... Қани энди, ундай суҳбатлар... ўшанда Дилором опам шеър ўқидилар. Шеърлар нозик таъб домлага ниҳоятда ёқди. "Бу - ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётига тенглашаётгани", дея, баҳо бердилар. Устознинг ўша суҳбатда айтган яна бир фикрлари хотирамга муҳрланган. "Афғонистонда Ҳазрат Навоийни авлиё деб билишар эканлар. Зиёлиларку майли, ҳатто фаррош, бозордаги сотувчигача сизлаб, "Навоий ҳазратлари", деб ниҳоятда эъзозлашаркан", дедилар. Шу-шу Аъзам ака умрларининг охиригача Ҳазратнинг номларини бирон марта тоқ айтмадилар, тоқ айтганларга доимо танбеҳ бердилар, оддий суҳбатларда ҳам буюк шоирни "Мир Алишер Навоий ҳазратлари" дея улуғладилар. Мен ўша сабоққа доимо амал қилишга уринаман.

Дастлаб "Юлдузча", кейинроқ Чўлпон номини олган болалар нашриёти Аъзам Ўктам ижоди, ҳаёти ва фаолиятининг муҳим босқичи ҳисобланади. 1986 йилда, ташкилий жараён бошланишидаёқ директори, таниқли шоира Гулчехра Нуруллаева Аъзам акани ишга таклиф қилдилар.

Анвар Обиджон, Тоҳир Малик, Шамси Одил, Турсунбой Адашбоев, Тўлқин Алимов, Ҳамза Имомбердиев каби тажрибали иждокорлар билан бир жамоада меҳнат қилиш жуда завқли эди. Шойим Бўтаев, Рауф Субҳон, Чори Аваз, Равшан Файз, Абдурахмон Акбар сингари ёш истеъдодларнинг ўз давраси бўларди.

Аъзам ака ҳар бир ўзбекнинг уйида “Алпомиш”, “Девонул луғатит турк”, “Кутадғу билиг”, Ҳазрат Навоий ва Мирзо Бобурнинг асарлари бўлиши шарт, деб ҳисоблардилар. Таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул билан маслаҳатлашдилар. Иброҳим ака Ҳазрат Навоий ижодини болаларга тушунтириб бериш мақсадида “Камол эт касбким...” китобини ёздилар ва тез орада у “Юлдузча”да чоп этилди. Кейин, “Бобурнома” устида иш бошланди. Бу мухташам асарнинг 1959 йилда босилган нусхасини кўчиришни бошладик. Аъзам ака ўқийдилар, мен ёзаман. Ўша даврларда уни режага киритиш ҳам осон бўлмаган. Юқори ташкилотдагилар, “Юлдузча” болалар нашриёти, кичкинтойлар ҳали “Бобурнома”ни тушунмайди, деб туриб олишган. Аъзам ака қаттиқ курашганлар. Нашриёт директори, ёвқур адиб Нурали Қобул, бош муҳаррирлар А.Обиджон, Т.Маликлар ҳар томонлама Аъзам акани қўллаб қувватлаган. Аввал 10 мингта, кейин юз минг, охири 200 минг ададга рухсат олишган. Ўша пайтда нашриётда нусха кўчирувчиларнинг ишлари кўп эди. Аъзам ака, “навбат кутиб ўтирсак, кечикишимиз, бугун рухсат берганлар эртага фикридан қайтиши мумкин, ўзинг машинкалаб берақол, савоб бўлади”, деганлар. У киши ўқиб турдилар, мен нусха кўчирдим.

Шу ўринда бир лирик чекиниш қилгим келди. 2020 йил 28 февралда Москва давлат университетида Мирзо Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланган Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Туркиялик, озарбайжонлик, қирғизистонлик, татаристонлик, россиялик бобуршуносларнинг барчасининг кўлида ички муқовасига “муҳаррир Аъзам Ўктам” деб ёзилган китоб бор эди. Ҳам йиғладим, ҳам фахрландим...

Ўша даврда Сўфи Оллоҳёр ҳазратларининг “Саботул ожизин” асарлари ҳам шундай курашларда дунё юзини кўрди. Бир куни Аъзам ака, рухсат олиш учун цензурага борганларини, у идорада ўтирадиган масъул шахснинг ўзи ўзбек тилини яхши билмаслигини, Сўфизода билан Сўфи Оллоҳёрни ажрата олмаганлигини айтдилар. “Яхши англамасдан рухсат берди шекилли, эртага айниб қолиши ҳам мумкин, тезда ҳаракат қилишимиз керак”, деди. Улуғ шоир ижоди билан шуғулланаётган ёш истеъдодли олим Рашид Зоҳид ва Акрамжон Деҳқон асарни кирилл алифбосига ўтказишди, Аъзам ака иккаламиз иккита ёзув машинкасида нусха кўчирдик. Китоб ноширлар тилида “газетний” деб аталадиган хира қоғозда 300 минг ададда босилди. Аъзам ака ёш боладек ҳаяжон билан, “Саботу-л ожизин”нинг биринчи нусхасини “Жўра, суюнчи бер”, деб уйга олиб келгандилар.

## 15

Ўзимизнинг ижара уйларимиздан ташқари Кибриёхоним, Рауф Парфи, Анвар Обиджоннинг хонадонларида яшадик. Ҳаммаси битта мактаб, битта дарс ва битта сабоқдир. Буларнинг ҳар бири алоҳида мавзу.

1990 йилнинг кузида Пицундада бўлиб ўтган Халқаро ёш ижодкорлар семинарида иштирок этдилар. Ўшанда ёзган хатларида, “Жўра, жаннатга ўхшаш гўзал жойлар экан. Кимдандир қарз топ, боргач узамиз, болаларни олиб, самолётга ўтир. Ўзим кутиб оламан. Тўмарис билан Темур ҳам, ўзимиз ҳам бир умр эслаб юрамиз. Албатта келинлар”, дедилар. Жуда юпун вақтимиз эди, қарз сўрагим келмади. Боролмадик. Энди 30 йилдан бери афсусланаман...

Бурчим эмас, кўнглимга яқинлиги учун Аъзам аканинг бутун ижодлари менга ёд бўлиб кетган. Радиодаги фаолиятим даврида эшиттиришларимда шеърларидан жуда кўп ўқийман. Биринчидан, энг кўп ёддан биладиган шеърларим ҳам Аъзам аканики. Иккинчидан, бу асарларнинг дунёга келишидан тортиб, машинкада кўчирилишигача бўлган жараён билан жуда кўп азиз ва азобли хотиралар боғлиқ. Оҳанги, мазмуни, ҳатто ҳар бир ҳарфига юк ортилган, сенинг-да дардларинг, армонларинг, тилга кўчмас

йўқотишларинг акс этган бу пишиқ, фалсафий мисралар кўнгилнинг турли ҳолатларига, мавзулар руҳига жуда мос келарди.

Аъзам аканинг вафотларидан кейин Андижоннинг Шаҳрихонидан бир мактуб олгандим. Радиодаги "Ҳамроҳ" дастуримизнинг доимий тингловчиси, оддий қишлоқ аёли Муаззамхон Раҳимова менга Аъзам Ўктам ижодлари ҳақида оддий нома эмас, яхшигина илмий мақола ёзганди.

Ҳатто шоирнинг таржимаи ҳолига ҳам муфассал тўхталган, насрий, назмий асарларини изчил таҳлил қилганди. Албатта, менинг шоирга алоқадор эканлигимни билмаган. Аъзам аканинг шеърӣ тўпламлари билан бир қаторда 1989 йилда "Саодат" журналида босилган мақолалари, "Ёшлик" журналида чоп этилган шеърлари ҳақидаги фикрларини ҳам баён қилибди. Муаззам опанинг самимиятга тўла мактуби мени жудаям ҳаяжонлантирди. Агар Аъзам ака ҳаёт бўлганларида, шубҳасиз, чин юракдан қувонардилар. Чунки, шоирни доим "Мени ҳеч ким билмайди, шеърларимни биров ўқимайди", деган ўй қийнарди. Зеро, ўзларидаги ноёб истеъдодни барибир ҳис қилардилар...

Ўгайга ўхшайман она Ватанда,

Тун, Бўрон, таҳлика...

Яшашдан бездим.

Бор овоз-ла куйлаш тақиқланганда,

Овозим очилиб кетганин сездим.

## 15

Ўзбекнинг Аъзам Ўктам отлиғ ёвқур шоири жуда эрта, энди фарзандларининг камолини кўрай деганларида, 42 ёшларида бу ёруғ дунё билан видолашдилар. Қисмат экан-да, дўстлари, шогирдларига: "Ўлим ҳақида кўп ёзмаслик, иложи бўлса, умуман уни қаламга олмаслик керак", дердилару, лекин ўзларининг руҳиятларига нимагадир бу мавзу жуда яқин эди. "Билиб қўй..." номли мўъжазгина шеърда шундай деганлар:

Шодман, менга қараб масрурдир болам,

Эй гўзал дунё, билиб қўй, лекин –

Шу қизнинг камолин кўрмайин ўлсам,

Қайтиб карамайман бетингга сенинг!

Гўзал дунёнинг буни билгиси, билса-да, тан олгиси келмади, шекилли.

**16**

**2002 йилнинг 29 январи.** Аъзам аканинг сўнги сўзлари (мен унда сўнги сўз деб ўйламаганман) нуқта вергулигача, орасидаги хўрсиниқларигача, сўниш олдидан ёнган изтиробларигача, болаларига тўймаган нигоҳларигача худди кечагидек эсимда. Бутун залвори, юки, аламлари билан хали ханузгача юрагимни азоблайди, суяк-суякларимгача оғритади.

Лекин улар ҳақида ҳозир ёзгим келмаяпти. Чунки, у оғриқлар фақат меники, болаларимники. Эскирмайдиям, кетмайдиям. Орадан салкам 20 йил ўтяпти, лекин ҳозиргача Қамчиқ довоидаги туннелдан ўтаётганимда юрагим бир қалқиб тушади. Мен кетаётган машинанинг олдида ўша укубатли, қорли кунда Аъзам Ўктамни сўнги бор ота юртига олиб кетган “Дамас” пайдо бўлади...Юрагим санчади. Бўғзимга аччиқ йиғи тикилади...

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг Аъзам Ўктам хотирасига бағишланган “Йиғладим” шеъри менинг юрак оғриқларимга қайсидир маънода таскин бўлган эди.Ёзилган санасига кейин эътибор берганман.2002йил, 29 январь. Аъзам ака вафот этган кун.Опа шоирни ўз укасидек яхши кўрарди.Улар фамилиядош эди, Аъзам ака Тўмарисга Ҳалима опани “амма” деб чақиришни ўргатган эдилар.Устоз шоирамизнинг бошларига тушган синовлар, анча йиллик танаффусдан кейин чиққан китобларига Аъзам ака муҳаррирлик қилгандилар.Ўшанда Ҳалима опа, “Аъзамжон, жасоратингиз учун раҳмат, сизга миннатдорчилигимнинг рамзи сифатида китобнинг номи “Тўмариснинг айтгани” бўлсин”, деган эканлар...

Шоирнинг “Тўшакда ётгулик қилмасин ўлсам...”, “Тобутда бўлса ҳам юртингга интил”, “Жилмайиб жон берди айтиб шу сўзни, Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм”, “Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб...” деган сатрлари Фарғонанинг Хонобод қишлоғида туғилган, пойтахтда камол топган, энди



яқинларини айрилик азобида ёқиб, Тошкентдан Бувайданинг Пошшопирим зиёратгоҳигача чўзилиб кетган изтиробли, ўкинчли соғинчларга айланади...

Аъзам акасиз ўтган 18 йил 18 дақиқадек ўтиб кетди, десам ёлғон бўлади. Лекин тирикликнинг ўз йўриғи бор экан. Бу йиллар бирда соғинч, бирда изтироб, бирда қувонч, бирда азоб билан ўтмоқда. Ҳаммасига шукур.

**17**

Шоир ёшлик йилларида ёзган бир шеърларида:

Дардларимни бир-бир айта бошласам,

Уни шарҳлаб қўйди битта хўрсиниқ, – дегандилар. Ўктам шоир Аъзам Ўктам чин маънода иймон-эътиқодли, инсофли инсон эдилар. Мағрур ва синиқ эдилар. Ҳаёт билан видолашишдан олдин кўзларида нимадир ёнди, ҳа-ҳа, ўчмади, балки “ялт” этди. Кейин оғир хўрсиндилар. Афсуски, бу хўрсиниқнинг шарҳини англашга улгурмадик. Сўнгги хўрсиниқ ҳамма изохлар, дардлар ва армонлар, қоғозга кўчишга улгурмаган туйғулар, уларни кўтаролмай тарс ёрилган Юракнинг изтиробларини, айтилмаган сўзларини ўзи билан олиб кетди.

**18**

Аъзам ака “Талаб” шеърисида “Нурдан яралган қиз бу, йўқдан бино бўлган у” дейдилар. Аъзам аканинг кўнгли, шеърлари, қалбидаги эзгу ниятлари, ота-онасию, фарзандларига меҳри – ҳамма - ҳаммаси Оллоҳнинг инояти билан нурдан яралган эди. Шу даражада ёруғ ва мунавварки, беихтиёр кўз қамашарди... Ҳозир ҳам шундай, Аъзам аканинг шеърларини ўқиётиб, онгу шуурим ёришиб, кўзим қамашиб кетади...

2002 йил жуда оғир ўтди. Паҳлавонкелбат, оловқалб шоирни навқирон ёшида йўқотиш азоб, бу йўқотишга кўникиш ундан ҳам азобли эди. Кечасию кундузи хаёлимда сатрлари айланаверади. Ўшанда қишнинг ниҳояси йўқдек, унга қўшилиб менинг азобларим ҳам умуман тугамайдигандай туюларди. Шеърларини худди биринчи марта ўқиётгандай, уларнинг моҳиятини, шоирнинг изтироблари, ўкинчлари эндигина англаётгандай, ҳаётимнинг “борса келар” йўллари тугаб, “борса келмас” да қолиб кетгандай

бўлаверардим – микроинсултга чалиндим, узоқ даволанишга тўғри келди. Яхшиям, ота-онам, қайнона-қайнотамнинг дуолари қаторида шифокор укаларим Ҳамзахон ва Фариджонлар бор, уларнинг сайъ-ҳаракатлари билан оёққа турдим. 2003 йилда Тўмарис олий ўқув юртига ўқишга кириши керак, худога минг шукур, синглимдек меҳрибон Дилфуза Ғаниева репититорлик килди, ўзининг фарзандидек меҳр билан тайёрлади Тўмарисни. Бошқа фанлардан репетиторга боришга имконимиз бўлмади. Фақат битта фандан тайёрланди. Ҳозир шу сатрларни кўзим тўла ёш, фарзандларим олдида юрагимдан ҳеч қачон кетмайдиган хижолат, ўкинч билан ёзяман...

Аъзам аканинг хотирасини азизлаб, фарзандларимнинг камолоти учун жон куйдирган ардоқли Озод Шарафиддинов, Анвар Обиджон, Сайди Умиров, Турсунбой Адашбоев устозларимнинг, кадрли Ғайратжон Исаевларнинг охиратлари обод бўлсин! Доимо руҳий мадад бўлишди! Устоз Эркин Малик, Нуруллохон ака, Минҳожиддин Мирзо, Қаноатхон Солиева, Дилором Исоқова, Дилфуза Ғаниева, Гулчеҳра Келдиёрова, Ҳамидахон, Малоҳат... бу рўйхат менинг кўнглимдаги эзгу ниятларим сингари узун... Ҳаммаларидан жуда-жуда миннатдорман!

Яратганга шукур, Тўмарис 16 ёшида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетига ўқишга кирди, уни имтиёзли диплом билан битирди. 17 ёшидан ҳозирги “Миллий тикланиш” газетасида, тажрибали журналист Жалолиддин Сафоевнинг кўлида иш бошлади. Иккинчи курсдан бошлаб Корея давлатининг стипендиясини олди, контарктни тўлашда қўллаганларга, хусусан Аъзам ака фаолият кўрсатган “Шарқ” нашриёти жамоасига, унинг ўша йиллардаги раҳбари, олижаноб инсон Бобур Алимовга минг раҳмат! Университетда корейс тилидан дарс берди, корейс халқ эртаклари ва корейс ҳикояларидан намуналарни ўзбек тилига ўғирди. “Китоб дунёси” газетасида ҳар гал таржимаси чиққанида, “Аъзам ака кўрганида қанчалар қувонардилар” деб ўйлайман... Ҳозир Тўмарис атоқли тилшунос олима, филология фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети профессори Раъно Сайфуллаева раҳбарлигида

номзодлик диссертациясини ёқлаш арафасида. Дадасининг ижодига оид бир катор илмий-тадқиқий мақолалари хорижда ҳам чоп этилмоқда.

Темурхон ота кадрдон, она кадрдон Ўзбекистон Миллий университетида ўқиди, 1-курсидан отахон нашр – “Ўзбекистон овози” газетасида мухбир бўлиб ишлади. Кейинроқ “Гулистон” журналида фаолиятини давом эттирди. Унга устозлик қилган таниқли ижодкорлар Сафар Остон ва Минҳожиддин Мирзонинг умрлари узоқ бўлсин!

Тўмарисни турмушга узатганимизда куёвнавкарларни устоз Анвар Обиджон кутиб олдилар, ота ўрнида Тўмарисга оқ фотиҳа бердилар, менинг кўз ёш тўла юрагим ва хаёлимда Аъзам аканинг “Фотиҳа” шеъридаги сатрлар нур бўлиб айланаверди:

Бугун сени олиб кетаётганлар,  
Асрасинлар менга, гул билан, омин!  
Ҳеч ким ёр севмасин ёруғ дунёда,  
Кўксига чўғ эмас, гул билан, омин!  
...Кўзим, ризо кетгин мендан, онангдан,  
Бўл бахти, ҳам умри жовидон, омин.  
Бош эгиб кирганинг ул остонадан,  
Бош эгиб чиқмагин, ҳеч қачон, омин...

Э воҳ, шоир шеърида қизига оқ фотиҳасини бериб кетган экан-ку...  
Аъзам Ўктам ниҳоятда болажон эди. Унинг кўзининг оқи - *(Кўзгинамнинг оқи Тўмарис, Темур кўзимнинг қораси (“Қанотларим”))*, ойга ўхшайдиган - *(Ойга ўхшайди, жужуқ, юзларинг “Қизимга ҳасрат”)*, нурдан яралган - *(Нурдан яралган қиз бу, Йўқдан бино бўлган у... (“Талаб”))*, шоир кўнглининг кемтигини тўлдирган - *(Кўзим тўяр қараб сенга, она қиз, Тоату тақвойинг бўлай мафтунни (“Тўмарис билан суҳбат”))*, илинжи - *(Юки елкамдадир, энди, Қизим бирла аёлимнинг “Баҳор қувнатмагай кўзни”)*, энг яқин сирдоши - *(Кўғирчоғинг бир пасга қўйгин, йиғла менга қўшилиб, қизим “Эҳтиётсизлик”)*, ишончи - *(Ҳар нарсани тушунадиган, Кенг феълроқ бўлсанг керак “Юпанч”)*, умиди - *(Ҳали икки ёшда қизинг Тўмарис, бешикда*

ётибди ўғилчанг Темур “Шубҳа”), хижолати - (Ўғил-қизингга жой ҳозирламасдан, Тўмарис демай ўл, Темур демай ўл! “Воқеа”), ўтинчи - (Шу қизнинг камолин кўрмайин ўлсам, Дунё қарамайман, юзингга сенинг!) - ёлғизгина қизи Тўмарис курсдош дугонам Гулчеҳра Қулжонова хонадонига келин бўлди. Куёвимиз Жамшидбек иқтисодчи. Биринчи фарзанди туғилганда улар Гулистон шаҳрида яшашарди. Гулчеҳрадан хушхабарни эшитишим билан қайнона-қайнотамга, ота-онамга, устоз Анвар Обиджонга, укам Ҳамзахонга, Дилором опамга кўнғироқ қилдим. Гапиролмай, йиғлайман. Набира кўриш қандай катта бахт, Аъзам аканинг бу бахтдан бенасиб кетганлиги қанчалар армон, азоб... Шу ўйлар билан Гулистонга етиб бордик. Чақалоқнинг қошу кўзлари Аъзам акага ўхшар, беғубор чеҳрасида ажиб нур ўйнарди. Унинг қулоғига раҳматли отам Ҳамидулла хожи азон чақирдилар. Ҳозир Сарварбек 5-синф ўқувчиси, кичкинтой Жавохир боғчада.

Шоирнинг ўғли Темурхонга аталган умидлари, ниятлари ”Азон” шеърда ўзининг фалсафий ифодасини топган:

Бобом ўтиб, қартайгач отам,  
Ўғил берди, худога шукур.  
Дунё юзин кўрди бир одам,  
Исми унинг бўлади Темур.

Дунё юзини кўрган одам – шоир қалбининг янги дунёси, ижод оламининг янги саҳифаси эди. Унинг иймони, эътиқоди, ниятлари, аъмоли айнан шу дунё билан чамбарчас боғлиқ:

Ҳамдлар ўқиб, айтурман сано,  
Ҳаққа банда, Расулга уммат,  
Билки, шайтон дўкони дунё,  
Мардлик фарздир, тантилик суннат.

Шоир биз яшаётган борлиқ ичра мавжуд бошқа оламлар борлиги ҳақида ҳам фарзандига сабоқ бергиси келади. “Шайтон дўкони” бўлган дунёдан асрагувчи ягона нажот Ҳаққа чин бандалик, Расулга муносиб

умматлик, мардлик ва тантилик эканлигини уқтиради. “Далда” шеърида “Боланг сени севар чоғи, хур бўл, эй Аъзам Ўктам”, дейди шоир. Фарзанд севгиси – боланинг ота олдидаги вазифасигина эмас, бу улуғ туйғу шоир учун қалб озодлиги билан тенг. Темурхонга бағишланган “Тарбия” шеърида ҳам исломий-ирфоний комиллик сабоқлари давом этади.

Темурхон уйланганда ота-онам, кайнотам кексайиб қолган, кайнонам дунёдан ўтган эдилар. Тўйга Анвар Обиджон, Минхожиддин Мирзо, укам Ҳамзахон бош бўлишди. Анвар қори никоҳ ўқидилар. Келинимиз Висолахон журналист, Аъзам ака кўрмаган набиралар – Муҳаммад Содик ҳазрат болам, Ҳанифахон қизимиз улғаймоқда. Ҳазрат боламдан тез-тез, “Фамилиянгизни айтинг”, деб сўраб тураман. Ҳазрат болам бурро тиллари билан, “Аъзамов” деганларида қулоғимга Аъзам аканинг гулдирак овозлари эшитилгандай, вужудимни нур чулғагандай бўлади...

### **ХОТИМА**

Болалигимда қабристон ёнидан ўтишга кўрқардим. Аъзам акадан сўнг қабристон умрим ва кўнглимнинг бир бўлагига айланди. Укам Фарҳоджоннинг бевақт вафотидан кейин янада қадрдонлашдик. Оллоҳнинг раҳмат нури ёғилиб турган қабристон қалбимнинг зиёратгоҳи бўлиб қолди...

Ҳақни таниган чин бандасини, покиза зотни Оллоҳ ўз раҳматига олгани рост бўлсин.

Шоирнинг фарзандлари ва менинг эса

Айтиб-айтиб йиғламакдин,

Борму ўзга тадбирим...

“Айтиб-айтиб” йиғлаганча 18 йил ўтибди. Аъзам ака ҳаёт бўлганларида 4 октябрда 60 ёшга тўлардилар. Шу муносабат билан “Аъзам Ўктам ижоди бадиияти” мавзусида Москва давлат Лингвистика университети, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда Халқаро илмий-амалий конференция ўтказган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университетига, университет ректори, профессор Акрамжон Юлдашевга, ўзбек филологияси факультети

декани, доцент Баходир Раҳмоновга, ташкилотчилар – Москва давлат лингвистика университети доценти, педагогика фанлари номзоди Беғам Қораевага, ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудирини, доц.Зокир Мамажоновга, истеъдодли олима Зилолахон Эшановаларга оиламиз номидан чуқур ташаккур билдирамиз. Россия, Қозоғистон, Туркия, Озарбайжон олимлари иштирок этган мазкур илмий анжуман ниҳоятда юқори савияда ўтди, республика ва хориж матбуотида кенг ёритилди.

6-7 ноябрь кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Қўқон шаҳри ва Бувайда туманида ўтказилган адабиёт кунларида ҳам Аъзам Ўктамнинг 60 йиллиги нишонланди. Биз адабиётимизнинг улкан жонкуяри ва тарғиботчиси, Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Энахон Сиддиқовадан, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов, филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари, таниқли шоир Зиёвуддин Мансур, ЎзМТРК Фарғона вилояти телерадиокомпанияси раиси Баҳром Обиджондан, Эркин Воҳидов номли ижод мактаби директори Нигорахон Манноповадан, хусусан, Бувайда тумани ҳокими муовини Ҳамидулла Исакуловдан, шоирнинг шеърсевар, китобсевар ҳамюртларидан жуда миннатдормиз. Ҳақ сўзни битган Ҳақпараст шоирнинг 60 йиллиги Москва давлат лингвистика университетида, Қўқон давлат педагогика институтида, Хоразм вилоятидаги Огаҳий номли ижод мактабида, пойтахтдаги Абдулла Қодирий ижод мактабида, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманидаги 4, 17-умумтаълим мактабларида ҳам нишонланди. Дилнинг ўкинчларига даво бўлган, қалб кемтикларини бироз бўлса-да тўлдирган бу тантаналарни кўриб, шоирнинг ўлмас сатрлари ёдга келади: “Ҳақ сўзни битмакка сарфланган сиёҳ, Жангда томган қондек Қадрли бўлар!”

Ижарама-ижара юрган йилларимиз қачон уйсиз қолсак биз учун нажот калъаси – ё Анвар Обиджоннинг, ё Рауф Парфининг хонадонларига борардик. Устоз шоирлар ҳам, Каромат опам, Дилором опам ҳам бизни ўз оила аъзосидек кутиб олишарди. Биз улардан бир умр қарздормиз... Оллоҳга беҳисоб шукурлар бўлсин, фарзандларимиз устоз Парфини “Рауф бобом”, Анвар акамни “Анвар Обиджон тоғам” деб, уларнинг ўзларини, сўзларини, шеърларини севиб улғайишди. Уларнинг шеърлари билан дунёни танишди. Ўйлаб кўрсам, худди кўзимнинг ёшлари каби, кўнглимнинг сўзлари ҳам кўп экан. Оллоҳ умр берса, бир куни кўнглимда борларини бир – бир ёзарман. “Аъзам Ўктам ижоди” бадиияти мавзусида Андижон давлат университетида бўлиб ўтган Халқаро илмий-амалий анжуманнинг, шоир таваллудининг 60 йиллигига бағишлаб Фарғонада ўтказилган Адабиёт кунларининг барча ташаббускорлари, ташкилотчилари ва иштирокчиларига минг ташаккур!

Замондошлари эътироф этганидек ўзи ўктам, сўзи ўктам, дили билан тили бир, иймонли шоир Аъзам Ўктам ижодидаги илоҳий нур ва ҳароратни, самимият ва меҳрни, адабий-ижтимоий фаолиятидаги маънавий жасоратни бугуннинг ёшлари ҳам севишлари, англашларига ишонгим келади. Шоир айтганидек:

Отдим ошиқни тикка -  
Тушар чикка ё пукка,  
Етказмоқчиман кўкка –  
Ноламга дуо денглар.  
Тарк этмасин қўлимни,  
Ойдин қилиб йўлимни,  
Нари қувар ўлимни –  
Қаламга дуо денглар...

*Андижон – Қўқон-Тошкент. 2020*

## **MUNDARIJA**

|   |    |
|---|----|
| Сирожиддин САЙИИД. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига ТАБРИК.....  | 4  |
| Минҳожиддин МИРЗО. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига ТАБРИК.....  | 6  |
| Рустам Холмуродов. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига ТАБРИК.....  | 8  |
| Ҳасан Нормуродов. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига ТАБРИК.....   | 10 |
| Энахон СИДДИҚОВА. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига ТАБРИК.....   | 12 |
| Андижон давлат университети ректори А.С. Юлдашевнинг Халқаро илмий-амалий онлайн конференция иштирокчиларига Табрик сўзи..... | 14 |

## **A'ZAM O'KTAMNI XOTIRLAB...**

|   |    |
|---|----|
| Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари.....   | 16 |
| Озод ШАРАФИДДИНОВ. Аъзам Ўқтамни хотирлаб.....  | 32 |
| Эркин ВОҲИДОВ. ....   | 34 |
| Сайди УМИРОВ. Жилмайиб ётайин Фарғонага келиб.....  | 36 |
| Рауф ПАРФИ. Мен баҳорман музлаган оғоч.....   | 40 |
| Тоҳир МАЛИК.....  | 42 |
| Анвар ОБИДЖОН. Тун бургутлари.....  | 44 |
| Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Ўзи ҳам, сўзи ҳам ўқтам эди.....                                     | 50 |
| Собиржон ОТАБОЕВ. Аъзам ва Ўқтам шоир.....  | 54 |
| Нурали ҚОБУЛ. Ижодкор ва инсон сифатида шаклланган шахсият ёхуд тулпор қадри елганда..... | 57 |



|   |     |
|---|-----|
| Фармон ТОШЕВ. Кўнгилнинг шоири.....                                   | 65  |
| Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН. Елкамиздаги қарз.....                      | 67  |
| Икромиддин ОСТАНАҚУЛОВ. Аъзам Ўктам ҳақида тўрт хотира.....           | 70  |
| Асқар МАҲКАМ. Шоирлар нега ўляпти?.....                               | 76  |
| Ҳаким САТТОРИЙ. Аъзамжон.....   | 79  |
| Рауф СУБҲОН. Қадрдонлар кадри.....                                    | 90  |
| Беғам ҚОРАЕВА. Аъзам Ўктам биз билан.....                             | 95  |
| Шойим БЎТАЕВ. Танҳо.....  | 99  |
| Александр ШИРИНЯНЦ. Азам Октам был настоящим<br>узбекским поэтом..... | 110 |
| Мукаррамой АСҚАРОВА. Шоир Аъзамжон.....                               | 114 |
| Оллоёр БЕГАЛИЕВ. Бир йўл кўринур.....                                 | 130 |
| Саид АНВАР. Аъзам Ўктам — мени ёзувчилар сафига<br>кўшган акам.....   | 143 |
| Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ. Элнинг кўнгилни кўтарар шоир.....                     | 148 |
| Рашид ЗОҲИД. Аъзам Ўктам шоир эди... ..                               | 155 |
| Акрам ДЕҲҚОН. Тирилмоқда қалбимда ғамлар.....                         | 160 |
| Тўлқин ЭШБЕК. Сўнмас меҳр сарчашмаси.....                             | 164 |
| Баҳодир ҚОБУЛ. Йўл аниқ, қайтиш йўқ.....                              | 174 |
| Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА. Маърифатга ошно кўнгил.....                     | 178 |
| Исажон СУЛТОН. Диёнатли шоир, ўктам адиб.....                         | 184 |
| Нодир ЖОНУЗОҚ. Бир шоир ўтди.....                                     | 191 |
| Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ. Шайхни ҳайратга солган шоир....             | 194 |
| Эркин ДОРИПОВ. Етти савол – етти шеър.....                            | 196 |
| Қизлархон МАМАТҚУЛОВА. Улуғ муҳаббат нишонаси.....                    | 199 |
| Ортиғали ШАМСИДДИНОВ. Катта ва қимматли асар.....                     | 200 |
| Улуғбек МАДАМИНОВ. Ўктам шеърят.....                                  | 201 |
| Тўмарис АЪЗАМ. Зиёрат.....  | 202 |

**A'ZAM O'KTAM IJODI BADIYATI**

|   |     |
|---|-----|
| Нуриддин ШУКУРОВ. Шеър – дил рози.....  | 205 |
| Ҳотам УМУРОВ. Аъзам шоирнинг исёнкор қалби.....   | 211 |
| Дилмурод ҚУРОНОВ. Аъзам Ўктам шеърляти ҳақида<br>айрим қайдлар.....                           | 223 |
| Қурдош ҚАҲРАМОНОВ. Аъзам Ўктамнинг<br>бадий олами.....  | 231 |
| Салимахон МИРЗАЕВА, Зилола РАҲМОНОВА.<br>Аъзам Ўктам ижодининг ғоявий-бадий хусусиятлари..... | 239 |
| Баҳодир КАРИМ. Аъзам шоирнинг ўктам овози.....  | 244 |
| Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. Аъзам Ўктам шеърлятининг уч асоси.....  | 255 |
| Зиёвуддин МАНСУР. Тўрт улуғ Аъзамнинг Аъзам Ўктами<br>ва унинг ўзига хос жиҳатлари.....       | 261 |
| Мўминжон СИДДИҚОВ. Мулоҳаза. Мушоҳада. Мукошафа.....  | 266 |
| Баҳодир РАҲМОНОВ. Аъзам Ўктамнинг “Дийдор”<br>достони ҳақида.....                             | 275 |
| Абдулла УЛУҒОВ. Юртнинг дардкаш шоири.....  | 278 |
| Шахло НОРАЛИЕВА, Салимжон ҒАНИЕВ.<br>Аъзам Ўктамнинг “Алишер Навоий” шеъри ҳақида.....        | 288 |
| Раҳмон ҚЎЧҚОРОВ. Аъзам Ўктам шеърлятида лирик<br>қаҳрамон шахсининг намоён бўлиши.....        | 292 |
| Мунаввара ЮСУПОВА. Моҳиятдан бадиятга.....  | 299 |
| Нигора ШАРИПОВА, Рустам ШАРИПОВ. Бу дунёга<br>сигмаган “дунё”.....                            | 305 |
| Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА. Аъзам Ўктам ижоди.....  | 312 |
| Нодира ДЎСТХЎЖАЕВА. Юрак бордир,<br>исён ватани.....  | 314 |
| Минҳожиддин МИРЗО. Миллий ўзлик ва бадий<br>талқин муаммолари.....                            | 321 |

|  |     |
|--|-----|
| Зебо ҚОБИЛОВА. Нур бўл, эй Аъзам Ўктам!.....   | 334 |
| Толибжон РЎЗИБОЕВ. Аъзам Ўктам ўтинчлари.....  | 337 |
| Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ. Аъзам Ўктам соғинчи.....  | 342 |
| Зилола ЭШАНОВА, Камола АБДУРАҲИМОВА.<br>Аъзам Ўктам ижодида фольклоризмлар.....                              | 347 |
| Камолдин ШАХОБОВ. Аъзам Ўктам шахси ва ижодида ўтиш<br>даври эврилишларининг инъикоси.....                   | 356 |
| Zulxumor NORQO`ZIYEVA. “Xabar” haqida xabar.....   | 360 |
| Нилуфар УМАРОВА. Аъзам Ўктам шеърлятида<br>ижтимоий-сиёсий муаммолар талқини.....                            | 365 |
| Икромжон АСЛИЙ-АНДИЖОНИЙ. Олтин водий таратган насим... 371  |     |
| Shaxlo RAMANOVA. A'zam O'ktam she'riyatida shariat<br>ahkomlari talqini.....                                 | 376 |
| Гулноза ОРИПОВА. Аъзам Ўктам шеърларининг банд<br>тизимлари.....   | 381 |
| Farangiz SIDDIQOVA. The heartfelt poems of Azam Uktam.....   | 385 |
| Саидахон ГОИПОВА. XX аср ўзбек шеърлятида Ўктам<br>Аъзам ижодининг ўрни.....                                 | 388 |
| Сарвара ГОФУРОВА. Аъзам Ўктам шеърлятининг ўзига<br>хос хусусиятлари.....                                    | 392 |
| Гуллом БОБОЖОНОВ. Поэтик ижодда “илоҳий хабар” воқелиги.....   | 396 |
| Odila OTABOYEVA. A'zam O'ktam she'riyatida<br>ma'rifiy-diniy mavzularning poetik talqini.....                | 401 |
| Рузахон МИРЗАКАРИМОВА, Sabina HOJIEVA, Gulmira<br>QURBONOVA . Aesthetic ideal in the work of Azam Uktam..... | 405 |
| Анора ҲОЖИМАТОВА. Аъзам Ўктамнинг “Тараддуд”и.....   | 408 |
| Ойбек ХАЙДАРОВ. Албатта, шеърда ҳикмат бор.....  | 412 |
| Сайёра РАИМОВА. Аъзам Ўктамнинг диний-маърифий<br>шеърлари бадиияти.....                                     | 417 |

|  |     |
|--|-----|
| Kamola ODILJONOVA. A`zam O`ktam ijodida “Arbain” an`anasi.....                                 | 421 |
| Jamoldin YOQUBOV. O`ktam shoirning a`zam iqrori yoxud<br>“Bir kun”dan xulosalar.....           | 425 |
| Diyora MAHMUDOVA. A`zam O`ktam<br>she`riyatida peyzaj.....                                     | 429 |
| Ahadjon MAHAMMADIYEV. A`zam O`ktam she`rlarida lirik<br>qahramon ruhiyatining yoritilishi..... | 433 |
| Бегали МЎМИНОВ. Аъзам Ўктам ижодида миллий ғурур.....  | 436 |

### **A`ZAM O`KTAM IJODINING TIL XUSUSIYATLARI**

|  |     |
|--|-----|
| Низомиддин МАҲМУДОВ. Аъзамнинг ўктам ва ўлмас сўзи.....  | 440 |
| Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Азиза ХОДЖАНОВА. Аъзам<br>Ўктам шеъриятида барқарор бирикмалар.....   | 445 |
| Сиддиқжон МЎМИНОВ. Шоирнинг дили ва тили ҳақида.....   | 449 |
| Mukhabbat KURBANOVA, Mustafa KORKMAZ. Özbek Türk şiirinin<br>hür sesi Azam Öktem.....  | 454 |
| Ёқуб САИДОВ, Гулрух САЙИДОВА. Аъзам Ўктам шеъриятидаги<br>ўхшатишларнинг семантик ва структурал-композицион<br>хусусиятлари..... | 463 |
| Носиржон УЛУҚОВ. Ўктамона ҳикматларга йўғрилган<br>шеърят соҳиби.....  | 470 |
| Беғам ҚАРАЕВА. Аъзам Ўктам шеъриятида тилнинг<br>бадий-тасвирий воситалари.....  | 475 |
| Гулчеҳра КЕЛДИЁРОВА. Аъзам Ўктам ижодида антитеза.....   | 479 |
| Муқаддасхон ҚУРБОНОВА. Аъзам Ўктам<br>ижодига чизгилар.....  | 484 |
| Маъруфжон ЮЛДАШЕВ. Ёруғликка бошловчи шеърят.....  | 493 |
| Nilufar SADULLAYEVA. A`zam O`ktam she`rlarida yig`iq<br>va to`liqsiz birliklarning qo`llanilishi.....                            | 499 |

|   |     |
|---|-----|
| Гўзалхон МУҲАММАДЖОНОВА. Жон бахш сўзу,<br>ўктам овозли шоир.....                                     | 506 |
| Дильдара МУХИТДИНОВА. Своеобразие поэзии<br>Аъзама Уктама.....  | 511 |
| Орзибони ЮСУПОВА. Хиазм – синтактик такрорнинг бир<br>тури сифатида (Аъзам Ўктам ижоди мисолида)..... | 514 |
| Svetlana UMIROVA. A'zam O'ktam she'riyatida leksik<br>birliklarning qo'llanilishi.....                | 518 |
| Dinara ISLAMOVA. A'zam O'ktam ijodida qo'llanilgan<br>transpozitiv so'zlar (otlashish asosida).....   | 523 |
| Тўмарис АЪЗАМ БУТУНБАЕВА. Аъзам Ўктам<br>шеъриятида эпитет.....                                       | 526 |
| Нигина САДИНОВА. Аъзам Ўктам<br>шеъриятида оксюморон.....   | 530 |
| Тумарис АЪЗАМ БУТУНБАЕВА. Язык поэзии<br>Аъзам Уктама.....  | 536 |
| Boburmirzo UMUNJANOV. A'zam O'ktam she'riyatida sifat<br>turkumiga oid so'zlarning qo'llanishi.....   | 540 |
| Shahrizod SHODIYEV. A'zam O'ktam ijodida antroponimlarning<br>poetik xususiyatlari.....               | 543 |
| Mahliyoxon NURILLAYEVA. A'zam O'ktam ijodida “baxt”<br>semasining ifodalanishi.....                   | 547 |
| Абдуманнон ҲАСАНОВ. Аъзам Ўктам шеърлари<br>лексикасида интралакуналар.....                           | 550 |
| Muxlisa JALILOVA. A'zam O'ktam ijodining<br>til xususiyatlari.....                                    | 556 |
| Zilola PO'LATOVA. A'zam O'ktam ijodida.....   | 560 |
| Chamangul SAYDAZZAMOVA. A'zam O'ktamning til<br>birliklaridan foydalanish mahorati.....               | 563 |

|  |     |
|--|-----|
| Marjona Tosheva. A'zam O'ktamning badiiy mahorati ("Onamga"<br>she'ri misolida)..... | 567 |
|--|-----|

**A'ZAM O'KTAM IJODINI O'QITISHNING INNOVATSION  
METODLARI**

|  |     |
|--|-----|
| Шухрат ТОХТАСИМОВ, Пўлат ТАШКЕНБАЕВ,<br>Матлуба МУРОДОВА. Аъзам Ўктам шеърлятида<br>санъат терминлари..... | 571 |
| Нодира АЛАВУТДИНОВА. Аъзам Ўктам шеърляти<br>ва нутқ маданияти.....  | 576 |
| Нозимжон ҚОСИМОВ. Аъзам Ўктам шеърляти ва халқ<br>оғзаки ижоди.....  | 579 |
| Мирмуҳсин ҒАФУРОВ, Бахтиёр АЛИМОВ “Бола<br>дунёни тебратар”асарида мусикий тарбия мавзуси.....             | 583 |
| Нигора ШАРИПОВА, Камола ШАРИПОВА.<br>Аъзам Ўктамнинг “далил” шеърининг<br>маънавий-тарбиявий аҳамияти..... | 586 |
| Гулшан НАСРУЛЛАЕВА, Шарифа НАБИЕВА.<br>Аъзам Ўктам ижодида метафора.....                                   | 589 |
| Zulxumor NORQO`ZIYEVA. A`zam O`ktam ijodini<br>o`qitishning innovatsion usullari.....                      | 596 |
| Илмира НАБИЕВА. Аъзам Ўктам шеърлятида она тили мавзуси....  | 603 |
| Юлдуз БОЙҚОБИЛОВА. 11-синфда Аъзам Ўктам<br>ижодини ўрганиш.....   | 606 |

|   |            |
|---|------------|
| <b>A'ZAM O'KTAMGA BAG'ISHLANGAN SHE'RLAR.....</b> | <b>610</b> |
| Рауф ПАРФИ.....                                   | 611        |
| Анвар ОБИДЖОН.....                                | 612        |
| Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА.....                         | 613        |
| Иқбол МИРЗО.....                                  | 614        |

|                                 |     |
|---------------------------------|-----|
| Фаррух ҲАМРОЕВ.....             | 616 |
| Нодир Жонузоқ.....              | 617 |
| Раҳимжон РАҲМАТ.....            | 618 |
| Маъруфжон ЙЎЛДОШЕВ.....         | 620 |
| Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА.....        | 621 |
| Абдурахмон ЖЎРА.....            | 622 |
| Хайрулла ҲАМИДОВ.....           | 624 |
| Одил ОҒА.....                   | 626 |
| Хуршид РЎЗИЕВ.....              | 629 |
| Ғафуржон ТОЖИБОЕВ.....          | 630 |
| Жонтемир ЖОНДОР.....            | 632 |
| Ниятулло ЭЛБЕК ЎҒЛИ.....        | 634 |
| Мукаррам АСҚАРОВА.....          | 635 |
| Шаҳодат Абдурахимзода.....      | 636 |
| Shahrizod Shodiyev.....         | 637 |
| Dilnura Hamdamova.....          | 638 |
| Amirulloxon Ismoilov.....       | 639 |
| Muattar Mamatkarimova.....      | 640 |
| Hojimurod Qo'ziboyev .....      | 641 |
| Gulsanam Madrahimova.....       | 642 |
| Ҳ.ҲАМРОЕВА СЎНГ СЎЗ ЎРНИДА..... | 643 |
| Mundarija.....                  | 664 |

**A'ZAM O'KTAM IJODI BADIYATI**  
**XALQARO ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYA**  
**(Anjuman shoir A'zam O'ktam tavalludining 60 yilligiga bag'ishlanadi)**  
**M A T Y E R I A L L A R I**

**XUDOJYESTVYENNOYE MASTYERSTVO AZAMA UKTAMA**  
**M A T Y E R I A L Y I**

**MYEJDUNARODNOY NAUCHNO-PRAKTICHYESKOY ONLAYN-KONFYERYENSIY**  
**Konfyeryensiya posvyamyena 60-lyetiyu poeta Azama Uktama**

**A'ZAM UKTAM'S LITERARY SKILLS**  
**M A T E R I A L S**

**OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE CONFERENCE**  
**The conference is dedicated to the 60th anniversary of the poet A'zam Uktam**

© Andijon davlat universiteti, 26.10.2020 y.  
Bosishga ruxsat byerildi: 27.10.2020 y. Qog'oz bichimi 80x64. 1/8  
Hajmi 41. bosma taboq. Adadi 100 nusxa.  
Manzili: Andijon shahri, Univyersityet ko'chasi 129-uy,

---